



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

5

1989

58-йил чиқиши

Бош муҳаррир

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(наср бўлими мудири)

Мурод МУҲАММАД ДҮСТ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТҮЛА
УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛҲОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Абдували Қутбиддин

ҚўЛЛАРИМНИ ЧЎЗИБ САДО СЎРАДИМ

* * *

Тахаюр тунида сени эсладим:
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Пойингда тиз чўкиб мўлтирар маъюс
кийиклар.

Бошингда гулбаргак, қароғингда ой,
Севдим дедим сени, манглайи ялпиз.
Қўй деди этагинг тишлаб ётган той
она қиз бу,
она қиз.

Қалдироқ бургутдай ерга ташланди,
Оёғимдан тортди боғлади йўлга.
Йўл чопди,
жуда кўп чопди,
Ташлади малаклар чўмилган кўлга.
Сев, сев, севвв!

Тепамдан бақириб ўтди қалдироқ,
Устимдан қичқириб ўтди шамоллар.
Ёнимга келдилар
гўзал, яланғоч
сев мени, деганча
соҳибжамоллар.

Кўзимга мил тортдим, сени эсладим:
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Осмон марказига ботаётирсан,
осмон марказига ботар
кийиклар.

Ғайрий дарахт

Наҳр соҳилида дарахт кўрингай,
Япроғи чағалай,
илдизи балиқ.
Ғадир-будирда тўфон кўрингай,

Чайир шохларига
илинган қайиқ.
Шу қайиқ ичида севги ўтирмай,
Тиззасида довул
бўйнида илон.
Суяклари беранг шамол кўрингай,
Кўрингай.

булбулга
ўшшаган қоплон.
Наҳр соҳилида
Ғайрий дарахтга
Интиланган тошқиннинг бариси қоя,
Дарахт атрофида юрак кўрингай,
Кўрингай одамлар қолдирган соя.

* * *

Ниначи қанотин ҳижоб қилсайди,
Қилкўприк йўл топиб бера билсайди,
Ғам чексак, бинафша овунтирсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

Қалдирғоч иккимиз олиб кетсайди,
Дунёдан-да йироқ ерга элтсайди,
Сўнг севиб ўлмоқдин сабоқ ўтсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

Сени мен кўзимга солиб турсайдим,
Фақат ёш оққанда аксинг кўрсайдим,
Юракка хат ёзиб сенга берсайдим,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

Ё семурғ бизларни бола қилсайди,
Муҳаббат наҳрида чўмилтирсайди,
Иккимиз бир лаҳза бирлаштирсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

Автопортрет

Мен жуда ёлғизман,
Гўё қудуқда
Қовурғамгача сув, баданим оғу,
Билагим увушиб типирчилайди —
Мисли сўнгги нола, охириги ёху.

Мен жуда ёлғизман,
Қудуқдир жойим,
Безиллар, яшринар мендан чувалчанг,
қурбақа, сен балки малаксан асли,
не бўлар аслинга қайтолсанг.

Мен жуда ёлғизман,
Қўлимда нина
Тиламан, қазийман чуқурдан-чуқур.
Тепадан тош тўла пақир ташларлар,
Сўрарлар қилиб бер дея жавоҳир.

Мен жуда ёлғизман,
Азобим чексиз,
Қўлимда занглаган қадимий тақа.
Бўйнимга ёпишиб этар тавалло
Аслига қайтолмай ётган қурбақа.

Мен жуда ёлғизман,
Тепадагилар
Кенгликда от суриб овлашар гуноҳ,
Мени тушунмаслар (фаҳм шарт эмас),
Аждарман
Ва исмим «Оҳ»дир менинг,
«Оҳ!»

* * *

Олам-олам бўлгандан буён,
Ҳатто сувни ёндирар тугён.
Одам-одам бўлгандан буён
Пуфак юрак аро
Ҳаяжон!

Гулшан-гулшан бўлгандан бери,
Ҳосил берар оқ, қора тери.
Гулхан-гулхан бўлгандан буён
Қизиб турар юракнинг
Ери!

Хаёл-хаёл бўлгандан бошлаб,
Умид-умид бўлгандан бошлаб,
Тоғу тошда, йўлларда сарсон —
Ҳумодан сут сўрайди армон!
Ҳумо-хумо!
Сўрганим-сўрган.
Лабу лабим
Тамшаниб турган...

Икки метафора

1

Чироқ-кўтарганча-ўтади-ана —
Букчайиб-этагин-йиғади-кампир —
Минғирлар-тераман-тилла-дўлана —
Эзғилаб-яхшилаб-қорийман-хамир —

Туп-тузук-кун-бўлар-хуштаъм ва иссиқ —
Кулчани-боламга-бераман-пуфлаб —
Баландга-чиқади-қилар-нонушта —

Болада-баъзида-юборар-туфлаб —
Инжиқфеъл-биламан-овчи-бўлмоқчи —
Доим-тўйдиради-кучукчасини —
У-содиқ-боламга-абадий-соқчи —

Чироғи-ўчади-кетади-ана —
Букчайиб-этагин-йиғади-кампир —
Кучукча-тамшанар-келади-бола —
Нонушта-қилади-кулчаси-иссиқ.

II

Пўписалади:

— Миянгни ёриб қатигини чиқараман.

Орқасида турган тошни кўрсатди:

— Дабдала қилишга шу ҳам етади...

У бўлса келаберди:

— Қўрқмайман. Ҳамма исмим

билар — Қувондиқ.

Душмани кўймади, тош улоқтирди,

Дунёга тирқираб тўкилди қатиқ.

Уйғонди қишлоқлар, шаҳарлар, юртлар,

Тамшанди: О, қандай ажойиб саҳар.

У эса чалажон, зўрға жилмайди:

— Қувондиқ сизларга обкелди шакар.

Исмсиз ҳасрат ҳақида икки шеър

I

Қамуқ олам аро сарбон сўрадим,

Суягим қамашиб ёнди кўкрагим.

Вой-эйй...

Овозим ялтиллаб учди ногаҳон,

Кўзларим мўлтиллаб кўтарди фиғон.

Вой-эйй...

Мисоли юракка теккандай қамчин,

Томирим шишириб юборди санчқик.

Вой-эйй...

Қўлларимни чўзиб садо сўрадим,

Ҳамдарду меҳрибон худо сўрадим.

Вой-эйй...

Бошдан то оёқ тупроққа беландим,

Қорачуғларимни бир-бир эладим.

Вой-эйй...

Этиму энгаким қизир такарлаб,

Ҳаттоки қонимни олдим шакарлаб.

Вой-эйй...

Қамуқ олам аро сенсан, сизимсан,
Тўлғониб, тўлғотиб туққан қизимсан.
Вой-эйй...

II

Ташландиқ кечада ёлғиз ўзимман,
Бинафша сачрайди босган изимдан.

Э-вооҳ...

Юлдузлар саргашта ўнгу сўлимда,
Яхлаган ой-офтоб келар йўлимдан.

Э-воооҳ...

Тошқинлар имиллар баҳри сукутда,
Шамоллар чўкканлар наҳри вужудга.

Э-воооҳ...

Қайгадир барибир керак етмагим,
Тешилса ямабу ясаб этагим.

Э-воооҳ...

Қаричлаб-қаричлаб арзу-самони,
Кутарман бетоқат оний имони.

Э-воооҳ...

Мен ахир, мен ахир ўйнаб бораман,
Жонимни сен учун чайнаб бораман.

Э-воооҳ...

* * *

Буғдойзорнинг нафас олишидай,
Чигиртканинг сассиз сакрашидай,
Ҳансираган тўзоннинг йиқилишидай,
Умидли дунёда
умидланаман.

Чумчуқ кўзин сўлакдай оқизган,
Нурларга таъм берган гилосдай,
Депсиниб буқадай тушовин узган,

Тўфондай бефаҳм ҳаллослаб,
Умидли дунёда
умидланаман.

Кипригим тароғу қорачиқ кўзгу,
Лабимда булоғу юзимда уйку,
Топган сулувимга кўксимни очсам —
Юрагим лагандир, ичида орзу...
Умидли дунёда
умидланаман.

* * *

Истардим,
фалакнинг қабоғи бўлса
Ва қабоқ ичида бўлса чимилдиқ.
Атрофим сабуҳий мушқларга тўлса,
Ҳам сен кутсанг мени
Дилинтиқ.

Истардим,
юлдузлар чароғим бўлса,
Зулмат кечаларин кечсам адоғин.
Бир ажаб, сеҳрли чорбоғим бўлса
Ва сен ёлғиз бўлсанг.
Азобим.

Истардим,
кўнглимни улоқтирсаму
Бу ёвуз оламга...
Юрак устига
сени ўлтирғизсам,
Термилсам, термилсаааммм...

Истардим,
ва лекин оёғим ботган,
Ҳаёт бўғиб қўйган гирибонимдан.
Бу ёғи ёшим ҳам ўттизга етган,
Бу ёғи умид йўқ тошдай жонимдан.

Истардим...



Ўқтам Усмонов

КИШИДАН

Қисса¹

II

Қулоқларни қоматга келтирар даражада қўнғироқ жаранглади — бу маҳкумларни чорак соат турма ҳовлисида айлантриб келиш белгиси эди. Тошмамат буни эрталабдан бери кутаяпти; ташқари ҳозир совуқ бўлиб қолгани учун у иложи борича иссиқроқ кийиниб олишга ҳаракат қилди. Қамалганининг тўртинчи куни эрталаб ўзидан-ўзи товуши бўғилиб чиқди, шамолладими ёки асабиданми — билмайди; баъзан бирдан ҳаво етишмай қолади. Уни турма врач кўриб, шамоллаганга қарши дорилардан берди. Тузалавермагач, врач яна кўриб «асабдан, асабдан» деди-ю, кетаётиб, «аста-секин соғаясиз» дея зарда қилиб ҳам қўйди... Лекин одам боласи ҳар нарсагаям охири кўни-каркан: тақдир, ҳаётдай бешафқати йўқ ўзи — у истасанг-истамасанг сабр-қаноатга ўргатади. «Тошмамат қамоқда»!!! Бир-икки ой, айниқса, бир йиллар бурун бундай гапга у ўлақолса ишонмас эди. Шу сабабли турмага тушган дастлабки кунларида унинг хаёлига не-не шайтоний фикрлар келмади, ахир: шўр пешона жони ўзига шу қадар ортиқча кўринди! Аммо ҳар қандай бахтсиз кимса ҳам ўзининг ўша мўртгина ҳаётига шунчалар кўп пинҳоний ришталар билан боғланиб кетар эканки, даҳшат — жонидан обдон тўйган одам ҳам ўзига ўзи қўл кўтаролмайди! Ҳатто ҳаётидан бутунлай юз ўгирган вақтида ҳам бу ишни қилолмайди, чунки чорасини тополмайди. Қандай ўлдирди, ахир, ўзини? Бирон-бир яроғи ёки тиг-пиғи бўлсаки, кўзини чирт юмса-ю... Йўқ, ҳеч нарса йўқ. Қамоқ деган жойда бунинг ҳам олди олиб қўйиларкан. Ҳатто камаринггача, туфли боғичинггача ечиб берасан. Шу йўсин жонидан тўйган маҳкум яна баттар умидсизлик ботқоғига ботиб бораверади. Қамоқхона — бамисоли одамни тириклайин ютадиган ўпқон: ўз қадрини билган киши учун қамоқнинг ўзи ўлим жазосидан баттар...

Эшик қарсиллаб очилди; бугун ҳў Тошмаматни биринчи олиб келганларида «мана жойингиз» деб қўполлик қилган анов Шопмўйлов назоратчи навбатда экан. У Тошмамат останадан ўтаётганда елкасига қўлини қўйдими ёки хиёл итариб юбордими, ишқилиб «олдимга туш» дегандай ишора қилди. Азбаройи кўзи ёқимсизлигидан Тошмамат дарров ерга қараб қолди. Тош йўлакдан чопиб ўтаркан, ўнгга бурилаётиб, олдинда кетаётган, энди камерадан чиқаётган бошқа маҳкумларга ҳам дуч келишди. Назоратчи уларни худди пода ҳайдагандай олдига солиб боряпти. Ора-сира «тез, тез» деб ўшқириб қўяди... Тошмамат кунига бир марта ўн беш минут давом этадиган мана шу «саёҳат»га ҳам охири минг бора шукур қиладиган бўлди. Ҳатто ойнага қарамай аниқ биладики, камерада кун кўрмай ётавериб ранги қоғоздек сарғайиб кетган; шу санокли кунлар ичида сочи бутунлай оқариб битганини эса ҳали ўзи билмайди. Эрталаблари кир совунда юз-қўлини ювгани учун бетлари қандайдир қуруқшаб, ҳатто чимчиган, эзганни ҳам унча сезмайди.

Тошмамат бошқа маҳкумлар қатори таниш зиналардан чопиб тушиб, таниш кулранг бино биқинидан чиқиб келди-да, кенг сайҳонга ўтилди. Қор ёғибди! Унинг аллақандай ўзига хос иси бор... Тошмамат кўзлари қамашиб, бироз қўлини пешонасига айвон қилиб юрди. Кейин тубсиз мовий осмонга тикилганча хомушланиб қолди, кўнгли бузилди; овоз чиқариб кетма-кет эснаркан, ўз ҳаёти шу топда тақдир ўйини ёки мавҳум бир

Охири. Боши ўтган сонда.

чўпчакка ўхшаб туюлди... Бу ерда бемалол юриш ҳам йўқ, негадир нуқул чоптиришади, хойнаҳой, вақт кам, кўпроқ ҳаво олишсин, дейишса керак-да.

Маҳкумлар айланадиган сайҳон тўрт тарафдан баланд-баланд бинолар билан ўралган, худди чуқур оролчага ўхшайди. Яна ичкаридан икки метрлик алоҳида цемент девори ҳам бор, сарҳади ўрнига тиканли симдан тўсиқлар тортиб қўйилган. Бурчак-бурчақда қаққайган симёғочлар ҳам гўё маҳкумларга пўписа қилаётгандай учи бирдан пастга қайрилиб тушган: тиканли қўралар шу симёғочларга маҳкамланган... Одамни бамисоли босиб тушадигандай кўринган бу баланд, хўмрайган биноларнинг қачон қурилганиям номаълум. Маҳкумлар дайдиб юрган кафтдеккина «ҳовли» юзига ҳам бетон ётқизилган, айрим жойлари чўккан шекилли, устидан асфальт солиб текисланган. Бирор-бир дарахт ёки кўкат кўринмайди, ёзда чидаб бўлмаса керак. Ҳар қаватда дераза ўрнига қоқ шифтга тақаб бир хил дарчалар ўрнатилган, уларга сиртидан темир панжара қоқилган. Ҳаётдан вақтинча ёки бир умрга итқитиб ташланган бу ғариб маҳкумлар шу аҳволда яшади десаям, демасаям бўлади. Дарвоқе, Тошмаматнинг фикрича, уларнинг кўплари илдизи билан кўпориб олинган дарахтдек шу зиндонда аста-секин ҳам жисмонан, ҳам руҳан эзилиб, қуриб борадилар. Гўё улар ёвуз ботқоққа ботганлар; омади келгани бир амаллаб чиқиб кетиши мумкин, келмаганини эса шу жирканч муҳит охири ютиб юборади...

Ҳамма ёқда бир энлик қор; қуёш ярқираб кўзни олади, аммо совуқ нурлари кифтни илтишдан кўра кўпроқ этни жунжиктиради. Сайҳондан елвизак ўтади шекилли, тўрт томон берк бўлса ҳам, ора-сира қор учқунлари юз-кўзга келиб санчилади... Сал ўтмай бирдан осмон туби қарсиллаб, сал наридан қийшайганча ярим доира ясаб вертолёт учиб ўтди, ҳамма тепага қараб қолди. Боядан бери калта-калта йўталиб юрган ориқ бир киши кўз ёшларини яширолмай, энгининг орқасига артди...

Тошмамат бир ойдан ошиқроқ вақт ичида шуни яхши тушундики, қамоқдагилар, аиниқса, бу ерни ўзиники қилиб ўрганган маҳкумлар турмага ким келишидан қатъий назар, уларнинг қитдай бўлса ҳам «устунлик»ларини тан олмайдилар. Мабодо кимдир ўзини улардан сал устун қўйдими ёки уларга шундай туюлди — тамом; бундан оғир, бундан ортиқ кечириб бўлмайдиган гуноҳ йўқ бу ерда. Уша заҳоти унинг «жазоси» берилади, ўша заҳоти одам йўлаб тополмайдиган қўпол таҳқирлаш, азоблаш йўллари йўлаб топилади. Турмани ўзларига бошпана қилиб олган қирриқ маҳкумлар бу нарсаларга устаси фаранг бўлиб кетишган. Ўзганинг номуси, ориятини хўрлаш улар учун оддий, ҳар кунги машғулот ва қолаверса, ўзлигини намоийш қилишнинг ўзига хос «услуби» эди. Буни Тошмамат хў тунда, уч кишилик камерага кириб қолганидаёқ яққол сезди. Уша пайтда унча сезмаган экан, кейин неча марталаб эсига тушганда юраги орқасига тортиб кетаверди: аввалига ўз ғами-ташвишига кўмилиб анови тўнкарилиб ётган маҳкумга унча эътибор бермабди. Лекин.. азонда қоқ теласига келиб бақрайиб турганини ўйласа, ҳозир ҳам бадани сесканади: нима қилмоқчи эди у ўзи? Тошмамат ҳалигача тушунмайди. Фақат сўлаги оққан оғзи ва нурсиз, хунук кўзларини эслайди... Уша маҳкумни Тошмамат икки марта «ҳовли»да ҳам кўрди. Биринчи гал у Тошмаматдан кўз узмай узоқ тикилиб турди, кейин эски одати бўйича бесабабдан-бесабаб ҳиринглаб кулди, атайлаб орқасини ўгириб, елкасини қаший бошлади. Тошмамат «нима бало, ростдан ҳам жинними бу?» деб ўйлади яна. Кейинги кўрганда эса у негадир Тошмаматга мутлақо қарамади. Ўз тўпида «ҳовли»ни айланиб юрди-юрди-да, кейин лўкиллаб йўлакка кириб кетди. Тошмамат, тўғриси, унга биров қизиқиб ҳам қолди. Нима учун? Билмайди. Эҳтимол, турмада биринчи дуч келган одами шу бўлгани учундир.... Бировдан сўрай деса, сўрайдиган одами ҳам йўқ. Бунинг устига ортиқча савол бериш мумкин эмас бу ерда. Гўё ўз ташвишинг ўзингга етмаётгандай...

Уша Барзанги бугун ҳам чиқибди; совуққа қарамай Тошмаматнинг дўпписини кийиб олгани қизиқ. Рўпарадаги цемент деворга суянганча, бино ичидан чиқиб келаётганларни кузатиб турибди. Тошмаматга кўзи тушиши билан дарров илжайди, кейин кафтига бир-икки йўталиб нарёққа ўгирилди. Бунга сари Тошмаматнинг ичи қизиди. Нима гапи борикин унинг? Нега Тошмаматни кўрганда ҳар қалай ўзгариб қолади? Ёки танирмикин уни? Э қаёқда! Утган йили республика газеталарининг биринчи бетига Тошмаматнинг каттакон расми чиққан эди, балки ўшани кўрганми? Бундайларнинг мияси бунақа нарсаларга жуда ўткир бўлади!.. Унда ўша биринчи учрашгандаёқ сўрамасмиди? Устидан кулиб, майна қилмасмиди: ўтган йили газетада расминг чиқиб, бу йил турмада ўтирибсан, деб. Тошмамат иложи борича унга яқинроқ юриб, агар хоҳиш билдирса, у билан гаплашмоқчи бўлди.

Назоратчи қоровуллар шу ердаям одамни тинч қўйишмайди, «тез, тез» деб қисташади. Тошмамат ҳам биринчи бор «ҳовли»га чиққанида тез юравериб салда харсиллаб, терга ботган эди. Лекин анови Барзангига ўхшаш уч-тўртта тепса-тебранмаслар шу ерда ҳам пинакларни бузишмайди; холироқ жойга ўтиб, безарйганча тураверишади. Назоратчилар уларга пўписа қилиб бақириса ҳам зўр-базур, номига бир-икки қимирлаган бўлишади-да, яна серрайганча тураверадилар, «Асаблари хўпам мустаҳкам-да шуларнинг...» деб ўйлайди Тошмамат уларнинг сурбетлигига ёқасини ушлаб.

Тошмамат атайлаб икки марта Барзангининг ёнидан ўтди. Кейинги гал олдида бора

туриб, шарт ўғирилди-да, унга босим тикилиб ҳам қўйди. Аммо Барзангининг қиёфаси ҳеч нарсани ифодаламас, Тошмаматнинг қараётганига эътибор ҳам бермаётган эди. Ҳамма лўк-лўк ҳаракатда... Тошмамат унга учинчи бор яқинлашганда беш-олти одам бир ерга тиқилишиб, Барзанги уларнинг панасида қолиб кетди... Назоратчилар бўлса, йўлакка қирадиган эшик яқинида тўпланишиб олиб, кўзлари маҳкумларда-ю, ўзлари нима ҳақдадир қизгин тортишишяпти, Барзанги ҳам бу гал Тошмаматга зимдан разм ташлаган кўйи хиёл жилмайгандай бўлди; Тошмаматнинг зидан тушиб лўклидан чопиб кела бошлади. Тошмамат унга яна бир қараб, «ҳа тузук, бугун бўлмаса, янаги гал албатта гаплашаман» деган фикрни хаёлидан ўтказди. Шу пайт нимагадир қаттиқ қоқилиб, гуп этиб ерга йиқилди. Шошилганча инқиллаб тураётган эди, кимдир думбасига шу даражада қаттиқ тепдики, яна мункиб кетди. Уч-тўрт киши кетма-кет яна тепиб ўтди. Кимдир пиқ-пиқ кулиб юборди. Тошмаматнинг бошига қон урганча, сапчиб ўрнидан турди ва «тепган одам ким» деб маҳкумларга ғазаб билан аланг-жалаң қарай бошлади. Барзанги худди ҳеч нарсани кўрмагандай ҳамон лўк-лўк чопиб боряпти; ёнида уч-тўртта ўзига ўхшаган беўхшов маҳбуслар. Сал юриб Тошмаматга ялт этиб қаради-ю, мийғида кулиб қўйди. Тошмамат жон ҳолатда қоровулларга юзланди. Шоп мўйлов шу томонга кўз тикиб турган экан, ҳойнаҳой юз берган воқеани кўрди шекилли, Тошмамат қараши билан кўзини олиб қочди ва шоша-пиша шерикларининг сўхбатига қўшилди. Гаплаша туриб, яна Тошмаматлар тарафга қараб қўйди. Тошмамат нима қилишини билмай гарангсиз қолди. Атрофидаги маҳкумлар вақт озайганини сезиб, баттар йўрғалаб юришибди. Барзанги эса намойишкорона фўлдайганча энди ҳеч нарсани билмагандай сўррайиб кетяпти-ю, лекин бутун диққат-эътибори Тошмаматда. Тошмаматнинг назарида кўпчилик уларни кузатаётгандек туюлди. Нима қилиши керак? Бориб ёқасидан олсинми? Тонса-чи? Ўзи Тошмаматга ёпишиб кетса-чи девдай гавдаси билан! Кимни гувоҳ қилади унда?..

То Тошмамат бир қаторга келгунча ҳавода айланиш вақти тугади — назоратчининг ҳуштаги эшитилди. Қоровуллар зина четида қатор тизилиб, маҳкумларнинг оёғи тозами, лой олиб киришмаяптими, деб қараб ўтказа бошлашди. Худди Тошмаматнинг кўксига қайнаб келаётган ғазаб оловини сезгандай, Барзанги биринчилардан бўлиб бино йўлагига кириб кетди. Тошмамат аламдан дағ-дағ титраганча «ҳовли»да туриб қолди. Бир пайт қараса, Шоп мўйлов назоратчи «қани, юр» дегандай уни узоқдан туриб имлаб чақиряпти. Тошмамат тез-тез бориб йўлакка кирди-ю, худди ўргатилган молдек ўз камераси томон йўналди. Орқасидан темир эшик қарсиллаб ёпилгач, ўзини каравотга ташлади-ю, анча вақтгача миқ этмай ётди, нимани ўйлаётганини ҳам аниқ билмайди ўзи. Аммо пароканда фикрлар келиб-кетгани сари мияси тарс ёрилгудек бўлар, ўзини шу даражада хўрланган ҳис этарди. У умрида биринчи марта ошқора зўравонликка, дағал ҳайвоний муносабатга дуч келди! Қанчалар даҳшатли, инсонни ер қилгувчи туйғу эди бу! Жавобсиз қолган бу ҳақоратнинг алами қайтага энди зўрая бошлади. Кимга, нима деб айтади бунга? Назоратчилар кўра туриб, кўрмаганга олишди ўзларини. Шу ерда ҳам зўравоннинг ошиғи олчи-я!.. «Нима қилиб бўлса ҳам бу жаҳаннамдан қутулиши керак у! Қутулиши керак! Аммо қайси йўл билан?! Тақдир анови ландовур Рустамовнинг қўлида экан... у сира шошадиганга ўхшамайди. Мана шу шошмаслигидан ўзи ҳузурланаётгандай. Наҳотки одамларни эзиш, хўрлаш, нозик туйғуларни ўйинчоқ қилиш... наҳотки шу бадбинликни ўзига касб қилиб олганлар ҳам бор-а! Энди бу ёғи нима бўлади?..»

Тошмамат ҳали баъзи дийдаси қаттиқ маҳбуслар бирон нарсадан ғазабланганлари учун эмас, шунчаки одатланганларидан ҳам бировга жоҳиллик қилишларини яхши тасаввур этолмас эди; улар меҳр-шафқат туйғусини бутунлай унутиб юборганларини ҳам билмасди. Шу сабабли, у бирдан ўзининг қўрқоқлиги, ношудлигидан орланиб кетди. Яна бир-икки марта шундай воқеа юз берса, киши ўзигаям ишонмай қолади: бутун одамлар, бутун инсониятга нафрати кўзийди...

Кейин эрталабки суюқ бўтқани эслаб, бирдан Исмоиловни кўз олдига келтирди. «Қандай чидаётганикин? Кисловодскларда пул созуриб, ҳатто ресторан официантларигача ўзига қулдай ўргатиб олган мечкай... томоғидан қандай ўтаётганикин манови бўтқа? Ял-ял ёнган гўзал жувонлар, сауна деган ҳаммомлар. Одам, суриштириб келганда пуф деса учиб кетадиган ҳасдай ожиз бир нарса экан-у, аммо иши юришиб турган пайтда ўзини салкам худо деб билади!.. Бозор ака бечора нима қилаётганикин?..»

Қизиқ, Рустамов ҳали шу пайтгача Тошмаматни улар билан боғлаб, бирор-бир тайинли сўроқ ҳам қилмади. Тўғри, ўртада икки ҳафтача бутунлай чақирмади; «Рустамов бошқа бир жойга кетган, бошқа иш билан банд, сиз ҳозирча ётаверинг» дейишди. Бу гапни ҳам Тошмаматга ўзини яқинроқ олиб юрадиган анави Малла йигит айтди. Шоп мўйловга куни қолганда-ю, буям йўқ эди. Ростини айтганда, шу Исмоиловларга боғлайдиган бўлишса — тезроқ боғлаб қўя қолганлари ҳам яхши эди; ётадимми бу каталакда — анови каламушларга ем бўлиб... Бугунги кўрган куни ўла-ўлгунча эсидан чиқмайди, Бу номус, бу шармандаликин, бу ожизликин қандай ювиш, қандай унутиш мумкин? Ювиб бўлмайди! Ҳеч қачон!.. Ахир, яқингинада Тошмамат ким эди? Ўзига ўзи пошшо эди! Ҳамма қўл қовуштирган! Оғзининг ели билан... Мана, энди қай қўйга тушиб ўтирибди? Қаердаги исқирт, одам деб аташга ҳам киши ҳазар қиладиган бир махлуқдан

тепки еса-да, қўлидан ҳеч нарса келмаса?! Худди қудуққа тушгандай: фақатгина тепада битта туйнук бор, холос. Ҳақиқатни ҳам, адолатни ҳам, яхшилик, ёмонликни ҳам, жазо, ҳукми ҳам энди у фақат шу битта йўлдан — битта тешиқдан кутади! Узининг ҳақлигини, ваз-қарсонларини исботлашга энди унда имкон йўқ; қудуқда гапиргандай овози тепага чиқмайди. У ҳар қанча куйиб-ёнмасин, ҳар қанча ўзини оқламасин, далил-исбот кўрсатмасин — барибир ўша туйнукка сиққанингина танлаб олишади, қолгани қолиб кетаверади...

Тошмамат бундан сал илгари «Исмоилов ундай деб қўйса-я» деб хавотирга тушганларини эсласа, ҳозир бундан ҳафсаласи пир бўлади. Рустамовнинг бу шошмай, ипнинг учини топиб, аста-секин тортишида ҳеч қандай сир ҳам қоладиганга ўхшамайди ўзи. Охири бориб ҳаммаси очилади. Тошмаматда бунга энди шубҳа йўқ. Шунинг учунми, ёлғон билан узоқ яшолмаслигига кўзи етганиданми, ишқилиб, Тошмамат баттар калавасини йўқотиб қўйди. Бўлмаса — хотираси жойида, ҳар қандай нарсаниям туппа-тузук, боши-охири билан ўйлаб туради-да, қўққисдан чалкашиб қолади, нима ўйлаётганини эсидан чиқаради... «Қизик, минг урин, юз урин — рўпарангда ўтирган кимса сен ҳақингда қандай фикрдалигини барибир бир умр билмай кетасан. Ҳатто «девор бўлмаса кўчани кўрадиган» синчков одамлар ҳам ўзганинг кўнглидагини тугал билолмайдилар; чунки нариги киши ҳеч қачон сен ҳақингдаги фикрини охиригача очиқ айтмайди ёки айтиб бериш қўлидан келмайди. Узоққа боришга ҳожат йўқ — ман а шу тирмизак Рустамов! Нима ўйин қиляпти у ўзи? Ҳар куни оз-оздан, битта-битта сўраб, нима деса, шунини ёзиб олади-да, кейин шунга қўл қўйдиради. Топган иши шу. Бунақада Тошмамат узоққа бормаса керак, бир кунмас бир кун торс ёрилади-ю, тамом. Тошмамат «бор-е» деб кетиворса, ҳамма вайсаб юрган ҳозирги висир-висир гаплар-у, ҳақ-ноҳақ чайнашлар, аламдан тарқатилган ғийбатлар... шуларнинг бари осмонда дайдиған булутдек бир зумда йўқлик қаърига сингиб кетади. Шунга шунчалик. Киши умри ўзи зўрға қалтираб турган сўнги япроқ-ку, шунга шунчалик! Қанча-қанча таҳқиқлар, юрак олдиришлар, ваҳималар, «хўжайин нима дерикин» деб тунлари ухламай чиқишлар... Тошмамат мундай ўйлаб кўрса, «униси нима дерикин, буниси нима дерикин» деб қанча-қанча тўғри масалалардан ҳам бекорга ҳадиқсироган экан. Афсус. Оддийгина, алифдай тўғри нарсаларни ҳам журъатсизларча четлаб ўтибди-я! Ёлғон қоғозга уялмай-нетмай одамларга битта-битта қўл қўйдириб чиқибди-я! «Ҳей, бекор айтибсан» деб қўлига қайтиб берганда ўша Исмоилов нима қиларди, хўш?! Отиб ташлармиди? Ёки осармиди? Ҳеч нарса қилолмасди! Зўр келса, шу бригадирлигини оларди! Оддий механизатор... нима, ёмонки? Ё шундан бир ери кемтик бўлиб қолармиди? Ҳар қалай ҳозир бу ерда ўтирмасди-ку... Йўқ! Ҳамма бало амалда, мартабада! Ундан воз кечиш қийинлигида!!! Кичкина бўлса ҳам — амал! Ажралолмайсан! Қайтага оч канадек баттар ёпишасан! Э, аттанг, аттанг!..»

Тошмамат ҳамон кароватида қимир этмай ётаркан, кутилмаганда тепадаги дарча ортидан чумчуқ овози эшитилди: «чирқ, чирқ», «чирқ, чирқ». Тошмамат аввалига энтиқиб шифтга қаради. Кейинги дақиқада шу кўвнок «чирқ-чирқ»лар ҳам жароҳатга босилган туздек дилини оғритди. Кафтлари билан қулоқларини беркитиб олди. Шу ҳолатида яна анча вақт қимирламай ётди. Охири ўз хўрсинишидан чўчигандай сапчиб тушиб, кафтини чаккасидан олган эди... чумчуқлар учиб кетганми, энди чирқиллаши эшитилмасди. У жон ҳолатда яна тепага қулоқ солди: жимжитлик...

Тошмамат туриб ўтирди; чуқур ух тортди... Чумчуқ чирқиллаши сабаб бўлдимми, онасининг қабри устида ўсган ёлғиз настаринни эслади. Яқинда болалари билан шоҳларини қирқиб-тарашлаб, атрофларини тартибга келтириб қайтишган эди. Ушанда настарин барглари ҳали кўмкўк эди; ҳозир ҳаммаси тўкилиб, ерда чириб ётган бўлса керак... Яхшиям, Тошмамат вақтида ҳафсала қилиб, онасининг қабрига мармар ёдгорлик ўрнатган экан. Энди қабрга ким ҳам қарарди...

Тошмамат яна оғир хўрсинди. Бу йил Санобар, болаларини Ленинградга олиб бориб, отасининг мазорини кўрсатиб келолмаганидан қаттиқ куйинди. Беш йилдан бери ҳар гал ваъда беради уларга. Исмоиловлар айбдор аслида! Ўзларига шерик қилиб, қўярда-қўймай томоша, курортларга олиб кетаверишарди уни... Тошмамат ҳозир ўзини, ўзининг беғам-беларволигини оқлайдиган бирор-бир тузукроқ баҳона ҳам тополмади... Дадаси ўзи ночор бир батракнинг ўғли бўлган экан. Тошмамат ўша батрак бобосини ҳам, дадасини ҳам кўрмаган. Лекин бобоси ҳақида ойисидан кўп ҳикоялар эшитгани эсида. Бобоси колхоз тузилишида фаол қатнашган, илгари «ялангоёқ» деб ном олган батрак янги замонда хат-саводини чиқариб, партияга кириб, кейин узоқ йиллар колхозда раислик қилган экан; урушдан олдинги йилларда оғир дардга чалиниб, ўрнидан туролмай қолган ва тасодифни қарангки, гитлерчилар Германияси мамлакатимизга бостириб кирган куни кечаси оламдан ўтган экан.

Тошмамат ўша ўтмиш воқеаларни хотирлар экан, боягина телба бир махлук уни ноҳақ ҳақоратлаганини ҳам аста-секин унута бошлади. Марҳум онаси, унинг ўз қайнотаси ҳақидаги ғалати ҳикоялари ёдига тушиб, кейинги кунларда биринчи марта лабларига кулгу ёйилди. «Ўзлари барваста, аммо баджаҳл, қайсар, қамчисидан қон томган одам

эдилар раҳматлик...— дерди онаси ҳар гал бобосини эслаб қолса.— Ҳовлига кириб келганларида, худо кўрсатмасин, бирон нарса — челаки, супургими, жойига қўйилмай, ерда ётган бўлса-я, олиб, қайнонамга отар эдилар. Шундай пайтларда бувинг раҳматлик азбаройи жони ҳалқумига келганидан, «шу жоҳилдан кейин бир кунгина қолиб, менам бир одамлардай шармиканман-а» дейишгача борардилар. Айтганлари бўлди — бувангдан кейин ўн етти йил умр кўрди, жойинг жаннатда бўлгур. Аммо буванг қаҳри ҳам, меҳри ҳам қаттиқ одам эдилар. Опангни туққаним эсимда. Уйда ётибман-у, ҳовлида бувингдан сўраптилар: «Ўғилми, қизми» деб. Бувинг «ҳай, эшитиб қолмасин, қиз ...» дедилар шекилли, буванг «хех-хе-хе» деб кулдилар-у, «худо қиз бергунча бир қисим туз бермайдими» деганча, гурс-гурс юриб кўчага чиқиб кетдилар. Ичимга муз югургандай ётган жойимда юм-юм йиғлайман... Бир пайт қийқириқ-сурон билан кўчадан кириб келяптилар. Азбаройи худо, худди ҳозир кириб мени урадигандай юрагим дук-дук ўйноқлайди. Чақалоқни бағримга босганман. Дераза тагида бувинг билан ниманидир шивирлашди. Бир пайт бувинг елвиллаб келиб, қўлимга бир қоғозча тутқаздилар. «Очиб кўринг» деб имо қилдилар. Очсам, мусичанинг кўзидеккина лаъл тош қўйилган тилла зиракча, бувинг «катта бўлганда бувасини эслаб тақиб юраркан» деб, ҳовлига ишора қилдилар. Ҳовлида эса буванг раҳматлик томоқ қириб, ниманидир, қитир-қитир тузатиб юрибдилар. Ана шунақа эдилар буванг...»

Уша ҳикояни эслаб, Тошмамат ҳозир кўзига ёш олди. Уамр сувдай оқиб ўтавераркан. Одамлар ҳам саф-саф келиб, саф-саф кетавераркан... Дадаси-чи? Дадаси — Олим новча. У ҳам уруш бошланиши биланоқ армияга олинган. Қозогистонда бироз тайёргарликдан ўтишгандан сўнг тўппа-тўғри фронтга жўнатишган... Дадаси ёзган тўрттагина хат ҳалиям уйларида турибди: Тошмамат уларни шоҳи рўмолчага ўраб, жавон тепасига эҳтиёт қилиб яшириб қўйган. Отасидан қолган ёдгорлик шу: тўртта уч бурчакли хат. Яна пахта хирмонида тушган хира бир расми ҳам бор. Уч-тўрт киши шундоқ пахта уюми ичида ўтириб, кулишганча чой ичишяпти. Ўртадаги қоратўри, сирма чопон кийган, бурама мўйлаблиси Тошмаматнинг дадаси. Уша йиллари у ҳам пахта бригадири экан. Онасининг ҳикоя қилишича, план тўлган кунни аллақайси газетадан расмчи келиб, шу расмни олган; орадан бир ойча ўтгандан кейин дадасига конвертда жўнатибди.

— У пайтнинг одамлари жудамаи одми бўлишарди,— дерди онаси қайта-қайта.— Ўзинг ўйла: бир вақтлар иккита ҳўкизи борлар қулоқ қилинган... Ҳозирги битта машинанинг пулига, хўш, нечта ҳўкиз беради? Қават-қават солинган равоқларга-чи?..

— Ойи,— дея ҳазиллашарди Тошмамат онасининг бирдан «сиёсат»га аралашганига завқи келиб.— Қанақа машинани айтяпсиз, қанақасини?

— Нима, машинадака машина-да!

Тошмамат ҳамон кулганча:

— «Волга»ми, «Жигули»ми, «Москвич»ми?— дер эди эрмак қилиб.

Онаси қўлини пашша кўригандай силкиб, «сенларга гапириб обрў топиб бўладими» деб қўя қоларди. Чиндан ҳам, кампири тушмагур ташвиқот қилаётгани йўқ, шунча йил яшаб кўнглидан ўтказгани, ўзича кашф этган гапларини ўртага ташлаяпти...

Тошмамат ана шундай тўғри, ҳалол, ҳар тишлам нонини пешона тери билан топиб еган одамларнинг боласи эди. Нима етишмасди ўзи унга? Қайтага рўзғорини зўрға учма-уч қилиб юрганларда оқибат бор, меъёрни билиш бор, қайтага ўшаларнинг кўзи тўқ. «Озига қаноат». Қаноатли кишининг ҳасадгўйи ҳам, кетидан тушадигани ҳам йўқ. Дунёда энг эркин, энг хотиржам одам аслида ўша... Қани, энди мана шу оддийгина ҳақиқатни у ёқда — эл ичида юрганнинг билсанг экан! Манови каталакда бошинг тақ этганда билганинг билан — кеч... Бойлик кетига тушдингми, қайси жин кўчаларга кириб кетганингни ўзинг билмайсан. Ўзингдан ўзинг ажралиб, пинҳона ўй-режаларинг кўпайиб, ҳатто яқинларингни ҳам ёқтирмай, нашаванддек бошинг гангиди; ўтган кунларингни, ҳатто кечаги кунингни ҳам унутасан... Мана, ҳозир Тошмамат ҳам «бойлик кетидан қувдим» деяпти. Аммо ўша босар-тусарини билмай юрган пайтларида унга шу айбини биров сал шаъма қилиб кўргандами — нақ тилини юлиб олган бўларди!..

Тошмамат «ҳовли»даги бояги воқеани энди бутунлай унутди; «шунга шунча ўзимдан кетибман-а, ҳа, бир аҳмоқ одамдир, ўшанга тенг келиб ўтираманми энди» дея қўл силтади. Яна хаёли отаси билан онасига қараб оқди. Отасининг хатлари деярли ёд бўлиб кетган унга. Илгарилари ҳам, мабодо бирон нарсадан эзилса ёки иши юришмай қийналса, ўзидан-ўзи ўша хатларни кўмсай бошларди. Уқиб чиқиб, анча руҳи кўтариларди. Одамлар уруш йиллари нон, туз, совун... ҳақида шунчалар қайғуришганки! Отаси тўрттала хатида ҳам шуларни тилга олиб, «ҳали борми, етиб турибдими» деб сўраган... Кейин ҳаёт бутунлай ўзгариб кетди, ҳамма ёқда тўқчилик. Ҳатто ҳозир тиланчилар ҳам нон берсанг олмайди, уларга ҳам пул бериш керак! Дадаси бир хатида ойисига: «Тоғ оралиғидаги Қорамқулсой қишлоғига чиқсанг, ўша ердан жўхорини арзон олиш мумкин» деб маслаҳат ҳам берган-а!..

Йўлакдан қадам товуши эшитилди; Тошмамат яна туриб ўтирди. Назарида худди унинг эшигини очишадигандай туюлди. У адашмади. Аммо эшик эмас, эшик дарчаси очилди-да, Шопмўйлов пештахтага тақ этказиб патнис қўйди. Яна ўша бўтча, бир тишлам нон, бир стакан компот. Тошмамат шошган бир қиёфада қоровулни чақириб

тўхтатди. У бир қадам орқага қайтиб, «ҳа, нима дейсан» дегандай Тошмамаатга савол назари билан тикилиб қолди.

— Рустамовни кўриш мумкинми?

Шопмўйлов бундай саволни кутмаганиданми, бироз ажабланди, кейин шарт бури-либ кетаркан:

— Керак бўлганда ўзи чақиради!— деди қўрс овозда.

Тошмамаат бўшашганча пештахтадан бўтқани олди. Хаёл сурган кўйи истар-истамас чайнай бошлади. У биринчи марта турма номини эшитганда нақ ўтакаси ёрилай деган эди. Энди, мана, кўрди: бу ерда ҳам бинойидек кун ўтиб турар экан, мўътадил боқишади — овқатлари дастлаб Тошмамаатга ўта таъмсиз туюлган бўлса ҳам, сал кунда бунгаям кўникди, ҳар қалай қорни ажабтовур тўяди. Ойда икки марта ўринбошни алмаштиришади, ифлосроғу, аммо ҳаммомга ҳам туширишади...

Узоқдан яна қадам товуши келди... Тошмамаат лип ўрнидан туриб, очик қолган дарчага яқинлашди—да, кўз қири билан йўлакка қаради. Шопмўйлов! «Демак, Рустамовга ай-тибди!» деган фикр хаёлидан ўтди. Шопмўйлов бўлса орқасида ниманидир яшириб келаётганга ўхшади, шундоқ дарчага тақалганда, Тошмамаатга бирдан хат чиқариб берди. Тошмамаат ҳаяжонидан юраги орқасига тортиб кетди: Шоҳистанинг дастхати! Дарров таниди!..

Кўллари қалтираганча конвертни очди: «Ассалому алайкум, дадажон! Соғлиқларингиз яхшимми? Қон босимингиз ошмаганми? Жигарингиз қалай, ойим нуқул хавотир оляптилар». Тошмамаат кимсасиз камера шифтига тикилиб қолди; ўкириб юборишдан зўрға ўзини тийди. «Биз тун-кун сизни ўйлаймиз. Ҳалигача нима учун сизни қамашганига тайинли бир жавоб ололмадик. Ойим бир-икки жойга бордилар. Сельсоветдагилар елка қисшади, колхоздагилар-ку, оғизларига сўк солиб олишган. Дадажон! Биз ҳаммамиз виждонингиз бамисоли тоғ қоридек оқлигига ишонамиз! Бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса, индинга — албатта ҳақиқат қарор топар. Сиздан жуда хавотирдамиз. Ойим анча озиб қолганлар. Дадажон, биз нима қилайлик? Ойим айтадилар: қўл қовуштириб ўтирсак, айбни бўйнимизга олган бўлиб чиқамиз, деб. Қаерга борайлик? Кимларга ариза ёзайлик? Нима деб ёзайлик? Олий Советга қизингиз сифатида мен ўзим ёзмақчиман. Бир-иккита танишлар турмага юборилган хат албатта очиб ўқилади дейишгани учун кўп нарсаларни ёзмадик...» Шу ерда Тошмамаат пирқ-пирқ бурнини тортганча, «хат очилганми-йўқми» деган маънода шошмай диққат билан, конвертни синчиклаб чиқди, у ёқ-бу ёғни ағдариб кўрди. «Жавобингизни кутамиз. Овқат, буюм-суюмни кейинроқ олишга рухсат беришармиш. Дадажон! Мана, биз, бутун оиламиз йиғилиб, биргалашиб сизга хат ёзаямиз. Ботиржон ҳам қўлимдан ручкани олмоқчи бўлиб нуқул хархаша қил-япти, «манга бейинг, манга бейинг» деб бурнини тартади». Тошмамаат юзи олмадай таранг, кўзлари ёниб турадиган шўх ўғилчасини, унинг гугурт ўйнашни яхши кўриши ва доим ойисидан дакки эшитиши, Санобарнинг Ботиржондан гугуртни яшириб юришларини эслади-ю, алам билан, соғинч билан жилмайди; кўзлари эса жиқ-жиқ ёш эди. «Биз ҳаммамиз тинчмиз. Кўнгил сўраганлар, ачинганлар кўп». Тошмамаат яна алам билан ютинди (варақнинг орқасини ўқий бошлади): «Сиз ўзингизни ўйланг. Агар у-бу нарса олиб бориб туришга рухсат беришса, қани эди? Кўришгунча хайр, дадажон! Сизни жондан севгучи фарзандларингиз ва аям...» Тошмамаат дод деб юборар даражада тоқатсизланиб, ғазаби тошиб, ўзини деворга ўгириб олди; бу ерда шундан бошқа ҳеч нарса қўлидан келмайти. Кўнгли бўшаб, йиғлагиси, додлаб, ҳўнграб йиғлагиси келди. Аммо қамоқ деган жойда йиғлашга ҳам имкон йўқ. Бунинг устига, Шопмўйлов негадир дарчани очик қолдириб кетибди. Бир ўзинг бир камерадасан — кучинг етгунча тўйиб йиғлайвер. Э, йўқ, эшик тирқишидан эмас, ҳамма ёқдан сенга қараб туришгандек туюлверади... «Ҳа, ростдан, дадажон! Аҳволимиз ёмон эмас, хавотир олманг. Закия опа келиб, ачиниб, биз билан анча ўтириб, йиғлаб-йиғлаб кетди. Манти қилиб кепти, бечора! Сизга шунчалик ачинадики! Тунов кунни дарвоза йўлагига кимдир икки яшик помидор қўйиб кетибди...»

Тошмамаат яна кетма-кет ютинди: «Одамлар ҳар қалай аблаҳ дейишмас экан мени!.. Кўр эканман-а! Кўр! Одам танимас эканман. Ҳа, бечора Закия. Анови Исмоиловлар оғзини тўлатиб «партия, партия», «пахта, пахта» дегани билан покизаликка келганда мана шу Закияларнинг ҳаром тукига ҳам арзимас экан! Шунни билиш, шунни ажратиб олишим учун қамоққа тушишим шартмиди-а?!»

Уша кунни Тошмамаат бутунлай ухлолмай чиқди. Қизининг хати гарчи уни эзиб юборган бўлса ҳам, дилга худди чироқдай бир тутам нур солди. У кўзини чирт юмганча, ўзини дарвозаларидан кириб бораётгандай ҳис этиб, ҳовли юзини нигоҳига келтирди. Яқиндагина эди-я, ишдан қайтганида Санобар унга чойгумдан сув қўйиб тургани, кейин меҳр билан елкаларини сочиқда артиб қўйгани... Тошмамаат инграб юборди. Шоҳистанинг хатини олиб, яна қайта-қайта ўпди, юзи, кўзларига суртди... Чиндан ҳам қизининг мактуби белига қувват, кўнглига дармон бўлди. Инсон ҳар қанча қийинчиликларга дуч келмасин, бироқ ҳаёт барибир ўз суръати билан давом этажаги, шунинг учун бу дунёдан то кўз юммагунча ҳар қандай одам ҳам ҳали ҳеч нарсани йўқотмагани ва энг тубан кимса учун ҳам ҳаётнинг бир кўз илғамас кунжаги борлигини қандайдир ало-

ҳида куч билан Тошмаматга эслатгандай бўлди қизининг хати. Айни пайтда бу мактуб юрагини яна ҳам баттар яралади, ўз тақдирини учун аллақандай тубсиз хавотир, саросима уйғотди, натижада ҳаёти бирдан ўзига қоронғи кечадек муҳкам кўриниб кетди. Мана шу кўрқув, шубҳа, хавотир туйғулари саноқли кунлар ичида уни ажабланарли даражада паришонхаёл қилиб қўйди. Одатда, беғуноҳ кишилар жисмоний эзилиб мажруҳ бўлиб қолганларида ҳам руҳан тетик ва бардам юрадилар; неча йиллаб қамоқда ётиб чиққан баъзи одамларнинг хушчақчақлиги, ҳаётни жондан севишини кўп марта лаб кўрганмиз. Чунки улар ўз ҳақликлари, покизаликларига чуқур инонган, ҳамisha умид билан яшаган зотлардир. Лекин ўз гуноҳкорлигини билиб туриб, шунга қарамай, ўлиб-тирилиб қутулиб қолишга интилган кимса турмада тез ҳолдан тояди; у ҳам жисмоний, ҳам руҳий исканжада қолади. Тошмаматга ҳам мана шу азоб хавф солиб келаётган эди...

12

Ташқаридами, йўлакдами кимдир инграётганга ўхшаб туюлди. У ҳаяжон билан, талвасага тушиб қулоқ сола бошлади. Шу яқин ўртадан эшитиляпти ўша ғалати овоз. Қаерда бўлиши мумкин? Тошмамат ўзи қаерда? Қаерда?! Тошмамат ёстиққа бошини буркаб олди. Қайтага у овоз яна баттарроқ эшитила бошлади. Нима экан бу?! Кейин бирдан ҳайрон қолди у. Инграётган ўзи эди. Худди юраги инграётгандай, нола ичидан, қалбидан отилиб чиқаётган эди. Наҳотки шуни у фарқ қила олмади. Баттар даҳшатга тушди. Уйқуси ўчиб, юраги гуп-гуп ура бошлади. Негадир қулоқлари том битган, боши ғувуллар эди. Миясининг тўрида худди тўхтовсиз шовва овози эшитилаётгандай, кейин трактор ғичирлашими-ей... Хуллас, ҳар хил оҳанглар чувалашиб кетди... Қизиқ, шундагина бир-бирига боғланмаган ғалати туш кўрганини эслади. Лекин аниғи — тушида у қаттиқ кулди. Аммо бу кулгиси бўғзидан инграш бўлиб чиқди.

Вақт қанчалигини билиш қийин эди; ташқари ҳозир изғирин-совуқ бўлса керак — шифтдаги дарча тирқишларидан шамол увлаши қулоққа чалиняпти, дарча тагига тунука том уланиб кетган шекилли, шариллаб ёмғир уриб турибди. Ташқарида совуқ кучайган сари камера ичи баттар жимжитга ўхшаб туюларди. Ҳар замон-ҳар замонда, худди оғир палосни қоқишаётгандай, дарчага гув-гув шамол келиб урилади... Эшик тепасидаги тирқишдан камерага тушиб турган хира ёруғлик ҳам бугун Тошмаматнинг асабига тегяпти. Вужуди мажруҳсифат ҳолатда; теварагида нима кечаётгани номаълум. «Россиям, нима бўлиши мумкин? Нега бу ғалати ҳолат айни кўз ўнгида, амалда юз бераётгандай... Соат неча бўлди экан-а? Ҳар қалай, ярим кечадир? Ҳали тонг отгунча...» Вақтни билмагани ҳам юрагини сиқди. Бир амаллаб яна ухлаши керак. Ухламас бўлмайди. Ухламас, тонг отиши қийин. Лекин кейинги бир ҳафта ичида ҳар кун тунда уч-тўрт марта лаб уйғониб кетади. Камайиш ўрнига кўпайиб боряпти бу дарди. Аввалига Тошмамат унча эътибор бермади, айбни қамоқхонага бурди: бу зиндонда асаби метин одам ҳам барибир тузук ухлай олмайди, фақат беғам, бефаросатларгина бемалол ухлаши мумкин... Кўзларининг чети ачишиб, чаккалари қаттиқ тиришаётганига ҳам қарамай, соатлаб кўзини юмиб ётади, ухлаб қолармиканман, деб кутади. Қарангки, бу камерада қандала ҳам йўқ экан. Бўлгани тузук эди. Айбни ўшанга ағдарарди. Ҳар қалай, ёлғондан бўлса ҳам бироз таскин толарди. Таскин толарди... Лекин... даҳшат! Дунёда ҳамма нарса юз бериши мумкин-у, уйқу келмайдигандай унга! Уйқу келмайдигандай!.. Охири толиқиб теварак-атрофга қандайдир лоқайд кайфият пайдо бўлди унда... Худди меровсираган одамдай, ким нима гапиряпти, нима қияпти — унга, тўғрироғи миясига кечроқ етиб бораётганга ўхшар эди...

Кейин атайлаб шу бир ой ичида ва умуман бошидан кечган воқеаларни бир-бир эслаб чиқа бошлади, «шунда ухлаб қолсам керак» деб ўйлади. У ўз ҳаётини росмана ағдар-тўнтар қилиб кўрди: кимсан фалончи бригадир, донгдор механизатор. Баъзан ейишга нони ҳам бўлмаган қашшоқ студент. Уруш йилларидаги йўқчилик, очарчилик. Ундан ҳам баттар муҳтожлик билан ўтган болалиги... У умрини атайлаб тескари йўналишда — ҳозирги кундан болалигига қараб ўйлаб чиқди. Мана, энди шунча машаққат билан босиб ўтилган йўл бир зумда, бир зарбада йўқ бўлиб ўтирибди... Тошмамат кучи борича тиззасига мушт туширди. Кейин эркин юрганида ҳар кун Санобар уни дарвозагача кузатиб чиқишини эслади. Илгари бунга сира аҳамият бермас экан, ҳатто сезмаган... Ўша қамоққа олиб кетаётганларида у нега бақирди-я уйидагиларга? Нега бақирди?! Бунинг ўрнига Санобарни юпатиб, юз-кўзларидан силаб, «болаларга эҳтиёт бўл» деса, унга далда бўлмасмиди?.. Шунгаям ақли етмабди...

Камера бугун негадир ҳалдан ташқари дим эди. Турма биноси эски бўлгани учун хоналар ҳам эскича иситиларди; Тошмамат ётган камеранинг чап бурчагида голланд печининг орқа қисми қабариб турибди, хонани ўша печка иситаётган эди. Тошмамат аввал унинг печкалигини ҳам билмаган эди. «Энди совуқ тушди» деб ўйлашган шекилли, бугун бирдан ўша печка ичидан чирс-чирс чатнай бошлади-да, мана, ярим тунда худди уйқусизлик азоби ичидан етмаётгандай, иссиқлик тафти ҳам

Тошмамат билан ўчакишаётгандек эди. Бу ердаги камералар бир-бирига тақаб, айлана шаклида қурилган бўлса эҳтимол; чунки печка қўшни хоналарнинг бириданми ёки турма даҳлизиданми ёқилаётгани учун маҳкумларга унинг оловхонаси кўринмас эди. Ҳойнаҳой, даҳлиз совуқдирки, ўт қалаётган одам камералардаги аҳволдан беҳабар — ўтин ёки кўмирни аямай ташлаяпти. Тошмамат ётган камерада ҳаво юрмаётгани учун, иссиқ бу даражада зўраверса, охири нафас олиш ҳам қийинлашадиганга ўхшар эди. Бир зумда нафақат пешоналари, бутун бадани сув бўлиб кетди. Бунинг устига, камера ёз бўйи зах босиб ётгани учунми, ҳарорат кучидан баттар ҳавоси бузилиб, нафас олиш оғирлаша бошлади. Тошмамат кўзлари ачишиб, томоғи қичиб, уч-тўрт бор ўқчиб йўталди, кейин кетма-кет қаттиқ акса урди. Қўланса ҳид димоғига тиқилиб, кўнгли беҳузур бўлди. «Ҳой, қўй, энди иситма, одам бўғилиб ўлиши мумкин-у бунақада» деёлмас! Кимга айтади?..

Бирдан ҳў Тожикистон тоғида кўргани — сув ўртасидаги дарахт илдизига илашиб ётган ириган гўшти кўз ўнгига келиб кетди... Беихтиёр бурнини жийирди. Нега қўққисдан эсига тушди ўша манзара — ўзиям ҳайрон. Ҳойнаҳой, ўшанда ҳам қўланса ҳид кўнглини беҳузур қилганидандир? Кейин ўчакишгандай кетма-кет нуқул ёмон хотиралар миясига урила бошлади. Бир ёқда ухлаёлмай азоб чекапти-ю, ўйлаб-ўйлаб охири яна Икром воқеаси эсига тушгани қизиқ... Икром билан у биринчи синфдан бошлаб бир партада ўтирарди. Икромнинг отаси қирқ биринчи йилнинг декабрида фронтга кетиб, дастлабки жангдаёқ ҳалок бўлган; касалманд ойиси билан қолгани учун аҳволлари оғир эди. Буни мактаб директори яхши билгани сабабли ўқитувчилар уни жуда аяшар, синфдошлари ҳам бири дарс тайёрлашда ёрдамлашса, бири уйдан олиб келган зоғордан қиттайгина ушатиб берарди. Лекин бир-иккита қитмир зўравон болалар эса уни доим уриб, кун беришмасди; дарсдан кейин уйга кетаётганларида нуқул «эшак» қилиб минишарди... Кейин уни йиқитиб, дўпписини оғзига босиб қийнашарди... Икромларнинг уйи сойнинг нариги ёғидаги кўчада эди. Тошмаматларнинг тоmidан жуда яхши кўриниб турарди. Уша кўчада Аваз деган ёши каттароқ, зўр, уришқоқ бола борлигида Икромлардан ҳамма кўрқарди. Тошмаматнинг эсида: икки маҳалла болалари мактабдан қайтишаётганда нимадандир жанжал чиқаршарди-да, кейин сойнинг икки томонига ўтиб олиб, то уларни кимдир қувиб юбормагунча бир-бирларига тош отиб ётишарди. Аваз сойдан ўтмоқчи бўлиб сал югурса, Тошмаматлар тирақайлаб уйларига қочишарди. Иккинчи синфдами... ўша Авазлар шаҳарга кўчиб кетишди-ю, биринчилик Тошмаматларга ўтди. Тошмамат ҳам кейин Икромни кўп минган...

Икром касалманд, юзи захил, озғин бола эди; туртса учиб кетадиган гавдаси букчайганроқ, ўта асабий, қаттиқ жаҳли чиқса, юраги уриб ҳолсизланиб қоларди. Дўнг пешонаси остидан даҳшатга тушган катта-катта кўзлари доимо бақрайиб турарди. Қаттиқ овоздан, ёруғ нурдан кўрқарди. Айтишларича, олти ёшида зўрга юргани сабабли оёқлари чўпдай, аммо қорни катта эди; дудуқланиб, ҳансираб гапирарди. Уруш пайтлари ҳамманинг ташвиши бошидан ошиб ётгани учун унинг аҳволига унча аҳамият ҳам берилмасди. Тошмамат шундоқ ёнгинасида ўтирарди-ю, лекин ундан кўрқарди; чунки «Икромнинг тутқаноқ касали бор» деган гап ҳам тарқалган эди. Гўдаклигида тутдан йиқилиб боши лат еган, кейин шу дардга йўлиққан экан. Тошмамат у пайтларда тутқаноқ касали нималигини унча тасаввур этолмасди-ю, лекин ёмон касаллигини барибир биларди. Чунки, биринчи синфга келишганда Икром аввал Мақсуджоннинг исми бола билан бирга ўтирар эди. Сал ўтмай, Мақсуджоннинг онаси синфга тўполон қилиб кириб келиб, ўғлини бошқа партага ўтқазиб кетди. Болалар ўша пайтда кап-катта хотин нега мактабда жанжал кўтариб, ўғлини бошқа ерга ўтқазганининг сабабини унча тушунишмаган эди. Буни кейинроқ билишди. Уша хотин келиб кетгач, ўзидан-ўзи синфда «Икромнинг тутқаноқ касали бор» деган анови гап тарқалди; бир куннинг ўзида ҳамма ундан қочадиган, унга қандайдир хавфсираб қарайдиган бўлди. Тошмаматни эса Икромнинг ёнига синф раҳбарининг ўзи ўтқазиб қўйди. Аввалига у синф журналига кўз югуртиб турди-да, кейин бирдан «Тошмамат Олимов, Икромжон билан ўтирасанми» деб сўраганини ҳозир ҳам яққол эслайди. Шунда Тошмамат ҳеч нарсадан тап тортмай «ўтираман» деган. Шу-шу эттинчигача бирга ўтиришди. Лекин ҳар йили талаб ошган сари Икром дарсларни унча ўзлаштиролмас, шунда ҳам бошқалардан қолмасликка жон-жаҳди билан тиришар эди. Аммо ўзи ниҳоятда раҳмдил, кўнгли бўш бола эди. Тошмаматнинг эсида бир марта мактабдан қайтишаётганда қари ёнғоқ шохида ҳадеб қарқуноқ чигиллаётганини кўриб қолишди: бояқиш у ёқдан-бу ёққа пир-пир учади. Икром безовта қарқуноққа олазарак тикилиб турди-ю, бирдан тупроқ ичида зўрга ғимирлаётган қарқуноқ боласига кўзи тушди. Ҳали пати чиқмаган кўкимтир гўштни қўлига олиб, тупроқдан тозаллаб, ҳарсиллаб ёнғоқ дарахтига чиқди-да, уни инига ташлаб тушди. Инни барглари ичидан қандай дарров топди — Тошмамат ҳайрон қолди. Кейин ҳеч нарса бўлмагандай йўлида кетаверди... Яна бошқа ғалати одатлари ҳам бор эди: қачон қараса, уйи олдидаги азим чинор тагида туриб олиб, қалин япроқлар орасидан куёш нурини қидирарди... Далага чиқса, чалқанча ётиб олиб, соатлаб осмонга тикилгани тикилган эди. «Нима бор экан», деб болалар уни мазах қилишарди...

Бир марта синф раҳбари дарс ўтаётган эди. Икром бирдан ўзини ерга ташлаб юборди-ю, бўйинлари алланқандай тиришиб, қўл-оёқлари томир тортишиб, бир-икки дақиқадаёқ оғзидан кўпик чиқиб, томоғи хириллай бошлади. Болалар сакраб туриб, даҳшатга тушганча ўзларини четга олиб қочишди. Аммо синф раҳбари ўзини йўқотмади. Югуриб келиб Икромнинг чангак бўлиб қолган панжаларини куч билан ёзди ва ерга босиб, Тошмаматга «тез бўл, ушлаб тур» деган ишорани қилди. Кейин бошқа болалар ҳам дув туриб, ўқитувчига ёрдам бера бошлашди. Синф раҳбари энди Икромнинг гужанак оёғини ёза бошлади. Шишиб кетган бўйни ва елкаларини шитоб билан уқалади. Тошмамат шундоқ қараб турибди: Икромнинг қорачиқлари қандайдир маъносиз йилтиллаб, кўз соққаси айланиб-айланиб кетар эди. Пешонасини бирдан тер босди. Ичи тиф билан тилинаётгандай, юзи буришиб, азоби зўрайди. Бир-икки дақиқадан кейин у узун бир нафас олди-ю, кўзини сал очди; бадани бўшашиб, тиришганлари бирдан қўйиб юборди. Уша заҳоти ёноқларига йирик-йирик ёш томчилари думалаб тушди. Сал ўтмай кўзини катта очиб, тепасида турганларга қараб ҳорғин жилмайди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Кўплашиб уни зах ердан турғазилди-да, жойига ўтқазилди. Қизлардан бири пиёлада совуқ сув олиб келди. Икром сувни култ-култ ютаркан, бутунлай ўзига келди ва атрофида турган синфдошлари ва синф раҳбарига аллақандай ажабланиб, аллақандай хижолат бўлиб тикилди. Бирпаснинг ўзида бутунлай ҳолдан тойиб, кўзлари киртайиб қолди. Бўлган воқеадан уялдими, ерга қаради. Синф раҳбари буни дарров пайқаб, «ҳеч нарса қилмайди, чарчагансан» деб уни юпатди ва дарсини бошлаб юбора қолди... Бу воқеа агар Тошмамат адашмаса, еттинчи синфда ўқиётганларида, айна май ойида юз берган эди. Ҳар қалай қиш эмасди. Синф раҳбари шоша-пиша иккала деразани шарақ-шуруқ очиб юборгани ҳам эсида... Кейин ҳаёт яна эски изига тушиб кетди: Икромнинг тутқаноғини болалар аста-секин унута бошлашди. Бу орада синф раҳбари уни қишлоқдаги фельдшер кампирга ўзи шахсан олиб бориб кўрсатди...

Лекин ўша йили куздан бошлаб Икром мактабга қатнамай қўйди. Тошмаматнинг ёнига бошқа бола келиб ўтирди. Бир гал синфдош ўртоқларига кўшилиб, Тошмамат уни кўргани бормоқчи бўлган эди, синф раҳбари:

— Ҳозирча қўя турунлар,— деди, болаларнинг сазасини ўлдирмаслик учун ниҳоятда майин гапириб.— Керакмас. Касали енгиллашганда борарсизлар. Ҳали у давланиши керак. Ойиси докторларга қаратаётган эмиш...

Кейин сал ўтмай «у бутунлай ўқимас экан» деган овоза чиқди. Касали тузалмас экан. Бу гапга аввалига кўпчилик, айниқса, бирга ўтиргани учунми, Тошмамат унча ишонмади. Орадан ҳафталар, ойлар ўтгач, ўша гапнинг тўғрилиги аён бўлди. Икром мактабга бошқа келмади. Ойиси докторга кўрсатибди; домлага ўқитибди; табибга олиб борибди; фолчига фол очибди; яна қанча ирим-сиримларни қилишибди. Барибир фойдаси бўлмагач, охири касалхонага олиб кетишибди. «Ярим йил район касалхонасида ётди» деган гапни эшитишди кейинроқ. Бир марта «уйида эмиш» дейишди. Синфдошлар яна отланишган эди, ўқитувчилари: «Қўйинлар, безовта бўлса касали кучаяр экан» дея мужжал жавоб қайтарди. Шу-шу Икром синфдошлар хотирасидан аста-секин ўча бошлади...

Ўнинчини битирадиган йиллари, кеч кўклам пайти эди. Имтиҳонларга ҳалитданок тайёргарлик бошланиб кетган. Тошмамат қайсидир ўртоғи билан тепаликка чиқиб, майсазорда дарс тайёрлаб қайтаётган эди, қараша: Икромларнинг дарвозаси олдида юк машинасидан боғ-боғ тут баргини туширишяпти. Барг устида турган йигит беш-олти боғни гуп-гуп тупроққа ташлади-да, ҳовлига қараб:

— Башар кеннойи, олти боғ ташладим!— дея қичқирди. Ичкаридан «барака топинг, илойим», деган жонсизгина овоз эшитилди. Машина бир зумда гувуллаб, чанг кўтариб жўнаб қолди. Тошмаматлар дарвозага шундоқ яқинлашган пайтда ичкаридан мункиллаганча Башар ая чиқиб келди. У болаларга бир қаради-ю, танимади шекилли, оғир тут баргини инқиллаб-синқиллаб кўтара бошлади. Тошмамат Башар аяни дарров таниди. Парталош ўртоғини эслаб юраги шиғ этди. Кампирга ёрдам бергиси келиб, «хола, бизга айтинг, қаерга олиб кирайлик» деди-ю, шериги билан икковлашиб тут баргини лип-лип ҳовлига ташишди; Икромни кўриб қолармиканман, деган ниятда аланг-жаланг теварак-атрофга қаради. Ҳовли юзининг ғарибона кўриниши бирдан ҳафсаласини пир қилди. Икромдан дарак йўқ эди. Сўрашга эса ботинмай турганида, кампир бирдан:

— Ҳай, болам, кимнинг ўғлисан?— деб сўраб қолди.— Олимжонни ўғлимасми-сан? Олим новчанинг?

Тошмамат бош ирғаб тасдиқлади. Башар хола елвиллаб келиб уни бағрига босди-да, пешонасидан ўрди. Тошмамат шеригининг олдида аллақандай ноқулай сизди ўзини. Кейинги йилларда, Икромнинг касали зўрайган пайтларда ойиси ҳам мактабга кўп келарди, ўғлини синфидан етаклаб олиб чиқиб кетарди; шунақа вақтларда кўпинча унга Тошмамат ёрдамлашиб борарди. Аммо бу орада уч-тўрт йил ўтиб, Башар холанинг кўзи хиралашган, Тошмамат эса балоғатга етиб, бутунлай ўзгариб кетган эди.

Башар хола аввалига уни сууб бағрига босди-ю, кейинги дақиқада ўз фожиаси ёдига

тушиб, бирдан кўзларига ёш қуйилиб келди; ранги ўчган ҳаворанг эшикка хавотир билан кўз тикиб қўйди. Худди шу дақиқани кутгандай ичкаридан хунук бир бўкириқ эшитилди. Ғалати бир увлаш. Сал ўтмай яна кетма-кет такрорланди. Башар хола безовталаниб, шошилганча ичкарига кириб кетди. Тошмаматлар жўнашни ҳам, кутиб туришни ҳам билмай қолишди. Йўқ, хайрият, Башар хола ичкарида кўп ушланмади; эски бир челакни кўтариб чиқиб, ҳовли тўрига, ҳожатхона тарафга ўтиб кетди. Бироздан сўнг изига қайтиб, яна ичкарига қараб юраркан:

— Нима гуноҳим учун шу кунга солдинг-а, нима гуноҳим учун?— дея йиғламсиради; болаларни у унутгандай эди.

Тошмаматлар секингина дарвоза томон йўналишди. Худди шу аснода яна бояги хунук бўкириқ эшитилди; айниқса, Башар хола эшикни очиб чиқаётган вақтга тўғри келгани учун овоз баданларни сескантириб юборди. Тошмаматлар турган жойларида таққа қотиб қолишди. Башар хола уларга ғалати бир иштиёқ билан тикилди-да:

— Болаларим, бери келинлар,— деди Тошмаматни имлаб.— Ўртоқларингни бир кўрмайсизларми? Қўрқманглар. Зора сизларни кўриб...

У шундай деб Тошмаматнинг билагидан ушлади-да, жонсизгина ҳаракат билан ичкарига ундади. Тошмаматнинг юраги уриб кетди. Айни пайтда Икромни кўргиси ҳам келиб, ичи қизиди. Охири қўрқа-писа кампирнинг изидан юриб, секин ичкарига киришди. Тошмаматни ижирфантирган дастлабки нарса — останадан ўтишлари билан бурунларига гупиллаб урилган аллақандай нотабиний, қўланса ҳид бўлди. Тошмамат беихтиёр бурнини беркитиб олди. Дераза пардаси тортиб қўйилгани учун кундузи ҳам ғира-шира турган чоғроққина хона экан. Тўрға қалин намат ташланган. Токчаларда уч-тўртта чойнак-пиёла. Тўғридаги деворда қорача бир кишининг ҳарбий кийимда тушган расми... Тошмамат ўша манзарани ҳалигача, қизиқ, яққол кўз ўнгида тиклай билди. Аммо нафас олиб бўлмас эди; бунинг устига ташқари иссиқлиги учун хона баттар дим эди... Лекин Икром кўринмади, Тошмамат ҳайрон бўлиб Башар холага қаради. У кўз ёшларини артаркан, секин ўнг томондаги бурчакка имо қилди. Чиндан ҳам ўша жойда яна ичкарироқ бир йўлак бор шекилли, сиртидан чит парда тортиб қўйилибди. Ичкарида аллақандай хира шуъла ўйнапти; чит пардада каттакон бир шарпа лоп-лоп қимирлаб қўяди. Башар хола олдинга ўтиб, пардани очди:

— Икромжон, сени кўргани ўртоқларинг келишибди, — деди йиғламсираб, бурчакка жавдираб қараркан.— Икромжон, Икромжон! Бирпас жим тур, болам... Қўй, қўй, ғажима!..

Тошмамат деярли оёқ учида юриб, аста ичкарига сурилди. Бирдан у ердаги манзарага кўзи тушди-ю, эси чиқиб кетаёзди. Бурчакда Икром эмас, бамисоли сомон тикилган қопдай шишган қандайдир бир махлуқ ўтирарди. Сочлари ўсиб, пахмоқдек увада бўлиб кетган, кўзлари шиш тагидан деярли кўринмайди, лаблари худди қаттиқ мушт егандай кўкариб ётибди; тўхтовсиз сўлаги оқяпти. Тошмамат секин-секин Икромни таниди-ю, додлаб юборай деди. Ўша букчайган гавдаси, аммо илгариги ориқлигидан асар йўқ, юм-юмалоқ, хомсемиз. Энг даҳшатлиси — бўйнига кишан солиниб, йўғон занжир билан бурчакдаги темир қозиққа боғлаб қўйилибди. Тошмамат биринчи унга кўзи тушганда у занжирни ғажиб ўтирган экан, кирганларига парво қилмади, ҳатто сезмади ҳам. Кейин бирдан Тошмаматга маъносиз тикилиб турди-ю, худди занжири-ни узмоқчи бўлган итдек юлқиниб унга ташланди. Бўйнидаги ҳалқа мустаҳкамлиги учун бир силтаниб тўхтаб қолди. Аммо оғриқни сезмагандай тураверди. Тўсатдан хунук овоз чиқариб увлади. Кейин худди бурга тутмоқчи бўлаётгандай елкаси, сонларига шапилла-тиб ура бошлади. Тез ҳаракат қилгани учун сояси деворда каттакон шарпага айланиб қимирлай бошлаган эди, худди сув юзида ялтилаган нурга ҳайрон бўлиб тикилган кучўкдек ўз соясига, унинг қимирлашига анграйиб қараб қолди, кейин жаҳлланди... Сал ўтмай, яна бояги ҳолатига ўтди: бурчакка бориб ўтирганча занжирни ғажий бошлади. Кўзлари қип-қизил, ора-сира худди йиртқичга ўхшаб тикилади... Тошмамат энди уни диққат билан кузатаётгани учун кўзларининг тубида киши тасаввурига сиғмайдиган чуқур бир мунг бордек туюлди; чўғдай ёнапти-ю, аммо сира бир нуқтадан тўхтамайди... Тошмамат Икром ўзига ташланганда нақ бўйни узилиб кетай деганини кўрди ва кафтлари билан юзини беркитиб олди, кейин алам ва нафрат билан Башар холага тикилди. У ўғлига хийла яқинлашиб, унга ҳамон нимадир гап уқтирмақчи бўлар, лекин ўз ҳаракатининг бемаънилигини ўзи ҳам билиб турганга ўхшар эди.

Тошмамат охири чидолмади, югуриб ташқарига чиқиб кетди. Орқасидан шериги ҳам чиқди. Ушанда Тошмамат ўзининг шу ҳудудсиз оламда хайриятки тирик юрганига, умрида биринчи марта соф ҳаводан нафас олаётганига инонди ва шунга шуқур қилди... Орқаларидан Башар хола чиқиб келганда ҳам у устунга суянганча энтикиб-энтикиб нафас олар эди. Кампир йиғлаб-сиқтаб, болаларни кузатиб қўйди.

— Фақат битта сўздан қўрқади,— деди у чорасиз аҳволда ҳам ўзига-ўзи далда беришга уриниб.— Ўша сўзни эшитмаса — безиён, жим ўтираверади. Кўчадаги болалар билиб олишибди шу ордона қолгур сўзни. Сал у ёқ-бу ёққа алақиссам, туйнукдан келиб «кишан, кишан» деб қичқирашади. Икромжон шу сўзни эшитдими, бирдан ақлини йўқотиб, сочларини юлиб, кўзлари қонталашиб, кечаси билан ўкириб чиқади. Бу болам

бечоранинг йиғлаётгани! Ақлдан озган одам ҳам кишандан шунчалик қўрқаркан, қаранг. Биринчи кишан солишганида юраги чиқиб кетган болам боёқишнинг. Э, худойим-ей! Узи кишанда-ю, шуни сезмайди! Сезмаса — яшайвераркан. Иштаҳаси яхши, берганингни ейди...

Тошмамат Башар холанинг гапларини эшитмас эди...

Кейин жуда кўп вақт у кўрган воқеасидан ларзага тушиб, ўзидан ўзи виждон азобида юрди. Бир пайтлари Икромни «эшак» қилиб минганларини эслаб, нуқул юраги орқасига тортарди. Фақат институтнинг биринчи курсида ўқиётганидами, бир марта Тошкентдан келса, уйда, Икромнинг ўлганини айтиб қолишди. Тошмамат шу қадар енгил тортдики ўшанда, одам ўлганда суюниш мумкинлигини ҳам биринчи бор у ўшанда тушуниб етган эди...

Ҳозир дим камерада шифтга қараб ётаркан, ўша кечмишлар яна бирма-бир кўз унгидан ўтиб, юрагини қўрқув, ваҳима босди. Тўсатдан «жинни бўлиб қолиш мумкин» деган фикр миясига келиб урилди-ю, баттар саросимага тушди. Бунақада одам ҳар нарса... Кейин «нега бирдан Икромни эсладим, нима сабаб бўлди» дея ҳайратланди. «У даҳшатли манзарани нима менинг кўнглимга солди? Нега?..» Бу жирканч, ёпишқоқ фикрни хаёлидан шунча ҳайдайман деса ҳам, бўлмади. Сочлари бетартиб, лаблари шишган, маънисиз қиёфали Икром... Уша махлуқсифат телбанинг ҳам «кишан» сўзидан ўлар ҳолатда қўрқиши... Хуллас, ҳеч бир кимса хорлик, зорлик, муҳтожлик ва ўлимни четлаб ўтолмас экан бу дунёда. Биров эрта, биров кеч... Лекин ҳамма шу чиғириқдан албатта ўтаркан. Минг хил азобли, аммо суриштириб келганда ғоятда қисқа умри давомида одамзод гўё бир-бирига сира ўхшамайдигандек бўлиб кўрингани билан, лекин катта-кичик дарёлар охири бориб бир ерга қуйилгани каби, улар ҳам интиҳода ягона бир борлиққа айланадилар... Инсон қисмати катта бир нозик кўза: синади-ю, ерда сочилиб ётган майда-чуйда парчалари — ҳар биримизнинг умримиз. Суриштириб келганда — ҳамма шу. Икромнинг ўлими ва бошига тушган азоб ўз вақтида Тошмаматнинг кўзига дунёдаги энг қарғишли тақдир бўлиб туюлган эди. Энди бола-чақалари айни гуркираб ўсган, ўзи эл-юрт ичида анчайин обрў-эътибор қозонган бир пайтида мана бу жаҳаннамга тушиб ўтирибди! Аслини олганда — унинг азоби билан буникининг нима фарқи бор?! Нариси билан олтмиш-етмиш йиллардан кейин ҳозир ҳаётда юрганларнинг бари алмашилиб, дунёни янги одамлар олади. Олтмиш-етмиш йилдан кейин! Шунга шунчалик! Лекин ҳозирги ташвиш, ҳозирги ғам-аламлар нақ бутун оламга, бутун умр сизгамайдигандай...

Тошмамат ўзи астойдил берилиб ўйлаётган бу фикрларидан бирдан даҳшатга тушиб кетди. Илгарилари унга бундай хаёллар бегона эди, иш билан, ҳар кунги сира тугамайдиган ташвишлар билан банд эди. Мана, энди миясини нуқул қаёқдаги бўлмағур фикрлар пармалагани-пармалаган, ҳайдаса ҳам кетмайди. «Энг ёмони — бунақада сал ўтмай ўзингга ҳам ишонмай қўясан. Кимсан ўзи? Кимга кераксан? Мана бу жаҳаннамдан мабодо оқланиб чиққанингга ҳам — энди ким деган одамсан, сен?! Бегоналар-ку майли — бироқ энг яқин туғишганларинг ҳам сени тушуниб етишармикин? Қайдам?.. Вей, наҳотки, фақат биз айбдор бўлсак-а шунча қийиқликларга! Наҳотки фақат биз! «Касаллик» ҳамма ёққа ёйилган эмасмиди? Замон бизга боқмай турганда биз замонга боққан эмасмидик? Қилган гуноҳимиз шугина, холос! Ахир, институтда ҳам ўқишган эди-ку, молия масалаларини! Ҳа, ана, ўн сўм, юз сўм, минг сўм, ўн мингни ўғирлашса, бу эҳтимол чиндан ҳам жиноий ишдир? Лекин бир миллион, икки-уч, ўн миллионни ўмаришса... Бу, сўзсиз, сиёсий иқтисодга тегишли. Наҳотки, шуни ҳеч ким сезмаган? Ахир, бир тийинни, керак бўлса, ернинг тагидан ҳам топишади-ку? Ким айбдор бунга? Бажар дейишди — бажардик! Бажармасак ҳам қамашарди. Қамашмаса ҳам юртдан ҳайдаб, бадном қилиб... Ҳозирги айрим оғзи ботирларнинг иш ўтганда керилиши-чи?! Мана энди бажарганимиз учун қамашапти! Биз бечоралар нима қилишимиз керак эди ўша пайтда? Нима? Нима-а-а?! Шайтон йўлдан уриб, ўша бировларнинг ҳақини... Нима қилайлик, ахир, битта биз бўлсак майли эди! Ҳамма шундай қиларди! Биз қаёқдан билайлик бунча пажидлик бўлаётганини?..»

Тошмамат қизи ёзган хатни эслаб, юраги торс ёрилиб кетай деди. Улар оталарини шу пайтгача сувдан тиник, суддан оқ деб ўтиришибди. «Эҳ, жондан азиз гўдакларим-ей! — ўйлай бошлади у. — Билсаларинг эди — оталаринг қанчалик шалтоққа, бутун умр ювиб кетказиб бўлмайдиган шалтоққа ботиб ётганини! Йўқ, отамизда зиғирчаям гуноҳ йўқ деб, шу гапга жажжи юраклари билан ишониб... Оталарингни ўртаб-куйдирадигани ҳам шу алам! Ҳайф кетсин-э, сенларнинг покиза ишончларинг, норасида жигарбандларим! Ҳайф кетсин! Сенларнингки кўзларингга тик қаролмаганимдан кейин... бу дунёда яшашимдан нима фойда?.. Вой, битта нотўғри қадам-а! Бир қадам! Қани, шуни орқага қайтариб бўлса! Қайтмайди! Қадам қўйдингми — дўзага йўлига кирганинг шу; остонасидан ўтдинг — бўлди, у ёғига оёғингни ерга теккизмай етаклаб кетадиган иблислар сон мингта!.. Ҳеч ким билмайди, ўтиб кетади, деб ўйлайсан қизиқ устида. Ҳатто ўйламайсан ҳам! Кейин биргина қилган гуноҳинг бутун умр кетингдан қувиб юради!.. Яна бир кун келиб чипқондай тешиб чиқади томоғингдан. Сендан те-

шиб чиқмаса, ўлиб қутулсанг — болаларингни мажруҳ қилиб кетасан. Қани, энди шуни вақтида билсанг! Вақтида билсанг!!!»

Тошмамат инграб юборди. Қилтомоқ бўлиб ўлган раҳматлик онасини эслаб, бирдан хўрлиги келди. Энди иши юришиб, онасини энди асраб-авайлашга қурби келган пайтида волидаи мукаррамаси худди шуни кутиб тургандай оламдан кўз юмди. Қанчалар куйган эди. Тошмамат. Ҳозир ўша кунларни хотирлар экан, онаси вақтида бу дунё ташвишларидан қутулиб олганига ҳам астойдил қувонди. Бу қора кунларни кўрганда, гўрига ҳам минг-минг армон ва азобни ортомоқлаб кетган бўларди; бир марта эмас, минг марта ўлган бўларди. Хайриятки, вақтида...

Тошмаматга ўзининг бу фикри бирдан ёвузликдек туюлиб, эсини йўқотиб қўяёзди; асаби бунчалик бўшашаверса, эртага нима билан тугашини ўйлаб, бошини маҳкам чангаллаб олди...

13

Санобар эрига қишлоқ Совети орқали хат жўнатганига эртага роппа-роса бир ой тўлади; аммо ҳалигача жавоб йўқ. Ун-ўн беш кунгача ҳар куни кўзлари тўрт бўлиб хат кутишди, кейин хавотир ола бошлашди. Яхшиям, бечора эрини яна баттар куйдириб, қамалганининг эртаси куниеқ анови магазинчи ярим кечада ўғридек кириб келиб, гарнитур деган матоҳини қайтариб ташиб кетгани, шундан сал ўтмай тағин ҳовлида бос-бос қилишиб, танчага яшириб қўйган тилла заёмларини ҳам топиб олганларини ёзиб ўтирмабди! Ёзгандами...

Санобар ярим тунда бирдан уйқуси ўчиб кетаркан, ўрнида телбадай ўтиради-ўтиради-да, борган сари ваҳимаси кучаяди. Ҳатто шайтон «Тошмамат акам ишқилиб тирикмикан» деган ёмон фикрларни ҳам миясига солади. Шунақада Санобар ўзидан ўзи кўрқиб, уй кўзига хунук кўриниб сапчиб ўрнидан туради, эшикни секин очиб, болалари ётган хонага мўралайди: кўпинча Шоҳиста ҳам уйғоқ ётган бўлади. У ҳам ўрнидан туриб, укаларини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида ташқарига чиқади. Онаси даб-дурустан:

— Хат келмаяпти-я, дадангдан?..— деганча, қизига алланечук умид билан тикилади; Шоҳиста ҳам кўзига филт-филт ёш олиб ерга қарайди. Шундагина Санобар ўзи қилган хатони тушуниб етгандай, «ёт, ухла, ташқарига чиқиб келиб, укаларингга бир қараган эдим, нега ухламаяпсан, ёт...» деб қизини жерккан ҳам бўлади. Шоҳиста оғир хўрсиниб, индамай ичкарига кириб кетади. Санобар яна ташқарига чиқади, ҳовлидаги ёруғ лампочка теварагидан хўмрайиб турган қоронғиликка ҳадиксираб тикилади-да, кейин истамайгина ўрнига кириб ётади. Юрагини яна баттар ваҳима босади. «Айбини буйнига қўйдириш учун... азоб беришади, уриб қийнашади» дейишарди. Санобар бирдан эрига раҳми келганидан лаблари буришиб, елкалари силкиниб йиғлай бошлайди. Кўз ўнгига афти-ангорини таниб бўлмайдиган Тошмамат акасининг қиёфаси келади-ю, дод деб юборишдан ўзини аранг ушлайди. Минг азоб билан зўрға тонг оттиради...

Хат юборганларига бир ой-у олти кун тўлганда бирдан Санобарни районга чақириб қолишди. Аввалига у юраги бир орзиқиб, худди бу ёғига яхши кунлар бошланадигандай ўзида йўқ қувонди. Қишлоқ советидан келган йигит қўлидаги бир энлик қоғозчага қаради-ю, «эртага соат ўн иккига, район прокуратураси, иккинчи қават, еттинчи хонага учрашар экансиз» деди ва қоғозчани ҳам ташлаб кетди. Санобар азбаройи шошганидан «нима иш экан» деб сўраб-суриштирабди ҳам. Йигит эса ўзидан чиқариб бирон нарса демабди. Бир парча оқ қоғозга ёзилган ўша сўзларни Шоҳиста икковлари қайта-қайта ўқиб чиқишаркан, бошида суюнишди, кейин бирдан ҳайрон бўлиб қолишди. Санобар қишлоқ Советига бориб, «нима гап экан» деб сўраб келишга ҳам отланди, аммо кейинги дақиқада «ҳаммасини ёзиб беришган-ку, э, билганларини қилишмайдимми...» деди зардаси қайнаб, гўё рўпарасида турган одам билан гап талашаётгандай. «Мениям қамашса-я? Болаларим кимга қолади?— Миясига урилган бу мудҳиш фикрни худди Шоҳиста билиб қоладигандай бирдан четга бурилди, ранги ўчиб кетганини яширмоқчи бўлди.— Ҳў, заёмларни топишганда ҳам Санобар дод солганида... «буларни яширганингиз учун аслида сизниям қамашимиз керак» деб дўқ уришганди-ку... Районга тушмасан-чи, нима, зўрлаб олиб кетишармиди? Олиб кетишариям мумкин... Тошмамат акасини қай аҳволга солишди, ахир. Йўқ, айтган вақтларида ўзи тушиб боргани маъқул. Тағин буниям бошқача йўйиб юришмасин... Тушмаса, ким билади, Тошмамат акасининг аҳволини баттар оғирлаштириб қўяр. Йўқ, нима бўлганда ҳам тушиши керак».

Бирдан ҳў анови ҳибсга олгани келган бошлиқнинг «эрингизнинг қаердалигини сизга кейин хабарлашади» деган гапини эслади-ю, кўнгли хотиржам тортди, бироздан кейин бутунлай ўзини босиб олди.

Ўша куни қанча уринса ҳам, ухлатадиган дори ичса ҳам, бутун тун бўйи кўз юмолмади. Ёлғон бўлмасин, сахарга борганда киприклари илиниб, бир соатми ёки бир ярим соатми — бирам мириқиб ухлабдики! Худди кун бўйи ороми қонгандай тиниқиб ўрнидан

турди; кеча тайёрлаб қўйган тугуни: Тошмамат акасининг иссиқ кийимлари ва ўзи ёлган тўртта нонни айвонга олиб чиқди. Ҳар қалай, атайлаб қақришгандан кейин Тошмамат акасини ҳам кўрсатишар албатта. Яна жавон кавлай бошлади. Ҳали қоғозлари узиб ташланмаган бир жуфт оқ майка топди; кейин қўлини ичкарироқ суққан эди — Тошмамат акаси дам олишда киядиган анови дағал жинси шими чиқди. Камари энлик. Ҳозир буни кўпинча ёшлар кияди. Санобар шимни ёзиб кўрди. Мундоқ тепкилаб кийиб ҳам улгуролмади эри боёқиш... Юрагини омбур қисгандай кўкраги тўлиб нафас олди. Шимни жойига қўйди. Эрталабдан кўз ёши тўкса, худди ўзига ёмонлик тилаётгандай туюлгани учун бир сесканиб тушди; дарров сергакланди. Кейин иссиқ кийимларни алоҳида бўғча қилиб тугди. «Мен ҳам борай» деган Шоҳистага насиҳат қилди:

— Укаларинг-чи? Шошма, ҳали борарсан. Қани, аввалига мен бир бориб кўрай-чи?..

Санобар эри ўша биринчи куниниёқ Тошкентга жўнатилгани, районга у эрининг хатини олиб кетиш ва баъзи саволларга жавоб бериш учун қақрилаётганидан беҳабар эди. У сўраб-суриштириб, охири район прокуратурасини топиб келганда, соат ўн бир ярим эди.

Навбатчига бориб, ўзининг кимлиги ва нима мақсадда бу ерларда сарсон бўлиб юрганини охири тушунтиргач, у қаёққадир бир неча бор телефон қилиб кўрди. Кейин бирдан Санобарга қўл чўзиб:

— Хужжатингиз?— деди қовоғини очмай.

— Нима?

— Хужжатингиз? Олимова сизми ёки бошқами, қаердан билай? Паспортингизни кўрсатинг.

— Паспорт?

— Ҳа.

— Паспортим уйда.

Навбатчи бошини сарак-сарак қимирлатди. Санобар унга қишлоқ Советидан келган йигит ташлаб кетган ўша бир энлик қоғозни кўрсатди. Навбатчи уни олиб, у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди-ю, яна индамай эгасига қайтариб берди. Телефон трубкасини кўтарди:

— Олимованинг хужжати йўқ экан... Есть!

У трубкани қўйгач, Санобарга яна бир синовчан назар ташлади-да, «ўтинг» дегандай имо қилиб, ниманидир босган эди, Санобарнинг олдини тўсиб турган иккита темир ширқ этди-ю, тумбочканинг ичига кириб кетди. Санобар навбатчининг бунчалик тез кўна қолганига ҳалиям ишонмагандай нариги томонга ўтди.

Шу пайт рўпарадаги узун йўлакдан ёшгина бир йигит тўппа-тўғри Санобарга қараб келаверди-да, яқинлашиб «Олимова сизмисиз» деб сўради. Санобарнинг жавобини кутмай, у билан кўришди: қўлининг озғинлигидан суякларигача билиниб турарди. Кейин кафтини чўзиб, «марҳамат, мен билан юринг» деган ишорани қилди-да, ўзи олдинга ўтди. Санобар жимжитгина узун йўлак ва бир-бирига ўхшаш эшикларга, шитоб билан тақиллаб эшитилаётган машинка овозига ҳайрон бўлганча, йигитча кетидан кетаверди; йўлак охирига етмай, баланд қора чарм эшик олдида тўхташди.

Йигит чаққонлик билан эшикни очиб, Санобарни олдинга ўтказди. У бунақанги идораларни умрида биринчи кўриши эди. Шу сабабли бутун фикр-режалари бирдан миясини тарк этган, бор вужуди билан «ҳозир Тошмамат акамни кўрсам керак, ўзимни тутай, йиғлаб юбормай тағин», дея ўйлар эди. Йўқ, ҳалиги йигит Санобарни чоғроққина хонада қолдирганча ўзи рўпарадаги жигарранг қабарик эшикни очиб, сирғалгандай ичкарига кириб кетди. Санобар деворга қатор тизиб қўйилган қип-қизил курсиларнинг бирига ҳолсизгина ўтирган бўлди. Эшик очилиб, ичкаридан катта қора кўзойнак таққан, кийимлари ғалати бир қизча чиқиб келди-да, Санобарга кўз қирини ташлаб, индамай бурчақдаги машинка ёнига бориб ўтирди. Санобар лип ўрнидан турганча қўлларини кўксига қўйиб, қизчага салом берди. Қизча буни сезмади. Санобар ичидан ранжиди: «Тавба, салом берсанг, алик олмайдингиз одам ҳам бўларкан-а?..»

Рўпарадаги эшик очилиб, бояги йигит ичкаридан бош суқиб қаради ва Санобарга «киринг» деди. Санобар қўлига тугунларини ҳам олган эди, йигит «шу ерда қолдираверинг, ҳеч ким тегмайди» дея кулимсиради ва анови қизчага нимадир деб тайинлаб қўйди. Санобар эшикдан кириб, яна ярим қадам нарида худди шунақа эшикка дуч келгани учун ҳайрон бўлди, йигит унияю очгач, ҳайҳотдай уй рўпарасидан чиқиб қолишди. Кўзни қамаштирадиган узун гилам полос тугаган жойда каттакон стол турибди. Стол четида дум-думалоқ, хўппа семиз бир киши ўтирар эди. Яхшиям, улар кирган пайтда у олдидаги қоғозларини титкилаётган экан, акс ҳолда Санобар ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Ҳалиям юраги така-пука бўлганча, йигит кетидан индамайгина эргашиб бориб, у кўрсатган жойга ўтирди. Шундагина ҳалиги киши бошини кўтариб, Санобарга қаради. Ниҳоятда хунук одам эди у. Мешдай қорни томоғининг тағиданоқ бошлангандай, юзи гўштдор, қип-қизил, қулоқлариям худди шундай гўштдор, ичидан узун мўйлари чиқиб турибди. Аммо, қизиқ... кўз қарашлари биринчи галданоқ

Санобарга қандайдир жуда ҳам илиқ туюлди, чиндан ҳам кўзлари кулиб турарди. Бош силкиб кўришган бўлди-да, кейин:

— Яхшимисиз?— деб қўйди.

— Худога шукур...

— Мен район прокурори Аслоновман,— деди гўштдор одам Санобарнинг гапига кулимсираганча. — Тошмамат Олимовнинг аёлларисиз, шундайми?

Санобар лаблари қимтиниб, «ҳа» деб бош ирғади. Прокурор столининг чап ғаладонини очиб, пишилаганча энгашиб ичкарироғига қаради ва у ердан бир конверт олди. У ёқ-бу ёғини айлантриб кўрди-да, Санобарга узатди:

— Эрингиздан, хатингизга жавоб.

— Ўзлари қаердалар?— Агар Санобар бу сўзларни ўша дақиқада жон ҳолатда айтиб юбормаганида, кейин атайлаб айтишга балки журъати етмаган бўларди. У гапиратуриб шу қадар тўлқинланиб кетдики, томоғи қуриб қолди. Прокурорнинг кулиб турган самимий кўзлари бирдан жиддийлашди:

— Ҳозирча кўрсатолмаймиз...

Санобарнинг юраги шиф этди-ю, бирдан миясига «қамоқда қийнаб уришади» деган анави мудҳиш фикр келди. Прокурорга илтижоли нигоҳ билан термулганча, кейин яна лаблари титраб, «тушунарли» дегандай тиззасига қараб қолди. Бирдан бошини шахд кўтариб:

— Ўзи нима гуноҳи бор дадамизнинг?!— деб сўради изтиробга тушиб.

Аслонов Санобар кириб келгандаёқ бу аёлнинг ўта соддалигини дарров тушунди; эҳтимол, эрининг ишларидан мутлақо беҳабардир ва унинг айбларини тузукроқ бил-маса ҳам керак, дея тахмин қилди. Санобарга астойдил ачинди. Ҳозир бунақалар кўп жуда... Айбини билсаям, ҳарқалай одам унча ўксинмайди, жазонинг ҳақлигини ичида билиб, оз бўлса-да қаноат қилиб туради. Аммо яқин кишиси нега қамалиб ётганини билмай мана бу аёлга ўхшаб ич-этини еб, азоб чекиб юрса, минг гапир, барибир тушунтиришинг қийин. Одамларнинг гўл изтиробини кўриб, баттар қийналасан.

Шу сабабли ҳам прокурор аёлга ўзининг ортиқча ҳамдардлигини сездирмаслик учун совуққина оҳангда, аммо майин товуш билан:

— Текшириляпти... аниқлансин, айтамиз,— деди; хиёл жим қолиб, яна қўшиб қўйди:— Ҳозир текшириляпти...

Санобар култ этиб ютди. Шунча тутаман деса ҳам иродаси етмади — кўзларига ёш қўйилиб келди. Пастки лабини тишлаб, рўмолининг учи билан кўзларини артди. Прокурор бундай ҳолатлар ўзига таниш бўлгани учун, тезда мақсадга ўта қолди:

— Сизга бир-иккита саволимиз бор...

Санобар ёшли кўзлари билан бош ирғаб, «қулоғим сизда» деган маънони билдирди. Прокурор столига тиқ-тиқ қаламини ураркан:

— Эрингиз қамалгандан кейин уни сўраб уйингизга ҳеч ким келмадимиз?— дея савол берди.

Санобар ҳайрон бўлди, мияси шиддат билан ишлай бошлади.

— Йўқ...— деди охири бўшашибгина.

Прокурор «тушунарли» дегандай бош силкиди-ю, аммо Санобарнинг назарида унинг гапига унча ишонмагандай бўлиб туюлди.

— Эрингизнинг иш ҳақи қанчалигини билармидингиз!

Санобар бўйнигача қизариб кетди; чунки прокурор жуда қийин савол берди унга. Санобар шу пайтгача, мана ўртада шунча йиллар ўтиб, болаларининг бўйи-басти ўзидан ошиб... бирон марта Тошмамат акасида «қанча пул оласиз» деб, ҳатто ҳазилгаям сўрамаган. Чунки бу сўроқ ортиқча. Санобарнинг нима иши бор, ахир. Тошмамат акаси топганини уйга ташийди, бошқа қаёққа олиб борарди. «Тавба-а! Бунинг устига Санобар бир хиллардек беш қўлини оғзига тиққанлардан эмас, худо асрасин! Ундайларни жинидан баттар ёмон кўради... Эрни эр қилган ҳам, қаро ер қилган ҳам — хотин. Хар-хашаси оламни бузган не-не сурмагонларни кўрди, кўряпти Санобар! Беш кунлик дунёда манманлик кетидан қувиб, бошқалардан ажралишни истаб... охири эрларининг обрўйи, шаъни-шавкатини бир пул қилган, юзини ерга қаратган танноз хотинлар камми ҳозир ҳам?! Нима бўларди, охири бориб эрларининг бошини ейишади — шу!...»

— Биласизми?— дея яна саволини такрорлади прокурор.

Санобар бошини сарак-сарак қимирлатди.

— Наҳотки?

Прокурорнинг бу сўроғи Санобарга худди «унда қандай хотинсиз, эрингизнинг қанча топишини билмасангиз?» деган шаъмадай эшитилди.

— Йўқ, билмайман... Сўраш — ноқулай...

Прокурор яна бош қимирлатди.

— Уйингиздан ўттиз минг сўм тилла заём чиқди. «Зил» холодильник. Иккита телевизор. Тилла буюмлар. Шулар қачон олинган, эслайсизми?

Санобар хў ўша эри қамалгандан сўнг икки кун кейин келиб, бутун уйни ағдар-тўнтар қилганларнинг каттаси ҳам худди шу саволни берганини хотирлади-ю, «ўша гал тўғри жавоб қайтарганмидим ёки йўқми» дея ўйланиб қолди. Унинг икки-

ланганини сезган Аслонов саволини қайтармади, лекин томоқ қириб йўталиб қўйди.

— Шу икки-уч йил ичида...— деди Санобар маънос бир оҳангда. Ановиларга ҳам шу жавобини берган эди.

— Нега аввал ололмагансизлар бу нарсаларни? Нега икки-уч йил ичида олдинглар? Сабабини биласизми?

Санобар бир тайинли жавоб қайтаролмади... Прокурор яна шунақанги майда-чуйда масалаларни аниқлагандай бўлди-ю, кейин Санобарга рухсат берди. Санобар «мени-ям ушлаб қолишга эди» деб қўрққан эди. Рухсат теккандан сўнг бирдан кўнгли енгил тортди. Қафасга ўхшаган бунақанги жойдан иложи борича тезроқ чиқиб кетгани маъқул. Аммо у яна бир қимтиниб, «болаларимнинг отасини бориб кўриши мумкинми... у киши касалманд одамлар, у-бу парҳез таомларга балки рухсат берарсизлар...» дея ялиниб ҳам кўрди. Прокурордан эса яна ўша эски жавобни олди: «Ҳозирча мумкин эмас, пайти келганда ўзимиз хабарлаймиз; эрингиз касал бўлса, турмада ҳам врачлар бор, айтса — дори-дармон беришади...»

Шу гаплардан кейин Санобар бир мунча хотиржам тортди. «Соғ юрсалар — бўлгани, эртами-кечми, худо хоҳласа, қутулиб чиқадилар...» деб ўйланди сўнг. Аслоновга қайта-қайта раҳмат айтиб, жўнади.

Ташқарида Санобар чидолмади; Тошмават акасининг хатини кўчадаёқ очиб ўқимоқчи бўлди. Бир кўнгли хатни уйда, болалари олдида очишни ҳам ўйлади-ю, аммо юраги чидамади. Уйгача етти қақиримли масофа, ҳали автобус борми-йўқми, тушдан олдингиси аллақачоноқ кетиб бўлган, кечкисини пойлайман деса, қоронғига қолиб кетади. Йўл-йўлакай бирор-бир юк машинасидами ёки пиёдами... Қимирлаган қир ошар, ахир!..

Санобар қишлоққа буриладиган ҳавоза кўприккача пиёда бориб, «ўша ердан бир нарсага илинарман» дея мўлжаллади. Холи жойда тўхтаб, асфальт четигаги харсанг-тошга тугунларини қўйди. Хатни очди. «Санобар, Шоҳиста, Мавлуда, Ботирбек. Соғлиғим дуруст, хавотир олманглар. Овқатлари чидаса бўлади, ҳеч нарса керак эмас. Овора бўлганларинг билан — барибир ҳозирча рухсат йўқ. Санобар, менсиз қийналиб қолгандирсан. Яхшиям, ёнингда Шоҳиста бор. Айт, ўксинмасин. Ичкари уйнинг охириги тоқчасини қара. Тўйинга ишлаб». Санобар ичи ачишди. Тилла заёмларни ўша аввалги жойидан олиб, жон аччиғида танча четига тиқиб ташлаган эди. Охирида униям топишди. Тошмават акаси боёқиш бундан беҳабар суюниб ўтирибди. Барибир, унга хатда ёзишмагани яхши бўлди. Шунча азоби ўзи етмаганидай! Бир амаллаб кунимиз ўтар, ўлиб қолмасмиз... Эрим бечора-я! «Мен қамоқда ётсам — ётибман-да, хотиржам бўл, бу ердан туриб ҳам сизларни боқишга қўрбим етади» дегани бу унги... «Ҳеч нарсадан қисиниб ўтирма. Омонлик бўлса топилади ҳаммаси. Қайтага йўқлигини билдирмай, бака-банг қилиб ўтказинглар тўйни! Илтимос! Қачонга белгилаяпсизлар? Қудалар қалай? Келиб туришибдими? Бошимизга тушган мусибатдан чўчиб кетишмадимми, ишқилиб?... Ё димоқларини кўтариб юборишдими? Унда ялинма, ўтирган қиз ўрнини топади... Ҳаммага салом айт, тезда чиқиб қолар эмишлар, де». Санобар ёноқларига ёш думалаб, «ҳа, худога шукур-а, худога шукур» дея кўзларидаги ёшни сидирди. Хатга тикилди. «Ҳозирча ҳеч кимга ҳеч нима деманглар. Кимга нимаям дейсан? Ҳозирча жим туринглар. Ҳалигача ўзим ҳам билмайман айбим нималигини». Санобар шундай бир енгил сездики ўзини, яна «хайрият, хайрият» деб шукрона айтди. «Демак, айби йўқ. Айби йўқ. Айби бўлганда бундай демасди...» Санобар ёш боладаги севиниб кетди. Шошилганча яна хатга кўз тикди. «Ҳар куни сўрайман бу ердаги хўжайинлардан: жуда бўлмаса, ёш болаларимни бир кўрай деб. Ҳозирча мумкин эмас эмиш. Рухсат тегди дегунча, сиз азизларимга хабар бераман. Атайлаб мана шундай қисқа хат ёздим. Лекин кўнглимдаги гапларимни бир билсаларинг эди. Туну-кун сизни ўйлаймиз, деб ёзибсизлар. Эсингизда бўлсин, мен ҳар кун соат тунги 8 да сизларни ўйлайман. Ташқарида қаердандир гудок овози эшитилади, шунда соат 8 бўлди дейишади. Тепамда битта туйнук-дераза бор. Гудок чалганда ўша туйнукка қарасам, чеккасида битта юлдуз мўралаб турган бўлади. Кун булут пайтида у кўринмайди. Гудокни эшитиш билан туйнукка қарайман. Ёки олдин юлдузни кўриб қолсам, нафасимни ютиб гудокни кутаман. Кейин ҳеч шошмай, ўзимча ҳузур қилиб, ҳаммаларингни бир-бир эслаб чиқаман, менга одат бўлиб қолди шу. Бу кеча-кундуз ўйлаганимдан ташқариси ҳали... Соғ бўлсак кўришамиз. Санобар, мен ноумид эмасман. Сизлар ҳам ноумид бўлманглар. Ҳамма болаларимни мен учун ўпиб қўй. Исмоиловдан ҳалиям хабар йўқми? Тошмават».

Санобар хаёли паришон бўлган қўйи хатни камзулининг кўкрак чўнтагига яшираркан, узоқдан усти бўш яшикка тўла юк машинаси кела бошлади. У колхозники эди, Санобар дарров таниди. Қўл кўтармасиданоқ ҳайдовчи ҳам уни танидимми, гийқиллаб машинани тўхтатди. Кабина бўш экан...

Машина яйдоқ далалар ўртасидан зувуллаб, устидаги бўш яшикларни тўхтовсиз ғичирлаб бораркан, туриб-туриб Санобарнинг яна хўрлиги келди. «Шундоқ гурсиллаб юрган одам... тепадаги битта юлдузга қараб мўлтираб қолган бўлса-я?! Э, худойим-эй!.. Ўзи бир омад кетмасин экан, кетдими — тамом! Исковуч итдек эртасиёқ келиб, бор буди-шудимизни супуриб кетишди-я, ноинсофлар! Бир тийинини ҳам қолдиришмади. Актга қўл қўйдиришдан олдин «мана, сананг, ўттиз минг-у фалон сўм»

деб миннат қилгангандари-чи яна?» Санобар аччиқ устида қайрилиб ҳам қарамади, фақат имзо чекди. «Шўринг қурғур эрим, ётган жойида ўзича кўнгли тўқ, «ноумид эмасман» дегани ҳам шундан! Агар билсам?! Э, худо, очимиздан ўлсак ҳам то шу сиртмоғидан қутулиб чиқмагунча бир оғиз лом-мим демайман! Шуниси етмай турувди ўзи! Юраги ёрилиб кетиши мумкин. Ўлсам ҳам айтмайман! Айтсам, тилим кесилсин!..»

Аммо рўзгор — ғорни ўйлаганда, Санобар бирдан хомушланиб қолди. Илгари бу ҳақда ҳеч бош қотирмасди — Тошмамат акаси бор эди. Энди нима бўлади? Икки қоп гуруч, икки қоп биринчи сорт ун, ўрада сабзи, картошка, ҳатто шолғомигача бор... Сигир, қўй-эчки... Лекин... ётиб еганга тоғ чидамайди. Ўша жамғармалариям ҳадемай тугар, кейин нима бўлади? Санобар ишламаса, болалари ҳали ёш, ҳаммаси мактабда. Шоҳиста бу йил ўнни битиради-ю, аммо унинг ишлари ҳам мужмал бўлиб қолди бу ёқда. Тошмамат акаси «тезда кўришиб қолармиз» деб ёзгани билан анови Аслоновнинг авзойига қараса, ҳали-бери чиқадиганга ўхшамайди. Ҳали анча ётадиганга, ҳали уни анча овора қиладиганга ўхшашади... «Эй, худойим-эй! Намунча ёмон ният тиламасам ўзимга-ўзим?! Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, қолаверса одамлар бор-ку, ахир! Бир амаллаб кунимиз ўтар...»

Закияни эслаб, юраги юмшади. Тошмамат акаси қамалгандан кейин орадан бир ҳафта ҳам вақт ўтмай, бир кун кечқурун сочиққа ўралган товоқча кўтариб, уйга Закия кириб келди. Бошида Санобар кўрқиб кетди, нимага кўрқди — ўзи билмайди. Закия бечора ҳол сўраб, аizza-базза картошка манти қилиб кепти. Хў, алламаҳалгача муттаҳам, қаллобларни қарғаб ўтирди. «Олий Советга ёзинглар, Тошмаматда айб йўқ, анови нафсингга чипқон чиққурларда ҳамма айб», деб ўзича йўл кўрсатди уларга... Орадан яна уч-тўрт кун ўтмай, кимдир йўлакка икки яшик помидор ташлаб кетди... Санобар бундан суюнишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмайди. Ўзи шу: одамлар хушнуд кунларда бир-бирларини унча қадрламайдилар, кулфат уларнинг кўзини очади...

Ҳайдовчи йигит нақ дарвоза тагида машинасини тўхтатганда, Санобар худди уйқудан уйғонгандек, «вой, келибман-ку» деди ва шоша-пиша кабинадан тушаётиб, тугунининг тагини кавлаштирди. Ҳайдовчи «э, қўйсангиз-чи» деди-ю, машинага газ берди. Санобар шағал йўлни қасир-қусур ўйнатганча, кўчани чангитиб бораётган машина орқасидан қараб қоларкан, «яхши одамлар кўп бу дунёда» дея пичирлади маъсумгина жилмайиб. Дарвозани очиб, ичкарига кирди. Худди ер тагидан чиққандай Йўлбарс пайдо бўлди. У думини ўйнатиб, бутун гавдаси биланглаб югуриб келди-ю, эгасининг оёқларига ўралашди ва ингиллаганча у ёқдан бу ёққа ўтиб, эркалик қила бошлади. Санобар итни кўрибоқ кўнгли жойига тушди — демак, болалар шу ерда, уйдаги аҳвол ҳам ҳар кунгидек. Бир йўталиб, ҳовлига бурилди.

Дадасининг хати айниқса Шоҳистаниннг кўнглини бузиб юборди; негадир бирдан Акбаржонни кўришни истади. Лекин шанбагача ҳали орада тўрт кун бор. Тўрт кун... Акбаржон ҳам унашилганларидан бери сира қанда қилмайди — бутун ҳафта бўйи шанба кунини орзиқи кутади-ю, келди дегунча, бу ёққа қараб бамисоли қуш бўлиб ўчади. У ўзи охириги кунлари Шоҳистага қайта-қайта ялиниб, ҳар шанбада кандасиз шаҳардан чиқиб, «учрашайлик, гапим бор» деган мазмунда кетма-кет хат йўлласа ҳам, қайтага Шоҳиста ундан хиёл ранжиб, «мен нима хаёлдаман-у... у мени кўнгилчоғликка таклиф қиляпти» деган нотўғри хулосага ҳам борди. Энди ҳозир уни ўзи қўмсаяпти. Балки юрагини ёрмоқчидир?! Балки ундан мадад сўрамоқчидир? Еки вафодорлигини синаб кўрмоқчидир? Шоҳиста ўзи билмайди — кўнгли нима истаётганини... Аммо иложини топса, шу бугуноқ, ҳозироқ Акбаржонни кўрса...

14

Тошмамат озиб-ёзиб бир ухлаган эди, лекин шунда ҳам уйғоқ ётган дили билан, аллақандай хаёлий сабаб туфайли сездики: саҳар палласи бўлишига қарамай эшик ширқ этиб очилиб, камерага кимдир кирди. Лекин вужуди худди туман ичида сузиб юргандай, уйғонгиси, ерга оёқ қўйгиси келмас, шу туман оғушида оқиб юриш мароқли эди. Беҳад бўшлиқ қаъридаги хаёлий булутлар уни аллалаётганими — тепадан ҳам, пастандан ҳам, ён-веридан ҳам ғалати бир шағиллаган овоз эшитиларди. Тошмамат уйғонганми ёки туш кўраяптими — чегарани биллолмай, гаранг, ҳатто ўзи эмас, мияси, фикри ҳам оқиб бораётганга ўхшарди. Лекин камераниннг дим ҳавоси бирдан ўзгаргани, эшикдан муздай оқим отилиб киргани сезилди; Тошмаматнинг мудроқ хаёли бир сесканиб тушди; у секин ингради-ю, бамисоли кўрғошиндай қовоқларини кўтарди. Хира парда орқали ўзига даҳшатли бир башара ўқрайиб турганини кўрди. Сапчиб тушди. Яна хў биринчи кундагидек, тепасида энгашиб турган анови Барзанги унинг елкасидан итариб жойига ётқизди. Биринчи кўрганида елкасига қўлини босиб ётқизган эди, ҳозир эса шунақанги қаттиқ уриб юбордики, Тошмамат кароватга коптоқдек учиб тушди.

— Ие, нега урасиз?

Мана шу ўта юмшоқ эътироз ҳам ёқмади шекилли — Барзанги гурзидай мушти билан Тошмаматнинг қорнига шу қадар қаттиқ зарба туширдики, назарида кўкрагининг

пастига қандайдир бир ўтмас ғўла кириб кетгандай бир неча дақиқа нафаси қайтиб, боши гандираклаб турди. Кейин оғриқ бутун танасига ёйилиб, қорнини ушлаганча букчайиб қолди. У нима юз берганини тушунмади. Оғзи бемаза тортиб, худди лунжигача қон келгандай бўлди... Шу пайт Барзанги камзулининг ёқасидан ушлаб, уни бўға бошлади. «Ўлдирмоқчи» деган фикрдан Тошмамат даҳшатга тушди ва овози хириллаб «тегманг, тегманг» дея қичқирди. Ўзига қичқиргандек бўлиб туюлгани билан, аслида, мутлақо овози чиқмаган эди.

Барзанги уни ўлдирмоқчи эмас, ўзига келтирмоқчи эди. Тошмамат анча вақт ерга букчайганича қорнини ушлаб қолгач, Барзанги «нимжон-ку жуда» дея ўйлади ва ёқасидан кўтариб, бир-икки силтаб-силтаб кароватига ўтқазди. Ана шу силтагани Тошмаматга бўғаётган бўлиб кўринди. Тошмамат унинг бадбашара юзи, ҳўкиздек бўйнига қараб кўнгли айниди. Ҳў 6-камерада учратганида, Тошмамат унинг бу қадар бақувватлигини ўйламаган эди. Хирсдай, чўққадай кучи кўп экан. Ҳатто унга қаршилик қилишнинг ўзи бефойда эди. Буни Тошмамат биринчи мушт тушгандаёқ сезди. У кароватига ўтирганча ҳамон қорнини ушлаб инграрди.

— Нега чалиб йикитдинг мени, аблаҳ?! — Барзанги шундай деб ўшқириб, яна урмоқчи бўлди. — Нега чалдинг мени, а?!

— Мен чалганим йўқ...

Барзанги яна Тошмаматнинг қорнига мушт туширди; Тошмамат ҳам жон аччиғида уни қаттиқ туртиб юборди. Барзанги худди шуни кутгандай бирдан қутуриб кетди. Тошмаматни яна чалпақдек ағдариб, орқасидан бир-икки тепди. Тошмамат унг чаккаси билан деворга уриларкан, бир зумда ғурра бўлиб чиққан жойини ушлади.

— Ҳа, Каламуш! Янами? Ёки етарлими?! — Барзанги бирдан телба қиёфада жилмайди. — Менга қўл кўтарармиш! Оёқ-кўлингни синдириб, узиб ташларман!

У ҳамон ўзини Тошмамат итариб юборганини ақлига сиғдиролмаганидан тишлари ғичирлаб, яна Тошмаматнинг сочидан тортиб силтади. Тошмамат бу ҳайвон билан олишиб ўтиришнинг ўзи аҳмоқлик эканини сезди-ю, индамай қолди. Барзанги у ёқдан-бу ёққа харсиллаб юраркан, яна Тошмаматга ғазабнок тикилди. Унинг индамай ўтиргани ҳам ғашига тегиб, «тилинг кесилганми» дея ўшқирди. Тошмамат бу махлуқ ўзидан нима истаётганини билолмай гаранг эди. Бунинг устига, «менинг камерамга бу қандай кирдийкин» деган фикрдан даҳшатга тушди, юрагини ҳар турли шубҳалар босди. «Ўзи ҳибсдаги одам бўлса, нега ва қандай қилиб кирди у бу ерга? Мақсади нима? Ким унга эшикни очиб берди?...»

— Агар кирганимни биронтаси билса, ўлдинг! Пашшадай эзиб ташлайман, аблаҳ! Уқдингми?!

Барзанги «бўйнингни мана бундай узаман» дегандай кафтини бўғзи атрофида айлантирди ва яна болягидек телбанамо илжайиб, чап кўзини қисиб қўйди. Тошмамат ижирғанганини билдирмаслик учун юзини четга бурди.

— Уқдингми, деяпман сенга?!

Барзанги чўнтагидан ханжар чиқарди; йилт-йилт товланаётган совуқ пўлатни Тошмаматга ўқталиб, яна тиржайди. Тошмамат қўрққанидан эмас (жонидан тўйиб кетган ўзи), манови телба жоҳилнинг қўлидан ҳар қандай иш келиши мумкинлигини ўйлагани учун саросимага тушиб, эшикка қаради. Негадир Барзанги ҳам хавотирлангандай бўлди. Аммо эшик зич ёпилган эди. Ташқаридан қирт этган овоз эшитилмайди. Саҳар пайти — бутун турма уйқуда. Тошмаматнинг юраги дук-дук уриб кетди. «Бу жаҳаннамда ҳар қандай риёкорлик бўлиши ҳам мумкин, — дея ўйлади, — ким билиб ўтирибди. Битта туширади-ю, қандай кирган бўлса, шундай чиқиб кетаверади. Ким уни қидириб топади? Қўйни бўғизлаб кетган бўрини бутун тоғу тошни изғиб, қаердан ҳам топиш мумкин? Топганда... Ҳа, ана, топганда нима?! Яна ўн-ўн беш йил кўшишади бу махлуққа. Ўзи турмага ўрганиб қолган, турмасиз яшай олмайди энди у... Турма «хизматқори»... Бир уради-ю, Кейин «ўзини ўзи ўлдирган» дейишадиими. «Юраги бўш экан» дейишадиими... Ким билади?! Баҳона, сабаб топиш қийинми?!»

Тошмамат нима бўлса ҳам Барзангининг жаҳлини қўзитмасликни ўйлади. «Тушундим» дегандай бош ирғади. Кейин тўсатдан миясига «бугун навбатчи ким» деган совуқ фикр келиб урилди. Шопмўйлов!

— Билиб қўй, ҳар қадаминг кузатиб турилади... — Барзанги шундай деб бурчакка ўтди-да гўё ўша ердан Тошмаматни чамалаётгандай, унга ўқрайиб қаради. — Индингга сени Рустамов яна сўроқ қилади. Унга «400 минг сўмни банкдан кассир икковимиз олиб, Исмоиловга шахсан топширганмиз» дейсан, уқдингми?!

Тошмамат ўтирган жойида қотиб қолди. У Барзангига анграйганча, нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билмас эди. Тағин ўзича Барзангини «эси кирарли-чиқарли» деб, одам ўрнида кўрмай юрибди-я... Тошмамат ҳамон довдираган кўйи, ҳозирги гапларни чиндан ҳам Барзангидан эшитганига шубҳаланаётгандай меровсиб қолди. Барзанги эса энди мутлақо жиддийлашган, айтган сўзлари Тошмаматга қандай таъсир қилганини синаётгандай бутун вужуди билан унга қадалиб турарди.

— Ҳой, Каламуш, гапимни эшитдингми?!

Тошмамат ўша заҳоти бош қимирлатиб «эшитдим» деган маънони билдирди. У ҳали

бир қарорга келолмаган, ўша катта пулни Исмоиловга берган-бермаганлиги билан манаови Барзангининг нима алоқаси борлигини ўйлаб боши қотаётган эди, ҳамон нима жавоб қилишни билмас эди.

— Тилинг борми, аблаҳ? Овозингни чиқарсанг-чи! Гапимни эшитдингми?

— Ҳа-а... эшитдим...

— Агар кирганимни, сенга айтганларимни, айниқса Рустамов зиғирча сезиб қолар экан, билиб қўй, арши-аълода кўрасан ўзингни. Улигинг шу ердан чиқади. Бошқа йўл йўқ! Лекин Рустамовга худди мен айтгандай, аниқ айтасан. Кейинги гаплар билан ишинг бўлмасин. Агар шу ердан кутулай десанг...

Юзи шишган, сўлаклари оқиб турадиган бу иррит одамдан шунча бурро гап чиқишини Тошмамат хаёлигаям келтирмаган эди; ҳамон у ўзини йўқотган ҳолда турарди.

— Лекин... ҳам... лекин Исмоилов олмаган у пулларни... — Тошмамат эшик томон йўналган Барзанги ташқарига чиқса, худди гапи ичида қолиб кетадигандай шоша-пиша ғудранди.

— Нима-а???

Барзанги кўзлари ўтдай ёниб, унга ўгирилиб қаради. Ярим бурилган ҳолатида қимир этмай Тошмаматдан жавоб кутди.

— У пулларни кассир иккаламиз пункт мудирига олиб бориб берганмиз... — деди Тошмамат кўрқа-писа.

— Нима-а-лар деяпсан?! Аблаҳ! — Барзанги югуриб келиб Тошмаматнинг қорнига тепди. Тошмамат «вой» деганча букчайиб қолди. — Ҳали Рустамовга шундай деганман дегин?! — Барзанги Тошмаматнинг бошига мушт туширди.

Тошмамат азбаройи жони оғриганидан «йўқ, йўқ, ҳали айтмаганман, ҳали буни сўрамади» деб юборди нафаси ҳалқумига тикилиб. Барзанги бироз ҳовуридан тушди ва яна сал нарига бориб, индамай қолди. Тошмамат ҳалиям қорни зирқираб оғриётгани учун:

— Мендан нима истайсиз? — деди ихраб. — Кимсиз ўзи? Менга тегманг. Бола-чақаларим бор...

— Нима истаётганимни ҳали ҳам билмадингми?! Бола-чақаларинг борми?! — У масхара қилиб кулди.

Тошмамат Барзангига нафрат билан ўшшайиб қаради. Бояги «қўлдириб кетиши мумкин» деган хаёли ҳозир ўзига бачкана туюлди-ю, ўжарлиги тутди. «Ахир, тирик жонни индамай кириб, ўлдириб қўяверилмас... Кимдир жавоб беради-ку, ахир, бизнинг тақдиримизга ҳам...» Унинг кўнглидан ўтган бу фикрларни худди Барзанги ҳам сезгандай, яна Тошмаматга яқин келиб чўнтагидан ханжарини чиқарди.

— Ажалингдан беш кун олдин ўлгинг келяптими?! — Барзанги ханжарни Тошмаматнинг бурни остига нуқиди; аммо тиф ушлаган қўли титрар эди. Тошмамат ханжар гарчи бурнига тегмаса ҳам, лекин унинг совуқ нафасини сезиб сесканди.

— А? Ажалингдан олдин ўлгинг келяптими? Ишонмаяпсанми ўлишингга? — Тошмамат унинг кутурган, қонталашган кўзига кўзи тушди-ю, қўрқиб кетди. Яна ваҳима босди. «Йўқ, бу аблаҳга одам ҳаёти пашшача ҳам эмас... Кел, шунинг айтгани бўла қолсин...»

— Исмоилов йўқ деса-чи, тухмат деса-чи? Унда нима қиламан?

Барзанги тезда жавоб қайтармади. Сал нарига кетди ва «тўғри гапиряптими ёки мени лақиллатяптими» деган маънода унга қаттиқ тикилди. Кейин жиддий, кескир товуш билан:

— Деса, деяверсин! — деди ханжарини силтаб. — Деяверсин! Шундай дегани яхши! Тухматчилиги, ёлғончилиги янаям билинади. Айтдим-ку, бу ёғи билан ишинг бўлмасин деб. Шундай десанг, сен ҳам қутуласан. Чиқариб юборишади. Ҳозир Исмоилов бутун айбни сенга ағдаряпти, шуни биласанми?!

— Йў-ўқ... — Тошмамат бу гапга бир ишонгиси келса, бир шубҳа босар эди уни. — Болаларингни, уйингни кўриш умидинг бўлса, айбни Исмоиловга ташлайсан. Уқдингми? Сенга бошқа йўл йўқ. Ёки камида ўн уч йил маза қилиб чиқмоқчимисан?! Ҳозир мана шу фақат битта гап, «Исмоилов олган» деб тураверасан. Қолганини қўявер. Керак бўлса, кейин нима дейшингни яна айтамыз. Уқдингми?!

Барзанги шифт тагидаги деразага бир назар ташлади-ю, тонг шафағини сезганиданми, шаҳд билан эшикка қараб йўналди ва уни секин очаркан, овозини пастлатганча:

— Эсингда бўлсин, агар овозинг чиқса, ўлигинг шу ерда қолади! — дея вишиллади; эшикни беркитди. Бироз жимликдан кейин эшик ташқаридан ширқ-ширқ кулфланди. Оёқ учида эҳтиёт бўлиб юрилган қадам товушлари эшитилди. Уч-тўрт дақиқадан сўнг ҳаммаёқ яна худди ғўристондек жимликка чўқди.

Тошмамат бутун вужуди ларзага тушганча, анча вақт ҳайрон қолиб ўтирди. Кейин каравотига бориб ўзини ташлади ва юзини кафтлари билан беркитиб олди. Кечагина уйига жўнатган мактуби эсига тушди.

Бироздан сўнг ҳозиргина юз берган ғалати воқеани ва ўзининг юраксизлигини ўйланди-ю, бирдан ғазаби тошиб кетди. Шу даражада эзилдики!..

«Барибир эмасми — қаерда ва қандай ўлиши?! Атиги уч-тўрт кунгина бурун «одам бу жойда ўзиниям ўлдирилмайди-я» деб нола чекиб ётган ҳам мана шу Тошмаматнинг

ўзимиди, ахир?! Ҳозироқ ажал келса эди, деб зор-зор қақшаб ўзига ўлим тилаган ҳам ўзимиди?! Хаёл, гап бошқа-ю, жон бошқа! Жон ширин! «Ўзимни ўлдираман» деган одам сира ўзини ўлдиролмайди, кучи етмайди бунга! Ўлдирадиган одам... муҳокама қилиб ўтирарканми? Ўлдиради-қўяди-да! Бунга ҳам юрак керак, бунга ҳам мардлик, журъат керак! «Ҳаётдан воз кечдим-е» дейдиганларнинг гапи тўғри чиқаверса, одам қолармиди бу дунёда? Бўлмаган гап!..»

Тошмамат ўзидан нафратлана туриб, юраксизлигидан жиркана туриб, бирдан хаёли парокандалашди. Кейин Барзангининг бу камерага қандай қилиб кириб қолганига боши қотди. Уйлаб-ўйлаб, барибир ҳеч нарса тушунмади; баттар чалкашиб кетди. «Нима бўлиши мумкин бу? Еки терговчининг найрангимиди? Унда... нима учун «агар Рустамов билса, каллангни оламан» деди? «Айниқса Рустамов билса...» деб пўпаса қилди... Яна «Исмоилов бутун айбни сенга афдаряпти» дедими? Анани Нортожи воқеасини ҳам айтган бўлса-я Исмоилов Рустамовга. Унда тамом. Битта ишга иккинчиси қўшилади. Ҳали мени қотилга чиқаришмасайди! Балки... бу кўргилигим ўша норасиданинг гуноҳидир? Ким билади...» Тошмамат Барзангининг хунук башараси, одам ирганадиган афти-ангорини кўз олдига келтираркан, «Ким ўзи у?.. Кимнинг ишини бажармоқчи?..» дея ўйлай бошлади. Уша заҳотиёқ мияси торс ёрилгудек бўлди. «Йўқ, бу ерда ўтириб, бундай чалкаш тугунни ечиш қийин. Кутиш керак! Кутиш керак... Бошқа илож йўқ...»

Тошмаматнинг чап кўкраги ёмон санчди. Худди биров мўлжаллаб секингина нина тикиб олганга ўхшайди. Кейинги дақиқада ўтиб кетди. Тошмамат хавотирга тушиб, худди оғриқ яна қайтариладигандай атайлаб кутиб турди. Хайрият қайтарилмади. «Бу ҳам асабдан бўлса керак, — дея ўйлади. — Ҳар бир кулфатнинг тагида асаб ётади-ку?.. Асаб! Асабийлашиб-асабийлашиб, ҳатто рак бўлиб қолиш ҳам мумкин экан...» Тошмамат бунини илгари қаердадир ўқиган эди, ҳозир эслаёлмади, аммо ўқигани аниқ ёдда. Тошмамат яна юраксизлигидан нафратлана бошлади. «Йўқ, тонг отиши биланоқ... агар бугун Рустамов сўроққа чақирмаган тақдирда ҳам, ўзи талаб қилади... Бор гапни, тунда нима бўлганини оширмай-лаширмай айтади-да, нима бу қонусизлик, устингиздан шикоят қиламан, дейди. «Нима, бизнинг ҳеч ҳимоячимиз йўқ деб ўйлаяпсизми? Бекорларни айтиб-сиз! Хўп, майли, айбимиз бор, сиз ҳам кўрганда дир-дир титраганингиз ўша «юқоридагилар»нинг гапига кириб, тумшугимиздан илиндик! Айбимиз бор, майли... Лекин битта ноҳақликни аниқлайман деб, нега иккинчи ноҳақликка йўл очаяпсиз?! Нега одамни зўрлайсиз? Нега «ҳақиқат»ни қонусиз йўл билан билмоқчи бўласиз?! Ё сиздаям, нима, план борми? Қамаш плани! Тепангизда турган бошлиқларингиз сизиниям «ҳа, бўл-чи, бўл» деб шоширишяптими?! Улар ҳам «ёвузликнинг илдизини қуритдик» деб тезда рапорт беришмоқчимиз ўз бошлиқларига?!. Акс ҳолда одамни нега бунча хўрлайсизлар?..» дейди.

Тошмамат бирдан қаттиқ ўксинди. Зирқираб қорни оғрий бошлади. Қаердаги паст бир махлуқдан тепки, мушт егани эсига тушиб, ўз қадрига ўзи йиғлай бошлади. «Киши қанчалар хўрланиши мумкин-а?! Қўлидан ҳеч нарса келмай, муштга мушт билан жавоб қайтаролмай, нола қилиб, юм-юм йиғлаганча қолавергани — энг даҳшатлиси мана шу! Ақлга сиғмайди! Ҳозирги воқеани бировга айтса, ким ишонади?! Ҳеч ким! Рустамовга айтса ишонадими?! Ишонмайди. Назоратчи қоровуллар-чи? Улар шундай воқеа юз берганини бўйнилариға оладиларми?! Унда ўзлари жиноятчига айланадилар-ку? Ўзлари жавоб беришлари керак-ку, унда. Демак, улар ҳам тонишади. Инкор этишади. Агар билиб турсалар ҳам, ўзлари қилган бўлсалар ҳам — туя кўрдингми, йўқ. Айб яна Тошмаматга афдарилади. Унда битта-яримта гувоҳи бўлсаки, гапини тасдиқлайдиган!.. Мана шу аҳволда ҳозир нима қилсин?! Қаерга бош урсин?! Кимнинг устидан дод дейди! Уни мана шу кўйга солиб ўтирганларнинг устиданми?.. Унда баттар хўрлашмайдимиз уни?! Хўш, нима қилсин шу аҳволда у?!»

Ташқарида аллақайси эшик ғийқиллаб очилди-да, яна гурсиллаб ёпилди. Тонг ёришди шекилли, жимжит турмада ғимир-ғимир ҳаёт уйғона бошлади. Навбатчи қоровулми, узоқ вақт бўғилиб, ўқчиб йўталди, кейин уни биров бўғиб қўйгандай бирдан жим бўлиб қолди. Йўқ, бироздан кейин яна йўтала бошлади; йўталавериб қийналиб кетди... Тошмамат бу ташқи белгиларга қулоқ солиб ётаркан, баттар юраги эзилди. Яна ўша ҳар кунги ҳаёт, ҳар кунги тутқинлик, ҳар кунги хор-зорлик. У ёққа бор, бу ёққа кел. Орқангда соқчи... Лекин шу ерда ҳам, бир хил, зерикарли ўпқон деб ҳисобланган шу турмада ҳам ҳар кунги ҳар қалай нимадир юз бериб туради. Кеча, масалан, «ҳовлига сайрга» чиқишганда уч-тўртта маҳбус бир-бирларига ташланиб қолишди. Айниқса, биттасининг кекирдагини узиб олишай дейишди. Одам ҳайвондан фарқи йўқ экан, агар қутурса... Зўрға бошишди... Бугун энди манови ҳодиса. Уйлаб, Тошмаматнинг юраги безиллади... «Нима қилиш керак энди? Рустамовга бугунги воқеани айтсинми? Дабдурустан «400 минг сўмни Исмоилов олган эди» деса, қандай бўларкин? Қизиқ, бу гувоҳлик ўзи кимга зарур экан? Ҳар қалай, бу гап Исмоиловга қўйилган қопқонга ўхшайди. Унда ким қўяпти бу қопқонни?..»

У Рустамов билан ораларида неча марта сўроқ-жавоб ўтган бўлса, ҳаммасини бир бошдан хотирлаб чиқишга уринди. «Ўша катта пулни Исмоилов олган-олмаганлиги ҳақида аввал ҳам сўралганмиди, ёки?.. Йў-ўқ, бундай гап бўлмаган ҳали... «Исмоилов олган»

демаган сира шу пайтгача. Тўғриси, «кассир икковимиз банкадан олиб мудирга берганмиз» дегандим-ку. Рустамов кейин буни қайта суриштирмади... Унда Исмоиловни ким жарга итаряпти? Наҳотки шу гувоҳлик билан қутулиб кетсам? «Тошмамат бир тийин ҳам олмаган бўлиб чиқади-да?.. Хўш, нима қилиши керак у?..»

Тошмаматнинг баттар боши қотди. Барзангини ҳатто дастлабки кезлари «Исмоилов, Исломхўжаевларнинг одамими» деган фикрга ҳам борган эди. «Киши мушкул аҳволга тушганда нималар келмайди хом калласига?! «Исмоиловга бердим дегин», дегани аломат! Ким ўзи булар? Тагида кимлар бор? Мудирмикан?.. Йў-ў-қ... Бунчалик эмасдир!.. Йў-ўғ-е... Ҳа, ҳа! Иш чапасидан кетгудек бўлса, бундайлар оч бўридек энг аввало бир-бирларининг кекирдақларини узишади!.. Худди шу иш бўляпти ҳозир! Бири ўлиб, бири қолмайдимми?.. Аммо Тошмаматни шу ерда ҳам яна ёлғон гапиришга мажбур қилишяпти-я!.. Яна янги жиноятга судрашяпти... Бир ботқоққа тушдингми, ўзи чиқшинг қийин: тагида тортаверади, тортаверади, ном-нишонсиз чўкиб қутуласан... Улмагунингча тортаверади, қўймайди... Тикка юзимга «Исмоиловни шундай дейсан» деб савдо қилишяпти-я? Ҳали мен ҳақимда нималарни бичиб-тўқишаётганикин? «Исмоилов бутун айбни сенга ағдаряпти» деяпти-ку, анови аблаҳ? Лекин мени итдек дўппослагани... Бу ерда нимадир бир найранг бор... Шу маҳлуқки ўртага аралашганми? Бир гап бор... Акс ҳолда, нега «ўлдирман» деб қўрқитади. Йў-ўқ, бу ерда яна бошқа бир жиноятга йўл очияпти...»

Тошмамат азбаройи соддалигидан ҳалигача «Ким у? Исмоиловми ёки Исломхўжаевми? Балки анови мудирдир?» деган, аслида тўғри-ю, аммо анчагина жўн саволлар ичида ўралашиб юрарди. У кейинги йилларда республика, бутун мамлакатда жиноятчилар оламига беаёв ўт кетганидан, текинхўр газандалар оёқларининг таги товадек ёниб, ўзларини қаерга қўйишни билмай, саросимага тушиб йўл ахтараётганларидан, кўп ҳолларда жон сақлаб қолиш, жиноят изларини яшириш мақсадида яна янги, яна ҳам даҳшатлироқ жиноятларни ўйлаб топаётганларидан сўзсиз беҳабар эди. Бетавфиқлар чўкаётган одамдай дуч келган хасга ёпишиб, бир-бирларининг оёқларидан тортиб, нима қилиб бўлса ҳам ўзларини сақлашга уринаётган эдилар. Йиллар давомида қад кўтарган жиноят қалъасининг таги силкнган эди. Лекин айни пайтда уларнинг ҳам шу йиллар давомида аста-секин ташкил топган ўз қонун-қоидалари, ўз тартиблари бор эдики, улар ҳам бешак ҳаракатга тушган эди. Гуруллаб эса бошлаган янги, адолат шамоли, афсуски, жиноятчи ким-у, ҳалол одам ким — дарров, осонгина ажратиб беролмайди. Шу сабабли оддий бир ҳақиқатга етишиш учун ҳам қанча-қанча кураш, қанча-қанча қурбонлар талаб қилинляпти. Чунки жиноятлар йиғилиб-йиғилиб, аллақандай афсонавий маҳлуққа айланиб кетган эди. Замон ўзгаргач, у ҳам ҳаракатга келди, аста-секин қимирлай бошлади. У «ўз» ишига халақит берувчи ҳар қандай тўсиқларни йўлдан олиб ташлаш ҳақида «буйруқ» туширди ўзининг пастдаги «ижрочилари»га. Тошмамат ҳам ана шундай «майда» гувоҳларнинг бири эди; у қувликни, шумликни билмагани учун ҳам ишни бузиб қўйиши турган гап эди. Шунинг учун уни йўқотиш, аввалига қаттиқ қўрқитиб кўриш керак эди...

15

Қисмат ўйинини қарангки, Тошмаматнинг камерасига ёнма-ён, аммо йўлаги нариги томондан ўтган камерада ҳозир Исмоилов ётибди; ўртада қалин девор бор, холос. Лекин улар бир-бирларини билишмайди. Исмоилов Тошмаматнинг қамалганини эшитган; буни терговчи Рустамовнинг ўзи айтган эди. Аммо маҳкумда шундай бир хусусият борки, у одатда сўроқни олиб бораётган одамнинг гапига унча ишонмайди. Ишонган тақдирида ҳам Тошмаматнинг шундоқ ёнгинасида эканини ҳаёлигам келтирмаганди. Тошмамат-ку, Исмоилов ҳақида деярли ҳеч нарса билмасди... Рустамов уларни галмагалдан сўроқ қилар, биридан олган маълумотни иккинчисининг гапига солиштириб кўрар, шу йўл билан катта, мураккаб чигалликни аста-секин ечиб бораётган эди. Исмоилов-Тошмамат тугуни бошқа ўнлаб тугунларнинг бири; ҳозирча Рустамовнинг нақд қўлида тургани эди.

Тошмамат ҳатто уйига ёзган хатида ҳам «Исмоиловдан дарак борми» деб қизиққани билан барибир у ҳақда бирон тайинли янгилик билолмади. Лекин Исмоилов эса кейин-кейин бориб, Тошмамат тўғрисида деярли ҳамма нарсаларни билиб олди. Дарвоқе, билишининг ҳожати ҳам йўқ эди. Чунки у ҳамма ишларни терговга бошдан-охир сўзлаб берган, шу сабабли у айтган гапларга Тошмамат бирор нарса қўшолмаслигига ишонарди. Қайтага қўрқоқлик қилиб ёки бирор бошқа сабаб биланми, бор гапларни ҳам чала-ярим айтиши, ҳатто баъзи фактларни яширишга уриниши ҳам мумкин. Буни Исмоилов шу ерда туриб билиб ўтирибди. У қамалгандан кейин сал кундаёқ ўзини бутунлай бошқача тута бошлади. Рустамов уни «колхозчилар ўртасига олиб бориб, халқ ичида сўроқ қиламан» деб қўрқитиши ва кейин телевизорда Исломхўжаевни кўриши билан ўша заҳотиёқ тихирликни йиғиштириб, тақдирга тан бериб қўя қолди. Бундан ҳатто виждони азобланиб ҳам юрмади. Чунки Рустамовнинг ўша гапидан кейин у бутун тун бўйи ухлолмай, ўй суриб чиқди. Қилмишларини яшириш йўлларини обдан қидириб

кўрди. Лекин нажот йўлини барибир тополмади. Охири «энди бўлар иш бўлди, бу ёғига очиғини айта қолай, иложи борича ўзимга ишонч орттирай» деб, шу ерда ҳам осонини кўзлади. Ана шундагина у, киши билмас кўп номаълум ишларга бош суқиб юрганлари, яна шуларни ошкора қилишдан тоймаганларига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Одам қизишиб кетса, у ёқ-бу ёғига қарамас экан; қарашга вақти ҳам йўқ. У омад ҳам, омадсизлик ҳам аслида узоққа чўзилмаслигини мана шу ерда тушунди. Озод, эркин юрганингда омад бир умр ҳамроҳинг бўладиганга ўхшаб туолади. Аммо бу ерда ўлчов бошқача: ҳамма нарсанинг ўткинчилигини яққол кўрсатадиган ягона жой — турма.

Исмоиловни гарчи бутунлай инсофсиз одам деб бўлмаса-да, ҳар қалай унинг виждони бузуқ соатга ўхшаб ишлашини мана шу қамоқ яши аниқлаб берди. Бузуқ соат гоҳ тез юриб кетади, гоҳ кечикади, гоҳ тўхтаб қолади, хуллас, унга қараб тўғри вақтни белгилаб бўлмайди. Шунга ўхшаб, Исмоилов ҳам лафз, бурч, ор-номус хусусидаги ҳатто илгариги ўз тушунчаларини ҳам бир зумдаёқ четга йиғиштириб қўйди-ю, ҳаёт ҳақида файласуфона хаёл суриб кетди. «Одамнинг умри — гуруллаган гулхан. Аввал учқун чиқади, кейин ёниб, аланга олади. Олов осмонга сапчиб гуруллайди, кейин ерга чўкиб чўғ бўлади, кейин қарабсанки — зумда ўчиб, кулга айланади...» Модомики, ҳаёт шу экан, энди унинг наздида бурч, лафз, ҳалоллик, тўғрилиқ сингари фазилатлар сиз билан биз ўлиб-тирилиб амал қилишимизга арзирли эътиқодлардан эмас! Биз ўзимиз йўлаб топган ишончга беҳад ишониб кетганмиз. Синчиклаб қаралса, ишонч аксари ҳолларда ҳаётдаги гапларга, ҳаёт муаммоларига у қадар тўғри келмайди.

Исмоилов Тошмабат ҳақида ўйлай бошлади. «Ахир уни бўйнидан арқон солиб шу ишга кўндирганимиз йўқ-ку? Узи кўнди. Одамлар қизик, аввалига ҳалоллик, тўғрилиқ деса, оғизларини кўпиртириб ваъз ўқийдилар, кўпчилик ичида сенга эътироз ҳам билдирадилар... Сал ўтмай қарасанг, худди майиздаккина юмшаб, ҳузурингга илжайиб кириб келишади. Тошмабат ҳам аввалига ўша пункт мудирини билан иш битириш масаласини эшитиб, нақ тепа сочи тикка бўлиб, ранги оқариб, худди Исмоиловни уриб юборишига сал қолди. Эртаси-чи? Эртаси гўё орадан ҳеч нарса ўтмагандай ишжайиб боққа ўзи кириб келди. «Ҳай, майли, сизнингча бўлсин» демайди-ю, аммо «Турдибой ака, Турдибой ака»га ит боқмайди! Берган ҳатто худога ёққан экан, худога-я! Шунинг учун Исмоилов нега уялиши, нимадан уялиши, кимдан уялиши керак? Шунинг учун у бор гапни айтаверади. Шон-шуҳратигаям, айш-ишратигаям роса тўйган у. Ҳаммасини кўрди. Ҳатто Москвада президиумларда ҳам ўтирди. Телевизорга балли: бир лаҳзада бутун дунёга маълум қилади-қўяди кимлигингни! Тунов куни эди-я — республика Қурултойида Ленин орденини унга Рашидовнинг ўзи тақиб қўйган эди! Шунда одамлар унга қанча ҳавас, қанча ҳасад билан қараган эдилар. Сира ишонгинг келмайди-я шу ишларнинг ўтиб кетганига! Худди тушга ўхшайди. Мана, энди ҳаммаёқ остин-устун. «Улиб қутулди ўша пайғамбар ҳам... Узимизнинг маҳаллий пайғамбар!.. Аммо бироз яшаши керак эди... Ўлмаслиги керак эди... Биз қатори у ҳам жавоб бериши керак эди...» Исмоилов шундай деб ўйлади-ю, ҳатто ҳозир ҳам юраги бир шув этди.

Аслида-ку, Исмоиловлар ҳам аҳмоқ эмас: кўп ишларнинг қоғозда бўлаётганини, бир кун сўзсиз очиқлишини, одамларнинг ночор турмушини... билишарди булар ҳам. Баъзан кечалари уйқуси қочиб, ётган ўрнида тўлғаниб чиқарди Исмоилов. Аммо катталарнинг обрў-эътибори, таги мустаҳкамлиги яна уни хотиржам қиларди. Закияларни эса менсимасди. Мутлақо! Аслида-ку, чўпни кўрсанг хизир бил экан...

«Хуллас, ҳаммаси бўлди, — деб ўйлашда давом этди у. — Мана, энди ҳаммаси туш. Бизнинг давлатимизда ўзи тийин ҳам йўқолмаслиги керак аслида. Ҳатто тийин! Ҳаммаси билиб туриб, шундай қилган! Билиб туриб! Энди бўлса... биз айбдор эмишимиз?! Хўш, шундай экан, Исмоилов кимнинг ориятини сақлаши керак? Нега сақлаши керак?! Тўғриси айтса, сотган бўлармиш! Кимни ҳимоя қилсин у? Кимни! Исмоиловни мана шу каталакка тиқиб қўйганларними?! Йў-ўқ!!!»

Исмоилов ҳам ҳозир тўқсон тўққиз фоиз одамларда бўладиган нуқсон — айбни ўзидан эмас, бошқалардан излаш хуружига берилиб кетган эди; у фақат ўзини қутқаришини ўйларди. Йўл-йўлакай учраётган ҳамма масалаларга у айна шу ўзини қутқариш тарозуси билан ёндошар, ҳар бир сўз, ҳар бир гувоҳлигини шу торозуда тортиб, сотаётган эди. Гарчи у «тўғриси айтмавераман» деб мақтангани билан, аслида фақат ўзига керак ва ўзига фойдали бўлган далилу гапларини сўзлаётган эди. Айниқса, Исломхўжаевга алоқадор фактлар терговчиларни кўпроқ қизиқтираётганини муғомбирлик билан илғаб олди-ю, мана ҳозир ҳам «Бозорвойга оид яна бирор-бир далил чиқиб қолмасмикан-а», деб ўйлаб ётибди. Бунини у Рустамов «колхозга олиб бораман» деб кўрқитганда эмас, иккинчиси ёки учинчи мартами сўроққа чақирганида сезган эди.

— Исломхўжаев билан алоқаларингиз қандай?

— Ёмон эмас эди...

— У янги келган пайтда қандай эдинглар?

Исмоилов бу ёш йигитнинг ҳамма нарсани билиши, ҳатто одамлар ўртасидаги муносабатларгача, ораларида ўтган гап-сўзларгача хабардор эканлигини пайқайди-ю, ўша аснода унга фарзандларидан кўнгли тўлмаган армонли ота сифатида ўкинчли ҳавас би-

лан қаради. Катта ўғли Санжарни аслида ҳуқуқчиликка ўқитса бўларкан. Истаган институтига кучи етарди у пайтларда. Ҳатто Москва университетига киритишга ҳам қуввати, имконияти ва таниш-билишлари етарли эди. У қизиталоқ бўлса, физикман деб, осмондаги нарсаларни кўзлаб юрибди, гўё ерда иш қуриб қолгандай.

Исмоилов ҳамон Рустамовга қандайдир ички бир ҳурмат билан тикилганча:

— Қаердан билдингиз? Аввалига чиндан ҳам орамиз ёмон эди, — деди кулимсираб.

— Масалан, нима бўлган эди? — деб Рустамов жиддий қиёфада давом этди.

— Аниқ айтолмайман-у, аммо гапимиз унча тўғри келмасди бир-биримизга. Мен ундай десам, у бундай дер эди. Мен ҳам тикка юзига айтаверардим.

— Масалан, нимани?

Исмоилов қизиқ устида Исломхўжаев бир пайтлари унинг колхозини текширтиришга комиссия юборганини айтмоқчи ҳам бўлди-ю, кейинги дақиқада тилини тишлаб қолди. Бу — қайтага терговчининг кўзида уни ерга уриб, Исломхўжаевни адолат тарафдори сифатида кўтариб юбориши мумкин. Шунинг учун бошқа жавоб излаётганидан елкасини учирди. Рустамов худди ичини «кўриб» тургандай:

— Исломхўжаев сизнинг ишларингизни текширтирганмиди? — деб сўраб қолди.

— Текширтирган! — Исмоилов терговчининг кўзига синовчан тикилди.

— Қачон, нимани текширтирган?

— Юмалоқ хатни. Еб кетди, ичиб кетди деган гаплар. Ўзингиз биласиз-ку бундай хатларни.

— Қачон текширтирган? Кимлар текширган?

Исмоилов негадир овозини баландроқ кўтарди:

— Райком комиссиясини туздирган экан. Обкомдан айтиб тўхтатишибди.

— Обкомдан ким айтган?

— Биринчи секретарнинг ўзи.

— Нима учун? Ҳали хат текширилмаган-ку? Борди-ю, унда ёзилган фактлар тўғри чиқса-чи?

— Мен қаердан билай? Буни обком секретаридан сўраш керак. — Исмоилов азбаройи қўлга тушганидан хиёл зарда қилди.

— Сўраймиз. Ундан сўрашга ҳам вақт келади. Ҳозир сиз жавоб беринг. Нима учун обкомнинг биринчи секретари, сизнинг айтишингиз бўйича, ҳали шикоят текширилмай туриб, уни ёпиш ҳақида райкомга буйруқ берган? Сизнингча, нима учун шундай қилинган?

Исмоилов елка учирди.

— Билмайсизми?

— Йўқ...

— Хўш, шундан кейин Исломхўжаев нима қилди?

Исмоиловнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди; яна нима жавоб қилишга ўйланиб қолди.

— Хуллас, биринчи пайтларда нуқул тирноқ остидан кир қидираверарди. — Исмоилов «гапнинг рости шу» дегандай қўлларини икки томонга ёйди.

— Нима учун биринчи кунлариёқ тирноқ остидан кир қидирган? Сабаби нима? Ҳар қалай, бесабаб бўлмаса керак?

Исмоилов яна елка қисди. Аммо Рустамов уни силтаб ташлади:

— Сиз мени бекорчи деб ўйламанг, Исмоилов! Ишим бошимдан ошиб ётибди. Бу ерда, билинг, сиз билан биз мушук-сичқон ўйнаётганимиз йўқ. Аниқ жавоб беринг. Нима учун у сизга тихирлик қила бошлади? Мен сизга тихирлик қилган одамни ва бунинг сабабини сўраялман. Буни сиз билишингиз, аниқ билмаганда ҳам, тахминингиз бўлиши керак. Хўш, нима учун биринчи пайтларда у сизни ёқтирмай қараган?

— Бўйин эгмаганим учундир...

Рустамов гапни бўлмайдироз кутди. Унинг муносабат билдирмаганидан Исмоилов «яна жавобим қониқтирмади» деб ўйлади-ю, яна бироз зардаланиб:

— Кеча тухумдан ёриб чиқиб, бугун сенга дўқ қилади ҳаммаси! — деди гўё Рустамовга шикоят билан келгандай. — Бир минутда ўзимиз қўл кўтариб сайлаймиз-да, бирдан ўзимиз тортиниб қоламиз. Амал! Бирдан — тепамизда! Ўзимиз қиламиз шуларни, ўзимиз! Ҳозиргина ҳамма қатори, қайтага сенга етти букилиб, илжайиб юрган эди ёнингда. Қўл кўтардинг-у, бирдан... сен ҳам бошқасан, у ҳам. Саломлашолмай қоласан, навбат келмайди сенга! Мен бўлсам унақа салга букиладиганлардан эмасдим. Айбим шу...

— Исмоилов, мени ҳозир конкрет факт қизиқтиради.

Исмоилов жириллаб кетди:

— Сиз битта гуноҳни бошқасидан узиб олманг-да! Нега узиб оласиз? Ҳамма ишлар ўтиб кетиб, ҳамма нарса жой-жойига тушиб, оқ-оқ, қора-қора бўлганда бировни айблаш осон. Хўш, ўша бизга «бер, бер» деб тепамизда хиралик қилиб турганларида, «пахтадан Америкадан қолиб кетмаслигимиз керак, бу — сиёсий масала, нима қилиб бўлса ҳам планни тўлдирасизлар», деб қисталанг қилиб турганларида, хўш, сизлар қаёқда эдинглар? Қаёқда эдинглар?!

Рустамов «бўлди, бўлди, қўйинг бу бенаф гапларни» дегандай қўлини палахса қилди. Аммо Исмоилов ўзини тўхтатолмади.

— Ҳе, қўйинг, ука, мени ўқитманг, — деди стол четига бир уриб; у ўзининг қаердалигини бир зум унутган, азбаройи раислиги тутиб кетган эди. — Нарӣ борса, биз ғалвирдан ўтиб кетган майда тошлармиз, катталари нарёқда. Қани, ўшаларга ҳам тишингизни уриб кўринг-чи?! Уриб бўпсиз! Тишсиз қоласиз!

Исмоилов ранги оқариб, қўллари, ҳатто қовоқ, юзлари титраб кетди. Дир-дир қалтираб:

— Мумкин бўлса, бир стакан сув беринг, — деди худди айтган сўзи ҳам томоғида қотиб қолгандай.

Рустамов у стакандаги сувни қулт-қулт ичиб бўшатгунча қараб турди-да, уни бу асабий ҳолатидан чиқармоқчи бўлди шекилли, хиёл кулимсиради.

— Шовқин солманг, қизишманг, Исмоилов, — дея Рустамов хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. У ҳамон ичидаги норозиликни бўғишга уринарди. — Эҳтимол, адлия одамларида ҳам бордир айб. Лекин сизлар шу ишларнинг барини яшириб, енг ичида қилгансизлар! Ҳамма гап мана шунда! Сизларга қўйилаётган айб ҳам шу: жамоатчиликдан яшириб давлатни, халқни алдаб келгансизлар.

Исмоилов ҳақоратланган қиёфада юзини четга бурди. Деворга тикилганча, индамай ўтираверди. Кейин бирдан хуноби ошиб, аллақандай йиғламсираган товушда:

— Раис бўлган кунимга лаънат ўқийман! — дея жазаваси тутди. — Ҳаром йўлга кирдим, тўғри, бўйнимга оламан! Лекин ким билибди бир кун дунёнинг ишлари бу даражада чархпалак кетишини! Ким билибди?! Ахир, кимсан, партия раҳбарлари буюргандан кейин... биз нима қилайлик?! «Демак, тўғри қиялпмиз, шундай қилиш керак экан», деб тушунганмиз!

Шу ерда Рустамовнинг энсаси қотди — Исмоиловга нафрат билан қаради. «Бу муттаҳамларнинг гуноҳини юваман деса, дарё суви ҳам етмайди, — дея ўйлай бошлади у. — Ахир, мана шу текинхўр, қаллоб, оналари фақат гапга туққан, айёр муттаҳамлар эмасми, айш-ишрат, манфаат деса — ўзларини томдан ташлаганлар?! Улар ҳашаматга кўмилиб, инсонликларини йўқотиб ётганларида...бу ёқда юзлаб, минглаб инсонлар — вақтида касалини қаратолмаган, вақтида ўқишга киролмаган, вақтида ўз ниятига етолмаган, буюк аллома бўлишга қодир-у, лекин шароити йўл қўймаган минг-минглаб ночорлар... Йўқ, у мановиларнинг бойлигига ҳасад қилаётгани йўқ! У нафратланяпти! Қани, шулар ўмарган миллионларни шундай бир сарфласакки, халқ булоғи яна ҳам кўз очса, халқнинг бағри, руҳи бойиса. Халқ униб-ўсса... Одамлар, нафсни, ҳирсни, хоҳишни тийиб, бир атрофимизга қарайлик! Ахир, қанча қурилмаган иморатлар, қанча ёзилмаган китоблар, қанча очилмаган ихтиролар, қанча юзага чиқмаган севги ва бахт нашидалари...шулар атрофимизда шарпадек изғиб, бизга таъна-маломатлар ёғдирмаяптими?! Ахир, қачонгача манови муртадлар худди мевали дарахтга ёпишган бўғма илондек халқ қонини сўриб ётади?! Қачонгача?! Қачонгача?!»

Бирдан Рустамовнинг жаҳли чиқиб кетди. Собиқ раисга шу қадар ғазабнок тикилдик, ғзаби чегарасидан тошиб кетай деб тургани учун ҳам куч билан ўзини босди. Исмоилов эса бир зумда терговчи кўнглидан лавадек оқиб ўтган ҳислар туғёнини унча сезмади ҳам. Кейинги дақиқада Рустамов анча ўзини босиб:

— Раҳбар айтди деб ўзингизни ўтга ураверасизми? — деб қўйди гапни улаш учун. Исмоилов унга олов кўзларини қадаб, истеҳзо билан кулимсираганча:

— Энди шундай деяпсизми? — деди ва яна юзини четга бурди.

— Мен ҳамма вақт шундай дейман! Деганман! Менга таъна қилишга ҳеч бир асо-сингиз йўқ, Исмоилов! Таънангизни бошқа — ўзингизга ўхшаганларга қилинг! Сизни шу ёшингизда мана шу ерга келтириб тикиб қўйганларга қилинг!

— Сўраганингиз учун айтаяман! — деди Исмоилов бирдан шаштидан тушиб. — Аввалги хатолар, мен сизга айтмайми, оғизни юмиш, тўғри гапни гапиртирмасликдан келиб чиққан бари. Хўш, ҳозир йўл қўяпсизми ҳамма гапни айтишга?! Демак, шундай экан, яна хато бўлиши мумкинми, йўқми?

— Мен сиздан бошқа нарсани сўраяпман, сиз бўлсангиз бошқа ёққа чалғитасиз. — Рустамов столига бориб ўтирди ва сигарета олиб тутатди. — Агар вақтида ўша бошлиқларингизга яхши кўринай деб, олдида йўргалаб юрмаганингизда, «йўқ» дейишга тилингиз айланганда — ҳозир бу ерда ўтирмасдингиз. Бутун бало шунда! Қаллобликни — одамгарчилик, ҳурмат-иззат, интизом деб тушунгансиз аввалига. Ҳар бир сўздан, ҳар бир ҳаракатдан манфаат излагансиз аввалига! «Тўғрисини айтсам нотўғри тушунишмасин, ишимга халал беришмасин, менга деса бу дунёси ёниб кетмайдими, олов менга тегмаса бас» деб ҳисоб-китоб қилгансиз аввалига! Энди йиғлаб ўтирибсиз! «Ҳозир йўл қўяпсизми ҳамма гапни айтишга» эмиш! Уша пайтда сизга қарши чиққан, сизни тартибга чақирган одамни сиз ўзингиз тинч кўярмидингиз? Қўйиб бўпсиз! Дарров «улуғ»ларингизга чақардингиз! Айбни бировга тўнқаб нима қиласиз?! Шунинг учун сўраяпман-да сиздан: сигнални текширмай туриб, обкомнинг биринчи секретари нега сизнинг ёнингизни олди дарров? У қаёқдан била қолди райкомда бўлаётган ишни? Нима, у пайғамбарми? Йўқ! Сиз айтгансиз унга! Сиз! Ҳали ҳам ўйлаб кўринг, холис ўйлаб кўринг — сиз-

ни бу ерга бошлаб келган гуноҳларнинг илдизи барибир ўзингизга бориб тақалади...

Рустамов Исмоилов ўйлагандан ҳам пишиқроқ йигит экан. Исмоилов буни биринчи кунлардаёқ тушунди. Унинг назарида Рустамов ҳар қанча ичимдагини топ дейдиганларни ҳам бир қарашдаёқ яланғоч қилиб қўя оладиган ўткир ҳуқуқчи эди. Шунинг учун ҳам нимани сўраса, оёқ тираб ўтирмай дарров жавоб беради. Яна, Рустамов ҳар гал «агар терговга ёрдамлашсангиз, гуноҳингизни енгиллатамиз, бу қонунда кўзда тутилган» дея таъкидлагани-таъкидлаган. Охири Исмоилов бутун билганларини оғринмай айтиб бераётганидан ўзини шу қадар енгил ҳис этадиган бўлдики, бунга баъзан ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Чиндан ҳам Исмоиловларда нима айб? Юқоридан айтишган — булар бажаришган. Ҳар қандай қонун ҳам буни ҳисобга олмай иложи йўқ, ҳисобга олиши керак. Агар шу буйруқни беришмаганда, партия билетини ўртага қўйиб, вазифани ўртага қўйиб дўқ уришмаганда... ким бу ишларга бош қўшарди? Исмоиловларнинг ҳам жони ўнча эмас...

«Йўқ» деганим билан қўлимдан нима келарди ўша пайтларда? — дея ўйлади Исмоилов. — Бунинг устига, атрофингда тамшаниб, култ-култ ютиниб, ўрнингни пойлаб турганларнинг бу қадар кўплиги-ей! Шуниси доғда қолдиради одамни! «Йўқ» десанг, «ҳа, майли бўшат» дейишади. Бўшатасан. Қарабсанки, битта тайёрига айёр келади-да, яна ўша ишларни давом эттираверади! Бутун мақтов ўшанда, обрў ўшанда, орден ўшанда! Сен дайди мушукка ўхшаб четда миёвлаб қолаверасан. Биринчи галда энг яқинларинг қочади. Шунисига чидаш қийин! Агар тинчгина бўшаб кетишнинг иложи бўлганда-ю... Наилож, одамлар шунга ўрганган. Амалинг бўлса — борсан, амалинг бўлмаса, айниқса, амалдан тушсанг — кўрган кунингни ит ҳам кўрмасин... Шунинг учун терговда тихирлик қилдинг нима-ю, қилмадинг нима? Арзимаган майда бир нарсани яшириб қолдинг нима-ю, қолмадинг нима? Барибир, есанг ҳам, емасанг ҳам — оғзинг қон! Бу ёғига энди иложи борича камроққа кесилиб кетса-ю, ўлмай бир кун қайтиб келса, узлатга чекиниб, қолган умрини худо деб бир амаллаб ўтказар... Олдинда энди ҳеч нарса йўқ. Ҳеч нарса!..»

Исмоилов анча вақтдан бери шу кайфиятда. Қамоқ, бир жиҳати, шу кунгача уни ташқи дунё билан боғлаб келган жуда кўп ришталардан, қарзлардан қутқаргандек ҳам бўлди. У энди «фалончига бундай деган эдим-ку» деб хиёлат ҳам чекмайди. Орадан бир ойлар ўтгач, қамоқдан чиқишни ҳатто тасаввур ҳам қилмай қўйди... Қамоқдан чиқиб, яна ўша таниган-билган одамларига дуч келадими? Қайси юз билан? Унга энди шу ер тинчга ўхшаб кўрина бошлади. Гўё у ҳаётнинг тагига чўккандек эди...

Шу сабабли ҳам у тезда Рустамов қўлидаги қўғирчоққа айланди. Исломуҳжаевни кўпроқ кавлашпими? Демак, ўшандан кўпроқ ишқал қидириш керак... Айниқса, олдинги ҳафтада истисно тариқасида хотини билан кўриштиришгандан сўнг Исмоилов қандайдир руҳланиб кетди. У ҳатто аёлининг йиғлаб-сиқтаб уйдаги оғир аҳволни гапирганларини гўё тингламаётгандай эди. Аввалига шоша-пиша ҳаммани бир-бир сўраб-суриштириб чиқди-ю, кейин хотинини ҳайрон қолдириб, нуқул қовушмаган саволлар берди. «Аҳволим ёмон эмас, мана кўриб турибсан-ку, аҳволим ёмон эмас» деб такрорлайверди. Қачон чиқиши, нима айби бор — буни гапирмайди-да, нуқул «аҳволим ёмон эмас» дейди...

Лекин дилида, айниқса, хотини келиб-кетгандан сўнг, ўзи ҳам унча англаёлмаган мавҳум бир умидворлик пайдо бўлди; туриб-туриб кўнгли кўтарилаверади. Энди Рустамовга сидқидилдан, завқ билан, ҳафсала билан хизмат қила бошлади. Рустамов ҳам кўлидагиларга буюриб қўйган: Исмоилов қачон истаса, ўша заҳоти унинг ҳузурига олиб киришлари мумкин. Шу сабабли у Рустамовнинг кўнглини овлагани, унга ёқиб қолганидан ёш боладек хурсанд эди. У баъзан кечалари уйғониб кетиб, Исломуҳжаевларни, улар айтган ҳар бир сўз, улар қилган ҳар бир ишни хотирасида яна қайта тиклаб чиқади. Уларга ўзича энди бошқача талқин бера бошлайди. У гаплардаги яширин маъноларни излайди. Ишқилиб, Рустамовга асқотадиган нимадир янги далил-ашё ахтаради. Бирон гап эсига тушса, шарт ўрнидан туради-ю, Рустамов бериб қўйган қоғозга учи ўтмаслашиб қолган қора қалами билан дарров ёзиб қўяди. Кейин Рустамов ҳузурда бўладиган эртанги учрашувни, ўзининг нимадан гап бошлашини ўйлаб кетади. Сўнгги ҳафталарда у фақат шу ишлар билан банд.

Исмоиловнинг бирдан бу даражада юмшоқ супурги бўлиб, ўз гуноҳини енгиллатиш пайига тушганини анови жиноятчилар тўдаси ҳам ҳар хил таққослар, тахминлар, терговчи сўроқларидан келиб чиқадиган турли хулосалар орқали анча-мунча билиб олишган эди. Айниқса, пахта пункти мудири Янгибоев ва унинг атрофини ўраган, у билан боғланиб кетган не-не наҳанг жиноятчилар ҳам Исмоиловнинг ҳозирги «ўйини»дан ташвишга тушиб қолишди. Улар шошилишч равишда қандайдир чора кўриш йўлини излай бошладилар. Сувдан қуруқ чиқишни мўлжаллаган бу аблаҳни баттар жиноят ботқоғига ботириш режалари тузилди. Бундай пайтларда пулдорлар бир-бирларини ҳеч аяшмайди; бир-бирларига ёпишиб, бир-бирларини юлиб-тирнаб ҳалок бўладилар. Ҳатто ўзлари қамоқда ўтирганлари ҳолда, ташқарида юрган ҳалол одамларни ҳам, агар исташса, қанча овораю-сарсон ва бадном қилишлари мумкин. Улардан айримлари кўргани келган хотинларига гоҳо мақтаниб, кимларгадир ва нималаргадир шаъма қилиб, тайинлашаркан:

— Фалончи жуда керилиб юрганмишми? Айтиб қўй, гувоҳлик бериб онасини учқўрғондан кўрсатиб, елкасига харсанг илиб қўямиз! Ана шунда кўради гердайшни! То бўйинини кўтариб олгунча шунча саргардон бўлсинки! Айтиб қўй, тилини тийсин! Худди бўйнига иламиз боплаб!..

Тошмаматни Барзанги қийнаётганининг сабаби ҳам шу ёқда эди. Уша «идора», ўша Махлуқ ишга тушган эди. Улар Исмоилов олмаган тўрт юз минг сўм пулни унинг бўйнига илмоқчи эдилар. Исмоилов ҳам фаришта эмас, оғзи теккан ўша ҳаром томоққа. Пункт мудири Янгибоев саҳийлиги тугганидан бермаган Исмоиловга — тўрт юз минг устидаги ўша йигирма олти минг чақасини! Йигирма олти минг чақа — Исмоиловлар бўғзига илинган қармоқ. Керак бўлганда шундай тортилса, думларини биланглатганча ўзлари келаверишади... Беданага сочилган дон бу. Уни бекордан-бекор еб кетаверарканларми? Уни ё қусишинг, ёки тўр ичига киришинг керак... Бу дунёда текин томоқ йўқ, текин ҳеч нарса йўқ. Фақат текинга ўхшаб кўринади. Текин ҳеч нарса йўқ. Тўлови бор.

Исмоилов ҳам, Тошмамат ҳам ўзлари муте бўлиб қолган ўша одамларнинг қўлидан ҳар қанча ёмонлик келишини билсалар ҳам, аммо уларнинг бу қадар «пишиқ» ишларлари, бу қадар тўхмат ва қабоҳатга боришларини барибир тасаввур қилолмас эдилар. Бутун фожиа шунда эди...

16

Тошмамат энди бутунлай уйқусини йўқотди. Қайтага у биринчи ўша ҳодиса юз берган, яъни камерасига саҳар пайти Барзанги кириб келган кунни, ҳатто унинг эртаси, индинига ҳам масаланинг бунчалик даҳшатини англаб етмаган эди. Буни у кейинроқ ва борган сари кучлироқ ҳис эта бошлади. У чинакамига даҳшатга тушди. Қандай қилиб ярим кечада давлат турмасида бундай воқеа юз беришини ақлига сифдиролмас эди... Барзангининг қутуриб кетган афти-ангорини кўз олдига келтирса, ўч билан, алам билан қорнига туширган муштларини эсласа, баданида ҳозир ҳам оғриқ тураётгандай, ҳатто суяклари зирқирайди. Кўзлари ёвуз, йиртқич ҳайвонникидек. Хона ўртасида туриб ўшайганча, «билиб қўй, ҳар қадаминг кузатилади» деб ўшқирди ўшанда. Оҳ, шу ерда ҳам тинчлик йўқ!.. Шу ерда ҳам бўғизлаб кетишлари ҳеч гап эмас...

Тошмаматни ажаблантирган яна бир нарса Барзанги айтган гапларнинг тўғри чиққани бўлди. Аввалига у ҳаммасини Рустамовга бошдан-оёқ айтиб беришни ўйлади-ю, сал ўтмай бу фикридан қайтди. Барзангининг дўқи, зулмидан кўрқди. Кейинги дақиқада яна Рустамовга шикоят қилиб «мени бу хуруждан сақланг, у мени ўлдириб кетиши мумкин» дея огоҳлантирмоқчи бўлди. Анча вақт шу фикри ўзига маъқул тушиб турди. Тўсатдан миясига «ҳаммасининг тили бир бўлса-чи, бу ишларни мабодо Рустамов ҳам билса-чи» деган гумон келди-ю, эти жимиралишиб, азою-бадани бўшашди. Унда ўлими баттар тезлашади! Унда уни баттар тезроқ гумдон қилишади!..

Тошмамат қамалишидан сал олдин кимдир айтганда, атайлаб бир газетани топиб ўқиган эди. Унда Латвиядами-ей... қотиллик юз берган экан. Темирийўл ёқасида. Мутлақо бегуноҳ икки кишини тутиб олишиб, биттасини ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилиб юборишибди. Бечора маҳкум отилишига бир ҳафта қолганда, бошқа бир жиноий иш очилиб кетибди-ю, билишса — қотил бошқа одам экан... Тошмамат ўша тасодифни эслаб қолди-ю, баттар ваҳимаси ортди. Негадир ўзидан ўзи «Рустамов қачон сўроққа чақираркин» дея кута бошлади. У чақирса, гўё ҳаёти сақлаб қолинаётгандай. Лекин Рустамов уни бошқа йўқламади. Тошмамат кейин эртаги кунни умид билан кута бошлади. Қани, Барзангининг пўписаси тўғримикан ёки!.. У «Рустамов сени индинга яна сўроқ қилади» деган эди. Деярли икки кун давомида Тошмаматнинг миясига бундан бошқа фикр кирмади (кирса ҳам узоқ ушланмади). «Наҳотки, ўша махлуқ ҳатто мени Рустамов қачон сўроқ қилишигача аниқ билса?!» дея ўйлади. Мана шу ғулғула унга тинчлик бермаётган эди.

Эртаси эрталабданоқ чиндан ҳам Тошмаматнинг ҳолидан хабар олган бўлишди шекилли, чой-нон узатишаётган пайтда Тошмамат дарчадан кўриб қолди: Рустамов йўлак тўрида назоратчи билан гаплашиб турган экан; 13-камерага бир қаради-ю, Тошмаматни кўрдими-йўқми, қоровулга нималарнидир тайинлаб, ўз хонасига ўтиб кетди. «Демак, чақиради» деб ўйлади Тошмамат. Чиндан ҳам тушга яқин ўша Малла йигит келиб, Тошмаматни камерасидан олиб чиқди. У йўлакда чурқ этмай бораркан, ҳамон бир қарорда тўхтолмаган эди. «Нима десин? Барзанги буюрганидек ёлгон сўзлаб юбораверсинми ёки тўғриси гапириб, нима бўлишини кейин пешонасидан кўрсинми?...» Мияси шиддат билан ишлар эди. Яна бирдан чап кўкраги санчди. Қалин кийими устидан қовурғасини бир-икки эзган эди, оғриқ тингандай бўлди. Хаёли яна Рустамов ҳузуридаги сўроққа учди. «Наҳотки, у ҳам ўшалар билан тил бириктирган? Наҳотки?! Унда шунча қама-қамалар, шунча сура-сўралар, шунча оворагарчилик ва шармандагарчиликларнинг оқиба-ти... Ким ҳақиқатга етади унда? Ким?! Агар адолатки мана шу муттаҳамларнинг қўлида ўйинчоққа айланган экан, унда яшашдан, ўлиб-тирилиб ўзни ҳимоя қилишдан нима ҳожат?! Ҳаммасига тупуриш керак. Тақдирга тан бериб, худога солиб кетавериш керак... Бошқа нима йўл бор?...»

«Нариги дунё» фалсафасига астойдил ишонмайдиган, баъзан ичиб олганда эски

ақидаларни эрмак қилишдан ҳам тоймайдиган, неча марталаб «колхоз актив»лари қаторида ҳайит кунлари мачитга чиқиб, чолларни рўйхатга туширган ўша Тошмамат кейинги пайтларда негадир нуқул худони ўйлайдиган бўлди. Айниқса, анови Икром воқеасини эслаганида ёки ярим кечада уйғониб кетиб, сўнгра ухлаёлмай изтиробда қийналган вақтларида Тошмамат рўпарасида худодан бўлак ҳеч бир шарпа қолмас эди. Энди у кўп нарсаларни бошқача ўйлайди: қайдан бино бўлганию... тожу тахт, яъни амал курсиси ёнида ҳамishi кўзга кўринмас дор ҳам борлиги... ўлим ҳаммага барҳақлиги... Уйларининг поёни йўқ. Одамзод шу қадар ҳақиқик, ўзини ўтга-чўққа уриб, ҳирс, эҳтиёжга берилганида ҳаром-харишни фарқ қилмай, худди ўлмайдигандай иш тутади; мол-дунё йиғиб, нариги ёқни ўйламай кўяди... Аслида-ку, бир сония, бир нафаслик вақт ичида бари чаппа айланиб кетиши мумкинлигини эса тан олгиси келмайди... Тошмамат шулар ҳақида бош қотиравериб, охири чалкашиб кетади, фикрлари ҳам ўзига ўхшаш қамалиб, йўл тополмай қолади...

Рустамов одатдагидек у билан бош силкиб саломлашди. Кейин шошмай сигарета тутатди ва Тошмаматга хийла тикилиб турди. Шу қилиғи ҳам Тошмаматни хавотирга солди: «Демак тили бир буларнинг...» Рустамовнинг қарашига чидаёлмай, аввалига кўзини ерга олди. Кейинги дақиқада бирдан ўжарлиги тутиб, бу ҳам унга қаттиқ тикилди; ҳатто шу йўл билан ичидагини билиб олмоқчи ҳам бўлди. Ташқарида оғир ғичирлаган эшик негадир унга ҳозир сирли, ваҳимали туюлди. Гурс-гурс қадам товуши асабини ўйиб юборгандай, пешонаси тиришди... Рустамов қоғозларини титкилаб, улардан биттасини олди-дур, уни Тошмаматга силкиб кўрсатаркан:

— Унингчи январдаги протоколда шундай жойи бор, — деди ҳамон Тошмаматга қаттиқ тикилиб. — «Кассир билан банкадан олган пулни пункт мудирига бирга олиб бориб бердик» дегансиз. Мана, кўринг. Шу гапингизни ҳозир ҳам тасдиқлайсизми?

Тошмамат шу қадар довдираганидан терговчига унсиз бир ҳайрат билан бақрайиб қолди. Чунки ҳар нарсани кутганда ҳам, аммо Барзангининг гапи Рустамовга бунчалик тез етиб келишини сира ўйламаган эди. Рустамовга қаради-ю, кўзлари ёниб, лаблари титраб кетди. Унга «сиз сотқинсиз» деб юборишига сал қолди.

— Ҳа, гапимда тураман! — деди жаҳл билан асабий ҳолатда юзини буриб. Рустамов унинг кўзидаги бундай кўрқинчли ифодани аввал сира кўрмаган эди. Бироз ажабланганча:

— Демак, кассир иккалангиз олган тўрт юз мингдан ортиқ пулни яна иккалангиз Янгибоевга олиб бориб бергансизлар, шундайми? — деб сўради.

Шу жойда эшик тикирлаб, хонага Рустамовдан пастроқ, ёши ўттизлардаги бир йигит шовқинлаб кириб келди. У ёғоч курсида ўтирган Тошмаматга қайрилиб ҳам қарамади. Чўнтагидан иккита қоғозча чиқариб, Рустамовнинг столига тақ этказиб урди-ю:

— Уч сўмдан, олти сўм! — деди.

Рустамов ўша заҳоти пул чиқариб берди.

— Кечикмай боринглар, ўн еттинчи қатор! — дея йигит шошилганча чиқиб кетди.

Рустамов билетларни қўлида ўйнаб-ўйнаб, кейин Тошмаматга қараб кулимсиради.

— Театрга бормоқчимиз, — деди. — Озиб-ёзиб. «Олтин девор»га. Кўрганмисиз?

Тошмамат энсаси қотиб, бошини чайқади. Рустамов яна жиддий тус олди:

— Демак, кассир икковингиз... — дея сўради.

Тошмамат «ҳа» дейиш ўрнига терговчига баттар ўқрайиб қаради ва:

— Яна нега сўраясиз? — деди кўрслик билан.

— Бу ерда саволни мен бераман. Сизнинг вазифангиз — тўғриси айтиш...

— Тўғриси шу! — Тошмамат азбаройи жаҳлланганидан йўтали тутди.

— Банкадан қанча пул олган эдинглар?

— Тўрт юз йигирма олти минг сўм.

— Янгибоевга шундан қанчасини олиб боргансизлар, аниғини айтинг?!

— Айтдим-ку, тўрт юз минг сўмини, деб.

— Йигирма олти минг-чи?

Тошмамат худди бир нарсани эслолмаётгандай пешонасини ушлади:

— Илгари буням айтганман: йигирма олти мингни кассир олиб кетган, «бу хўжайинга бериладигани» деб.

— Хўжайин — Исмоиловми?

— Ҳа.

Рустамов магнитофонни ширқ этиб ўчирди-да, нималарнидир ёзди ва пинагини мутлақо бузмаган ҳолда:

— Бўпти, бугун сизга рухсат... — деди ва столи тагидаги тугмани босиб, Малла соқчини чақирди.

Тошмамат ҳанг-манг бўлганча қолди. Рустамов нима демоқчилигини айтса ҳам, айтмаган тақдирда сал-пал шаъма қилиб ўтса ҳам майли эди. Йўқ, фақат Барзанги билан қизиқди-ю, «рухсат» деяпти тўсатдан. Эҳтимол, Тошмаматнинг жавобини шу бугуноқ анови ҳайвонга етказар...

Малла Тошмаматни олдига солиб, йўлакка чиқди. Тошмамат гапи тилининг учида қолганча индамай кетаверди. Ичида Рустамовни тоза бўралаб сўқди. «Келиб-келиб

арзиҳолимини шунга айтдимми энди! Шунга-я?!» Малла қоровул уни камерага киришиб, эшикни қулфлаши билан Тошмаматнинг юрагини оғир ғашлик босди, ўзидан-ўзи ваҳимаси зўрайди. Эшикка хавотир билан тикилиб қолди. Кўкраги гурс-гурс урганча ташқарига қулоқ соларкан, худди ҳозирок, куппа-кундуз кун эшик ортида анови Барзанги ва унга киришга йўл очиб берган ёвуз кишилар уни пойлашаётгандай туюлди унинг назарида. «Билиб қўй, ҳар қадаминг кузатилади!» Гапи тўппа-тўғри у аблахнинг. Хўш, энди нима қилсин Тошмамат? Рустамовнинг устидан ким назорат олиб бораркин? Биронтасини билганда эди Тошмамат...

Яна Барзангига берган у кунги «ваъдаси»ни эслади. Қайтага ўша махлуқнинг айтганини қила қолгани дуруст экан, биратўла Рустамовни ҳам синаб кўрарди. «Ёш бўлсаям тоза илоннинг ёғини ялаган корчалон экан, падарингга лаънат! — дея кўнглидан кечирди у.— Қоп-қора, захил юзидан билган эдим-а унинг кимлигини. Тагин театрга борганлари-чи? Ҳаммаси ғилоф, ҳаммаси ғилоф!.. Эҳ, бу қандай бедодлик-а?! Қандай бедодлик?! Қўриқчининг ўзи ўғрига шерик?! Тошмамат нима қила олади, ахир?! Зиндонда ётиб, нима қила олади? Овози шу эшикдан нарига ўтмаса?!»

Тошмамат яна темир эшикка тикилиб қолди. Нариги ёқда нимадир тиқирлагандай бўлди, ҳатто кимдир қулф солганга ўхшаб туюлди. Тошмамат қўриқиб кетганидан ирғиб ўрнидан турди. Агар эшикни очмоқчи бўлишса, ичкаридан беркишиб олади. Ҳансираб борганча муздай эшикка қулоғини қўйиб, бирдан сесканиб тушди; бутун хаёли ташқарида эди: йўқ, аввалига ҳеч бир шубҳали овоз эшитилмади. Кимдир гурс-гурс юриб келди-да, тўхтамай ўтиб кетди. Тошмамат эшик зихига суянганча чуқур хўрсинди ва пешонаси терлаганини қўлини қўйганда билди. Юраги эса ҳамон гурс-гурс урарди...

Энди у ҳатто ёқимтой кўриниб юрган манови Малла соқчидан ҳам шубҳа қила бошлади. «Ҳаммаси бир гўр! Ичи битта!..» Малла йигит бугун дарчадан тушлик ташлаб кетаётганда Тошмамат унинг юзи, кўзига бу гал бошқача тикилиб, ўзидан-ўзи ундан ёвузлик, маккорлик белгиларини ахтарди... Хў кундагидек яна бирдан боши қаттиқ санчиб оғриди.. Оғриқ айни кўз косасининг устида, пешонасининг тагида ушланиб турди-да, кейин ўзидан ўзи тинди. Аммо чаккалари тортишиб, боши ғовлаб қолгандай эди... Барзангининг темирдай мушти гўё ҳозиргина қорнига теккандай беихтиёр бадани тиришди.

Малла соқчи ташлаб кетган котлетдан ғалати бир нордон ҳид анқиётганга ўхшарди. Ўзини шунча зўрласа ҳам уни еёлмади. Бир бурда қора нонни лойқа компотга ботириб оғзига олиб борди-ю, бир тишламани ютиб, яна жойига ташлади. Пластмасса патнисни дарча пештахтасига қўйди... Малла соқчи бугун патнисни ҳадеганда олиб кетавермади, пештахтага қўйилганидан кейин ҳам сал кам бир соатча турди. Қаердандир катта бир кўк пашша пайдо бўлди-ю, гинғиллаб учиб таомга қўнди. Тошмамат овқатга қўл урмаган бўлса ҳам, пашша келиб қўнганда тиши оғригандай ижирғаниб, ўрнидан турди ва тахта каравот бошига ташланган доғ-дуғ эски сочиқни олиб ҳайдади. Пашша қўздан йўқолди-да, кейин шифтга бориб қўнди; туйнук ойнаси атрофларини изғиб, яна овқатга қўнди. Тошмамат яна ҳайдади...

Бир соатлардан сўнг шақ этиб дарча очилди. Малла соқчи аввал ейилмаган таомга, кейин энгашиб Тошмаматга қаради. Индамай патнисни олди-ю, яна шақ этиб дарчани беркитди.

Тошмамат каравотида чалқанча ётганча, гоҳ кўзини юмиб, гоҳ шифтга тикилиб, яна узоқ вақт ўй сурди: бетоқат бўлиб у ёқдан-бу ёққа ағдарилди. Боши ғувуллаган, аниқ бир фикр келмас, гўё бўшлиқда учиб юргандай. Асаблари чарчаганиданми, бироздан кейин ўзи билмай ўхлаб қолди. Ётган жойида худди биров бўғизлаётгандай хириллар, босириқар, оёқлари, елкалари учиб-учиб ухларди. Ора-сира ўртада бир-икки марта томоғи қичиб қаттиқ йўталди. Ёмон туш кўраётган эди. Пешоналари жиққа тер, юзлари, ўнг қоши тез-тез учиб кўяр эди. У ярим соат ухладими-йўқми, товуши ҳалқумига тиқилгудек қаттиқ ингради-ю, сакраб туриб кетди. Боши сирқираб, чап кўрагини худди биров босиб тургандай оғирлашган эди. У атрофга аланглаб, ўз аҳволини дарров англаб етди. Жон ҳолатда эшикка қаради: берк. Ўрган туши ҳам даҳшатли, аллақандай иргамчик эди. Эсига тушиб, кўнгли айниди, оғзи тахирлашди. Чидолмай, уч-тўрт марта ерга туфлади... Тошмамат тоғдан тушаётса, узунлиги терак бўйи бир махлуқ рўпарадаги тепаликдан унга томон ўрмалаб келаётганмиш. Ҳали у Тошмаматни кўрмасмиш. Тандирдек оғзини сира юммай, худди одамдай ҳарсиллармиш-да, тили кўмирдек қора эмиш. Бош қисми қорамтир, кейин сал хираллашиб, филникидек йўғон бели эса кулранг, бир-икки метрча думи сариқ рангда эмиш. Судралиб келаётган жойи тоғу-тош бўлишига қарамай, ўйилиб, изи ўт тушганга ўхшаб қолаётганмиш. Тошмамат ўтакаси ёрилиб, бақирай деса овози чиқмасмиш, юрай деса оёғи юрмасмиш. Шу пайт махлуқ бирдан Тошмаматни кўриб қолибди-ю, тилини чиқариб, одамга ўхшаб кулибди. Кейин кучи борича Тошмаматга қараб ўрмалабди. Тошмамат тўсатдан иссиқ шамол оқимига учраб, сочлари қўйиб тушибди. «Энди ўлдим, тамом» деб кўзини юмган экан, «ҳар қадамингни кузатиб турибман» деган даҳшатли наъра эшитилибди. «Ие, Барзанги-ю» деб кўзини очса, рўпарасида махлуқ эмас, бамисоли уйдек бир туяқуш турганмиш. Тошмамат қўрққаниданми томоғи қичиб, йўталини босолмасмиш. Охири нафаси қайтиб, оғзи тўла балғамини ноилож ерга ташлабди. Шу заҳоти ҳалиги баҳайбат туяқуш узун таёқдай тумшуги билан бир-икки чў-

қиб, ҳалиги ҳаром нарсани еб қўйибди. Тошмамат кўнгли айниб, ҳолсизланиб қолса, туяқуш яна ундан бир нима кутгандай қонли кўзларини лўқ қилиб қараб турганмиш. Кейин тўсатдан Тошмаматнинг кўзини чўқиб олибди. Тошмамат ўша дақиқадаёқ қоронғи бўшлиққа учиб кетмабди, у ердан одам чиқолмайдиган совуқ чиқаётганмиш...

Тошмамат миясининг оғриғига чиқолмай, қаттиқ инграганча уйқудан уйғониб кетди. Пешонаси терлаб, томоғи қуриб қолган эди. Қараса: хайрият, эшик берк. Зўрға ўрнидан турди-ю, бурчакдаги усти фанер билан беркитилган елим челақдан сув олиб ичди. Келиб ўрнига ўтираркан, Барзанги энди ҳатто тушига ҳам кираётганига аввал ажабланиб, кейин баттар даҳшатга тушди. Тушини эслаб, уч-тўрт марта ерга туфлади...

Боя Рустамовнинг олдидан ҳафсаласи пир бўлиб, юраги сиқилиб чиққан эди. Ҳозир баттар безовталанди. Емонлик, бемеҳрликни жон деб унутгиси бор-у, аммо ҳар қада-мида тобора унга тўқнаш келаётган эди. Атрофини ҳеч ёриб ўтиб бўлмайдиган мавҳумлик, жаҳолат тумани қуршаб олгандай эди. Асаблари қақшаб, миясининг оғриғи зўрға бошлади. Яна анови поезд йўл ёқасидаги тунги қотиллик, кишанда турганини ўзи сезмаган Иқром хотирига тушди. Шу хилдаги минг турли хаёллар билан, бемаъни тушини қайта-қайта ўйлашлар билан кун ҳам тугади. Рустамов бошқа уни сўрамади. Эшик тик этса ўрнидан сапчиб, айни пайтда нимадандир умидвор ҳам бўлиб, боши гангиб ўтирарди. Лекин у билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди...

Кечки овқатни анови Шопмўйлов олиб келди. Тошмаматнинг назарида у бугун эшик тагида одатдагидан кўпроқ ушланиб қолганга ўхшади. Мушукникидек совуқ олов кўзларини кўрганда юраги орқасига тортди. Худди ҳамма нарсалар билиб қилинаётгандай уни баттар ваҳим босди. Ана, бугун Рустамов маккорона йўл тутиб, ўсмоқчилаб ҳам кўрди. Тошмамат шунда ҳам кўрқмай тўғриси айтди. Лекин аққол кўздан билиб турибди.. у сотилган! Энди у Тошмаматнинг жавобини дарров Барзангига етказди. Манови Шопмўйлов ҳам ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолгани йўқ ҳозир. Эшитган-у, зув этиб келган. Келишида ҳам бир гап бор!.. Анови Барзанги, ҳайвон кечаси яна кириши мумкин...

Боя тушлиқда Тошмамат ҳеч нарса емагани учун анча очиққан эди. Шу сабабли ҳам ҳозир нўхатли бўтқани нон билан бирпасда ямламай ютди ва елим ликопчаларни патнисга солиб, дарча пештахтасига олиб бориб қўйди... Деярли ҳар кунги бир хил таом меъдасини сусайтириб, кўнглини оздиради. Аммо оч пайтида бу унча сезилмайди, апилтапил еб қорнини тўйғизади-ю, кейин ҳазм бўлиши қийин, кекиргани-кекирган. Ярим кечага борганда кўкрагига зардоб йиғилиб, юраги баттар тез уриб, вужуди оғирлашади. Сув ичиб, гоҳо қайт қилиб, бироз енгиллашади... Ҳозир ҳам овқат ботмаганини шундоқ сезиб турибди. Чунки таомнинг ўзи бадҳазмлигидан ташқари, у жуда шошилиб, яхши чайнамай ютди. Тун бўйи энди сассиқ кекирдак бўлиб чиқади. Буни бир гал турма врачига ҳам айтди. У жигарранг тугмача дори ташлаб кетди. «Овқатдан кейин ўн беш-йигирма минутлардан сўнг ичасиз» деб тайинлади. Тошмамат доридан ҳам, врачнинг минута-минут вақтини аниқлаб айтаётганига кулгиси келди: қўлида соати йўқ-ку, ахир. Ҳозир ўша дориси ҳам тугаган...

Патнисни олиб кетаётганда Шопмўйлов Тошмаматга ўқрайиб қараётгандек туюлди. Боя кундузи «ҳовли»ни айлангани чиқишгандаям Барзанги негадир бугун ҳам кўринмади. Умуман, ўша ярим тунда Тошмаматнинг камерасига бостириб кирганидан бери, орадан мана уч кун ўтяпти, ҳар қалай, у йўқ. Эҳтимол, уни ташқарига бошқа гуруҳ маҳбуслар билан бирга чиқаришаётгандир?.. Аввал ҳам кўпинча шундай бўларди; Тошмаматнинг кўзига ёқимтойгина кўринган айрим маҳкумлар бирдан кўринмай қолишарди, орадан бир ҳафта, ўн кунлар ўтгандан кейин яна «ҳовлига» чиқишарди. Зора Барзангини ҳам у ёқ-бу ёққа олиб кетишган ёки дард-пардга чалиниб ўрнидан туролмай ётган бўлса эди...

Яна олдинда бутун бошлиқ тун. Диққинафас, поёни йўқ кеча. Бунинг устига ҳозир қиш, кун ёришади-ю, сал ўтмай қоронғи тушади. Шифтдаги дарча орқали буни сезиш ҳам қийин. Яна йўлақлар ғала-ғовурдан тинчиб, одамни ютиб юборгудай жим бўлиб қолди. Тошмаматнинг назарида камерани бугун ҳам ҳаддан ташқари иситиб юборганга ўхшайдилар. Терлаб кетганидан паҳмоқ кўйлагининг бўйин тугмаларини бўшатди. Уйқудан эса дарак йўқ. Кўзи, бутун диққат-эътибори ҳамон эшикда. Ташқарига қулоқ солади. Тиқ этган овоздан сергақланиб юраги пўкиллайди ва ҳар эҳтимолга қарши ўрнидан туриб ўтиради... Олисан ўша таниш гудок овози эшитилди, демак соат 8 бўлибди. Тошмамат одати бўйича уйдагиларни бир-бир эслаб чиқа бошлади-да, бирдан чалкашиб кетди. Юрагини ваҳима босиб; эшикни ичидан тамбалаб олмоқчи бўлди. Уша заҳоти бу фикрдан қайтди, ахир нима билан тамбалайди? Манови сабил қолгур ёғоч қаравот ҳам, анови курси ҳам гўё бу ердагилар еб қўядигандай деворга, бетон полга қоқиб ташланган. У курсини тортиб кўрди, тошдай қотиб ётибди. Жуда бўлмаса шу курсини эшикка тақаб қўйганда ҳам биров кирганини ҳар қалай биларди, тунов кундагига ўхшаб тепасида бақрайиб турганда эмас, эшикни очаётгандаёқ сезарди. Қичқирибми, соқчини ёрдамга чақирибми, ишқилиб қутулиб қоларди. Шу арзимаган нарса ҳам йўқ...

Тошмамат курсида ўтирганча бетоқат бўлиб шифтга қаради. Бирдан кўзи тиниб, боши айланиб кетди. Юзини кафтларига қўйганча индамай букчайиб қолди. Демак, соғлиғининг ҳам мазаси қочибди. Бирдан Исмоилов, Исломуҳжаевлар билан Ялтада юрган-

ларини эслади. Қандай соғлом эди ўшанда! Денгизни ҳам биринчи бор кўриши эди. Беҳад ва буюклигидан нақадар ҳайратга тушган эди. Баланд соҳилдаги кичик бир буфетчада коньяк ичиб ўтириб, югуриб келаётган оқиш тўлқинларни санашдан эринмаган эди... Бу ерда бўлса, мана, деворда зув-зув ўрмалаб юрган суваракларга ҳам ўрганди, шу исқирт ҳашоратлар билан ҳам ўзича «эллашиб» кетди. Айниқса, ухлаган пайтида гоҳо бўйнидан, юз-кўзларидан ҳам зувуллаб ўтиб қолади. Тошмамат энди унча эътибор бермайди, фақат овқатланаётган вақтида эсига тушса, ижирғанади.

Вақт алламаҳал бўлди. Тошмамат юраги билан сезиб турибди: бугун ҳам Барзанги кириб, яна қийнайди. Тошмамат каравотдаги кир тўшакка кўзи тушди-ю, эшик тагига бостириб қўйишни ўйлади. Бориб шарт кўтарган эди, суваракларнинг кони ана у ёқда экан. Биғғиб ётибди! Тахта ёриқлари ичидан дувуллаб чиқиб, дуч келган ёққа шу қадар патраб кетишдики, Тошмамат шунча кундан бери ўзи билмай суварак уяси устида ётганига ажабланди. Қайси куни уйига хат ёзганда, Малла соқчидан сўраб олган қоғоз-қаламини ҳам тўшак остига яшириб қўйган экан, эсидан чиқиб кетибди; ўшаларнинг устиям фикр-фикр суварак. Малла назоратчи қоғоз-қаламини қистамади ҳам, ҳар қалай у бошқаларга сира ўхшамайди, анча раҳмдил... Яхшиям бу сувараклар чақмайди, чақсами — унда бунга тенг келадиган азобнинг ўзи топилмасди.

Тошмамат тўшакни эшик тагига олиб бориб ташлади-да, зичламоқчи бўлиб, бирикки муштлаган эди, димоқни ачитадиغان қуюқ чанг кўтарилди. Уч-тўрт йирик суварак худди томдан ташлагандай ўзларини тўшакдан ерга отиб, жон ҳолатда остона тирқишидан йўлакка ўрмалаб чиқиб кетди... Тошмамат димоғи бўғилиб, кетма-кет йўталди. Ташқарида ҳам кимдир йўталиб, аллақандай темирлар бир-бирига тегиб кетди шекилли, жаранглаган овоз эшитилди ва сал ўтмай яна ҳамма ёқ сув қўйгандек жимиб қолди. Тошмамат барибир юраги ўйнаб, эшикка қулоғини қўйганча йўлакни тинглаб турди. Жимжитликни ҳеч ким бузмагач, қоқ қуруқ кароватига бориб ўтирди. Кечаги йирик пашша ҳали ҳам тепада финғиллаб, ҳали у ёққа учади, ҳали бу ёққа. Камерада ҳаво юришмагани учун шу пашшам бу ердан чиқиб кетолмайди. Тошмамат ўшанда... бечора Икромни ҳам пашша талаб ётганларини эслади; кун жуда иссиқ, еру-кўк пашша эди. Бирдан Икромнинг хунук бўкириғи, бўрига ўхшаб увлагани қулоқлари остида жаранглагандай бўлди. Тошмаматларнинг ўшанда нақ ўтакаси ёрилса, боёқши онаси эса «болам шўринг қурғурнинг йиғлаётгани бу» деб юрак-бағри эзилган эди. Тошмамат ҳозиргидай эслади, Икромнинг ояси худди шундай деган эди... Тошмамат ўзидан-ўзи йиғлаб юборди...

Телба одамни Тошмамат ўшанда биринчи ва охириги кўриши эди. Икром — юзи дам бергандай шишиб кетган, кўзлари битдай-битдай, сал нарсага ажабланади, сал нарсага жаҳлланади... Аммо қизиги: «кишан» сўзидан ўтдан қўрққандай қўриқиши эди. Ўша пайтларда Тошмамат бунга эътибор қилмаган, буни ҳатто ўйламаган ҳам эди. Ҳар қалай, ёш эди, беғам, ўйинқароқ, эрки ўзида бўлган онлари эди; ҳали кишанларни тушунмас эди... Икромнинг-ку, эси йўқ, ҳатто кишанда турганини ҳам билмайди; фақат қутурган бир феъл билан ўша сўздан қўрқиб қолган-у, шундан «кишан» деса жони чиқиб кетади. Тошмамат эса ҳақиқий кишанда!...

У билакларини ушлаб-ушлаб қўяркан, ўша биринчи куни ўз ҳовлисидан қўлларини боғлаб олиб чиқиб кетганларини эслаб, аламига чидолмай пешонасини гурсиллатиб деворга урди. Суриштириб келганда, Икромдан ҳозир унинг нима фарқи бор? Уни-ку занжирга боғлаб қўйишган эди. Тошмамат-чи? Бу ҳам боғлангандан беш баттар! Ана, ҳозир курси, каравотларигача бетонга маҳкамлаб ташлашган. Кишандан нима фарқи бор буларнинг? Бир жойга қиқолмаса, бир одам билан гаплашолмаса, мана, икки ой тўлай деярти-ю, уйдагиларни бирон марта кўрмаган бўлса?.. Ҳатто унга энди шу ернинг ўзида суиқасд қилишмоқчи... Шуниям бировга айтолмайди. Кимдан нажот тилашни билмайди. Бу қайтага Икромнинг аҳволидан беш баттар ёмон эмасми? Икром — телба. Шу билан қутулган. Тўғри, у ўз хасталиги билан атрофидагиларни қийнашга қийнайди-ю, лекин азобини ўзи англамайди, сезмайди. Тошмамат-чи? Шунча хор-зорликлари етмагандай, яна туну кун чеккан руҳий азоби... Энг ёмони шу! Руҳий азоб ёмон. Қайтага бир еринг оғриб, вужудинг қийналиб турса, ичингдаги кулфатни сезмайсан. Ҳеч еринг оғримай, юрагинг қон бўлиб ётса... бунга нима даво топасан?..

Тошмаматга ҳў бир кундагидек ташқаридами ё йўлакдами кимдир инграётганга ўхшаб туюлди. Ҳатто ичидан эшитилаётгандай эди ўша овоз. Нима бу синоат? Нима ўзи?! Ёки Икромнинг арвоғи авраятими уни?.. У жон ҳолатда эшикка ўгирилди. Йўқ, у ёпиқ эди; лекин кимдир очишга уринаётгандай, секин калит солаётгандай бўлиб туюлди Тошмаматга. Дик этиб ўрнидан турди-да, ўзича нимадир деб шивирлаб, қўрқа-писа эшикка томон юрди; билантирмай итариб кўрди. Йўқ, қулфланган. Эшикка чаккасини босиб, ташқарини тинглай бошлади. Жимжит. Тўсатдан қулоқлари том битиб, миясининг тўрида худди шовва ғувуллаётгандай бошқа ҳеч нарса эшитилмай қолди. Кейин тепада учиб юрган пашшанинг финғиллаши эшитилди. Тошмамат шу жимжитликдан ҳам қўрқди. «Бир балоси бор, бунчалик тинч бўлмасди-ку» деб ўйлади. Бу фикри ўзидан эмас, бошқа бировдан чиқаётгандай туюлди. Кўзлари олайганча каравотига бориб ўтирди. Бир ёқда қовоғига майда қум заррачалари киргандай киприклари тўхтовсиз ачишар эди... Кутилмаганда тепадан, дарча тарафдан додлаган овоз эшитилди: товуш жуда узокдан,

худди қудуқ тагидан келаётгандай ожиз эди. Тошмаматнинг юраги дукурлаб, ўрнидан туриб кетди. Эшик тагидаги тўшакка бориб ўтирди. Жимжитлик. Остона тирқишидан ғув-ғув елвизак уриб турибди. Тошмамат каравотига қайтмоқчи эди, бояги ожиз овоз яна такрорланди. Эшикка қулоқ соламан деб, гумбурлатиб бошини уриб олди. Шовқиндан ўзи қўрқиб кетди, жон ҳолатда пастки лабини тишлади... Жимжитлик...

Тошмамат бутунлай ухламай чиқадиган бўлди. Уйқу босса ҳам — ухламайди. Эшикни очишса — бақиради. Ҳозирги овоздек олисдан бўлса ҳам додлайверади. Шунда «се-зиб қолишмасин» деб. Барзангиям балки киришга ҳайиқар. Агар шундаям қўрқмаса, де-мак, ҳаммаси тил бириктиргани аниқ! Унда Тошмаматнинг зори бор-у, зўри йўқ... Унда пешонасига шу ерларда хор-зорликда ўлиб кетиш ёзилган экан, бошқа нимаям қила оларди?... Яна Рустамовдан дарғазаб бўлди. Бошқалардан кутса ҳам ундан кутмаган эди бу ишни. Рустамовки сотилибдими, энди Тошмаматнинг ҳамма ёғи — кишан. Қимирлаш-га ҳоли йўқ. Кичкинагина таванкал иш... газак олиб-олиб, мана, охири қанақанги қопқонга айланди. Энди нажот йўқ. Йўқ!..

Тошмаматнинг чинакам азоблари ҳали олдинда эди. У табиатан улфатларга, ўйин-кулги, ҳазил-мутуйобага ўч эди; истаган одами билан тезда тил топиб кетиши ҳам шундан эди. Танҳоликни жазо деб тушунарди. Мана, у энди ҳозир ўша жазога етишди — ўзи танҳо қолди. Киши вужудига танҳолик, ғам-алам сингдими, аста сизиб оққан сувдай ҳар қандай мустаҳкам иродани ҳам охири емириб ташлайди... Олдинда ҳали Тошмаматни ҳафталаб уйқусиз тунлар кутиб турарди. Ҳатто ухлатадиган кучли уколлар ҳам кор этмай, ярим соат ўтар-ўтмас яна уйғониб, яна алмойи-алжойи гапларини такрорлай-верадиган аянчи саҳарлари ҳали олдинда эди. У аста-секин, киши билмас ваҳима касала-га мубтало бўлиб бораётган эди. Ҳозирнинг ўзидаёқ унга гоҳ у бурчакдан Санобар, бунисидан телба Икром, кўпинча.. анови Барзанги ўқрайиб қараб тургандек туюлаверар; бу ҳодисаларнинг бутун фожиалигини эса Тошмамат ҳали яхши тушунмас ва умуман тушуна олмас ҳам эди. Гарчи у Рустамовни ўзига ёв қилиб олгани билан, аслида бу синчков терговчи унинг эрталабки «гапимда тураман» деган жавобидан ниҳоят даражада қувониб кетган эди. Буни Рустамов албатта унга сездирмади. Лекин Янгибоевнинг янги даврасини Тошмамат ўзи билмаган ҳолда рад этгани Рустамов учун беқиёс бир далил эди. Чунки Рустамов Янгибоевнинг гапи бошдан-охир уйдирмалиги, бунинг устига уни кейинги кунларда ўйлаб топиб, ҳар қалай бўйнига тушадиган жазони сал бўлса-да ка-майтиришга уринаётганини аниқ-равшан сезиб турарди. Лекин ҳар қандай уйдирма ҳам энг аввало далил-ашё билан рад этилади. Тошмаматнинг эрталабки жавоби тергов учун айна шу муддао бўлди. Янгибоев тўсатдан Тошмаматга суяна бошлаганидан аслида Рус-тамов анча-мунча хавотирга ҳам тушди. «Наҳотки, шундай? Наҳотки Рустамов адашган? Наҳотки, у Тошмамат Олимовни деярли ҳалол, мунофиқларнинг домига илинган гўл одам деб ҳисобласа-да, Олимов уни кутилмаганда доғда қолдириб ўтирса? Унда Рустамов «одам танийман» деб мақтанмаса ҳам бўларкан...» Рустамов шунисидан хавф-да эди. Хайрият, Тошмамат тўғриси айтди, «тўрт юз минг сўмини кассир икковимиз Янгибоевга олиб бориб берганмиз» деди. Ана, магнитофон лентасида турибди ўша сўзи. Рустамовга айна шу гап керак эди. Шунинг учун ҳам у Тошмаматни эрталаб кўп ушлаб ўтирмади, мақсадига эришди-ю, чиқариб юбора қолди...

Юрагига васваса тушган Тошмамат эса Рустамовнинг кайфиятини ўзича бошқача тушуниб, баттар ўзини қийноққа сола бошлади. Бечоранинг бу азоблари ҳали ҳолва эди...

17

Тошмамат «уйғоқ ўтираман» деб шунча урингани билан, барибир тонгга яқин қоқ каравотга чўзилганча ухлаб қолди. Нонуштадан сал олдин, йўлақларда ғивир-ғивир авж олган пайтдагина зўрға кўзини очди. Калласи худди ари чаққандай ғовлаган, тили бемаза, тахта ботганиданми бутун аъзои-бадани, суяклари зирқираб оғрирди. Аслида суяклари эмас, юраги оғриётган, аъзои-баданига ҳам оғриқни юраги бераётган эди. Уйғониши билан биринчи бўлиб негадир Рустамовни эслади. Унинг сотқинлигидан аввал ажаблани-ди, кейин бирдан ғазоби қайнаб кетди. Устидаги қуроқ аёллни шарт итқитиб ташлади-ю, асабий бир тарзда ўрнидан сакраб турди. Агар ҳозир Рустамовни учратгандами, тикка юзига «сотқинсан» дерди-да, юзига мушт туширарди...

Яна баттар фикрлари чувалашиб кетди, ҳозиргина нима ўйлаётганини эслаёлмай қийналди. Муҳим бир нарсани ўйлаб турган эди-я, худди биров ўчириб ташлагандай миясида ҳеч нарса қолмади. Нимани ўйлаётган эди у? Ҳа, эслади: «Рустамовни Исмоилов, Исломхўжаевлар пулга сотиб олишган бўлса керак, — дея ўйлаётганди. — Балки анови Янгибоевдир тузоқ қўйган унга? У аблахларнинг қўлидан ҳар нарса келади! Естиқ-ёстиқ пул! Кимга бармоқ нуқиса — ўшани олиб бориб тиқишади! Ким текширарди уларни? Текширадиганларнинг ўзики, шу ботқоққа ботгандан кейин... Уша, Исмоиловлар қўлга туширган уни! Ушалар. Топган-тутганини сарфлаб, бошларини омон сақлаб қолмоқчи энди... Гуноҳларини юмшатишмоқчи... Айб айланиб-айланиб келиб яна биз шўринг қур-гурларнинг гарданимизга тушаверади! Яна ўша-ўша... Ишлаб юрганимизда ҳам нукул

бизнинг бошимизда калтак синарди. Мана, ҳатто қамоқдаям уларга бошқа қонун, бизга — бошқа!.. Эҳ, бу ажрат-ажрат тугамас экан ўзи сира! Тугамас экан! Жондан тўйдим роса! Тўйиб кетдим! Бўлди энди! Модомики, Тошмамат гуноҳдор экан, бунинг устига унга бировларнинг гуноҳи ҳам ортмоқлар экан... унда тамом, Тошмамат ҳам жим ётмайди энди! Барибир эмасми, қаерда ўлиши? Энди кўрқмайди! Уша Рустамовга, бошқа казо-казоларигаям тупурди у! Тупурди! Бу дунёда адолат йўқ экан ўзи! Шундай экан, Тошмамат ҳам бир ном чиқариб кетади энди шу ёруғ дунёда! Улдиришса — ўлдира қолишсин! Бир кун, ахир, кимдир ҳақиқатни топади-ку? Топади-ку!..»

Тошмаматнинг кўзлари қизариб, ранги оқариб кетган, ўзи бир ерда ўтиролмас эди. Назарида шу бугун ёки нарисин билан эртагами нимадир бир муҳим нарса юз бериши, ана шу нарса унинг бундан буюнги ҳаётини қандайдир бошқача изга солиб юбориши керакдай эди. Кўнглида эса ғалати бир таваккалчилик туйғуси пишиб етилаётганга ўхшарди. Лекин айна пайтда ўйлаётган нарсасини тез-тез унутиб қўяр, бунга биринчи навбатда ўзи ҳайрон бўлар эди. Ҳатто битта «йўқотган» фикрини соатлаб «қидириб» бош қоти-рар, кейин бирдан эсига тушса, оддийгина гаплигидан ҳатто кулиб юборгиси келарди.

Шу орада Рустамов уни яна сўроққа чақириб қолди. Бундан ўн-ўн беш кун бурун у ёш терговчи ҳузурига халоскор сифатида бўлмас ҳам, ҳар қалай, адолат ҳимоячиси ҳузурига кетаётгандай ўзини енгил ҳис этиб борарди. Унинг босиқ, вазминлигига, ёшига унда ярашмаган хушмуомалалигига зимдан тан берарди. Тошмамат қамоққа тушган одамларнинг қанчалар азоблишини кинолардан ҳам кўп кўрган. Уларни урадилар, қийнайдилар... Лекин Тошмаматни ҳали ҳеч ким чертмади-ю... бироқ орадан анови Барзанги чиқиб, бутун ишнинг белига тепди. Тошмаматнинг фикри-зикри, қарашлариям остин-усти ўзгариб кетди. Турмадаги ҳаёт ҳам, агар ичидан қаралса, бутун бир сотқинликдан иборатдек бўлиб кўринди унга. Ёқтириб юрган Рустамовига ҳам дилида роса лавнат ёғдирди, сотқиндан олиб сотқинга солди... Бари ўз жигилдонини ўйлайди! Бировнинг бошига тушган бахтсизликдан ҳам фойдаланади! Ана, қўйнинг ўлими — бўрининг байрами... Лекин энди Тошмамат ҳеч кимдан кўрқмайди! Бўлар иш бўлган! Биладики, ўзини оқлашга кучи етмайди, бунга мол-дунёси ҳам, пули ҳам, таниш-билиши ҳам йўқ! Аммо айтадиганини айтади! Энди кўрқмайди! Айтади!..

Рустамов Тошмаматнинг бу кайфиятидан мутлақо беҳабар, эшикдан кириши биланоқ уни сўроққа тутди:

— Экспедиторларингизнинг фамилияси нима эди?

— Боймуҳамедов.

— Бригадангиздан пунктга пахта ташийдиган йигитнинг исми нима эди?

Тошмамат ранги ўчиб, Рустамовнинг мақсади нималигини ҳозир аниқ билолмаётгани учун баттар ғазабни ошириб, кўрс жавоб берди:

— Ҳа, ана Тошмат! Хўш, нима бўпти?!

Рустамов қоғоздан бош кўтариб, Тошмаматга қаради. Тошмамат лаблари гезариб кетган, кўзлари кечагидан ҳам баттар косасидан чиқиб Рустамовни еб кўйгудек ўшшайиб турарди. Рустамов ўрнидан кўзга олиб қўйди, «касалмикин» деган фикр хаёлидан ўтди.

— Аниқ жавоб беринг, фамилияси нима?

— Мирзиёдов...

Рустамов «ана, гап шундай бўпти» дегандай бош силкиди.

— Улар бутун айбни сизга ағдаришяпти. «Пунктдаги олди-бердиларда Исмоиловнинг роли йўқ, ҳаммасини бригадларнинг ўзи, шу жумладан Тошмамат Олимов ҳам фақат ўзи келишиб қилган» деб тасдиқлашяпти. Сиз нима дейсиз бунга?

Тошмамат «инингхх» деб ингради-ю, гўё охи тубсиз осмон бағрида осилиб қолади-гандай бошини кўтариб шифтга кўз тикди. Нигоҳи безовта, лекин қандайдир лоқайд, ҳатто ҳозир жаҳли чиққанга ҳам ўхшамасди.

— Терговчиман деб, энди билдингизми шунини?! А?! Энди билдингизми?! — Тошмамат деярли бақириб юборди. Сапчиб туриб кетди. Рустамов ҳам турди. Тошмаматнинг овози ташқаридаги соқчига ҳам эришроқ туолди шекилли, ўша ёқдан туриб томоқ кириб йўталиб қўйди. Тошмамат эса ёвуз ўт чақнаётган ғазабни кўзларини ҳамон Рустамовдан узмай ҳарсиллаб бошлади; у гўё узоқ масофадан чапиб келганга ўхшарди.

— Сизга нима бўлди, Олимов? Тобингиз йўқми?

Тошмамат тишлари ёғирлаб, бўйинини четга бурди ва яна ялт этиб Рустамовга тикиларкан, оғзидан тупуги сачраб:

— Йўқол! — деб кичқирди ва ўзи бирдан курсига ўтириб қолди. Яна тишлари такиллаб, ўша нафрат билан: — Сотқин! — деди ва негадир кўзларини юмиб олди. Жаҳл билан яна бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо гапи танглайида ёпишгандай ғалати ғудурлаб қўйди.

Рустамов Тошмаматга диққат билан тикилганча, ундан кўз узмай столи тагидаги тугмачани босди. Уша заҳоти соқчи кириб келди ва Рустамовга «хўш нима қилай» деган маънода қараб турди. Рустамов «ҳечқиси йўқ, ўша остонада тураверинг» дегандай имо қилди-ю, яна саволини такрорлади:

— Олимов, эсладингизми? Фамилияси нима?

Тошмамат индамади. Тўхтовсиз пешонасини эзгилар эди.

— Олимов, мен сиздан сўраяпман, фамилияси ким?

Тошмамат ўрнидан ғриб турди-ю, бош бармоғини икки панжаси орасига олиб: — Мана сенга фамилия, аблаҳ, сотқин! — дея ўшқирди. Соқчи бир сакраб Тошмаматнинг ёнига келди ва маҳкам кўлидан ушлади. Тошмамат худди уни ҳозир кўргандай анграйиб қаради, кўлини тортиб олмоқчи бўлди. Соқчи унинг билагини омбурдек қисиб тортди. Иккалови тортишиб қолишган эди, Рустамов Тошмаматни қаттиқ огоҳлантирди:

— Олимов, бу нима қилиқ?! Карцерга тушишни истаясизми?! Тартибга бўйсунинг!

— Сенларда тартиб борми, сотқин?! Мана, тартиб!!! — У жазаваси тутиб, яна бармоғини боягидек букиб кўрсатди. — Нега ўлдирмоқчи бўляпсизлар мени? Нега? — Тошмамат бирдан ўксиб йиғлаб юборди-ю, кейин кўкрагига муштлади.

Рустамов ҳанг-манг бўлиб қолди. У маҳбусларни кўп кўрган: шайтонлайдиганлари, бир кўпириб кейин тезда тушадиганлари, ҳатто ўзини жинниликка соладиганлари ҳам бўлади. Хил-хил одамларни учратиш мумкин турма деган бу жойда. Лекин ҳозир Тошмаматнинг авзойи шундай эдики, унга қараб, биронта ҳаракатини у атайлаб қиялпти, дейиш қийин эди. Рустамовни яна ташвишга солган нарса — Тошмамат қанчалар куйиниб, эзилиб гапиргани билан аммо шу ҳолатини негадир ўзи «бошидан кечираётган»га ўхшамас эди: кўзлари қандайдир бежо, нимадандир ҳаддан ташқари кўрққан бир белгини ифодалар эди. Рустамовни Тошмаматнинг сўзлари азбаройи ҳайратга солганидан у ўзини тўхтатолмади:

— Олимов, билса бўладими, ким сизни ўлдирмоқчи?

— Сен! — Энди Тошмаматнинг кўзлари қонталашиб кетган эди; лабларининг четини бирпасда кўпик босди. Рустамовнинг баттар ҳайрати ошди. Бу қутилмаган манзара уни бироз шошириб ҳам қўйди.

— Камерага олиб боринг! — деди соқчига ноилож.

Тошмамат бу гапни эшитиши билан бирдан ҳушига келгандай чурқ этмай орқасига бурилди ва соқчининг олдига тушиб камераси томон кетди. Рустамов ҳозиргина жазаваси тутиб «сен» деб бақирган Олимовнинг кўрқинчли қиёфасини кўз ўнгига келтираркан, диққат бўлганидан кетма-кет сигарета чекди. Кўп жиҳатлари ойдинлашиб бораётган катта ишига бирдан чигал туша бошлаганини сезиб кўнгли хижил тортди. Аста стулига ўтираркан, «атайлаб қиялпими ёки... асаблари... ҳар қалай, иш орқага суриладиган бўлди...» дея афсусланар эди.

Бехосдан нимадир эсига тушиб, шошилиб рўпарасидаги календарни варақлади ва ўзидан-ўзи мамнун бўлди. Чунки айна бугун руҳий касаллар профессорининг консултация кунини эди. У ички телефонни кўтариб, медпункт билан боғланди-да, навбатчи врачга ҳамма гапни тушунтириб, Олимовни профессорга шу бугуноқ кўрсатиб беришни сўради. Одатда ақлдан оза бошлаган маҳбуслар ҳам ғалати-ғалати сўзларида, бақириб, тўполон қилишларида аслида ҳаётдаги қайсидир бир «факт»га асосланишларини эслаб қолди-ю, унинг «айбномаларини» ҳозироқ бир-бирига уламоқчи бўлди...

Тошмамат камерага қайтиб кирганда бирдан бурунги ҳолатига келгандай эди. Ҳозиргина Рустамов ҳузурида бўлган машмашани эса аниқ эслаб олмади. Рустамов билан суҳбатлашгани, унга нималарнидир исбот қилишга урингани, Рустамовнинг унга берган саволлари... Шулар калласида ғалати бир гўмбазга ўхшаш шакл олди-ю, Тошмамат барибир уларни идрок этолмади; бунга кучи етмади. Сал ўтмай бутунлай унутди... Энди ақли-ҳушини яна Барзанги эгаллади. Агар ўша иблисдан эсон-омон қутулиб олса, бу ёғига кўнгли тўқ. Наридан борса, Тошмаматга узоғи билан ўн уч йил беришлари мумкин экан. Буниям ўша Барзанги айтди шекилли?... Демак, ўн уч йил... Борди-ю, ўртада амнистия бўлиб қолсами — яна яхши. Бўлмагандаям... ҳозир Тошмамат қирқ еттида... Агар ўн уч йилни тўла ётиб чиққанда ҳам бор-йўғи олтмишга кираркан... Олтмиш нима?! Ундан у ёғига... фақир киши панада, бир кунини кўрар, ахир... Шунинг учун унчаём ноумид бўлавермаслиги керак. Санобарга ҳам ёзди-ку, ахир, шундай деб!.. Бирдан у хатини эслаб, болалари кўз ўнгига келди. «Мен қамоқдан чиққанимда... Шоҳистанинг боласи ўн иккига қадам кўяркан, бешинчида ўқиркан...» Тошмаматнинг кўзларида севинч ёшлари йилтиллади. У кафтининг орқаси билан қовоғини артаркан, «ўн уч йил нима бўпти... хайрият...» дея шивирлади...

Эшик дарчаси шақир-шуқур очилди-ю, Шопмўйлов энгашиб ичкарига қаради; Тошмамат тикланиб ўтирди. Боя Рустамов ҳузурига уни шу Шопмўйлов бошлаб бордими ёки бошқасимиди? Хотирига келмади. Бунга ўзи ҳайрон бўлди, нима учун эслаб қолмаганига, аҳамият бермаганига ажабланди. Ҳа, шу Шопмўйловнинг ўзи эди, шекилли?... Йўлақдан бурилишаётганда Тошмамат бир орқасига қайрилди-ю, ўшанда аниқ кўрди Шопмўйловни. Тошмамат худди уни ҳозир айб устида кўлга туширгандай ўзидан-ўзи қувониб кетди. «Хўш, нима ишингиз бор» дейишга ҳам шай бўлиб тўйнуқка юзланган эди, аммо дарча ёпиб қўйилган, қадам товушлари эса узоқлашиб бораётган эди. Йўқ, Шопмўйловни у олдинги сафар кўрган эди мулошида. Олдинги сафарни адаштиряпти. Олдин кўрган эди уни! Аниқ эсида! Олдингисини адаштиряпти...

Тошмаматни яна ташвиш, кўрқув босди. «Нега дарчани очишга очди-ю, индамай

ёпиб кўйди? Агар уни кузатмоқчи бўлса, эшик тепасида махсус тешикча бор-ку?.. Нега дарчани очди? Очишга очиб, нега яна индамай ёпди? Ҳатто унинг ёпганини Тошмамат кўрмай ҳам қолди... Атайлаб сездирмай ёпгандир балки?.. Тошмамат унга кўзи тушиши билан... ер ютди-кўйди. Нега бирдан жўнаб қолди?.. Қизиқ!..»

Кўз олдига тўсатдан узум сўрисига ёпишиб олган Исломуҳжаев келди-ю, унга ачинганидан қўлт этиб ютди, бирдан йиғлаб юборди. «Ушанда Исломуҳжаевнинг гапига учиб, академикни танқид қилмаганда-ку?.. Ё, тавба, наҳотки энди Исломуҳжаев икковларининг ўликларини мана шу Барзангига ташлаб кетишса?! Барзанги шундай деб дўқ урди-ку, ахир? Улигинг шу ердан чиқади, деб аниқ айтди. Тошмамат ҳам бошқаларга ўхшаб ўз уйида тинчгина ўлишни, фарзандлари қуршовида, улар билан видолашиб жон беришни, ўз хилхонасига — онасининг ёнига бориб ётишни истайди...» Шуларни эслаб туриб, болаларига раҳми келиб кетди. «Отамнинг қабрини зиёрат қилайлик, деб қолишса, қаерга боришади улар?..» Тошмамат сапчиб ўрнидан турди, тўшак тагини ковлаштириб, анови кунги қоғоз-қаламини топди ва шошилиб нималарнидир ёза бошлади. Кейинги дақиқада кўзлари ола-кула бўлиб, гўё ёзганини ўзидан ҳам яширмоқчидай, қоғозни апил-тапил ички чўнтагига солди... Хаёли яна Исломуҳжаевга қараб учди. «Униям шу ерга келтириб ташлашса-чи?! Ҳар нарса келиши мумкин буларнинг қўлидан. Ҳар нарса! Эҳтимол, кечгача олиб келиб қолишар уни ҳам?.. Агар уйдан бугун топишса, унда тунда этиб келишади... Қизиқ, Тошмамат ухлаб ётган бўлса-да, бечора Исломуҳжаев уни Барзанги деб ўйлаб ўтакаси ёрилса? Ҳўп томоша бўларкан-да унда?.. Кейин Исломуҳжаев ухлаган пайтда Тошмамат секин ўрнидан туради-ю, аделга ўранганча тепасига бориб, «каламаш» деб қўрқитиб юборади. «Уша тоғда нега сиз аёллар билан сойга тушмадингиз» деб сўрайди. «Қўрқиб кетдингизми» деб, уни калака қилади...»

Ташқари эса жимжит эди. Гўё турманинг ўзи ҳам қотиб қолгандай... Тошмамат яна хавотирга тушди. «Нимадир бир нарса қилишяпти улар!.. Барзанги ханжарини яланғочлаб, эшик тагида тайёр турган бўлса-чи? Шопмўйлов бирдан очиб юборса, у отилиб кирди-ю, Тошмаматга ханжар уради. Рустамов ҳам ҳукм чиқариб қўйгандир у ҳақда?!» У аделларини буклаб, эшик тагига босди; энгашиб зичлаётганида йўлакда кимдир шивирлагандай бўлиб туюлди. Кейин пақ этиб челақ тушиб кетди, йўғон овозли бир одам қаттиқ сўкинди... Тошмаматга ўтирган жойи жудаям ёқди: ташқари зўр эшитиларкан. Тиқ этса ҳам эшитиларди... «Мана шу ерда ўтирса, уни ҳеч ким алдаёлмайди. Кечаси-ю кундузи энди шу ерда ўтиради. Исломуҳжаевни ҳам шу ерда кутиб олади. Қизиқ, ўша аёллар билан Барзангининг алоқаси бормикин? Исломуҳжаевни ҳам ўшалар сотган бўлса-я! Исломуҳжаев бечора бундан хабари йўқ, бекорга узум сўрисига ёпишиб юрибди. Уша қамоққа олгани борганларга шартта: «Аввал Барзангини йўқотинглар, кейин ўзим бораман» дейиши керак эди! Аёлларнинг мунофиқ, сотқинлигини билмаса, нима қилсин, шўринг қурғур...»

Тошмамат тушдан кейингина эшик тагида ўтиришдан чарчаб, хиёл мудроқ босди ва ётгиси келди. Эрталабки ваҳимаси анча эсидан чиққан эди. Тўшакни йиғиштириб, каравотига солди. Қўлларини боши остига қўйганча, шифтдан кўз ўймак мудраб ётаркан, ўзидан-ўзи бир чўчиб тушди. Яна эшикка хавотир билан қараб кўйди. Апил-тапил тўшагини ўраб, яна эшик тагига босди. Уша ерда анча ўтирди. Бир вақт ташқаридан уч-тўрт кишининг қадам товуши яқинлашиб келаверди. Тошмамат қўрқиб кетганидан тўшакдан нари қочди. Шақур-шуқур эшик қулфи очилди-ю, аммо ҳеч ким кирмади. Бироздан сўнг сал қия сурилиб, яна ҳеч ким кирмади. Ҳойнаҳой, ташқаридагиларни останада ётган тўшак ҳайрон қолдирган бўлса керак, ёки ичкарига қулоқ солишяётганмиди? Кейин эшик куч билан сурилди-ю, бўсағада тоза оқ халат кийган, ўрта ёш, пакана бир киши пайдо бўлди. Ёнида оқ халатли яна иккита бақувват йигити ҳам бор. Тошмамат қути ўчиб, камера бурчагига тисарилди. Нотаниш кишилар унга врач кийимини кийиб олган қотилга ўхшаб кўринди. Айниқса, ўртадагисининг буқоқ каптарникидек шишиб кетган бағбағаси Тошмаматга жудаям сирли туюлди. Балки уни Барзанги юборгандир. Балки у ўзи келишга қўрқиб, мана шу ниқобланган одамни жўнатгандир. Дод деб юборай деди-ю, аммо овози чиқмади, бунинг ўрнига томоғи қақраб, кетма-кет тамшанди.

— Салом, ўртоқ Олимов! — деди ўртадаги киши Тошмаматга кулимсираб қараб; Тошмамат эса «у мени танимайди-ку, нега куляпти» деб ҳайрон бўлганча кўзларига тикилди. Аммо танимади. — Мен врачман, профессор. Саволларимга жавоб бера оласизми?

Тошмамат азбаройи қўрқиб кетганиданми ёки профессорнинг майин овози кор қилди, иккиланганроқ кифефада бош силкиб, профессорнинг гапини тасдиқлади.

— Қаерингиз офрияпти?

— Мана шу ерим!!! — деди Тошмамат тўсатдан чап кўкрагига уриб. У шу қадар самимий гапирдики, кўзларидан ёш чиқиб кетди; пешонасини муздек деворга босди.

— Томирингизни беринг-чи...

Тошмамат қўрқа-писа билагини чўзди. Профессор бир ушлашдаёқ унинг дик-дик ураётган томирини топди-ю, линза кўзойнаги орқали Тошмаматга узоқ тикилиб турди. Тошмаматнинг юраги уриб кетди.

— Қаерим оғрияпти дедингиз?

— Айтдим-ку? Менга ҳақиқат керак!

— Топамиз! Албатта топамиз ҳақиқатни.

Тошмамат профессорга ҳам ажабланиб, ҳам қаҳр билан тикилди-ю:

— Одам боласи муртад ўзи! Тўғри, ҳалол, ёруғ йўл туриб, ўзини доим қоронғига уради, текис йўл қолиб, ўйдим-чуқурга югуради! — деди зарда билан; шу фикрларни айтиб олганидан бирдан енгил тортди-ю, жим бўлиб қолди ва «профессор бунга энди нима жавоб қиларкин» деган хаёлда диққат билан унинг гапини кута бошлади. Профессор индамагач, давом этди: — Нима, мени ақлдан озган деб ўйлаяпсизми? Ҳақиқатни кўриқлайдиганларнинг ўзи балчиқда, билдингизми?! Нега мени қийнайсизлар? Анови иблис мени уришга нима ҳаққи бор?!

Энди профессор Тошмаматга ошкора ажабланиб қаради ва бошини қимирлатиб, унинг гапини маъқуллаган бўлди. Чаққонлик билан кафтининг орқасини Тошмаматнинг пешонасига қўйиб кўрди. Тошмамат баттар кўрқиб кетди.

— Билсак мумкинми, сизни ким урди ўзи?

Тошмамат қувларча заҳарханда билан кулимсиради-ю:

— Мени тутиб бермоқчимисизлар! — деди ғазаби тошиб. — Сиз кимсиз ўзи?

— Ҳозир айтдим-ку, профессорман.

— Йўқ, ишонмайман. Сиз ёлғончисиз!

— Бўлса бордир... — профессор билинар-билинамас мийиғида кулимсиради. —

Ўртоқ Олимов, қани, бир ечининг-чи, қулоқ солиб қўяй.

— Ахир, бола-чақаларим бор! Нега қийнайсизлар мени?! Нега қийнайсизлар?!?

— Тўғри туринг, силкинманг! Бироз сабр қилинг...

— Ҳақиқат йўқ бу дунёда! Тўғрисини айтиб — ёмонсан! Ҳамма йиртқич! Ҳамма! Икромдан нима фарқим бор менинг?! Нима фарқим бор? Профессор, айтинг-чи, Икромдан фарқим борми менинг?

— Бор, бор... — деди профессор, Тошмаматнинг кўкрагига бармоқларини қўйганча, устидан тўқ-тўқ уриб кўраркан.

— Билмабсиз! Мен ундан беш баттарман! Беш баттар!!!

— Угирилиг! Қани, бир йўталиг-чи...

— Сизларнинг қўлингизга тушган одам жинни бўлмай қолмайди. Соғ одамни жинни қиласизлар! Соғ одамни...

— Кўзингизни юмиб, қўлингизни чўзинг!

— Ҳаммаси ўз гуноҳларини бизга ағдариб кетишяпти. Илдини топиб бўпсизлар! Топдиришмайди! Сизлар топасизларми илдини?! Сизлар-а?! Шумғиядек юлиб ташлашади! Топиб бўпсизлар! Профессор, ановини киритманг менинг олдимга. Ялинаман, айтинг, эшикни қулфлаб қўйишсин! Тунда ким очиб беради эшикни унга? Рустамовми?! Иккала қизимни битта тўй қилиб узатиб юбораман. Айтинг, менга пичоқ ўқталмасин! Тўйимни ўтказиб олай...

— Кўзингизни юминг, кўрсаткич бармоғингизни бурнингизга теккизинг! Мана, бундай, мана бундай. Яна қайтаринг!

— Чарчаб кетдим, чарчадим. Уни киритишмасин, айтинг. Рустамовга айтинг! Мен уни яхши йигит деб юрсам... Э, аттанг! Э, аттанг... Мени Нортожини ўлдирган деб ўйлаб, атайлаб қийнаш учун ановини киритса керак-да Рустамов? Айтинг унга, мен ўлдирмаганман Нортожини, қувурга ўзи тушиб кетган. Исмоиловдан сўранглар... Сув, илтимос, сув беринг!..

Профессор ва унинг ёнидаги икки йигит камерадан қандай йўқ бўлиб қолди — Тошмамат ҳатто сезмади. Фақат эшикнинг ширқ-ширқ қулфланганини эшитди холос. Профессор йўлакка чиқди-ю, останада ўзини панага олиб кутиб турган Рустамовга қараб бош чайқади. Бироз нари кетишгач, икковлари қолганда:

— Онейроид! — деди линза кўзойнагини олиб, галстугининг учига артаркан. — Виждон азобидан келиб чиқадиган хасталик. Ақл бир келиб, бир кетиб туради. Даволаш керак. Узоқ даволаш керак. Шу бугуноқ касалхонага айтаман, жой бўлса, эртага ўтказишларингиз мумкин. Бўлмаса, бир ҳафта ичи жойлаймиз. Ҳа, яна карточкага ҳам ёздим: зудлик билан беморни кардиологга кўрсатиш керак. Юрак ритми чатоқ...

Рустамов профессорнинг гапидан тарвузи қўлтиғидан тушгандек бўшашиб қолди. Нимадир демоқчи бўлди-ю, ичига ютди. Буни профессор сезгани учун Рустамовга қараб кулимсиради:

— Нима, жудаям ўткир гувоҳми? — деб сўради.

Рустамов бош силкиб профессорнинг фикрини тасдиқлади-да:

— Ўткир жиноятчи ҳам! — дея қўшиб қўйди.

— Иложим йўқ, ўртоқ Рустамов, иложим йўқ. Сиз ўз қонун-қондангиз билан ишлайсиз, мен ўзимники билан. Даволаш керак. Охир-оқибат, ҳақиқатни билишни истасангиз — даволаш керак. Ҳозирги ҳолатида бутун ишингизни чиппака чиқаради барибир. Илтимос, кардиолог масаласини ўзингиз назорат қилинг. Эртага албатта кўрсатинглар, масала жиддий. Бугун уни камроқ безовта қилиш керак...

— Оиласига кўрсатиш мумкинми? — деб сўради Рустамов.

Профессор терговчининг мақсадини дарров тушунди-ю, «якши бўлади.. менимча, якши бўлади...» деб, Рустамовга қўл узатди. Рустамов профессор билан хайрлашаркан, унга раҳмат айтди. Кейин тез-тез юриб ўз хонасига кетди. Қоғозларини йиғиштириб, сейфига солди-ю, маъмурият идораси томон шошилди. У Баландтепа район прокуратурасига телефон қилиб, қамоқда сақланаётган Тошмамат Олимовни уйдагилар мана шу шанба куни келиб кўришлари мумкинлигини хабарлаб қўймоқчи эди...

18

Санобар ўз хаёллари билан бўлиб, тандирда кўпчиб чиққан нонларга жаз-жаз сув ураётган эди, шундоқ оёғининг тагига тухумдек кесак тап этиб тушди-ю, майдаланиб кетди. Санобар «болалар бир-бирларига отишяпти шекилли» деб ўйлади ва энгашиб, тепадаги кизарган нонларни узиб олай деб турган эди, яна боягидан каттароқ кесак бу гал сал нарига келиб тушди. «Бунақада одамнинг боши-кўзини ёриб, айбли қилиб қўйишлари мумкин» дея ўйлади-ю, узилган нонларни саватга ташлаб, евиллаганча дарвозага қараб чопди. Қўлида оташкурак, шўртумшуқларни бир қўрқитмоқчи. Дарвоза тирқишидан секин ташқарига қаради. Ҳеч ким йўқ. Энди изига қайтмоқчи эди, бирдан кўриб қолди: кўшни уй рўпарасидаги қари тол орқасида бўлғуси куёви Акбаржон энгашиб, ердан кесак тераётган экан. Санобар жон ҳолатда ўзини панага олди ва югуриб орқасига қайтди-ю, уй эшигига яқинлашиб, секингина:

— Шоҳиста, ҳой, Шоҳиста, — деб чақирди.

Хамирнинг қолганини угра қилиб қирқаётган Шоҳиста, билакларигача ун, индамай чиқиб келди; ҳаяжонга тушган онасига ҳайрон бўлиб қаради. Санобар оташкуракни кўчага нуқиб кўрсатаркан:

— Ноним куйиб кетади, сен қара, болалар тош отишяпти шекилли... — деди ва тандир томонга шишилди: — Айт, бу нима қилиқ? Одамни айбли қилиб қўйиш мумкин-а!

Ойиси «кимдир тош отяпти» дейиши билан Шоҳиста шошиб қолди. Апил-тапил ковшини илди-ю, кўчага югурди. Санобар азбаройи юраги қалқиб кетганидан секин дарвозага бориб, тирқишдан уларга бир қарамоқчи ҳам бўлди-ю, кейинги дақиқада бу фикридан ўзи ийманди: айғоқчидай ёшларни пойлаб юрса, хунук-ку?! «Шоҳиста қайтиб кираётган бўлса, сезиб қолганимни билиб, ноқулай аҳволга тушади-ку» деб ҳам ўйлади. Сал куя бошлаган нонларни узиб-узиб оларкан, юраги бирдан энгил тортди. «Худо хоҳласа, ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади... Буни дили билан сезиб турибди. Гарчи эри қамалгандан кейин... ўша ўзи оғзини тўлатиб мақтаган аёл қудаси бирдан булардан сал четлаганга ўхшаб кўринсаям, барибир, мана ўғли келиб турибди-ку?.. Ҳа, оила куради-ганлар ёшлар-ку, биз эмас-ку, ахир? Ушалар аҳил бўлса бас. Манови майда-чўйда гаплар, худди эски кийимдай, киши билмас унутилиб кетади. Ўзлари аҳил бўлишса, бир-бирларини тушуниса — етади...»

Шоҳиста дарвозадан кира солиб, «дугонамникига бориб келай, нонингиз ҳам бўпти-ку» деди. Овози шундоқ ўзгариб, ипакдай товланиб қолганини Санобар қизига қарамаса ҳам сезди. «Ҳа, майли, боравер» деди, охирги сават нонини рапида билан шип-шип тандирга ёпиштираркан. Онаси ҳам, қизи ҳам кесак отганни сўраб-суриштиришмади, бу гапни икковлари ҳам ўша заҳоти унутишган эди.

Санобар ўзида йўқ шод эди... Чўғ устига оқиб тушган катта бир кўмачни сал нарида жилпанглаб турган Йўлбарсга ташлади. Ит уни хоҳламагандай, саватга интилган эди, Санобар чўлтоқ супургини кўтариб ўдағайлади. Йўлбарс кўзини олайтириб, думини қисганча лўкиллаб четроққа бориб чўнқайди. Кўмачни бир-икки искаб, яна емади, қип-қизил тилини чўзиб, нақ кўзининг тагини ялай бошлади. Санобар унга «ҳа, қилиғинг курсин» деб оташкурак ўқталса ҳам, аммо астойдил жеркмай, номига жавраётгани эди. У ҳозир ўзида йўқ хурсанд, хаёли бошқа ёқларда эди...

Ўша куни кечга яқин, ҳали Шоҳиста дугонасиникидан қайтмасидан, ҳовлига қишлоқ Советининг котиби Холмурод Қодиров кириб келди. У Тошмамат Олимов қамалмаган пайтларда ҳар хил топшириқлар билан унга тез-тез йўлиқиб турарди. Чунки Тошмамат қишлоқ Советига депутат эди. Кейин орадан манови фалокат чиқди-ю, шу котиб ҳам бирдан оёғини узди. Санобар «Кенной!» деб кириб келаётган Холмуродни уйдан туриб кўрди-ю, Тошмамат акаси билан боғлиқ нимадир гап чиққанини ўйлаб, юраги шувуллади. Шошилганча меҳмонга пешвоз чиқди. Холмурод ҳам хушxabар келтиргани учун ўзини қўйишга жой топмай оғзи қулоғида эди:

— Кенной! Яхшимисиз, болалар тузукми? Эсон-омонликми? Суюнчини чўзаверинг! Акамнинг ишлари юришди. Райондан телефон қилишди, Рустамов деган одам. Ҳа, ростдан, йўқ, Рустамов районга телефон қилибди. Тошкентдан. Тошмамат акамларни индинга, шанба куни бориб кўрсаларинг бўлар экан.

— Вой, худойим-ей! Бола-чақамга раҳм қилган худойим-ей! — Санобар шунча ўзини тутаман деса ҳам кўзларига жиқ-жиқ ёш тўлди. Кўксига лоп этиб нимадир қўзғалгандай бўлди. Жон аччиғида бир ўкириб юборди. Ўзининг аянчли ҳолатини Холмуроддан

яшириб ҳам ўтирмади. Рўмолининг учига кўзларини артаркан, кейин «хайрият» деб ух тортди. Бутун диққатини бир ерга жамлагандай яна Холмуродга кўз тикди.

— Ўзлари телефон қилишибди. Демак, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — деди Холмурод Санобарга астойдил ачиниб. — Кеннойи, ишонасизми, мана уч ой бўляпти, бирон одамдан Тошмамат акам «ундай эди, бундай эди» деган бир оғиз ҳам гап эшитмадим. Биз халқ ичидамиз-ку, ахир. Ҳамма ачинади, катта-ю-кичик ҳамма ачинади.

— Болаларингизнинг роҳатини кўринг, укам, — деди Санобар, ёшли кўзлари кулимсираб. — Ўтган гал прокурор у кишини Тошкентда деганди. Шаҳар катта, кимга учрашайлик, билмадингизми?

— Билдик! — Холмурод шоша-пиша чўнтагидан кичик бир қоғоз парчасини чиқарди. — Мана, мана бу ерга ҳаммаси ёзилган... Тошмамат акам Тоштурмадаларми?

Санобар лаблари титраб, елкасини қисди. Холмурод бу оила бошига тушган мислсиз кулфатни яна бир бор бутун даҳшати билан ҳис этди-ю:

— У киши Тоштурмада эканлар... — деди овози энди бироз бўшашиб. — Тоштурмага бориб, ташқаридан мана бу телефонга... ўша Рустамов деган одамга кўнғироқ қилиш керак экан. Ундан у ёғини ўзлари айтишаркан...

Санобар «уйга киринг, уйга киринг» деб қистаса ҳам Холмурод кирмади. Кўнгил учундир, «биздан нима ёрдам керак» деб сўради. Санобар қайта-қайта раҳмат айтиб, уни дарвозагача кузатиб чиқди. Ҳовлига қайтаркан, қўлидаги қоғозчадан кўз узмас, ҳозир суюнпятими ёки кўрқяптими, ўзи билмасди. Аммо Тошмамат акасининг иши барибир яхшиликка томон силжиганини бутун юраги билан ҳис этди. Ўзларики шунча жойдан аizza-баzza телефон қилишиб, «келинглар» дейишибдими... Худо хоҳласа, барака топгур Холмуроджон айтгандай «ҳаммаси яхши бўлиб кетади ҳали...»

Санобар вужуди енгил тортган сари қалбида ўзидан мамнунлик туйғуси ҳам кучая бораётган эди. Чунки у кейинги уч ой ичида қанча азоб чекмасин, бир дақиқа ҳам барибир ноумид бўлмади. Одам азиз нарсаси, азиз кишисидан айрилса, уни фақат умид қутқаради. Санобар ҳам шу биргина умидга ёпишиб олди. Хайриятки, умиди пучга чиқмади... Ундаги умид, сабр-бардош, энди билса, ўзи ўйлагандан ҳам зиёдроқ экан...

Кечга бориб Шоҳиста ҳам «дугонасиники»дан боши нақ осмонга етиб қайтиб келди. Аммо дарвозадан кириши билан одоб юзасидан ва ойсининг кўнглини ўқситмаслик учун бирдан қовоғини уйиб олди. Лекин унинг қуралай кўзлари бугун юлдуздай чарақлаб ёнар, кейинги пайтларда обдан сўлғинлашиб қолган юзи ички тўлқиндан бўртиб тургандай эди; буни онаси бир қарашдаёқ пайқади. Қувончи баттар ортди. Қизининг пинҳона севинчини чўчитмаслик учун ўша заҳотиёқ қўлидаги қоғозчани унга узатаркан, оналик меҳри тўлиб-тошганча Шоҳистанинг бошини силади. Шоҳиста қоғоздаги қуруқ фамилия ва рақамларни кўриб ҳеч нарса тушунмади, ойсига ҳайрон бўлиб тикилди. Санобар кейинги ойларида биринчи бор лабларига табассум югуриб:

— Индинга дадангни кўргани борамиз! — деди ва қизини қучоқлаб ўпди.

— Ие, ростданми?! — Шоҳиста кулар эди-ю, лекин кўзлари жиқ-жиқ ёш эди.

— Боя сельсоветдан ташлаб кетишди. Уша ёқдагиларнинг ўзлари «келишин» дейишибди. Бир коса бўлсаям норин қилсакми деяпман? Дадангни биласан-ку?..

Шоҳиста ойсининг бўйнига осилиб, кетма-кет чўлпиллатиб ўпди. Бу оилада аслида ўзи бир-бирини қучоқлаб, чўлпиллатиб ўпишлар уят ҳисобланарди. Лекин ҳозир улар буни сезишмас эди...

Кечаси билан она-бола сафар тайёргарлигини кўриб чиқишди. Эри боёқиш бу йил ҳам уч-тўрт бригадир ошналари билан қўшилишиб ўнта-ўнтадан қази қилиб олишган эди. (Яхши тойни танлаб, зираворлари билан, қирдаги таниш қозоқ чорвадорларникига ташлаб тушишарди...) Санобар ертўлага кириб, ўша қазидан биттасини олиб чиқди. Қолган-қутган нарсаларнинг ўзи ҳам, худога шукур, ҳозирча етиб турибди... Она-бола ундан бундан гаплашиб ўтириб, туни билан бир тоғора норин пиширишди. Мазали бўлсин деб, Шоҳиста хамирга тухумни кўпроқ қўшиб юборган экан, юпқа ёйишда, тўғрашда анча қийналишди. Бу ёқда бир тўрва олма. Бир идишда пиёз, мурч. «Керак бўлар», деб йигирматача тухумни ҳам пишириб олишди. Патир нонларни Тошкент бозоридан топадиган бўлишди. Иложини қилишса, Санобар ўша ердан сим қоқиб, милицияда ишлайдиган Азамат укасини қақиради, борадиган жойларини ҳам оппа-осонгина ўша топиб берар... Санобар қайтага суюниб кетди... «Ҳаммасини тахт қилдик» дейишганда, ёнғоқ, майиз олмаганлари, туршак олмаганларини эслаб қолишди. Тошмамат акаси буниям ёздаёқ ғамлаб қўйган. Шундан болаларининг кўзи, меъдаси тўқ. Ҳамма нарсалари бор... Худо хоҳласа, ҳали бўладиям... Катта тўрвага туршак, майиз, ёнғоқ солишди. Шоҳиста Майн Риднинг «Бошсиз чавандоз» ва Ойбекнинг «Навоий»сини целофан қоғозга ўраб, меваларнинг устига яхшилаб жойлаштирди. Дадаси ишдан чарчаб келган пайтларида китоб ўқиб ўтирган Шоҳистани кўриб, нуқул «қани энди мендаям вақт бўлса-ю, маза қилиб ўқиб ётсам» дегани-деган эди. Манови китобларни олиб, роса қувонади. Иссиқ кийимлардан ҳам солишди... Хуллас, катта-катта уч бўғча бўлди. Ҳали яна норин бор (уни иккига бўлиб, ҳозирча холодийликка жойлаштиришди).

Охири ҳамма иш тугаб, Шоҳиста укаларининг олдига кириб кетди; Санобар эса ҳовлини айланиб чиқиб, оёқлари остида ўралашаётган Йўлбарсни эркалаб, яна ошхо-

надаям анча вақт ивирсиланиб юрди. Уйқуси келмади сира. Ярим кечагача тиним билмай, дунёнинг ишини чигириб ташлашди-ю... қани чарчоқларини салгина сезишса?! Одамнинг ичи хотиржам бўлса, сирти қиллолмайдиган иш йўқ ўзи бу дунёда. Одамнинг ичи лат емасин. Лат едим, давоси йўқ. Улиб қутулади фақат...

Санобар уйга кириб, эрига олиб бораётган иссиқ кийимларини яна бир очиб кўрди, қайтатдан тахлади, пахмоқ кўйлакни силаб-силаб ўзича ўйлар эди: «Яқин одамнинг билан доим бирга бўласан-у... аммо усиз яшай олмаслигингни у сендан узоқдалиқ пайтида ёки жудодик пайтида биларкансан...»

Санобарнинг кўзига уйқу келавермади... Ҳали эрта ўтиб, индинга йўлга тушишади. Биринчи автобусга улгуришса, идораларда айни иш бошланадиган пайтда Тоштурмасига етиб боришар. Бугун эмас, эртага барвақт туришади, қоқ саҳарда. Бугун ухлаёлмасаям зиёни йўқ. Ишқилиб эртага бузилмаса бўлгани уйқуси... Санобар кайфияти яхшилигидан бўлса керак, ўзидан-ўзи Тошмамат акаси билан ЗАГСдан ўтган дамларини эслаб кетди. Эллик олтинчи йилнинг ёзи эди. Санобарнинг назарида ҳозиргидек ёйиш-ичиш йўқ эдию у вақтларда, аммо одамларнинг феъли кенгроқмиди-ей?.. Бунақанги «ўзим бўлай» дейдиган балои-нафс йўқ эди ҳали... Одамларнинг қорни тўқми, усти бутми — бас, шунинг ўзи етарди. Бировдан ортиқми, бировдан камми, деб нолишмасди. Ҳозиргилар худди от отдан қолса қулоғини кесгандай! Бирини бири пойлайди, бирини бири чалиб йиқитади... Кошки шу билан ишлари унса? Илгари ҳар қалай одамларда бир-бирига ишонч зўр эди... Ҳозир шуям йўқ! Чумолига ўхшаб ҳар бири ўз қавагига тортади. Манови бошимизга тушган кулфатлар ҳам бежиз эмас... Манманлиқнинг касри бу! Одамларнинг ошиб кетганига жазо бу!.. Тўй-ҳашаму орзу-ҳаваслар ҳам у вақтларда одмигина бўларди. Санобар унақа ҳозиргилардек бошдан-охир оқ кийимгаям ўралмабди. Энди қишлоқлардаям ҳаддан ошиб кетишяпти. Йўлларининг тупроғи ўйнаб ётади-да, аммо ЗАГСга, албатта, оқ кийимда, оқ пошнада боришлари керак! Яна шунини телевизорда кўрсатиб, бутун жаҳонга ёйишади денг! Ҳар ким ҳам кўрпасига қараб оёқ узатгани яхши... Санобарларда ҳаммаси жўнгина бўлган эди. Ойиси тиккан хонатласда бораверган ўша ЗАГСига. Биров «вой, атласда кепти» ҳам демаган. Эсида: Тошмамат акаси қора тринка костюмда, белидан пастроғига шоҳи қийиқ ташлаб олган. Бошида чуstdўппи, оёғида хром этик, сал оғирлигини ўзгартса ҳам фарч-ғурч қилиб оламни бузади. Кимдир тутқазган бўлса керак, бақувват, мускуллари бўртиб қорайиб кетган қўлида газетага ўроғлик бир даста гул. Умрида бу ишни қилмаган одам, ўзини ўнғайсиз сезиб, куёв жўраларидан балеанд эмасми, баттар бўйнини ерга эгиб, сал гапга лавлагидек қизариб, Санобарниям қанча уялтирган эди Тошмамат акаси. Куёв жўралари ҳазиллашиб уни келин томонга — Санобарга итаришса, у қулоғигача қизариб, жон ҳолатда бу ёққа қоцади. Шериклари шўхлик қилиб «хиейевв, хиейевв» деб қичқиршишса, худди бошига кесак тегадигандай баттар ерга эгилади... Кейин катта бир залга ўтишди. Кўкрагига қизил алвон ташлаб олган гажақдор аёл Санобарга алланарсалар деб савол берадимми-ей... Санобарнинг қулоғига биттаси кирмаган ўшанда. Юзи қизиб, юраги дук-дук уриб, бунинг устига бутун фикри-туйғуси ёнида эгилиб кетаётган Тошмамат акасида бўлгани учун... Уша аёл «Тошмамат Олимовга ўз хоҳишингиз билан чиқярсизми» деб сўраса-я! Шунақаям савол бўларканми!..

Санобар ўша хушнуд дамларини эсларкан, «ҳа, бу ҳам ўзига яраша расмдир-да» деди-ю, аммо юраги бир олам қувончга тўлиб-тошган эди. Ҳар замоннинг ўз тошу тарозиси, ўз расм-русуми бўларкан. Кўз очиб юмгунча орадан қанча сувлар оқди-кетди. Кунлар битта-битта ўтади-ю, шу битта-битта ўтиб, одам сезмай, қанча йилларни ўтказиб юборади-я! Тавба-а!.. Уша дақиқаларда, Тошмамат акаси ҳали ёнида гул кўтариб бораётган пайтида... биров уларга «ҳали бошларингизга манови ишлар ҳам тушади, шошмай туринглар» десами? Ким ишонарди бунга? Э, тавба-а, битта бошга шунча ғавғо-я!..

Санобар чуқур нафас олди-да, нариги ёнга ўгирилиб ётди. Ҳозирги ширин ўйлари бир зумдаёқ зим-зиё учди-кетди. Юрагини алам, оғир ўкинч қамради. Тошмамат акасини индинга бориб кўришдан ҳатто кўрқиб кетди. Аҳволи қандайикин? Ишқилиб тан-жони соғ юрган бўлса яхши-я... «Уйнаб-кулиб, кўксини тоғдай ушлаб юрган одам рўпарамизга бўйнини эгиб чиқса... қандай чидайман бунга?..»

Санобар қоронғи уйда култ этиб ютинди. Бирдан хўрлиги келиб пиқ-пиқ йиғлади. Алламаҳалга боргандагина ухлаб қолди...

Эртаси кунини ҳам Санобар аввалига кўнгли кўтарилиб, дарддан халос бўлган бемордай анча энгил тортиб юрди. Кейин барибир дилини аллақандай мубҳам хижиллик эгалади. Шундаям у «ҳар қалай, ўзлари руҳсат беришибди-ку... айби борликка бор, айб кимда йўқ... Лекин ёмон бўлганда бизни яқин йўлатишармиди...» деб, ўзига ўзи далда беришга уринди. Эртага уларни нима кутаётганикин? Ётган жойини топиб бориша олармикин? Қийналишмасмикин? Э, булар ҳаммаси арзимаган гаплар-ку... ишқилиб, Тошмамат акаси яхши ўтирган бўлсин. Касал-пасалга чалинганда чақиршишдан бўлса-я, тагин?..

У тушга яқин холодильникни очиб, «бузилмаганмикин» деган хаёлда нориндан бир чуқим оғзига солаётган пайтида ташқарида кимдир эркак киши «ҳой, ким бор» дея овоз чиқарди. «Қуда, бормисиз» деб қўшиб ҳам қўйди: Санобар қарс этиб холодильникни

ёпди, шоша-пиша деразадан ташқарига қараса: ҳовлига Асрор чўпон кириб келяпти! Акбаржоннинг дадаси! Дастлаб Санобарнинг миясига, «ие, булар ҳам билишибди-да боришимизни» деган фикр келди. Кейинги дақиқада эса бирдан оёқ-қўли бўшашиб, ичидан муз югуриб ўтгандек бўлди. У кейинги вақтларда ўзини қанча юпатмасин, хаёлий далдаларни ўзига қанча кўмакдош қилмасин — барибир шунда ҳам Асрор чўпоннинг келишини сира кутмаган эди. У хотин қудасидан аллақачанок ҳафсаласи қолиб, одамларнинг бу қадар беқарорлигидан ўзича куйиб кетган, шу сабабли ўртадаги борди-келдиларни ҳам ўз оқимига ташлаб қўйган эди. Бориб-бориб, бу нарсалардан умуман кўнгли совиди. Паҳлавондай отаси қамоқда ётса-да, Шоҳистасини бировга узатиб, тўй қилгани билан кимга татийди? Қайси тентак шу ишга ботинади? Чидашса, одамгарчилик қилиб, битта ўзларинимас, бошқаларниям ўйлайдиган инсофли одамлар бўлишса, майли, унда бир кун бориб тўй бўлса-бўлар, қочмас... Лекин кутишмаса, бунинг устига ҳеч нарсадан — ҳеч нарса йўқ, димоқларини кўтариб қолишса, бундай ноинсофларникига тўшиб, қизим бечора нима ёруғлиг-у, нима рўшнолик кўрарди? Боши ғамдан, таънадан чиқмайди! Кимга керак бунақа жаҳаннам? Ўз қўлим билан оёқ-қўлини боғлаб бераманми қизгинамни? Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!!!

Санобар кечалари баъзан хаёл олиб қочганда хотин қудасини анча-мунча қарғаб ҳам ташлаган. «Илойим, муродинга етма. У таги пастга қизим эмас, дадасининг шуҳрати керак экан-да? Қаники, худои таоло «ол қўлим» деб Тошмамат акаси сувдай тиниқ, сутдай оқ бўлиб, эшикдан кириб келса борми?! Ана ўшанда гаплашарди у номардлар билан! Ана ўшанда гаплашарди!..»

— Ҳой, қуда, бормисиз?

Санобар ўзини тутиб туролмади. Пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Кейинги ойлари ичида юрагини қон қилиб ташлаган бутун ғам-аламлари ҳозир бирдан сиртига қалқиб чиқди-ю, бегона одамнинг олдида ҳам ўзини тутиб туролмади. Рўмолини кўзига босганча, елкалари силкиниб-силкиниб, алам билан йиғлар эди. Асрор чўпон ҳам шундай бўлишини олдиндан билганми, «майли бироз ёзилиб олсин» деб, индамади. «Кўз ёши — аёл киши учун малҳам...» Санобар эса баттар хўрлиги келиб, баттар энтикиб йиғлар, «бечоранинг нима гуноҳи бор-а, нима гуноҳи бор» деб тўхтовсиз пичирларди. Кўпинча ўзи одамнинг сабр косаси тўлиб кетишига бир томчи етишмай туради; Асрор чўпоннинг кутилмаганда кириб келиши... Санобарнинг юрагини тўлдириб, тошириб юборди. Агар у яқин кишиси бўлгандами, унинг елкасига бош қўйиб, аёллиги, ақл бовар қилмас бу кулфат қаршисида ожиз бир ситамгарлиги учун ҳам ўқиб-ўқиб йиғлаб оларди, эҳтимол. Аммо ҳозир бундан ўзини аранг тутса ҳам, юраги тўлиб кетганидан йиғисини босолмас эди.

— Қўйинг, синглим, қўйинг... Замон шунақа, ҳамма нарсани юракка солаверсангиз... — деди-да Асрор чўпон ҳовли ўртасидаги чорпоёга қараб юрди. — Нега йиғлайсиз? Қўйинг, йиғламанг...

Бу вазмин гап Санобарни бирдан ҳушига келтирди. У қизарган кўзларини рўмоли билан тез-тез артаркан, таомилга кўра Асрор чўпон билан ҳол-аҳвол сўрашди:

— Хуш кепсиз, Асрор ака. Ўзимдан ўтади — ўзим биламан. Нима қилай, кўргилик экан. Опам яхшимилар? Ақромжон?

— Раҳмат, синглим. Раҳмат. Сиз бунчалик ўзингизга олманг...

Санобар яна пиқ-пиқ йиғлади. Бошини чайқаб, елкалари билинар-билинамас силкинди.

— Қайтага бундай пайтда одам ўзини маҳкам қўлга олиши керак. Ҳали текширув боряпти, ҳали ҳеч нарса аниқ эмас, кеча райондан эшитдим буни... — Бўлажак қудасининг бу юпатуви Санобарни янаям сергаклантирди. — Тошмаматжонда айб бўлса, униямайтишар. Бўлмаса эсон-омон кутулиб чиқар. Кўрасиз! Э, невараларни боқиб чарчайсиз ҳали!

— Айтганингиз келсин-ей... — деди Санобар бурнини тортиб. — Жуда сондан чиқиб кетдик. Шундоқ одамни қамаб ўтиришса-я?!!

— Э, сингил, бу ёлгон ишлар, бу ёлгон олди-бердилар халқ бошига худди очарчиликдай, худди фашист қузғундай балойи азим бўлиб ёпирилди. Битта Тошмаматми? Э-э, қайда! Ўзлаб-минглаб одамлар! Емони шуки, ҳалиям баъзан ҳолвани ҳоқим, калтакни етим еб турибди. Ўт тушса ҳўлу-қуруқ баравар ёнади ўзи. Йў-ўқ, бунияма чораси топилар. Худо хоҳласа кўрмагандай бўлиб кетасизлар ҳали. Тошмамат бечорада нима айб, ахир? Топшириқни бажараман деб, бу кунга қолиб ўтирса... — Асрор чўпон ўз гапига ўзи ҳам унча ишонмагани учун суҳбат мавзуини дарров бошқа ёққа бурди: — Буларку, албатта бир ёқлик бўлади. Ҳа, энди бу ёғига ўтайлик-чи, қуда, қани, нима гап? Тўй қачон?

Санобар ўзини мажбурлаб қўлимсираган бўлди; елкасини учирди. Кейин бирдан «ҳозир юрагимга тўй сиғадими» дегандай жиддий тус олди.

— Мен сизга яширмай очиғини айтиб қўя қолай, қудағай! Қариндош-уруғлар роса бизни тузлашди, «оғиз солиб, кейин бундай ташлаб қўйиш гуноҳ» деб. Биздан ўтган бўлса, опангиз учун ҳам узр сўрагани келдим сиздан. Ҳали уйда амакиларим ўтиришибди, кўнглидан чиқариб қайтмасанг — эшикдан кирмайсан, деб...

Санобар ўпкасини босолмай йиғлаб юборди. Кейин ўзини қўлга олиб:

— Асрор ака, шу туришда тўй ярашармикин? — деди ожизгина.

— Ие, нега ярашмас экан? «Отаси қамоқда» демоқчимисиз? Хей, билиб қўйинг, мен бировдан кўрқиб яшаган одам эмасман. Гап битта, тамом! Опангиз ҳам мендан оладиганини тоза олган! Ҳали кейин эшитасиз...

Санобар қудасига қараб бир ютиниб қўйди-ю, «вой, эсим қурсин, қаққайиб ўтирибман-а» деганча ошхона томонга шошилди. Асрор чўпон «қўйинг, қўйинг» деб қайтарганига қулоқ солмай, бирпасда патнис ясатиб чиқди. Яна бориб чой дамлаб келди. Асрор чўпон «қани, менга бераверинг» деб чойнак-пиёлани ўзига олди. Бир-икки қайтариб, аввал ўзига куйди, кейин уй эгасига пиёла узатди.

— Гап бундай!.. — деди Асрор чўпон буйруқ оҳангида; унинг бу ерга келиб ўзича хўжайинлик қилаётганидан Санобар оғрингани йўқ, аксинча, ўзини яқин олиб чой қўяётгани, кесиб-кесиб сўзлаётгани унга анча далда бўлди. — Хўп, ана, қамоқда. Хўш, нима бўпти? Ёмон кундан асрасин. Улимдан бошқа нимаики дард бор — чораси бор. Қамоқда бўлса, шу билан энди ҳаёт тўхтаб қолиши керакми? Бемаъни гап! Қайтага тўйни ҳозир қилиш керак. Ёшларда нима гуноҳ?!

Санобарнинг кўзига яна ёш қўйилиб келди; рўмолининг учи билан бурнини бир-икки артиб, қудасига миннатдор бўлиб боқди.

— Менга қолса, чўзиб ўтирмай, мана шу кўкламдан ўтказмайлик. Тошмамат ҳам йўқ демас, қайтага курсанд бўлади. Қовуштирайлик буларни. Ундан у ёғи иш кўпайиб кетади. Ёшлардан қутулайлик. — Асрор чўпон иккинчи пиёлани бўшатгач, уни патнис четига думалатди.

— Билмадим... — Санобар бир дақиқа тарадудланиб турди-ю, кейин яна давом этди: — Эртага бормоқчимиз у кишининг олдиларига. Айтиб кўрай-чи...

— Э, шундайми?! — Асрор чўпон ўнглиниб ўтирди. — Унда аввало мендан катта салом айтасизлар. Кейин манови гап. Ҳаммасини бир бошдан айтинг.

— Хўп, — деди Санобар ва яна ютиниб қўйди.

— Опангизнинг ўзи келмоқчи эди, кичигимиз кеча иситмалаб чиқса денг... Хуллас шу: кўкламдан қолдирмаймиз. Майгача ўтказиб олишимиз керак. Шоҳиста қизим шу ердამилар?

Санобар бундай савол бўлишини кутмагани учун бировз шошиб қолди; кейинги дақиқада ўзини ўнглаб «дугонасиникига чиққан эди» дея ёлғонлади. Асрор чўпон шунда ҳам ичкари уй деразаларига диққат билан тикилгандай бўлди-ю, юзига фотиҳа тортиб, одати бўйича кўкрагини қоқиб-қоқиб ўрнидан қўзғалди. Санобар «ўтирибсиз-да, қуруқ кетяпсиз» деб мулозамат қилди. Асрор чўпон кулиб, «ҳа, энди бошлаймиз-да... биздан ҳали норин-у, ошлар қочиб қутулмайди» деди ва пахталик шим барларини тўғрилаб дарвоза томонга йўналди. Йўлакка борганда тўхтаб, худди зарур гапи эсидан чиққандай яна тушунтира бошлади:

— Тошмаматжонни хижолатга солиб ўтирманг, қудағай. Ўзингиз ҳам билиб олинг: тўйни биз қияпмиз! — Асрор чўпон кафтини кўкрагига қўйди. «У-бу нарсаларимиз етмайди» деб, қисиниб юрманлар тагин. Ҳаммаси бор. Агар бирон-бир камчилик чиқса... Ҳа, опангиз келади-ку, эрта-индин. Обдан келишасизлар! Тўйни биз қияпмиз! Омонлик бўлсин!..

Санобар «раҳмат» деганча ерга қаради-ю, «эсим қурсин, шундоқ норинларим бор эди, қўймабман-а» деб, ўзини койиди. Айниқса қудасининг норин, ошдан гап очганини ўйлаб, ўзича баттар хижолат чекди. Асрор чўпон хайрлашиб кўчага чиқаркан, «ҳа, ҳа» деб яна остонадан ичкарига қайтди.

— Яхшилаб биздан салом айтасиз. Сўранг-чи, биз қачон бориб кўрсак бўларкин?

Санобарнинг яна кўнгли бўшашди; аммо бу гал дарров ўзини қўлга олди. «Хўп сўрайман» деди-да, қудасини кузатиб атайлаб кўчага чиқди. Асрор чўпон беш-олти қадам нарилаганда Санобар жўрттага овозини баландлатиб, «опамга салом айтинг, келсинлар» деди. Кейин у ёқ-бу ёққа қараб қўйди. Ҳу наридаги ёғоч «эшик»да уч-тўрт қўшни хотин гурунглашиб ўтиришган экан, уларни кўрмагандай уйга кириб кета қолди. Остонадан ўтиши билан яна хўрлиги келди, пиқ-пиқ йиғлаганча ичкари уйга қараб юрди. Эшикни оча туриб, севинчидан «Шоҳиста, Шоҳиста» дея чақирди; негадир қизи жавоб бермади. Кирса, Шоҳиста дарпарда панасига беркиниб олганча юзини кафтларига босиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлар эди. Санобар югуриб бориб қизининг қўлидан ушлади, у бир юлқинди-ю, хўнграб юборди.

— Вой, ўлмасам, нега йиғлайсан? — деди Санобар ва ўзи ҳам баттар хўнгради. — Қўй, йиғлама, болам...

Кейин бошқа гапга кучи етмади. Томоғи қуриб, товуши ўчди. Чидолмай, ташқарига отилди. «Бечора болам-а, бечора болам» дея шивирларди нуқул. Қизининг кейинги пайтларда бутунлай ўзгариб кетгани, ҳатто қўл юва туриб ҳам ўзи билмай совунни ўйнаб қолишларини эслади-ю, кўзларига юм-юм ёш тўлиб, иши бўлмаса ҳам ошхонага қараб юрди...

Асрор чўпон Санобар билан хайрлашиб жўнаган пайтда Тошмамат ўзининг 13-камерасида ўтирганча кечаги профессорнинг яна қайтиб келишини пойлар эди. «Нега у яшириниб қочиб кетди» деб ажабланар, лекин саволига жавоб тополмас эди. Тошмамат ўйлаб-ўйлаб, охири «уни Барзанги юборган» деган хулосага келди. Демак, ҳаммаси бир бўлиб кетишди улар! У ёқда Исмоилов, Янгибоев... Бу ёқда Барзанги билан, энди манови профессор... Исломуҳжаев тезроқ кела қолганда эди, Тошмамат секингина бу сирни унга айтиб қўярди. Орага профессор қўшилса иш бузилиши мумкин...

Шу дақиқада бирдан юраги қаттиқ санчди. Энди у камера ҳаддан ташқари иситиб юборилганини ҳам пайқамасди. Бўйинлари, елкалари терлаб қотгани учун сал қимирласа, кийими баданига муздай ёпишар эди. У ҳамон эшикка қўрқинч билан тикилиб турар, назарида ҳадеб биров уни билинтирмай очаётганга ўхшайверарди. Бирдан у илон чаққандай ўрнидан сапчиб кетди, қалтираганча эшикка яқин бориб, бамисоли оловдан қўрққандай кўрсаткич бармоғини зўрға эшикка теккизиб кўрди. Кейин муздай темирга қулоғини босиб, ташқарини эшита бошлади. Чап қўкраги ҳам симиллаб оғриб турибди. Ора-сира нина билан илгандай бирдан санчиб қўяди; кейинги ҳафталарда бу кўп қайтарилгани учунми, Тошмамат маълум даражада оғриққа кўникиб, ўрганиб ҳам қолди. Фақат афтини буриштириб, қўйиб юборишини пойлаб туради, холос.

Ташқарида ғовур-ғувур, қадам товушлари, аллақандай буйруқ овозлари ҳали тинмаган. Тошмамат тиқ этган товушга, тиқ этган ҳаракатга жонсарак бўлиб қулоқ солади, улар ўзига хавф соляптими-йўқми, билиб олишга уринади... Кейинги кунлардаги бу доимий асабийлик, доимий хавотирдан энди фақат юраги эмас, боши ҳам лақиллаб оғрий бошлади, кўз олди қоронғилашиб, ҳа деса кўнгли айнийверади. Лекин шунда ҳам у ташқарига қулоқ солавериб толганини билмайди, хаёли доим ўша ёқда бўлади.

Мана, ҳозир ҳам у сирдан қараган одамга худди қафасдаги йиртқичга ўхшаб кўринади. Бутун вужуди асаб! Уй-хаёли, хатти-ҳаракати ҳам битта нарсага — йўлакда нима бўлаётганини билишгагина қаратилган... У бирдан чаккаларини қаттиқ эза бошлади. Чунки кутилмаганда унга ташқаридан худди шаршаранинг овозига ўхшаш бўғик, ҳадсиз, сира ниҳояси йўқ бир товуш эшитилди. Тошмамат ҳайрон бўлди. Қулоғини беркитса, овоз бирдан ўчади-ю, салдан кейин узоқдан шивирлаётгандай аранг эшитилади; очса — даҳшатли шовуллаш яна қулоғини батанг қилади. Бир пайт... шаршара орқасидан тўсатдан Рустамов чиқиб келса-я! У Тошмаматнинг шундоқ ёнгинасида турибди-ю, нима деётгани эшитилмайди. Рустамов қоғозга қараб гапиряпти; аммо овози чиқмай, фақат лабининг қимирлашигина сезилади. Тошмамат ҳайрон! Миясида эса ўша тўхтовсиз ғув-ғув! Ҳатто буни туш ҳам кўрди. Аммо ўйларининг боши қаерда-ю, адоғи қаерда, билмас эди. Бир фикрнинг учини топгандай бўлади-да, ўша фикр кетидан маълум нуқтагача эргашиб боради... кейин шундоқ кўз ўнгида турган қиёфа ва воқеалар бирдан лип этиб ўчади-ю, ўзи қандайдир ўпқонга учиб тушаётганга ўхшайверади нуқул...

Мана ҳозир ҳам профессордан олдин Исломуҳжаевнинг келишини пойлаб ўтирган жойида беҳосдан мияси чалкашиб кетди. Ҳозиргина ўйлаётган нарсасини шунча эсламан деса ҳам эслолмади. Пешонаси тиришиб, чаккалари тортишган; қийин бўлса ҳам йўқолган фикрнини барибир «топмоқчи». Лекин тополмади. Ёки «Нортожини ўйлаётган эдимми» деб ўзига-ўзи сўроқ берди. «Нортожини мен ўлдириганимми профессор айтганимикин Рустамовга?!». Аллақандай лозақд бир ҳолатда эшикка қулоқ сола бошлади, муздай темир юзига текканда яна сесканиб тушди. Ажабо... рўпарадаги бурчакда тағин Рустамов пайдо бўлди! У жаҳл билан ниманидир гапирар, лекин лаби қимирляпти-ю... овози йўқ эди. Тошмамат бирмунча вақт анграйиб қараб турди. Қайси куни унга дўқ урганини эслаб, «балки ўшандан кейин товушсиз бўлиб қолгандир» дея ўйлади. Қаттиқроқ тикилди. Бирдан Рустамов кўздан ғойиб бўлган эди... Тошмамат ўтакаси ёрилиб бошини эшикка қарсиллатиб уриб олди.

Аста каравотига ётаркан, хаёлига беҳосдан ёвуз бир фикр келиб урилди-ю, азбаройи ваҳиманинг зўридан мукка ташлаб, юзини кафтлари билан беркитиб олди. У Икромга қилинган суиқасддан қўрқиб кетган эди. Суиқасдлиги аниқ! Неча йилдан бери ҳеч гап йўқ эди-да... Тошмамат бир гал институтдан чиқиб борса, бирдан Икромнинг ўлганини эшитди. Ушанда онаси айтганди шекилли шу гапни? Ҳа, онаси айтган эди... Соппа-соғ, занжирланган одам, яна овқатга хўрак одам қандай қилиб, ахир, ўзидан-ўзи ўлиб қолаверади?! Уни ё ўлдиришган ёки... Тошмаматнинг кўзлари чақчайиб кетди. Ўз фикридан ўзи даҳшатга тушиб, ўрнидан сапчиб турди, шифтга телбанамо илтижо билан боқиб, ўзи ингради. Атрофига олазарак аланглади. Худди бирон нарсани тутмоқчидай оёқ учида юриб эшик олдига борди. Ёвуз фикр миясини пармалаётгандай эди. Йўқ, Икромни ўлдиришмаган! Уни тириклайин кўмиб юборишган! Болалигида эшитган-ку, Тошмамат... Қайсидир маликани «ўлди» деб ўйлаб кўмиб қўйишса, у ўлмаган экан. Орадан бир ой ўтиб, жудолик фироғидан эзилган хуштори айрилиққа чидолмай қабрни очиб кўрса, малика кўз ёшлари ҳали қуриб улгурмаган, яқиндагина

юраги ёрилиб ўлган экан!.. Икромни ҳам тириклайин кўмишган! Бирдан ўлиб қолишида гап бор... Онаси билармикин шуни? Ўзи шундай қилган бўлса-чи?.. Уни кимдир пул билан сотиб олиб, «ўлдирмай кўмасан» деб қийнаган бўлса-чи?! Тошмаматнинг кўз ўнгида совуқ лаҳатнинг ички манзараси жонланди; яна у ўзини бирдан бўшлиқда учиб кетаётгандай ҳис этди; оёқлари ҳолсизланиб бораётганини сезса ҳам, мускуллари тиришиб-тортишиб, гандираклаб ерга ўтириб қолди...

Эҳтимол, ярим кечадир... Тошмамат ҳануз беҳаловат; камерада ҳали у ёқдан-бу ёққа зув-зув борар, ҳали эшик тагига тўшак босиб ётар, ҳали каравотида бир зумгина тинчиб, ҳақиқий ҳаётдан нақадар узоқ бўлган хомхаёлларга сажда қилганча ўзини ўзи мислсиз қийноққа солар эди. У уйқусизликдан обдан тинкаси қуриган, дори-дармон ҳам кор этмайдиган ҳолга тушган эди...

Ҳар қанча соғлом, бақувват одамнинг асаби ҳам энг сўнгида руҳий азобга дош беролмайди. Қанча-қанча девсифат инсонларни кўрганмиз: улар фил юрагига, тошметин келбатга эга бўла туриб, очлик, яланғочлик, ҳатто уруш азобларига мардона кўкрак тутиб, охири арзимаган бир ғам юкини кўтаролмай нобуд бўлиб кетганлари, наҳотки сиз билан бизни таажжуб ва ҳайратга солмаса?! Инсон қисмати ақлга сизмайди! У дунёга тўлғоқ билан келади; аммо бу синоатга ўзининг заррача ҳам хоҳиш-иродаси қўшилмаган. Худди шу сингари у қаерда ва қачон ўлиб кетишини ҳам ўзи билмайди...

Тошмамат кўзлари хиралашгандай каравотида чала ёнбошлаб, юз хил даҳшат ва ваҳималар исканжасида баттар ўзини қуритиб, баттар адо қилиб ўтираркан... у бир неча кундан бери кутган, ўйлайвериб шу ҳолга тушиб қолгани — ёвуз воқеа юз берди. У аввалига сезмади. Эҳтиёткорлик билан ширқ-ширқ очилаётган қулф овозини хиёл эшитгандай ҳам бўлди, аммо қулоғидаги доимий гувуллаш уни яна ғафлатга тортди. У ари уйсидай ғовлаб кетган бошини негадир бир-икки силкиб қўйди. Темир эшик аста-секин ўрнидан силжий бошлади. Тошмамат эшик бир қаричлар очилганда ҳам хавфдан беҳабар ўтираверди. Кейин у бирдан шарт очилиб ёпилди-ю, остонада Барзанги пайдо бўлди. Нариги ёқда кимдир эшикни қулфлаб ҳам олди. Тошмамат дастлабки дақиқада воқеани унча англаёлмади. Чунки, хаёли бошқа алаҳсирашлар билан банд эди. Сўнгра бирдан ўзига келиб, нима юз берганини тушуниб етди-ю, бақирмоқчи бўлди; аммо бунга кучи етмади. Панжаларини олдинга чўзиб, гўё ўзини шу билан ҳимоя қилмоқчидай, қалт-қалт титраганча девор бурчагига тисарила бошлади.

— Мени ўлдирманг! Ўлдирманг! — деди у бирдан даҳшатга тушиб.

— Жон ширин-а, аблаҳ! Айтдингми?

Тошмамат Барзангининг овозини англамай қолди; унинг лаблари худди Рустамовниқига ўхшаб қимирларди-ю, аммо сўзлари эшитилмасди.

— Айтдингми, деяпман?! Аблаҳ! Тўнғиз!

Тошмамат тўсатдан ҳушига келди ва ерга бирдан чўккалаб:

— Айтдим! Айтдим! — дея бақирди. У «бақирдим» деб ўйлади-ю, аслида зўрға шивирлади.

— Мени алдамоқчимисан?! Лақиллатмоқчимисан?! Уҳ, аблаҳ! — Барзанги Тошмаматнинг бошига мушт туширди. Тошмамат қаршилиқ кўрсатиш ўрнига, бошини тирсақлари билан тўсиб, баттар бурчакка суқилди. Панжалари орасидан Барзангига ўқрайкан:

— Ўлдириб кўминг мени, ўлдириб кўминг! — деб шивирлади.

— Нималар деяпсан, аблаҳ! Лақиллатолмайсан мени!

— Ўлдириб кўминг... Хилхонамга кўминг...

Барзанги Тошмаматнинг қорнига тепди. Тошмамат нафаси қайтиб, букчайиб қолди, зўрға нафас олди. Ҳамон кучала егандай бошини ердан узолмасди.

— Нима деб айтдинг?! Гапир, аблаҳ!

— Ўлдириб кўминг...

Барзанги Тошмаматни яна бир бошлаб тепай деди-ю, аммо унинг букчайиб қолганини кўриб, у билан энди сал «одамчаси»га гаплашмоқчи бўлди. Ёқасидан силтаб тепага кўтарди. Тошмаматнинг маъносиз, нурсиз кўзларига кўзи тушиб, шу бағритош одамнинг ҳам юраги сесканди. Аммо унда «бу аблаҳ атайлаб қияпти, ўзини гулликка солмоқчи» деган фикр ғолиб чиқди-ю:

— Бизни алдамоқчимисан?! — дея вишиллади тупуклари сачраб.— Алдаёлмайсан! Бир оғиз айтасан-у, шу билан қутуласан. «Тўрт юз минг сўмни Исмоиловга берганмиз ўз қўлимиз билан» дейсан, холос. Эшитяпсанми?! Шунда ҳозироқ бу ердан чиқиб, ўйингга кетасан...

Тошмамат жавоб қайтармади; хиралашиб қолган бепарво кўзлари билан Барзангига ғалати бир тикилди. Барзанги яна ҳайрон бўлди. «Йўқ, бу мени алдамоқчи... Аввалги кирганимда сайраб турган эди, ҳозир мени алдамоқчи...» Барзанги Тошмаматнинг бошини гурс этиб деворга урди. Тошмаматнинг миясида бамисоли яшин чақнагандай кўзлари ярқиллаб кетди, бирдан Барзангини таниб қолди, даҳшатга тушиб, ўзини ундан олиб қочмоқчи бўлди. Юрагини энди учли пичоқ билан ўйиб олишаётгандай оғриғига чидаш қийин эди. У қўлларини кўкрагига қўйиб, кейин жон ҳолатда бўзига олиб борди. Барзанги ҳам унинг аҳволи оғирлигини сезди; шундаям барибир иккиланди. Бошини яна бир урмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тийди.

— Нима, болаларингга ачинмайсанми?! Улдирайликми уларни?! Нега индамайсан, ит?!

Тошмаматнинг хира кўзлари бироз жонланганга ўхшади-ю, кейинги дақиқада тагин илгариги ҳолига тушди. Индамади.

Барзанги пичоқ олиб, Тошмаматнинг бўйнига тиради:

— Айтасанми, йўқми, аблаҳ! Айтасанми, йўқми?!

Тошмамат яна индамади, пичоқдан қийналганиданми — ингради.

— Айтасанми, йўқми? Айтасанми, йўқми?!

— Улдирманг...

— Ҳа-а-а... жон ширин-а, аблаҳ!? Улгинг келмайди! Аммо бизни алдамоқчисан! Ух, тўнғиздан таркаган!..

Барзанги Тошмаматни жаҳл билан туртган эди, боши яна гурсиллаб деворга урилди-ю, каравотига чўзилиб ётиб қолди. «Атайлаб қиялпти» деб ўйлагани учун, Тошмаматнинг шу гурсиллаб йиқилиши ҳам Барзангини баттар қутуртириб юборди. «Қувлик қилмоқчи!..» Жони чиққанидан шарт ерда ётган ёстиқни олди-ю, Тошмаматнинг юзига босди. «Нафаси қайтса, кўнади» деб ўйлади у. Чиндан ҳам уч-тўрт дақиқа ичидаёқ Тошмамат типирчилаб, оёқларини силтай бошлади. Бўғилиб кетганиданми, қаёқдандир унда ғайритабиий бир куч пайдо бўлди-ю, ҳатто Барзангини устидан улоқтириб ташлади; у ерга елкаси билан жиқиллаб тушди. Ана, энди қутуриб кетди у! Гандираклаб турган Тошмаматга пастдан худди ҳўкиздеқ ўшшайиб қаради-да, кўкрагига шу қадар зарб билан калла қўйдикки, Тошмамат ҳушини йўқотишига сал қолди. Кейин дуч келган жойига тепиб, дўпқослай бошлади. Тишларини ғижирлатиб, томоғидан бўғди...

Тошмамат эса деярли қаршилиқ кўрсатмас, гўё ғанимат билгандай, озиб-ёзиб зўрға етишгандай, оғир-оғир нафас оларди, холос. Ғазабдан ўзини йўқотган Барзанги буни сезмасди. У Тошмаматнинг юзи-бурнига яна ёстиқ босди. Бу гал ҳатто нафаси ўтмайдиган қилиб, кўкраги билан эзиб босди. Тошмамат типирчилай бошлади. Шу чоқда телба миясида даҳшатли фикрлар чарх урарди. У «мени ҳозир тириклай кўмишмоқчи» деб ўйлар эди. У қанчалар зўриқиб, Барзангини ағдариб ташлайман деб уринса ҳам, у бами-соли харсанг тошдек устига ястаниб олган эди. Гарчи у ёстиқ тагида димиқиб ётса ҳам, лекин мияси жуда равшан ишлаётганини сезди. Барзанги эса уни ҳамон омбурдек маҳкам ушлаб турибди, сал қимирлашга ҳам қўймайди. Охири нафас етмай, ўқчиқ кела бошлади, кейин шу қадар кўнгли айнаидики... Бунинг устига кимдир иккинчи одам, аллақандай иргамчик, юмшоқ қўл унинг тиззаларини ушлаган эди, «яна бошқасиям бор экан» деган фикрдан Тошмаматнинг ўтакаси ёрилиб кетди. У жон ҳолатда қўлини юқорига кўтармоқчи бўлди, иккинчи қўлининг панжалари эса ёстиққа чангакдек ботди. У ҳушини йўқотар экан, ҳаётида сўнги марта онасини ўз қўли билан қўйган, гўрков энгашиб кирадиган лаҳад ичини эслади: беш-олтита гувалак тагида кичкина, пастаккина, совуқ, энди ҳеч ким ҳалақит бермайдиган соқов макон бўлади...

Тошмаматнинг кутилмаганда энгак ташлаганини кўриб Барзангининг қути ўчиб кетди. У даҳшатга тушганча Тошмаматдан кўз узолмай, тисарилиб остонага борди ва эшикни икки марта секин тиқирлатди; очилиши билан ўзини ғира-шира йўлакка урди...

Аёл киши, бахтими ё бебахтлигим бу, лекин фақат ҳис-туйғулардан бунёд бўлган зот у. Қудаси келиб кетди-ю, Санобар буткул қайтадан туғилди! Ўзини қўйишга жой тополмайди. Хурсанд. Шу даражада хурсандки, ҳатто эрининг турмада ётганини ҳам унутгандай. «Э, худойим-ей... Бу дунёда тўғрилиқ, ҳақлик ҳам бор экан-у?! Биз ғариб-бечораларга шафқат қилдинг! Бундан буён ҳам марҳаматингни аяма, юзимизни ерга қаратма, эгам! Мушкулмизни ўзинг осон қил! Энди бўй чўзиб, эсини таниб келаётган болагиналаримнинг бошини эгма, дўстга хор, душманга зор қилма...»

Санобар ҳовлида ҳали ошхонага, ҳали оғилга, ҳали йўлакка, ҳали ертўлага елиб-юғуриб юрганларини ўзи унча англамайди. Шуларнинг барини қандайдир онгидан ташқарида, ўйламай, беихтиёр қилади. Шоҳистасиям шу қадар энди оёғи чаққонки, онасининг кўп ишларини қўлидан олиб қўйди: ҳали сигирнинг тагини тозалайди, ҳали дунё-дунё кирни бирпасда ювиб ташлайди, ҳали ойиси «қўятур ҳозир» деса ҳам унамай деразаларни ялагудек ялтиллатади... Санобар «қўй» дейди-ю, аммо ичида боши осмонга етиб суюнади. Шоҳистанинг ҳаракатларига зимдан зеҳн солиб, бечора боласи отасини ўйлаб юрак-бағри қон бўлаётганини англайди. Англайди-ю, чет-четга ўтиб кўз ёшларини артади... Аммо Санобар энди кеча-ю кундуз ўзини қўлга олишни, шахдам-бардамгина юришни ўйлайди. Энди кўз ёшга ўрин йўқ. Қаҳри келмасин тагин... Минг қатла шукур, энди бу ёғи худо хоҳласа, тагидан кўчди... Битта Тошмамат акасининг бошига тушибдимики, ахир, бунча кўргилликлар?! Қуриб кетсин, бу ҳам бир юртга келган тўй бўлди ўзи... Ҳам-маям ўз оиласи, ўз бола-чақаси учун азиз. Тошмаматлар биттами? Қишлоқнинг ўзидан, ана қанча одам ётибди! Аллакимларнинг нафсу балосини тўйғазаман деб, кеча-ю кундуз чанг, заҳар ютиб, савил қолгур ўша «оқ олтин»ини экиб тикиб, «олтин қўл» деганларига учиб, куч-қуввати, ёшлигини далага ташлаб... топган обрўси шуми уларнинг? Қандан-қаёқдаги қафасда юлдуз санаб ётибди, шўринг курғур. Ҳа, қирилиб кетсин бари! Тўнғиз кўпсин!..

Санобар барвақтгина ётадиган бўлди. Шоҳистани ҳам шунга ундади. Ботиржонни Мавлудага ташлашади-да, қўшниларигаям тайинлаб кетишади. Ҳарҳолда қоронғи тушмай қайтиб келишлари керак. Биринчи гал, қани, бориб билишсин-чи... Агар иложи топилса, кейинроқ бир кеча тунаб, ҳамма болаларини кўрсатиб келишни ҳам маслаҳатлашиб қайтади. У қизи иккови олиб кетадиган учта тугунни яна қайта кўриб чиқди, «ҳеч нимани эсдан чиқармадикми ишқилиб» деб анча бош қотирди. Йўқ, ҳаммаси шу ерда. Агар яна у-бу нарса керак бўлса, Тошмамаат акаси айтар, янаги гал олиб боришар...

Шоҳиста укаларининг олдига кириб кетгандан сўнг, Санобар бугун анча чарчагани, кўзлари киртайиб, ранги бир ҳолатга тушганини каравот рўпарасидаги тошойнага тикилганда билди. Ўз аксига қараб туриб хиёл кулимсиради. Бир четда ётган арзонгина пудра қутичаси кўзгусини юзига яқин келтириб, ўзини синчиклай бошлади; кўзи остидаги кўкиш доғларга диққати тушди-ю, қутичани қарс этиб ёпди. Кейин «нима кийсам экан» дея ўйланиб қолди. Урин-кўрпаларни ағдариб сандиғини очди-ю «одмироқ бўлгани яхши» деган хаёлда ҳаворанг товар кўйлагини топиб, елкасига ўлчади. Ўзига ёқдимиди, четроққа ташлади. Янги туфлиси чап оёғини бироз сиқса ҳам ва бошқа мўлжалдаги кийимлариниям тахт қилди. Худди кўнгли бир нарсани сезгандай, ҳар эҳтимолга қарши Ботиржоннинг метрикасини ҳам сандиқдан олиб, камзулининг чўнтагига солиб қўйди. «Хў, бир районга қақришгандаям паспорт сўрашган эди. Ҳар қалай, бу метриканиям зиёни тегмас...»

Етишидан олдин келинлигидаги энлик узугини жинжалоғига тақиб кўрди; кир совундан ёрилган бармоғига узук зўрға сиғди... Кейин будильник соатни шундоқ ёстиғининг тепасига — тошойна тоқчасига қўйди-да, чироқни ўчириб ўрнига кирди. Уч ойнинг ичида биринчи марта кўнгли сал хотиржам бўлиб кўзини юмди-ю, лекин уйқудан дарак йўқ эди. Қоронғи уйда анча вақтгача каравотни ғичирлатиб, у ёқдан бу ёққа тўлғониб ётди...

Қачон ухлаганини билмайди, соатнинг қаттиқ жарангидан сапчиб уйғонди. Бир-икки дақиқа кўзини очолмай, қоронғиликка қулоқ солиб турди. Сал ўтмай эшик қия бўлиб, Шоҳиста «ойи-и» деб шивирлади.

— Ҳа, менам тураяпман...

Шоҳиста ҳовлига чиқиб кетди. Санобар яна бир-икки минут хаёлини қочиролмади. Тошмамаат акасининг баъзи ҳазиллари, баъзи сўзларини эслашга уринди; эрининг кайфи чоғ пайтидаги айрим қочирқлари, улардаги фақат икковлари биладиган нозик маънолар... «Оиланинг соябони — эр, у соғ-саломат юрса — хотин киши, бола-чақа учун бундан ортиқ бахт йўқ экан ўзи... Баъзан курортларга борганда аразлаб, рашк қилибман-а уялмай? Ҳамма нарсанг олдинда бадастир турганда қанчалар майдакаш бўлар экансан! Ҳе, менга деса ўнтасини бошлаб келмайдими, қаловини топгандан кейин...» Санобар бирдан шўхлиги тутиб, кўрпани шарт итқитиб юборди. Аммо олис йўл, нотаниш жойлар тараддуди биланми, барибир бироз юраги ғаш тортгандай эди... Чироқ ёниб турган ҳовлига қаради: ҳали теварак қоронғи бўлгани билан уфқ анча ёришган, айни одам роҳат қилиб нафас оладиған палла эди...

Она-бола наридани-бери чоғ ичиб олишди. Дастурхон устида Санобар қайта-қайта кафтини ўпиб, қайта-қайта қоғозга босаркан:

— Бирам кўзим учяптики, яхшиликка бўлсин-ей! — деди ва кейин бу шошилинич нонуштага Мавлудани ҳам уйғотиб чиқди. Унга минг хил гапларни тайинлаб, қўшниларга кеча айтиб чиқишмаганига афсусланди. Қаллаи саҳардан бировни безовта қилишга юраги бормай, Мавлуданинг ўзини қаттиқроқ пишиқлади. «Кун кўтарилгунча районга етиб олайлик» дейишди-ю, шошилиб йўлга тушишди. Дарвозадан чиқаётганда Санобар Мавлудага:

— Мабодо кечиксак, кўчада изғиб юрманглар тағин... — дея ўқтирди. — Уят бўлади. Яъшиси, Хуштор холангникида ўтира туринглар, хўпми?.. Кечикмасмиз, кун ботгунча келамиз, худо хоҳласа. Сигирларга ем бериш эсингдан чиқмасин, болам, товўқларга вақтида дон сеп, дайдиб кетишмасин тағин...

Район автобус бекатига етиб боргунларича йўл-йўлакай ҳаво бирдан айнаиди. Осмонни текис булут қоплаган бўлса ҳам, ортидан кун чиқиб келаётгани сезилар, станция пештоқи орқасидаги уфқ нимдош доқадек чўзилиб кетган эди. Бекат айвонига шундоқ ўтиб улгуришлари билан даракт баргларини шитирлатиб, салгина чанг кўтариб, йирик-йирик ёмғир томчилари ёға бошлади. Уша заҳот ердан ёқимли, намхуш ҳовур кўтарилди... Учта тугун ва яна тикмачоқдек сумкани кўтариб олиб, терга пишганча, она-бола бекат скамейкасига келиб ўтирдилар-у, нафасларини ростлаб, кейин у ёқ-бу ёққа аста назар ташлашди. Қани, энди иложи бўлса-ю, Санобар билдирмайгина туфлисини ечса-да, ҳалигданок шишиб кетган айникса чап оёғини бемалол бир узатиб, бирпасгина хузур қилиб олса. Йўқ, Санобар айна шуни ўйлаб турган пайтида ёмғирдан қорайган асфальт йўлни шивиллатиб босганча Тошкент автобуси келиб қолди. Одамлар бирдан ўзини кассага урди. Санобарнинг назарида йўловчилар кўпдек туюлди-ю, агар ҳаракат қилишмаса қолиб кетадиганга ўхшашди. У ийманиб-сийманиб, камзулининг кўкрак чўнтагидан Ботиржоннинг метрикасини чиқарди; ботиниб-ботинмай, хиёл оқсоқланганча билет кассасига бериги ёқдан яқинлашиб борди. Навбатда биринчи бўлиб турган ёшгина корейс қиз аввал Санобарга бир ўшшайди, кейин қўлидаги гувоҳномага секин кўз қирини

ташлади-ю, индамади. Санобар метрикани ичкарига узатган эди, бағбағаси осилиб тушган, кўзлари чақчайган эхлик ёшлардаги кассир аёл уни жаҳл билан силтаб олди-да, сал кўз югуртириб, ўша залоти қайтариб берди:

— Нима бўпти? Уруш инвалидимисиз? Навбатга туринг!

Санобар ер ёрилмади-ю, ерга кирмади; корейс қиз уни шарт четга суриб, қўлидаги пулни дарча ичкарасига чўзди. Онасининг бу «чаққонлиги» худди шундай тугашини билгандай, Шоҳиста охирроқдан навбат олишга улгурган эди. Санобар қизига яқинлашаркан, кўпчилик ичида сазаси ўлганидан шундай бир мулзам бўлдики, бирдан кўнгли бўшаб, «ҳой одамлар, ўйнагани бораётганим йўқ мен, инсофларинг қайга кетган, ахир» деб қичқиргиси келди. Аммо кейинги дақиқада ўзини босди. Бу ёғи энди, худо хоҳласа, яхшиликка қараб кетяпти-ку... «Шундай ният билан йўлга чиққан жойимда мана шу бағри тош билан олишиб ўтираманми энди? Ҳа, майли, бу кунлар ҳам ўтар-кетар...»

Йўқ, билет ҳаммага етди. Ҳатто автобус охирроғида бир-иккита бўш жой ҳам қолди. Санобар билан Шоҳиста тугунларини машина йўлакчасига қўйишди-ю, одамлардан қайта-қайта дакки эшитиб, то автобус кўзғалгунча юракларини ҳовучлаб ўтиришди. «Э, тавба! Ҳамма ўзига қулай бўлишини истайди-я! Бошқагаям ачинадиган, бошқаларгаям беразар кўмаклашадиган замонлар қайда қолди экан-а?! Одамлар худди бир-бирини еб қўйсам дейишади-я! Тавба-а!» — деб ўйлади у.

Автобус ўнқир-чўнқир, айланма йўллардан юриб-юриб, охири Тошкентга кетадиган равон асфальтга чиқиб олганда яна ёмғир бошлади. Йўлдаги бекатдан ўтирган бир йигит кийимлари жиққа ҳўл, автобусни бошига кўтариб кетма-кет аксира бошлади; ҳамма унга қараб кулимсирайди... Лекин ҳозиргина юз берган дилисиёҳликдан Санобарнинг барибир кўнгли бузилди. Кўз олдида қамоқда ётиб, озиб-тузиб кетган Тошмават акаси келди-ю, хаёлида ўзини у ерда қандай тутишини ўйлай бошлади. Ана, у ўша қамоқ-хонасига ҳам бир амаллаб ўзини қўлга олиб киради. Кейин югуриб боради-ю, гурсса ўзини ерга ташлаб, Тошмават акасининг оёқларидан кучоқлаб олади, тиззаларини юзига босади. Шоҳистадан уялиб ўтирмайди: у ҳам энди эсини таниган, дадасини ўйлайвериб чўпдай озиб кетди боласи фақир. Санобарнинг назарида Тошмават акаси ҳам ўзини тутолмай, унга қўшилиб йиғлаб юборгандай бўлди-ю... лаблари титраб, кўзларига рост-мана ёш қалқиб чиқди. Ойисини зимдан кузатиб ўтирган Шоҳиста одамларга билдирмай унинг тиззасини қаттиқ босиб қўйди...

Ёмғир ўн минутча шариллатиб қўйди. Йўл четидаги, чўл бағридаги лолақизғалдоқлар шамол ва ёмғирда эгилиб, ерга тегай-тегай дер, узилган япроқлари яшил дала узра учиб йўнар эди. Кейин шариллатиб қуяётган ёмғир худди жўмраги бураб тўхтатилгандай бирдан тинди. Қибла томондаги йиртиқ булутлар ортидан чарақлаб қуёш чиқди. Бутун олам ёришиб, нурга тўлди бир зумда.

Шоҳиста ойисини туртиб, «мана бу ёққа қаранг, мана бу ёққа» дея шивирлади. Санобар ўнг томондаги олис тоғларга кўз тикди-ю, севинч туйғулари томоғини бўғиб келди. Қачон пайдо бўлгани номаълум, уфқда камалак балқиб турарди: бир учи туманлик оғушидаги кўкимтир тоғлар орқасига ўтиб кетган, бир учи эса чексиз уфқ бағрида кесилиб йўқолган эди. Бундай жозибали манзарани Санобар болалигида дугоналари билан томда ўтириб томоша қилар эди. Бутунлай нутиб юборибди! «Яхшиликка бўлсин, яхшиликка» деди-ю, кўзларига яна севинч ёшлари қалқиб чиқди. Бир зумда бутун олам ўзгарди-қўйди, ҳозирги дилисиёҳлик бирдан эсидан чиқди. Шу арзимаган тушунмовчиликка шунчалар изтироб чекиб ўтиргани ўзига энди ғалати туюлди. Самони ёндириб турган камалак эса Санобарнинг назарида одамларга кулиб боқиб, «умр ғанимат-ей, яшаб қонлинглар» деётгандай эди. Шоҳиста ҳам ойисининг пинжигга тикилганча камалакдан кўз узмас эди...

Баландтепадан келаётган автобус Янгийўлга яқинлашганда яна ёмғир ёға бошлади. Вақт қанча бўлганини аниқ билиш қийин эди. Автобус деразасидан шовуллаб тушаётган сув ортидан ташқаридаги одамлар худди шарпага ўшаб кўринардилар. Ёмғир жонига тегдими, автобус шофёри радиони қўйди: музыка тўхтади-ю, сўнги ахборот бошланди. «Коммунизм» колхози миришкорлари бу йил давлатга ...юз тонна «оқ олтин» етиштириб бериш мажбуриятини олган ҳолда яхши ният билан ерга чигит қадамоқдалар...» Санобар автобус силкинганидан неча юз деганини аниқ эшитолмай қолди. «Ҳа-я, яхши замонлар келяпти шекилли, яна пахтани гапириб қолишди... Балки ҳаммаларини чиқариб юборишар, қоши эди. Ишлайдиган одам ҳам керак-ку, ахир?...»

Айни шу пайтда Тоштурмадаги Тошмават ётган корпуснинг 13-камерасида бирдан чоп-чоп бўлиб қолди. Турма врачидан ташқари, анови кунги руҳий касаллар профессори ҳам бир зумда аллақердан дир етказиб келишди. Камерадаги энг ташвишланган, бироз ўзини йўқотиброқ қўйган одам терговчи Рустамов эди. У марҳумнинг кўкрак чўнғидан чиққан бир энлик қоғозга тикилганча, чамаси нима қиларини билмай ҳайрон бўлиб турарди. «Санобар! Мабодо ўлигим шу ерларда қолиб кетса, болаларим мозоримни излаб юришмасин. Буваларининг мозори олисда. Соғинсалар, эсламоқчи бўлсалар, ҳар доим онамининг қабрига боришсин». «Санобар» ва «соғинсалар» деган сўзлар устидан иккинчи бор сиёҳ югуртирилиб, йириклаштирилган эди... Рустамов ўзи

олиб бораётган катта жиноий ишнинг энг бақувват ҳалқаси тўсатдан узилиб кетганига ҳам ҳайрон, ҳам даҳшатга тушган эди.

Тунда навбатчилик қилган анови Шопмўйлов назоратчи эса камерага киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, остонада ранги ўчиб турар, жон-жаҳди билан ичкаридаги гап-сўзларга қулоқ тутишга уринарди; афтидан, у нима гап бўлаётганини, маҳкум ўз ажали билан ўлганми ёки йўқми — шунни билиш умидида талвасаланиб юрганга ўхшар эди.

Тошмамат тўшаги ғижимланган тахта каравотда худди тепадан отиб юборилган ғўла ўтиндек чўзилиб ётибди. Урин-бошлар сурилиб, негадир бетартиб ҳолга келган. Уртаси йиртилган ёстиқ бош томонда туриш ўрнига тахта каравот билан муздай девор орасига тушиб кетган. Ерда узилган тугма ётибди... Тошмаматнинг афт-ангори, анчадан бери соқоли олинмаган юзи даҳшатли кўринишда эди: бурни дўрдайиб, ёноқлари никобдек хунук оқарган, кўзлари чала очик.

— Ёйилган инфаркт! — деди турма врач профессорга юзланиб. У ҳам бош ирғаб тасдиқларкан, зимдан Рустамовга қараб қўйди. Рустамов унга аллақандай илтижоли жавдираганча «шунчалик экан, нега аввалроқ айтмадинглар» деяётганга ўхшар эди.

— Ҳар қалай, чуқур экспертизадан кейин диагноз қўйсак... — деди Рустамов негадир шу пайтгача четроқда турган фотогафга мурожаат қилиб ва «мана буларни ҳам олинг» дегандай унга ерда ётган тугма, ғижимланган ўрин-бош ва Тошмаматнинг ёрилган чаккасини кўрсатди. Ҳар иккала врач ҳам ўша заҳоти терговчининг гапини маъқул деб топишди. Рустамов бу ердаги расмиятчиликни тугатиши биланоқ биринчи галда Шопмўйловни сўроққа чақиради...

Тошмаматнинг юзи, айниқса соқоли олинмагани учун кичрайиб қолгандек туюларди. Чўзилиб ётган жуссаси ҳам қуриб ихчамлашгандай, чап қўли эски костюмининг енгиде кўринмай кетган, ўнг қўли эса тирсагигача яланғоч, билагига ва жинжилоқсиз кафтига қон сачраган эди. Ҳозир ҳам бундан етти йил бурун кўсак чувийдиган машина юлиб кетган жинжилоғини бошқаларга кўз-кўз қилаётганга ўхшар эди; дарвоқе, ўша пайтда машина камари ўзиниям тортиб юборгандами (шунга ҳам сал қолган эди), бугун у бу ерларда ётмас эди...

Қаёқдандир қайси куни Тошмаматнинг тоза асабига теккан кўк пашша пайдо бўлди; у тепада тўхтовсиз ғинғиллаб учар, марҳумнинг пешонасига келиб қўнар, бурнидан ўтиб, лабларининг четида тўхтаб бирдан жим бўлиб қолар эди. Турма врач мурда устига оқ чойшаб ёпаётган пайтда Рустамов остонадан мўралаган Шопмўйлов қоровулга шу даражада ёмон тикилдики, у ўша заҳоти ғойиб бўлди. Рухий касалликлар профессори эса кўзойнагини галстугининг учи билан арта туриб, шифт тагидаги туйнук ортида тунука томни такиллашиб ёғаётган ёмғирга қулоқ соларкан, «яна баҳор келди-я» деб ўйлар эди...

Москва области («Литвиново») — Тошкент,
1987—88 йиллар



Тўра Сулаймон

СЕНАМ ЁЛҒИЗ, МЕНАМ ЁЛҒИЗ...

Суянма

Тоққа суянсанг суян, ўзга тахтга суянма,
Ўз комига тортадир, гирдибодга суянма,
Шамолдай тез келган бахт — саодатга суянма,
Қалқиб турган омонат салтанатга суянма.

Қаноатли-қанотли, суқлик келтирар хорлик,
Ўз қадрига етмаслик — аслида дилозорлик.
Йўлдошинг ножинс бўлса — борлиқ ишинг бадкорлик,
Ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас зотга суянма.

Ниятинг мудом холис, қалбинг беқуроқ бўлсин,
Қилган ишинг хайрли, минганинг Буроқ бўлсин,
Сўнгги ётар жойинг ҳам ёмондан йироқ бўлсин,
Ҳаргиз таъна, тазйиқли ҳимоятга суянма.

Борар манзилинг олис: йўлларингда сароб бор,
Етти водийга етмай туриб қанча ҳубоб бор,
Арзинг мустажоб бўлса унда бир моҳитоб бор...
Шаҳсувор бўлсанг магар ёби отга суянма.

Тиниқ кунларинг қани? Беғубор кулгинг қани?
Покиза тупроқ, тоғинг, бошдаги бўркинг қани?
Ўз изминг, ихтиёринг, зътибор, эркинг қани?
Ризқи рўзингга шерик очофатга суянма,
Мозори буткул бошқа етти ётга суянма.

Муножот

Сенам ёлғиз, менам ёлғиз,
Сен қайдаю, мен қайда?!
Уртамизда кулзум, тоғлар
Кўришар бир кун қайда?!

Менам ёлғиз, сенам ёлғиз,
Мен ердаман, сен кўкда.

Етти иқлим юки бордай
Муштдеккина юракда.

Гуноҳимнинг поёни йўқ,
Поёни йўқ оҳимнинг.
Аҳволимга раҳми келар
Ёлғиз қиблагоҳимнинг.

Сенга фидо бўлсин жоним
Ҳам баҳшида борлиғим.
Шундан сенга тун-оқшомлар
Истиғфор, иқрорлигим.

Толиб бўлган жисму жоним
Истар ором олмоқни,
Ёлвораман табиатдан
Қайтадан яралмоқни.

Менга насиб қилар бўлса
Гар васлингга етмоқлик,
Менинг учун бу иноят —
Боладай бегуноҳлик.

Кўзларимга зиё бергил
Зиё бергил қалбимга.

Покланишни қўшиб бергил
Тоат, эътиқодимга.

Яна бағри бутунлик ҳам
Бардош, сабр, тоқат бер.
Қора кунда қаноату
Ёруғ кунда қанот бер.

Менам ёлғиз, сенам ёлғиз,
Мен ердаман, сен кўнда.
Озод яшаш орзуси бор
Қафасдаги юракда.

Сенам ёлғиз, менам ёлғиз,
Офтоб ёлғиз, ой ёлғиз.
Менинг каби ибодатлар
Қилмиш сенга қай ёлғиз?

Менлигим

Эл-улус бир ёну биз бир ён бўлсак,
Бир ўзни ўйласак, беимон бўлсак,
Тахт ё тож талашиб Сулаймон бўлсак,
Менинг менлигиму
Сенинг сенлигинг.

Пастда елка қисиб хокисор турса,
Ўз бахтига ўзи интизор турса,
Шоҳсупада эса нафсиғор турса,
Сенинг сенлигингу
Менинг менлигим.

Боғлар барбод бўлиб, топталса тоғлар,
Қумрилар ўрнида сайраса зоғлар,
Қўлдан бой берилса ғанимат чоғлар,
Менинг менлигиму
Сенинг сенлигинг.

Мард қолиб мунофиқ бўлса мухтарам,
Буюклар беорга бўлсалар қарам,
Ғолиб келиб турса ҳалолдан ҳаром,
Менинг менлигиму
Сенинг сенлигинг.

Чаман — зоғон эмас андалибники,
Арғумоқ — майдонга муносибники,
Магар бўлар бўлса тун ғарибники,
Сенинг сенлигингу
Менинг менлигим.

Ерга тўймасларни тўйдирар бўлсак,
Шунқорлар кўзини ўйдирар бўлсак,
Элни аро йўлда қолдирар бўлсак,
Менинг менлигиму
Сенинг сенлигинг.

Илож қанча, ҳакам бўлса нохолис —
Йўлинг қаро, борар манзилинг олис.
Эртამиз не кечар? Қилолмасак ҳис,
Сенинг сенлигингу
Менинг менлигим.

Еру осмонимиз бўлса ғуборли,
Авжи ёз гулшанлар қировли, қорли,
Бўлолмасак энди боғли, баҳорли,
Сенинг сенлигингу
Менинг менлигим.

Шундай бир қўшиқ бор Мағриб томонда:
— Эрдан сўз очмагил эркисиз Ватанда.
Ўзлигимиз билмай қолсак армонда,
Менинг менлигиму
Сенинг сенлигинг.

Токи сароб экан орзуларимиз,
Ўзга қўлда бўлса ихтиёримиз,
Кўриниш бермаса тонготаримиз,
Сенинг сенлигингу
Менинг менлигим.

Шукрона

Тўлин ой буржидан ул кун ажаб бир хушхабар келмиш,
Ўшал ошуфтаҳолимдан муждаи мўътабар келмиш,
Харобот боғу боғчамга қайта бошдин баҳор келмиш,
Шаъми-шабистоним сўниб эрди меҳри ҳовар келмиш.

Нигоримдан хабар келмай аҳволим тангу тор эрди,
Бу бошим ер-кўкка сиғмай эл ичра беназар эрди,
Осмоним юлдуз, қуёшсиз, тунларим беқамар эрди,
Бир тола зулфига жисму жоним минг бор нисор келмиш.

Турфа гул кўрдим чаманда Гулираънони кўрмадим,
Жон чиқар фасли сенингдек жонга орони кўрмадим,
Ҳарна кўрдим, лек ўзимдек кўкси ёрони кўрмадим,
Бу не бахтким аҳволимни билиб соҳиб назар келмиш.

Сен бор ерда тўлин ойнинг сополча қадри бўлсайди,
Ушал пари-пайкарлари бу кўздин нари бўлсайди,
Бир бор кулиб қарашингни менингдек зори бўлсайди,
Саодат менга ёр бўлмиш, нигоримдан осор келмиш.

Кўрдим

Кўрдим, кўрдим дунёни
Ҳамиша бир кам кўрдим.
Яхшини армон бирла,
Ёмонни бекам кўрдим.

Бағри бутунларни бут,
Ёлғизни ғариб кўрдим.
Бирда нодон, ножинсни
Майдонда ғолиб кўрдим.

Ҳақларни мудом бирдай,
Ялқовни ёрти кўрдим.
Кўнгли очиқ зотларни
Ҳотамдан ортиқ кўрдим.

Бирларни аро йўлда,
Бирни армонли кўрдим.
Бирда мунофиқларни
Давру давронли кўрдим.

Бирларни дунёпараст,
Бирни имонли кўрдим.

Нопокни шод, донони
Юраги қонли кўрдим.

Бирларни безътиқод,
Бирларни риё кўрдим.
Бирларни ўз элига
Тамом маҳлиё кўрдим.

Бирда кўриб ўқиндим
Аёқни бош ўрнида.
Лаъл ўрнида сополни,
Гавҳарни тош ўрнида.

Вожаб, бирда кўрдим
Қулни ҳоқон ўрнида.
Бирда кўрдим лолани
Бир қатра қон ўрнида.

Бирда кўриб лол қолдим
Дарёни сой ўрнида.
Қуёш ўрнида юлдуз,
Юлдузни ой ўрнида.

Қабр тошига ёзилган битик

[Эпитафия]


Не қилай, бемаврид олдинг жонимни —
Қон қақшатиб қутлуғ хонадонимни.
Эндиги тилагим, ўзинг тарбият
Айлагил энг яхши, энг ёмонимни.

Муҳаммад Ҳодидан

[Озарчадан]

Кулушлар сохтадин-сохта фақат ғамлар табиийдир,
Фараҳларда тамал йўқдир, у мотамлар табиийдир.
Кўнгилларда ҳасрат ўти, кўзда намлар табиийдир,
Ҳамиша қалбни маҳзун айламиш дамлар табиийдир.
Ер устинда йиллар оққан қизил қонлар табиийдир,
Демак ислоҳи мушкул қонли одамлар табиийдир,
Демак нопакдин нопок кирли аламлар табиийдир,
Демак дунёда мазлум бирла зolimлар табиийдир.
Табиат оламинда ғамли кўркамлар табиийдир.

Боқишлар кўлкали, чеҳралар буткул ношод шаклинда,
Бу мотамгоҳи ким кўрмиш суруробод шаклинда?



Саъдулла Сиёев

ТУЛАДАН КЕЛГАН КЕЛИН

Ҳикоя

1

Алижон армиядан келин олиб келди. Қишлоққа дабдурустдан бегона қизни етаклаб келишнинг ўзи бўлмади. Алижон онасини ўйлаб кўрқди. Зухра хола ҳақ деган еридан қайтмайдиган, чўрткесар хотин эди. Кези келганда эркакларнинг ҳам «суроби»ни тўғри-лаб кўяди. Алижон ўйлаб-ўйлаб, Ларисани район марказидаги меҳмонхонага жойлаштирди.

Лариса чамадон устига ўтириб лабини тишлади:

— Маманг кўнмаса-чи, унда нима қиламиз? Яна Тула қайдасан, деб... Уйдагиларга нима дейман, Али?

Алижон йигирмага тўлиб, йигирма бирга чиқаётган эди. Бу ёшдаги йигитлар, дунё менинг измимда, кўлимни ҳар қаёққа чўзсам етади, деб ўйлайди.

— Нега кўнмас экан, — деди у комил ишонч билан. Лариса мунғайиб қолди.

— Кўрқаман, Али. Бегона ерлар, танимаган одамлар. Худди кинода кўрганларимга ўхшайди. «Тошкент — нон шаҳри» эсингдами?

— Кўрқма, мен эртага келиб хабар оламан. Пулинг бор, ошхонага чиқиб овқатлансан-да, «Комиссар Мэгре»ни ўқиб ётаверасан. Бўптими? Хўп, эртагача.

Алижон Ларисанинг ўнг бетидан ўпиб жўнади. Лариса «Омадингни берсин, Али!» деб қўл силтаб қолди.

Зухра хола кун санаб ўғлини кутиб ўтирганди. Алижон эшикдан кирган заҳоти қизларига, қариндош-уруғига одам юборди. Уғлини қайта-қайта бағрига босиб роса йиғлади.

Таниқли ёзувчимиз Саъдулла Сиёев 50 ёшга тўлди. Унинг илк шеър ва ҳикоялари 1958 йилда газета-журналларимизда босила бошланди. Шундан икки йил ўтиб, «Шарқ юлдузи»да унинг «Минг бир қилиқ» ва «Қиз боланинг панди» ҳикоялари ҳурматли адибимиз Саид Аҳмад сўзбошиси билан эълон қилинди. С. Сиёев бадиий асарлар ёзиш билан бирга Ўзбекистон радиосида, «Гулистон», «Муштум», «Ёшлик» журналларида ҳам чорак аср мобайнида муҳаррирлик заҳматида чекиб, матбуотимиз, адабиётимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшди.

Китобхонлар ёзувчининг «Қасам ичмаган йигит», «Садағанг кетай», «Тўйлар муборак», «Ой бориб омон келинг» ҳикоя тўпламларини, «Яхшиларга ёндошдим», «Оғир вазнли жанжалкаш» номли қиссалар ва ҳикоялардан тузилган китобларини, «Манзил яқин», «Саратонда қор ёғди», «Чимилдиққа кирмаган кўёв», «Ёруғлик», «Отлиқ аёл», «Беш кун министр бўлганим» каби қатор қиссаларини яхши биладилар. «Аваз» номли тарихий-инқилобий мавзуда ёзилган роман эса Саъдулла Сиёевнинг етук адиб, халқимизга, Ватанимизга муҳаббат ва эътиқоди чексиз эканини яна бир бор тасдиқлади. Унинг қатор саҳнавий асарлари, жумладан, «Бозор кўрмаган йигит» спектакли, «Марҳумнинг ҳурмати» каби бадиий фильм сценарийси ҳам жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди.

Биз барча адабиёт мухлислари ва бутун журналхоҳларимиз номидан ҳурматли ёзувчимизни қутлуғ ёши билан табриклаймиз.

— Нега йиғлайсан, тентак? — деди муртидан кулиб Гулмат ота, — ўғлинг омон-эсон келди, қувонмайсанми?

Шундай деб у ўғлининг қадди-қоматига разм солди. Икки йил ичида Алижоннинг бўйи чўзилиб, асл йигитнинг нуқси уриб қолган эди.

Кечқурун уйни меҳмон босди. Гулмат ота Алижонга атаб қўнқор боқиб ўтирган эди, Жамол қассобни чақиртириб сўйдирди. Олма тагига дошқозон осилди. Хотинлар бўғирсоқ қилишга тушди. Алижоннинг бир поччаси икки қора сумкани кўтариб магазинга зинғиллади. Гулмат ота ток тагига нарвон қўйиб латта халталарга ўраб қўйилган узумларни уза бошлади.

Алижонларникида ўз-ўзидан тўй бошланиб кетди.

Ширакайф йигитлар тарқалди. Меҳмоннинг ҳам кўри ўчди. Уйда Зухра холанинг қизлари, куёвлари, Гулмат отанинг жиянлари қолди.

— Ая, — деди ўртанча куёв Файзулла, — мана, Алижон девдай йигит бўлиб келибди. Энди тўйни бошласак ҳам бўлаверади. Бизнинг болалар дутор-сеторларини тайёрлаб гатоп бўлиб турибди.

Файзулла мактабда музикадан дарс берар, шалдир-шулдир йигит эди. У елим тарелкани олдию юзини тўсиб, «Тўйлар муборак!» деб кулди. Алижон онасининг оғзига тикилди.

— Улигимнинг эгаси, тобутимнинг чегаси мана шу ёлғизим, — деди Зухра хола керилиб, — худо хоҳласа, ёзга чиқиб уйлаб қўяман.

— Ундай бўлса, қиз ҳам топиб қўйгандирсиз?

Хола катта дока рўмолининг учини елкасига қайириб ташлаб, сиполик билан бош силкиди:

— Менинг Алижонимга ман-ман деган қиз тегади.

Алижон, «Ўзимнинг қизим бор, ая», демоқчи эди, бироқ биринчи куниёқ уйдагиларнинг дилини хуфтон қилишни истамасди.

Эртасига «қуллуқ бўлсин»га яна одамлар кирди. Алижон онасини холи топиб, дардини айтолмади. Чошгоҳгача ивирсиб, келган-кетганга елкани тутиб турдию охири чидамади. Кенжа опаси Гулнорани бир четга чақириб қулоғига шивирлади:

— Опа, мен қиз олиб келганман. Шаҳарда кутиб турибди. Бормасам бўлмайди.

Гулноранинг оғзи аста-секин очилиб, кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

— Вой, энди нима қиламиз, Али, нима қиламиз-а?! — деди укасининг елкасидан тортқилаб, — Аям нақ ўлдиради!

У негадир уйга эмас, боғ томонга югургилаб кетди.

Алижон онасига «Шаҳарга бориб келаман», дедию ҳазиллашиб честь берди ва шипиллаб жўнади.

Лариса отамзамондан қолган хароб меҳмонхона олдидаги синиқ скамейкада олисларга термулиб, хаёл суриб ўтирган экан. Алижон Ларисанинг тирсагидан тутди.

— Сиз билан танишсак бўладими, яхши қиз?

Лариса ирғиб турди, пиқиллаб Алижоннинг бўйнига осилди.

— Келдингми, Али? Хайрият... Туни билан ухлай олмадим. Ўйлайвердим, ўйлайвердим, ўйлайвердим... Нима дейишди, хўп дейишдим?

Алижон хўрсинди. Лариса унинг бетига ҳадиксираб боқди.

— Йўқ, ўрис бўлмайди, дегандир-да. Ўзим ҳам билувдим.

— Валдирама. Айтолмадим. Меҳмон устига меҳмон. Ҳеч иложи бўлмади. Бугун айтаман.

— Барибир фойдаси йўқ. Онанг кўнмайди. Туш кўрдим. Тушимда у сигирнинг думини супурги қилиб мени қувлаб юрганмиш. Агар ҳалиги чол бўлмаганда нақ ўлардим.

— Қанақа чол?

— Бу ёққа кел.

Лариса Алижонни етаклаб меҳмонхонанинг орқасига олиб ўтди.

— Хув анави уйни кўрдингми? Олдида айвони ҳам бор.

— Кўрдим. Хўш?

— Маманг мени қувлаб юрганда, кимдир чўзиб бақираверди, бақираверди. Чўчиб уйғониб кетдим. Ойнадан қарасам, айвонда босмачига ўхшаган бир чол турибди. Икки қўли билан қулоқларини босиб олиб нимадир деб қичқиряпти. Гоҳо калласини у ёқ-бу ёққа буриб қўяди. Хайрон бўлдим. Тавба, қулоғинг оғриси, нега мунча бақирасан, секинроқ гапирмайсанми, дегим келди.

Алижон хохолаб кулди.

— У номозхон чол, қишлоқи! Унақаларни бизда сўфи дейди. Мусулмонларни бомдод номозига уйғотади.

— Чамадонимни олайми?

— Йўқ. Ҳозир комиссариатга бориб ҳисобга турамиз. Кейин кинога кирамиз. Кейин сен яна ўрнингга ётиб турасан. Мен уйга бориб генерал хотин билан музокара олиб бораман. Қўлингни бер, чопдик.

Улар ўзларини узоқ Туланинг қайинзор кўчаларида юргандек сезиб, чопқиллаб кетишди.

Алижон уйларига кеч кирганда қайтди. Отаси айвонда нўхта тикаяпти. Онаси, энди намоздан турган шекилли, тасбеҳ ўгириб ўтирибди. Тўнғич опаси Нигора ўчоқ бошида идиш-товоқ йиғиштирарди. У укасини кўрдию лўмбиллаб айвон тарафга қараб кела бошлади. Алижон ечинди, отасининг ёнига бориб, нўхтанинг бир томонини ушлашиб турди.

— Ҳм, келдингми, саёқ? — деди Зухра хола жеркиброқ. Алижон мингиллади:

— Армиядан келган болалар кўп экан... Шу, ушланиб қолдим.

— Менга қара, Гулнора нима деб ўтлаяпти? Саллотликдан хотин олиб келганмиш-мисан?

Бу гапни Гулмат ота ҳам эшитган эди. У «Ҳозир кампир томоша кўрсатади» дегандек, муртидан кулиб қараб қўйди.

Алижон миқ этмай нўхтанинг тўқасини тортиб тураверди.

— Нима бало, бўшаганинга мукофот, деб ҳар саллотга биттадан қиз қўлтиқлатиб юборадими катталаринг? Айт! Барибир эшитдим.

Алижоннинг иложи қолмади. Кўзини чирт юмиб ёлғонлади:

— Бир марта ёмон касал бўлиб госпиталга тушдим. Сизларни кўрқмасин деб хабар қилмадим... Шунда, ҳар куни тонг отгунча бошимда ўтириб чиқди бечора. Ўзи медсестра. Отаси — генерал! Онаси... онаси...

— Онаси гинирилани хотини-да! — кесатди Зухра хола.

— Йўқ... ҳа... Лекин зўр хотин. Тивитдан жун рўмол тўқийди. Ҳар ҳафтада битта рўмол тўқиб сотади.

Нигора укасининг лофига мириқиб кулди.

— Ёлғонниям сув қилиб ичадиган бўпсан. Генералнинг хотини рўмолфурушлик қилганини энди эшитиб турибман.

— А, может сотар! — деди Алижон бўш келмай. — Меҳнатнинг айби йўқ. Хуллас, Лариса менга кўп яхшилиқ қилди. Агар ўлмай ўрнимдан туриб кетсам, сенга уйланаман, деб ваъда берувдим...

Зухра хола чўрт кесди:

— Гинирол тугул приступни қизи бўлсаям олиб бермайман. Ғайридинни келин қилмайман. Кўчага чиқиб бир йўталсам, «Лаббай!» деб ҳар эшикдан икки қиз чиқади. Худога шуқур, эшигимни ел очиб, ел ёпади. Карнай-сурнай чалдириб, оёқ-қўли чаққон, бетлик-хаёли бир қизни олиб бераман. Урисингни қайтиб оғзинга олма!

Нигора онасига хушомад қилиб укасининг елкасига қоқди:

— Шундоқ қил, жоним. Эртага бориб поезига солиб кел. Пул керак бўлса, мен берай.

Алижон опасига ўқрайиб қаради, бармоғи билан бошига нуқиб қўйди.

Гулмат ота нўхтани тикиб бўлди. Пишиқмикан, дегандек тортиб-тортиб кўрди. Кейин кампирга ўгирилди:

— Сенинг оғзинг куймади, хотин. Ана, Райимбердинг нима бўлди? Аканг, «инжабиё-латмайман» деб тожик хотинидан ажратиб олди. Қайта уйлади. Барибир икки боласи билан ташлаб кетди. Кўнгил исимаса ёмон. Қўявермайсанми, суйган ошини ичмайдимми?

Зухра хола эрига ташланди:

— Ҳа-а, сиз қулоғини кўтариб турунг. Бошвоғини олиб, қўйиб юборсанг, ҳозирги ёшлар нима қилмайди? Дайди итдек ҳар тувакка тумшугини тикиб искаланиб чиқади. «Суйган ошини ичганлардан бири анави Чори чурукми? Ҳар йили хотин олади. Тўрт ерга олимлик¹ тўлайди. Суйган ошини ичармиш... — Кампир кўкрагига муштлади. — Мен тирик эканман, менинг пиширган ошимни ичасанлар! Кўзим юмилгандан кейин, менга деса бир-бирингни гўштарингни енглар!

Ота-бола энди айтишувнинг фойдаси йўқлигини билиб, туриб кетишди.

II

Эрталаб Алижон солдат формасини кийиб онасининг олдига чиқди.

— Ая, мен Ларисани хабарлаб келай. Юрагини ҳовучлаб кўрқиб ўтиргандир. Бир бечорага жабр бўлди.

— Бора қол, болам, — деди Зухра хола юмшаб. У, ўғлим айниди, деб севинганди. — Бир йўла жавобини бериб кел. Алдаб-сулдаб йўлга сол. Мени ёмонлайвер. Онам даж-жол хотин, де, ялмоғиз, сенга кун бермайди, бир йилда адо қилади, де. Худо хоҳласа, қишлоқдан чертиб-чертиб, мана бундай қизни олиб бераман.

Алижон эшикда қаққайиб қолди.

— Кўзим қиймаяпти-да, ая. Яхши қиз эди...

Зухра хола қўл силтаб бақирди:

— Туққан онангни кўзинг қияди, ортингдан эргашиб келган бир ўрисни кўзинг қиймайди? Бор, унда ўша кўккўзинг билан келган еринга кетавер! Кўзимга кўринма! Ўғил секин чиқиб кетди. Зухра хола «Алижон» деб чақирди. Лекин у изига қайтмади. Алижон кечқурун келмади. Зухра холани ваҳима босди. «Ростдан ҳам кетиб қолган

¹ Олимлик — алимент демоқчи.

бўлса-я? У бола кетади, айтганидан қайтмайдиган ўжар. Асли ўзидан ўтди. Беш қиздан кейин тилаб-тилаб олган ёлғиз ўғил деб, бетига қараб ўстирди. Энди нима бўлади? Эл-юртга нима дейман?»

Хола хуфтонгача тасбеҳ ўгириб, эшик тиқ этса қараб ўтирди. Алижоннинг дараги бўлмади.

Саҳар туриб нариги уйга чиқди. Ўғлининг ўрни бўш эди. Беихтиёр холанинг кўзларига ёш қалқди. Чолини чақириб захрини сочди:

— Алижоннинг йўқ. Одам эчкиси йўқолса ҳам қидиради. Мундоқ қарамайсизми?

— Қаёқдан излайман? — деди Гулмат ота, — Шаҳарга бориб, «Алижонни кўрган борми?» деб қичқираманми? Ёш бола эмас, келиб қолар. — Сўнгра кулиб кампирининг жиғига тегди:

— Юргандир-да, суйган ошини ичиб.

Зухра холаники тутиб кетди:

— Келсин, нақ битталаб сочини юламан!

— Кимнинг сочини, келинникиними?

Зухра хола: «Қариб қуюлмаган қоқвош», деб қарғандию ўрнидан туриб кетди.

Алижон кечқурун, қоронғи тушганда Ларисани бошлаб келди. Алижоннинг қўлида катта чамадон, Лариса тўрхалта кўтариб олган. Алижон секин эшикни очиб, «Юр!» дегандек қўл силкиди. Лариса қилт этмай тураверди.

— Юравер, намунча қўрқасан? Аям ёввойи эмас, еб қўймайди.

Лариса ён эшикдан базўр кирди. Улкан ва чароғон ҳовлига қараб анграйиб қолди. Алижон чамадонни айвонга олиб бориб қўйди-да, қайтиб келиб қизнинг қўлидан тортди. Лариса беҳол эргашди.

Катта меҳмонхонада Гулмат ота билан Зухра хола чой ичиб ўтирган экан. Алижон эшикдан илжайиб кирди. Салом берди, ортига ўгирилиб Ларисага имо қилди. Қиз кўрқап-писа остона ҳатлади.

— Мана, ая, келинингиз, — деди Алижон хурсанд бўлиб, сўнг қизни туртди, — бор, аям билан кўриш.

Лариса бир-бир босиб, тўрга ўта бошлади. Зухра холанинг олдига бориб энгашди:

— Здравствуйте, мама!

Зухра хола Ларисани кўрагидан итариб юбориб, бетини бурди. Қиз ҳайрон бўлиб, бир Алижонга, бир Гулмат отага тикилганча туриб қолди. Ота даст ўрнидан турди. Қизни бағрига олиб, бошини силади.

— Саломга алик олмадинг-а, дўзахи хотин! — деб кампирини жеркди. — Ўтир, қизим. Алижон, сен ҳам бу ёққа кел. Қани, омин. Агарда юлдузларинг тўғри келгани рост бўлса, қўша қаринглар. Оллоҳу акбар!

Зухра хола тўнғиллади:

— Дўзахи деб сизни айтади. Кофирга фотиҳа қилиб ўтирибсиз-а?

— Мен бир мусофирни мусурмон қилмоқчиман. Худо хоҳласа, жаннатнинг тўри бизники, — деди Гулмат ота. Кампир аламига чидамай девор тарафга ўгирилиб олди.

Яна қизларникига, қариндош-уруғларникига чопар кетди. Ҳадемай «Тулалик келин»-ни кўргани ҳовлиқиб Алижоннинг опалари, тоғалари, амма-холалари етиб келишди.

Алижон, «Хўп десанглар, шу қизга уйланаман, бўлмаса бошимни олиб кетаман», деб туриб олди. Зухра холанинг иложи қолмади. Тоштемир қорини чақиртириб, никоҳ ўқиттирди. Қори азалий удумга кўра Ларисани мусулмонликка ўтказди. Икки кундан кейин тўй бўлди.

Тўйнинг эртаси. Зухра хола бомдод намозини адо этиб, айвонда такбир келтириб ўтирибди. У келиннинг чиқшини кутарди. Келиндан эса дарак йўқ.

Бир вақт майкачан Алижон кўринди.

— Ўрисинг ўлиб қолганми, қораси кўринмайди? — деди хола қовоқ солиб, Алижон ичкари кириб, хотинини бошлаб чиқди. Лариса «Здравствуйте, мам!» деб кўришмоқчи эди, хола юзини бурди.

— Ювиқсиз! Уялмай тепамга келади-я! — У ҳовлига қараб қўл силтади, — Бор, аввал бет-қўлингни ювиб кел!

Лариса «Нима деяпти?» дегандек ҳайрон бўлиб эрига қаради.

— Олдин ювиниб кел, кейин кўришамиз, деяпти аям. Бизнинг одатимиз шунақа, ювинмай туриб кўришиб бўлмайди.

— Интересно! — деди Лариса ва сочиқ олиб ҳовлига тушди.

Анчадан кейин у ичкаридан кийиниб, пардоз қилиб чиқди. Қайнонаси билан қайта кўришгани келди. Алижон, «Аям энди қандай хунар кўрсатар экан?» деб бир чеккада илжайиб қараб турибди.

Лариса энгашиб Зухра холанинг бетидан ўпди.

— Здравствуйте, мама!

Кампир юзини ўптириб марҳамат қилган кимсадек, керилиб бош ирғади:

— Здравска... Тавба! Ассалом деса, тили кесиладимми?

Алижон Ларисанинг ёнини олган бўлди:

— Тили келмайроқ турибди-да, ая. Ўрганиб кетади.

— Улганда ўрганадими? Мана, бугун опкелганинга беш кун бўлди!

Алижон хохолаб кулди:

— Сайёра олам рус тилини ўрганиш учун беш йил ўқиди институтда. Беш кунда ўзбекчани ўрганиб бўларканми?

У Ларисага ўгирилди:

— Лариса, салом, ая, де. Са-лом, а-я!.. Қани!

Лариса дув қизарди. Ҳамон тумтайиб ўтирган Зуҳра холанинг оппоқ, этли юзига кулимсираб боқди. Ҳижжалаб секин деди:

— Сал-лям, ая...

Зуҳра хола қовоғини очмадию лекин димоғи чоғ бўлганини билдириб қўйди:

— Ана, гапираман деса, балодай гапиради. Касрланиб турибди-да ўзи!

Шу пайт эшикдан Гулмат ота кирди. Лариса ирғиб туриб отанинг рўпарасида бош эгди. Назокат билан:

— Сал-лям, а-я, — деди. Алижон хандон кулиб юборди. Ҳатто тўрсайиб ўтирган Зуҳра хола ҳам кемшик тишини кўрсатиб жилмайиб қўйди. Лариса уятли иш қилиб қўйгандек, эрига жавдираб боқди.

— Сен отамни ҳам ая дединг, шунга куляпмиз. Отамга, салом да-да, дейиш керак.

Лариса, қандоқ қилсам буларга ёқарканман, деб ўлиб-тирилаётган эди. Лабини чўччайтириб, қийналиброқ:

— Сал-ям, да-да, — деди.

— Ваалайкум ассалом, кўп яша, қизим, — деди Гулмат ота ва Ларисанинг елкасига қоқиб қўйди.

Нонуштага ўтирдилар. Алижон шиғиллаб қайнаб турган самоварни кўтариб уйга олиб кирди, қовоқнусха патнисга қўйди. Лариса оппоқ сочиқ билан битталаб пиёла артаётган эди. Алижон «Кампир унга чой қуй деб қолмасин, шарманда бўлади», деб ўйладию, дарров самовар ёнига чўнқайди. Бир пиёла чой қўйиб, таъзим билан отасига узатди. Зуҳра хола кесатди:

— Ҳм, анави оймчангиз қўйса қўли синадими? Бисмилло деб хотинига хизматкор бўлиб олганини қара буни! Ўрисларнинг жодуси ўткир бўлади, деса ишонмасдим. О, худо!..

Алижон онасини кулиб енгмоқчи бўлди:

— Армияда юриб ният қилувдим. Омон-эсон уйга борсам, уч кунгача дадам иккалангизга ўзим чой қўйиб бераман, деб қўювдим. Ҳали келингизнинг қўлидан кўп чой ичасиз, ая.

Дастурхондаги қип-қизил бўрсилдоқ нонларга қараб, Ларисанинг кўзи ўйнади. Оғзининг суви келди. Бир бурда нонга секин қўлини чўзди. Зуҳра хола шап эткизиб унинг қўлига урди.

— Уятсиз! Катталардан олдин дастурхонга қўл чўзади-я! Ота-онаси тарбия бермаган экан-да.

Лариса кўрқиб қўлини тортди. Алижон унга онасининг гапини ўгирди:

— Биз томонларда катталардан аввал дастурхонга қўл узатилмайди. Одатимиз шунақа, хафа бўлмайсан.

Лариса йиғлагудек бўлди.

— Ахир кечадан бери туз тотганим йўқ. Итдай очман, нима қилай? — деди қўлини силаб. Гулмат ота уруш йиллари ишчилар батальонида хизмат қилган, русчани оз-моз биларди. Ларисанинг «Голодная, как собака» дегани унга оғир ботди. Бир-икки бурда нонни келини тарафга суриб қўйди.

— Ол, қизим, қушат қил, — деди ва ўзи бир тишлам нон олиб еб кўрсатди. Лариса кўрқа-писа патирга қўл чўзди. Бу сафар Зуҳра хола унинг қўлига урмади.

Нонушта тугади. Гулмат ота ташқарига чиқиб кетди. Алижон билан Лариса дастурхонни йиғиштира бошлади. Зуҳра хола Ларисанинг калта юбкасига қараб қўйдию ўрнидан туриб ичкари хонага кирди. Анчагача йўқ бўлиб кетди. Бир вақт яп-янги қўйлак-лозим олиб чиқиб, Ларисанинг олдига отди. Ўғлини жеркиб деди:

— Оймчангга айт, думи юлинган товўққа ўхшамай мана буларни кийиб олсин. Тавба!

Лариса кампирнинг гапини таржимонсиз ҳам тушунди. Қўйлак-лозимни кўтариб ичкари кирди. Бироздан кейин кийиниб чиқди. Алижон унга маҳлиё бўлиб қолди. Ўзбекча либос Ларисанинг ҳуснини очиб юборган эди. Қўйлак узун, этаги ерга тегай деб турарди. Лариса қиқирлаб кулди, қорнини силаб ўзини томоша қилди. Зуҳра хола гумонсираб Ларисанинг қорнига разм солди. «Ҳеч балоси йўққа ўхшайди, худога шукур», деб қўйди ичида. Хола «барибир бир куни бу келгиндининг думини тугиб Алижонимни қайта уйлаб қўяман» деган ниятидан қайтмаган эди.

III

Кун кўтарилганда бир жўраси келиб Алижонни чақириб кетди. Гулмат ота ҳам эшагини миниб, қишлоқнинг нариги чеккасидаги бир маъракага жўнади. Уйда Зуҳра хола

билан Лариса иккаласи ёлғиз қолди. Лариса ичкари киради, ҳовлига чиқади. Қайнона-га бир нима дегани кўради. У зерикди. Уйда тили, жағи бутун икки соқов бир-бирига қараб бўзрайиб ўтирса хунук бўларкан. Зухра холанинг хуноби чиқди. Хаёлида чоли ҳам, ўғли ҳам, мана бу чулчит билан тиллашолмай куйиб ўтир, деб қасддан қиқиб кетишган-дек эди.

Хола тиззасига суяниб секин кўзғолди. Ҳовлига чиқиб, у ён-бу ёнга мўралади. Лариса кўринмади. Кампир атайлаб «Алижон!» деб қичқирди. Лариса хос хонасида экан, югургилаб чиқди. «Нима дейсиз, аяжон?» дегандек жавдираб боқди. Зухра хола кўлини силтаб ҳовлини кўрсатди:

— Анави ернинг ётишини қара! Ит боқса уялади. Супургини олиб икки чалиб қўйсанг белинг синадимми?

Лариса қайнонасининг совуқ авзонига қараб довдираб тураверди.

— Ух, бу чулчитни нима қиламан-а энди, нима қиламан? — деб жавради хола. — Бўйнинг узилмагур Али, қариганда мени не кўйларга солдинг?

Зухра хола айвондан пастга тушди, ток ёнида ётган супургини олди-да, ерни бир-икки силаб кўрсатди.

— Мана бунақа қилиб супур, деяпман сенга, меъров!

Лариса қайнонасининг фикрига тушуниб, севиниб кетди. Тўрт ҳатлаб пастга тушди, кампирнинг кўлидан супургини олди ва чангитиб ҳовлини супура бошлади. Хола рўмолининг учи билан бурнини бекитди.

— Хўв, фаросатинг борми ўзи? Ҳеч замонда одамга қараб ҳам супурадими?

Лариса ажабланиб тўхтаб қолди. Кампир унинг кўлидан супургини тортиб олди. Энгашиб, секин-секин, тўрдан чорбоғ томонга қараб супуриб кўрсатди.

— Мана бунақа қилиб супуради, уқдингми, ойимтилла! Ма, ушла!

Лариса тушундим дегандек бош силкиди ва кампирга тақлид қилиб секин-секин супура кетди. Хола бир зум қараб турди. Ларисанинг узун этаги ҳам супургига қўшилиб ерни ялаб борарди. Кампир ҳансираб келинининг олдига борди-да, унинг этагини кўтариб, липпасига қистириб қўйди.

Лариса ҳовлини супура-супура уй ортига ўтиб кетди. Зухра хола айвонга қайтиб чиқди, жойнамоз устида тасбеҳ ўгириб калима келтириб ўтирди. Шу пайт «Эгачи!» деб Моҳирўй кирди. Моҳирўй уч уй нарида туради, Зухра холадан анча ёш, беш ўғилу ёлғиз эрка қизнинг онаси. Узининг қулоғи оғир бўлганигами, бошқаларни ҳам гаранг деб ўйлаб бақириб гапирди.

— Эсон-омонмисиз, эгачи?! — деб шанғиллади у. — Тўйларни ҳам бизсиз ўтказиб олдингиз? Буюрмаганини қаранг. Холам бетоброқ экан, бир ҳафта бурун шаҳарга тушиб кетиб эдим. Ёнида ўтириб қолдим. Келсам, маҳаллада дув-дув гап. Нима дейсан, Алижон армиядан ўрис хотин олиб келган эмиш... «Қайси Алижон?» десам, «Ўзимизнинг Алижон, Гулмат тоғанинг ёлғизи» дейишди. Вой, шўрим, дедим, отинойимнинг шўрига шўрва тўкилибди-да, дедим. Нима қиласиз, кўргилик экан-да, эгачи...

Моҳирўй, «Алижон армиядан келса, қизимни олармикан?» деган илинжда юрарди. Хаёлидаги куёвининг у ёқдан қўшалоқ бўлиб келгани унга алам қилганди. Шунинг учун гўё Зухра холага ичи ачигандай Ларисани ёмонлаб олмоқчи эди. Буни хола ҳам сездию сир бермади.

— Ўрис бўлса ҳам худонинг бандаси, — деди дардини ичига ютиб, — мусулмон-қобил бўлиб қолар. Бўлмаса жавобини бераман.

— Бўлмайти, айнаний эгачи, ўлгандаям бўлмайти! — деб бақирди Моҳирўй. — Қирқ йил қайнатсангиз, қони қўшилмайти.

Шу пайт остонада «Мама!» деб кўлида супургиси билан Лариса пайдо бўлди. Моҳирўй унга ажабланиб боқди. Атлас кўйлак қизга чунонам ярашган эдики...

— Ярашмабди... — деди Моҳирўй. — Атлас ҳаром бўлибди-да. Ҳай, аттанг.

Зухра холаники тутиб кетди:

— Бўпти, нима кийдиришни ўзим биламан! — деди жеркиб. Кейин атай Ларисани мақтаган бўлди: — Ҳаммаёқни супуриб бўлдингми, болам? Энди сенга бошқа иш бор. Моҳирўй Зухра холадан аввал турди. Ларисага масхарамоуз қараб қўйди, ёқасини ушлади. «Тавба, кўзлари кўм-кўк экан-а?» деб чиқиб кетди.

Зухра хола Моҳирўйнинг аччиғини Ларисадан олмоқчи бўлди. Уни эргаштириб ошхонага олиб борди. Ўзи ичкари кириб келисоп кўтариб чиқди. Келисопни кўриб, Лариса икки қадам ортига чекинди. Кампир келисопни ерга отиб урди. Бармоғини илмоқ қилиб келинини имлади. Лариса бир-бир босиб яқинлашди. Кампир уни ичкари бошлади. Тутдан ясалган катта қора келини кўрсатиб, кўтар, дегандек им қоқди. Лариса зилдай келини даст кўтариб ҳовлига олиб чиқди. Хола тағин ошхонага кирди. Каноп қопдан бир товоқ жўхори олиб сувда чайди. Кейин келига солиб, келисопни олди, ўзи «Ҳарс! Ҳурс!» қилиб бир-икки уриб кўрсатди.

— Мана шунақа қилиб туйиб ташла, уқдингми? — деди Ларисага. — Гўжа қиламиз. Алижон гўжани яхши кўради.

Лариса «Алижон, яхши» деган сўзлардан бўлак ҳеч балони тушунмади. Шундоқ бўлса-да, секин келисопни олди, бошига кўтариб туриб бир урди. Иккинчи уришида мўл-

жалдан адашди, кели ағдарилди, ичидаги жўхори ер билан битта бўлди. Лариса, энди бу кампир мени ўлдиради, дегандек қайнонасига қўрқиб қаради. Кампир икки қадам нарида белини ушлаб, бош чайқаб турарди. Унинг хавф солмаётганини кўриб, Лариса севинди ва дарров чўнқайиб ўтирдию ҳовучлаб жўхорини йиғиштира бошлади. Кампир ўз-ўзига жавради:

— Тавба! Бунақа нодон-ношуд қизни энди кўриб туришим. Қўлидан ҳеч бало келмайди-я! Йўқ, Алижон келсин, айтаман, ё кели туйишни ўргансин ойимчанг ё турт тарафи қибла дейман.

Шу пайт эшикдан ҳуштак чалиб Алижон кирди. У тўғри қайнона-келиннинг тепасига келди.

— Ҳа, ая, маймунга дарс ўргатяпсизми? — деб кулди.

— Қайси гўрдан топгансан бу дардисарни? — деб уришди она. — Ақалли кели туйишни билмайди-я! Ота-онаси ўргатмабди-да, ҳўв, эртага бировнинг уйига борасан, ўзингга пишиқ бўл, демаган экан-да...

Алижон, «Аяжон, ўрисда кели нима қилади?» демоқчи бўлдию барибир онасининг ишонмаслигини ўйлаб, тилини тишлади.

— Хафа бўлманг, ўзим туйиб ташлайман, — деди ва қўшиб қўйди, — лекин товўқнинг патини юлишга уста. Ишонмасангиз, ҳозир иккита товўқ сўйиб бераман, кўрасиз.

Зухра хола лабини бурди:

— Ишқилиб, бир кун и ўзингни патингни юлиб қолмаса деб кўрқаман, оҳ, болам-эй...

Алижон хурсанд бўлиб онасига эркаланди:

— Сиз борсиз-ку, қандай юлади, ая?

Зухра хола яна инқиллаб айвондаги ўрнига қараб кетди.

Алижон бир зумда уйга кириб кийиниб чиқди. Қопдан мўлроқ қилиб жўхори олди. Сувда чайди. Келига солиб билакларини шимарди. Келисонни баланд кўтариб гурсиллатиб ура бошлади. Лариса унинг ҳаракатини завқланиб кузатиб турибди. Алижоннинг бирон зарбаси хато кетмас, келисон ҳар сафар келининг ўртасига тушарди.

— Сув олиб кел, — деди Алижон нафас ростлаб. Лариса йўрғалаб бориб ёғлиқда сув келтирди. — Энди оз-оздан сепиб тур.

Лариса кели ичига сув сепди. Алижон тагин келисонни бошига кўтариб куч билан ура кетди. Лариса эрининг моҳирлигига кўзи ўйнаб, боладек чапак чалиб юборди.

— Вот здорово, Али! Зўр туяр экансан. Қачон ўргангансан?

— Аям сенга ўхшатиб бошимга нуқиб-нуқиб ўргатган.

— Мен икки дунёда ҳам ўрганолмасам керак, Али.

— Ўрганасан. Узим ўргатиб қўяман. Аравасига тушдингми, қўшигини ҳам айт, деган гап бор. Тула, ҳув олисда қолди, бу ерни Осиё дейдилар. Ана, атлас кўйлакни кийиб олдинг. Энди атлас киядиганларнинг урф-одатини ҳам ўрганишга мажбурсан. Чоп, сувдан олиб чиқ.

Бирор соатда келин-куёв бир тоғара гўжа туйиб ташлашди. Алижон ошхонага клён-ка ёйди, йирик кўзли элак олиб келиб Ларисага гўжа элашни ўргата бошлади.

...Зухра хола кечаси дукиллаган товўшдан уйғониб кетди. Кўча тарафда биров том тешаётганга ўхшарди. Хола қулоқ солди. Гурс-гурс этадию товўш тўхтади. Яна гурсиллайди. Хола чолини уйғотди.

— Отаси! Ҳай...

Чол ёстиқдан бош кўтарди.

— Нима дейсан, кампиршо?

— Чиқиб қаранг-чи, биров дарвозахонани уряптими?

Гулмат ота ташқарига қулоқ солди. Бўғиқ товўш ҳамон тинмасди. Ота, «Баҳридиннинг сигири ечилиб кетган бўлса, том сузиб юргандир-да» деб чиқиб кетди. Анчадан кейин муртидан кулиб қайтиб кирди.

— Сигир эмас, бузоқ экан. Келининг гўжа туйиб ётибди.

Кампир ўрнидан туриб ўтирди. Ёқасига тупирди.

— Навзамбилло! Эсини еб қўйганми у? Боринг, айтинг, тўқ-тўқини бас қилсин! Эшитган қулоқдан уят эмасми? Зухра бир бечора ўрисга зулм этиб, — кечаси билан кели туйдирибди, демайдимми?

— Қўявер, шаштини қайтарма, — деди чол тўшакка кириб, — шундай ўғринча туйиб-туйиб ўрганади-да. Ширин уйқусидан кечиб ҳафсала қилганига раҳмат демайсанми, нодон?

Эрталаб Лариса бир товоқ тоза эланган гўжалик жўхори олиб кирди.

— Мана, мама, ўзим туйдим! — деди кўзлари чақнаб. Маккажўхори урилавериб майдаланиб кетган эди.

— Қўлидан келмаса кучаниб нима қилади, тавба! — деб юзини терс бурди Зухра хола. Сўнг ўғлига ияқ қоқди; — Бор, қўйларга терт қилиб бер!

Лариса эрига саволомуз боқди:

— Аям нима дейди? Ёмон туйибманми?

— Йўқ, — деди Алижон, — ёмон эмас. Фақат кечаси эмас, кундузи ҳам туйиб турсин, баракалла, деяпти.

Лариса эрининг гапига чиппа-чин ишониб илжайди. Ирғиб туриб, қайнонасининг юзидан чўпиллатиб ўпди. Зухра хола рўмолининг учи билан бетини артиб қўйди.

IV

Келинликнинг биринчи ҳафтаси ўтиб борарди. Лариса қайнонасига ёқишга уринган сайин Зухра холанинг ғаши келади. Хола ўғлининг ўзбошимчалигини кечиролмайди. «Менга бир оғиз маслаҳат солмай, ўриснинг юртидан бир кўккўзни эргаштириб келдинг-а, бетавфиқ? Душманларимнинг олдига номусимни букдинг. У маллавоинг шошмай турсин ҳали, бошига не кунларни солар эканман!»

Зухра хола Ларисага ўзича Рисолат «Ирис» деб от қўйиб олган. Тонг отгандан то кун ботгунча айвонда ўтириб бақираверади:

— Рисолат, ўчоқнинг кулини ол!

— Ҳой, чулчит! Товуққа дон бермайсанми? Тўрттагина жўжани эплайолмасанг, нима қилиб юрибсан?

— Рисолат! Зиёев жиннига ўхшаб ғўдайиб тургунча саксовул майдалаб қўйсанг ўласанми?

— Самоварнинг суви қайнаб адо бўлди! Пешонамда ёлғиз самоварим бор эди, шунинг ҳам бошига ет!

Лариса қайнонаси ҳар бақирганда унга ялт этиб қарайди. Дарров жемперининг чўнтагидан шапалоқдай дафтарчасини олади. Бу — луғат. Лариса Алижоннинг маслаҳати билан дафтарчасига энг керакли, ҳар куни асқотадиган сўзларни ёзиб қўйган. Зухра холанинг навбатдаги фармойишидан кейин Лариса дафтарчасини очадию унинг нима демоқчи бўлганини билиб олади ва оёғини қўлига олиб югуради. Эрталабдан — ҳовли супуради, кир ювади, самоварга пайраха тайёрлайди, қўйларга терт қоради, сигирнинг тегини тозалайди, савзига ўра кавлайди, қудуқдан сув тортиб дош қозонда иситади (муздек сув ичса қўй-эчки касал бўлиб қолармиш), бало қилади, баттар қилади, хуллас, қўлоёғи бутун аёл киши нималарга қодир бўлса, барчасини бажаради.

Сигир соғаман деб бир куни тепки ҳам еб олди.

Бир куни кечга яқин Зухра хола Ларисанинг олдига тўқ эткизиб сут челақни қўйди.

— Бор, сигирни соғиб ол!

Лариса «сигир» деган сўзни луғатсиз ҳам биларди. Бироқ «соғиб ол» га тушунмади. Луғатини очди. Бу сўз дафтарчада ҳам йўқ эди. Лариса сигирга сув беришим керак шекли, деб қудуқдан сув торта бошлади. Зухра холанинг фиғони чиқди:

— Ҳўв, овсар! Сигирни соғиб ол, деяпман, сув бер деётганим йўқ! — Зухра хола қўли билан соғиб кўрсатди. — Важ-вуж, важ-вуж... Тушундингми, чулчит?

Лариса илжайди:

— Маники билди, — деди ва бўш челақни кўтариб молхона тарафга юрди. Зухра хола унинг ортидан қарғаниб қолди:

— Бало қилди...Ё тавбангдан кетай!

Лариса терт-порт қоришда Алижонга ёрдамлашар эдию бироқ ҳалигача ола говмишнинг ёнига йўламаган эди. Сигирни кунига Зухра холанинг ўзи балодек соғиб оларди. Лариса челақини кўтариб сигирнинг орқасига ўтди. Хавфсираб унинг бақувват оёқларига қараб қўйди. Кейин пақирни сигирнинг думига яқинроқ ўрнаштириб аста чўнқайди. У қўлини секин елингга чўзди. Шу пайт сигир чап оёғини кўтариб зарб билан тепди. Лариса чалқанча тушди. Яхшиям қўлида челақ бор экан, бўлмаса ола говмишнинг тошдай туёғи оғзи-бурнини қора қон қиларди.

Лариса инқиллаб кўзғолди. Унг қўлининг жони йўқдек эди. Бирпас хўрлиги келиб ўтирди-да, пачақ челақни олиб оқсоқланганича уйга қараб кетди.

Зухра хола қийшиқ пақирни кўриб нима бўлганини дарров сезди.

— Ана, сигирим ҳам сени хушламади, — деди лабини буриб, — ё тавба, бировнинг юртида пишириб қўйибдимми сенга? Ундан кўра ота-энангни ёнида кунига балиғингни еб юравермайсанми?

Хола, негадир, Русия томондагилар фақат балиқ билан тирикчилик қилади, деб ўйларди.

Лариса индамай ётоқхонасига кириб кетди. Унинг қўли зирқираб оғрирди. Зухра хола шом қўнаётган ҳовлига қараб тасбеҳ ўгириб ўтираверди.

Алижон келди. У қизариб кетган, чамаси яна бирор ўртоғиникида маишат қилиб келган эди. Алижон ичкари уйга кириб, бироздан кейин қайтиб чиқди.

— Ая, Ларисанинг қўли шишиб кетибди. Нима қилсак экан?

— Шишиб кетса, дайдимай ёнида қараб ўтир! — ўшқирди хола. Кейин беозор жерқди; — Бор, Холтойни чақириб кир!

Холтой — кўздай девор қўшниси Эртойнинг ўғли, тўрт ёшлардаги бола эди. Алижон шипиллаб чиқиб Холтойни кўтариб кирди. Зухра хола боланинг олдига эски товоқни қўйиб, им қоқди:

— Бир чоптириб юбор, той бола, ма, сенга икки ёнғоқ олиб қўйибман.
Бола аввал ёнғоқни олди, сўнг айвоннинг бурчагига бориб, товоқнинг олдига тикка турди.

Алижон товоқни кўтариб ичкари кирди, Ларисанинг қўлига бинтлаб боғлай бошлади.

— Бу нима, Али? — деди Лариса, шиптир ҳидигами, оғриққамаи афтини буриштириб.

— Узумнинг сиркаси, — деб кулди Алижон, — эрталабгача отдай бўлиб кетасан. Эрталаб Холтойнинг ўзи кириб келди.

— Отин ая... — деди эшикдан мўралаб, — тағим чоптияйми?

— Ёнғоғим адош бўлди, болам.

Заҳар қисталанг қилиб турган эканми, Холтой бир-икки депсиндида, югургилаб уй ортига ўтиб кетди. Анчадан кейин Зуҳра хола болани чақириб бир сиқим маъиз берди.

Алижон Ларисага сигир соғишни ўргатиб қўймоқчи бўлди. Хотинини етаклаб молхонага олиб борди. Қўлига қашлагич берди.

— Ма, сан говмишнинг орқа-бошини яхшилаб қашла. Кўзига тикил. Шунда ияди.

Лариса эрининг айтганларини қилди. Алижон сигирнинг чап ёнбошига чўнқайди, бутига пақирни қистириб, шовуллатиб сут соға бошлади. Анчадан кейин ўрнига Ларисани ўтказди. Лариса уқувсизлик билан секин елинни тортқилади. Ола говмиш «Му-у!» деб Ларисага қайрилиб қаради, лекин тепинмади.

Ўн беш кундан кейин Алижон «Зерикдим», деб ишга тушиб кетди. Армияга кетмасдан илгари у колхозда шофёр эди. Яна битта кўҳна «Молоковоз»ни минди. Саҳар мардонда кетади, тушда келиб уйда бир-икки соат дам олади. Яна машинасини тарақлатиб жўнайди. Шу кетганча оқшом сутни шаҳарга олиб бориб топшириб, кеч қайтади.

Гулмат ота ҳам азонлаб молларнинг ем-хашагини берадию ҳассасини дўқиллатиб гузардаги чойхонага чиқиб кетади. Уйда Зуҳра хола билан Лариса иккаласигина қолади. Лариса энди кундалик вазифасини сувдай билади, кампирнинг амру фармонисиз ҳам саҳар туриб ишини қилаверади. У салкам бир ой ичида гўжа туйишни, сигир соғишни, қатиқ ивитиб, куви пиширишни ўрганиб олди. Кечалари ошхонада бекиниб ўтириб, хамир қориб, угра ош кесишни машқ қила бошлади.

Ларисани меҳнат билан энгиб бўлмаслигини билиб, Зуҳра холанинг боши қотди. Бир куни Сайёра қизига ҳасрат қилди:

— Уриснинг жони қаттиқ бўладими дейман-да. Бунинг қилган ишини сенга ўхшаган тўртта хотин қилса, товони тешиларди. Айвонда қараб ўтираман. Кечга бориб кучала еган итдек чўзилиб қолай дейди. Бироқ миқ этмайди. Ё қудратингдан!

Сайёра онасининг зулмини эшитиб норози бўлиб юрган эди.

— Демак, у ўғлингизни яхши кўрар экан, — деди, — бир бечорани шунча қийнай-сизми? Ларисанинг ўрнида мен бўлсам, аллақачон кетиб қолардим.

Зуҳра хола Сайёранинг феълени билади. У ўзига ўхшаган, тўғри сўзни тўқ этқизиб айтиб тураверади. Хола қизини силтаб ташлади:

— Ҳўв, сен менинг қизиммисан, онаммисан, наmunча ваъз айтасан? Кетиб қолармиш! Кетса — кетмоннинг бетиде кетсин! Ана, катта кўча!

— Шундоқ эзилгайверсангиз, бир куни кетади ҳам. Алижонни ҳам ола кетади. Сиздан бошқа одам ўрисдан келин олмабдими? Қизиқсиз-а, ая?

— Сендан ҳам ҳасипим совуди. Сен ўзинг беш йил ўрисчага ўқийман, деб бўлганинча бўлибсан. Сочингни қирққанингда оғирқувдим.

Сайёра индамади. Лариса билан икки оғиз русчалаб чулдирлашдида, «потерпи» деб чиқиб кетди. Лариса чидади, тишини тишига қўйиб, холанинг хизматини қилаверди. Бироқ дунёда ҳамма нарсанинг, шу жумладан сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлар экан. Бир куни Лариса сигирни соғиб келиб, қайнонасига мақтанди:

— Мам, мама! Бу кун меники... вот сколько сут соғди, — деди пақирни кўрсатиб. Зуҳра хола индамади. Лариса бироздан кейин товуқ катакдан беш-олти тухум келтирди.

— Смотрите мама! Бизни... товуги бешта берди! — дея тухумларни кўз-кўз қилди. — Сизники... тукум ейди, мама?

Зуҳра хола юзини буриб уйга кириб кетди.

Шу бўйи у пешингача келинига гапирмади. Лариса «Кампирга нима қилдим, нега у аразлаб қолди?» деб ҳайрон бўлди. Тушликка чой олиб кирди, кампир ичмади. Таҳорат суви қилиб берди. Зуҳра хола кумғонни айвонга олиб чиқиб Ларисанинг кўзи ўнгида тўкиб ташлади. Бу Ларисага оғир ботди. У лабини буриб ўз хонасига кириб кетди.

Тушдан кейин Лариса ҳовлига чиқса, дарвозахонада конверт ётибди. У бир ойдан бери уйларидан хат кутаётган эди. Югуриб бориб олди. Хат Туладан, онасидан экан. Юраги потирлаб очди. Ётоқхонасига кириб каравотга ўтирдию ўқий бошлади. «Салом, Лариска, бегона юртларда сиқилмай яхши юрибсанми, жон қизим? — деб ёзибди онаси.— Борган еринг қанақа экан? Электр борми? Кино кўришадими? Сувни ариқдан ичасанларми ё бизга ўхшаб қудуқданми? Лариска, Эски Слободкадаги Тимофей гаранг бор-ку, шу айтди, ўрта осиелийлар келинларига яккаш туя боқтирармиш. Тимофей гаранг билади, у 30-йилларда Қизилқумда газ қидирган. Ишқилиб,

эхтиёт бўл, қизгинам, тишлаб олмасин. Тимофей тоғанг айтдики, Ларисага ёзиб юборинглар, у туянинг олдида ҳам, ортида ҳам юрмасин, деди. Кейин туянинг боласини ушламасин, туядек қизғанчиқ ҳайвон йўқ, деди. Ҳа, айтганча, Алик ростдан ҳам уйланмаган эканми ё уйда хотини бор эканми? Мабодо кундошинг кун бермаса, ё Аликнинг ота-онаси зуғум қилса, чамадонингни олиб уйга жўнайвер, болам. Тор қорнимга сиздинг, кенг уйимга ҳам сиғасан. Сендек оппоққина, сўлқиллаган қизни топиб олсин у сахрои куёвинг...»

Ларисанинг кўзларидан шариллаб ёш қуйилди. Елкалари учди. Шу пайт эшик зарб билан очилди. Зухра холанинг боши кўринди.

— Ҳўв, қорагинанг ўчкур! Юмшоқ тўшакда ялпайиб ўтиргунча сизгирга сув берсанг ўласанми? Маъраб қулоқ-миямни еди-ку?!

Хатни ўқиб Ларисанинг хўрлиги келиб ўтирган эди. Унинг устига «Ўласанми?» деган сўз ўмганидан ўтиб кетди. У жаҳл устида қайнонасига қараб қўл силтади:

— Иди ты к чёрту!

Зухра хола йиғламоқдан бери бўлиб ҳовлига тушди. Бўш пақирни олиб кириб айвонга отди. Лариса эшикни очиб, челақни тарақлатиб тепти. Бу можаронинг устига Алижон кириб қолди. Лариса айвонда туриб, «Варвар! Садистка!» деб бақирди. Алижон индамай хотинига яқинлашди-да, унинг бетига шапалоқ тортиб юборди.

— Оғзингга қараб гапир, ярамас, ким ёввойи?

— Ҳамманг ёввойи! Ҳамманг садист! Бировни қийнаб роҳат қиласанлар! Кетаман! Бу ерда энди тилла берсанг ҳам турмайман!

Лариса хўнграб йиғлади. Ичкари кирди-да, ўзбекча либосларини ечиб отиб урди. Ўз кийимини кийди. Катта чамадонга буюмларини солиб, тўнғиллаб қарғанганча эшикдан чиқиб кетди. Алижон, «Ҳўв, кеч бўлганда қаёққа борасан!» демади. Лабини тишлаб айвонда тикка туриб қолди.

Қоронғи тушганда эшикдан йўталиб Гулмат ота кириб келди. Унинг қўлида чамадон орқасида Лариса. Ота чамадонни айвонга чиқариб қўйиб ичкари кирди. Зухра хола қилмишини ўйлаб, қалла осилтириб ўтирарди. Ота ўз ўрнига ўтиб чордона кўрди. Уғлини чақирди. Анчадан кейин энса қашлаб Алижон кирди.

— Ҳм, нима бўлди, болам?

Алижон индамади.

— Лариса қани?

— Ана, турибди, — ўғил боши билан ташқарига ишора қилди. Зухра хола ялт этиб чолига қаради.

— Чақир.

Алижон хўмрайиб Ларисани бошлаб кирди.

— Утиринглар, — деди чол.

— Нима бўлганини эшитдим, — деди ота томоқ қириб, келин-куёв ўтиргач. У қаҳри келган томоғини қириб қўярди. Буни кўриб, Зухра хола сал чўчиди. — Энди менга қулоқ сол, болам. Узинг шу кизга уйланаман, деб оёқ тираб туриб олдинг, а? Хўп дедик. Энди нега ҳайдайсан? Шунчалик номардмисан? Йигит киши унақа бўлмайди. Бирга туришни истамасанг, бошида обкелма эди. Олиб келдингми — энди чидайсан. Ўзбек ҳовлисига адашиб кириб қолган молни ҳам ем бериб боқади. Бу — шаръий хотининг. Иккинчи ғиш-ғишаларингни кўрмай. Йўқ, яшамайман, десанг, уйига олиб бориб, ота-онасининг қўлига топшириб кел. Мен бировнинг фарзандини кўчага ҳайдатиб қўймайман. Тушундингми? Бор, сенларга жавоб.

Куёв-келин чиқиб кетишди. Гулмат ота кампирига ўтирилди.

— Хўш, энди сенга келсак, хотин, сен миянгни еб қўйибсан. Сотиб олган қул ҳам бунчалик ишламас. Кавишингга пойи-патак бўлиб кетяпти-ку шўрлик, тагин нима дейсан унга? Олло таоло лоюҳиббуз-золимин, золимларни кечирмайман, деб қўйибди. Охиратингни ўйлайсанми ҳеч?

Зухра хола миқ этмай ўтираверди. У ўзининг хатосини тушуна бошлаган эди.

Эрталаб Лариса ҳеч нарса бўлмагандек, самовар қўйиб, ҳовлида гирдикапалак бўлиб юрган эди, Зухра хола чақирди:


— Рисолат! Мунда ке, кизимка!

Лариса ҳалиям қайнонасининг қовоғи очилмаганини кўриб ҳадиксиради ва супургини таппа ташлаб уйга қараб чопти. Зухра хола уни тўрдаги кичкина хонага олиб кирди.

— Анави кўрпаларни ол! — деди меҳробни кўрсатиб. Лариса кўрпаларни битталаб ерга олиб қўйиб бошлади. Хола катта сандиқни очди. Ичидан турли хил кийимлик, жун рўмолу тилла симли рўмол, атлас, кимхоб, жемпер, кўша-қўша туфли, этик олиб Ларисанинг олдида ташлади. — Алижонни уйлайман деб йиғиб юрувдим, булар энди сеники. Ол! — деди Зухра хола сандиқни ёпиб. Лариса, қайнонасининг нима демоқчи бўлаётганини умуман, тушунди. У умрида бунақа қимматбаҳо кийим-кечакни кўрмаган эди. Кўзлари ёниб Зухра холага қаради.

— Это всё — мне? Ой, рах-мат, а-я!

Лариса чўнқайиб ўтирган Зухра холани чўлпиллатиб ўпди. Кампир уҳ тортди. У «Пешонамга ёзилгани сен экансан, не қилай?» деб тақдирга тан бера бошлаган эди.



Жамол Камол

АЙТГИЛ, АДОЛАТЛИ СЎЗИНГНИ, ХАЛҚИМ

Саргардон зарра

Зал чапак чалади... Гуруллайди зал,
Шипда чилчироқлар, қандиллар биллур.
Юзлар, табассумлар бир-бирдан гўзал,
Оппоқ баданларда либослар виллур.

Лол бўлиб атрофга қарайман секин,
Улар кулишади... Демак, улар ҳақ.
Менинг тасаввурим уфқида лекин —
Ёнаётган дала, ёнаётган халқ...

Шамол у ёқларда кезади санқиб,
Қуёш ловуллайди — олов чамбарим.
Оппоқ рўмолларни бошларга танғиб,
Чиқиб келар менинг марҳумаларим.

Тонгдан то шомгача ишлайди улар,
Қўлларда кетмонлар — зилдай темир юк.
Шўрлаган елкалар, косовдек қўллар,
Лаблар қовжираган, киприклар куюк.

Йил сайин, ой сайин, соатлар сайин
Офтоб уриб турар уларни давом.
Улар ўртангандан ўртаниб, кейин
Ловва-ловва ёниб кетишар тамом.

Пахта даласида бугун алқисса
Гулханлар ёнади таратиб зиё.
Қизлар, жувонларинг ўзини ёқса,
Уял, эй жамият, уял, эй дунё!

Кўкўпар хирмонлар билан ёнма-ён
Гулханлар кули бор уюм ва уюм.
Шамол совуради, сочади ҳар ён,
Булултар кўз ёши тўқади юм-юм...

Эй олис элларда яшовчи инсон,
Ногоҳ кипригингга қўнса бир ғубор,
Сўнгсиз фалак ичра сарсон-саргардон
Кезган шу заррани аягил зинҳор.

Хиросима ёқдан етмагандир ул,
Ёки Чернобилдан даракчи эмас.
Ўзбек аёлининг хокидир бу кул,
Унсиз фарёдини эшит бир нафас...

Шоирга

Шоири мард бўлган эл ҳам мард бўлар,
Бедардлар юртида қачон дард бўлар...
Қодирийни ўтга отган ким эди?
Фитрат, Чўлпонларни сотган ким эди?
Усмон Носирларни сўлдирган кимдир?
Бирмас, икки карра ўлдирган кимдир?
Ёлғонни нон қилиб еган ким ўзи?
Сталинни қуёш деган ким ўзи?
Мансаб эшигини супурмадингми?
Оқ ичиб, тарихга тупурмадингми?
Хушомад дарсини ўқитган ҳам сен,
«Тўхта!» деб ёшларни қўрқитган ҳам сен.
Гуруҳбозга лаънат айтган ҳам ўзинг,
Кейин айтганидан қайтган ҳам ўзинг.
Ҳолингга халойиқ йиғлар бу замон:
Қачон мард бўласан, шоир нотавон?..

БМТга мактуб

Жаноб Бош секретарь,
Менда таклиф бор:
Дунёда халқ йўқдир қусурдан холи.
Шуни иқрор этиб тарихда илк бор,
Тузилсин бир буюк мажлиси олий.

Дунёда халқки бор, каттами-кичик,
Вакили қатнашган йиғин бўлсин бу.
Улар кўришсинлар бир-бирин қучиб,
Кейин айласинлар тавба-тазарру...

Тазарру этсинлар улар аввало
Минг йиллик урушлар — суришлар учун.
Бир-бирни қул қилиб, қарам этиб ё,
Занжирга солишар, қиришлар учун.

Сўнг сафга тизилиб, қалқиб оёққа,
Ҳазрати Атони айласинлар ёд.

Ҳаммамиз теппа-тенг башармиз, дея
Қасамёд этсинлар, буюк қасамёд!

Қасамёд этсинлар: то бундан кейин
Дунёда дахлсиз замон бўлсин деб.
Ҳар ким ўз ерига ўзи хўжайин,
Ҳар ким ўз уйида омон бўлсин деб.

Жаҳон тарихида бу тенгсиз улуғ
Ва тенгсиз мўътабар аҳднома бўлсин.
Бу — халқлар қўлида мангу бир ёрлиғ
Ва башар аҳлига бахтнома бўлсин...

Жаноб Бош секретарь,
Қутлуғ қадам бу,
Ўзини танисин энди одамзод.
Бир-бирни бўғовлаш, қирон қилишни
Яна минг йилларга элтамиз наҳот?!

Азалий савол

Болам, насиб этган шу дунёга боқ:
Оқилга дарс бериб яшайди аҳмоқ.
Ўғрини инсофга чақирар тўғри,
Лекин тўғриликдан лоф урар ўғри.
Ҳалолнинг бошида қанча ёзуқлар,
Сазойи қилади уни бузуқлар.
Худбинлар майдонда бари бир тараф,

Адибда адаб йўқ, шоирда шараф.
Уят-андишанинг баҳоси тупроқ,
Мушт еган хижолат чекади кўпроқ.
Мунофиқ ўлганнинг ёнини олар,
Муттаҳам «Виждон!» деб доду вой солар.
Қотиллар йиғлашар марҳумни йўқлаб,
Лекин туришади милтиқни ўқлаб...
Ҳа, бу ўша-ўша дунёю дундир,
Боболар айтгандек, буқаламундир.
Қаерга бораркин бу дунёи Зол? —
Мана, ўғлим, сенга азалий савол...

Халқим

Қочган ҳам, қувган ҳам ўзни ҳақ дейди,
Қочган ҳам, қувган ҳам нуқул «халқ» дейди.
Халқим, дер ўзини ўтга отганлар,
Халқим, дер юртини ёвга сотганлар.
Халқим, дер пишиқлар, балки ғўрлар ҳам,
Халқим, дер ўғрилар, порахўрлар ҳам...
Нотиқлар минбарлар узра ғоз туриб,
«Халқимнинг ҳукми шу!» дейди ҳайқириб.
Ҳукмлар ўқилар халқнинг номидан,
Нақллар тўқилар халқнинг номидан.
Мажлислар қилганда, қароримиз — халқ,
Ҳар куни тилларда тақроримиз — халқ.
«Халқ» деса, сўзларга сиғмайди ақл,
«Халқнинг вакиллари» халқдан ҳам оқил...
Шунданми баъзида тутақиб балқим,
Қичқиргим келади: қайдасан, халқим?
Қайдасан? Не учун бизга доимо
Қиличсан, қалқонсан, найзасан, дуо?
Сенинг-ку тангридан ваколатинг бор,
Шунинг-чун ҳар ишда адолатинг бор.
Адолат қил, кўрсат ўзингни, халқим,
Айтгил адолатли сўзингни, халқим.
Токи, топай дейман дардимга дармон,
Кетай шу дунёдан мен ҳам беармон...

Жаллод билан суҳбат

— Эшитдингми, адо бўпти Оролимиз,
Қум ичида қолиб кетмиш қанча кема?!
Келажакда не кечаркин аҳволимиз?
Шуни ўйлаб, куйинаман...
— Сенга нима?..

— Ҳар мингтадан юзта бола ўлар бизда,
Оналарнинг юраклари қийма-қийма.
Тоza ҳаво, тоza сув йўқ ўлкамизда,
Тупроғимиз заҳарланди...
— Менга нима?..

— Пахта ўсар боғларда ҳам ўтлоқларда,
Гапларимни ҳақиқат бил, ёлғон дема.
Мева билан гўшт топилмас қишлоқларда,
Ўзинг айт, шу инсофданми?
— Сенга нима?..

— Боболардан қолган юз минг китоблар бор,
Ўйлайверсам, босар мени чин ваҳима.
Ҳай, уларни ўқимоққа савод даркор,
Бизлар эса бесаводмиз...
— Менга нима?..

* * *
Бу йўлда ичимиз тутунга тўлди,
Узгалар бу сирдан хабардормикан?
Упкалар чириди, кўзлар кўр бўлди,
Мусаффо ҳаволар ўзи бормикан?



Бу йўл кетганича тошлоқ ва тойғоқ,
Юрсанг, ҳар қадамда санчилар тикан.
Тинкалар қуриди, шилинди оёқ,
Умидли бир манзил ўзи бормикан?

* * *
Искандар олдида эркатой эдинг,
Доро даврида ҳам ўзинг арзанда.
Амир Темурнинг ҳам нонини единг,
Омадинг бир келса, келар экан-да...

Нима у, замонлар эврилса ҳамки,
Нону насибангни айлаган улуг?
Аввалги подшолар золим эди, деб
Янги ҳукмдорга этасан қуллук...

* * *
Вафо ойнида кўрдим жафони,
Утаркан, кунларим ўкситиб ўтди.
Тақдир кам кўрмади менга вафони,
Ўтганда ҳар нокас, камситиб ўтди.

Пишдим, кўравериб турфа ишларни,
Ўзни юпантирдим, дилни хушладим.
Лекин инсондаги товланишларни
Кўрганда, «Тавба!» деб, ёқа ушладим...



Ҳабибулло

МУҲАББАТ

Ҳикоя

— Э, қўйинг, мен у жиннингизнинг олдига йўламайман, — қўл силтади Насриддин. — Тоқатим йўқ унинг телба-тескари қилиқларини кўтаришга.

— Яна тарсаки ейишга тоқатим йўқ, деб қўя қол, — мийиғида кулди Шокир ака. — Мавжуда туппа-тузук, рисоладаги қиз.

— Қўйсангиз-чи, — тўнғиллади Насриддин ранги ўчиб. — Рисоладаги қиз бўлса, тўйма-тўй юриб отарчилик қиладимиз?! Ҳалиги сўтак орқасидан лайчадек эргашгани ортиқча. Умуман, ишимизга шунақаларни аралаштириб бекор қиляпсиз, Шокир ака. Довдирфеъл, думбулроқ қиз экан, бир куни маломатга қоласиз. Ҳайронман, ота-онаси қандай йўл қўйиб беради унга. Агар менинг синглим ё хотиним шунақа қилиб юрса, нақ калласини...

— Ҳай-ҳай, катта кетма. Еш бўлсанг ҳам ўлгудай қолақ экансан. Халқни санъатдан баҳраманд қилиш уятмас...

— Отарчиликнинг санъатга ҳечам алоқаси йўқ. Маст-аластлар санъатингизни бир пулга ҳам олмайди. Уларга динғир-динғир бўлса-ю, микрофонда биров ҳанграб турса бас...

— Сен фақат мастларнигина кўраркансан-да. Тўйга, базм кўрамыз, деб умид билан келганлар қанчадан-қанча.

— Гапингиз тўғри-ку...

— Тўғри бўлса, тортишувни бас қилайлик, кун кеч бўляпти. Майли, боринг келмаса, Мавжудага Акмалжонни жўнатамиз. Сен Толиб билан Расулни олиб кетавер. Мен ҳам бирор соатларда бориб қоламан. Акмалжон, бу ёққа юргин, гап бор.

Шокир ака четроққа чиқиб тўхтади-да, Мавжуданинг адресини тушунтирди.

— У бир оғайнимнинг ёлғиз қизи. Тўғри, ғалатироқ, лекин Насриддин айтганчалик довдир эмас. Чамамда, кўнглида бир дарди бор, ҳеч кимга ёрилмайди. Ота-онаси ҳам хуноб. Узимни ўлдираман, деб уларни кўрқитиб қўйган. Чўрткесарроқ, айтганини қиладиган қиз. Шунинг учун ота-онасиам ихтиёрини ўзига қўйиб берган. Чўчимай уйига бораверасан. Иложини топсанг, йўлда секин кўнглига қўл солиб кўр-чи. Ешсан, келишгангина йигитсан, сенга ёрилиб қолса ажабмас. Ахир, қуш тилини қуш билади, дейдилар-ку.

Акмалжон Мавжуданинг уйини қидириб эгри-бугри кўчаларда анча кезди. Бир кўнгли, бор-э, деб қайтвораё ҳам деди-ю, Шокир ака хафа бўлиши мумкинлигини ўйлаб, излашда давом этди. Ҳар қалай, устоз. Қўшиқ айтишни, саз чертишни биринчи ўргатган одам. Бундан ташқари, Акмалжон унинг халқ кўшиқларини, шашмақомнинг кўп қисмини яхши билиши, қиёмига етказиб ижро этиши, деярли барча чолғуларни нафосат билан чалишини гоят кадрлар, ҳурмат қиларди. Яқин атрофда дутор, танбур чертишда Шокир акачалик маҳоратга, камолотга эришган киши йўқ деса бўлади.

Унинг яна бир фазилати — қобилиятли ёшларга эътибор бериши эди. Агар бирор ўсмирда кўшиққа, мусиқага истеъдод борлигини пайқаб қолса, мажбурлаб бўлса ҳам

колхоз ҳаваскорлик ансамблига олиб келар, билганларини ўргатиб, унинг истеъдодини юзага чиқариш учун уринарди. Баъзан тинимсиз қийноқли машқлардан безиллаб қолган шоғирд қочиб кетишга уринар, лекин Шокир акадан қутулиш жуда қийин эди.

Акмалжон унинг қийноқларидан муваффақиятли ўтганлардан. Консерваторияга ўқишга боришга ундаган ҳам ўша киши. Мана, иккинчи курсни битириб келди. У Шокир аканинг қистовлари, қийноқлари туфайли беш-олти хил чолғуни дурустгина чалишни, замонавий енгил қўшиқларнигина эмас, мураккаб, ижроси оғир классик ашулаларни ҳам куйлашга ўрганди.

Бу йил бир неча катта концертларда қатнашди, икки марта телевизорда чиқди. Ижроси кўпчиликка мазкур бўлди. Индинга телевидение студиясига видеоёзувга чақирилган. Ярим соатли алоҳида концертини беришмоқчи. Шунга ҳозирлик кўриши керак. Бироқ устоз...

Шокир ака «ҳожат чиқариш»да ҳам кўнгли бўш, тўйга илтимос қилиб келганларга йўқ деёлмайди, сўзи ўтадиганларни бошлаб бориб хизмат қилади. Акмалжон ҳам унинг таклифини рад этолмади.

Бироқ манови саёқ қўшиқчими, раққосами — аёлни қидириш сарсонликлари ортиқча бўлди...

Ниҳоят у кичикроқ, тоб ташлаган икки табақали ранги ўчган дарвоза олдида тўхтади. Босиб-босиб бир неча марта сигнал берди.

Шу пайт икки уй наридаги ҳашамдор дарвозадан енги калта оқ кўйлак кийган, паст бўйли, кўримсизгина йигит чиқди-да, тез-тез одимлаб машина олдида келди.

— Мавжуда керакми? — деди қошларини чимириб.

— Ҳа... Сиз қаёқдан биласиз?

— Кетаверинг. У ҳеч қаёққа бормади.

«Э, Насриддин айтган «лайча» шу экан-да», кўнглидан ўтказди Акмалжон йигитга менсимай разм соларкан.

— Узлари ким бўладилар, Мавжуданинг укасимисиз?

Йигитнинг ранги бўзариб, баттар тундлашди.

— Кимлигимнинг сизга алоқаси йўқ...

Шу пайт Акмалжон кутаётган дарвозадан атлас кўйлакли, буғдойранг, ўн саккиз-ийгирма ёшлар ўртасидаги дуркунгина қиз чиқиб қолди. У машинанинг қия очиқ олд эшигини ушлаганича Акмалжон билан тортишаётган йигитни кўриб, бир дам тўхтади. Сўнг шитоб билан келиб:

— Вой, Латифжон ака, бормисиз, бунча кутдирмасангиз? — деди эркалиниб. — Олдинроқ бориб, базмгача машинада сайр қилдираман, дегандингиз-ку, алдамчи!

Акмалжон кутилмаган бу гапдан гангиб, кабинадан чиқди. Йигитча ранги оқариб, бир қадам орқага чекинди. «Ол-а, Латифжони ким бўлдикин? — ўйлади Акмалжон хайрон бўлиб. — Бирортасига Акмалжонга ўхшатапти, шекилли».

Қизнинг авзойидан ҳозир Акмалжоннинг бўйнига осиладигандек туюларди. Шунинг учунми, шоша-пиша кўришгани қўл чўзди. Мавжуда унинг қўлини маҳкам қисаркан, чап қўли билан елкасига нозланиб аста урди-да машинага ўтирди:

— Кетдик. Сиз алдамчини қараб туринг, йўлда таъзирингизни бераман.

Акмалжон ҳам лом-мим демай ўрнига ўтириб, калитга қўл чўзди. Қандайдир аянчли аҳволда шалвираб турган йигитча шундагина ўзига келди. У қиз томондаги эшикни зарб билан очди.

— Мавжуда, туш, — деди илтимос оҳангида. — Тўйма-тўй юриб ўзингни шарманда қилма.

— Сенинг нима ишинг бор? — деди қиз унга қаҳр билан ўқрайиб.

— Менга хўжайинмассан! Қоч йўлдан қолдирыпсан.

Қиз эшикни қарс эткизиб ёпди-да:

— Вой, ҳайдамайсизми, Латифжон ака, — деди Акмалжонга суйкалиб.

Йигит энди Акмалжон томондаги эшикни очди.

— У бормади, — деди ҳам илтимос, ҳам таҳдидли оҳангда. — Тушади, кейин жиласиз.

— Ана, тушириб олаверинг. Мажбур қилиб олиб кетаётганим йўқ. Марҳамат қилиб эшикни қўйворинг. Узи билан гаплашинг.

Йигит яна қиз томонга ўтди.

— Туш, Мавжуда, қўй, бормагин. Ўша тўйдан топадиган пулингни мен берай.

— Яхшилиқча машинадан нари тур, — деди қиз амирона. — Тушганимдан кейин ёмон бўлади.

Йигит чўчинқираб, бир қадам ортга тисарилди. Акмалжон машинани юргизди.

— Ким бу йигитча, куёвболами? — сўради қизга кўз қирини ташлаб.

— Йўқ, хушторларимдан, — деди қиз дангал қилиб. — Лекин ўйнашиммас.

«Ростдан ҳам бало экан», деб қўйди Акмалжон ўзича.

— Нега йўлингизни тўсаяпти?

— Бунинг сизга алоқаси йўқ, — деди қиз чўрт кесиб. Акмалжон ундаги кескин ўзга-ошдан бадтар ҳайратга тушди.

- Нимага мени Латифжон ака дедингиз? — сўради у йўлдан кўзини узмай.
- Бўлмаса нима дейишим керак? Отингизни билмасам.
- Қизиқ. Бу артистликдан мақсад нима?
- Театралнийга кирмоқчиман, репетиция қиялпман, — деди Мавжуда кесатиб. —

Тушунарлими?

— Тушунарли бўлганда қандоқ, — деди Акмалжон ҳам унинг оҳангида. — Лекин репетициянгиз бола бечорани адои тамом қилди-ку.

— Баттар бўлсин!

Шу пайт кўзгучада орқадан келаётган эскироқ «Москвич» кўринди.

— Чамамда кувёбола изма-из келяпти, шекилли?

Қиз ортига ўгирилиб қаради-да:

— Келса-келаверсин, — деди бепарво.

— Ростдан ўшами?

— Ўша, — деди қиз лоқайд.

— Бизни фахрий эскорт бўлиб кузатиб қўймоқчимиз дейман?

— Йўқ, тўйга кетяпти.

— Демак, тўй эгаси таниши экан-да?

— Йўқ, тўй қилаётганинг кимлиги, қайдалигиниям билмайди.

— Унда нимага кетяпти?

— Мени қўриқлаш учун.

— Сизни қўриқлаш учун? Кимдан?

— Масалан, сиздан.

— Ие, қизиқ-ку. Наҳотки шу болакай сизни ҳимоя қила олса?

Мавжуда, билмадим дегандек, елка қисиб қўйди. Катта йўлга чиқишганда кун бота-ёзган эди. Ҳали анча юриш керак. «Москвич» ҳамон изма-из келарди. Акмалжон уни синаб кўрмоқчи бўлиб тезликни оширди. «Москвич» аввалига бир неча километр чидаш берди-ю, бора-бора ортда қола бошлади. Акмалжон сал секинлатди, «Москвич» бари бир етолмади. Чамаси, нимасидир бузилди шекилли, йўл чеккасига чиқиб тўхтади.

Мавжуда орқага ўгирилиб қаради-да:

— Ўл-а, қолиб кетди, — деди баралла. — Шалди роқ аравасида «Жигули» билан тенглашмоқчи бўлади-я, аҳмоқ!

Гарчи бу гап дангал айтилган бўлса-да, Акмалжон унда шикасталик борлигини пайқаб қолди.

— Тўхтайлмикми?

— Нимага?

— Етиб олсин, бечора.

— Кераги йўқ, ўлиб кетсин! Ҳайдайверинг.

«Йўқ, тўхташ керак. Инсофданмас. Бечора бола кечаси билан қидириб сарсон бўлмасин».

Машина секинлаб тўхтаб бошлади.

— Ҳа, нима бўлди? — сўради Мавжуда хавотирланиб.

— Мотор бир балога йўлиқди шекилли, қараб қўяйлик-чи.

Акмалжон капотни очиб, у ер-бу ерини тузатган бўлди.

Анча вақт ўтгач, «Москвич» муюлишдан чиқиб, «Жигули»га деярли тақалиб тўхтади. Йигитча сапчиб тушиб, «Жигули»га отилди. Мавжуда ўзи ёлғиз ўтирганини, ҳамроҳи очик капот олдида куймаланаётганини кўргач, серрайиб туриб қолди.

Мавжуда эшикни аста очиб, ташқарига чиқди,

— Кучоқлашиб турганимизда ушламоқчимидинг?! — деди қаҳр-ғазаб билан. — Ҳамманиям ўзингга ўхшаган ҳайвон деб ўйлайсан-да-а! Ифлос!

Йигит аянчли қунишди.

— Йўқ-йўқ, унақа нарсани ўйлаганим йўқ, — минғирлади у қизнинг нафрат тўла кўзларига қарашга ботинолмай. — Кечир Мавжуда... Қўй, хафа бўлма.

— Нимага доим орқадан итдек эргашиб юрасан? Тинч қўясанми-йўқми, ярама! Қизнинг юзидан дув-дув ёш оқар, вужуди асабийликдан қалтирарди. У нима қилишини билмай турган Акмалжон олдида бориб:

— Ака, жон ака, манови ҳайвонни ҳайданг, ўтинаман... — деди титроқ овозда. — Жонимдан тўйиб кетдим!.. Тўйиям қуриб кетсин, бормайлик! Мени олиб кетинг! Қаерга бўлсаям майли. Фақат манави расводан қутқарсангиз, шунинг башарасини кўрмасам бас!

Акмалжон йигитга боқди. У ранги бўздек оқариб, ҳайкалдек қотиб турарди. Мавжудага термилган кўзларида аянч ифодаси қотиб қолгандек эди.

— Синглим, ўзингизни босинг, — деди Акмалжон кафтини қизнинг титроқ елкасига қўйиб. — Тинчланинг. Келинг, машинага чиқинг.

Мавжуда оғир хўрсиниб, орқа ўриндиққа ўтирди. Сумкачасидан рўмолча олиб юз кўзини арта бошлади.

Йигит Акмалжоннинг ёнига келди.

— Ердам керакми?

— Йўқ, бўлди. Кетдик.

Акмалжон машинасини ўт олдирди.

— Орқага қайтайликми? — сўради хиёл бурилиб.

— Орқага?

— Уйингизга обориб қўяйми дейман-да?

Мавжуда бош чайқади:

— Йўқ... Уйда баттар сиқиламан.

— Унда... тўйга кетавердикми?

— Ҳа.

Улар йўлнинг давомини гап-сўзсиз босиб ўтишди.

* * *

Базм бошланган экан. Акмалжон кечикканлари учун Шокир акадан бир оз хижолат бўлди. Дарвоза томонга қараб-қараб камон тартаётган Шокир ака Акмалжон ва Мавжуда кириб келаётганларини кўриб, чеҳраси очилди. Мавжуда машшоқлар учун жиҳозланган сўричанинг панароқ жойига — Шокир аканинг ёнига, Акмалжон эса стулга ўтирди. Шокир ака ва икки шогирди «Насруллоий»ни берилиб чалишарди.

Акмалжон меҳмонлар даврасига разм солди. Тўй эгаси бадавлат, обрўли киши бўлса керак, давра гавжум эди. Столлар каттагина ҳовлига П шаклида жойлаштирилган бўлиб, меҳмонлар билан тўлган эди. Усти турли ноз-неъматлар, ичимликлар билан безатилган.

Акмалжон Мавжудага кўз қирини ташлади. Қиз куй таъсириданми, ё ўз хаёллари биланми, бошини қўйи солганча хомуш ўтирибди. Акмалжон энди Комилжонни ахтара бошлади. Тезда топди. У дарвоза тарафдаги қаторнинг энг четида қунишиб ўтирарди.

Куй тугади. Шокир ака Акмалжон тарафга сал эгилиб:

— Бир жуфт қўшиқ айтиб берасанми? — деди илтимос оҳангида.

Акмалжон индамай торни олди-да, сошлаб, ўртага чиқди. Чилдирмачи ва аккордеончи унинг имосига шай бўлиб ёнида туришарди. Акмалжон уларга айтадиган қўшиқ номини шипшитгач, микрофонга яқинроқ келди. Унинг жарангдор, ёқимли овози тўйхона узра майин қанот қоқа бошлади. Тўй эгаси бўлса керак, басавлат бир киши келиб учаласининг чеккасига пул қистириб кетди.

Биринчи қўшиқ тугар-тугамас, меҳмонлардан бири:

— Шўхроғидан бўлсин, шўхроғидан! — деди баланд овозда.

«Оббо, бошланди», — ижирғанди Акмалжон. У ширакайф меҳмонларнинг истакларига бўйсуниб қўшиқ айтишни ёмон кўради. Лекин, начора, шуларга хизмат қилгани келгач, итоат этишга мажбур.

У ҳозир ёшлар ўртасида урф бўлган енгил, шўх яллани куйлай бошлади. Шокир ака буюрган бўлса керак, Мавжуда рақсга туша кетди. Акмалжон қизиқсиниб, Комилжонга боқди. У ҳамон ҳеч ким билан гаплашмай, овқатга ҳам қўл урмай, Мавжудага тикилганича ўтирарди. Қиз ширакайф йигитлар узатган пуллар томон нозли табассум билан йўрғалар экан, Комилжон кўзларини ерга тикиб оларди.

Раққоса кутилмаганда, Комилжон рўпарасига борди-да, кўзларини сузиб ишва қила бошлади. Йигит бир қизарди, бир бўзарди. Охири чўнтакларини ковлаб пул олди-да, ҳамон қилпиллаётган Мавжудага узатди. Лекин қиз ноз билан бош чайқаб ортга чекинди. «Оббо расво-ей, мазах қиялпти-ку, бечорани», — ғижинди Акмалжон. У қўшиқ айтишни ҳам унутиб паузани қайта-қайта чаларди.

Комилжон столларни айланиб, ўртага чиқди, Мавжудага қўлидаги пулни узатди. Бироқ у етиб келиши билан қиз шартта ортига ўгирилди-да, нариги қаторда пул узатиб турган бақалоқ йигит томон йўрғалаб кетди. Мавжуда пулни олмай, ишваланиб, у йигитни рақсга ундай бошлади. Бақалоқ ҳам зўрға турган экан шекилли, бесўнақай лапанглаб, Мавжуда атрофида айлана кетди. Комилжон қўлидаги пулни машшоқлар сўрисига ташлади-да, тез-тез юриб кўчага чиқиб кетди.

— Нимага бундай қилдингиз? — қовоғини уйиб сўради Акмалжон ҳозиргина келиб тирган қиздан.

— Нима қипман? — деди Мавжуда илжайиб.

— Комилжонни нимага мазах қилдингиз?

— Нима бўпти? — кулди қиз. — Ҳазиллашдим-да. Ахир, меҳмонларни кулдириш ҳам керак-ку.

— Нимани тортишяписизлар? — деди Шокир ака уларга қараб.

— Йўқ, ҳеч нима, — деди Мавжуда бепарво. — Акмалжон акам хушомад қиялпти, сақсга уста экансиз, деб.

Акмалжон тилининг учида турган ёмон гапни айтиб юборишдан ўзини зўрға тўхтаб қолди.

Тўй тобора қизиб борарди. Суюқ-қуюқ овқатлар тортилди. Энди кўпчилик меҳмонлар куй-қўшиқларга қулоқ ҳам солишмас, ичкилик ичишу овқат чайнаш билан овора эдилар. Айримлари бир-бирини аския қилишиб, даврани бошларига кўтариб кулишарди. Шундай бўлса-да, машшоқларни бирпас тинч қўйишмас, тинмай қўшиқ айтишни ташаб қилишарди.

Акмалжон Мавжуданинг бояги бачкана қилиқларидан ранжиб, кайфияти бузилганидан қўшиқ айтгиси келмасди. Бундан ташқари, телестудияга ҳозирлик кўриши керак. Бу ерда томоқ йиртиб бир неча соат қўшиқ айтиши овозига ёмон таъсир этиши ҳам мумкин. Шунинг учун, Шокир аканинг гапига кириб, тўйга келганидан пушаймон эди. Лекин, начора, аввало отга учқашма, деганларидек, ширакайф меҳмонларнинг талабини бажа-ришга мажбур.

Акмалжон ўзи яхши кўрган қўшиқни куйлай бошлади. Уйинга чиққан йигит ҳаракатларини қўшиққа мослашга уринди-ю, уддалай олмади шекилли, яқин келиб:

— Ака, шўхроғидан айтинг, — деди.

Акмалжон чала-ярим қўшиқ айтишни ёқтирмасди. Шунинг учун эшитмагандек куйлашда давом этаверди. Йигит бир дам кутиб турди-да, ғудраниб жойига бориб ўтирди. Уша даврадан норози товушлар эшитилди. Бир ўспирин баланд товушда:

— Хў, отарчи! Талаб қилганини айт-да, бу ер сенга энангди концерт залимида, — деди.

Акмалжоннинг мясига гупиллаб қон урди. Бир кўнгли даврани ташлаб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин тишини-тишга қўйиб, қўшиғини охирига етказди-ю, сўрига ниҳоятда асаби бузилиб қайтди.

— Сенга нима бўлди? — деди Шокир ака. — Меҳмонларни хафа қилиш керакмас, хизматдамиз.

— Э, қўйсангиз-чи, ўргилдим хизматингиздан!

Акмалжон жаҳл билан ўрнидан туриб, кўчага чиқиб кетди.

Комилжон машинаси кабинасида рул чамбарагини чангаллаганча, унга бош қўйиб ўтирарди. Акмалжон орқа эшикни очиб кирди. Комилжон ўгирилиб қараб қўйди-да:

— Ҳа, сизмисиз? — деди парижонлик билан.

— Нимага бу ерда ўтирибсиз?

— Шундай... ўзим... машиналардан хабар олай деб...

— Ғалати йигит экансиз... Менга қаранг, унинг олдида ўзингизни бунча ерга урасиз?

— Мен уни севаман, — деди Комилжон анчадан кейин, худди ёдлаб олгандек дондона қилиб.

— Буни айтмасангиз ҳам кўриб турибман, — ижирғанди Акмалжон. — Лекин севиш қул бўлиш дегани эмас-ку. У сизни хоҳлаганича мазах қиляпти, ҳақоратляпти, сиз бўлсангиз...

— Қўяверинг... Майли.

— Нима, тилингиз қисқми ундан?

Комилжон Акмалжон томонга ўтирилди.

— Йўқ, бундай деб бўлмас-ку, лекин... ҳар қалай, жудаям чатоқ бир иш қилиб қўйганман. Гуноҳим катта унинг олдида.

— Қизиқ... барибир, йигит кишини бунчалик таҳқирлашга ҳаққи йўқ. Ҳайронман, нимасини сеvasиз шу тентак қизни. Наҳотки сизда ғурур бўлмаса?

— Ким билади дейсиз, — синиқина жилмайди Комилжон. — Йўқ бўлса керак-да. Нимасини севишимни аниқ айтолмайман. Лекин кўрмасам туролмайман. Бир неча марта ундан кечмоқчи ҳам бўлганман-у, уддалай олмаганман. Чунки, катта гуноҳ қилганман...

— Гуноҳ қилганман, гуноҳ қилганман деяверасиз, нима бўлган ўзи?

— Бу анча узун ҳикоя... Келинг, сизга айта қолай. Эҳтимол бирор жўялироқ маслаҳат берарсиз. Ҳар қалай, бу ишларда мендан тажрибалироқдирсиз. Иннайкейин, ўзим ҳам бугун жуда сиқилиб кетдим. Лекин сизни қидириб қолишмасмикин?

— Йўқ, ўзлари эплаб тураверишади. Гапираверинг.

Комилжон фикрларини жамлаш учунми, бирпас жим ўтирди.

— У билан синфдошмиз. Икки йил бўлди мактабни битирганимизга. Қачон, қандай яхши кўриб қолганимниям эслолмайман. — Комилжон хўрсинди. — Синфимизда энг жуссаси кичик, бўйи паст мен эдим. Уқитувчиларимиз, ҳатто синфдошларим ҳам менга ёш боладек муомала қилишарди.

Кўрдингиз, Мавжуда билан қўшнимиз. Мактабга деярли ҳар куни бирга бориб, бирга қайтардик. У ҳар жиҳатдан тўқис қиз, бўйи мендан камида бир қарич баланд. Ёшимиз тенг, ҳатто у бир-икки ой кичик ҳам. Бўйим пастлиги учун ҳазиллашиб, «ука» дейишга ўрганиб қолган. Олдинига парво қилмай юрдим-у, улғайиб, уни яхши кўриб қолгач, бу гапи оғир ботадиган бўлди. Лекин бунга қарши бирор нарсга деёлмасдим. Десам, гапга чечан, шўх, масхара қилиши турган гап эди. У ука деб қақирганда шундай хуноб бўлардимки, қўяверасиз. Қайси бир журналда, спорт билан мунтазам шуғулланилса бўй ўсади, деган гапни ўқигач, шу соҳага астойдил берилдим. Деярли ҳамма тури билан шуғулланганман. Лекин кўпроқ боксга қизйқардим.

— Наҳотки? — деди Акмалжон кулгисини зўрға босиб.

— Рост, — Комилжон беғараз жилмайди. — Лекин, биласизми, ўзимдан икки-уч ёш кичик болалар ҳам, кўпинча, биринчи раунддаёқ мени чўзилтиришарди. Кейинчалик анча чиниқиб, ўзимнинг оғирлигимдаги, ҳатто бир-икки кило ортиқча болаларга ҳам бемалол бас келадиган бўлдим. Афсуски, бўйим унча ўсмади.

Мактабни битирдик. Мавжуда хунар-техника билим юртига ҳужжат топширди. Ш

билим юртида радио-телевизор усталари тайёрлайдиган бўлим бор экан, мен ҳам кирдим. Битта синфда бўлмаса-да, ҳар қалай, бир жойда ўқидик. Кўпинча бирга бориб, бирга қайтардик. У ҳамон ука деб чақиришини қўймасди. Бир неча марта ялиниб-ёлвордим. Қаяқда. Ҳўп, дейди-да, эртасига яна ука деяверади. Шу туфайли унинг ҳамкурс дугоналари орасида ҳам, ўзимнинг курсдошларим орасида ҳам кулгиман.

Бир куни у гап орасида остоналаридан совчи узилмаётганидан нолиб қолди. Мен гўл буни ўзига хос шама деб тушунибман. Хуллас, юрагимдагини тўкиб солдим. Биласизми, у кулавериб юмалаб қолди.

— Вой, укажон, ўлгур, уялмайсанми опангга севги изҳор қилгани? — дейди ўзини тутолмай.

Гангиб қолдим. На унга қўшилиб кула оламан, на бир нима дейишга оғзим боради.

— Нимага масхарабозлик қиласан? Мен сенга жиддий айтяпман, — дедим ниҳоят.

У кулгидан тўхтади.

— Жиддий дегин? — кўзларимга ҳомийларча тикилди. — Ундай бўлса, жиддий жавоб айта қолай. Сен яхши боласан, ҳатто сал-пал ёқасан ҳам. Фақат йигит сифатида эмас, ука сифатида.

У ўзини тутолмай яна пиқ этиб кулди, лекин дарҳол жиддийлашди.

— Ахир ўзинг ўйлаб кўргин, Комилжон, биз қандай турмуш қураимиз? Менинг бўйимни қараю ўзингникини қара. Ҳечам муносибмасмиз. Одамларга кулги бўламиз, холос... Иннайкейин, йигитгаям унча ўхшамайсан, боласан ҳали. Гапимга ишонмасанг, ойнага қараб кўр ўзинг.

У яна кулиб юборди. Кейин меҳрибонлик билан:

— Хафа бўлма, Комилжон, сенгаям муносиб қиз топилади, — деди тасалли берган бўлиб.

Қандай аҳволга тушганимни тасаввур қилинг-а... Ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. У мени назарига илмагани учун ҳам бемалол, ҳеч уялмасдан айтди-қўйди бор гапни.

Лекин кўнгил қизиқ нарса экан. Бир неча кун эзилиб юрдим-у, совий олмадим. Кейинроқ муносабатимиз яна аввалги изга тушгандай бўлди. Мен ғалати ҳолатда юрардим. Ҳам уни жон-дилимдан севардим, ҳам камситгани учун ўч олгим келарди. Охири, қандай бўлмасин, менга тегишга мажбур қилишим керак, деган қарорга келдим. Шундагина севганимга етишаман. Бироқ буни қандай амалга оширишни билмасдим. Бир тасодиф ёрдам берди.

Мавжудаларнинг ўқиши бизникидан олдинроқ тугади. Уларнинг курсида битирув кечаси ўтказиладиган бўлди. Бир кун олдин Мавжуда мени ҳам таклиф қилди. Сабабини очиқ айта қолди: ўтириш кеч тугаса уйига келтириб қўйишим керак эди.

У мenden мутлақо чўчимасди. Бу — бирга юриб ўрганиб қолганидан, устига-устак мени йигит сифатида назарига илмасди. Эҳтимол, аслида бунчалик эмасдир, балки самимийлигимга, унда бирор ёмонлик қилмаслигимга ишонгандир. Лекин мен у пайтда фақат ўч олишнигина кўзлардим. Энди ўйлаб қарасам...

Уша куни энамнинг уйқу дорисидан бир нечтасини талқон қилиб қоғозга ўрадим-да, чўнтагимга солдим.

Кеча жуда яхши ўтди. Мавжуда янги атлас қўйлак кийган, сочини майда ўриб дўппи кийган, гўзал эди. Рақсга тушиб, қўшиқ айтиб ҳаммани мафтун қилди. Айниқса, техникумни янги битириб, бизга мастер бўлиб келган олифтани. Келишган йигит эди. Мавжуданинг кўнглини топишга астойдил уриниб юрарди. Бунга эриша бошлаганди ҳам, наздимда. Уша куни иккаласи ёнма-ён ўтиришди, бирга рақс тушишди. Йигит унинг гоҳ бармоқларини, гоҳ билагини ҳеч тортинмай ушлар, қулоғига алланималарни пичирларди. Мавжуда бўлса тинмай қиқирларди. Мен борлигимни бутунлай унутганди, чамамда. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини адоват билан кузатардим. Бир қултум ҳам спиртли ичимлик ичмагандим, лекин ўзимни ўта мастдек сезардим. Наздимда тез орада Мавжудадан ажралиб қолишим аниқ эди. Ўтириш охирай деганда қатъий қарорга келиб, Мавжуданинг қадаҳига уйқу дори солдим. Кўп ўтмай эснай бошлади.

— Кетайлик, Комилжон, нимагадир уйқу босяпти, — шивирлади қулоғимга.

Йўлга чиқдик. У ўриндиққа ўтирибоқ ухлаб қолганди. Машинани беихтиёр дала томон ҳайдадим... Бўлар иш бўлгандан кейин, қанчалик расво иш қилганимни ўйлаб, қўриқ кетдим. Мавжуданинг ёнида титраб-қақшаб ўтириб, ухлаб қолганимни билмабман.

Уйғонсам, аллақачон кун чиққан экан. Ёнимда Мавжуда йўқ. Кечасидаги қўрқув кўрқувми бунинг олдида! Даҳшатдан тахта бўлиб қолибман. Машинани юргизишга мажол йўқ. Ўзимдан шундай жирканардимки!..

— Ота-онаси биладими?

— Йўқ... Менимча, у ҳеч кимга айтмаган. Яна ким биледи дейсиз... Ота-онаси обрўли одамлар. Мавжуданинг ўзиям, кўриб турибсиз, ҳар жиҳатдан бекам қиз. Уни орзу қилганлар кўп. Остонасидан совчи узилмайди. Лекин ҳаммасини ноумид қайтаряпти.

— Уларнинг орасида сизники ҳам бордир?

— Ҳа... Бир неча марта одам киритдим. Охиргисида онамнинг ўзи кирди. Ота-онаси рози. Фақат Мавжуда...

Комилжон дардли хўрсинди.

— Агар ўшанга берадиган бўлсаларинг, ўзимни ё осаман, ё сойга ташлайман, дебди.

— Шунчаки пўписа қилган бўлса керак. Жондан кечиш осонми?

— Йўқ, сиз уни билмайсиз, айтганини қилишдан тоймайди. Жуда мағрур. Мана, тўйма-тўй яллачилик қилиб юрибди. Пулга муҳтожликдан деб ўйлайсизми? Йўқ, қўлида гулдай ҳунари бор — чеварлик билан ҳам истаганча пул ишлай олади. Бир томони, менга ўчакишяпти. Бездирмоқчи. Иккинчидан, совчилардан қутилмоқчи. Ахир кечалари яллачилик қилиб юрадиган қизга уйланишга ким ҳам ботинарди дейсиз.

Шу пайт тўйхонада бирданига қий-чув бошланиб, Комилжон гапдан тўхтади.

— Нима бўлдикин? — деди Акмалжон машинадан тушаркан хавотирланиб. — Хабар олай-чи. Сиз кирмайсизми?

— Йўқ... Шу ерда кутиб тураман.

Акмалжон қарибоқ, нариги томондаги столда бир неча киши боя Мавжуда билан рақсга тушган бақалоқ йигитчани тинчлантиришга уринаётганига кўзи тушди. Машшоқлар сўрисида эса Мавжуда ғазабдан кўзлари чақнаб, қалтираб ўтирарди.

— Нима бўлди? — сўради қиздан. У жавоб бермади. Шокир ака ҳам, бошқалар ҳам бир оз саросимада эдилар.

— Хотин кишини аралаштиришнинг оқибати шунақа бўлади, — тўнғиллади Насриддин Мавжудага қовоғини солиб қараркан.

— Нима гап ўзи?

— Нима бўларди, хонимингиз анави бақалоқнинг башарасига тарсаки туширди... Уришга урдингиз, юзига тупуришнинг нима кераги бор эди? Маст меҳмонларнинг унчамунча қилиғига чидайсиз-да, раз отарчиликни бўйингизга олганингиздан кейин.

— Қўй, ҳадеб тажанд бўлаверма, — деди Шокир ака қўл силтаб.

Бу орада семиз йигитни шериклари кўчага етаклаб чиқиб кетишди. Тўй эгалари бўлса керак, бир киши келиб узр сўради:

— Хафа бўлмайсизлар, меҳмонлар, укамиз сал кўпроқ ичиб қўйибди. Уйига жўнаиб юбордик. Ўзи ёмон боламас, ичкиликнинг таъсири-да. Узр. Дастурхондаги неъматлардан олиб ўтиринглар... Базм ҳам совиб қолмасин, илтимос.

Шокир ака бир-иккита қўшиқ айтди-ю, давра ортиқ қизимади. Кўп ўтмай, тўйхона бўшаб қолди. Ҳамон машина ичида ўтирган Комилжон машшоқлар кўриниши билан кабинадан чиқди.

— Мавжудани мен олиб кета қолай, — деди Акмалжонга қараб. — Сизлар овора бўлиб юрманглар.

— Мен қайси машинада келган бўлсам, ўшанда кетаман, — чўрт кесди Мавжуда.

— Ростдан ҳам, Комилжон билан кета қолинг, — деди Акмалжон қовоғини солиб. — Атайлаб сизни деб келган. Бундан ташқари, машинанинг бензини...

— Мен уни келсин дебманми. Ўзи итдек эргашиб юрибди.

— Хў, қанжиқ! — қутилмаганда Комилжон ғазаб билан ўшқирди. — Тилиннга зўр бераверма! Сабр-тоқатниям чегараси бор, ахир!

— Вой, кесакдан ўт чиқиб кетдими? — кулди Мавжуда. — Қўлингдан нима келади? Номардлигу ифлосликдан бошқа ҳеч нарса келмайди! Қурбақа!

Комилжон қўлларини мушт қилиб Мавжуда сари юра бошлади. Акмалжон йигитнинг йўлини тўсди.

— Қўйсангиз-чи, қиз болани урмоқчимисиз?

— Қўйворинг, қўйворинг, бир кучини кўрсатсин чинчалоқ полвон, — деди Мавжуда масхаралаб.

— Бас қилинглар! — можарога Шокир ака аралашди. — Сизларга бир бало бўлганми ўзи бугун? Бегона жойда шарманда қиялсизлар ҳаммамизни. Иккинчи бир жойга етакламаганим бўлсин. Чиқ, Акмалжоннинг машинасига, Мавжуда!

Унинг пўписасидан сўнг Мавжуда индамай машинага ўтирди.

— Бас! Етар! — деди Комилжон. — Ялиниш шунчалик бўлади-да. Юрмаганим бўлсин, орқангдан! Менга деса ўлиб кетмайсанми!

— Акмалжон, энди, яна ўзинг ташлаб келасан-да, Мавжудани, — деди Шокир ака. — Мен озгина ичиб олдим, бўлмаса-ку... Биз чекка йўллар билан уйга етволамиз. Комилжон жон-жаҳди билан стартерни босар, лекин эски машина ўт олмасди. Шокир ака ва шериклари хайрлашиб жўнаб кетишди.

— Нима бўлди? Нимага ўт олмаяпти? — сўради Акмалжон бошини чиқариб.

Комилжон алланима деб ғўлдирарди.

— Ердам берайми?

— Йўқ, кетаверинг, ўзим.

— Ҳайдайверинг, у ношуд ҳали-вери юргизолмайди, — деди Мавжуда. — Унга қарайдиган бўлсак, эрталабгача ўтираемиз шу ерда.

— Биз кетдик бўлмаса.

Комилжон етиб олсин деб Акмалжон атайлаб секин ҳайдарди.

— Мен, сизларнинг можароингизга аралашмоқчи эмасман-у, синглим, — дея гап бошлади Акмалжон катта йўлга чиқишгач. — Ҳар қалай, уни кечирсангиз бўларди.

Мавжуда ток теккандек сапчиб тушди. Олдинги ўриндиқ суянчиғига кўксини тираб, Акмалжоннинг юзига тикилди.

— Кечирсангиз?! Нима деганингиз бу?!

Акмалжон машинани четга чиқариб тўхтатди. Қизга ўгирилди.

— У сиздан айрилиб қолишдан қўрқади, холос. Бўлмаса шунча ҳақоратларингизга чидаб, орқангиздан соядек эргашиб юрармиди?..

— Бас қилинг! Мен бу ҳақда гаплашишни истамайман! — Мавжуда орқага суянди. — Ҳайданг, кетдик.

— Наҳотки у сал бўлса-да ёқмаса?

— Еқмайди! Тирноқчаям! — жаҳл билан деди қиз. — Кўргани кўзим йўқ!

— Ёлгон айтяпсиз. Ҳали, бу ёққа келишда, у орқада қолиб кетганда, ташвишланиб неча марта орқага қараганингиз-чи?

Мавжуда лабларини буриб, тескари қаради.

— Яхши кўрасиз, фақат бемаъни манманлигингиздан, худбинлигингиздан тан олгингиз келмаяпти.

— Бекор айтибсиз!

— Ё бўйи паст, жуссаси кичик бўлгани учунгинами?

— Йўқ, бунинг учунмас. Кўряпсиз-ку, қанчалик латта, бўшашганлигини. Ўлгудай қўрқоқ, писмиқ. Бунақа юраксиз, журъатсиз одам пасткаш ҳам бўлади. Наҳотки сиз шу бузоқни менга муносиб кўрсангиз! У шунчалик ожиз, нотавонки, ўзини ҳам ҳимоя қилолмайди. Мактабда ҳам ҳаммага масхара эди. Бирорта бола билан орият талашиб муштлашганини кўрганмасман. Сизнингча, шунга тегиб... Ҳеч-да!

— Ҳа, сиз ҳақсиз. Бунақа одам ростдан ҳам ачинишга арзимайди.

Акмалжон машинасини ўт олдириб, энди тез ҳайдаб кетди. Лекин сал юргач, қандайдир одамлар кўча ўртасига чиқиб йўлларини тўсишди.

— Оббо, бу қанақаси бўлди? — тўнғиллади Акмалжон ноилож тормоз бераркан. Машина йўлтўсарларга деярли тақалиб тўхтади. Акмалжон чироқ ёруғида тўйдаги йигитларни таниб, дарчадан бошини чиқарди.

— Нима гап, ўртоқлар?

— Ҳеч гап. — Мавжудадан тарсаки еган йигит илжайиб яқин келди. — Жуда узоқ куттирвординглар, йўлда нима бало қилдинглар ўзи?

Йигитлар кулишди.

— Нима гапингиз бор? — деди Акмалжон аччиқланиб.

— Сизгами? Раҳматдан бошқа ҳеч гапимиз йўқ. Минг раҳмат, яхши хизмат қилдингиз. Йўлдан қолдирганимиз учун узр. Опачамиз билан икки оғиз гаплашамиз, кетаверасизлар.

— Шу қиз билан икки оғиз гаплашиш учун беш киши чиқдингларми?

— Йўғ-э, булар холис одамлар, дўстларим. Биз тўйда ўтириб шарт боғлашиб қўювдик. Опамнинг хабарлари бор. Бир минутга ташқарига чиқади, ўша шартни ҳал қиламиз, кейин бемалол кетаверасизлар.

— Башаранг курсин! — Мавжуда юзини ўгирди. Сўнг ойнани беркита бошлади.

— Эй, йўқ, жонидан, ойна қўтқаролмайди сизни. — Йигит ҳамон илжайганича ярим кўтарилган ойнани ушлади. Мавжуда нариги бурчакка қисилди.

— Қўрқманг. Юзимга тупурган бўлсангиз ҳам сизни қаттиқ жазоламайман. Шартимиз ўша-ўша: иккита бели синмаган йигирма бешталик сизники. Фақат энди мен эмас, сиз ўпасиз мени.

«Ярамас-эй, демак, ҳали шунинг учун тарсаки еган экан-да. Наридан борса мактабни бултур битирган-у, бойваччалик қилади. Пулдорларнинг эркатойи бўлса керак-да, — ўйлади Акмалжон нима қилишини билмай. — Чиқсам, албатта, муштлашишга тўғри келади. Унда, эртанги, телевидениедаги запись нима бўлади? Ахир бунақа имконият ҳадеб келавермайди. Ҳамма ёғим қашқа бўлиб борсам... Кўнгилчанликнинг оқибати шунақа бўлади. Шокир акага йўқ деб, шартта кесиб қўя қолишим керак эди. Ҳалиги сўтак бир нарса қилиб олиб кетарди. Оббо, энди нима қилдим-а?...»

— Менга қаранг, оғайни, — деди Акмалжон юмшоқ овозда. — Сиз билан биз йигит кишимиз, эркакча иш қилайлик. Қайси аёл ўшанча одамнинг олдида ўптиради сизга?

— Нима бўпти! — ўшқирди машина олдини тўсиб турганлардан бири яқин келиб. — Қош қоқиб, кўзини сузиб пулларимизни шилиб олишга уялмайди-ю, ўптиришга уялади-ми?

— Неча сўм қистирган бўлсаларинг мен қайтариб берай. Мавжуда кечирим сўрайди.

Йигитлар кулишди.

— Пулингиз ўзингизга сийлов, — деди бақалоқ. — Биз у пулларни кўнгил хуши учун қистирганмиз. Пул — қўлнинг кири. Керак бўлса яна беришимиз мумкин. Кечирим билан иш битмайди. Шарт бажарилиши керак. Лекин сиз аралаша кўрманг. Мен жуда аёвсиз муштлашман. Майиб қилиб қўйишим мумкин. Бундан ташқари, машинангиз ҳам соғ қолмайди. Чиқшингиз билан зовурга ағдариворамиз. Ҳазилмас, чин сўзим, ака. Яхши қиз, иззат қилиб шунча кутганимиз етар-а?

У орқа эшикни зарб билан очиб, Мавжуданинг билагидан чангаллаб ташқарига судрай бошлади. Акмалжон чиқмоқчи бўлиб эшикни очганди, гапга аралашган йигит қарсиллатиб ёпди.

— Қисиб ўтиринг! — деди таҳдид билан. — Айтди-ку, Обид, аралашманг деб. Башарангизни қизил рангга бўяб қўяман бўлмаса.

Бу орада бақалоқ қизни машинадан суғуриб олди. Мавжуда овоз чиқармай, кучи борича олишарди.

— Ҳа, қани-қани, хўрозман деб мақтанганинг-мақтанган, кўрсат-чи, хўрозлигингни, — хохолашиб қайрашди бақалоқни.

Акмалжон бу таҳқирли манзарага томошабин бўлиб ўтириш номардлик эканлигини биларди-ю, ташқарига чиқолмасди, Эшикларни икки томондан икки ўсмир тўсиб туришарди. Чиқишга бир-икки уринди-ю, удалай олмади.

Шу пайт орқадан бир машина келиб, қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Акмалжон ўгирилиб қаради, лекин чироқларнинг ўткир нури кўзини қамаштириб, қанақа машина эканлигини дабдурустан фарқлай олмади. Ундан кичкина одам тушгандагина Комилжонни таниб қолди.

Комилжон бир зумда олишаётганлар олдида пайдо бўлди.

— Қўйвор! — ғайритабиий овозда ҳайқирди у.

— Бор-бор, ўтиб кетавер, болакай, йўлингдан қолма, — деди Обид парво қилмай. — Аралашма.

— Қўйвор деяпман, ит!

— Нима дединг! — Обид Мавжудани қўйиб юбориб, Комилжонга хезланди. — Қани, яна бир қайтар-чи, чиллашир!

— Мавжуда, машинага чиқ, — буюрди Комилжон лапанглаб яқинлашаётган Обиддан кўз узмай.

Лекин Мавжуда кетмади. Сўлоқмондай йигит билан чурқ этмай олишган, унга бўй бермаган қиз ҳолсизланиб чўк тушди-да, юзини қўллари билан яшириб, йиғлаб юборди.

— Нима қилай, болалар? Урсам, ўлиб қолмасмикин бу жўжа? — деди Обид Комилжондан икки қадамча берида тўхтаб.

— Улмайдиган қилиб ургин-да, хўкиз, — кулди йигитчалардан бири.

Шу пайт Комилжон коптокдек сапчиб, Обиднинг иягига калла қўйди. Бақалоқнинг жағи қарсиллаб кетди. Зарба кучли бўлса-да, йиқилмади, гандираклаб оғзини чангаллади.

— Тишни единг-ку, ифлос! — деди ерга тупураркан. Сўнг шиддат билан Комилжонга мушт отди. Агар текканида, ерга парчинлаб қўйиши мумкин эди. Комилжон чап бериб қолди. Бўш кетган зарбаси кучидан Обид ўзи мункиб тушди. Урнидан туриб келаётган эди, Комилжон яна бир зарба берди. Бақалоқ ихраб қорнини чангаллаб қолди. Комилжон боксчилар усулини ишлатиб, бир неча мушт туширганди, ўзини ўнглолмай йиқилди.

— Қани, энди сенлар кел! — деди Комилжон ҳансираб. — Номардлар! Аёл кишини таҳқирлатиб томоша қилиб туришибсан-а! Қани, юраги боринг келавер!

— Вой жўжахўроз-эй, ҳаммамизни урмоқчи шекилли, — деди машина буферига оёғини тираб турган йигит. — Сазаси ўлмасин бола бечорани.

Унинг ёнидаги ҳам кўзғалди. Иккаласи Комилжоннинг икки тарафидан кела бошлади. Комилжон чап ёқдагига мушт туширган эди, йигит чўккалаб қолди.

— Бало экан! — деди наригиси. Комилжон унга ҳам мушт солган эди, чап бериб, қўлидан ушлаб олди-да, зарб билан гарданига урди. Комилжон гандираклаб наригисининг олдига бориб қолди. Уни тепди. Бу орада Обид ҳам ўрнидан туриб олган эди. Комилжон учаласининг ўртасида қолди.

Акмалжон машина ичида ўтирганча, абжир Комилжоннинг уч кишига бас келаётганини ҳайрат билан кузатарди. Мавжуда ҳам чўк тушганича, муштлашаётганларга эсанкираб қараб турарди.

Комилжон ҳамон олишарди, лекин ора-сера зарба бераётган бўлса ҳам, кўпроқ калтак еяётган эди. Рақиблар шу кичкина йигитчага бас келолмаётганлигидан қутуришиб, аёвсиз уришарди. Охири Комилжон ҳолсизланиб чўккалаб қолди. Бир-икки тепкидан кейин эса йиқилди. Йигитлар уни ҳамон тепишарди.

Шу дам Мавжуда йигитлар олдига югуриб келди.

— Бас! Урманглар! Ярамаслар! Бўлди! — деди биттасининг қўлига осилиб.

У қизни бир силтаганди, икки-уч метр нарига бориб йиқилди. Шундан сўнг Мавжуда йиғлаб ялинишга ўтди.

— Жон укалар, қўйинглар, урманглар, ўлдириб қўясизлар, ахир! Майли, нима десанглар мен розиман. Фақат урманглар.

Қизнинг гаплари, ҳар қалай, йигитларга таъсир қилди шекилли, Комилжонни тепишдан тўхташди.

— Мана бу бошқа гап, жонидан, — деди Обид. — Олдинроқ рози бўлганингда, шунча ғавғо бўлмасди.

У Мавжуданинг белидан қучоқлади. Қиз йиғларди-ю, қаршилик кўрсатмасди.

— Обид! — амирона хитоб қилди машинанинг ўнг томонида воқеани совуққонлик билан кузатиб турган йигит. — Қўйвор қизни!

— Нимага энди? Тошингни тер.

— Қўйвор деяпман, бўлмаса калтакнинг қолганини мендан ейсан.

Обид ноилож Мавжудани бўшатди. Қиз қимирламай ётган Комилжоннинг ёнига тиз чўкди. Йигитнинг бошини кўтариб, тиззасига қўйди-да, юз-кўзларидаги қон аралаш тупроқларни арта бошлади.

— Комилжон, Комилжон, тур, тура қол, кетамиз, — деди титроқ овозда. — Яра-маслар, шунчалик ҳам урасизларми!.. Тура оласанми? Кел, менга суян.

— Обид, нимага қоққан қозикдек ғўдайиб турибсан? — деди бақалоққа дашном берган йигит ғазабланиб. — Кўтар, Комилжонни. Уйига олиб бориб ташлаб келамиз.

— Қоч, тегма, — деди Комилжон ҳорғин товушда. — Ўзим тураман ҳозир.

У Мавжуданинг ёрдамида ўрнидан қўзғалди-да, оқсоқланиб машинаси томон юрди.

Уйига ташлаб келамиз, деган йигит Комилжонга ёрдамлашди.

— Раҳмат, — деди Комилжон.

— Нимага менга раҳмат айтяпсиз? — ҳайрон бўлди у. — Сўнг Комилжоннинг ёнига чиқиб ўтирган Мавжудага боқди. — Қизингизга айтинг раҳматни... Ҳайронман, анави қуёнюракнинг машинасига нега чиқдингиз?.. Машинани ҳайдай олмасиз, Комилжон? Лоақал мен бирга борай.


— Ҳожати йўқ, эпларман... Ўнг оёғим билан чап елкам қаттиқроқ оғрияпти-ю, ҳеч қиси йўқ, етволамиз. Раҳмат, хайр.

Улар машинасида қимирламай ўтирган Акмалжонга қарамадилар ҳам. Ёнидан ўтиб жўнаб кетишди.

— Яхши иш бўлмади-да, — деди Комилжон билан муштлашган йигитлардан бири афсусланиб. — Обид ўпканинг гапига кириб... Бекордан-бекор урдик. Аслида манави номардни дўппослаш керак эди, — деб қўйди, Акмалжонга қараб.

— Э, қўйсанг-чи, муштингни ҳайф қилма. Уришгаям арзимади у.

Йигитлар қишлоққа қараб кетишди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Карахт Акмалжон эса ҳамон машинаси ичида қотиб ўтирарди.



Зебо Раҳимова

СИЗГА НИСОР МЕНИНГ ГУЛ УМРИМ

Умид ҳақида кўшиқ

Минг бир изтиробда сен кузатган кун,
У — сени сўраб келгувчи тунлар,
У — сенинг кўнглингни сақлаган бутун,
Илинжни кўтариб турган устунлар.

У илк бор дунёга очилган эшик,
Сен туғилган кундан бошланган йўлдир.
Сен кекса дунёнинг дардига энди
Умид йўқ деганлар топилса, ўлдир!

Учлик билан кучга тўлади танинг
Умр сўнгги виро айтиётганда.
Умид — кўзларингда ёнган имконинг
Улим остонадан ҳатлаётганда.

Ишонма, «умид йўқ» деб кимки айтса,
Токи тирик экан энг сўнгги жонзот,
Токи тирик экан энг сўнгги майса,
Умиддир, умиддир, умиддир ҳаёт!

* * *

Тупроқни қоқ ёриб кўкарди қорлар,
зангори бўйини кўрсатди сабр.
Юракни тарс ёриб чиқди баҳорлар,
фақат ёрилмади бирорта қабр.

Ҳар бир ҳужайрага кунлар жойланди,
ҳар саҳар тушларга излади таъбир.

Жўяли жавоблар топди тасалли,
фақат ёрилмади бирорта қабр.

Тирик туриб йўқотмоқ оғир,
Улим — ҳақ деб куйлар қабрлар.
Сабрга осилиб йиғлади шу кун
етимча, ноумид таъбирлар...

* * *

...Қаҳатчилик... илдиз теришга ўтган ўғил-
ларим оқиб кетди, аммо, икки болам ҳам
дод демади — нон деб кетди.
Ҳадича ачанинг онамга ҳасратидан.

Кўнглида бир дарё оқади,
шовуллаиди унда зор соғинч.
Ҳасратлардан кўпчиб ётади,
болаларин соғинган оғуш.

Етмиш ёши етмиш кун бўлди,
бу ҳаётнинг тош йўлларида.

Қирқ йил умри тентираб ўтди
Қашқадарё соҳилларида.

Шод кунлардан беркитолмади
кўнглидаги яраларини.
Қирқ йил бўлди, унутолмади
оқиб ўлган болаларини.

Иссиқ нонга бағрини бериб
қонайверар дил нолалари:
Ҳоли келмай нон деб йиғлашга
оқиб борар бўз болалари...

* * *

Бир куюқ дарахтзор, дарахтзор —
қадди тик шохларда охирги
япроқлар сайрайди азонлар.
Беҳидай сарғайган боғларда
қизариб пишади хазонлар.

Безовта учади қағиллаб
чорбоғдан чорбоққа қарғалар.
Қиш келар йўлларни бўйлайди
дарахтлар — қанотсиз дарғалар.

Бир куюқ дарахтзор, дарахтзор
пойида мудрайди шамоллар.
Уйларида термилади жим
тирамоҳга ўхшаш аёллар.

Эй-й-й!.. Сулувим! Ёйилиб кулади
офтобнинг илитмас нурлари.
Ийийди боғларнинг фотиҳа тилаб
осмонга узатган кўллари.

Қўнишади боғларга кириб
ноябрга ошиққан йўллар.
Кузни кузатади ойнаклардан жим
дераза ортида гуллаган гуллар.

Сизга нисор менинг гул умрим

Туркумдан

Китобнинг чиройли тоғли гўшаси бўлмиш Башир — отамнинг қишлоғи. Болалигимнинг синчков нигоҳларида ўрнашиб қолган қишлоқ ҳозирда бир оз ўзгарган, «замонавийлашган». Аммо, болалигимни қўмсасам кўз ўнгимга йигирма йил олдинги Башир юзиб чиқади. Баширни қўмсасам баҳайбат чинорларнинг улуғворлиги юрагига сиғмаган, Ҳаммом чашма тубида фаришталарнинг мунчоғи тўкилганига дил-дилдан ишонган, қишлоқнинг сирли оқшомларида афсоналар тинглаб тонг оттирган, Олағуч харсангларидан тош хина териш учун ҳар йили ёзги таътилни орзиқиб кутадиган жамалаксоч қизалоқ келаверади.

* * *

Сизга нисор менинг гул умрим,
Китобимнинг дашти, даласи.
Чопиб чиқар шеъримдан бир кун
шу қирларнинг жўшқин боласи.

Маҳтал қилмай тутқазади у
бинафшали шеъринг гулдаста.
Варақлайсиз узоқ қишлоқни,
варақлайсиз Китобни аста.

Орзиқтирар сизни хаёллар
эсаётган жаннатдек юртдан.
Юрагидан қондек сирқиган,
кўзларига сиғмаган Ватан.

Эҳ-ҳе-ҳе-ей! Акс-садо гумбирлаб қотар
Сарфарознинг дараларида.
Тоғлардаги юрт кулиб ётар
юрагимнинг яраларида.

Боболарим эниб кетган сой,
сизга нисор менинг гул умрим.
Шу тупроққа сажда қилган тун,
шу тупроқда отган ҳар куним.

Ҳидингиздан бошим айланди,
кўзим тинди пучмоқларида.
Йиқиламан кўнглимдан томган
шеърларимнинг қучоқларига.

* * *
Отамнинг юртида тоғлар ухлади,
сарғайган қирларни беади қорлар.
Ютонсой сувида оқиб кетди куз,
пайғамбар ёшига кирди баҳорлар.

Қобилнинг чинори хувиллаб қолди,
мол излаб ҳоримас Удумда кимса.
Сарфароз ёқларни қор босди, ота,
шу оқшом қиз кўрди Гулбуви тумса.

Сесканиб ўғонди қишлоқ, даралар,
милтиқ варанглаган совуқ сахарда.
Оқшом тош тиралган синиқ дарвоза
ғирчиллаб очилар бугун наҳорда.


Олағуч томондан офтоб ёйилди,
қирларга ўрлайди қишлоқ подаси.
Қишлоққа энади Сайфулла овчи
белида сурмакўз каклик шодаси.

Иссиқ нон ҳидини таратар ўйлар,
эшиқлар пойида мис офтобаси.
Орзули кўнглини чулғайди ўйлар,
шаҳарни ўйлайди қишлоқ боласи.

«Зап қиш-да», чопонни бар урган чоллар
кўр тўкар чошгоҳ офтобрўяда.
Қаторда йўқларни йўқлайди чоллар,
эсланар албатта Қобил гўянда.

Бу сафар бошқача, амаким нотинч,
қор босган тоғларни бўйлайди чоллар.
Шу совуқ кунларни қучади илинж,
ғанимат дунёни ўйлайди чоллар...

* * *
Хувв-в-в-в шамоллар Удумдан
қуйилади қишлоққа,
икки гузар оралаб
чиқиб кетади тоққа.
Олағучу Удумтоғ
арғумчоқ шамолларга.
Кўни бўйи кун бермас
қуйгунчак аёлларга.
Сертўполон шамоллар
бир кўшиқни куйлайди.
Башир қишлоқ ҳеч қайда
топилмас деб ўйлайди...
Тизза бўйи тупроқни
кечиб яшар шамоллар.
Ҳар кўни бир сўроқни
ичиб яшар шамоллар:
хув-в-вув Опчанинг оғзида
қирқ беш йилки бир савол,
кимни кутар шунча йил
икки кўли бўш аёл?..



МОЗИЙНИ КУЙЛАГАН АДИБ

(Ўвдат Илёсов хотирасига)

Юртодошимиз — ёзувчи Ёвдат Ҳасанович Илёсов (16. 02. 1929 — 19. 06. 1982 й) Бошқирдистон АССР Ермакеев районидagi Исломбахти қишлоғида туғилди.

У ўқувчилик йиллариданоқ расм чизишни, шеър ёзишни, ҳаммасидан ҳам китоб мутолаасини яхши кўради. Г. Флобернинг «Соломбо», С. Бородиннинг «Дмитрий Донской», В. Яннинг «Чингизхон», «Ботухон» асарлари унда бадий адабиётдаги тарихий мавзуга катта қизиқиш уйғотди. У Бело-рецк шаҳридаги педагогика билим юртида таҳсил кўрди.

Е. Илёсовнинг ижод йўли 1949 йилдан бошланиб, унинг шеърлари, очерклари, лавҳалари «Белорецкий рабочий» номли шаҳар газетаси, «Ленинец» номли бошқирд ёшлари газеталари саҳифаларида эълон қилина бошланди. У 1952 йилдан эътиборан «Ленинец» газетасида (Уфа шаҳри), «Ташкентская правда» (1953—1956 й. й.), «Қомсомолец Узбекистана», «Физкультурник Узбекистана» газеталарида мухбирлик қилди. 1957—1958 йилларда эса «Звезда Востока» журнаlining шеърят бўлимини бошқарди. У ўзбек, бошқирд, татар, қорақалпоқ, араб ва корейс тилларидан шеърлар, насрий ва драматик асарларни рус тилига таржима қилиб Тошкентда, Москвада, Уфада эълон қилдирди ва кўпмиллатли совет адабиётига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди.

У «Майра ҳақида кўшиқ», «Машаққатли йўл», «Тракторчилар» номли ҳикоялар муаллифи. 1958 ва 1966 йилларда Бошқирдистонда Е. Илёсовнинг «Бургут ва булбул», «Магар ўзинг ёна билмасанг...», «Кўшним билан ҳасратлашдим», «Булбул хониши» каби шеърлар китоблари рус тилида нашр этилди.

У татар ва қрим-татар тилларидан: Решид Муроднинг, Черкез Алининг ва Эмин Сеитумернинг бир неча шеърларини таржима қилган.

Араб тилидан М. Сумадахнинг «Ватан даъвати», «Мардлик», «Ҳижрон», қобуллик Маҳмуд Тарзининг «Ватанга муҳаббат», «Келдию кетди», «Хуштабиат», урду тилидан покистонлик шоир Файз Аҳмад Файзининг «Уйга ботиш» шеърларини таржима қилди.

Унинг «Ғазаб сўқмоғи», «Сўғдиёна», «Қуёш ва ўқ», «Доғли ўлим», «Қора бева», «Олтин бут», «Анахита қасоси», каби асарлари адабий жамоатчилик томонидан илиқ кўтиб олинди, мунаққидлар томонидан яхши баҳоланди. Бу асарларида муаллиф Ватани ва халқи учун жонини аямаган иродали, жасур, ҳалол одамлар образини яратиш билан бирга бизга узоқ мозий ҳақида ишонарли маълумотлар беради. Бу китоблар ўқувчини Кир ва Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) яшаган даврга етаклайди, мазлум халқларнинг босқинчиларга қарши мардларча кураши билан таништирадди. Булар орасида афсонавий даражада бой бўлган Крез ва босқинчиларни қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган чўлу биёбонда адаштирган номаълум подачи Широқ, энг кучли давлатларни забт этиб, Урта Осиёнинг суғд қабиаларидан мағлубиятга учраган Искандар Зулқарнайн; енгилмас Кирнинг йўқ қилиниши учун ҳатто ўзининг сеvimли ўғлини қурбон қилишдан қайтмаган тинчликсевар, инсонпарвар Тўмарис; мазлум халқнинг озодлиги учун шоҳлик салтанатидан воз кечган олижаноб Спитаменлар бор.

Аммо Ёвдат Илёсов асарларининг бош қаҳрамони оддий меҳнатқашдир ва фақат у, буюк Зулқарнайнлар эмас, оддий меҳнатқашгина тарихни яратади, — бу китобларнинг асосий ғояси мана шу; улар халқларнинг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга, босқинчи золимлар билан курашга чақирадилар. Шу ерда «Қорақалпоқ достони» муаллифи Т. Қаипбергеновнинг ушбу сўзларини эслаш жоиздир: «Ёзувчи учун тарихий асар яратиш, менинча, геолог учун ер тағидан фойдали қалаш жоиздир: «Ёзувчи учун тарихий асар яратиш, менинча, геолог учун ер тағидан фойдали қалаш жоиздир: «Ёзувчи учун тарихий асар яратиш, менинча, геолог учун ер тағидан фойдали қалаш жоиздир...» Мана Ёвдат Илёсовнинг ўзи бу ҳақда нима дейди: «Китоб ёзиш доналаб похол ғарам уйишдек машаққатлидир. Китоб учун материал тўплаш, баайни асарларининг гулдан-гулга кўниб бол йиғишини эслатади».

«Литературная газета» (1959 йил, 2 февраль) «Ўзбекистондаги рус ёзувчиларнинг китоблари» сарлавҳали мақоласида Марказий Адабиётчилар уйида икки кун мобайнида Ўзбекистонда яшаб ижод этаётган рус ёзувчиларининг асарлари муҳокамаси бўлиб ўтганини маълум қилади. Ана шу муҳокамада Ёвдат Илёсов ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари ҳақида жиддий, ўртоқларча самимийлик вазиятида очиқча гап бўлиб ўтган, уларнинг асарларига берилган ижобий баҳолаб билан бирга калмчиликлари ҳам ҳаққоний равишда танқид қилинганди.

СССР Ёзувчилар союзидаги Ўзбекистон ёзувчилари асарлари муҳокамаси стенограммасида («Маҳорат мактаби» китоби, Тошкент, 1960) адабиёт мунаққидларидан Г. П. Владимиров, Л. М. Суюбоцкий, Б. А. Вадецкий, Л. Г. Бать ва бошқаларнинг Е. Илёсовнинг ижоди, айниқса дастлабки романи бўлган «Ғазаб сўқмоғи» ҳақида илиқ гаплари келтирилган.

Мана улар нима дейишади:

«...Ҳозирги замон ривожланиш босқичида мамлакатнинг узоқ ўтмишига мурожаат қилган санъаткор, уша даврда халқнинг ролини кўрсатиши керак ва кўрсади. Шу жиҳатдан тарихий мавзуда қалам тебратган, ёш истеъдодли адиб Ёвдат Илёсовнинг хизматини айтиб ўтмас булмайди. У ўзи-

нинг массагетлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи, узоқ ўтмиш давр ҳақидаги китобида халқнинг ўз озодлиги учун курашдаги жипслашувини кўрсатишга тиришади ва кўрсатади». (Владимиров Г. П.)

«Китобга («Ғазаб сўқмоғи») муаллифнинг ютуғи сифатида қаралиши керак. Негаки, унда ҳозирги ҳаётимизда ҳам муҳим роль ўйнаовчи катта ва муҳим мавзу, халқ ватанпарварлиги мавзуси, бу ерда тарихий материалга ёрқин ва қизиқарли тарзда сингдирилиб юборилган... Еш муаллиф... керакли, фойдали ва зарур бўлган ишни қилди, зеро китоб юксак савияда ёзилган» (Л. М. Субоцкый).

«Менингча, бу китоб ёзувчининг келажаги катта умид билан қарашимизга асос бўлиб хизмат қилади ва уни Москвада чоп этиш лозим» (Б. А. Вадецкый).

«...Катта умид билан қараш деган сўзга қўшилмайман. Ёзувчининг келажагига катта ишонч билан қарашимиз керак, негаки бу асар жуда тугал ва маҳорат билан ёзилган... Муаллиф ўша узоқ даврга, ўша давр одамлари қалбига чуқур кириб борган» (Л. Г. Бать).

Ушанда Ёвдат Илёсовнинг таржимонлик бобидаги маҳорати ҳам айтиб ўтиб кетилганди. Ёзувчи 50 ёшга ўлиши муносабати билан СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати ва ўзбек адабиёти совети томонидан йўлланган табрикда мана бу илиқ сўзлар бор эди: «Биз, Сизни, ҳикоя, қисса, романлари халқ орасида кенг тарқалган машҳур носир сифатида биламиз. Ўқувчи диққатини Сизнинг «Ғазаб сўқмоғи», «Сўғдиёна», «Қуёш ва ўк» каби асарларингиз ўзига жалб этган. Сиз тарихий роман жанрида муваффақиятли ишлаяпсиз. Буни қисса ва романларингиз кенг китобхонлар оmmasига маълумлигидан ҳам билса бўлади» («Литературная газета», 14 март, 1979 йил).

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси бўлиб ўз асарларида узоқ ўтмиш ҳақида ҳикоя қила олганини, ўз халқни бахти учун мислсиз жасоратлар кўрсатган кучли, иродали, ҳалол кишилар образини ярата олганини айтиш билан бирга, бу китоблар республикамиз ташқарисидан узоқларга етиб борганини, уларни мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида ўқиганликларини, бадий таржима борасида ҳам муаллиф самарали меҳнат қилаётганини таъкидлаб ўтди.

Ёвдат Илёсов сценарийси билан яратилган «Дорбозлар» бадий фильми ҳам катта муваффақиятга сазовор бўлди.

1975 йилда А. Ҳамдамов билан ҳамкорликда А. Платоновнинг «Жон» ҳикояси асосида «Жазирама ёз ўртасида, қайнаётган сувда» номли бадий фильм сценарийсини тугатди, 1976 йилда «Сўғдиёна» бадий фильми сценарийсини тугатди, 1978 йилда Т. Пулатовнинг «Ғоипнинг иккинчи саргузашти» асари асосида «Дарвишлар ороли» бадий фильми сценарийсини ёзди.

«Ойдан қулаб тушган одам» бадий фильми сценарийси (В. Тюрников ҳамкорлигида), «Мау-Мау», «Тош-Тангри сири», «Бунга-Банго», «Генерал Шерман» чўкяпти», «Осмонга қарши исён кўтарган роҳиб» қиссалари тугамай қолди.

Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Катта академик театри 1984 йилда Ёвдат Илёсовнинг «Доғли ўлим» қиссаси асосида «Тумарис» белетини сахналаштирди. У 1982 йилда А. Молдибоев номидаги Қирғизистон опера ва балет театри сахнасида қўйилди (У. Мусаев музикаси, О. Узоқов либреттоси).

Е. Илёсов ижодида жаҳон адабиётининг буюк классиги, мушҳур шоир ва мутафаккир Умар Хайём ҳақидаги қиссалари алоҳида ўрин эгаллайди. Булар «Афсунгар» ва «Сукунат минораси» асарларидир. Буларда шарқ халқларининг севимли шоири, астрономи ва файласуфининг мураккаб образини тушунтиришга ҳаракат қилинади. Бу асарлари ҳам ёзувчининг бошқа асарлари каби инсоният учун мангу бўлган маънавий-ахлоқий масалалар атрофида бўлгани учун ўқувчини янада ўзига жалб этади ва ҳозирги замоннинг кўплаб муаммолари ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Бизга муаллиф томонидан мураккаб даврлардан бири — Шарқ ўрта асрининг мудҳиш кунлари муҳити тарихан ҳаққоний тарзда ҳикоя қилиб берилади. Илёсовнинг қаҳрамони ўз даври Шарқ ҳаёти доирасига ўрналиб қолган эмас, унинг тақдири, унинг олим сифатидаги меҳнати, унинг шоир сифатидаги меҳнати, унинг носир сифатидаги иждоий фаолияти жаҳон тарихи кенг контекстига қўшилиб кетади; жиддий синовларга қарамай: (туҳмат ва ғазабга олиш, қашшоқлик ва атрофдагилар томонидан тушунмаслик) бир марта бўлсин у ўзига хиёнат қилмади, ўзининг истеъдоди, билими, тараққийпарвар интилишлари билан адолат учун курашди.

Е. Х. Илёсовни, мен, сўнгги кунигача адабиётга, журналистикага берилган, унга содиқ хизмат қилган одам сифатида тасаввур қиламан. Менингча, у бугунги кунда ҳаёт бўлганида, шак-шубҳасиз, ҳаётимизни янгилашга интиларди, демократия ва ошкоралик учун курашувчиларнинг олдинги сафида бўлган бўларди... шунингдек, бугунги адабиётимизни ташвишлантираётган жуда кўп масалалар ҳиқидаги ҳаққоний граждандлик сўзи ҳам худди шундай жанговар жаранларди...

«Қора бева» қиссасида одамларнинг интернационал жиҳатдан бирлашув процесси психологик жиҳатдан ишонарли очилади. Ойхон шаҳрига рус савдогари Олег, булғор Гайнан ва унинг хизматкори Сабур тасодифан бориб қоладилар. «Одамлар бир-бирисиз яшолмайдилар», дейди Сабур, — Булғорияда неча асрдан буён хоразмликлар жойлашиб, ўтроқлашганлар, уларни ҳеч ким ҳайдаган эмас. Аксинча, азиз меҳмонлардай улуғлаганлар. Хоразм эса, шунини айтиб ўтиш керакки, Русь билан савдо алоқалари қилган». Одамларда миллий тўсиқдан қатъи назар ягона мақсад пайдо бўлганди; уларни барча халқларнинг душмани — мўғул истилочилирига қарши бўлган нафрат бирлаштириб турганди.

«Соғлом ақл эгаси бўлган одамлар қўлда қилич билан бойлик учун бошқа мамлакатларга санқирмидилар? Бойликни улар ўз уйларида меҳнат билан топган бўлардилар», — дейди «Ғазаб сўқмоғи» романининг бош қаҳрамони Широқ форс шоҳи Дорога. Бу китоб ўттиз йил бурун ёзилган ва узоқ мезгилга тегишли эса-да, ҳозир ҳам ўз актуаллигини йўқотмаган.

Хуллас, Ёвдат Илёсов бошқа халқнинг маданияти ва тилига катта ҳурмат билан қарайдиган яхши таржимон ва яхши адиб сифатида қалбимизда ёрқин из қолдирди.

А. В. ГАРЕЕВ,
Н. К. Крупская номидаги Бошқирдистон
республика илмий кутубхонаси директори ўринбосари



Ўвдат Илёсов

Лифсунигар

БИРИНЧИ ҚИСМ¹
Жавзо Буржи

Биз келиб кетувчи тўгарак жаҳон,
На боши маълуму на сўнгги аён.
Ҳеч кимса ростини айтиб беролмас,
Биз қайдан келдигу кетурмиз қаён.

Умар 10 ёшга тўлди — Хуфу (Хеопс) эхроми қурилганига 3880 йил бўлди. Ашшур-банипал амри билан жамланган битиклар хазинаси бундан 1670 йил муқаддам йўқ бўлиб кетди. Арасту 1380 йил илгари оламдан ўтди. Улуғбек 336 йил кейин таваллуд топди. Жордано Брунони 542 йилдан сўнг ўтда куйдирдилар.

Умар ўн ёшга тўлганда илк бор Нишопурни тарк этиб, Астрободга борди. Отаси, давлатманд уста Иброҳим илгарироқ ёзда дам олиш учун Астрободдан унча узоқ бўлмаган Боғисанг қишлоғидан боғ ҳовли сотиб олганди.

— Бормасак бўларди. Замон нотинч.

— Худо меҳрибон, — деди Иброҳим. Бироқ эҳтиёт шарт белига қилич тақиб, уч бақувват хизматкорининг қўлига сўйил бериб қўйди.

— Оллоҳ ғафури раҳим! — сурур билан гапириб борарди Иброҳим йўлда. — Бу йил хурдод (май ойи) яхши келди. Бошқа йиллари шу кунларда ўт-ўлан қовжираб, дарахтларни чанг босар — қоқсанг, усти-бошингни тупроқ кўмгудек бўларди. Ҳозир-чи? Кечалари момақалди роқ гулдираб, жала қуйиб турибди, кундузлари эса офтоб чарақлайди. Ҳаво мусаффо. Атроф ям-яшил...

Сафар завқи унга олажак фойда ҳақида ўйлашга халал бермас, «Ёз серёғин келса — ҳаймага эҳтиёж ортади», — деб хаёлидан ўтказган сайин қувончдан кўнгли кўтарилиб борарди.

Улар карвондан ажралиб, Ферузгунд тоғ йўлига бурилишди. Ҳўл тошйўл қора тоғ қоясига туташиб кетган. Ўнқир-чўнқир сербурама бу йўлда осойишталик ҳукмрон эди.

Умар учун ҳар тонг шодиёна эди; у уйқудан уйғонар экан, ҳозир ғаройиб бир ҳодиса юз берадигандек туюларди: кўёш юз очади, қор, ёмғир ёғади. Шамол эсади. Иссиқ нон хушбўй таратади. У китоб кўради. Оппоқ атиргулдан баҳра олади, саратон тафтини унутади. Ҳаммаси оддий, шунинг баробарида мўъжиза, қандайдир сирсиноатга ўралгандек...

Борлиқ ёмғирда ювилган, ложувард, тоғ узра ястаниб ётган осмон ҳам, тошлар ҳам, япроқлар ҳам ярақлайди! Агар ҳозир Умарни чулғаб ётган туйғу афсун ила унинг моҳиятини ўзгартира олсайди, у йўл ёқасидаги буталар оралаб учаётган кушлардек чуғурлаб, қанот қоққан бўларди.

— Бугун сенинг таваллуд топган кунинг, — унга жилмайиб деди онаси.

— Худо умрингни шу бахтиёр субҳдек мусаффо ва фараҳли қилсин, — Иброҳим шундай деб отига қамчи урганди, улов нақ йўлтўсар туркийлар тўдаси олдидан чиқди.

Улар одан тушиб, тоғ ёнбағридаги йўлга қараб қиялаб борувчи ям-яшил жар ёқасида тўдаланиб туришарди. Қисик кўзларида аёвсизлик, ҳирс, шафқатсизлик акс этарди. Бу каллаварамларнинг қўллари метиндек, қалби тошлиги кўриниб турар, улардан яхшилик кутиш маҳол эди.

— Тўхта! — ўшқирди катта дағала кийган ёш туркман.

Жоҳил ва ёввойи бу йигит чавандозларникидек қийшиқ оёқларида лапанглаб, тўхтаб турган улов томон ғазаб билан аста-секин босиб кела бошлади. Иброҳимнинг хизматкорлари кўтариб олган сўйилларга қовоқ уюб боқди. Узиникилар томон ўгирилиб (улар ўн беш чоғли эди), хирилдоқ овоз билан қотиб-қотиб кулди.

— Қаранглар-а? Қуролланиб олишибди. Ҳа-ҳа-ҳа. — Яқин турган йигитга жаҳл билан деди, — сўйил кимга аталган, итвачча? Бизларга эмасми, а? Ҳозир сўйилинг билан ўзингнинг хом калланга туширмасамми! — У сўйилни тортиб олмоқчи бўлганди, дастлаб чўчиброқ турган Аҳмад ғазаб билан сакраб турди-да, сўйилнинг ўткир учини унинг кўкрагига найза каби урди.

Туркман фарёд кўтарди! Иброҳимнинг энг яхши хизматкори бўлган Аҳмад зум ўтмай қўллари орқасига қайриб боғланган ҳолда чўк тушиб ўтирарди.

— Сен... қаршилик қилдингми? — деди хириллаб туркман йигит, кўкрагини уқалар экан. — Юз динору уч пайса! Осон қутуламан деб ўйлама.

— Хўжам! — даҳшат билан дод солди Аҳмад тош қотган Иброҳимга қараб...

— Додлама, — тўнғиллади босқинчи пешонасини тириштириб. — Бу ерда мен хўжаман. — У ингичка узун пичоқ чиқарди ва орқадан келди-да. Аҳмаднинг бурун катакларига бармоқларини туқиб, бошини орқага шартдан қайирди. Дами қайтган Аҳмад тупугини ютмоқчи эди, кекирдаги бенажот титради.

Изтиробда қолган Умар титраб турган бу кекирдакни туркман пичоқ дами билан мўлжалга олаётганини кўриб қолди.

— Қарама, — деди онаси қалтираб.

Бола онасининг ортига яшириниб, кўзларини қафти билан беркитди. Бироқ ҳамма нарсани эшитиб ва сезиб турарди. Фарғара аралаш қисқа хириллашни, ўтга ёмғир томчилаганда чиқадиغان товушни эшитди, нотаниш ширин, илиқ гангитувчи ҳид таралди...

— Кўрдиларингми? — туркман одатга кўра қонга бўялган пўлатни ялади. — Қани, ярамас сўйилларингни гулханга қаланглар-чи! — У ҳўл шох-шабба чирсиллаб тутаётган писиллаган гулханга ишора қилди. Гапга тўн кийгизгандек хурсанд иржайди. — Утин олиб келганларинг учун раҳмат. Бўлмаса, гулханни дурустроқ ёқиш учун ҳеч вақо йўқ эди.

Гулхан гувуллади, бадқовоқ туркманларга ҳам жон кирди.

Тўда бошлиғи ҳали ҳам ўзига келмаган Иброҳимга қараб деди:

— Аравани ҳам бузишга тўғри келади. Шунда гулханни гуруллатса бўлади. Тушларинг. Қопларингдаги нима — обиёвғонга арзигулик нарса борми?

У туркча, бўғиқ овоз билан гапирарди, лекин Хуросонда турклар истилосидан кейин дастлабки йиллардаёқ чўлда яшовчиларнинг тилини тушунадиган бўлиб қолгандилар.

— Уят эмасми? — деди Иброҳим аста, хотинига ва ўғлига пастга тушиш учун ёрдам берар экан.

— Нима дединг? — қўполлик билан сўради босқинчи. Қисилган қора кўзларидан талмовсирагани сезилиб турарди. Афтидан, у «уят» ва «виждон» сўзларини камдан-кам эшитса керак.

— Мусулмонларни талаш уят эмасми? — хўнграб йиғлаб юборди Иброҳим.

— Ҳа-а... — Туркман хомуза тортиб, қалпоғини қорайиб кетган пешонасига туширди-да, гарданини қашиди. — Мусулмонлар... — Шу ондаёқ ғазабга минди, — юз динору уч пайса! Бизлар кимлармиз?! — У қизишиб, тутила-тутила, кутилмаганда сўзамоллик билан худди кимнингдир олдида, балки ўз виждони олдидадир, ўзини оқлаб қолишга шошилгандек, унсиз туриб қолган Иброҳимга алам билан гапирарди, — биз... бизнинг бадбахт қабиламыз... Сирдарё бўйларида яшаган пайтларда, — шундай дарёни эшитганмисан? — Жанд ҳокими... нима учун бизларга ёпишиб олди? Худо билади. Кўчманчиларни хонавайрон қилди. Молини ҳайдаб кетди. Менинг саккиз минг уруғдошимни... тиғдан ўтказди. Улар ғайридинмиди? Ҳаммаси, гўри нурга тўлсин, мусулмон эди. Лаънатлаш эмас, раҳм-шафқат қилиш керак бизларга! Хуросонга бош олиб кетишга тўғри келди. Шунда нима бўлди? Юз динору уч пайса! Хомкалла султонингиз Маъсуд Ғазнавий... биз, туркманларнинг қонига ташна экан. Яхши ҳамки, бизнинг абжир Тўғрулбек уни Серахс ёнида ер билан яқсон қилди. Энди эса ҳаммани сўйиш ва талаш даври бизники. Яраланган йўлбарс жуда хавфли бўлишини биласанми? Шунақа. Эй, қоплар билан хумларни ерга туширинглар-чи! — буюрди у ўзи каби қора-қура ва ёвуз ёрдамчиларига.

Она кўрқа-писа айтиб йиғлай бошлади. Иброҳим билан Умар бўзариб, лол қотиб туришарди. Умарнинг боши ғувиллар, оёқлари қалтирар, ич-ичидан қайноқ титроқ босиб келарди. Босқинчилардан бири аравадан катта яшил тугунни итқитганда, у тоқат қилмади:

— Тегма!

— Оғир-ку, — ҳайрон бўлди туркман. — Нима бор буни ичида? Олтин эмасми, а?

— Олтин? — уларга яқинлашди тўда бошлиғи. — Қани-и... — Тугунни ечиб, силкитган эди, йўлга қоп-қора ғиштлар тарақлаб туша бошлади.

— Нима бу? — ғалати ғиштлар олтин қуймаларига ўхшамаганидан ҳафсаласи пир бўлиб сўради босқинчи.

— Китоблар.

— Китоблар? Ҳа! — Марва бундай китобларнинг кўпини ёқиб юборгандик, — эслаган бўлди туркман. У энгашиб, сандал муқовали бир китобни қўлига олиб, очди. — Ҳиди яхши экан! Манави нима? Қандайдир чорқирра, чизиқлар, бурчаклар, доиралар. Нима ҳақда ўзи бу китоб? — қизиқиб Умарга юзланди. — Балки жин чақирадиган афсунлар китобидир.

— Уқлидус хандасаси.

— Уқлид ким, мусулмонми?

— Йўқ, — жавоб берди Умар Аҳмаднинг мурдасига қарамасликка тиришиб. — У қадимда, пайғамбардан олдин яшаган. У румлик эди.

— Шу ярамас китобни ўқийсанми?

— Ўқийман. Лекин у ярамас эмас. Дунёдаги энг ақлли китоблардан бири.

— Сен, итвачча, қай тилинг билан лаънати маъжусийнинг китобини мақтаяпсан? Имонсиз китобингни ўтга ташлаш керак! Қуръонни ўқимоқ даркор.

— Мен қуръонни ҳам ўқийман, — ҳозиржавоблик қилди Умар, — маълумингиз бўлсинки, мен уни ёд биламан!

— Бутун қуръонни-я? — ҳайратга тушди туркман. — Алдаяпсан!

— Мен ҳеч қачон ўтрик сўзламайман.

— Унда биронта оятни ўқиб бер.

Умар кўзини юмиб эслай бошлади-да, оҳангдор арабча оятни қироат қила бошлади. Лекин ҳар бир сўзни талаффуз этганда унинг овози узилар, оқибатда оят аниқ чиқмасди. Мактабда бўлганида бундай ёмон ўқигани учун устозидан дарра ерди. Лекин босқинчи араб лисонининг нозик томонларини тушунмасди. У араб тилини умуман билмасди.

— Бизнинг тилимизда бу нима дегани?

— «Оллоҳ бошқа оилаларга ато этган неъматларга кўз тикмагил». Йигирманчи сура, юз ўттиз биринчи оят.

— Э-э... — туркманнинг пешонасини тер босди. Оёғи беҳос мадорсизланганини сезган туркман рангпар бола ўқиган оятнинг мазмунидан кўра кўпроқ боланинг ўзидан, унинг дадиллигидан, хотирасидан ва идроклигидан зарба еб, чўккалаб қолди.

Бу ёш эроний таратаётган дониш ёғдуси чўл кишисининг жоҳил кўзларида хира аксини топди. Афтидан, бу зўр ёғдунинг бир тола нури унинг миясига қадар етиб бориб, онгига ғулғула солган кўринади. Унинг қалбиди қандайдир ўзгариш юз берди, нимадир бир оз равшан тортгандай бўлди. У жанг қилишни биларди. Қилич зарбасини қандай қайтариш дурустлигини ҳам биларди. Аммо сўз зарбасига қандай жавоб беришни билмасди.

Уни ғалати ваҳима босди.

— Менга нима бўляпти? Бетоб бўлиб қолмадиммикин, худо асрасин. — Бироз сукут сақлагач, ҳуши учиб деди, — шу китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанмисан?

— Йўқ. Ўқиганларим уйда қолган. Буларни энди ўқийман.

— Қийин эмасми? — сўради туркман болаларча соддадиллик билан.

— Нима?

— Шу... ўқишни ўрганиш-да?

— Асло қийин эмас.

— Ҳм... Исминг нима?

— Умар.

— Меники — Уроз. Сен, балки, бир кун машҳур киши бўлиб кетарсан, а?

— Худо хоҳласа, — тилёғламалик билан деди Иброҳим уларнинг чангалидан халос бўлиш илинжида. Унинг бутун вужуди, асаб томирлари узиладиган даражада таранг тортилганди.

— Оллоҳ, оллоҳ, — ўйчан тин олди туркман. — Нима деб ёзилган дегандинг: «Кўз тикмагил» миди? — У хира кўзларини ерга тушириб қўйилган қопларга, тугунларга, хумларга тикди, тўсатдан, ичдан ўзини босмоқчи бўлиб, лекин боса олмай, гулдурган овоз билан деди, — шу вақтда бало борми йўлга чиқиб! Уйда ўтирсаларинг бўлмасмиди, юз динору уч пайса! Онангни, дўстим Умар, менинг ўтовимга киритиб юбориб, ўзингни ва падарингни, анави қўрқоқ хизматкорларинг билан бозорга олиб чиқиб, отингни тортиб олиш керак эди-ю... Қани, кўнглим юмшаб турганда туёқларингни шиқиллатиб қолларинг-чи! Маза қочиб қолмаганидами... Китобларингни ва заҳираларингни олиб кетларинг. Лекин бир қоп донни олиб қоламиз. Ҳой! — шанғиллади у шерикларига. — Ҳаммасини қайта юкланглар. Бир қоп донни қолдириглар. — Умарнинг тиниқ кўзларига тикилди-да, нохуш им қоқди. — Йирик одам бўлсанг, мени унутма. Эслаб қол: Урозман, қиниқ қабиласидан, шоҳ Тўғрулбек билан бир уруғданман. Омон бўл! Сенлардақа боқирларни эса, — деди Иброҳимнинг хизматкорларига, — хайр-маъзур олдидан хўп сар-

валаш лозим эди-ю, хайр, майли. Нечун бундай ландавурларни боқиб юрибсан? — му-рожаат қилди у устага.

— Улардан нимани ҳам кутасиз, жаноб? Хунармандлар-да, ювош халқ.

— Ювош халқмиш-а... — унинг белига кўз қирини ташлади туркман. — Қилични еч, бер буёққа! У сенга керак бўлмайди.

* * *

Боғисанг оқсоқоли ҳайратдан ёқа ушлади:

— Бундай гадейтопмас жойга нечун келдингизлар, жаноб! Ҳордиқ чиқариш учун бошқа жой топилмадими? Узр, янги кишиларни кўриб хурсанд бўламиз, албатта. Лекин бу ерда аҳвол жуда ночор, хароб-да. Ун етти кулба, бир ҳовуч одам. Зерикарли жой.

— Бу оғир замонда, — тин олди Иброҳим, — эҳтиётдан ишончли бошпана қилиб қўйиш даркор. Бу ерлар тинч-ку, ахир?

— Эҳтимол, — жавоб берди мўйсафид бўшашиброқ. Сўнг кўзини олиб қочди.

Катталар жуда хит бўлишади-да. Маза-бемаза иш билан шуғулланмаса кунни кеч қила олишмайди. Васиқани текширишадими-ей. Шарбатдан татиб кўришадими-ей. Янгиликлар ҳақида гапиришади. Катталар шу иш билан банд экан, Умар ёзги оромгоҳни кўргани югурди.

Отаси ҳақ гапни айтибди: раҳмдилликда оллоҳнинг даргоҳи кенг экан. Жаннат тўғрисида Умар, албатта, кўп эшитган, бироқ арши аъло ато этадиган жаннат — олдинда, олисда, Умарга насиб қиладими-йўқми, номаълум — ҳозироқ гуноҳи кўпайиб қолган; ердаги жаннат эса шу жойда бўлса керак.

— Эҳ, азизим! — эзилиб, бирилдоқ, чўзиқ овозда, лекин самимий деди тўсиқнинг ёнида ўтирган ва уни кузатмоққа чоғланган, кичкина, ориқ, Умардан бўйи салгина баланд, қоп-қора жонсарақ чол... — Қишлоғимизни Боғисанг деб бежиз айтишмаган. Кўряпсанми, бу ерда дарахтдан кўра тош кўп. Арпа экиш учун тупроқни узоқ водийдан саватда келтирамиз. Қоятошлар орасидан бўш жойни топиб, тупроқ тўкиб, арпа экамиз. Оладиган ҳосилимиз қанақа бўлишини ўйлаб кўравер. Сизлар олган кўрғоннинг аввалги эгаси нима сабабдан Нишопурга қочиб кетди? Кўряпсанми, мен букриман. Оёқларим қийшиқ, қўлларим косовдек, кафтларим эса куракнинг ўзи. Бу ерда тирикчилик қилиш оғир. Жуда оғир!

— Ҳавоси-чи?..

— Яхшидир. Мен ўзга ҳаводан нафас олмаганман. Тўғри, гўдаклигимда, олтмиш йилми ёки ундан кўпроқми аввал отам билан Астрободга боргандим, шунақанги чанг ютдимки, ишонсанг, ҳозиргача ўшандан озиб-тўзиб юрибман. Мен, азизим, Бухоро ҳукмронлигини ҳам биламан, — нима учундир ёлғон гап бошлади. — Сомонийлар даврида, чамада, турмуш энгилроқ эди. Улар шу ерга камдан-кам келишарди. Тўғри, талашарди ҳам. Лекин улар ўз тилимизда сўйлашарди. — Афтидан, унинг хотирасида ҳамма нарса — кўрганлари ҳам, қачонлардир катталардан эшитганлари ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетганди. — Ёввойи турк султони Маҳмуд Ғазнавий, унинг ўғли Маъсуд Ғазнавий, салжуқий туркманлар бирам қутуришганди-ки. Мана шу ҳовузга калла ташласанг ҳам қутуллолмасдинг. — У товоқсойнинг тубидаги катта бўлмаса ҳам, чуқурлиги сезилиб турган ҳовузга ишора қилди. — Қишми, ёзми, кузми — улар учун барибир. Бостириб келишади-да, ер пули, жон пули бер деб зуғум қилишади! Айттайлик, баҳорда уни қаердан оласан? Туршак билан тирикчилик қилиб, қотган арпа нонни ҳам тежаб, ҳафтада бир марта — жума кунни еймиз. Кўҳна афсонада айтилганидек, «юртимизда акиллаган ит, ловуллаган олов ҳам қолмасди».

Шусиз ҳам рангпар бўлган Умарнинг қути учди. Қаерга келиб қолишди ўзи! Бироқ ўзгалар қайғуси билан нима иши бор? Мана, тоғдан жилдираб тушиб ҳовлидан оқиб ўтаётган жилға, ширадор беда ўсиб ётган яйлов, боғловли оқ эчки. Беда ҳали гулга кирмаган бўлса-да, устида асалари парвона.

— Бу ерда асалари боқиб керак! Бу ерда худо яратган асалари учун ҳам, сизларнинг отингиз учун ҳам, менинг ориқ эчким учун ҳам ем топилади. Эҳ, ёлғизман дунёда! Бу эчки... у менинг ҳам онам, ҳам синглим, ҳам қизим. Лекин энқидан нима маъни отангга айт, бизникилардан уч-тўртта кўзи сотиб олсин, чорак баҳосига беришади. Боқиб бераман. Қишда сўйиб, Нишопурга олиб бориб бераман. Қўй гўшти еб, семириб юрасан, бунақа нимжон бўлмайсан.

— Иқим суймайди. Суяк ғажиб, лаблари ва ёноқларига мой суртиб олишганини кўрсам ғажим келади.

— Йўқса, нимани суясан, азизим?

— Сутни.

— Хўш! Сут фойдали албатта. Мен ҳам қачонлардир сут ичишни яхши кўрардим. Энди эса сут ичсам қорним қулдирайди...

Оқшом чўкди.

— Мени қувиб юбормайсанми, хўжам, — сўрайди ширакайф чол, шавлани еб бўлгач. — Исмиим Муҳаммад. Бу — мадҳ этилган, дегани. Пайғамбар шарафига қўйилган, худойим ундан марҳаматини дариф тутмасин! Боёқиш Муҳаммадни бу ерда ҳамма биларди. Аввалги эгамга ош-сув ва жоғ бергани учун хизмат қилувдим. Қоя остидаги кулбани кўрапсанми? Уша ерда яшайман. Ёруғ дунёда ёлғизман. Бир вақтлар хотиним, бола-чақам бор эди, уларни лаънати Маҳмуд Ғазнавий ҳайдаб олиб кетган. Қайсарлик қилиб, шовқин солганим учун каллакесарлар уйимни ҳам вайрон қилишган. Бошқа хотинга уйланиш, янги уй қуриб олиш қийин эмасди, лекин болаларимни олиб кетишгач, мазам қочиб қолди, барча нарсадан этак силкидим, майга берилдим.

— Оллоҳ мусулмонларга ичкиликни қатағон қилган, — деди Иброҳим ўйлаб.

— Биламан, азизим, биламан. Оқсоқолимиз — уни кўрдинг-ку, мени уялтиравериб, кўрқитавериб ҳориди. У менинг фарзандларимни қайтариб олиб бера оладими? Фарзандидан жудо бўлишни душманимга ҳам раво кўрмайман... Сенга тўғрисини айтаман: уларнинг олдида гуноҳкорман. Жуда гуноҳкорман. — У оқарган бошини ҳам қилди, тугилган бармоқлари билан пешонасига бир неча бор урди. — Бир кун... сочқни бураб, катта қизимнинг кетига бир-икки ургандим. Тушунасанми?! — кўзларида қаттиқ алам билан ҳайқирди у. — Мана шу қўлларим билан. — У қоп-қора қўлига даҳшат билан тикилди. — Иккинчи қизимнинг сочидан тортиб ердан юлиб олибман-а! Акашак бўлсин шу дай майин эди. Мен эса шу сочлардан тортиб ердан юлиб олибман-а! Акашак бўлсин шу дай майин эди. — Муҳаммад қўлининг орқасини қулочкашлаб тошга уриб қонатди-да, оғ-қўлларим! — Муҳаммад қўлининг орқасини қулочкашлаб тошга уриб қонатди-да, оғ-қўлларим муносиб жазодек қувониб қабул қилди. — Учинчисини эса урмаганман. Ушандаёқ ичимдан бир нима ўзилгандай бўлганди. Бор-йўғи бир марта бақирдим унга, докадай оқариб кетганди боёқиш. Лаънатлар бўлсин менга! Мен дўзах ўтида куйишим даркор. Хўжам, болани асло ура кўрма — сўнги даминггача куяркансан. Қани улар? Нима бўлди уларга? Улар, агар барҳаёт бўлишса, ўша қабиҳ ишларимни унутиб юборишгандир. Ўзим эса унутолмайман. Шунинг учун азобдаман. Ана шунақа, — Муҳаммад чўтир юзига оқиб тушган кўзёшларини сидирди. — Мен нима қилишимга нима қилмаслигим оллоҳга маълум, албатта. Лекин мен... шунга тушунмайманки... Султон Маҳмуд шунақанга тақводор эдики, пайғамбар ҳам ҳавас қилса арзирди. У каттами-кичикми, ҳар бир ишни оллоҳ йўлида қиларди. Доно йигитча, айтгин-чи, — Умарга юзланди чол, — худо йўлида қилинган иш — худога ишонувчилар учун қилинган ишми? Ёки уларга қаршими?

— Улар учун.

— Шундай бўлса, уламо, дин йўлида диндорларнинг фарзандларини тортиб олиш, уларнинг ошёнини бузиш тўғри бўладими?

Иброҳим, бир оз сукут сақлаб, унча қатъий бўлмаган овозда деди:

— Барча нарса худонинг иродаси билан бўлади.

— Тўғри, тўғри! Ҳеч ким баҳслашмоқчи эмас. Бу ҳаммага ҳам аён гап. Бироқ... ҳарҳолда, фикримча, агар биз ғарибларга фикрлаш ман қилинмаса, гўзаллик йўлида бир гўзалнинг чеҳрасини хунук қилиш шарт эмас. Ёки ёруғ бўлсин деб шамчирокни ирғитиш жоизмас. Бу — номуносиб иш, — чол оппоқ мўйлабини чайнай туриб, кескин туфлаб чиқарди. — Бу ҳақ йўлида ўтрик сўйлаш билан баробардир. Шундан мен норози-ман. Ичаман ҳам. Исён қилавераман. Ичавераман. Бошимни олсалар ҳам розиман. Лекин сен, хўжам, кўрқма: сенинг уйингни сотиб, пулига ичмайман. Тоғдан ўтин йиғиб келишга, боғдаги дарахтларни парвариш қилишга, уйни батартиб сақлашга, қишда кўриқлашга, жилғадан балиқ, бутазордан каклик тутишга мендан кўра дурустроқ одамни топа олмайсан. Ҳақими? Еб, ётиб юрсам бўлгани. Шаробни ўзим хурмо ва анордан тайёрлайман. Хўш, қолаверайми?

— Қолавер, — бош ирғади Иброҳим кўнгилчанлик билан. — Қаерга ҳам борардинг? Менинг ўғлим ҳар нарсага қизиқувчан бола. Унга мозийдан ҳикоя қил. Сўқа иш-латишни, деҳқончиликни ўргат. Лекин ичишни ўргата кўрма.

— Йўқ-йўқ, худо асрасин! Кўриб турибман, бамаъни йигитча экан, ёшига қараганда ҳам жиддий, майпараст бўлмайди.

— Айтганинг келсин, — деди Иброҳим умид билан. — Бизнинг Нишопурда кунда майхўрлик. Мадрасада ҳам талабалар мударрислардан яшириқча нўш этишади.

— Мударрислар эса талабалардан яшириқча ичишади, — заҳарханда қилди Умар.

Кун оғир ўтгани учунми, тунда Умар алламаҳалгача ухлай олмади. Ҳовлига чиққанди, қандайдир бўғиқ увиллаш қулоғига чалинди. Итмикан? Йўқ. Нишопурда эшитганди, итлар бошқача улайди. Унинг қалбини ваҳима босди! Назарида ҳовузда, товоқсойнинг сувости қоясига занжирбанд қилинган жин сузиб чиқиб, бандикушод этишни сўраб увлагандай бўлди. Лекин занжир бақувват, сеҳрлаб қўйилган...

— Нечун маъюссан? — шундай сўроқ билан қарши олди уни эрталаб Муҳаммад. Чолнинг кўзлари... ёшланган, тутундан ачишгандай қизарган, салқинган. Боби кўҳдан май

ҳиди бурқсиб турар, бироқ овози мулойим эди. — Ухлаёлмадингми? Ётсирагандирсан. Водийлик кишилар тоғда доим дастлаб ёмон ухлайди.

— Тунда увлаган сенми? — фаҳмлагандай бўлди Умар.

— Увладим? Куйладим. Ичдим — куйладим. Эҳ, азизим! Еруғ дунёда бундай ғариб кулбалару уларда тунлари битмас-туганмас ҳасратдан увиллаб чиқадиған одамлар камми! Бировни безовта қилиб қўйишдан қўрқиб фақат секин, чўчиброқ увиллагандим. Қани, кел, жилға ёнида ўтириб сукут қилайлик-чи. Сув — худонинг энг қимматли марҳамати. Шўнғисанг — баданингни нопок нарсалардан поклайди. Сув ёнида ўлтириб унга тикилсанг, ҳеч нарса тўғрисида хаёл сурмасанг — қалбингни поклайди.

— Шуни ичсанг ҳам бўларкан.

— Азизим, сув унча-мунча ташналикни қондира олмайди-да.

Ранжу алам ўз йўлига-ю, тоғ қуёши, тоғ ҳавоси, тоғ сувида чўмилишнинг ҳарҳолда Умарга нафи тегди. У уйига соғайиб, бўй тортиб, қорайиб қайтди. Шаҳар шовқин-суронни соғинган бола келган кунгек отасидан пул олиб, сандирақлаб кетди. Нишопурда қирқ маҳалла бўлса барини кезиб чиққиси келди. Лекин аввал бозорга югуриш керак!

Қопқа ёнига борганидаёқ сурнайнинг даъваткор саси, доира гумбури, таниш ширадор, ёқимли жарангдор овоз қулоғига чалинди. Ушами? Юраги зирқираб, боши ғувиллади. Янглишишдан чўчиб, оломон орасидан туртиниби-суртиниби шиддат билан ўтди-да, гилам устида ўзининг эскидан пинҳоний муҳаббатини кўрди.

Унинг иягидаги кичкина чандиққа кўзи тушганда ҳар гал Умарнинг меҳри товланиб кетарди. Гулимоҳтар! Сайёр қизиқчи машшоқларнинг қизи. Улар курдларми, балужларми, балки лўлилардир — Нишопурда тез-тез пайдо бўлиб қолишар, бозорда томоша кўрсатишарди: ўмбалоқ ошишар, бир-бирларининг устидан сакрашар, қўллари билан юришар, аския-қочиримлар билан халқнинг кўнглини овлашар, ўйин тушишар ҳамда қўшиқ айтишарди, лекин қорамғиздан келган, лаъл лабли, қорақўз Гулимоҳтар қўшиқни ҳаммадан яхши айтарди.

Қизнинг овози мис жарангига монанд — баланд эди. Қиз Умарга афсонавий паридек кўринар ва Иброҳимнинг ўғли уни тушларида ҳам кўриб чиқарди. У билан бирга кетиб қолгиси, бозорларда томоша кўрсатиб, одамларни ҳайратга солгиси келарди.

— Киши нима туфайли дўстидан кечади? — қизиқчи машшоқларнинг каттаси таомилга кўра томошани насиҳатомуз суҳбат билан тугатиш учун халққа юзланди. Бироқ бу қийин саволга ҳеч ким дарҳол жавоб беролмаслигини (ким билсин, нима туфайли тарк этишини) билган ҳолда ўзи жавоб берди, — оиласи туфайли. — Сўнг давом этди, — оиласидан-чи? Қишлоғи туфайли. Қишлоғидан-чи? Юрти туфайли. Юртидан-чи?..

— Оллоҳ туфайли! — қичқирди бир тақводор. Бироқ қизиқчи атайлаб синовчанлик билан тўхтаб туриб, сўнг қатъий деди:

— Ўзи туфайли.

Томоша тугади. Қизиқчиларнинг каттаси, серсоқол қизиқчи мис баркашни қўлига олиб, давра айлади. Танга-чақалар жиринглай бошлади. Умар ўз тангасини баркашга бажонидил ташлади. У Гулимоҳтардан ҳамон кўз узолмас, қиз эса, қани энди қиё боқса! Гулимоҳтар завққа тўлган томошабинларга ўйчанлик билан, касби заруратидан бўлса керак, ним табассум қилди-да, чодир ичкарисига кириб кетди.

Умар, донга талпинган қушдек, чодир сари беихтиёр қадам ташлади. У чидай олмай, дарпардани озгина сурди. Гулимоҳтар кўлини тиззаларига, бошини эса қўлига қўйиб, ерда ўтирарди. У энтиқди! Ҳаяжонланиб, безовта нафас ола бошлади. Гулимоҳтар бош кўтариб, сесканиб тушди-да, дод солди;

— Рой!

Умарнинг яланг оёқлари бир зумда ердан узилди. Бақувват ёш қизиқчи — Рой боланинг ёқасидан кўтариб силтаб, юзига қараб вишиллади:

— Нима қилиб дайдиб юрибсан бу ерда? Йўқол!

Умар беш қадам нарига бориб тушди, кимнингдир кулгиси остида ариққа тўнтарилди. Кўзига ёш тўлиб, ўрнидан турар экан, яна ўша мис жарангидек овозни эшитди: — Бирон нарсани ўғирлаб кетади...

Таҳқирланган Умар уйга ҳасратга тўлиб қайтди. «Ўғирлайди»миш. Даф бўл! Кўргани кўзим йўқ сени. Бир сакраб гарданиннга туширмасамми, Рой?! Боши билан юрадиған нотавонлар. Аҳмоқлар. Бирон тун бозорга бораман-да, ярамас чодирингга ўт қўяман.

У уч кунгача бозорга бормади. Кераги йўқ! Гулимоҳтарнинг бети курсин. Ўзбошимча, Гул эмиш! Бироқ тўртинчи кунга келиб Умар ортиқ чидай олмади, уни яна бир бор кўриш умидида бозорга йўл олди. Бироқ қизиқчилардан асар ҳам қолмаганди.

— Кетиб қолишди, бўтам! Кеча кетишди. Чодирини йиғштириб, қақир-куқирини аравага ортишди-да, ҳайё-ҳуйт деб йўлга равона бўлишди. Қайғурма! Яна келишади. Булар бўлмаса, бошқалари келишади.

— Бошқалари?..

Боҳор кунларининг бирида ҳовлида бир нарсага уннаб турган эди, очик эшик томондан келаётган жарангдор чўзиқ овозни эшитиб қолди:

— Сада-қа қи-линг-г...

Уша! Йиртиқ кўйлак, исқирт чолвор кийган (ялтироқ кийимлари қайда қолди экан?) Гулимоҳтар эшик оғзида туриб, қайларгадир тикилиб, ғарибгина ёлворарди:

— Бир бур-да-а но-он...

Умарнинг эси оғаёзди. Нон олиб чиқиш учун ошхонага ўзини урди, шукрки, уйларида нон кўп. Афтидан, араблар, энг зиқналар Хуросонда яшайди, деб бежиз айтишмаган шекилли.

— Қаёққа? — таҳдид билан бақирди онаси.

У индамай қиз томон ишора қилди. Лаблари бурилиб, титрарди. Ҳозир йиғлаб юборадигандек эди.

— Берма! Ҳозир уларнинг уруғи кўпайиб қолган. Ҳаммасини тўйғизолмайсан. Гулимоҳтар хўрсинди-да, яланг оёқлари билан лойни пилчиллатиб босиб, нари кетди. Энди унинг хушоҳанг овози кўчанинг қаеридадир жарангларди.

— Са-да-қа қи-линг-г...

Умар, онаси тескари ўгирилганда, иссиқ кулчани амаллаб олиб, қўйнига урди-да, кўчага югурди. Гулимоҳтар чўчиб тушди. Ҳуши учган, ёввойи кўзлари яшил бу бола нима истайди ундан? Худо кўрсатмасин, хуржунини тортиб олса-я? Тортиб олмаса, бекордан-бекорга уриши мумкин. У елкасидаги бўш хуржунига ёпишди, кўрқиб аланглаганча четлаб нари кетди.

Унга нима бўлди? Унинг жигарбандлари қайда қолди? Худо билади. Лаъл лаблари кўкариб кетибди. Қачонлардир шодон чақнаб, қалбларга чўғ ташлаган кўзларидан бўғиқ ҳасрат жой олибди.

Кулча Умарнинг кўксини куйдирарди. У қўлини қўйнига тикди. Лекин журъат этмади. Йўқ! Тортинчоқлик унинг йўлини тўсди. Гўё ҳамманинг кўз олдида уят иш қилаётгандай туюлди. Мурувват билан қўйнидан нон чиқариб берадимми... Яна кимга эмиш? Ушанга! Бўлмаган гап. Уни таҳқирлаш бу. Шундан сўнг Умар уни кўрмади, лекин бир умр хотирасида сақлаб қолди. Шу тариқа аста-секин ҳаётнинг астарини кўра бошлади. Кўзида шашқатор ёш билан уйга қайтар экан, у кулчани бошқа бир тиланчига — мункиллаган кампирга берди.

Нишопурда тиланчилар дарҳақиқат кўпайиб кетганди. Бу ерга Марвдан, Балхдан, Бухородан қочоқлар тўдаси оқиб келарди — тинимсиз низолар, қорахонийлар ва салжуқийлар қўшинларининг босқинлари ва юришлари уларни киндик қони тўкилган жойни тарк этиб, ким билсин, қаёқларга бош олиб кетишга мажбур этарди. Ҳамма ҳам пул ва озиқ-овқат ғамлаб ололмаган эди.

— Ҳозир ҳамма нарса қиммат, — деди Умарга онаси, — Бозорга бориб сут сот. Бизда унинг таги мўл.

— Мен-а? — ҳайратга тушди Умар. — Сут сотаман? Қочиб кетаман уйдан!

Онаси уни қийин-қистовга олишдан кўрқди. Чиндан ҳам қочиб кетса-я! Феъли шунақа-да.

Олғир ўғривачалардан, безор қилиб юборадиган тиланчилар тўдасидан бозорда кун йўқ эди. Бир кун, ёз бошларида Умар расталар оралаб лақиллаб юрар экан, нозик оҳангдор товуш қулоғига чалинди:

— Ўғрулашни истамаймен? Нега ўғрулашем керак? Агар садақе қилсангез...

Ғалати лаҳжа. «Садақе қилсангез?» Ким ҳам садақа қиларди! Уни пашшани қувгандай қувдилар. «Ўғрулаш»ни эса у чиндан ҳам истамайдиган кўринади. Ёки эплай олмайдим. Бечора букчайиб, узун оёқларини судраб четга чиқди-да, мажнунтол остидаги сув ёнига ҳорғин чўкди.

Ёши ўттиз-ўттиз бешларда. Елкалари қоқ, кекирдаги туртиб чиққан. Малларанг кўзлари шу қадар мунгли, маънос пирпирар эдики, Умар сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди. Шу қадар беватан, нотавон, барчага ёт эди у...

Умар эрталаб Иброҳимдан олган тангага бўлиқ кулча, бир ҳовуч пишган олча сотиб олди-да, шолғомдай қизариб, уларни қочоққа узатди. У эса ажабланиб ва панд еб қолишдан кўрқиб ишонқирамай садақани олдида, индамай, авайлаб, шошилмай ея бошлади.

— Ман... э-э... марвлик Ғафурман, — деди у еб бўлгач хўрсиниб.

— Туғушганларимнинг ҳаммасидан ажралганман. Барча нарсадан мосуво бўлдим. Ҳеч вақосиз қочинга мажбур бўлдим. Райга кетяпман. У ерда қариндошларим бор. Улар ёрдам беришади. Лекин етиб бора олармиканман. Очликдан мадорим қолмади. — У Умарнинг кўзларига ўйчан боқди.

— Бўйрани кўрдингми? — ишора қилди Умар. — Эгаси йўқ, бозорники. Етиб ҳордиқ чиқар.

— Йўқ, — ҳузур қилиб қаппайган қорнига боқди Ғафур. — Овқатдан сўнг, уйқудан олдин сайр қилиш даркор. Овқатни ҳазм қилади, — бармоғини киндик атрофида айлантирди.

— Сайр қила қол, — масхаромуз кулди Умар. Ё парвардигор! Оёқларини аранг судраб юрибди-ю, сайр қиламан дейди-я... — Эрталаб шу ерда, жойингда бўл. Егулик келтираман.

Уша кундан бошлаб у Ғафурни васийликка олди. Сабабини Умарнинг ўзи ҳам билмасди. Уйламади ҳам. Шунақа бўлиб қолди. Бир одам ўлиб кетаверадимми?

Тушликда бола энг мазали нарсаларни яшириб кўярди. У-ку, уйда тамадди қилишга улгурар, Ғафур учун эса бу нарсалар ҳаёт билан тенг. Хаймадўз ўғлига бериб турган тангаларни ҳам Умар сарфламай, Ғафурни сафарга жўнатиш учун асраб кўярди. Дустини кўрмагунча кўнгли тинчмасди. Унинг хуш овозини соғинарди. Содда ва покиза кўзларини кўмсарди. Марв ҳақидаги; узоқ дарёлар ва тожирлар карвони ҳақидаги мунгли ҳикояларини соғинарди.

«Қачон бу ердан кетамиз?» — гиш-ғиша қиларди у онасига. «Қаерга?» «Қаерга бўлса ҳам». Биқик, зиқ Нишопурдаги ҳаёт унга бўғиқ, сўқир, рўшносиз туюларди.

Уша бахтиёр дамлар ўн кун давом этди! Тез орада у поёнига етди. Ғафур соғайиб, кайфи чоғ бўлиб, сафар тадоригини кўра бошлади. Умар унга тангаларни топширди, хуржун тўла емиш келтирди.

— Биласанми, — хўшлашар экан, Ғафур кўзларини яширган кўйи деди, мен сени... алдагандим.

— Нечук?

— Ҳеч қанақа Ғафур эмасман. Мен Довуд ибн Мизроҳман.

— Шундайми?

— Яҳудийман, тушуняпанми?

— Нима бўпти? — ҳайрон бўлди Умар.

Унинг соддадиллигидан ҳайратга тушган Довуд:

— Ахир!.. — деб қизишиб гап бошламоқчи эди, боланинг кўзларига қараб бир нарсани фаҳмлади шекилли, тинчланди.

— Яҳудийларни кўрмаганмидим? — елка қисди Умар. — Биринчи кундаёқ яҳудийлигини билган эдим.

— Наҳот? Мен бу ерда ўз жамоамиздан паноҳ топарман деб ўйлагандим. Билсам, уни яқинда салжуқийлар ер билан яксон қилишибди.

— Улар барчани — христианларни ҳам, яҳудийларни ҳам, уларга қўшиб ўз мусулмонларини ҳам ер билан яксон қилишмоқда.

— Шунинг учун мен кўчада қолиб кетдим. Боғларда тунаб юрдим. Сени ҳеч қачон унутмайман! Сен мени ўлимдан қутқариб қолдинг. Райга етиб бориб ишимни юриштириб олсам, сенга хабар бераман.

Бола Довуддан хабар топа олмади.

Райгача яхши етиб олдимикан? Рай Нишопурдан унча олис эмас, бироқ йўлда ҳар нарса рўй бериши мумкин. У узоқ вақт Довудни соғиниб юрди. Бир-икки ой ўтгач. Райда иши юришиб кетган қандайдир Довуд ибн Мизроҳ тўғрисидаги гаплар қулоғига чалинди.

Бу бошқа Довуд бўлса керак. Албатта, бошқа. У жуда ҳам хароб эди, ишини тез юриштириб юбора оладиган одамга ўхшамасди. Қариндошлари ёрдам бериб, иши авж олдимикан!? Бундай бўлмаса керак. Икки-уч ой ичида-я? Йўқ, ишониш қийин.

Яна ким билади дейсиз? Бу дунёда ҳар нарса бўлиши мумкин.

...Тўлқин ҳўл қўмни босиб, аввалги тўлқин ювиб кетган нақшни силжитиб, унинг ўзидан олдингисига ўхшамайдиган бошқа нақш пайдо қилади. Эски чандиқ устига тушган янги тиг изи эса қиёфани баттар ўзгартиради.

Ҳеч қандай жудоликнинг ўрнини босиб бўлмайди! Ҳар бир жудолик қалблардан ниманидир юлиб олиб кетади. Лекин йўқотмоқ бутунлай маҳрум бўлмоқ эмас. Ҳар қандай жудолик қалбларда ўзидан асар қолдиради, янгилари эса устма-уст тахланиб, кейинги бир изларни ҳосил қилади. Ҳаётини тажриба шу тариқа ортиб боради.

Балхдан янги мударрис — босиқ, доим кулимсираб турадиган, ювош, сўзга ҳасис шайх Назир Муҳаммад Мансур келди. У бағоят ақли расо киши эди. Энди Умар мана шу ажойиб тубсиз ақл конидан тарих парчаларини, тилшунослик инжуларини йиғиб, фикх мураккаблиklarини илғаб олиши даркор эди.

Мадрасада Умарга Хайём тахаллуси тақалди. Отасининг касби (арабча «хайма» — чодир) дан олинган бу ном унга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолди. Уста Иброҳим ўғлини ўқитишдан маблағини аямай нимага эришмоқчи бўлганди?

Уни фақиҳ қилиб тарбияламоқчи эди.

Уни илоҳиётчи қилиб етиштирмоқчи эди.

Ўғлини маҳаллий руҳоний уламо орасида кўришни орзу қиларди.

Тўғри, унинг илми нужум билан шуғулланишига ҳам қарши эмасди. Астағфируллоҳ! Мунажжимларнинг ҳурмат-эътибори баланд. Вақти келиб, Умар бирон зодагоннинг саройига (шоҳ саройида деб ўйлаш — гуноҳи азим) хизматга кириши мумкин. Шунда, қарабсизки, номи чиқмаган хаймадўз ҳам ҳасадгўй ҳамсоялари наздида осмону фалакка парвоз қиларди. Алжабр, ҳандаса? Астағфируллоҳ! Балки уларнинг ҳам нафи бордир? Айтишларича, мерос бўйича чигал мубоҳасаларда, ер тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, солиқларни, қарзларни ва бошқа ундирмаларни ҳисоблашда, йирик бинолар қуриш ва нахрлар очишда бу илмларсиз бирон иш қилиб бўлмас эмиш. Лекин оддий кишилар учун бу ишларни қилиш... амримаҳол. Қуриб кетсин! Агар пулинг кўп бўлса алжабрсиз ҳам санаб, сарфлаш мумкин. Яна табиийёт ҳам бор. У не учун даркор экан? Астағфируллоҳ! Буғдой — буғдой, тош-тош-да.

Умар айни алжабрга ҳамда нарсаларнинг ошкора ва пинҳоний хусусиятларини ўрганишга кўпроқ мойил эди. Бунга рағбати кам падари бузруквори изидан нега у бормади экан?

Тарих, фикр, лисонми?

Эҳ, мўътабар падар! Бу илмларни Умар асти қийналмай ўзлаштирарди. Ўз-ўзидан ўрганиб оларди. Гўё улар миясида азалдан мавжуду, зарур китобга кўз қирини ташласа бас, улар хотирасида уйғонадигандай эди.

Бироқ оқ холли кулранг қайроқ тош қанча сирни ўзига жо қилган экан. Ёхуд шундай тошлар қалашиб ётган ерни ёриб чиқадиغان чайир ниҳол-чи! Зотан, алжабр икки-уч ишора билан ақл бовар қилмас қанчадан-қанча сирларни ҳал қилиб беришга қодирдир.

«Алжабр ва алмуқобала санъати, — деб ёзганди у кейинчалик «Рисола фил бароҳийн ало масойил алжабр валмуқобала» асарида бешира китобий тил билан, — илмий санъат бўлиб, қандайдир маълум нарсага нисбат берилиб, шу нарса орқали аниқлаш мумкин бўлган номаълум мутлақ сон ва ўлчанадиган миқдорлар унинг маълумини ташкил этади. Шу нарса миқдор ёки нисбат бўлади».

— Бироқ бўлма илон пўстидаги жимжимадор нақш ва нафақат тангасимон пўстга чизилган нақш, балки кўпроқ унинг тешиб юборгудай қаттиқ тикилиши маймунни ўз жодусига олганидек, алжабрнинг зоҳирий миқдорий мазмуни эмас, балки ботиний, шоирона-афсунгар моҳияти гўдаклигиданоқ (гўдаклик нимаси? Бутун умр давомида!) уни мафтун этган, сеҳрлаб қўйганди. Энг оддий ифода қудратли жинлар тўдасини ўз ҳукмига олишга қодир бўлган жодудек туюларди унга. Ёхуд Архимеднинг ер кўрасини қўзғатишга ёрдам берувчи таянч нуқтаси бўлиб кўринарди. Чиндан ҳам, илм — санъат, санъат эса — илм. Уларнинг ўзаги бир — ижодий фикр. Мадрасадаги айрим маҳмадоналар сингари бу икки нарсани бир-бирига қарама-қарши қўйиш унинг хаёлига ҳам келмаганди. Ҳандасага муносабати ҳам шундай эди. Бир-бирига пайваст ён ва орқа-деворлар ҳамда узоқдан базўр кўриниб турган пештоқ дўнгига қараб бинонинг бутун қиёфасини, гўё уни яққол кўриб тургандай, аниқ тасаввур қилиш мумкин. У бутун дунёни аниқ-равшан чизиқлар узра кўрар — шунинг учун кўзи, масалан, боғ атрофига урилган пахса деворнинг бир амаллаб кўтарилган, бурчак деса бурчакка ўхшамайдиган қинғир-қийшиқ жойларига тушса ўпкалаб, йиғламоқдан бери бўларди. Ҳандасавий назокатга путур етказувчи барча нарса хунук кўриниб, нафратини уйғотарди.

Бироқ унда нафис туйғу ҳам бор эди — у япроғи тўкилган, қинғир-қийшиқ, чўлтоқ, ғалати букилиб тарвақайлаган дарахт тўғри юзалиқлар: деворлар, миноралар, дарвозалар, гумбазларга жуда мутаносиблигини кўра олишга қобил эди.

Юлдузлар ва сайёраларни эса у етти ёшидан бошлаб бир нигоҳ ташлаб топа оларди.

— Улар орасида сен ўзингни ўз полизида юрган деҳқондек ҳис қиласан, — деганди шайх Назир маъқуллаб.

Устурлоб ғалати асбоб-да! Равон, аниқ ишлайди. Уни аёл киши ихтиро қилганига ишонгинг келмайди. Чиндан ҳам юнон аёли Ипатия табиат мўъжизаси эди. Бир ўзи минг эракнинг ўрнини босарди. Шунинг учун қатл этишмаганмикан уни?

Шайхнинг бошқа қобилиятли шогирдлари ҳам, шубҳасиз, кам эмас. Бироқ у фақат Умарга ишонади. Маълум бўлишича, устоднинг ҳам фикрча унча ҳуши йўқ экан (у абадул-абад берилган, кавласанг ҳам, кавламасанг ҳам заррача янгилик ололмайсан, дерди), тонгга қадар юлдузларга тикилиб чиқишга эса тайёр. Устод Умарга устурлобдан, рубъуд-доирадан* фойдаланишни, қуёш тиклигини аниқлашни, даражаларни ҳисоблаб чиқишни, жадвалларни тушунишни ўргатди.

Уларни муқаддас тарих, илоҳиёт ва илми нужум билан шўғулланишяпти, деб ҳисоблашса-да, ғалати устоду ғалати шогирд риёзиётга ва самовий жисмлар тўғрисидаги жиддий илмга мук кетиб, ейиш-ичишни унутиб юборишарди. Чиндан ҳам ҳисоб-китоблар ёзилган тахталалар устига озмунча гард сепилгани йўқ.

Рост, юлдузларга қараб фол очишга ҳам эътибор беришарди. Кунга яраб қолар. Айниқса, бизнинг давримизда бу муқаррар. Бериунидек одам ҳам ҳасрат билан: «Илми ҳайъатни қарор топтириш учун истасанг ҳам, истамасанг ҳам илми нужумни билишинг керак» — деганди.

Масалан, Савр буржидаги қизғиш юлдуз Дабарон (фаниц — Катта айик)ни олайлик. Бу юлдуз табиатан Миррихга яқин, унинг ҳаракати ҳам нобоп. Бу кимнинг юлдузи бўлса ўша одам бахтсиздир. У гуноҳ иш қилишдангина эмас, акса уришдан ҳам эҳтиёт бўлмоғи даркор. Акс ҳолда ул итваччанинг шўрига шўрва тўкилади, деб кулишарди улар кишиларнинг калтафаҳмлиги устидан. Қандайдир нотавон сайёрада телба-тескари иш қилиб ғимирлаб юрган икки оёқли қумурсқалар билан юлдузларнинг нима иши бор?

... Юлдузли тунарда мадраса томи кўрқинчли ва сафоли бўларди. Само биллуф сочилган улкан тимкўк шишага ўхшарди. Юлдузлар муттасил сокин турувчи Қутб юлдузи атрофида соат сайин сўлдан ўнгга, қуйидан юқорига, яна ўнгдан сўлга, юқоридан қўйига кўчиб туришарди. Мана шу шаффоф совуқ тубсизликдан ҳуши бошидан учган Умар

* рубъуд-доира — квадрант (тарж).

бемажол қалтирарди. Юлдузлар қаердан чиқадию, қаёққа шошади? Нима учун? Уларнинг ортида нималар бор?

Бу қуръонда оллоҳнинг амри билан, деб оддийгина изоҳланган. Шугина холос. У ҳолда нима учун ҳар бир бурж ажабтовур қиёфага эга? Бунда кимнингдир оқил иродасидан кўра тасодиф кўпроққа ўхшайди. Ақл — мутаносиблик. Ақл билан иш қилинганда юлдузлар, масофаларнинг аниқлиги ва тақрорланувчанлигига риоя қилинган ҳолда, муайян тартибда тизиб чиқилган бўларди. Бироқ улар сочиб юборилгандай жойлашганди.

Шунинг ўзиёқ унинг қалбини шубҳа ранжи билан лиммо-лим этарди.

— Сўрашга изн беринг, — деди бир кун Умар шайх билан иккиси Жавзо буржини (мана шу буржнинг ҳаракати жуда шарофатли-да) кузатишни тугатгач.

— Сўрайқол.

— Қуръонда оллоҳ етти қабат осмонни устма-уст яратган, энг пастки қабатга, шайтони лаинни даф этиш учун, ёритгичларни жойлаштирган, дейилган. Шундайми?

— Олтамиш еттинчи сура, бешинчи оят, — деди синчков шайх.

— Яна дейилганки, осмонни яратган худо уни тўхтатиб қўйиб, кунфаякун қилиши мумкин. Лекин, Арасту ёзишича, осмон ҳеч ким томонидан яратилмаган ва у кунфаякун бўлмайди. У илалабад, ибтидоси ҳам йўқ, интиҳоси ҳам; уни бошқа томонга ҳаракат қилдиришга қодир куч ҳам йўқ.

— «Осмон ҳақида» рисоласи.

— Демак, — астафуроллоҳ! — бунга оллоҳнинг... алоқаси йўқ экан-да? Кимга инонмоқ даркор? Ахир Арасту пайғамбаримиздан деярли минг йил аввал яшаган-ку.

— «Ҳамма нарасага шубҳа билан қара. Чунки шубҳа — билишнинг илдиизи», — дейишган бурунгилар. Яна айтишганки: «Денгиздан кечиб ўтаётганинда қирғоқни кўздан йўқотма», — жавоб айлади шайх хижолатпазлик билан. — Эътиқодли муслим сифатида қуръонга инонмоғинг даркор. Зеро, у ҳамма нарсани изоҳлаш учун туширилган. Лекин соғлом ақл...

— Гап шунда-да! Соғлом ақлда-да. Бироқ у, мени авф этгайсиз, устод, абадият билан чексизликни маъқул этмайди. Буни ақл бовар қилмайди. Улуғлардан бири ёзғонидек: «Ҳеч нимадан — ҳеч нарса пайдо бўлур». Барча нарсанинг ибтидоси бор. Коинотнинг эса ибтидоси йўқ. Буни қандай тушунмоқ даркор?

— Ана! — кулиб хитоб этди шайх. — Сенинг ҳам мияннга келдими бу, бўтам? Бизга қадар ҳам кўп кишилар шул муаммо боисиндин бош қотирмишлар. Шундай савол туғилар экан, нима учун, деб кишининг ороми йўқоладир. Бироқ жавобини тополмайди. Телба-тескари ишлар шундан келиб чиқади.

Умар аламнок эди. Гарчи мана шу жилвакор олам қўл чўзса етгудек бўлса-да, унга ноил бўлмоқ душворлиги унинг аламини зиёда қиларди. Бирон-бир сайёра, юлдузнинг номини билганингдан не суд? Ўзини бориб кўрсанг экан. Яқиндан қўл теккизиб кўрсанг экан?

Қуръонда айтилганки, худо кўҳи самодан рўйи заминга азим нарвон ташламиш, руҳ ва фаришталар шу нарвон орқали унинг ҳузурига кўтарилар эмишлар. Тополса экан ўша нарвонни. Бироқ у арши аълони макон тутганларга аталмиш. Арши аълога чиқишни ихтиёр этган одамлар ҳамда шайтонларни эса, қуръонда айтилишича, тиллари порлаб турган аланга қарши олармиш. Ана шунақа. Каломи шарифда инсон шайтон билан тенг қилиб қўйилган. Балки Боғисангдаги сархуш чол Муҳаммад: «Бисмиллоҳ — бу худога ишонувчига наф келтирадимми ёки зарарми?» — деб бежиз сўроққа тутмагандир.

— Меникига юр, — таклиф қилди шайх Назир, — Мен сенга Абулвафо Бузжонийнинг «Ал-Мажистий»сини бераман. У шу ерлардан эди. Юртдошинг эканлиги билан фахрланиб юр. Шул китобда у румлик Бутлимуснинг сайёралар ҳақидаги таълимотини баён этадур. Яна сенга Абу Райҳон Берунийнинг «Юлдузлар қонуни»ни ҳам бераман. Уники жиддийроқ. Беруний ернинг айланишига шама қилади. Зотан, ундан беш юз йил аввал ҳинд Аръябхата Ер ўз ўқи ҳамда қуёш атрофида айланади, деб ёзгандир. Фурсат топиб ўқиғайсан, ўзингни қийнаётган саволларга жавоб топсанг ажаб эрмас. Балки топол-массан. Уларнинг ўзларини ҳам кўп нарса чалкаштириб юбормиш. Бир томонда — қуръон, иккинчи томонда эса ҳақиқий билим. Уларнинг орасида зир югураверасан. Бадмастларни кўрганмисан? Майхўрлик гуноҳ, лекин нўш этгинг келади. Қалблар ихтилофдин азоб чекиши унга боис...

Шайх Назир Муҳаммад Мансур таниқли олим, шунинг учун Умар у яхши уй сотиб олмай ёки ижарага турмай, бечораҳол мусофир толиби илм сингари мадрасадаги хужрада яшашидан ҳайратга тушарди. Аммо унинг хужраси катта, ёруғ, гиламлар тўшалган бўлса керак.

...У шайхнинг хужрасини кўрганда оз бўлмаса ўзини ташлаб юборай деди! Чоққина хона. Оёқ тагига тўзиган гиламча тўшалган. Бир бурчакда йиғиштириб қўйилган кўрпача, бошқасида эса қути турар, хойнаҳой унга китоб солинган бўлса керак. Токчада баркаш, ғадир-будир қора чироқ. Бошқа нарса йўқ.

— Очқаган бўлсанг керак, албатта, — меҳрибонлик билан деди шайх. — Мана нон, қовун. Тамадди қилиб олайлик.

Тамадди қилишди. Қовун ғарқ пишган, ширин ва хушбуй экан.

— Боғисангда бизда бир хизматкор бор. Умар чол Муҳаммад ҳақида, унинг хароб кулбаси тўғрисида гапириб берди. — У-ку калтабин, бахтсиз одам эди. Сиз, оқил, олим-сиз-ку... — Умар устодининг ночор кулбасига ғамгин назар ташлаб, тортиниб елка қисди.

— Ақл, — хўрсинди шайх Назир. — У муайян ҳадлар орасида мақбул. Ақл кам бўлса — ёмон. Кўп бўлса — ундан бешбаттар. Уртача, ўзидан ва ҳаётдан рози бўлишга етарли ақли бўлган кишиларга яхши. Унга шубҳа-ғумонлар азоб бермайди, роҳат қилиб яшайди. Сен билан биз эса... Ҳозир сен билан юлдузларга термилдик. Коинот — беадад. Унинг олдида бизнинг ташвишларимизу қувончларимиз нима дегани?

— Етти ёшимда жаҳонгашта бўлишни орзу қилгандим.

— Бўласан ҳам! Агар истасанг...

Юлдузлар чексизликда қиялаб борар ва аввалгидек ёрқин ярақлар эди. Уларга етиб бўлмагани учун Умар юлдузларни унутиб, дунёнинг ишлари, инсоний ташвишларга шўнғиди. Бунга уни эҳтиёж даъват этарди. Нақадар оқилу доно бўлмагин, барибир, ҳирсдан, ҳайвоний моҳиятингдан узоқ кета олмайсан. Майиб-мажруҳ бўлмасанг, албатта.

Ун тўрт ёшга етганда у бутунлай ўзгарди-қолди: елкалари кенг тортиб, кўполлашиб, бўйи охират тарновидай чўзилди. У буткул бошқа — ғоят сурбет, бераҳм жангари ва, ҳатто, бемаъни Умарга айланганди. Қўшни қизу жувонлардан кўз узмас, уларга суқ билан тикиларди. Юзига ҳуснбозар тошди.

Бир кун жазирама туш пайти, ўзини қаерга уришни билмай тентираб, отасининг устахонасига бориб қолди. Устахона мўйсафидлар ва кампирлар алоҳида, қиз-жувонлар алоҳида ишлайдиган пастак тор-танқис хоналардан иборат эди. Бу ерда ип-газламадан ёзлик кийим, курдлар, араблар, балужлар, лўлилар учун наमतдан чодир тикишарди. Ҳатто зодагонлар учун ипакдан ҳам чодир тайёрлашарди.

Боши айланиб, аёллар бўлмасига кириб қолди. Ходималар дув этиб юзларини яширишди. Йигирма етти яшар бева жувон — Ферузагина юзи очик турарди. Бундай қилишга унинг ҳақи бор эди: бир маҳаллар, қизалоқлигида хўжасининг бу ўғлини кўтариб катта қилганди.

Қирмизи юз, қуюқ қошлари қалдирғоч қанот, лабининг усти майин қора мўй билан қопланган бу жувон ҳайратомуз хурсандлик билан ҳайқирди:

— Умар! Кўпдан бери кирмасдинг. Уқишга берилиб кетдингми? Қара-я, улғайиб, кўркам бўлиб кетибсан...

Сарғиш учкун сочиб турган тўқ жигарранг кўзлари билан болани чамалар экан, унинг беҳаё, нималарнидир талаб қилувчи суқ нигоҳи билан тўқнашиб, шолғомдай қизариб, бошини қуйи солди. Қимтилган лаблари титради, диркиллама кўкраклари кескин силкинди. Афтидан, эрталабдан чордана қуриб, остидаги — наमत тагидаги ўйдим-чуқур ерни ҳис этиб ўтиравериб мажולי қолмаган кўринади.

Тамом! Энди улар осонлик билан бир-бирини тарк эта олмасдилар. У ниманидир кутиб, жувоннинг ёнидан жилмай турарди, улар бир дамда беун келишиб олишганди. Ферузанинг қўллари титрарди. У қўлига сўзани тикиб олди.

— Шаҳар ҳокими атлас чодир буюртирувди, — деди у аста, ўзига ўзи гапираётгандай ғалати бир ўйчанлик билан. — Бугун эрталаб тугатдик. — Феруза майин пичирлай бошлади. Тўсатдан хириллаган овозда сўради, — кўришни... истайсанми? Қазноқда турибди.

Эҳтиросдан буралган лаблар деди:

— Тезроқ! Бўлақолсанг-чи...

Шунақа. Ерда ҳам юлдузлар бор. Ахтарса топилади.

— Худога шукр, — деди Иброҳим, Умарнинг муҳаббат можаролари ҳақида гап етказишганда, кулимсираб. — Эр етибди. Феруза биланми? Чакана эмас экан! Кўчадаги бузуқлар билан юрганидан кўра юз карра яхши.

«Ҳай, майли, — кўникишди устахонадагилар. — Хўжайинга яхши бўлса, унинг ходимларига ҳам яхши бўлади. Бизнинг сингилларимиз ва қизларимизни қазноққа торт-маса бўлгани».

Ун олти ёшга етганда Умар росмана эр етилди. Бунинг устига у яхши ҳаким, ошпаз ва мусқачи ҳам эди. Илми ҳайъатми? Биламиз! Риёзиёт дейсизми? Тушунамиз. Шарқ фалсафаси? У ҳам бизга таниш. Қуръон ҳам, албатта.

Қуръон жуда жозибадор-да. Тили вазндор, оҳангдор, аммо кишини изтиробга солади, қалбни ҳасрат-надомат, умидсизликка тўлдиради. Қуръон оятлари ғазабнок, ваҳимадор. Улардан кўра Умарга энди шоирларнинг Одам Атоси — Рудакий ашъори, айниқса, унинг тиллога тенг рубоийлари кўпроқ ёқарди.

...Феруза? Умар ёш йигитчаларга ишқибоз уч-тўрт ҳирси баланд хотинлар билан ишрат шаробини тотиб кўрди. Умар, агар уларнинг додига етса, соз чалиб, кўҳна мунгли

кўшиқлар айтиб, гирён қиларди. Афтидан, аёл киши янада қизғинроқ севиш учун, кўз ёшини тўкиб олмоғи зарур бўлса керак.

Умарнинг елкасидан уларнинг тиши изи узоқ вақт кетмасди. Бироқ қалбида улардан доғ қолмасди. У Ферузани севарди. Ўзига хос севарди, албатта. Унга ўзича садоқат сақларди ҳам. Яъни, бўйсунмас ва мағрур бу йигит уни батамом ташлаб кетгандай бўлардию, тез орада гуноҳкорона елка қисиб қайтиб келарди.

Бироқ кунлардан бир кун Феруза тўсатдан қишлоққа, узоқ қариндошиникига азага кетиб қолди. Улар хайрлаша олмадилар ҳам. Унинг йўқлигини Умар бошқалардан эшитиб билди. Учинчи куни беҳол, ғамнок, сўлғин Умар қазноққа кириб, қоқ деворга, ерда ётган тўпларга ҳасрат билан боқди-да, бошини азот кўтариб, қашқирдай увлаб юборди. Бундан буён Ферузасиз яшай олмаслигини, ундан бўлак ҳеч ким керакмаслигини англади.

Феруза қайтиб келди, у ҳам азобда эди, ўшандан буён Умар Ферузани тарк этмади. Феруза унинг қалбидан жой олган биринчи аёл. Доим кулимсираб туради, итоаткор, эркалашга эркалик билан жавоб бера олади, ўзи ҳам беадад навозишли.

Беғам, муник ва беғубор, беғараз Феруза ўзи ҳам овунарди, уни ҳам овутарди. Умар билан алоқасини эрмак деб биларди. Таомилда бевалар ёши ўтган инсофли кишиларга турмушга чиқишар ёки бой-бадавлат кишидан маҳбуб тутишарди. Умар эса унга уйлана олмайдиган, пул билан ҳам кўмак бера олмайдиган ғўр бир йигитча эди.

Пул не даркор? Қорин учун севишмайди-ку киши? Йўқ, у — кўнгил хуши. Севгинг келгани учун севасан. Кимни истасанг, ўшани севасан. Бундан бирон ғаразни кўзласанг, у туйғуни барбод этади.

— Азизим! — бўса олади Феруза кулиб. — Қувончимсан! Юпанчимсан!..

* * *

Мадраса талабалари қаердандир тўр топиб, яқин атрофдаги анҳорда балиқ тутишни келишиб олишди. Чинор соясида улфатчилик ҳам қилмоқчи бўлишди. Умарни бирга боришга кўндиришди.

У қизиқиб қолиб, уларнинг улфатчилигида бир-икки бор қатнашганди. Ҳатто нўши май қилган, бироқ шундан сўнг бемор чоллардай базўр, бўзариб, ювош тортиб юрганди. Меъдаси майни хушламасди. Лекин бу гал у осонгина кўна қолди. Нега ҳам бормасин? Уйда ҳам, мадрасада ҳам ҳамма иш яхши. Энди саломатлиги ҳам мустаҳкам. Бўйчан, кўркама йигит бўлиб етилди. Кулли ёвмин беҳтар эди.

Завқни олдиндан туюб йўл-йўлакай бодринг карсиллатган ҳолда гурунглашиб бораётган бир тўп қувноқ ўспиринлар шаҳар қопқасига яқинлашиб келдилар. Уларнинг кўзларида эндигина бошланган мусаффо ёз осмони акс этарди.

Қопқа ёнида кимдир Умарни чақирди:

— Эй, ҳароботий! — Ёнида кўшни бола пайдо бўлди. — Қаерларда дайдиб юрибсан? Уйингга югур. Модарингнинг аҳволи танг.

— Нима?

Аҳмад ҳалок бўлган Ферузғунд йўлида бир пайтлар бўлганидек, яна боши ғалати ғувиллаб, оёқлари қалтирай бошлади, ич-ичидан қабиҳ титроқ турди. У уйдан ўтган куни чиқиб кетганди, учқур тасавурида кўм-кўк майса устидаги қип-қизил ҳалқоб атрофида қаҳқаҳа отаётган қора жин пайдо бўлди.

— У ақлдан озган кўринади. Сочларини юлади. Юзини юмдалаб ташлаган. Қўлларини тишлаб, кўйлагини пора-пора қилиб юборган. «Иқта» деб додлагани-додлаган.

— Иқта? — Саросимада Умарни ҳиқичоқ тутди. У ҳозиргина бодрингни тишлаб узган, хамиртуруш каби оғзини қамаштираётган тишлам оғзида қолганди. — Нега?

— Уйга югур, ўша ерда билиб олсан.

Алвидо, чинор остидаги майсазор! Бир дамда кўзлари киртайиб қолган Умар тишлаган бодрингни тупроққа отди, узиб олинган бўлагини тупуриб ташлади-да, ҳамроҳларига бир оғиз ҳам сўз айтмай, ҳатто бош ирғамай, боёқиш, судралгудек бўлиб уй томон кетди.

Нега энди бу ёвуз хотинлар бола орттиришади? Ҳамма ерда, бир умр таҳқирлаш учунми? Бир дам эркин нафас олдирмаслик ва тинчгина бир қадам қўйдирмаслик учунми? Она бўлолмас экансан — туғмагин эди! Яна нима бўлди экан? У кўпдан бери бақироқ, жиззакки, минғир-минғир бўлиб қолганди. Бехос, тушунарсиз ғазаб билан бир неча бора Умарнинг қаҳрини келтирганди.

Онасининг юраги Умарнинг болалигидаёқ адои тамом бўлганди. Лекин соч юлиш, қўлларини тишлаб ташлаш... Афтидан, унинг ўрнида балиқ овига кетган кўшни бола ўтрик сўйлаган кўринади. Илондан тарқаган, чақиб, писиб жўнаб қолди-я. Таассуфки, Умар унинг қулоқчаккасига тушира олмади.

Катта ҳовлилари дарвозаси олдида кўшнилари тўдаланиб турганини кўрди. У кўрниши билан бамисоли дафн пайтдагидек, қайғули сукутга чўмишди. Умарнинг думғазасидан юқорига қараб совуқ титроқ юра бошлади. Синглиси кимнингдир-қўлида дод со-

ларди. Бир йил аввал у сингилли бўлган ва Умарнинг истагини бажо келтириб, Гулимоҳтар деб исм қўйишганди. Қизалоқ унга талпинди. Умар синглисини қўлига олиб бағрига босди-да, гандираклаб, уй томон юриб кетди.

— Бадбахт! Қаерларда юрувдинг? Чиндан ҳам дайди бўлиб қолганга ўхшайсан? — Гўё ҳозиргина уни оломон қийноққа солгандай ранги ўчиб сочлари ёйилиб кетган, қопқора қонга беланган, бурни ва юзи тимдаланган онаси уни телбанамо қайғули назар билан кутиб олди. — Отаннинг ҳузурига бор, у устахонада. Менга кела қол, қизалоғим, қўрқма. Қани? Анча тинчландим...

Ҳовлини от гўнги босган, ҳаммаёққа хашак сочилган. Ҳеч қачон бундай бўлган эмасди. Хуросонликлар — озода халқ. Иброҳим, кўзи ўғлига тушгач, каловланиб туриб келди-да, елкасига бош қўйиб, журъатсиз пиқиллай бошлади.

— Не ҳодиса юз берди, ота?

Иброҳим бостирма олдида жимгина тўпланиб турган ходимларга чўчинқираб кўз ташлади:

— Оҳ, ўғлим! Оллоҳ, билмадим, қайси гуноҳларимиз учун бизга жазо берди. Устахонани... иқтага олишди.

Иқта — бирон-бир шахс салтанат олдидаги хизматлари учун ҳоқимлардан олинадиган инъом эканлигини Умар биларди. Одатда иқтага экинзорлар берилар, унинг эгаси — иқтадор деҳқонлардан илгари жамоа подшо хазинасига топшириб келган ўлпонни пул ва озиқ-овқат тарзида оларди. Бироқ турли — савдо ва хунармандлар муассасалари, ҳаммомлар, тегирмонлар, бозорлардаги дўконлардан, карвонсаройлардан, устахоналардан ва, ҳатто, бутун-бутун шаҳарлар ҳамда вилоятлардан тушадиган даромадлар ҳам, албатта, иқтадорнинг хизматига қараб, иқтага бериларди.

— Нима қилибди? — ҳайрон бўлди Умар. — Арзимаган нарса учун шунча шовқинсуронми? Қонуний солиқни давлатга тўладинг нимаю, иқтадорга тўладинг нима, барибир эмасми? Кимга бўлса ҳам тўланади-ку?

— Йўқ, ўғлим, барибир эмас, — гирён бўлиб бош силкиди Иброҳим. — Ҳаётда ҳамма иш ҳам доно қонунларда кўрсатилгандай бўлавермайди. Давлатга тегишли солиқни тўлагач, тинч яшайверасан: кейинги йилгача ҳеч ким сенга тегмайди. Албатта, агар ҳоқимият тепасида, — у олазарак атрофга қаради, — гўринг нурга тўлгур марҳум Маҳмуд Ғазнавийга ўхшаш аҳ... ҳм... худонинг балоси эмас, раҳмдил ҳукмрон бўлса. Иқтадор эса... ахир, у, — Иброҳим қўрқув аралаш аланглади, — у... ўзбошимча-да. Бизнинг иқтадор — жуда эътиборли салжуқий бошлиқлардан. Исми нимаиди? Рис... Рисбек, худо қаҳрли кўнглига раҳм солсин! Эрталаб бутун бир отлиқ каллакес... довьорак сипоҳлар билан кириб келди. Худо, ўзинг кечиргин! Мени қамчи билан роса урди. Кела солиб: «Уйни бўшатларинг», — деб талаб қилди. Қари онасини ва шаҳарда яшашни жуда истаб қолган бошқа хешларини жойлаштирармиш. Биз тўртовлон эса устахонадаги қазноқда кун кецирармишмиш.

Умар лабини тишлаб қолди. Ҳали шундайми. Сукрот, Афлотун ва Арастунинг учовига тенг олим бўлсанг ҳам, юлдузлар ҳақида ҳамма нарсани билибгина қолмай, юз марта уларга бориб келсанг ҳам, бари бир, Ан-нуср ал-воқени* бурни остида ялтираб турган мишиғидан фарқлай олмайдиган қандайдир бир жоҳил уйингга бостириб кириб, ўзингни ҳайдаб чиқариши мумкин.

— Ё оллоҳ! — ҳўрсинди Иброҳим. — Устига-устак эрталабгача минг тилло топиб қўйишни буюрди. Қаердан оламан? Мен кимман — бадавлат савдогар ёки ҳоқимимдим? Беш юз динорни, худо хоҳласа, топишим мумкин, лекин минг тилло — йў-ўқ, тополмайман. Оллоҳнинг иродаси бўлса, бошимни олақолсин. Начора, ўғлим. Чидаш керак. Тақдир экан.

— Балки, бошингизни қўйиш учун кундани ҳам тайёрлаб қўярсиз? — отасининг қўрқоқлиги, ҳайвоний итоаткорлигидан ғазабланиди Умар. — Болтани ҳам олдиндан чархлаб қўярсиз?

— Ўзларининг болталари бор...

— Шаҳар ҳоқимига боринг! Кўмак берсин.

— Бориб келдим, ўғлим, бориб келдим. — Гўё боши устидаги сиртмоққа қараётгандай, даҳшатдан устанинг кўзлари косасидан чиққудай эди, — унинг васвасаси билан қозикалон салжуққа менинг устахонамни айтганда. Рисбекнинг қўлида султоннинг муҳри босилган ёрлиқ бор. Мана шу лаънати ёрлиққа бизни битишган. Одамларнинг бахиллиги ҳар нарсага қодир.

— Неча йилга?

— Ун...

Ҳа, иш чатоқ. Бундай ҳолда соч юлиш, ёқа йиртишгина эмас, аламдан кўксингни ёриб, юрагингни пора-пора қилишинг ҳам мумкин! Иқта — муваққат инъом, шунинг учун очофат иқтадор ихтиёр ўзидалигида устахонанинг сувини сиқиб ичишга ҳаракат қилади. Бутун чоралар билан сиқиб сувини олади. Худо шоҳид, ўн йил ичида бу сердаромад жойни бутунлай хонавайрон қилиб, Иброҳимнинг хонадонини гўрга тикади.

* Ан-нуср ал-воқе — Вега юлдузи (тарж.)

Умар умидсиз аланглади. Ходимларнинг кўзларида ғамгинлик акс этарди. Иброҳим қурумсоқ хўжайин, албатта, лекин нима қилса ҳам ўзлариники эди. Ёт, қутурган салжукдан дурустроқ-ку. Энди салжук уларга тинчлик бермайди.

— Феруза... қаерда? — уни одамлар орасида кўрмай хавотирланди Умар.

— Олиб кетди, иқтадор олиб кетди! — қўл силкиди Иброҳим. — Биринчи кунда-ноқ бошланди...

— Шунақами? — Умарнинг овози ўзиники эмас, қандайдир чийилдоқ эди. Оёқларида қувват қолмаганди. Тўсатдан бўшашиб, бостирма устунини қучди-да, боши билан қуруқ шохга урилиб, қийшайиб сирғалиб тушди. Ёрилган гарданидан қон оқа бошлади. Бошланди? Феруза йўқолгач, унинг учун нимадир тугагандек эди.

— Уғлим, — хафаҳол деди Иброҳим. — Сени ўқитиш учун озмунча маблағ сарфламадим. Энди ўзингни ўзинг эплашинг даркор. Ўзингга ҳам, менга ҳам ёрдам беришинг керак. Хизмат ҳақида ўйлайдиган вақт етмадимикан?

Умар ўзи ҳақида қайғура бошлади:

— Ҳаммамиз қандай қилиб қазноққа сиғамиз? — Феруза билан неча бор бўлган эди? Йўқ, у ерда яшай олмайди.

— Қазноқда яшаб бўлмайди, албатта! — Жон кирди Иброҳимга. — Онанг жаврайди, синглинг чирқиллайди. На ўқий оласан, на ёза оласан. Гап шу! Мадраса ҳужрасига кўчиб ўт. Отам ҳайдаяпти деб ўйлама, лекин у ерда сенга қулайроқ бўлади. Озроқ пул бераман, ярим йилга олдиндан тўлаб қўясану, яшайверасан. Аммо бизни унутма. Хўпми? Розимисан?

Иброҳим уни қувмаяпти, албатта. Лекин отасидан бунчалик осон ажралишаётгани алам қилди. Айни маҳалда бир ўзи яшагиси, ўз йўлини топгиси, полапоннинг уядан учиб чиқишидаги каби, даҳшатли бўлса ҳам, тезроқ қанот ёзгиси келарди. Олдинда бутун бир олам турарди.

— Раҳмат! — Умарнинг кўзи ёшланди. — Розиман. Шунда яхши бўлади. Лекин сиз учиб-қўниб турган экан, бошимизга мусибат тушганда ташлаб кетди, деб ўйламанг...

— Оҳ, ўғлим! Ҳаммасини тушунаман. Мен ким бўлибман? Бечора ва жоҳил бир ҳаймадўзман. Дунёда мен кабилар тўлиб-тошиб ётибди. Сенга худонинг назари тушган. Сен бўлакчасан. Бошқаларга ўхшамайсан. Кўриб турибман. Шу мусибат бошимизга тушмаганда сени юлдузларинг қадар юксакликка кўтарардим. Энди эса...

Кўчага чиқиши биланоқ у ўз хонадони бошига нақадар катта мусибат тушганини ҳис этди. Гарангсиз қолди. Йўлда кетиб борар экан, юрак-юрагидан аччиқ алам билан эслаб айта бошлади:

**Таёя қилмоқ фоний дунёга —
Ўхшар қашшоқ учун рўёга...**

Қатрон Ибн Мансурнинг шеъри. Шоир Табризни ер билан яксон этган зилзилани тасвирляпти. Муҳофазаси, бойлиги ва гўзаллигида унга тенг шаҳар ер юзида йўқ эди. Ҳар ким қалби буюрган иш билан шуғулланарди: биров худога, бошқаси халққа хизмат қиларди. Учинчи бир одам шон-шухрат изларди, тўртинчиси — бойлик кетидан қуварди. Бир дамда ер қаъри очилиб, дарёлар тошиб, пастликлар кўтарилиб, қоялар чўкди. Бир-бирига: «қайғурма» дейдиган одам қолмади.

Иброҳимнинг хонадонида ҳам Табриздагига ўхшаш ҳодиса юз берганди.

* * *

Кечга томон ғам-ғуссага тўлган, ҳушини йўқотган Умарнинг ўзи май истаб дўстлари ёнига келди. Талайгина ичди. Уйқуси бўлмади. Эрталаб аъзои бадани қақшаб турди.

Шайх Назир ҳузурига базўр борди. Ичи яра бўлиб кетгандай, чўғ босгандай ачишарди. Тўзиган гиламчага чўк тушиб, аниқроғи, йиқилгудай бўлиб, бошини ҳам қилиб, тили базўр айланиб, устодига хонадони бошига тушган мусибатни тутилиб-тутилиб сўйлаб берди. Энди у ўз ғамини ўзи ейиши керак.

— Во дариг! — Андуҳ билан тин олди шайх. — Бул сербаракот ислом мамлакатимизда бизларни яна нелар кутмоқда экан? Уғлим! — ҳайқирди у ҳужранинг у бошидан-бу бошига юрар экан. — Сен ибтидий билим — табиётни ўзлаштирмишсан. Уртача фан-риёзиётни, олий фан — илми мофавқут-табла (метафизика)ни эгаллабдурсан. Замонавий фанларнинг барча соҳасидан хабардорсан. Ҳозир сен уларни қаерда ҳам қўллашинг мумкин? Мударрисликни касб эт. Етти яшар сағирларга ёзмоқ, ўқимоқ ва ҳисобламоқни ўргатишни ҳамма уддалай олур. Мен тайинлаб қўюрман, сенга юмуш берурлар. Давлатманд бўлмассан, лекин оч ҳам қолмагайсан. Яхши кунлар келгунча маслаҳатимга киргайсан. Насиб этса, Нишопурнинг қозикалони бўлурсан, — деди у надомат билан кулимсираб, — шунда ўзинг ҳам истаганингни иқтага олурсан.

— Йўқ, — эгик бошини силкиди Умар. Унинг кўнгли айнирди. — Мен ундай бўлолмасман...

Мударрислик қилмоқ? Нажот шунда. Ғам-ғусса ва қарахтликдан эзилган Умар қувонч ҳиссини йўқотганди. Бўғиқ бир сас билан: «Бўпти», — деди ва қоронғи бурчакка кўз тикди. Бемадор юзида паришонлик, нам кўзларида диққат, қуруқшаган лаблари нималарнидир шивирларди. Унутилган дуони ёдига олаётгандай эди.

У оғир тин олди-да, бешуур овоз билан деди:

— Ешлиқда биз шоғирд, ўзгалар устод

Сўнгра устод бўлиб, дилни этдик шод...

— Воҳ! Шоир экансан-ку? — Лол қолди шайх.— Бағоят яхши. Тўхта-чи.— Сўнг у учинчи мисрани қўшди:

— Охири қаерга етишдик, десанг...

Умар кўзини ердан узмай, тушқун оҳангда жавоб берди:

— Тупроқдан чиқибоқ, бўлибмиз барбод...

Бетайин ошна-оғайнилари устидан кулиб ёзган заҳарханда рубойларини ҳисобга олмаганда, булар — унинг илк шеърлари эди.

— Қайғурма! — Юпатди шайх шоғирдини.— Худо хоҳласа, хор бўлмагаймиз.— Сўнг сирли равишда деди.— Мен ҳам... ашъор битаман. Бироқ уларни ёндириб ташлайман. Ҳеч кимга ўқимамайман. Сен ҳам ўқимагил. Бизнинг замонда ашъор битмак — хавфли машғулот.

Майхўрлик асоратидан қутулгунча Умар, офтоб ургандек, бир неча кун қийналди. Нима ҳам қиларди шу заҳри қотилни ичиб? Нақадар жирканч. У ота-онасини кўриб, шу баҳонада чалоб ичиб, кабоб татиб кўриш учун уйга келди. Кайфни тарқатармиш.

Устахонага кўчадан, қўшимча эшикдан кирса ҳам бўларди. Бироқ оёқлари, одат бўйича, ўз-ўзидан ҳовлига бошлаб кетди. Оғир дарвоза эшигини очиб, ичкарига қадам ташлаши биланоқ қулоқлари ва думи кесилган сариқ итга рўпара бўлди...

Яхши ҳамки Умарнинг қўлида йўғон қизил асо бор эди (у энди мударрис, ахир, савлат тўкиб юриши керак-да), йўқса ҳовли тўла ҳайбатли чўл бўрибосарларидан қутула олмасди. Ҳовлига ўрнатилган намат ўтовдан баджаҳл ғилай кишилар бақириб-чақириб чиқиб келишди. Ё тавба! Бу ерда у бутунлай ёт-ку! Ўзи туғилиб ўсган уйига бегона бўлса-я. Умар кўчадан устахонага ўзини уришга аранг улгурди. Етиб олишса дабдала қилишарди. Улдириб қўйишлари ҳам мумкин эди.

Эшикдан устахона саҳнигача ҳовлининг баланд девори билан ишхонанинг сидирға девори орасидаги узун йўлак бўйлаб борилади. Шунинг учун Умарни ҳали ҳеч ким пайқамаганди. У деворга суяниб, бошини кўкрагига солинтирди. Ичкиликдан сўнг ҳали ўзига келмаган бадани иссиқ тердан жиққа ҳўл бўлиб кетганди. Ётгиси келди.

— Умар!

Олдида Феруза пайдо бўлишини ким ҳам ўйлабди?

— Сенмисан? — Умар унга талпинди.

— Мен, кўриб турибсан-ку, — овози бўлакча, хириллаган, ғалати бир тарзда паст эди. — Дугоналаримни... ҳаммани... кўриб кетгани келдим...

У ҳайрат билан Ферузага тикилиб қолди. Кечаги тикувчи худди шаҳар қозиси хотининикидек (Умар уни бир кун бозорда кўрганди) қимматбаҳо кўйлак кийиб олган, ундан ҳинд мушқу анбарининг хуш бўйи тараларди. Бой-бадавлат кишининг маъшуқаси бўлгандан кейин, шунақа бўларкан-да.

Ферузанинг озгани юзидан, елкаларидан билиниб турар, сонлари эса йўғон тортгандай эди. Оқ ёноғида (қирмизи эди-ку), қаердан пайдо бўлдийкин, каттагина хол. Илгари бор-йўқлигини Умар эслай олмади. Бўяниб, ясан-тусан қилиб олибди, ярамас. Ўпичдан шишиб кетган лабларида беҳаё ишшайиш. Ранж тўла кулимсиш. Лекин кўзлари бундан бешбаттар. Унда бегона эркак билан сирли шаҳвоний лаззатни тотиган аёлининг нигоҳи, устуворлиги акс этиб турарди.

— Улдираман!

Жоҳилона ваҳший рашк ўти Умарнинг қалбида тандирдагидек алангаланиб, миясига қайноқ тутундек урилди, кўзларига ҳеч нарса кўринмай, лабларини кўкимтир кўпик қоплади. Қутуриб, асони кўтарди.

Кўтарди-ю, итоаткорона пичирлаб айтилган сўзлар қулоғига кирди:

— Ур, азизим, дўппосла. Сўнг қаерга бўлса ҳам олиб кет, яшир. Тағин хаёлингга бошқа нарсани келтирма... Мен ўзимни хурсанддек кўрсатиб юрибман. Ҳаммани куйдириб, ўзимни ҳам куйдириб юрибман. Номусдан ўлмоқдаман. Алам қиладир. Мендан ҳамма юз ўғирмиш. Айбим не?

Қаерга олиб кетади уни, қаерга яширади?

— Йўқол кўзимдан! — бўғиқ овозда деди Умар. Жигарбандларини ҳам кўрмай, қайтиб кетди.

Феруза ордидан паст овозда йиғлаб қолди.

Унинг олдида айбдорми? Албатта! Айби не? Ўз ихтиёри билан эмас-ку... Шунақа бўлиб қолди. Не учун бўлакчамас, аини шундай бўлди? Бунда ким айбдор?

**Эй дил, бу жумбоқни ҳал этолмассан,
Донолар этагин сен тутолмассан.**

**Май ичиб, шу ерда жаннат пайдо қил,
Жаннатга етарсан, ё етолмассан.**

Тунда, кўнгли чоғ дўстлари — бўлажак илоҳиётчилар, қозилар, мударрислар, руҳонийлар даврасида яна тўйиб-тўйиб бўза ичди. Бўза овқатни кам талаб қилади, сафрони йўқотади, қизиққон кишилар учун фойдали.

Шундай қилиб, фаровон ҳаёт вайрон бўлди. Бироқ қуриган кўл тубидаги юмшоқ шўрга кўкрагинггача ботиб, бундан чуқур ер бўлмайди, деб ўйламаслик даркор. Бир кун (Умар тўрт йилдан буён мударрислик қиларди) пештоқ остидан мадрасанинг кенг ҳовлисига ўтиб борар экан, шу ерда илоҳиётдан дарс берадиган икки рангпар олим билан рўбарў келди.

Қўлини кўксига қўйиб, таъзим бажо келтиргач, одоб билан уларнинг ёнидан ўта туриб, гапини эшитиб қолди:

— Ё оллоҳ, риёзиётчилар, ҳақимлар, табиётшунослар пашшадек босиб кетди-да.

Умар бурчакка ўтиб, деворга қапишганча, қулоғини динг қилди.

— Барча талабалар улар томонга ўтиб кетишди, — хўрсинди иккинчиси. — Нон ҳам, мой ҳам, анжир ҳам келтиришади уларга. Биз бечоралар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ешлар каломи шарифдан юз ўғирди. Уларга юлдузу санок бўлса бас. — Бироз тўхтаб, машъум овоз билан деди, — ваҳоланки, мусулмонлар мамлакатада яшаймиз.

Умар уларнинг гапини шайх Назирга етказди.

— Яхшиликка олиб келмайди! — кўпни кўрган шайх тундлашди. — Ақл-идрок — тинчликни хуш кўради, шафқатли бўлади. Жаҳолат эса уришқоқ ва раҳмсиздир. Зотан, барча нарсани моҳиятан идрок этадиганлар марҳаматли бўлиб, ўз мавжудлиги билан ўзини қарор топтиради. Жаҳолат эса сўқир, агар шафқатсиз ва бераҳм бўлмаса, ўзини қандай қилиб қарор топтиради? Сен энди томга чиқма. Устурлобни отангнинг устaxonасига элтиб, яхшилаб яшириб қўй. Риёзиёт бўйича барча китобларни, Беруний ва, айниқса, Абу Али ибн Сино асарларини ҳам яшир. Тинтишади. Хужрада қуръонни, яна шарият қонунлари мажмуасини ва шу кабиларни қолдир. Ўзинг тушунасан-ку.

— Биламан.

— Биронта намоздан қолма! Кўриб, билиб юрибман, анчадан буён беш вақт намозга чап бериб юрибсан. — Умарнинг афтига эътибор қилиб шоша-пиша тушунтира бошлади. — Қўрқоқликдан эмас бу! Оқилликдан. Айтайлик, сен сандиқда каттагина соф олтин ёмбини сақлаётган бўл...

— Менми? Ҳо-о!

— ...Ўғрилар уни ўғирлаб, сени ўлдирмоқчи бўлганларидан хабар топдинг. Нима қилардинг? Эҳтиёткорлик даркор. Тушуняпсанми?

— Тушуняпман.

* * *

Бир неча кун ўтгач, мадрасага салжуқий каллакесарлар ёпирилишди, балки айна шу чора Умарнинг ва шайх Назирнинг жонига оро киргандир. Уларни даштда юраверганидан зарбоф кийимларини ёғ ва тер босган барваста, жуда ҳам семиз суворий бошлаб келди. У дашт сиртлонлари устида турган тоғ айиғидай, сарбозлар устида турарди.

— Рисбек! — Сарбозлардан бири қичқирди. — Барини тутайликми?

— Ҳаммасини эмас, аҳмоқ, — деди бошлиқ аранг хириллаб. — Илоҳиётчиларга тегманглар, деб айтилди-ку. Рўйхат шайхулисломда. Кимни тутиш кераклигини ўша кўрсатади.

Рисбек? Умар семиз йигитга нафрат билан тикилди. Уларни хонавайрон қилган шу экан-да. Шум рақиб ҳам. Ҳе!..

Қизиқ, кишига бунча ёғнинг не кераги бор? Қўй, буқа семиз бўлса бошқа гап. Уларнинг қиммати ҳам, баҳоси ҳам семизлигида. Бу кишининг эса қорни мешдай, кети катта... Тфу, қарасанг кўнглинг айнийди! Туя ўркачидаги каби заҳира тўплабди? Туяга ўхшаса қошки! Кечгача овқат бермасанг, бу бадбахт ҳаром ўлади. Киши меҳнатининг қанчадан-қанча маҳсули кейинчалик қуртларга ем бўлиш учун бу бемаъни ёққа айланган экан...

Шайх Назир билан Умар, селдан қочиб дарага тиқилган йўловчилардек, деворга суюнганча, туркманлар хужралардан азобланган олимларни, бойлам-бойлам китобларни судраб чиқишаётганига даҳшат билан қараб туришарди. Нишопурда бу каби ҳол ҳали рўй бермаганди. Ҳатто бир вақтлар ҳамма жойда кўплаб дор қуришни ҳамда уларга бидъатчиларни осиб, тагидан «ҳақиқий динга» қарши қаратилган китобларни қалаб, ўт ёқишни буюрган Маҳмуд Фазнавий ҳам тўғридан-тўғри мадрасада ҳеч кимни жазолатмаганди. Нима бўлса ҳам худонинг уйи-да. Афтидан, астойдил ҳаракат қилса, оллоҳ йўлида оллоҳнинг ўзига ҳам тупуриш мумкин экан-да.

— Кечаги маъжусийларда бунчалик жаҳду жадал қаердан пайдо бўлдийкин? — Умарнинг гезарган лабларидан шу сўзлар учди. — Ахир улар куни кечагина Сирдарё бўйларида оғизларини кўпиртириб, гулхан атрофида доира чалиб, ув тортишарди-ку.

— Кечаги мунофиқлардан ёвузроқ муртадлар бўлмаганидек, динни янги қабул қилганлардан ёвузроқ диндор бўлмайди,— деди Шайх оҳиста.

От гўнги ва тер ҳиди, одам қони иси келарди. Таниш ис: Умар шундай исни Ферузғунд йўлида сезганди. Ари уясидек серкатак мадрасадан — муаззин айтган чўзиқ азонга, мударрислар ва талабалар қироат билан ўқийдиган дуоларга ҳамда паст сас билан пичирлашларига кўникиб кетган гумбазлар остидан, тоқчалардан ҳамда тор хужралардан бу ерга муносиб бўлмаган бўлакча товушлар садоси: ҳовли юзидаги ғишларга урилган от туёғининг тақиллаши, кундага тушган ойболта, сўкиниш, ўлим олдидан ўқиётган дуолар эшитиларди.

Гулхан ловуллагандан ловулларди — бу ерда китоб кўп эди. Хуросоннинг энг зукко одамлари алангада хокка айланмоқда эди. Балки бутун Эрон билан Туроннинг зукколаридир булар. Рўйи заминда уларни ҳимоя қиладиган зот йўқ. Уларнинг тарафини олиб бирон сўз айтадиган жон йўқ! Ақл нақадар қудратли бўлмасин, ҳозир у ожизлик қиларди. Тоғларни жойидан қўзғатишга қодир ақл йўлда ётган тошга урилиб чил-чил бўлаётганди...

— Ромей Плутарх... жуда узоқ ўтмишни назарда тутиб... «Қиёсий таржимаи ҳол»ида: «Уша пайтларда табиатшуносларга ҳамда хомхаёл ишлар ҳақида гуфтигў қилишни хуш кўрадиган кишиларга тоқат қилишмасди. Уларни илоҳий ибтидони барбод этувчилар деб билишарди. Протагор ҳам қувилганди, Перикл Анаксагорни бандизиндонликдан аранг қутқариб қолганди, ҳеч қандай бунақа ишларга алоқаси бўлмаган Суқрот ҳам ҳарҳолда фалсафа туфайли ҳалок бўлганди», — деб ёзади. Минг йиллар муқаддам айтилган эди бу сўзлар. Яна-да қадимийроқ давр ҳақида айтилган эди. Ушандан буён нима ўзгарди? Ўн беш аср илгари омилар ақли расолаш ошига қандай оғу солган бўлсалар, ҳозир ҳам уларни шундай заҳарламоқдалар.

Қачон бас қиларкинлар?

Шайх одатдан ташқари сергап бўлиб қолгани шогирднинг аччиғини чиқарди. Бошинг устида қилич ўйнатиб туришганда гапга бало борми? Бироқ устозининг овози ғалати бир тарзда бўғиқлигидан у мўйсафид фарёд чекиб юбормаслик учун гапирётганини фаҳмлади. Умарни ҳам шундан асраётган эди. Ташаккур.

— Инсоф билан айтганда, биз сен билан уларнинг орасида бўлмоғимиз даркор эди, — шайх кунда олдида ўз ўлим навбатини кутиб турганлар тўдасига соқоли билан эҳтиёткорона ишора қилди. — Ҳатто биринчи бўлиб кундага бош қўймоғимиз лозим эди. Бироқ сен менинг маъқул шогирдимсан, мен эса — машҳур шайхман, диний таълимотдан дарс берурман, оллоҳ ишлари борасинда доно устодман. Шу боис, ўғлим, қувлиқни касб эт. Бизнинг асримизда бу касб бошқа барча касблардин муҳимроқ. Эрк берсанг, қанчадан-қанча «авлиё»лар ўз масжидларини дарҳол вайрон қилардилар. Тирлик қолмоқ учун муғомбир бўлмоқ даркор.

— Мен уддалай олмасман, — маъюс жавоб берди Умар.

— Ҳой! Аҳмоқ ўзини доно қилиб кўрсатишидан ақлли ўзини нодон қилиб кўрсатиши осонроқ.

— Балки аксинчадир?

— Балки. Не кунларга қолдик? Уйингга эгалик қилолмайсан — тортиб олишади, пулингга хўжайин бўлолмайсан — ҳамёнингни кесиб кетишади, оилангга эгалик қилолмайсан — опқочишади, каллангга ҳам эга бўлолмайсан — кесиб ташлашади. Ҳатто ўз соқолингга ҳам эга эмассан — таҳқирлаб қириб қўйишади. Ё танграм!

— Ҳа-а...

**Бизга фалак иши — фақат ташвиш, ғам,
Бирини тикласа, бошқаси барҳам,
Ҳали келмаганлар бундан беҳабар,
Хабар топа қолса келмас эди ҳам.**

* * *

— Ҳа-ҳа! — деди бозорда Умарни учратиб қолган ҳаммаҳалласи Юсуф сартарош ичқоралик билан. — Ахийри оллоҳ ҳақиқий динни қораловчилар уясини бузибди-да! Яхши қилибди. Бебисмилло китобни ўқиш ярамайди.

— Сен ўзинг ўқиганмисан ўша китобларни?

— Менми? Йўқ! На даркор?

— Улар бебисмиллолигини қаердан биласан?


— Имом шундай деди. — Шу сўзларни айтар экан, сартарош эҳтиром билан овозини пасайтирди.

— Ўзинг ўйлашга қодирмисан?

— Ўйлашга? — Юсуф кафтларини ёзиб, кўзини бақрайтирди. — Нима кераги бор? Биз учун худо ўйлайди.

— Ҳозир сенга ўйлашни ўргатиб қўяман, итнинг кейинги оёғи! — Умар, гарчи бу иш мударрисга ярашмас ҳам, унинг гарданига мушт туширди.

Эрта тонгда қачонлардир кўплаб мусофирлар яшаб заҳмат тортган, илгари тақиртуқур ва жаранг-журунг эшитилиб турган, шодон овозлар қулоққа чалинган, энди эса



кўхна вайроналардек бўм-бўш бўлиб қолган машҳур Нишопур карвонсаройи ёнида Умар шайх Назир билан хайрлашди. Унча катта бўлмаган карвон йўлга чиқишга тайёрланаётган экан, устод пулни келишиб, Астрободгача етиб олмоқчи бўлди, у ерда муваққат бошпана топиш умиди бор эди. Кечаги воқеалардан сўнг бу ерда қолишни хоҳламасди. Бир кун унинг ҳам бошига етишади...

— Камбағалликнинг нафани билдирми? — Шайх ўрин-кўрпага қўшиб боғланган китоб тўла сандиқчани кавушининг тумшуғи билан ниқтади. — Қочошга тўғри келиб қолса, бор лаш-лушингни қўлтиққа урасану, ҳайё-ҳуйт деб йўлга тушаверасан. Қанақасига хоҳласангизлар, шунақасига қутураверинглар. Тез-тез қочиб туришга тўғри келади. Замон шунақа. Надомат чекма! — деди у шогирдининг кўзларида ёш кўриб.

Надомат чекма, эмиш: айтишга осон. Бечора Умар Нишопурда ким билан қолади энди?..

— Ҳатто Абу Али ибн Сино ҳам сизларнинг бу ғаройиб шаҳрингизни ташлаб кетишга мажбур бўлган, — шогирдини овунтирмоқчи бўлди шайх.

— Қандай қилиб? — ҳайратга тушди Умар. — Наҳот... наҳот ибн Сино бу ерларга келган бўлса?

— Келган, — ғамгин деди шайх. — Ҳамадонга ўта туриб бўлган. Дини ислом ула-молари бу ерда қолишига йўл қўйишмади. Билмаганмидинг? Ҳа, албатта, ким ҳам айтиб берарди сенга. Қонхўр ит Султон Маҳмудни ҳамма эслаб қолган. Абу Алини унутиб юборишган. Ваҳоланки, ибн Сино одамларга ачинар ва уларни ҳурмат қиларди. Эҳтимолки, сен турган жойдаги тупроқ ҳам унинг муборак пойи қадами босилишига мушарраф бўлгандир...

Ҳаяжонга тушган Умар чекинди. Балки у ибн Сино қадамларидан қолган тиллога тенг изларни кўрмоқчи бўлгандир? Ҳайҳот! Умар оёқлари остида туя, эшак ва ақли кўтаҳлар изидан бўлак изни кўрмади.

...Умар дунёга келишидан ўн бир йил муқаддам Абу Али Ҳамадонда вафот этганди. Қувғин қилинган, минг азобга солинган олим «Алқонун фит-тибб»ни ёзди-да, эллик етти ёшида оламдан ўтди. Ёвуз одамларни ҳеч қандай ҳақим, ҳатто энг истеъдодлиси ҳам уларнинг азалий хасталиги — ўзларига ўхшамайдиганларга нафрат билан қарашдан даволай олмайди.

Умар бозорнинг тутунли ҳавосидан нафас олди. Ингичка кафтлари билан гувалакдан қилинган ғадир-будур деворни сийпади. Ғафлатдан уйғонгандай, гарангсиб атрофга аланглади. Ажабо, кетаётган йўлингда, нафас олаётганинг ҳавода, қўлларинг билан ушлаётган нарсаларда буюк инсоннинг руҳи борлигини, қачонлардир шу ерда бўлганлигини ҳис этиш ҳам ваҳимали эди.

Дароз, рангпар, ориқ, тўзиган тўн кийган олим оёқларида эски чорик, мана бу ерда, девор ёнида турарди ва одамлар уни тугунлари, саватлари, ўтин бойламлари билан туртиб ўтишарди. Яхши кийинган, қорни тўқ кишилар унга кибр билан боқишар, унинг бечораҳоллигидан кулишарди. «Ҳой, хароб, йўлдан қоч!» — деб ғазаб билан бақирарди эшак етаклаб келаётган киши. Одатдаги бу кўпол бақирик Умарнинг қулоқларида аниқ жаранглагандай бўлди.

Қизик, буюк одамлар майдакашлар орасида ўзини қандай тутишаркин? Эҳтимол, буюклигини ўзи билмас? Буни хаёлига ҳам келтирмас? У сукут қилади. Чидайди. Тутиб олиб, уришмаганидан боши осмонда унинг.

Одамлар! Қанақасизлар?

Шарқ олимларининг сарвари Абу Наср Форобийни хўрлаб, қашшоқ ва саргардон қилдилар.

Бидъатчи ва исёнкор номини олган Фирдавсийни ҳам таҳқирладилар: у кўзи ожизлигига қарамай, беқийёс «Шоҳнома»си устида узундан-узоқ — йигирма беш йил бош кўтармай ишлаганди.

Ахир ҳар қандай бемаъни мамлакатда, одатан, аҳмоқларни кулгу қилишади-ку. Зотан, тентакликни шарафлайдиган, уни қўшиқларда мадҳ этадиган, эртақларда куйлайдиган халқ бўлмаса керак. Ё бормикан? Йўқ, бўлмаса керак. Оддий халқ олимликни мўътабар билади.

Чаламуллалар, бахил майдакашлар олимларни ёқтиришмайди. Қаердадир нимадир унинг қулоғига кириб қолгану, ҳеч нарсани ёдида жўялироқ сақлаб қола олмаган, лекин ниманидир биламан, деб ўзига бино қўйган. Дунёда барча нарса ҳақида мулоҳаза қила оламан, деб ўйлайди. Унинг айтганларини маъқуллашмас экан, бундай одамларни кириб ташлашга ҳам тайёр.

Форобийни, ибн Синони, Фирдавсийни ҳақоратлаганларнинг ўзи қаерда, уларнинг номлари қайси китобда, қанча вақт сақланиб қолган? Уларни, тириклигидаёқ, энг яқин ҳамсояларидан бўлак ҳеч ким танимаган, шундай экан, ўлганидан кейин уларни ким ҳам эсларди.

Йўқ, шайх асло ҳақ эмас: Абу Али ибн Синони Хуросонда ҳеч ким унутгани йўқ. Ҳеч қачон унутишмайди! Султон Маҳмуд... начора, мамлакатга ундан етган жароҳат янглигида у ҳақда гапириб юришади. Жароҳат битиб, ўрни қолмагач, ваҳший султоннинг номи ҳам, ўзи ҳам унутилиб кетади. Бир вақтлар бўладики, биронта толиби илм у ҳақда

хеч нарса билмайди. Шунча гап-сўз бефойда кетади.

Шариф Мужаллади Гургоний айтганидек:

**Бу дунёда Сосоний, Сомонийлар тўплаган
Шунча мулку неъматдан нима қолди бу замон!
Ва лекин Рудакийнинг қасидаю мадҳлари,
Ҳамда Борбод қўшиғи яшаб келмоқда ҳамон!**

Шундай экан, оломон орасини шодон ёриб ўтиб борар экансан, ҳарҳолда эҳтиёт бўл: ибн Синони туртиб юборишинг, Фирдавсийга қаттиқ тегиб кетишинг, Абу Райҳон Беруний пойини босиб олишинг мумкин.

— Уғлим, сен ҳам бу ерда қолмаёйсан. Мовароуннаҳрга жўна. Абу Тоҳир Алакка мактуб битиб қўйганман. — Шайх атрофга олазарақ қараб қўйнидан ўроғлиқ мактубни чиқариб, тезда Умарга берди. — Бу ердагилардан хеч кимга кўрсатмагил. Абу Тоҳир — Самарқанднинг қози калони, менинг эски дўстим. У сенга кўмак берур. Кўмак бермоғи шарт. Азизим, бошингни эҳтиёт қил. Ҳокимлар учун керак бўлмасанг, урфон учун зарурсан. Халқ учун зарурсан. Келажак учун зарурсан.

Шу ерда қари машоқнинг сўзлари Умарнинг ёдига тушди, ўша сўзларнинг асл мазмунини энди тушунди: «Киши нима туфайли дўстидан кечади? Оиласи туфайли. Оиласидан-чи? Қишлоғи туфайли. Қишлоғидан-чи? Юрти туфайли. Юртидан-чи? Ўзи туфайли». Оқибатда, энг улуғ нарса — инсон. Инсон бўлмаса, дўстлар ҳам, оилалар ҳам, қишлоқлар ҳам, бинобарин, юртлар ҳам бўлмағай.

У Нишопурни умрбод ташлаб кетади, деган хаёл барибир даҳшатли эди — Форобий, ибн Сино, Беруний сингари ғурбатда ўлиб кетади. Бироқ уларни ўз юртини ташлаб кетишга мажбур этган нарса унга бўлган нафрат эмас-ку ва улар ватанларини лаънатлаб эмас, уни соғиниб ўлишган-ку. Кузда қушлар ўз ошиёнларини ташлаб узоқларга учиб кетишларига фаровонлик сабаб эмас-ку. Қаҳратон қиш уларни қувади. Учиб кетишмаса, бир парча музга айланиб, ҳалок бўлишади.

...Мадрасада ғалати кунлар бошланди! Шукрилиллоҳки, мадраса бидъатчилардан, худосиз табиётшунослардан халос бўлгани учун руҳонийлар каломи шарифнинг мағзини бемалол чақишлари мумкин. Уларнинг қизғин баҳсларининг моҳияти нимага келиб тақаларди?

Олов иссиқ. Қор совуқ. Сув ташналикни қондиради. Ва шу кабилар. Гарчи, буни ёш бола ҳам билса-да, баҳс чиқариш шарт бўлмаса-да, шундай давом этаверарди. Лекин ёш бола ҳамма нарсани бориचा, ўз билгича, қуръонга мурожаат қилмасдан идрок этаверади...

**Бу замон дўстни кам орттирмоқ маъқул,
Аҳли замондан узоқроқ бўлгил!
Суюнчиғинг бўлиб кўринган кимса,
Кўзинг эҳсанг душман чиқади нуқул.**

Ал-жабр, ал-муқобала масалаларининг исботи у ерда кимни ҳам қизиқтирарди? Умарнинг Нишопурда яшагиси келмай қолди. Қилгани иши, гаплашгани одами қолмади. Шусиз ҳам одамови эди, хеч кимга қўшилмай қўйди.

Нуқул уйқуси келар, аллақачон жонига теккан нутқларни индамай тинглаб ўтириб, мудраб кетарди.

Боз устига Умар доим оч-наҳор юрар ва шу бефойда йиғинларда бир ўзи, ёлғиз, хеч ким билан бўлишмай, бутун бир кулчани еб, бир кўза сутни ичиб олгиси келарди. Бутун бир кулчани егиси келарди! Кийимлари ҳам тўзиди, янгисини олишга сармоёси йўқ — дини ислом мутасаддилари орасида деярли йиртиқ тўнда, тешик чориқда ўтирарди. Бундай аҳволда бир гап айтиш ҳам қийин-да. Оғзи қийишқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин, деб бекор айтишмаган.

Улар ё ҳукамога маъқул келишчун ўзларини жинниликка солишяпти, ёки чиндан ҳам жинни. Шу одати унга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолди: кимда-ким унинг олдида ўзини зукко кўрсатиб, ўз-ўзидан тушунарли, чайналган ҳақиқатни гапира бошласа, Умар саросимага тушиб, беун туриб қолар — ўзини йўқотиб, ақли оғир, фикри паришон бўларди. Ўз-ўзидан маълум бетайин гаплар айтилса, бундан баттар ҳолга тушарди.

Истасанг-истамасанг дейсан-да:

**Ўзни доно билган у уч-тўрт нодон
Эшак табиятин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.**

Умуман, Умар хеч қачон сергап бўлмаганди. Кимки синчков бўлса, ўша одам эзма бўлмайди. Бир кун шайх Назир дегандики:

— Мен табиятан уятчан бўлганим учун индамасман. Бу индамаслигимиз муфас-

саллигимиз билан яна-да мураккаблашур: айрим ашаддий маҳмадоналарга хос тезлик, ҳочирим қилиш ва тадбиркорлик етишмайди бизда — бир сўз айтмоқдин аввал шошмасдин, батафсил ўйлаб олмоғимиз керак.

— Ҳа, мен калтафаҳмман, — хўрсинди Умар.

— Яъни, сен ўз руҳий тузилишинга кўра нотиқ эмас, адибсан.

...Дини ислом намояндалари йиғинларида Хайёмнинг индамай ўлтириши бадгумон қарияларни безовта қила бошлади. Шайх Назир тўсатдан кетиб қолгани ҳам шоғирдига соя ташлади. Боз устига Умар устоди иккиси нелар ҳақида гаплашиб юришганини ҳеч ким билмайди, деб беҳуда ўйларди. Кимдир қачонлардир уларнинг суҳбатини эшитиб қолган (аниқроғи ўғринча эшитиб олган) ва энди чақимчилик қилишни ўзининг энг муҳим бурчи деб ҳисобларди: мударрислар ўзгаргач, толиби илмлар ҳам ўзгарди: баъзилар қочиб кетишди, бошқалари эса қолиб, ҳақиқий динга ҳурмат билан ёна бошладилар. Энди яширин улфатгарчиликларга уларнинг фурсати етмасди.

У билан гаплашмай, саломига алик олмай кўйдилар. Буларнинг бари шу билан тугадики, бир кун қош қорайганда боши ёнидан оғир ғишт учиб ўтди-да, тўсиққа урилиб, парча-парча бўлиб кетди. Сал бўлмаса... Хайёмнинг боши бўлақларга бўлиниб кетарди.

Умарни устод — шайхи калон ҳузурига чорладилар.

— Мадрасада бўлишинг сени қийнаб қўймаётими, ўғлим? — оҳиста сўроққа тутди муҳтарам олими дин. — Ҳа, сени? Мадрасада бўлишинг?

— Ишимни эпложмаяпманми? — сесканиб тушди ёш мударрис.

— Сен иқтидорли йигитсан. Ҳа иқтидорлисан. Кўп нарса биласан. Ғоят кўп биласан. Киши ҳеч нарса қилолмаса, билмаса ва билгиси келмаса — гуноҳ эмас. Гуноҳмас. Сен эса болаларга табиёт асосларини ўргатиб, уларни йўлдан уряпсан. Бу — гуноҳ. Уларга қуръонни ўргат: уни тангри барча нарсаларнинг моҳиятини билдириш учун туширган. Кишилар одатларни бузмасинлар. Ҳаммага ўхшаб, тинчгина одоб сақлаб яшасинлар. Ҳаммага ўхшаб. Ҳеч нарса изламаса, ҳеч нарса йўқотмагай.

— У ҳолда, — ғазабланди Умар, — нега уни инсон деб атайсиз? Сиз айтган — шиллиққурт. Бироқ шиллиққурт ҳам қаергадир ўрмалайди, неларнидир излайди.

— Афтидан, бу ер сенинг жойинг эмасга ўхшайди, — қуруққина деди шайх.

Албатта, жойи эмас! Тақдирни алдамоқ етар. Йўлга ҳозирлик кўрмоқ зарур. Истаган вақтда истаган мусулмон ғишт билан уриб, бошингдаги юлдузлар оламини сўндириши мумкин. Ўлдиради-да, қўллари ҳам титрамайди, ачинмайди ҳам! Аксинча, ҳудонинг хоҳишини бажо келтирдим, жасорат кўрсатдим, деб ҳисоблайди. Сен ўзига ўхшамаганин учун шундай қилди. Чунки у сенинг бутун ғаройиблигини ўзининг жўжаникидек миясига сиғдира олмайди.

— Эс-ҳушингни йиғ...

Илоҳиётчи мўйсафид фақиҳ одатий оталарча юмшоқлик билан, гўё мадрасадаги олимларни салжуқийлар унинг чақиғи билан қийратмагандай, йўлдан озган болага панднасиҳат қилиб, уни ҳақиқий дин йўлига солмоқчи эди. Умар эса унинг сўзларини тингламади ҳам. Ёш шоир ғазабидан титрарди! Боши ғувиллар, оғзи қуриб қолган, эҳтиёткорлик деган нарсани эса бутунлай унутиб қўйганди.

— Беҳуда гапларнинг кимга кераги бор! Эҳ, одамлар! Ўзимдан изн олмай, мени ёруғ дунёга келтиришлар. Энди эса турли-туман доноликларни беизн тиқиштирмоқдалар. Ҳўп, айтайлик, болагимда менга ўқишни, ёзишни, ҳисоблашни ўргатмоқ жоиз эди. Энди мен вояга етмишман! Энди ўзим кўрмоқни, тушунмоқни — фикр юритмоқни билурман. Қуръон ҳамма нарсанинг моҳиятини тушунтириб берар эрмиш... Ҳа! Учинчи даражали тенгламани қуръон ёрдамида ҳал этиб кўринг-чи. Бас! Мен «ҳақиқий дин» менга, на ақлимга, на қалбимга ҳеч нарса беролмаслигини билиб олмагунимча унга ҳалол хизмат қилдим.

— Бироқ ақлинг ва қалбингдан бўлак...

— Меъдам ҳам борми? Мен унинг ташвишини чекмагайман. Албатта, қорин — жуда муҳим аъзо. Бироқ қалбим — қорнимдан юқори турур. Бошим эса қалбимдан-да юксакроқ. Алвидо. Шуни билинги, сизнинг мактаб ва мадрасаларингизсиз ҳам араб алифбосини ўрганиб олардим, йўқса, ўзимникини ўйлаб топардим. — Умар таъзим қилди, ўгирилди-да, эшик томон қадам ташлади.

— Оҳ, тилингни тиёлмайсан сен, тиёлмайсан, — надомат билан уф тортди мўйсафид. — Бизнинг замонда биздин юқориларнинг ғазабига дучор бўлиш қанчалик осон бўлса, уларнинг муҳаббатига сазовор бўлиш шунчалик машаққат.

— Бир илож қилурман! — кескин деди остонага етган Умар.

— Ярамас! Сенга яхшилиқ истамишдим. Адо бўлурсан, бола, адо бўлурсан.

— Гўрнинг оғзида икки оёғини осилтириб ўлтириб, кимнингдир ўлимини қандай башорат қилиш мумкин? Ўзингизнинг ғамингизни енг, муҳтарам шайх. Сиз ўз йўлингиздан бораверинг — мен ўз йўлимдан кетурман.

— Даф бўл, — кетидан жавраб қолди эсанкираган фақиҳ.

Тун. Сукунатни тўсатдан бузиб, устахона эшигини гумбурлатаётган ким экан? Тунда ўғрилар юради. Бироқ ўғрилар корини қилар экан, камроқ товуш чиқаришга уринади. Бу — тунбеги — миршаб ёрдамчилари билан юрибди.

Улар ҳам ўғрилар сингари кундузи юришдан қўришади. Улар одамлардек бемалол эшик қоқиб кела олишмайди. Улар эшикни албатта бузишлари шарт. Тўғри, бундай барзангилар учун тинчгина яшаб турган ҳамшаҳарларининг ночор эшигини бузиш ҳеч гапмас. Таассуфки, вақти келиб бегоналар бостириб келганда жонажон шаҳарларининг темир парчинлар билан безалган мустаҳкам дарвозасини ҳимоя қила олмадилар.

Уларни онаси кутиб олди.

— Даҳрий ўғлинг қаерда? — «Тунбеги» аёлга ташланди.

— Кетиб қолди.

— Қаерга?

— Боғисангга.

— Боғисангинг қаерда?

— Астробод тарафда, тоғда.

— Қочиб қолишга улгурибди-да? Бўлмаса ўша ерда пилдирпис бўлиб ўтираверсин, Нишопурга қайтиб кела кўрмасин. Ярамас ўғлинг шайх зоти шарифларига кўрслик қилмиш, шунинг учун шаккок деб эълон этилмиш.

— Бу хотин алдамоқда, — деди ёрдамчилардан бири. — Уғли мадрасадан қайтгач, уйдан жилмади, биз кузатиб турдик.

— Демак, шу ерда экан! Устахонани ағдар-тўнтар қилинглар. Тўпларни қилич билан чопинглар, қўлини ёки оёғини кесиб ташласангизлар, дарҳол овоз чиқади.

Иброҳим пусиб ичкари эшикдан ҳовлига чиқди-да, Рисбекни уйғотишларини илтимос қилди.

— Устахонага тунқоторлар бостириб киришди. Кимнидир ахтаришяпти. Тайёр молларни поралаб ташлашди. Жаноб иқтадор катта зиён кўришлари мумкин.

Зиён? Рисбек жанговар қўшинни оёққа турғизди. Итлар акиллагунча, туркманлар тун қоровулларини, тушунтиришларига ҳам қулоқ солмай, қоп-қора қонига белаб, майиб қилиб кўчага улоқтиришди.

— Бетавфиқларнинг озгина бўлса-да, нафи тегди-ку, — пичирлади ҳаймадўз юмушларнинг ичкарасида тўплар орасига яширинган ўғлига.

Тонготарда Иброҳим ўғлига онасининг чодирини ёпинтириб, Балх дарвозаси ёнидаги карвонсаройга бекитиқча олиб борди.

«Шундай қилиб, бизни кўрарга кўзингиз йўқми? Жуда соз! — Умар тишларини гижирлатди. — Безиён деб ўйламанг, нафратланишни биз ҳам биламиз. Ва бу нафратимиз юз карра даҳшатлироқ! Сиз, ақли ноқислар биз билан қандай қилиб тортишур-сизлар? Қасос олмоқчи бўлган истеъдод шундай дасисаларга қодирким, сизларни абадул-абад шармисор айлағай. Шошмангиз, менда ҳақингиз қолиб кетмағай. Барча нарса ва ҳамма учун интиқом олурман. Қай тарзда ва не воситалар ила ўч олишимни билмайман, лекин, хотирингиз жам бўлсинким, қалбингизда алам ўтини ёқа олгайман.

Балки улар душманликдан кўра шафқатга муҳтождирлар? — деди ўзича холис бўлишга интилиб. — Жаҳолат — қулликнинг нишонаси.

Эҳ! Қулликда энг ёмони — кишан эмас экан: қул кишанга кўникиб қолганидан усиз яшай олмайди. Бўлак нарсани истамайди. Бефаҳм буқанинг хўрагини тортиб олса, ўкириб чор атрофни бошига кўтаради. Қанча кўп ем еб семирса, қассобнинг қўлига шунча тез тушишини билмайди бечора.

Очкўзлик деб аталмиш ҳамда ҳур фикр вужудга келган пайтдан буён унга толмай ўйлаб азоб берувчи зўр ёвуз кучнинг азалий таянчи — холис ниятли, қонунга риоя қилувчи, «боодоб» кишидир: унинг ўзидан баландларга хушмадини кўриб кўнгил айнийди, ўзидан пастларга келганда эса — густоҳ, ғазабнок, қурумсоқ, тамагир.

Бундай одам отасини абгор қилишдан ҳам қайтмайди, ташналаб қўшнисига бир қултум сув тутмайди-ю, унга ҳаётдан сабоқ бермоқчи бўлади. Қуриб кетсин бари! Улиб битмайдами! Бадбўй кўлмакни тарк этиб, оқар сувда софланиб олмас эканлар, худо шоҳидки, битта қолмай қирилиб битурлар.

...Энди ҳеч кимга ҳеч қачон кулиб боқмайман, деб ўйларди у. Аммо янглишган эди: ҳали кулади ҳам, қаҳқаҳа ҳам отади. Дунёнинг ишлари шунақа.

Иброҳим сафарга отланган ўғлига пул берди, оталарча насиҳат қилди. Пулдан кўра насиҳат кўпроқ эди: «Тангани кўз қорачиғидек сақла! Бир дирҳам ўрнига ярим дирҳам сарфла».

Ноғора даранглаб, карнай ғат-ғатлаб кетувчиларни йўлга чорлай бошлади. Кўз ёши шашқатор Умар жигарбандлари билан хўшлашгач, Марв сари йўл олган карвонга қўшилиб, олис ва номаълум томонга жўнаб кетди.

— Гум, гум, гум! — Олдинда бораётган нортуянинг гердайган бўйнига осилган катта мис кўнгироқ ўйчан ва мунгли жаранглайди. Номи ҳам «гум-гум».

— Лўк-лак, лак-лўк! — Пировардида кетаётган лўкча бўйнига осилган кичикроқ, 503 устига бузуқ кўнгироқ совуқ жарангларди.

Оғир юк ортилган бир ўркакчи ҳамда икки ўркакчи туяларга осилган кўнгироқчалар, шиқилдоқларнинг баланд-паст овози қўшилиб кетади. Узун карвон сийрак ҳалқали занжир мисол кўринар, ҳар бир ҳалқада уч-тўрттадан туя, биттадан ҳайдовчи бор эди. Ҳалқалар орасида эса сувори соқчилар, шалдироқ аравага ўтириб олган йўловчилар боришарди.

Кўнгироқларнинг узоқ-узоқларга эшитилаётган нотекис саси қулоғи ўрганиб кетган сорбонлар кўнглини овларди. Умарнинг эса бу товушдан кўнгли беҳузур бўларди — уни юнон христиан бутхоналарида дафн пайтида чалинадиган кўнгироқ жарангига ўхшатарди. Хуросонда бундай бутхоналар анчагина эди.

Энди умргузаронлик қиладиган мамлакат тўғрисида ўйламай бўлмасди.

Мовароуннаҳр тақдири Хуросон тақдиридан ажралмасдир. Бир вақтлар ҳар иккиси қадимий форс ҳукмдорлари — аҳмонийлар давлатига кирган, ҳам асов, ҳам аллома майпараст Искандар ҳужумига барабар дучор бўлган. Орадан юзлаб йиллар ўтгач, муслмон зобитлари ҳукми остида қолди. Кейинчалик Бухоро ҳукмдорлари — сомонийларнинг ажойиб давлатига қўшилди. Сомонийлар халифаликка бўйсунмай қўйгач, мустақил яшай бошладилар.

Сўнг турклар пайдо бўлишди. Нафсиламрини айтганда, улар йироқ шарқ даштларидан анчадан буён, оз-оздан, секин-секин кириб келиб, ўтроқ бўла бошлагандилар. Энди эса қудратли тўлқин бўлиб босиб келдилар.

Қариялар янги-янги хонлар, султонлар қайдан пайдо бўлишини билмай ҳайрон қолишгани Умарнинг ёдида. Эрон билан Туронга қандай алоқалари бор! Бу ерларда уларни ким биларди? Ким чорлаган бу ерга, ким сайлаган? Елғиз худога маълум. Ҳурматини бажо келтир эмиш...

Аслида бундай бўлган эди: ашаддий жаҳолатпараст, муслмонлар халифаси машриқдаги тўқ вилоятлар — Хуросон ва Мовароуннаҳрдан маҳрум бўлганига чидай олмай, яқиндагина муслмон бўлган саҳройи турк хонларини динни азалий эрон-турон ҳурфикрлигидан муҳофаза этиш учун жангга қутқу қилди. Шошилич «пайгамбар ҳадиси» ўйлаб топилди: «Шарқда менинг турклар деб аталмиш лашкарим бор: бирон халққа ғазаб қилсам, шу лашкарларимни юбораман». Уларга эса баҳона даркор эди — жанубий водийларда етиштирилган дону асалга кўпдан буён кўз олайтириб юрар эдилар.

Начора, олимларга қирон келтириб, динни муносиб мудофаа қилдилар. Ушанда ёвуз турк Маҳмуд Ғазнавий шуҳрат топди. Бироқ диннинг ўзи ҳам мудофаалардан жабр кўрди. Туркманларнинг улуғ оқсоқоли Салжуқнинг набираси Султон Тўғрулбек мағриб сари юриб, Бағдодни қамал қилди, оқибатда даҳшатга тушган халифа таслим бўлди. Турклар мақолида айтилганидек, бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирди.

Ёвуз Маҳмуддан кейин Хуросонни салжуқий туркманлар босиб олишган бўлса, Мовароуннаҳрга кўчманчи туркларнинг бошқа қабилалари — қорахонийлар кириб келишди. Улар орасидаги кин шу қадар қизиб кетдики, ҳатто сероб Жайхун ҳам уларни совута олмади.

Султон Тўғрулбек бандаликни бажо келтириб, ўрнига Алп Арслон чиққанида Умар ўн беш ёшда эди. Ҳозир Мовароуннаҳрда қорахоний Шамс ул Мулк Наср ҳукмдор. Миш-мишларга қараганда, у кўчманчиларга хос одатини ҳамон унутмаган, дашту биёбонларда кезиб, қишни Бухоро яқинида, шаҳар чеккасидаги макониде ўтказармиш. Айтишларича, хон сарбозлар бирон кори-ҳол қилиб қўйишидан чўчиб, уларнинг тунда Бухорода қолмасликларини қаттиқ назорат остида тутар экан. Айни маҳалда у меъмор бўлиб, пойтахтда кўплаб янги иморатлар қурдирибди. Афтидан, заминнинг тинқасини қуриштириб, унда мустаҳкам давлат яратиб бўлмаслигини англабди. Булар шоён таҳсиндир. Бош тўла юлдуз ва рақамлар бўлгани учун уни тандан жудо этмаслар. Тагин ким билади, дейсиз...

Иссиқ шамол девор ёриқлари оралаб ҳафсаласизлик билан ғувиллар, олови аллақачон сўниб бўлган ўчоқлардаги кулни мажолсиз титкиларди. У қовжираб қуриб, ёрилиб ётган хас-чўпни тебратайди, пахса девордаги бу хас-чўплар секин, ҳозин ва мубҳам андуҳ ила шитирлайди. Сарғайиб адо бўлаётган дарахтларнинг чанг босган шохида ўтирган қўшча қўрқа-писа чийиллайди. Қуриб қолган ариқ тубида йўл-йўл илонизи майда қум секин-аста тўкилиб, ёйилади.

Қачонлардир бу ерда қишлоқ бўлган. Кимнингдир кулгуси, бировнинг йиғиси, яна аллақимнинг эҳтиросли шивирлашию, оҳ-воҳи эшитилган бу ерда. Умарнинг оёқлари остида ялтироқ зангори сопол парчаси қирсиллаб синди. Бу уйларда яшаган одамлар, афтидан, гўзалликни тушунишган, акс ҳолда идишга сир, деворга эса рангин нақш бермаган бўлардилар. Қуёшга ва шамолга рўпара турган, ёрилиб ётган бу безакли деворларга қараган киши гўё телба қотил ичак-човоғини ағдариб ташлаган хушрўй аёлнинг қорни ичига қарагандай бўлади. Уша аёлнинг бир нималарни ваъда этувчи ёқимли та-

бассуми бузилган дарвозалар ўрнида, том тешикларида, бўш тоқчаларда чарх уриб юрганга ўхшарди. Илон, тошбақа изи кўзга ташланади. Ҳар қадамда бош чаноқлари. Тупроқ остида қолган суяклари. Вақти келиб улар бутунлай чириб, хокитуробга айланади. Вайроналар қишки ёғин-сочинда емирилиб, қишлоқ ўрнида ясси дўнглик пайдо бўлади.

Кўзагарлар идиш яшаш учун тупроқни шундай кўҳна тепаликлардан олишади. Майнобни бирон-бир ҳушёр олимнинг бош косасидан ёки қачонлардир салжуқий ёхуд бошқа суворий ўқидан ҳалок бўлган қишлоқи қизнинг тос чаноқларидан ясалган косада ичаётганини ким ҳам биларди...

Умар кўёшда куйиб битган вайроналар орасида яшин ургандек қотиб қолганди. Ер юзида бундай вайроналар қанча экан, уларда қанчалаб одамларнинг бош косаси ётган экан! Нима учун ётибди?! Ҳақиқий дин учун албатта. Ҳақиқат учун. Ҳа-а. Жафокаш инсониятга бу нақадар қимматга тушарди-я.

— Эй! — қақирди Умарни сарбон. — Бу ёққа кел. Вайроналар орасида юрма. Ёки саҳро жини, одамхўр эргаштириб кетишни истаяпсанми?

— Бу ерга келиб-кетганлар одамхўрларга иш қолдиришмаган, — жилмайди маъюс тортиб Умар.

— Ҳо! Вайрона — уларнинг суюкли жойи. Бу ерда қалашиб ётибди.

«Демак, дини ислом учун курашганлар жирканч ажиналарни, турли-туман алвастиларни тўқиб ташлаган эканлар-да», — ижирғаниб ўйлади Умар.

— Демак, одамзод учун охирзамон бўлибди-да! Одамларга қараганда одамхўрлар кўп. Ҳозирги одамларнинг одамхўрдан фарқи йўқ.

— Нега энди?

— Кетдик, ҳаммаёқ вайрона...

— Калима ўғир, бефаросат!

...Эмишки уч хуросонлик бир хонада турадиган бўлишибди. Улар мойчиरोққа кетадиган харажатни ҳисоблаб чиқиб, ҳарифона қиладиган бўлишди, лекин биттаси ўз ҳиссасини қўшишдан тўсатдан бош тортди. Шунда иккови чироқни ёқишдан бошлаб, то ўчириб уйқога ётгунга қадар унинг кўзини боғлаб қўядиган бўлишди.

Амр ал-Жоҳиз «Китоб ал бухало» келтирган, басралик араб хуросонликларнинг хасислиги устидан кулиб айтган бу воқеани Умар кўп эслади.

Кўналгаларда йўловчилар ҳеч кимни дастурхонга таклиф қилишмас, ўзи ҳам ҳеч кимга меҳмон бўлмай, алоҳида овқатланишарди, араблар ва туркларга бу ғалати кўринарди. Карвонга тоғда келиб қўшилиб, Умар билан бир аравада кетаётган ҳамсояси ҳам шундайлардан эди. Ҳеч кимга ишонмайдиган, тунд, ранглар бу одам қўрқа-писа тугунчани ечар экан, қўллари қалтирарди. Умар тугунчани юлиб олиб, жазирама саҳро қўйнига қочиб ғойиб бўладигандай, ўғринча қараб қўярди.

Йўқ, Умар тугундаги гўшту нонга, қовурилган товуқ, қази ва балиққа кўз тикмасди, асло! У қотган арпа нонни қаноат билан чайнаб, устидан шўр қудуқ сувини ичарди.

Бироқ йўлдоши нимадандир ҳадиксирайверарди.

— Менга қара, — деди у Серахсга яқинлашганда жаҳл билан. — Овқатланаётганимда ё тескари қараб ўтир, ёки уч пайса тўла.

— Нимага?

— Ҳидига! Кўз ҳақи!

Умар ҳамроҳининг ёвуз кўзларига боқди. Ҳазиллашяптими? Йўқ, жиддий гапир-япти.

— Вой-бў, — ҳайратга тушди Умар. — Сен машҳур қурумсоқлар шаҳри Марвдан бўлсанг керак? Нишопурда сендақалар йўқ.

— Ҳали сен Нишопурданмисан? — ҳамроҳига жон кирди. Сўнг сўради. — Сизларда бир арава шолғом қанча туради?

— Бир арава шолғом? — саросимага тушди Умар. Ҳеч қачон шолғом сотиб олмаганди, айниқса арава билан. — Билмадим.

— Ҳм... Бир сават узум-чи?

— Э-э... буния билмайман.

— Хў-ўш. Арпа донининг ўлчови нима?

— Билмасам.

— Анор-чи?

— Қайдам?

— Хурмо?

— Билмадим!

— Туз?

— Қайдан биламан!!! Сен нега менга ёпишиб олдинг, эй, хира пашша? — гарданига тушириб қолди Умар. Бунақа ҳолларда у ўзини тута олмас эди.

Ҳамроҳининг жазаваси тутиб, титраб-қақшаб, оғир тугунини кўтариб олди-да, қоқилиб-суқилиб, сарбон томонга чопиб кетди.

— Ҳолимиз вой бўлди! Ҳолимиз вой!

— Нима бўлди? — сўради сарбон ранги докадек оқариб.

— Карвонга ёт одам қўшилиб олибди.

— Ким у? — ҳаяжондан чолнинг товуши хиппа бўғилди.

— Мен билан бирга кетаётган йигит. Нишопурданман, дейди-ю, у ердаги нарх-авони ҳечам билмайди.

— Ҳа, — тинчланди сорбон. — Нима қилибди?

— Менимча, ўғри бўлса керак. Ёки душман айғоқчисидир. Чинданми, ёки Румданми?

— Оғзингга келганини валдирайверма, — дакки берди карвонбоши. — У чиндан ҳам нишопурлик. Мен унинг отасини биламан. Таниқли, обрўли одам.

— Шунақами? Ҳм, — «хушёр» йўловчининг ҳафсаласи пир бўлди. Бироқ ўйлаган нарсаси — хавфли жиноятчини тутиб, мукофот олиш мақсадидан қайтиши маҳол шекилли, ўйлаб туриб, — Нишопурлик? Ёлғон! — деди.

— Айтяпман-ку, ўзим танийман деб.

— Алдаяпсан, уни яширяпсан. Киши Нишопурда яшасаю, у ердаги нарх-навони билмаса, бу қанақаси?

— Нима учун билиши керак, нодон? — Сорбоннинг ғазаби қайнади. — У бозордаги кунда-шундаларданмиди-ки? Олим у. Сўраган нарсангни қара-ю. Осмонда қанча юлдуз борлигини сўрасанг айтиб берарди. У бечора шолғом, пиёз, савзи қанча туришини қайдан билсин? Бошқа нарсаларнинг нарҳини ҳам билмаса керак? Йўқол бу ердан.

— Барибир осон қутуламан, деб ўйламанглар, — қовоқ калласини елкасининг ичига тортар экан, тўнғиллади чол. — Марвга етиб борайлик, кимга айтишни ўзим биламан.

— Ҳой, инсон! Бизни тинч қўй. Йўқса савалаб, тиканзорга улоқтиришни буюраман.

Умар жиноятчи эмаслигини сорбон биларди. Бу йигитча салжуқийлар тасарруфидаги ерлардан тезроқ чиқиб кетиши зарурлигидан ҳам хабардор эди у. Шунинг учун Марвга яқинлашганда қария унинг тиниб-тинчимас ҳамроҳига ҳинд банги солинган чилим тутди, у эса қаландар мисол чекиб олгач, Умарни унутди-қўйди.

Умар сорбон билан самимий хайрлашиб, ундан жигарбандларига дуои салом йўллаб, Бухорога кетаётган карвонга муваффақият билан қўшилиб олгач, сипоҳлик билан янги ҳамроҳларига мурожаат этди.

— Ҳо, мусулмонлар! Айтиб қўя қолай. Нишопурдан Самарқандга кетмоқдаман. Ёшим йигирма иккида. Бўйдоқман. Риёзиёт ва илми нужумдан хабарим бор. Бироқ, расуллилоҳ ҳаққи, ёлбораман — Нишопурда тухум, шолғом, нўхатнинг нарҳини мендан сўраманглар. Олдиндан айтаман, билмайман. Билмайман, вассалом! Сотиб олмаганман ҳам, сотмаганман ҳам. Лекин истасангиз айта қолай: бизда бир арава шолғом ва, ҳатто, бир арава сийм ҳам бор-йўғи бир мис пайса туради. Хурсандмисиз? Сафарингиз шодон ва бехатар бўлсин!

Ўзича эса заҳарханда билан ўйлади: «Энди барча майда аҳли тужжор бағоят арзон сийм сотиб олгани Хуросонга ёпирилади. Ёки шу ҳақда бутун Туронга гап тарқатади. Арзимаган нарса билан осонгина бойиб қолиш учун биронтаси боради ҳам. Бойийверинг, аҳмоқлар, бойийверинг».

Лекин ҳазили иш берди. Нарх-наво ҳақида сўраб унинг бошини ҳеч ким қотирмади. Бунинг ўрнига бутун йўл давомида юлдузларга қараб ҳамроҳларининг тақдирдан фол очиб борди. Валақлаб нима қиларди! Лекин, худого шукрим, улар қорнини тўйдириб бордилар. — Умарнинг пули қолмаганди ҳисоб. Ҳаммасини йўлкирага сарфлади.

* * *

Ҳа, Умар энди 22 га тўлганди, финикия алифбосига 2350 йил бўлганди. Аристарх 1300 йил муқаддам вафот этган, ундан кейин 182 йил ўтгач, Искандария кутубхонаси ёниб кетган. Коперник дунёга келишига 403 йил бор эди. Жордано Брунони 530 йилдан сўнг ўтда ёқдилар.

* * *

— Саксовулми? — сўради карвонбоши ишонқирамай.

— Шунга ўхшайди. Иккита қари поя чирмашиб кетган. Майда шохчаларини эса шамол синдирибди. Қара, бу ердан яланғоч аёлга ўхшаб кўриняпти. Дунёда мўъжизалар ҳам кўп-да...

Бу ҳодиса Марвдан Жайхунга — Амударёга кетаверишда юз берди. Бу — Турондаги энг фалокат жой дейиш мумкин. Умар карвонбошидан Бухоро ҳақида сўраб-суриштириш учун карвоннинг бош томонига ўтган эди. Эшак миниб олиб, шошмай кетаётган карвонбоши билан ёнма-ён борар экан, олдинда карвон сўқмоғидан ўнгда, қум бархан чўққисиди одам шакли-шамойилидаги бир қорага кўзи тушди.

— Бу балки ваҳшийларнинг қадимий санамидир? — ҳайрон бўлди Умар. — Саҳронинг қоқ ўртасида-я. Ҳеч қачон манзилгоҳ бўлмаган жойда-я... — Саҳро санамини яхшилаб кўриб олиш учун қумга бота-бота тепаликка чиқди.

Бу сербутоқ қора тўнка яланғоч аёлга намунча ўхшамаса. У кўзини юмиб ва бошини

эгиб олиб, изтироб билан карвон кўнғироқлари товушини тинглаётгандай эди. Қуюқ, хурлайган сочлари ҳам бор — биронта хурфотпараст ўткинчи тўнкага қўй терисини илиб кетган кўринади. Шунақа қилишади. Йўл бўйидаги буталарга доимо латта-путта илиб ташлашади. Шу жойнинг эгалари — жинларга эҳсон бўлсин учун...

Шу маҳал, Ферузғўнд йўлида бўлганидек, Умарнинг боши ғувиллаб, оёқлари қалтирай бошлади. Кўксидан томоғига муштдай оғир тош келиб, бўғиб қўйди. Тўнка... чуқур тин олди, оғирлигини бир оёқдан бошқасига ташлади-да, кўзини очди. Умар бу ғўдайиб турган тўнка эмас, айни аёл: кичкина яланғоч аёллигини кўрди.

— Сен... кимсан? — Нима дейшини билолмай, лол қолган Умар форсийда савол берди. Кутилмаган воқеадан у ўзини ташлаб юборишига сал қолди.

Қошни босган, буғдойранг елкада ёйилиб ётган бир кучоқ ялтироқ кўнғироқ-кўнғироқ сочлар, унча катта бўлмаган, бола муштидай келади-да, кўзини очди. Эмизгизлари етилган олчадек тўқ-қизил, буғдойранг сийналар. Ингичка бурнининг учи бироз кўтарилган, қаттиқ қора тук босган устки лаблари ичга ярим тортилган остки лаблари устидан бироз чиқиб, уни кулимсираётгандай, ёқимли қилиб кўрсатади.

Катта, йирик, ғоят чақноқ кўк кўзлардан ҳеч қандай жавобни уқиб бўлмасди. Гўё қайсидир булутлардан узилиб тушган, само ложувардини ўзига сингдирган ёмғир томчиси сингари икки йирик томчи киприкларни ҳўллаб, мажусий маъбуданинг мисранг юзларига думалаб тушди.

— Кимсан? — тақорлади Умар араб лисонида.

Назарида ақлдан озаётгандай эди. Нишопурдаги кўнгилсизликлар изсиз кетмаган кўринади. Лекин бу Феруза туфайли тортган азобиники бўлса керак.

Аёл, тушунмаган бўлса керак, яна оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлади. Узун хушбичим болдирлари мочаники сингари қалин, лекин калта қора жун билан қопланган. Уни бутунлай жун босганди: миқти, келишган сонларида, човида, кичкина думалоқ қорнида, сийналари орасидаги чуқурчада, ҳадиксираб ёйилган кўлларида жун ўсганди. Шунда ҳам у, барибир, қадимий Элладанинг овчи маъбудаси сингари гўзал эди. Иссиқ шамол қуриган тернинг, дим ғорнинг аччиқ исини ва одам зоти кўринмайдиган улкан кенгликларнинг шўр ҳидини олиб келди. Бу — ибтидоий ҳаёт иси эди.

— Кимсан? — яна сўради туркийча ва беихтиёр у томон қўл чўзди. Ўзини бошқача тутолмасди ҳам. Унга томон талпинар эди.

Ҳадик аралаш қисқагина боқшидан у ўзига бўлган қизиқишнинг заиф уққунини илғаб олди. Аёл ўткир тишларини иржайтириб, бўғиқ овозда чинқирди, чир айландию, қуйига қараб ўқдай учиб кетди.

От думидек қуюқ ва узун ғаройиб сочлари силкиниб, унинг сийрак жун ўсган ингичка ва нозик қаддини савалаб борарди. Вожаб, шамол тўзғитиб чйраган юмшоқ қумда унинг излари деярли қолмасди. Оёқлари сахро девининг товонлари қумда чўкмасдан боришга мўлжалланган туя пайпоқ сингари эмас, ўн яшар қиз боланикидай бўлса-да, у елиб бора туриб қумни енгилгина босиб ўтарди.

— Энди ҳеч қанақа арғумоқда ета олмайсан, — деди мовароуннаҳрлик турклардан бўлган, афтидан кўпни кўрган карвонбоши.

— Хаёлан... кўзимга кўриндими? — рўё жанубда, олисдаги бархан ортига ўтиб кўздан ғойиб бўлгач, ғўнғиллади эс-хушини йўқотган Умар.

— Хаёлан эмас. Мен ҳам кўрдим, ҳаммасини кўрдим. Бу «нас-нос» — алвасти, камдан-кам дуч келади. Саҳронинг ёввойи аёли. Эшитганинг борми?

— Эшитганман. Лекин чўпчак деб ўйлагандим.

— Унда, мана, ўз кўзларинг билан кўрдинг. Биродар, уни хаёлингдан чиқариб ташлашга ҳаракат қил. Акс ҳолда бир умр сени таъқиб қилади.

Хаёлингдан чиқариб ташла! Айтишга осон. Қани энди инсон ҳис-туйғуси ва таассуротларини ҳам, нарсалар сингари, бошқара олса: истаса — кийса, истаса — ечса...

Инсоний аёлларга жуда ҳам ўхшаш бу вужуд қаерда яшайди. Саҳроларда кўп учрайдиган, қуруқ жарликлар ёнбағридаги ғорлардами? Ёки у Бадғизнинг сувга сероб пистазорларидан адашиб келиб қолдими? Шу ердан тўғри жанубга қараб юрилса, бир неча кундан кейин ноз-неъматга бой яшил қирлардан чиқасиз.

Сахро қанчадан-қанча жумбоқларни яшириб ётибди. Умуман замин жумбоққа кон. Совуқ тоғларда ва дим ўрмонларда яшовчи ёввойи одамлар тўғрисида Умар кўп эшитган. Бироқ обод шаҳарни тарк этибоқ жундор ёввойи аёлни учратаман, деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

У шууран инсон эмас, қиёфасига кўра эса тўла инсон эмас, лекин ёввойи ҳайвон ҳам эмас. Кўнғироқларнинг оҳангдор саси уни қумликлардан қақариб келдимикан? Ёки оқсиз, етакчи туя — нор устига ёпилган попукли қизил тўқим, ёхуд нўхтадаги оч-сарик шокилалар жазб этдимикан? Ҳар ҳолда унинг жоҳил қалбида бу оҳанг ва рангларда аксадо беришга қодир нимадир бор экан-да. Овлоқ хилват жойларда ўткинчиларнинг йўлини пойлайдиган бағоят гўзал парилар ҳақидаги афсоналар шундай тўқилар экан-да.

Нега қочиб кетди экан? У ҳозирнинг ўзидаёқ бу ёввойи аёл билан унинг уруғ-аймоғи турган жойга боришга тайёр эди. Улар билан бирга, ғорларда тунаб, тошбақа ҳамда нордон тоғ меваларини еб, ҳайвонлардек яшайверарди. Улар олов нималигини билма-

салар ҳам, жайрон каби бадбўй бўлсалар ҳам майли. Аммо улар орасида инсон ҳаётидан кўра нўхат ва шолғомнинг нарҳини минг карра муҳимроқ деб билган ярамас худбинлар йўқ, албатта. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ жоҳил қонунбозлар ва диннинг ашаддий ҳомийлари ҳам йўқ.

Орзу дейсизми? Бу бозорга туташ йўлакда яшовчи, ушлаб кўриш, баҳолаш ва сотиб олиш мумкин бўлган хотин эмас. У ерда бирини бўлмаса бошқасини сотиб олаверасан. Сармоянг бўлса, албатта. Бу аёл ҳаётингда фақат бир марта зум кўриниб онгинг ҳамда қалбингни чақмоқнинг кўк тиғидек ярқ этиб тилиб ўтиб, тўсатдан йўқ бўлади — кўпинча қайтиб кўринмайди. Ғаройиблиги тушунарли. Уни изоҳлаб бериш қийин. Унинг амалий аҳамияти йўқ. Лекин бундан буён бўладиган барча нарсани ойдинлаштириши мумкин.

Умар чиндан ҳам бетоб бўлиб қолди. Бухорога етиб боргунча оғзини очмади. Карвон Жайхунни кечиб ўтиб, бу бахтиёр ўлкага етиб келганда ҳам уни томоша қилишга бормади. У карвонсаройда қаттиқ тўшак устида ётар ва илтижо қиларди.

— Кимсан? Қайдасан? Жавоб бер!

* * *

Вақт ва масофа. Улар инсонга таъсир қилишда ўхшашдир. Вақт дард-аламни камайтиради, кечирилган азобларни хотирада сусайтиради, масофа ҳам шундай. Бир неча кунгина аввал сен бошқа одамлар орасида эдинг, бўлакча, эскича ҳаёт билан яшардинг, бугун эса сенинг ўзинг ҳам бошқачасан. Барча нарса гўё тушда бўлиб ўтгандай. Хаёлан кўрингандек. Олдинда эса бутун бир ҳаёт туради.

Дашт кўчманчилари ер юзида қувиб юрган, юракларни зирқиратувчи хотиржам-сизликда, абадий хавф-хатарда нимадир бордек кўринади. Олға! Ортингга қарама. Кетсанг-у, қайтмасанг. Нақадар жозибали, ғаройиб эшитилади бу сўзлар. У кетди. Биз энди уни ҳеч қачон қайта кўрмаймиз...

Ҳеч қачон!

Йироқда, кўкиш туман орасида тик тумшуғи билан ҳаворанг-яшил тўлқинларни ёриб ўтаётган баҳайбат кемадек, жимжима бўлиб ястаниб ётган тўқайлар ва боғлар, ҳосилдор далалар узра сузиб бораётгандай Самарқанд кўринарди.

Умар дарвоза оғзида чақа тўлаб, карвон билан бозорга келиб қолди. У қози Абу Тоҳирни худди шу ердан топиши керак эди. Самарқанд Нишопурдан каттароқ, гавжумроқ экан. Шаҳардаги ҳаддан ташқари ғала-ғовурдан Умарнинг қулоқлари чиппа битиб, юракбағри эзилди. Бу ерда ёт кишилар, келгиндилар кўп эди. Юнонлар, жухудлар, арманлар, лўлилар. Қаердан келиб қолишган улар? Ё тақдир! Уни икки хил туйғу чулғаб олганди: шундай ажойиб шаҳарга келиб қолганидан қувонса, олдинда турган, бошига тушажак номаълум, шубҳали ишлардан чўчирди.

Шу дамнинг ўзида тўсатдан кўкси ич-ичини куйдирувчи ҳасратга тўлди. Туғилиб ўсган уйини, узоқда қолган жигарбандларини ва, албатта, умрбод жудо бўлган Ферузани соғиниб ҳасратга тўлганди. Ехуд — ёввойи хотинни соғиндимикан? Уша аёлга қулоққа хунук эшитилувчи «нас-нос» ўрнига Занги Сахро — Сахро қўнғироғи деб ном қўйиб олганди.

Кундалик одатдаги ишлар чакканга тегиб кетди, кўнглингга урган таниш башаралардан ҳоридинг. Энди дунёнинг бир чеккасига қараб кетиб қолсанг, уларсиз ҳаёт қанақа бўлишини татиб кўрардинг. Афтидан, кишида на вақт, на масофалар йўқота оладиган бир нима бўлса керак.

Абу Тоҳир Алак қаерда яшашини суриштиришга Умар ошиқмади. Тўғрироғи, суриштиришга журъат қила олмади. Йўл юравериб исқирти чиқиб кетган, уст-боши ҳам бир аҳволда, қозикалоннинг ҳузурига қандай кириб боради? Ҳаммомга тушиш керакмикан? Умар пастак гумбазлар устида ўрлаб юрган тутунлардан тусмоллаб, ҳаммомга жўнади. Лекин унғача етиб бора олмади. Китоб расталари олдида ушланиб қолди. Ё танграм, бунча кўп бўлмаса китоблар! Эҳ, агар бой бўлганидами!..

— «Китоб уш-шифо», — дўкандорнинг овозини эшитди мусофир. — Беназир Абу Али ибн Синонинг «Китоб уш-шифо»си бор. — Дўкандор паст овозда гапирар экан, ҳар томонга алангларди, чунки ибн Сино номи бутун бозорга эшиттириб айтиладиганлардан эмасди.

Дўкон олдида бир зумда одам тўпланди — уларнинг бари оғир-вазмин, қарашлари доно, оддийгина, аммо озода кийинган кишилар, китоб жон-дили бўлган одамлар эди.

— «Китоб уш-шифо...»

— Ниманинг шифоси? — сўради бу даврага бегоналиги аниқ кўриниб турган қувноқ семиз киши.

— Қалбларни ёлғон тасаввурлардан даволайди, — совуқина жавоб берди ориқдан келган дароз киши. — Очофатликдан шишиб кетган қоринни даволамайди. Қорнинг оғриси — «Қонуни фит-тиб»ни ўқи.

— Ҳа! Қорним эмас, қалбимда оғриқ. Унга айни маънавий дори етишмаётир. — Сўнг дўкандорга деди, — қанча туради?

— Мен уни уч дирҳам баҳоладим. Ким ошади? Фақат шовқин қилманглар, биродарлар. Тартибнинг аёвсиз посбони — мухтасиб бозорда тентираб юрибди.

«Бу ерда ҳам Абу Али қатагон қилинмиш? — Умарнинг дили сиёҳ бўлди. — Агар кишини ақллиги учун ўз ватанида таъқиб этишса, ватан нима деган нарса бўлмиш?»

У ибн Сино бухоролик эканини биларди, лекин Самарқанд ҳам Бухоро билан бир мамлакатда-ку.

— Уч ярим дирҳам бераман, — деди тўдадаги бир киши.

— Тўрт дирҳам, — устига қўйди бошқаси.

Умар тундлашди. Унда тўрт доник, яъни дирҳамнинг учдан иккиси қолганди. Бу пулга китоб сотиб олишни ўйламаса ҳам бўларди. Алаmidан додлаб юборай деди.

— Ким ошади?

Жимжитлик. Тўрт дирҳам анча йирик пул. Бунча пулга бир неча кун тирикчилик қилиш мумкин. Ҳеч ким ортиқ бермаса керак.

— Тўрт дирҳам — бир, тўрт дирҳам — икки, тўрт дирҳам...

— Беш!

— Сотилди! — эълон қилди дўкандор.

Ҳасад ва ғазаб. Қалбига шошилиш равишда маънавий шифо зарур бўлиб қолган ўша йўғондан келган, бўйи паст киши дум-думалоқ лабларини кибру ҳаво билан чўч-чайтириб, оғир китобни катта қизил қийиққа ўради-да, лапанглаб, ранжиб қолган рақиблар даврасидан такаббуруна чиқиб кетди. Бахти чопмаганлар истар-истамас, эҳтиром кўрсатиб четландилар. Қимматбаҳо китобни сотиб олишга қурби етдими, демак у, гарчи йиртиқ-чопон бўлса ҳам, эътиборли одам экан-да. Балки кийим-бош ва пойабзалга пул сарфлашга тоқати йўқ судхўрдир.

Омади юришдан харидор ҳаммадан кейинда, дийдагирён бўлиб турган Умарни кўриб, менсимасдан кулимсиб қўйди. Дили сиёҳ бўлган Умар, ҳаммомга тушмоқчи бўлганини ҳам унутиб, боши оққан томонга тентираб кетди.

Эй, бой бўлганидами!..

— Ҳой, жўра! — Кимдир Умарни чорлади. Қараса, муқаддас китобни қўлга туширган ўша семиз кишининг ўзгинаси. Тиржайиб турарди мараз. — Фаҳми ожизимча, бу китобни жуда ҳам олгинг келиб турувди шекилли? — Мулойимлик билан сўради у.

— Ҳа. Неча йиллардан буён орзу қилиб юрардим. Ҳеч учрамасди.

— Олақол бўлмаса! — семиз киши тугунчани унга узатди.

— Йўғ-э?! Бор-йўғи тўрт донигим бор.

— Бер бу ёққа уларни! Қоринни тўйдиреди. Мен эрталабдан буён очман. Китобни эса хуржунингга солиб қўй.

Умарни ҳайрат чулғаб олди.

— Қанақасига?!

— Китобни ўз зиёнимга бераётганимми? Менга нима кераги бор унинг? Мен... ўқишни билмайман.

— Ўқишни билмайсан? Унда нега?..

— Сотиб олганимми? Сен тушунмоғинг даркор. Мана ҳозир сен арзимас чақаларинг билан дўкон олдида турувдинг, ҳеч кимга керагинг йўқ эди. Мен, бу дунёда ҳеч кимга керак бўлмаган бир ғариби бенаво, бозордан ўта туриб, китоб растаси ёнидаги бообрў олим кишиларни кўриб қолдим. Мен жоҳил, аҳмоқ, улар ақлли бўлганлари учун мени сариқ чақага ҳам олмайдилар. Кел, шу такаббурларнинг буринин бир ерга ишқалай, умримда бир марта бу қанжиқваччаларни ҳайратдан ёқа ушлатай, дедим. Ҳайратда қолдирдим ҳам: ҳожамдан ўн беш кунлик меҳнатим эвазига бугун эрталаб олганим беш дирҳамни сарфладим. Зўрманми, а? — у ўз қилган ишидан ғоят шод бўлиб қаҳқаҳа урди. — Ўйлаб кўрсанг, албатта, аҳмоқона иш. Бундай жўмардлик биз, қашшоқларга муносиб эмас. Хайр, майли. Тўрт донинггни бер, биродар. Юр, шўрвахонага борамиз. Афтидан, йироқдан келган кўринасан. Оч қолган бўлсанг ҳам керак. Юр, бир сийлай сени. Исминг нима?

— Умар.

— Умар? — такрорлади самарқандлик маҳаллий талаффузда. — Меники эса — Али Жаъфар. Мен тўпори одамман. Семизлигимга қарама. Нимадан семираётганимни ўзим ҳам билмайман — қоқ нон билан тирикчилигимни ўтказаман. Бугун — жума. Ҳожам сайру томоша қилиб келиш учун рухсат берди. Мен қозиул қуззот Абу Тоҳирнинг хизматкори, фаррошман.

— О? Мен худди ўша кишининг ҳузурига бормоғим даркор.

— Сени қара-я! Қариндошимисан?

— Йўқ. Унга хизмат қиламан.

— Ким бўлиб?

— Ҳозирча билмайман. Балки мен ҳам фаррош бўларман.

— Юр, обораман.

Барваста, нуроний қози Абу Тоҳир Алак шайх Назирнинг мактубини ўқиб чиққач, Умарга илиқ табассум билан илтифот кўрсатди ҳамда хизматкори Али Жаъфарга бурди:

— Ҳаммомга олиб бор, менинг эски кийимларимни кийдир, уйқуга ётқиз, сафсата сотиб тинкасини қуритма! Сен билан эса, ўғлим, эрталаб сўйлашурмиз, — деди Умарга у, — мен ҳозир ошиқиб турибман. Пулинг бўлмаса керак, албатта? Мана, харажатлар учун ҳозирча ўн дирҳам. Ҳордигингни чиқар.

У кетди.

— Тўрт дирҳам ва икки донигингни ол, — Умар китобнинг қолган ҳақини Абу Жаъфарга берди.

— Ҳожати йўқ!

— Ол, олақол.

— Раҳмат. Сен марҳаматли йигит экансан.

Умар бегона шаҳарда, бегона одамлар орасида ётсирарди. Чўмилиб тетиклашган, қорни тўқ бўлса ҳам барибир ухлай олмади. Али Жаъфарга гап сотиб меҳмоннинг чаккасига тегмаслик буюрилган бўлса-да, улар фаррошнинг хужрасида топишиб, гапга тушиб кетишди.

— Абу Тоҳир қандай одам? — сўради Умар. Кимнинг уйида яшашга, кимга хизмат қилишга тўғри келишни билиши керак-да. Агар тўғри келиб қолса, албатта.

— Қандай дейсанми? Унга бекорга Алак деб лақаб қўйишмаган, бу арабча... э-э... жавоҳирот, дегани, тўғрими? Буни сен яхшироқ биласан. Сен ўқигансан. У шафқатли ва сахий — сўкмайди, урмайди. Едириб-ичиради, яхши ҳақ тўлайди. Сайр этиб келишга рухсат беради. Яхшига ўхшайди.

— Яхшига ўхшайди, деганинг не?

— Аслида қандайлигини, ичида не борлигини, юрагида, миясида не гап борлигини ким билади? Киши ҳақида унинг рафторига қараб хулоса чиқариш мумкинми? Сенга бир воқеани айтиб бера қолай. Бобомдан эшитгандим. Бобом, гарчи ёзиш-чизишни билмаса-да, шунчалик кўп воқеаларни билардики, ҳар кеча улар ҳақида тинмай гапиришдан толмасди. Ҳикоя қиларди ҳам. Урнашиброқ ўтир. Тингла.

...Самарқандимизда соддадил, хаёлпараст, лақма йигитча яшаркан. «Менга ўхшашиб кетаркан, — масхаромуз кулиб қўйди Умар. — Мен ҳам, кўзичоқдек хаёлпараст, ишонувчан, соддадилман».

— У кун ботишидан олдин салқинда сайр қилиш учун шаҳар майдонига чиқибди, — давом эттирди Али Жаъфар. — Енгинасидан офатижон бир гўзал қиз ўтиб борарди. У қиё боқиб, шўхчан кулиб қўйибди. Бизнинг дўстимиз эса эс-хушини тамом йўқотибди-қўйибди. Кетидан эргашиб бораверибди. Чақирибди-да:

« — Бизнинг хароб шаҳримизда бу гўзал қаердан пайдо бўлиб қолди? Эй, ҳури-лиқо, — бир кечани мен билан ўткашишга рози бўлсанг? » — дебди.

Қиз жавоб берибди:

— «Шундай истагинг бўлса, нега ўтказмас эканман? Лекин мен бу ерда яшамайман-да — мен чўлнинг ортидаги, қирлар этагидаги қишлоқдан бўламан. Қўрқмасанг, қоронғи тушгач, ўша ерга кел, йўлда кутиб тураман».

— Келаман!

Қиз ғойиб бўлибди. Йигит кескир ханжарини белига боғлаб, пул олиб, ҳовлиққанча машриқдаги дарвоза томон югурибди. Қишлоққа йўл шу дарвозадан борарди. Дарвоза ёнида у мактабда бирга ўқиган ошносини учратиб қолибди.

— Қаерга шошиб кетаётирсан? — сўрабди ошноси. Унинг қарашлари ғалати экан. Ишқдан оромини йўқотган йигит буни пайқамабди.

— Омадим келиб қолди, дўстим, омадим келди! Қирда яшайдиган бир гўзал билан висолга ошиқмоқдаман.

— Юр, бирга борамиз. Мен ўша ерда яшайман.

— Жуда яхши! Кетдик.

Қишлоққа келиб, йўлда кимнингдир қорасини кўришибди.

Уша!

«Ҳикоят чўзилиброқ кетди, — хаёлидан ўтказди Умар кўнгилчанлик билан — лекин аниқ ва чиройли ҳикоя қияпти. Унинг, Али Жаъфарнинг равшан туғма ақлига яраша маълумоти ҳам бўлганида эдими! Ақли ноқислар кибрланиб юрадиган зарарли, ёлғондакам билимдонлик эмас, шайх Назирдаги каби чинакам, юқори маълумот бўлганидами...»

— Дўстингни ҳам бирга олиб бор, — дебди қиз. — Унга ҳам овунчоқ топилади. Овлоқдаги чоғроққина гувалак уй. Ҳамма нарса, қовурдоқ ҳам, қанду новвот ҳам, бода ҳам шай. Қиз меҳмон йигитни қучади (унинг тирноқлари нақадар узун ва ўткир экан), эҳтирос билан бўса олади. Йигит эса эс-хушини бутунлай йўқотади.

— Май ичиб, ҳордиқ чиқариб тур, — дейди қиз (унинг катта сағриси эшикдан ба-зўр сиғар, бели эса бир тутам эди), мен югуриб бориб, дугонамни олиб келаман. Хайриятки, йигитнинг қулоғи динг эди. Қиз даҳлизда турган унинг ошносига шивирлайди:

— Уни қаттиқ маст қилиб, ханжарини ечиб олишга урин, оғажон. Синглимни олиб келаман, сўйиб, мацца қилиб еймиз. У ёш, семизгина, гўшти юмшоқ, мазали бўлса керак!

Қизнинг тамшанганини эшитди. Ана холос! Қаерга келиб қолди? Йигит дарҳол ҳушёр тортиб, сакраб турди-да, ханжарини ўнатиб, даҳлизга отилди.

— Қаерга? — қандайдир ўзгариб қолган ёт бир овозда қичқирди ошноси.

— Қолсанг-чи, жоним! — ингради гўзал.

— Йўқол! — йигит қоронғуликка ўзини урди-да, бошпана ахтариб, қишлоқ ичка-рисида кўзга ташланган чироққа қараб югурди. Қараса, бир эшик олдида кўлида фонус кўтариб мулойимгина кампир турибди.

— Сенга нима бўлди, ўғлим?

— Тезроқ яшир мени, онажон!

Кампир уни шошиб ҳовлига олиб кириб, шохлаб кетган тут остидаги гиламчага ўтқазди. Чолини чақирди. Ул бахти қаро ўз саргузаштларини икковига сўзлаб берди.

— Тентак, — хўрсинди чол ачиниб. — У қиз — жодугар, одамхўр, ошнанг — унинг акаси, у ҳам инс-жинслардан. Қулоғинг динглиги учун омон қолибсан. Ётиб, дам ол. Бу ерда сенга ҳеч ким озор бермайди. Тонг отгач, уйингга элтиб қўяман.

Меҳмон тинчлангач, кўзи илинибди. Тўсатдан уларнинг айвонда туриб айтаётган гаплари уйқу аралаш қулоғига чалинибди.

— Шошмаслик керак. Чўчиттириб юборамиз. Қаттиқроқ уйқуга кетсин, сўнг бошлаймиз. Пичоқ тайёрми?

— Оҳ, одам гўштини анчадан буён емагандим!

Уйқу қаёқда! У чол-кампирнинг уйга кириб кетишини кутибди-да, ғовдан сакраб ўтиб, даштга қараб қочибди.

Йўлда унга бир сувори қувиб етибди.

— Одамхўрлардан қочаяпсанми? Лаънати қишлоқ экан! Менам зўрға қутулиб қолдим. Тезроқ отга мин, орқамга ўтир, шаҳар дарвозасига элтиб қўяман. Худо кўрсатмасин, улар тўдалашиб қувиб келиши мумкин.

Шаҳарлик унга пул ваъда қилибди-да, отга минибди. Сувори отнинг бошини бўш қўйиб, елиб кетибди. Йўлдан бурилиб қовжираган чўл ўтлари устидан олисда ёниб турган гулханга қараб от сурибди.

— Қаёққа олиб кетяпсан? — қичқирибди қўрқиб кетган йигит.

— Учир! — ғазаб билан пишқирибди унга сирли сувори ва ёниб турган сариқ кўзли қоп-қора юзини ўгирибди. — Қочиб кетмоқни хаёл қилдингми бизнинг қўлимиздан? Йўқ-йўқ, истасанг-истамасанг шу тун сени пишириб еймиз. Тилланинг бизга ҳожати йўқ. — Шундай деб уни жун босган қўллари билан қучоқлаб олибди.

«Инс-жинслардан паноҳингда ўзинг асра!» — йигит кўнглида худого илтижо қилибди-да, ханжарини қора суворийнинг орқасига санчибди. Санчибди-ю, сакраб тушиб қолибди. Аччиқ тутун чиқиб, қиёқ гугурт ҳиди тарқалибди. От билан суворий фарёд чекиб, тунги зулмат қўйнига сингиб кетибди.

Бу саргузашт ишқибозимиз тонгга яқин ҳориб-чарчаб, адабини еб, юрак-бағри эзилиб шаҳар дарвозасига етиб келибди. Шу тун ичида унинг сочлари оқариб кетибди. Шундан сўнг у бегона гўзал қизлар билан висолга бормайдиган бўлибди. Қалай, а?..

Умар ғайритабиий нарсалар тўғрисидаги гапларни ҳазм қила олмасди. Болалигида қоп-қора, бадбашара, оғзи қизил шайтонлар тушида ҳам деразадан, ҳам эшиқдан уйга ўзларини уравериб, унинг тинка-мадорини қуритишганди. Улар Умарнинг бола-ларча шодлигига оғу солишганди. Балки айни дўзах азоблари ва иблислар тўғрисидаги аҳмоқона масаллар уни диндан бунчалик эрта совутиб юборгандир.

— Агар дуч келганларнинг бари: гўзал қизлар, оғайнилар, жонкуяр қўшнилари, йўлдаги йўловчилар одамхўр жодугар бўлиб чиқаверса, бу дунёда қандай яшамоқ мумкин? — деди Умар титроқ овозда.

— Дуч келганларнинг ҳаммаси ҳам жодугар бўлавермаслиги мумкин, лекин эҳтиёт бўлмоқ даркор, — деди Али Жаъфар. — Ёдингда бўлсин: ўнтадан бири, балки учтадан бири сўзсиз ярамас жодугар, жин.

— Гапингни қара-я! Балки сен ҳам жиндирсан?

— Мен? Эҳ, жин бўлганимда... кимни чалиб кетишин билардим.

— Мени эмасми? — тўнғиллади кимдир очик эшик олдида туриб.

— Ҳа, Юнус? — қовоқ уйди Али Жаъфар. — Кел, ўтир.

Юзи сарғайиб, шишиб кетган, кўз ости халта бўлиб осилган, мўйлов қўйган, яғрини кенг, кўкраги қабр тошидек ясси киши ҳужрага кириб келдию, бу икки ошна учун жой яна-да тор-танқис бўлиб қолди. У, афтидан, гиёҳванд, ашаддий чекувчи бўлса керак.

— Нега ярим тунда қироқни ёқиб ўлтирибсан? Хўжамнинг мойига ачинмайсанми? Мен жанобимга айтиб бераман. Сен кимсан? — Умарга дўқ қилди у.

— Келгинди.

— Қаердан келдинг? Бу ерда нима бор?

«Мана, бошланди, — ғам-алам билан хаёлидан ўтказди Умар. — Нишопурда эшакнинг қулоғи неча пул, Нишопурда итнинг думи неча пул...» Йўқ, Юнус ундан нарх-навони сўраб ўлтирмади. Уни Умарнинг шахсияти қизиқтирарди: исми нима, кимнинг фарзанди, падари бойми-йўқми, келгинди нимани билади, нима қила олади, Самарқандга не учун келди.

— Башарти бу мард, — деди заҳарханда билан нишопурлик йигит Али Жаъфарга, — ўзининг битмас-туганмас қизиқувчанлигини фойдали билимларни эгаллашга сарфлаганида борми, Мовароуннаҳрдаги энг зўр олим бўларди.

— Балки сен Нишопурда бирон оғир жиноят қилиб, қочиб келгандирсан? — терговни давом эттирди сершубҳа мўйловдор.

— Ҳа, — хўрсинди Умар. — Тун қоронғусида мадраса шайхининг ёшгина қизига тажовуз қилдим.

— Сўнг?

— Сўнг уни зўрладим. Кейин билсам, у қари шайхнинг ўзи экан...

— Нега унга ёпишиб олдинг? — Али Жаъфарнинг жаҳли чиқди. — Уни тинч қўй...

— Мен хўжамга етказиш учун ҳамма нарсани билишим шарт, — деди Юнус қатъий қилиб.

— Хўжамга сенсиз ҳам ҳамма гап маълум! Умар қозиул қуззотнинг меҳмони. Устингдан жанобимга шикоят қилса, ўзингга ёмон бўлади. Меҳмонни сўроққа тутиб тинкасини қуритмаслик буюрилган.

— Шундайми? — хижолат бўлди Юнус. — Менга эса... э-э... қўрғонни батартиб тутиш топширилган. Майли, — шопмўйлов муроса қилгандай тин олди, — мусофир бир дирҳам берсин, сўнг кетаман.

— Бир дирҳам? — ҳайрон бўлди Умар. — Не учун?

— Мен хизматкорлар оғасиман. Бу ерда барча нарса менинг измимда.

«Берақол», — сирли имлади Али Жаъфар.

— Бўлмаса, у сенга кун бермасди, — деди Али Жаъфар, у кетгач. — Аблаҳ одам. Минг хил ишқал топиши мумкин. Ҳар қадамда ғашингга тегаверади. Барча хизматкорларни даҳшатда тутати. Пулимизни авраб олади. Мен ҳам ҳалигина бир дирҳам тутқаздим. Тфу!

«Ё танграм! — ўйлади Умар ғуссага тўлиб. — Бу кишиларнинг пастарин ҳирслари билан менинг не юмушим бор? Аҳмоқ Юнуснинг юлдузлар дунёси ҳамда сирли рақамлар билан қандай алоқаси бору, менинг ўз юлдузларим ҳамда рақамларим ила жоҳил нотавонлар билан не алоқам бор? Кўнглимга ёққан ишим билан шуғулланишга имкон беришармикан ёки мени ҳам ўзлари ботиб ётган жирканч ботқоққа тортиб кетишармикан?»

— Абу Тоҳирдек олиҳиммат одам бундай бадбўй итга не учун уйдан жой беришиш? — деди Али Жаъфарга маънос боқиб.

— Э! Хонаки майда низолар билан унинг иши йўқ. Қозиул қуззотнинг бундан ҳам муҳимроқ ишлари кўп. Устига-устак Юнус айёр ва эҳтиёткордир. Бизларга, сен билан менга даҳшат солади у. Хўжамнинг олдида бутунлай бошқача тутати ўзини. Бундай кишилар қанақа бўлишини биласанми: одамлар орасида улар ўзини аслидагидан яхшироқ кўрсатишга ҳаракат қилишади. Мен шўрпешона эса доим аслимдан ёмонроқ кўринаман. Чунки кишиларнинг пинжиги киришни билмайман.

— Мен ҳам, — бош ирғади Умар ҳасрат билан. — Ёввойи. Омадсиз. Турган-битганим — мусибат. Умр бўйи айбсиз айбдорман. Нақадар машаққатли.

— Ҳечқиси йўқ! — унинг кўнглини кўтарди Али Жаъфар. — Доимо ҳамма ерда шундай бўл, бундан ортиғи даркор эмас.

«Маърифатли одам кўрқмас бўлади, — ўқиди Умар шам ёруғида, — не учун бундай бўлмасин ҳам? — Али Жаъфардан сотиб олган китоби Абу Алининг кўп жилдли асарининг бир қисми, лекин Умар учун ҳозир жуда ҳам зарур бўлган — мантиқ тўғрисидаги қисми бўлиб чиқди. — У ўлимдан кўрқмайди, сахий ва ҳимматлидир, — не учун бундай бўлмасин? Сохта дўстлик унинг учун ётдир ва у бошқаларнинг қилмишига марҳаматлидир, — не учун бундай бўлмасин? Ва у қалбан шу даража юксакки, одамзод томонидан қилинадиган ҳеч қандай чеклашларнинг унга алоқаси йўқ, — не учун бундай бўлмасин?»

— Алоқаси бор, — хўрсинди Умар. — Жуда ҳам! Тиканли навда билан очиқ ярага ургандай бўлади. Маърифатли одам ҳаммадан ташқари, бошқаларга қараганда нозик ва ҳассос бўлади, унинг кўнглига озор етказиш осон, — не учун бундай бўлмасин?

«Агар менинг олдимда урфон йўлини тўсишса, — деди у ўзига-ўзи, — Боғисанга, қария Муҳаммаднинг олдига кетаман, анор ўстириб, арпа экаман...»

Субҳнинг кўкимтир шунқори тун зоғини ҳуркитиб, мағриб томон ҳайдашга ва тонг қирғовули болу парини ёйишга улгурмаёқ Абу Тоҳир Алак Умар Хайёмни ҳузурига чорлади. Гилам тўшалган кенг айвонда уни илиқ қаршилади-да, иссиқ кулча, асал ҳамда янги сарёғ қўйилган хонтахтага таклиф этди.

Кўз бичими ҳамда бўртиб чиқиб турган ёноқ суяқларига қараганда хўжа туркка ўхшарди. Лекин, афтидан, илмли, шаҳарда мустаҳкам ўрнашиб олган ва кўҳна маҳаллий тил — дарийда яхши гаплаша оларди.

— Кимлигингни, қаерданлигингни суриштириб ўлтирмайман, шайх Назар макту-

бида барча зарур гаплар битилмиш. Ягона саволим шу: Самарқандимизда кўнглинг не юмуш ила банд бўлмоқликни истайди, ўғлим?

«Не юмуш ила? Ё танграм, — ўйлади Умар, — ҳар қандай юмушни бажармоққа розиман, бегона юрда очдан ўлмасам бўлгани. Қайтиш учун озроқ йўлқира тўпласам бас».

— Мен мактабда... болаларга дарс беришим мумкин. Ёки муншийлик қилишим мумкин. Дастхатим чиройли.

— Ҳо? — хушбичим қози кулимсираб қўйганди Умар қизарди. Наҳот у катта оғизлик қилган бўлса? Дарҳақиқат, бу ернинг ўз саводхонлари кўп. Начора, ҳовли супуришга ҳам розимиз. Агар ишониб топширишса...

— Баҳайбат фили бор одам уни харсангларни, оғир ходаларни эмас, икки-уч боғлам қуриган жўхориюя ташишга, яъни эшакнинг ишини қилишга мажбур этса, у киши ҳақида нима дер эдинг? Бироқ эшак ҳам кўпроқ юк ташийди.

— Уни... оқил эмас, дер эдим.

— Менга боқ-чи, нооқил одамга ўхшайдурманми?

— Йўқ.

— Шунақа! Мен қорнингни тўйдириш учун эмас, балки қалбинг майлига кўра иш беришни назарда тутмишдим. Уз муқаддас орзуингни айт.

— Рисола! — Умарнинг юраги ҳаприқди. — Риёзиётда қоронғу, баҳсли жиҳатлар кўпайиб қолди. Нишопурда айрим нарсаларни қоралаб қўйгандим, аммо...

— Тугатмоқ имконини беришмадими? Ўғлим! Жангари жаҳолат тўлқини бу заминни ҳам ўз қаърига тортмиш. Бироқ қорахонийлар салжуқлардан аввалроқ этакларини ёпмишлар. Урфонни йўқ қилмоқ — олис ва машаққатли йўлга чиқишдан олдин ўз кўзини ўйиб олмоқ билан тенг. Ол, ўғлим, тамадди қил.

— Мен тинглаяпман.

— Тинглай туриб, еявер! Шундай қилиб, биз энди олимларга хайрихоҳ бўлиб қолдик. Чунки ўша жаҳолат келтирган йиллар ғурбатидан ҳамон халос бўла олмаяпмиз. Мулк, қурилиш, ер-сув бўйича кўплаб оғир мижозларда ҳакамлик қилишимга тўғри келади. Ёвузлик авж олмоқда, ҳамма жойда фириб, талон-торож авжига чиқмоқда. Биз буларга қарши бирон тадбир кўра олмаяпмиз, зеро чалкаш рақамлар чигаллигида қолганмиз. Хазина ўғрилари шундан фойдаланишмоқда. Оҳ, уларнинг ораларида шунақанги муттаҳамлар борки! Қўл остимизда аниқ, тушунарли, қамровли дастуриламал бўлмаса, уларни фош этишимиз душвор. Аммо бундай дастуриламални қаердан олмоқ керак? Тановул қил, азизим.

— Ташаккур, тановул қияпман.

— Бизнинг давримизда ҳақиқий олим — нодир одам. Жуда катта бойлик ҳамдир. Уни авайламоқ, ундан оқилона фойдаланмоқ даркор. Ҳоқон Шамсул Мулк ҳам шундай ўйлайди. Бурноғи йили у менга дедики: «Оллоҳ иродаси билан бул мамлакатга эга бўлган эканмиз, уни ўз қаламравимизда тутиб қолмоғимиз зарур. Бунинг учун эса унга мослашмоғимиз керак. Унинг турмуш тарзига, тартиботига, урф-одатига мослашмоқ даркор. Бу ерда муаззам, доно, моҳир халқ истиқомат этур. Унинг билими уммон мисол. Ўзинг ҳукмронлигини олган халқдан қуйи туриш жоиз эмас. Тўғрими? Шул сабабдан маҳаллий уламонни жазб этмоқ, улардан ўрганмоқ даркор. Акс ҳолда биз бу ерларда яшаб қола олмаймиз. Уларга эса бизсиз ҳеч нарса бўлмағай. Чунки бизда улар учун ўрганадурган ҳеч нарса йўқ. Қўй боқмоқликними? Ўзлари биладилар. Агар ҳарб ишини демасанг? Бу, менимча, ифтихор этишимиз мумкин бўлган ягона нарсадир.»

Лекин бул, сўнги боисда, журъатим учун мени авф этгайлар, ул ҳақ эмасди. Ўрхун ва Энасой даштларида, туркийлар ғайри динга эътиқод қилиб юрганларидаёқ уларнинг ўз ёзуви мавжуд эди. Чинликларнинг юксак ютуқларидан ҳам улар баҳраманд эдилар. Сўнроқ, Еттисувда, шаҳарларда ўтроқ бўлиб, несторианчи христианлар орқали юнон, сурия ва суғд урфонидан баҳраманд бўлмишлар. Дарвоқе, буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўтрорлик туркий эди.

Бироқ энди бизлар бу ердамыз, барча иш ва ташвишларимиз ҳам шу ерда.

Боласоғун (Еттисувдаги шаҳар)да дўстим Юсуф Хос Ҳожиб бўлмиш. Ул зот хонга насиҳат қилиб «Қутағу билик» китобини битибдур. Бурноқ йили уни битиб тугатмиш. Ул оқил зот. Бироқ риёзиётчи эмас. Ақл ила битилмиш китоб. Аммо алжабр борасиндаги ўғит эмас. Сен ўз рисолангни бит! Буни менинг буюртмам, деб ҳисоблайвер. Сенинг ул китобингни хоқонимизга тортиқ этурман. Токи ишлаюрсан, сен учун ҳамма нарса муҳайё бўлур, битиб тугатар экансан, муносиб тақдирланурсан. Ризодурмисан?

Бўзариб кетган Умар лабларини қимирлатди-ю, биронта ҳам сўз айта олмади. Ҳаяжондан бўғилиб қолган эди.

...Туркийларда кибру ҳаво бисёру, ақлу зако кам, дегандилар-ку. Ақли калта, имиллаган барча нарса юзаки, тахминий, саёз бўлади, дегандилар-ку. Бемаъни гаплар экан! Ақл-идрокли халқ экан. Фаросатли экан.

Тўғри, улар энг аввало, жангари халқ. Чинни тор-мор қилдилар. Эдил ортига етиб бордилар. Оврूपони яксон қилдилар. Жанубда Ҳиндистон билан тўқнашдилар. Ҳозирга

қадар уларни ҳеч ким енга олмаяпти. Чидамли халқ! Аниқ билимларни ўзлаштирса, узоққа боради.

Уларни синдириши мумкин бўлган нарса (бемаъни гап) — ҳақиқий дин бўлиб, улар ўз қудратларини шу динда деб билмоқдалар. Бу дин, форслар каби, уларнинг қалбидаги ёниқ алангани ўчириши, тиниқ ақл-заковатини ўтмаслаштириши, ишчанлигини бўғиши, уларни узоқ вақт, асрлар давомида оғир ва нотинч мудроқлик ила босиб қўйиши мумкин. Ахир исломга мувофиқ инсоннинг ҳаёти ҳам, ўзи ҳам қадрсиз. Шундай экан, қадрсиз нима ҳам яратиши мумкин.

— Ҳой, Юнус! — оҳиста чақирди Абу Тоҳир.

Афтидан, хизматкорлар оғаси шу атрофда турган бўлса керак, у дарҳол айвонга олиб чиқувчи пиллапоя олдида пайдо бўлди.

— Бул зот, — қози Умарга енгилгина таъзим қилди, — менинг ҳурматли меҳмоним. У ҳақда ғамхўрлик қилишни сенга топшираман. Деразаси айвонга қараган катта хонани бўшатиб бер, токи у ерда ҳам ёруғ, ҳам салқин бўлгай. Қулай хонтахта, энг яхши ҳинд чироғи қўйиб бер. Ҳеч нарсада зоелик кўрмасин! Эшитяпсанми? Ҳеч нарсада — на емишда, на ичишда, на парваришда. Безор қилма, асло ранжитма. Ҳовлида сокинлик бўлишини кузатиб юр. Тушундингми?

Юнус ҳозиржавоблик билан:

— Ҳаммаси тушунарли, жаноб, бажараман, — деди.

Абу Тоҳир кеча ўзининг бир оз уринган тўнини кийган Умарни кўздан кечирди.

— Кўринишинг маъюс, етимчаларга ўхшайсан. Болаликдан чўчитиб қўйишганми? Иродали бўл! Сен уламо номига муносиб кийинмоғинг даркор, — қатъий қилиб деди қози. — Яхши, чиройли, лекин шайхлар сингари сиполик билан, кўзга ташланмайдиган қилиб кийинмоғинг зарур. Мана, икки юз дирҳамни ол — бажаражак ишинг учун берилажак мукофот ҳисобидан. — У Умарга гулдор ҳамён тутди.

Юнуснинг хира кўзлари чақнаб кетди. Сал бўлмаса шунча пул унинг қўлига тушадигандай эди. Хўжаси уни имо билан чиқариб юборди-да, Хайём билан ёлғиз қолгач, самимият билан деди:

— Уғлим! Мен раҳмдил ва сахий кишиман, лекин дуч келган одамга сахийлик қилавермайман. Кўнгли бўшлик этиб, хайр-эҳсон қилавермайман. Тушунарлими? Бу ишимиз — битишув. Бетгачопарлигим учун узр, лекин шуни ёдинда тутки, менга меҳмон сифатида, эски дўстимнинг шогирди сифатида сенинг керагинг йўқ. Унинг шогирдлари кўп эди, барчаси уқувсиз эди, биронтасини тан олгим келмайди. Менга сенинг бошинг даркор. Тўғрироғи, бошингдаги бори керак. Менинг устимда турган ҳокимлар учун, бинобарин, ўз муваффақиятим учун керак. Шу боис сенинг ҳақингда ғамхўрлик қилдурман. Бунинг учун сен менга ҳалол ва виждонан хизмат қилмоғинг зарур. Икки-уч кун Самарқандни айлан. Томоша қил. Гатфар маҳалласига бор, машҳур сарварни томоша қилиб лаззат ол, — бу дарахт бизнинг ерларда яхши тутуди, — сўнг ишга кириш. Қобиллигинга ишонч ҳосил қилсам, ҳамма бало-қазога қалқон бўлурман. Аёлларга келсак, уларни ўзинг топиб оларсан. Эсон бўл!

Ҳабиба МАНСУРОВА таржимаси



Сайёр

УМР ПОЁНСИЗДИР ҚАЛБДА ИШҚ БЎЛСА...

Ҳалоллик ва фаоллик

Ҳалоллик —
бу намойиш эмас,
Энг аввало ўзингга зарур.
Фаоллик ҳам ёмон иш эмас,
Демак,
халқинг билан сафга тур!

Ўз-ўзингга гар бўлсанг ҳалол,
Одат бўлса агар рост сўзлик,
Ҳеч кимсага келмайсан малол,
Сени излаб топади дўстлик!

Сенсиз халқинг бир одамга кам,
Йўқлигингда ўрнинг билинсин.
Шунда умринг кечади кўркам,
Ҳалоллик — бу меҳрга тилсим.

Юққан бўлса сенга фаоллик,
Табиатдан бўлса қонингда —
Кўзлаганинг бўлсин ҳалоллик,
Юрсин доим бирга ёнингда.

Сен-ку, халқинг бўлмаса йўқсан,
Бу юракда эзгу тушунча.
Амал қилсанг бунга тўлиқ сен,
Яшашинг нақд олам тургунча.

Қорнинг учун яшама зинҳор,
Эл ишига сен яраб яша.
Меҳнатингдан гул очса баҳор,
Қилажаксан ўзинг томоша.

Ҳаётингда бўлсин ҳамқадам
Салом деган сўздай ҳалоллик.
Инсоф билан яшаса одам,
Ҳалолликнинг ўзи фаоллик.

Сенинг исминг

Ором қайда экан —
жон қақшаб турса...
Мен соғман,
гар юзинг гул яшнаб турса...
Гарчи бол томади, бол томар тилдан,
Тилидан айрилсин
у номард, зимдан
Агарда олмоқчи бўлса сеҳрига...
Меҳринг оч сен ёлғиз қалбим меҳрига.
Шунда гўзалликка тўлади бағрим,
Муҳаббат макони бўлади бағрим,
Шунда соғаяман,
Сафга қайтаман,

Сен ва мен
йўқотган бахтга қайтаман.
Севги деб аталар бу бахтнинг номи,
Бу — сенинг номинг!

Шеър умри — мангу

Шоира Зулфияга

Ерни ёриб чиқди бугун бойчечак,
Сизга баҳор бўлиб кулиб боқсам, дер.
Териб келайликми гулдан бир этак,
Ёки дил сўзидан тутайликми шеър?
Шоирга шеър азиз,
Ардоқда ҳар сўз,
Етмиш йил шеър ёзиб,
 шеърга айланган.
Онажон, дейди-ю шеър тикади кўз,
Сизга бир боқишдан дили бойланган.
Сиз шеърни ром этган,
Қалбни ром этган!
Шеър эса —
 дилларни ёритган тонг у!
Дерларки:
 Зулфия кўркам шеър битган!
Зулфия — ўзи шеър,
 шеър умри — мангу!

Яхшилик ва ёмонлик

Яхшилик ва ёмонлик —
 доим
Юрар эмиш йўлда ёнма-ён.
Ёмонликни қилади хоин,
 кўша кун.
Дўстандан келар яхшилик — аён.
Қачонки бир яхшилик қилсам,
Ёруғ бўлар менга ўша кун.

Шод кунларим


Шод кунларим бўлиб туради,
Шод кунларга доим ташнаман.
Кўксим нафас билан тўлади,
Ёз кўкидай ўзим яшнаймам.
Шод кунларим...
Ташвишли кунлар —
Оғушида чақноқ юлдуздай.
Хаёлимдан таркайди тунлар,
Дил ёришар ёзги кундуздай.
Яшаш не у,
 кўнгил тўлмаса...
Дамлар,
 сизни писанд қилмасдим.
Гар ташвишли кунлар бўлмаса,
Шод кунларим қадрин билмасдим.

Меҳр кўзда, дерлар...

Меҳр кўзда, дерлар...
Севги юракда...
Умр поёнсиздир қалбда ишқ бўлса...
Муҳаббат чамани унар тилакда,
Ҳатто ташқарида қорли қиш бўлса.
Гар боқса у дилдор ишқ оташида
Юраин ер-кўкдан васлини тилаб.
Адашса одамзод ўрта ёшида
Толеи ўтирмас бошини силаб.
Орзуим уфқларга нурдай ёйилсин,
Йўлингга тўшалсин муҳаббат нурим.
Қалбимдан сўрайман: кимга мойил сен?!

Адашган йилларинг —

бу менинг умрим!



Ҳамид Ғулом

ВАФОНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Хотиралар¹

ОНАМ

- Абдиҳамид, неччи ёшга кирдим-а? — сўрайди онам мендан.
- Ойи, сиз мени неччи ёшингизда туққан эдингиз? — мен унга савол бераман.
- Йигирма икки ёшимда.
- Ойи, мен етмишга кирдим.
- А-а?.. Унда анча ёшга бориб қолибман...
- Ойи! — дейман мен узун ойнаванд айвон тўрида, хонтахта ёнига тўшалган кўрпача-

да, деворга суялганча ўйчан бир қиёфада сокин ўтирган онамга. — Дунёда ҳамма нарса ўзгаряпти, ҳисобни ҳам ўзгартириш керак. Шундай бир ҳисобни кашф этиш керакки, сиз ҳозирги ёшингизда туқсон иккига эмас, қирқ иккига кирган бўлинг!

Ҳазилкашлигимга ўрганиб қолган онам бу галги ҳазилимни ҳам ўзича тушуниб, маънос жиламади, титроқ қўллари билан пиёлани лабига босиб, чойдан ҳўплайди.

Айвоннинг деворида онамнинг портрети осиглиқ турибди. Абдулҳақ Абдуллаев ишлаган портрет. Йигирма саккиз йил илгари чизилган. Эсимда: 1961 йилнинг январини. Мен Сергей Сергеевич Смирнов раҳбарлигидаги совет ёзувчилари делегацияси билан Гаванага бориб, Куба революциясининг икки йиллик байрамида қатнашиб келган кунларим. Дўстим, тенгдошим, расом Абдулҳақ Абдуллаев уйимизга келиб, онамнинг суратини ишлаб бошлади.

Бундай ҳисоблаб кўрсам, онам ўшанда олтимиш уч ёшда экан. У одати бўйича, қора духоба камзул кийган, оқ доқа рўмол ўраган.

Орадан салкам ўттиз йил ўтибди. Лекин, менинг назаримда онам унча ўзгармаган, яъни жуда ҳам қариб қолмаган: ўйлаган ўйи, айтган сўзи, берган саволи уч-тўрт дақиқадан кейин ёдидан кўтарилиб, фикрини, саволини, чунончи, бир соатлик суҳбат давомида икки-уч марта такрорлайди.

- Узимни-ўзим эплаганимга шукр, — деган гапни у тез-тез такрорлайди.

Бунинг маъноси шуки, у ўзи ўтириб туради, уй, ҳовлида бемалол юради, айвон зинапоясидан бировнинг ёрдамисиз ўзи чиқиб-тушади, агар қиз, келин, набиралар уйда бўлмаса, у газ плитада чой ҳам қайнатади, ҳатто шўрпа-шўлтир қайнатаиб ҳам ичади...

Мен онамнинг зина-пинада тойиб йиқилишидан, мўрт суягининг бирон ери лат ёйишидан қўрқаман.

- Ойи, юрганингизда эҳтиёт бўлинг! — деб қайта-қайта такрорлайман.

Алқисса, баланд айвонда, хонтахта атрофига тўшалган юмшоқ кўрпачаларда онам билан юзма-юз ўтирибмиз.

— Отин бувидан дуо олганим учун шу ёшга кирдим, — дейди онам ҳовли саҳнини буткул қоплаб, оппоқ гуллаб ётган гилос дарахтининг тўлқин-тўлқин гулларига тикилганча.

Отин буви 1826 йилда, ўн уч ёшида Марғилонда Увайсий мактабида таҳсил кўрган, 1830 йилда, яъни ўн етти ёшида Марғилонга қатнаб турадиган тошкентлик дўппидўз косибга, яъни бобом мулла Ғуломнинг бобосига турмушга чиққач, бу ерга кўчиб келиб, Биринчи Арпаоя маҳалласида ўзи тушган уйда мактаб очиб, шу маҳалла ва атрофдаги бошқа маҳаллаларнинг қизларини ўқитган, Бешёғоч даҳасида «Отин буви» лақаби билан машҳур бўлган табаррук аёлдир.

Ғулом бобомнинг онаси ҳам, хотини ҳам дунёдан эрта кўз юмганлар. Лекин унинг буви-си — Отин буви 112 йил яшаб, 1925 йилда, яъни мен олти ёшга кирганимда қазо қилганлар. Менинг онам Қорияхон эса, Ғулом бобом хонадонига келин бўлиб тушгач, салкам ўн йил давомида Отин бувининг хизматида бўлганки, унинг «Отин бувидан дуо олганим учун шу ёшга кирдим», дейишининг тагида шунақа маъно бор.

- Ойи, Отин бувининг ёшларига албатта етасиз!

- Қайдам... — дейди онам ўйга чўмиб.

Бундай пайтларда мен индамайгина ўтираман: майли, ўйини ўйлаб олсин. Салкам бир асрлик серташвиш, сергалва ҳаётда унинг бошидан нималар кечмади, не гирдоблар уни ўз қаърига тортиб, шўрлик бошини тош-харсангларга уриб, қийнаб, жароҳатлаб, не кўйларга солмади!..

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

Онам олис ва қийин ўйлар гирдобидан шўнғиб чиқади-да, дафъатан кутилмаган савол беради:

— Абсаид бормикин, сен нима деб ўйлайсан?

Саид — менинг укам. У 1938—39 йилларда Жомбой районида агроном бўлиб ишлагач, нечундир 1940 йилнинг кўкламида Чимбой районидаги Аккерман шаҳрида зенит батареясининг командири хизматида бўлган. 1941 йилнинг августида биз унинг охириги хатини олганмиз: душман самолётлари гала-гала бостириб келаётганини, бизнинг зенитчиларимиз уларни ўққа тутаётганини; чунончи, Саид батареяси иккита «мессершмит»ни уриб туширганини ёзган...

Вассалом.

Йиллар давомида район ҳарбий комиссариатидан то Мудофаа Халқ комиссаригача ёзган хатларимизга фақат бир хил жавоб келган: «Бедарак йўқолган...» Лекин, онам ҳамон умидини узгани йўқ: эшик тик этса, почтальон унга нафақами ёки дунё бўйлаб сочилиб кетган, ҳисобини ўзи ҳам унутган набираларидан хат, телеграммаларми олиб келса, ҳар гал:

— Абсаиддан хат йўқми? — деб сўрашни унутмайди.

Онам навбатдаги чуқур хаёл денгизига шўнғиб чиққач, мен уни ўзгачароқ, нурлироқ эсдаликлар қирғоғига олиб чиқиш учун сўрадим:

— Ойи, паранжи ташлаган кунингизни эслайсизми?

Онам бирдан жонлиб, нурсиз кўзларида кулимсирашга мойил аломат кўринди:

— Эсимда бор... Роҳат-боғчада паранжи ташлаганмиз. — Кейин у менга синчков тикилиб, сўради. — Сен ҳам эслайсаними? Жуда ёш эдинг-ку?..

— Ҳа, ойи, — дейман ўша даврни эслаб. — Шундоқ кўз олдимда турибди. Роҳат-боғча Олмазор кўчасидан Баланд масжидга чиқаверишда ўнг томонда, ҳозирги Навоий кўчасининг Ярмарка бўлиб турган жойида, анҳор бўйида жойлашганди. Ҳозир у жойлар тақир майдон. Паранжи ташланадиган кун маҳалла аёлларини Роҳат-боғчага сиз бошлаб борган эдингиз.

— Йўқ, менмас, Тожихон бошлаб борган.

Тожихон — менинг аммам, яъни Ғулом бобомнинг ёлғиз қизи. У ҳам онам каби Отин бувида ўқиб, савод чиқарган, Отин буви кексайиб қолгач, уйимиздаги қизлар мактабхонаси ишларини онамга топширгач, Тожихон унга кўмаклашган. Тожихон ҳусни баркамол, сўзга чечан, жуда кувноқ қиз бўлган. Орадан сал ўтгач, уни Ғулом бобо ўз акаси, яъни амаки бувамиз Абдураҳмон зиқнанинг ўғли Абдуллага узатган. Абдулла болалигидан сил касалига мубтало, рангпаргина йигит бўлса ҳам, маҳалла йигитларидан ҳеч ким дутор чалишда, ашула айтишда унга тенг келолмаган. Тожихон Абдуллани хушфёъл, ширин сўзлиги, ноёб санъати учун севиб, турмушга чиққан бўлса керак.

— Ушанда Роҳат-боғчага маҳалла қиз-жувонларидан яна кимлар борганини эслайсизми, ойи?

— Ойша опа, Солиҳа, Шоҳида... Бошқаларнинг исмлари эсимда йўқ. Биринчи Арпапоядан ўн бир аёл. Бошқа маҳаллалардан озроқ. Лекин, борганимизда Роҳат-боғчага одам сиғмасди... — Онам ўйга толганча майин жилмаяди. — Қачонги гапларни эсга соласан-а!..

— Ҳа, шундоқ кўз олдимда ўша манзара. — Онамни чарчатиб қўймаслик учун узук-юлуқ хотираларни ўзим сўзлай бошлайман. — Ҳамманинг бошида паранжи, юзида чачвон... Ойи, агар ўша манзарани ҳозир кинода кўрсатишса кўп ёшлар ишонимсас керак... Хуллас, боғ ўртасидаги очиқ саҳнда гулхан ёняпти. Гулхандан сал нарироқда тахтадан ясалган, қизил алвонлар билан ўралган минбар. Минбарда ўнга яқин комиссарлар, ўртада чарм камзул кийган, бошига оқ шоҳи дурра танғиган, калта сочини силлиққина тараган, юзи очиқ, оппоқ жувон...

— Эсингда бор экан, ўша жувонни хоразмлик дейишувди, — онам сўзимни тасдиқлади.

— Ҳамма йиғилиб бўлган, комиссарлардан бири Шарқ хотин-қизларининг озодлиги ҳақида нутқ сўзлади, кейин ўша хоразмлик чиройли жувон қайнаб-тошиб гапиргач, Роҳат-боғчани тўлдирган қиз-жувонларни бошларидан паранжи-чачвонни олиб, гулханга отишга чақирди. Лекин, аёллардан ҳеч ким қимирламай, ҳайкалдай қотиб туришберди...

— Ҳа, эсимда... Боғда юрган эркаклар орасида босмачилар бор, деган миш-миш тарқалувди... — онамнинг нам кўзлари ғилтиллади. — Мен ҳам дир-дир қаптираганман ўшанда...

— Хоразмлик жувон: «Бошларингиздаги рўдапони ташланглар, зулматдан ёруғликка чиқинглар!» деган чақирғини уч-тўрт марта такрорлаганидан кейин: «Бор-ей, мана мен ташладим!» — деб қичқирганича, паранжи чачвонни гулханга биринчи бўлиб отган ким бўлганини эслайсизми, ойи?

— Шаддот Тожихон-да! — Онам яйраб кулди. — Ҳар бир ишни Тожихон тушмагур бошлаб беради, ўша вақтларда!..

Бошимда кўпдан буён айланиб юрган бир жумбоқни ечмоқчи бўлиб, онамдан сўрадим:

— Ғулом бобом, ҳарқалай ўзига тўқ учир инженер ҳам ўртаҳол деҳқон бўлган. Темур бобомиз эса, камбағалроқ бўлса ҳам, ўзига яраша боғбон, ҳар пайшанба би — набираларига бир халта ёнғоқми, бир сават узумми, ишқилиб, бир нима ташиб турган. Модомики, шундай экан, нега сиз фабрикага ишга киргансиз?

— Гапингда жон бор, — онам вазмин жавоб берди. — Ишга кирмасам ҳам, тирикчилигимиз бир нави ўтаверарди. Лекин, даданг вафот қилгач, катта буванг сил бўлиб, деҳқончиликка ярамай қолгач, ерини Шўрога топшириб юборди, кичик буванг бўлса ўз рўзғорини ўзи базўр тебратарди. «Қўлдан берганга қуш тўймас», деган гап бор. «Қизил тонг» фабрикаси очилгач, бир-икки йил маҳаллалардаги мен сингари қўлидан унча-мунча тикиш келадиган ўзбек аёллари уйларига иш бериб турди. Кейин, паранжини ташлаб, биз ўзимиз фабрикага қатнай бошладик.

— Эсимда... — Вокзал яқинидаги фабриканинг дарвозахонаси, у ерда мен — етти яшар болакай — ҳар кун ўша ерга бориб, онамни кутиб олишим, онамнинг эса бир халта нон, қант, макарон билан бир тўп хотинлар орасида фабрика ҳовлисида чикиб келиши, кейин вокзалда 1-трамвайга тушиб, уйга бирга қайтишимиз, хуллас, болалик кунларидан мурғак хотираларим хаёлимда жонланди.

Одатда ўша вақтларда, яъни йигирма бешинчи-ўттинчи йилларда паранжисини ташлаб, очиқ юз билан фабрикагами, артелгами ишга қатнаган аёлларни эркакларнинг таҳқир этганликлари, ҳатто уларга турлича тажовуз қилганликлари ҳақида кўп ёзиларди. Албатта, бундай ҳодисалар ҳам бўлган. Лекин мен кўчада, трамвайда, маҳаллада биронта эркакнинг онамга нисбатан ҳурматсизлик қилганини билмайман. Аксинча, фақат кексаларнинггина эмас, Султон, Нишон, Шахтой каби девсифат аравакш полвонларнинг ҳам орқаворотдан:

— Қорияхон — фаришта хотин!

— Эри ўлиб, бечорага жабр бўлди!

— Қани энди бошқа аёллар ҳам Қорияхондай вафоли бўлса! — қабилидаги таҳсиномуз сўзларини эшитганман.

Онам ёшлигиданоқ маҳалла аёлларининг маслаҳатгўйи бўлиб танилган.

Биринчи Арпапояннинг гузарадаги уч туп сада-қайрағоч таги — чойхона. Бир томонида нон дўкони ва ундан нарироқда — ҳаммом, иккинчи томонида — боққолнинг дўкони ва унинг қаторида маҳалла комитети раисининг уйи; идора ҳам унинг, яъни ўттиз беш ёшлардаги хушмўйлов эркакнинг уйида.

Албатта, қиз-жувонлар уёқда турсин, ёши бир жойга бориб қолган аёллар ҳам раиснинг уйига киришдан ийманишадигина эмас, кўрқишади ҳам. Улар онамнинг фабрикадан уйга қайтишини кутиб, йўлини пойлашади.

Уйимиз доим аёлларга тўла.

Мулла Фулом бобо уйига кириб кетиб, чилимини тортгани тортган, «ўҳув-ўҳув» йўтали эшитилади. Мен унга чой дамлаб кираман. Агар тутундан нафаси қайтиб, ўхчиғи босилмаса, елкасига қоқа-қоқа ўзига келтираман. У бир-икки пиёла чой ичгач, «Девони Фузулий» мутулаасига кетади. Укам Саид иккимиз айвонда дарс қиламиз. Онамнинг уйида эса, хотин-қизларнинг ғовур-ғувури тинмайди. Тожки амма уларга дастёр: самовар олиб киради, дастурхон ёзади.

Мен у вақтда ҳали кўп нарсага тушунмайман. Маҳалла аёллари бошига ҳар кун тушиб турадиган савдолар, чунончи, Қумрининг эрини Холтойнинг хотинига беҳуда рашк қилиб, ҳар кун калтак ейиши; Савринининг тўйдан кейин атиги бир йил ўтгач, туғмагани учун эри Норматнинг дўхтирга кўрсатиш ўрнига кўч-кўлони билан отасиникига олиб бориб ташлагани; Саодатхон саводини чиқариш мақсадида Форобий мактабидаги кечки курсга боргани учун эри Абдусамаднинг уни асоссиз ҳақорат қилгани ва ҳоказо можаролар ҳақидаги кўнгилсиз саргузаштлар шундоқ ҳам ишдан ҳориб-чарчаб келган онам учун нақадар озорли эканини мен у вақтда унча тушуниб етмасдим.

Онам эса, маҳалла аёлларининг ташвишларини ўз ташвишидек дил-жонидан ўтказар, уларга қўлидан келганча ёрдам берар эдики, уйимизга бош эгиб кирганлар, қад-бастларини кўтариб, очиқ чехра билан, мамнун чиқиб кетардилар.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, турмуш кун сайин оғирлашиб борди. Мен ўн иккига, укам ўнга кирган чоғимиз бозору дўконлар қуриб, «заборний» деган нарса пайдо бўлди. Яхшиям, онам фабрикада ишлар экан, ўзига ва икки боласига «заборний» олди. Бунга кўшимча унга ойда бир марта «поёк» деган нарса: икки кило гўшт, бир шиша зиғирмой билан гоҳ вермишель, гоҳ макарон бериб турилди.

Тарновбошилиқ Абдуқодир амаки бир куни ўғли — менинг мактабдошим Абдулфорих билан бизнинг уйимизга меҳмон бўлиб келганда онам палов дамлади. Бир лаган тансиқ қизил паловни маза қилиб еб бўлганимиздан кейин Абдуқодир амаки онамдан сўради:

— Синглим, бозорда савзи йўқолиб кетувди, зап топибсиз-да, а?

— Э, амаки, савзи қаёқда! — онам кулиб жавоб берди. — Пиёзни куйдириб ош қилдим.

— Офарин! — Абдуқодир амакининг дил-дилидан қийқириб кулганини ҳамон эслайман. Хуллас, оғир кунларни бошимиздан кечирдик.

1932 йил. Қаҳатчилик. Эл ҳайрон: қулоқлар тугатилган, ер-сув колхоз, совхозларга берилган, газеталар биринчи беш йиллик зафарлари ҳақидаги мақолаларга тўла; «Америкадан ўзиб кетамиз!» қабилидаги шiorлар биноларнинг пештоқида ярқираб туради-ю, буёқда одамлар гаранг, савол беришга кимда ҳад бор? Лекин, тинкаси қуриган, кўзлари ич-ичига ботган, сумбул сочлари барвақт оқара бошлаган маҳалла аёллари ҳамон бизнинг уйимизга киришни, онам билан сўхбатлашиб, ундан маслаҳат сўрашни тарк этмайдилар.

Умрнинг тез ўтиб кетишини назарда тутиб, уни елдимизга қиёс этадилар. Мана, орадан олти йил ўтибди. Бировнинг кўзида узоқ, бошқа бировнинг кўзида яқин ўтмиш хотиралари жонланади. Агар тафсилоти билан нақл этилса, бу хотираларни қалин жилдли китобларга ҳам сиғдириш қийин. Биргина менинг онам кечирган воқеалар, кўрган одамлар, аралашган ишлар ҳикояси, унга учраган, унинг юрагини пора қилган тақдирлар нақли ўзи бир олам-жаҳон.

Она ва бола айвонда юзма-юзи ўтирибмиз. Хотирам қирғоқларига ҳаёт уммонининг сершовқин, хатарли тўлқинлари қалқиб урилади. Мен у вақтда бола бўлганим учун одамларга фақат қизиқиш, ҳавас билан қараганман, турли воқеа-ҳодисаларни ўз кўзим билан кўрганман-у, мохиятига тушунмаганман. Онам эса, ўша воқеа-ҳодисалар гирдобиди бўлган, можароларга аралашган, айниқса аёллар қисматида унинг ҳам қисмати бўлган.

Мен шу аёллардан бири ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилмоқчиман. Бунинг учун эса, баъзи бир нарсаларни онамдан сўраб олишим керак.

— Ойи, Содиқа амма бизга қайси жиҳатдан қариндош бўладилар?

— Амма бўлгандан кейин отанг томонидан қариндош бўлади, — онам шундай деди-ю, чехраси ёришди. — Унутмабсан-да, Содиқа аммангни? Қосим қори акани ҳам эслайсанми?

— Ҳа, Қосим қори ака — Содиқа амманнинг эри. Улар иккови уйларида мактабдорлик қилишган. Арпапоё, Уқчи, Эгарчи маҳаллаларидан олти-етти бола йиғилишиб, ўғил болалар Қосим қори акадан, қиз болалар Содиқа аммадан сабоқ олишардик. Мен қизлар ичида ҳозирги маҳшур шоирамиз Зулфия опани ҳам кўрганман.

— Ҳа, эсингда бор экан. — Онам мамнун жилмайди. — Содиқа амманг — олимлар хонадонининг ёлғиз қизи. Унинг отаси Икром домла ҳам, амакиси Олим маҳдум ҳам мактабдор

бўлишган. Олим маҳдум Кўкалдош мадрасасида мударрис бўлган, «Туркистон тарихи» китобини ёзган. Икром амакининг ўғиллари катта ишларда бўлишган: Акмал Марказқумда котиб, Карим Октябрь райкомида котиб, Юсуф — олим...

— Демак, Содиқа амма Акмал аканинг опаси экан-да? — ҳайратланиб сўрадим онамдан.

— Шу вақтгача билмасмидинг? — энди онам таажжубланди.

— Узоқ қариндошлигимизни билардим-у, лекин бу қадар яқинлигимиздан беҳабар эканман.

— Ҳа, у вақтда бола эдинг-да... Ғулом бобонг Икром домла билан амакивачча бўлишган.

— Ҳа, жуда узоқ, бир тош наридаги қариндошлар эканмиз, — мен онамни чарчатиб қўймаслик учун гап мавзунини ихчамлаштирдим. — Содиқа амmani эслаганимга сабаб, — деб мақсадимни изоҳладим, — бизникига тез-тез келиб турардилар, кўпинча ётиб ҳам қолардилар.

Онам бир оз ўйлашиб турди-да, саволимга жавоб бериш ўрнига, ўзи мендан сўради:

— Фозил поччангни эслайсанми?

— Нега эсламас эканман, эслайман. Фозил почча Раҳимага уйланганда мен ўн еттига кирган йигитча эдим. Сиз мени уйлантирмоқчи бўлиб, маҳаллама-маҳалла қиз қидириб юрардингиз!

Онам мулозимгина кулди-да:

— Вой, болам-эй, қарисанг ҳам шўхлигинг қолмади-қолмади-да! — деб менга танбеҳ берди.

— Қарисам ҳам сиздан ёшроқман, онажон!

— Фозил поччангни яхши билармидинг? — онам мендан такрор сўради.

— Билардим...

Ажабо, менинг амма, амаки, хола, тоға ва ҳоказо қариндошларим беҳисоб. Лекин, улар бевосита эмас, билвосита қариндошлар. Чунончи, Фозил почча... У менга шунинг учун «почча» саналадики, онамнинг тоғаси Ислом аканинг ёлғиз қизи Раҳимага уйланган. Лекин, Фозил онамга узоқ куёв, менга эса узоқ почча бўлса ҳам, куёвлик андишасини писанд қилмай, қариндош-уруғларникига ҳадеб меҳмон бўлиб келаверганиданми, ҳарқалай, уни ёши катталар «куёв», ёши кичиклар «почча» деб аташга кўникиб қолишган.

Фозил почча ўша вақтда, яъни ўттинчи йилларнинг ўрталарида ўттиз ёшлардаги азамат йигит бўлган: бўйи баланд, қадди-басти келишган, китель-шими ўзига ярашган, чиройли кўзлари чақнаб турадиган, қўллари темирдай қаттиқ, қоратўриғ паҳлован. Унинг қаерда ишлашини ҳеч ким билмасди. Хотинига: «Ильич заводда токарь бўлиб ишлайман», дер экан. Лекин, ўша заводда ишлайдиганлардан ҳеч бири Фозил поччани у ерда кўришмаганини айтишарди. Бир куни Содиқа амма янги гап топиб келди. Уқчи гузаридаги темирчи Фозилни чекист формасида кўрганмиш...

Фозил почча бошқа қариндошлар каби, бизникига ҳам тез-тез келиб турарди. То чой қайнатилиб, дастурхон тайёр қилингунча бобом билан суҳбатлашиб ўтирар, унинг китобларини бирма-бир қўлига олиб, бамайлихотир варақлар, саҳифа четига қалам билан қилинган қайдларни кўздан кечираркан:

— Етим ўсиб, ўқиймай қолганман, — деб афсусланган бўларди.

Бир куни унинг бобомдан:

— Насрилла ака қаерда? — деб сўрагани эсимда.

— Майдонтолдаги мактабда муаллим, — бобом қизиқагина жавоб қайтарди-да, яна мутолаага машғул бўлди.

— Насрилла ака Тошкентга келиб, шу ерда ишласа бўлмайдами? — тагин савол берди Фозил почча.

— Буни унинг ўзидан сўрайсиз! — бобом аллақандай ички изтироб билан жавоб қилди.

— Жаҳлингиз тез экан, бобой! — Фозил почча тўнғиллаб, ўрнидан турди. — Бундай... куёв келди, деб ҳўрмат ҳам қилмайсиз.

— Кимга куёв бўлсангиз, ўшаникига боринг, йигит! Мен сизга қизимни берган эмасман!

Бобом хонтахта устидаги чилимини қалтироқ қўллари билан олдиға тортиб, гугурт чақди-да, сархонадаги тамакини ўт олдираган, босиб-босиб тутун ютди...

Фозил почча бобомнинг хонасидан лой бўлиб чиққан бўлса ҳам, на онамга, на айвонда у билан суҳбатлашиб ўтирган Содиқа аммага сир бой берди. Гўё, бобом билан ораларида гап қочмагандай, юзи кулгига тўлиб:

— Э, Содиқа амма, хуш кўрдик, жуда яшариб кетибсиз! — деб қувноқ ҳазиллашди-да, у билан елка қоқишиб кўришган, айвонга чиқиб, тўрага ўтираркан. — Куёвни пайғамбар ҳам сийлаган, — деб хиринглаб кулди.

Фотиҳадан кейин у Содиқа аммадан сўради:

— Қоракам яхши юрибдиларми? Анчадан бери кўрганам йўқ.

— Қори акангиз бир ойдан буён бетон ётибдилар, — Содиқа амма тут шиннига нон ботириб, чайнаётган куёвнинг чиройли юзига маъюс тикилди. — Болалар янги мактабга қатнашади. Эскича ўқишга ҳеч кимнинг рағбати йўқ. Яқинда одамлар араб алифбосидан фирт саводсиз бўлиб қолишади. Қори акангиз одамзод ақл-заковати бунёд этган илму маърифат хазинасидан баҳрасиз қолиш хавфини ўйлаб эзиладилар...

Содиқа амманинг бундай сўзларидан ҳайратланган Фозил почча оғзидаги луқмани ютди-ю, таажжубланиб сўради:

— Қандай илму маърифат хазинаси?

— Аждодлар бизга қолдириб кетган китоблар хазина эмасми? — Ростгўй, соддадил Содиқа амма куёвдан сўради: — Ёки, сиз хазина деганда пул билан олтинни тушунасизми?

Фозил почча лабини тишлаб, ўйга толди.

Шундан кейин суҳбат қовушмади. Фозил почча Содиқа аммадан Қосимқори аканинг қаерда таҳсил кўрганини, мабодо «эскича» ўқишга ҳозир ҳам ҳавасманд топилса, уйда ўқитиш-ўқитмаслигини, уйда ҳалиги «хазинадан қандай дурдоналар борлигини ва ҳоказо шу каби олима аёл — Содиқа отинини билан суҳбатга мавзу бўлиши табиий саволларни берди.

Мен уларнинг суҳбатларига қулоқ солиб ўтирар, заводда токарь бўлиб ишлаган, янги куёвлик вақтида камгап, анча уятчан бўлган поччанинг ўша куни бирдан очилиб кетиб, нуктадонлар ҳаёти-ю, нодир китобларга қизиқиш қолганидан табиийки, ажабланардим.

Уша кундан бошлаб почта бизникига камроқ келадиган бўлиб қолди. Лекин, биз унинг Содиқа амманикига тез-тез бориб турганини, бетоб ётган Қосимқори амакининг суҳбатдоши бўлиб қолганини аммамиздан эшитиб турдик.

1937 йилнинг кўклами серёгин келди.

Мартнинг охири куни бўлса керак, бобом йўтала-йўтала эндигина ухлаб қолган пайт эди. Мен унинг ёнида ётиб алламаҳалгача китоб ўқидим. Ҳовлида шамол гувуллайти, ёмғир шариллайди. Табиат туғёнига қулоқ солиб ётиб толибман шекилли, кўзим илинибди.

Ташқари ҳовлидаги тарақ-туруқдан уйғониб кетдим. Онамнинг:

— Ким? Сизга ким керак?... — деб сўраганини эшитдим.

Бобом ҳам кўзларини очиб, менинг апил-тапил кийинаётганимни кўрди-да:

— Келишди,— деди.

— Ким келади? — тўшақда ўтирган бобомнинг елкасидаги пўстинини кийиб олишига кўмаклашдим.

— Қулоқ сол! — бобом маҳсисини оёғига тортиб киятуриб, менга тайинлади.— Мабодо мени олиб кетишса, рўзгор сенинг гарданингда қолади, болам. Онангни эҳтиёт қил, укангдан бохабар бўл!

Мен айвонга чиққанимда ҳовлида қўлида чироқ кўтариб турган онамни ва яна иккита нота-ниш эркакни кўрдим. Нимаси биландир Фозил поччага ўхшаб кетадиган, у каби калта чарм камзул кийиб, бошига чарм фуражка бостирган бу кишилар бобомнинг уйидан бIRON нарса топабдиллар. Фақат, уч-тўртта китоб билан бобом бир вақтлар битган ғазаллару Фузулийга боғланган мухаммасларнинг қўлёзмаларини олиб кетдилар...

Аммо, эртаси куни Содиқа амма совуқ хабар олиб келди: кечаси ГПУ дан икки киши келиб, Қосимқори амакининг китобларини машинага ортиб, ўзини ҳам олиб кетишибди. Содиқа амма онамни қучоқлаб, ўкраб йиғлади, ёлғиз қолганлигини, пешонаси шўрлигини, касал эри давахта азобларига бардош беролмаслигини қайта-қайта айтиб, фарёд чекди.

Содиқа амма ҳақ бўлиб чиқди. Бунга асосимиз ҳам бор. Чунончи, уйимиздаги тинтувдан кейин роса бир ой ўтгач, бобом қазо қилганда Фозил почча қариндошлар ичида биринчилардан бўлиб етиб келди, тўн, дўппи-кийиб, бел боғлаб, ҳассакашлик қилди, чин куёвлигини хизмати билан исбот қилди. Бироқ, у ГПУ да ишлашини ортиқ сир тутмади. Майор формаси унинг келишган қадди-бастига жуда ярашарди. Унинг байрамларда орденларини тақиб юрганини ҳам кўрганман. Афсуски, у дунёдан анча ёш кўз юмди. Лекин, нечундир сочи тез оқариб кетди. Мен бунга илгари эътибор бермаган эканман, уни дафн қилган кунимиз қордай оппоқ бошига кўзим тушиб, ўта ҳайратландим...

Мен онамга турмушдаги ана шу узук-юлуқ лавҳалар ҳақида эсимда қолганини сўзлаб бердим. Онам эса, бир неча дақиқа эшитиб ўтиргач, тамом бошқа, узоқ-узоқлардан куйилиб келган ҳаёлларга берилди-да, дафъатан сўради:

— Тожикистонда нималар қилган эдинг, болам?

Ҳаёл шунақа узун бўлади.

Ёши улуғ одамлар учун беш йил-ўн йил, йигирма йил-ўттиз йилни қамраб оладиган воқеаларни бир дақиқада эслаш, ўй-фикрда ярим асрнинг у қирғоғидан бу қирғоғига сакраб ўтабилиш — табиий бир ҳол. Бу гал онам мендан эллик йил наридаги воқеалар ҳақида сўраб қолди.

Хотира отининг жоловини энди ўша томонга бураамиз...

— Сенинг Тошкентни ташлаб кетишингга Фозил сабаб бўлганмиди, болам? — яна сўради онам.

Ёшлик нақадар жозибадор, навбаҳор туйғулари нақадар мусаффо ва жўшқин бўлмасин, гоҳо тиниқ осмон юзини булутлар тўсиб турганидай инсонга севиниш, яшнаш, юксалиш учун берилган ёшлик уфқи чақмоқларга, бўронларга, сел-ёғинларга тўла бўларкан. Ҳаётдаги воқеалар ҳеч қанон алоҳида-алоҳида ҳалқалар бўлиб қолмас экан, уларни қандайдир кучлар бир-бирига боғлар, узлуксиз ва узвий ҳаракат гирдобига тортар экан.

Тасодиф мени Фозил билан (мен энди уни ортиқ Фозил почча деб атамайман, чунки, менинг унга берган туғишган опам, синглим йўқ!) яна бир марта тўқнаштирдим. Содиқа амманинг ҳолидан хабар олиш учун, кўнлардан бир кун, Индустриал институтдаги ўқишимдан қайтиб келатариб, Туркман бозоридан озгина нон билан ҳўл мева сотиб олдим-да, Уқчи маҳалласига йўл олдим. Маҳалла гузаридан пиво заводи бор. Қатор пиво дўконларининг пештахталарига суялганча шинавандалар иккитадан-учтадан бўлишиб, олдиларига ликопларда шўрданак қўйволишиб, пивохўрлик қилишади.

Мени аллаким таманно билан чақирди:

— Абдиҳамид, бери келинг! Намунча чопмасангиз, ёв қувдими?

Пиво дўконининг пештахтасига тирсақларини тираганча катта шиша кружкадан пиво шимираётган Фозилни дарҳол танидим. У 6-заводнинг қаймоқдай пивосига обдон тўйган бўлса керак, кенг кўкрагини кўтариб, роса кекириб олгач, сотувчига буюрди:

— Қуйинг шоирга!

Ширакайф Фозил «шоир» деган сўзни аччиқ бир киноя билан айтди-да, пивофуруш узатган кружкани менинг олдимга тақиллатиб қўйди.

— Ҳа, йигит, Арпапоядан эмас, Уқчидан юриб қолибсиз? Содиқа аммамиздан хабар олай дебсиз-да, а?

— Ҳа, кўпдан бери аммамизни йўқлашга имконим бўлмади...
— Борманг! — Фозил бармоғи билан лабини босиб, у ёқ-бу ёққа аланглади.— Тсс!.. Содиқа амма — Содиқа амма — халқ душманларининг опаси... Биласиз-а: Акмал, Карим, Юсуф... Ҳа!.. Кейин... аммангиз — халқ душманининг хотини. Қосимқорида ўқигансиз-а?

Фозил кружкадаги пивони шимириб бўшати-да, пивофурушга бақирди:
— Қуй!.. Шурданақдан ҳам бер! — У мени огоҳлантирди.— Сиз ҳали ёшсиз, шоир!.. Халқ душманларининг думи бўлиб юрманг!.. Тсс!.. Гап тамом!

Мен Фозилни бошдан-оёқ кузатаман: НКВД формасида. Майор. Китель, шим, камар, этик, фуражкаси ярашган. Сал чўзинчоқ юзи қип-қизил, кўзлари чақноқ йигит. Кителенинг ўнг кўкрагида қандайдир олий ўқув юртини битиргани ҳақида значок билан Осоавахим значоги, чап кўкрагида Қизил юлдуз ордени билан иккита медаль бўларди, буларга «Ҳурмат белгиси» ордени қўшилибди. «Қимнинг ҳам қилинган боши эвазига олинган бу нишон? — ўйлайман ичимда.— Наҳотки, муаллимим Қосимқори аканинг боши эвазига?..»

Етиб қолгандан отиб қолган афзал...

— Фозил ака, «Ҳурмат»... ордени муборак!

— Зийраксиз, шоир, зийраксиз!.. — Фозил кенг кўкрагини ботаётган қуёш шуъласига тутиб, орденларини ярақлатиб кўрсатади.— Бу мукофотларнинг ҳар бирининг ўз тарихи бор, шоир! — У пивосини ичиб, кружкани пештахтага тарақлатиб қўйди.— Тўлдири!..

«Қонли тарих... — Бу фикр миямда чақнайди.— Фожиялар тарихи ҳеч қачон енгил-елпи бўлган эмас... «Пивофуруш кружкани пештахтага қўйгач, Фозил галифе шимининг чўнтагидан «четвертушка» чиқариб, ароқни пивога аралаштирди.

— Шоир! — деди у кружкадаги пиво аралаш ароқни бир кўтаришдаёқ охиригача шимириб.— Дуконларда ғимир-ғимир... Кўчаларда ғимир-ғимир... Конкаларда ғимир-ғимир... Булар одамлар эмас, каламушлар!.. Бизда... Тсс!.. Биласиз-а, қаерда ишлашимни?! Уша ерда бу каламушларнинг рўйхатлари бор. Биз, чекистлар, ана шу каламушларни товонларимиз тагига олиб, чийиллатиб оборамиз... У ерда... Тсс!.. Уша ерда чийиллатиб сўроқ қилишади... Битта каламушни чийиллатиб олиб борувдим, менга мана бу олий мукофотни (Фозил «Ҳурмат белгиси» орденига ишора қилди) беришди...

— Қосимқори аканинг хуними бу? — Мен Фозилга бундай терс саволни беришдан ўзимни тўхтатолмадим.— Наҳотки, сиз билан бизга савод ўргатган устозга қўл кўтаришга журъат этдингиз?

Фозилнинг обдон жаҳли чиққанлиги йўғон бурнининг учига қизилчадай қон қуйилганидан билиниб турарди. У кружкасини йўлқанинг тошига уриб чил-чил синдирди-да, менинг чап биллагимдан қаттиқ ушлаганча, темирчилик ёнидаги тор кўчага бошлаб кирди:

— Сен пессимист шоирсан, миллатчиларнинг думисан! — деди у кўйлагимининг ёқасидан тортиб бўғаркан, биринчи марта сенсираб.— Сени шу соатда олиб бориб топшириш қўлимдан келади.

— Бунинг учун сенга яна битта медал берадилар! — Мен ёқамни унинг панжасидан тортиб олиб, астойдил муштлашишга шайландим.— Лекин, сени беғуноҳ жабрланганларнинг хуни жаҳаннам қаърига тортиб кетади. Юр, мен ўз ихтиёрим билан бораман.

Фозил шаштидан қайтди. Бунинг сабабини билмадим: балки, мени қамаш учун унинг чўнтагидан ордери йўқдир, балки, унинг баъзи жирканч ишларидан хабардор бўлиб юрганымдан чўчигандир. Фақат... хайрлаша туриб, мени аввалгидай сизсираб:

— Содиқа аммангизниқига борманг,— деди-да, яна пивоҳона томонга бурилди.

Мен эса пакетдаги нон-меваларимни авайлаб кўтарганча, нуроний отинойим Содиқа амманнинг уйи томонга тез юриб кетдим. Унга муҳтарам муаллимимиз Қосимқори аканинг кушандаси ким эканлигини албатта айтишим керак...

ИККИНЧИ ҚИСМ

1. ЯНА МУНИС КЎЗЛАР...

Инсонки бор, ишонч, эътиқод билан яшайди.

Илоҳий кучларни инкор этувчи — биз худосизларнинг ҳам ўзи танлаган бошқа бир эътиқоди бўлиши шарт, акс ҳолда ҳаётнинг мағзи битиб, қуруқ пўчоққа айланади.

Мен дилимга, хаёлимга ўрнашиб қолган мунис кўзларга эътиқод қўйдим. У тиниқ, жавдираган, маъсума кўзлар балолардан асрагувчи сеҳрли тумор бўлиб қолдилар менга.

«Матбуот уйи»нинг иккинчи қаватидаги узун йўлакдан «Қизил Тожикистон» газетасининг адабиёт бўлимини кидириб боряпман. Рўпарамда ўрта бўйлик, қотмагина, синчков тикилувчи, йигирма беш ёшлар чамасидаги қорача йигит кўринди.

— Келинг, меҳмон, сизга ким керак? — сўради у менга боқиб.

— Адабиёт бўлими...

— Мен,— у мулоийм жилмайди-да, қатор эшиклардан бирини очиб, менга йўл берди.— Кириг!

Узунгина тор хонага кирдим. У ёзув столи орқасига ўтди, мен тик турганча шеъримни узатдим.

— Менинг исмим Аширмат,— деди йигит шеъримга тикиларкан.— Утиринг.

Мен стулга омонатгина ўтириб, шеъримни ўқийётган Аширматнинг ҳукмини кутдим.

— Бажо,— деди Аширмат шеъримни буклаб, ёзув столининг тортмасига солар экан.— Газетамизнинг яқшанба сонига берамиз.— Кейин мийиғида кулиб, қўшиб қўйди.— Туйғуннинг мақоласини ўқидик. «Жўшқин лирика ниқоби остида зараркунданалик...» Топган сарлавҳасини қаранг-а!.. Ҳа, майли, охири бахайр бўлсин.— Кейин у менга яна синчков тикилди.— Қачон келдингиз? Қаерга тушдингиз? Қанча бўласиз?

Мен уч кун аввал келганимни, Ҳайдар тандирсознинг масжид ховлисидеги кулбада тунаб юрганимни, бу шаҳарда қанча туришим маълум эмаслигини, ҳарқалай бирор йилни мўлжаллаб қўйганимни айтдим.

— Келганингиз яхши бўлди,— Аширмат юзимга жиддий тикилиб ўрнидан турди.— Редакцияда адабий ходимлар етишмаяпти. Юринг, муҳаррирга учраймиз.

...Мунис кўзлар мени бир синовдан омон олиб ўтдилар.

Мулложонов кенг хонасида ёлғиз, аллақандай бир қўлёсмани ўқиб ўтирган экан. Аширмат мени таништирди.

— Тўйгун мақоласининг қаҳрамони сиз экан-да? — Мулложоновнинг юзида ижирганиш аломати йилтиллади.— У номард бизда ҳам ишлаган, ифво, адоватидан тўйганмиз. Кетди-ю тинчидик... Хўш, қандай иш берайлик сизга?

— Редакцияда ишлаш қўлимдан келармикан? Тажрибам йўқ...

— Урганасиз... Хўш, Аширмат, ахборот бўлимимизда мудир йўқ-а? Сиз, меҳмон, ишни ана шу бўлимдан бошлайсиз. Аммо, аввал мен билан бир ерга бориб келасиз. Юринг, кетдик!

Мулложонов мени бошлади. Кўчага чиқиб, сариқ хазон босган хиёбондан тез юриб боряпмиз. Ҳеч нарсани ўйламайман. Хаёлимда фақат мунис кўзлар жонланиб, маънос жилмаядилар. Миннатдорман. Улар мени яна бир синовдан омон олиб ўтдилар.

Зинаполлари кўкиш мрамардан, баланд оқ иморатнинг тут ёғочидан ишланган нақшин, баланд эшиги томонга бурилдик. «Тожикистон КП Марказий Комитети» деб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган вивескани кўрдим-у, юрагим орқамга тортиб кетди.

— Мен Хлестаков эмасман,— дедим Мулложоновга.— Газетада урилган, комсомолдан ўчирилган, ўзини ўзи бадарға қилган собиқ талабаман.

— Юринг,— деди у. Овозида аллақандай шиддатли таҳдид сезилди.

Муҳаррир кетидан бино ичига кирдим. Биринчи қаватдаги йўлакдан ўнга юриб, баланд оқ эшиклардан бири олдида тўхтадик.

— Кутиб туринг.

Мулложонов хонага кириб кетди. Хаёлимда мунис кўзлар жонландилар: «Қўрқма! Омадинг ёр бўлгай!» — дедилар улар менга.

— Киринг! — хона ичидан Мулложоновнинг хитоби эшитилди.

Кирдим.

Бурчакка кўндаланг қўйилган ёзув столи орқасидан тўладан келган, кўзлари қуралай, чиройли оқиш юзи лўппигина, катта бошида қалин сочи текис таралган, пешонаси кенг, савлатли одам креслодан туриб, сал оқсоқланганча мен томон юриб келди.

— Бобожон Ғафуров. Матбуот шўъбасининг мудирини,— у озгин қўлларимни гўштдор кафтларига олиб, самимий кўришди.— Утиринг, дафтарингизни очинг! — катта юзи жилвага тўлиб, далда берди.— Лунда қилиб айтиб қўя қолинг.

— Дафтарим бир неча варақдангина иборат,— дедим Ғафуровнинг хушмуомаласидан хавотирим анча тарқаб.— Биринчи варағи — мактаб, рабфак, Индустириал институтнинг тоғ факультети; иккинчи варағи — Пединститут ва илк шеърини машқларим; учинчиси — ёш бошимга тушган савдолар... Вассалом.

— Тушунарли...— Ғафуров креслода тикилиб ўтирганча бир нафас ўйга толди-да: — Мулложонов менга айтди,— деди.— Сизни редакцияда ишлатамиз. Фақат шартим шуки, менинг оталигимда бўласиз. Бирон ишни мендан бемаслаҳат қилмайсиз. Маъқулми?

— Бажонидил, устоз!

— Мулложонов, сиз янги ходимингизга бирор ердан бошпана топиб берингиз!

— Албатта.

Биз Ғафуров билан хайрлашиб, муҳташам бинодан чиққач, хиёбон бўйлаб ёнма-ён жимгина борар эканмиз, ҳар биримиз ўз хаёлимиз билан банд эдик. Мулложонов нималарни ўйлаётганини билмайман-у, мен Тошкентни, Тарновбоши маҳалласидаги гулзор ҳовлини, у ерда кўрганим ва жонимга ўрнашган мунис кўзларни ўйлайман: «Сиз мени бу гал ҳам ҳаёт синовидан омон олиб ўтдингиз, вафоли юлдузим!.. Сиз ҳаёт тўлқинида қалқиб турган ишончимни умид соҳиблига омон олиб чиқдингиз!..»

2. РЕДАКЦИЯ

Муҳаррир мени Аширматга топширди.

— Ёш ходимингизга иш ўргатасиз,— деди у.— Мен ҳозир буйруқни расмийлаштираман. Сиз, меҳмон, ариза ёзиб, Аширматга беринг.

Муҳаррир хонадан чиқиб кетгач, баланд бўйли, оппоққина, ўрта ёш аёл кириб келди. Аширмат бизни бир-биримизга таништирди. Сулув аёл редакция таржимони Аминахоним экан.

— Биномиз торроқ, икковингиз бир хонада ўтирасизлар,— деди Аширмат менинг ишга кириш ҳақидаги аризамни қўлимдан олиб, унга синчков тикиларкан.

Аширмат чиқиб кетгач, хонада Аминахоним билан иккимиз қолдик. Узун, тор хона. Баланд ўрнатилган ёлғиз деразадан хирагина ёруғлик тушиб турибди. Шипга осийлиқ электр чироқнинг ожизгина нури хонани базўр ёритади. Дераза тагига қўйилган ёзув столи Аминахонимники, хона ўртасида девор тагига қўйилган стол меники, Аминахоним таржимасини бирийўла машинкасида ёзади, демак, тинимсиз чиқир-чиқир...

Мен ўз ёзув столим орқасидаги силлиққина тахта курсига ўтириб, стол устида, ғаладонларда уюлиб ётган хатларни бир чеккадан тахлаб, тартибга сола бошладим. Турли хабарлар, шикоятлар, шеърлар, ҳикоялар ва ҳоказо материаллар — ҳаммаси қўлда ёзилган — арабча, лотинча, русча дастхатлар: бири осон ўқилади, бошқаси шу қадар шикаст ёзилганки, кроссворд жумбогини ечиш буни ўқишдан осонроқ.

Аминахоним машинкасининг чиқир-чиқир остида иш билан икки соатдан мўлроқ машғул бўлдим, учта хатни газетада эълон қилиш учун танладим. Ниҳоятда саз ва тўмтоқ ёзилган икки-та шеър ва битта ҳикояни муаллифларига жавоб ёзиш учун ажратдим.

Шу пайт оддий дафтар варағига равон дастхат билан ёзилган «Қоялар» сарлавҳали шеърга кўзим тушиб қолди-да, биринчи бандини ўқибоқ ҳайратландим.

**Ер бор, адир, тепалар бор,
Тоғ бағрида зинапоялар.
Ҳаммасидан баланд юксалар
Офтобга туташ қоялар...**

Дарҳол шоир имзосига кўз ташладим: Сотти Мамажон. Адреси: Андижон... Таажжубландим, нега андижонлик шоир ўз шеърини Тожикистонга, Душанбедаги газета редакциясига юборган? Хонага Аширмат кириб келди.

— Буйруққа қўл қўйилди,— деди у.— Ахборот бўлимига мудир бўлдингиз, табриклайман. Мени Аминахоним ҳам мулоийм жилмайиб табриклади.

— Юринг, овқатланамиз,— Аширмат мени таклиф қилди.— Иш тугамайди, дўстим!

Бизнинг редакциямиз жойлашган «Матбуот уйи»нинг биринчи қаватида ошхона бор экан. Ошхонага узун йўлакдан ўтиб бораётганимизда Аширмат эшиклардаги ёзувларга эътиборимни қаратди:

— Тожикистон Ёзувчилар союзи!..

— Тожикистон Давлат нашриёти!..

— Бир неча газета ва журнал редакциялари...

Ошхона кенгина экан. Тушлик вақти аллақачон тугаган. Биз кеч келганимиз учун жойлар бўш, фақат бурчакдаги стол атрофида янги костюм кийган, оқ кўйлаклари ёқаларига галстук боғлаган, сочларини силлиқ тараган басавлат йигитлар овқатланиб ўтиришарди.

Аширмат улар билан иссиқ саломлашди-да, мени бўш столлардан бирига бошлади. У бир варақ қоғозга ёзилган таомлар рўйхатига тикилар экан, қулоғимга шивирлади:

— Ёзувчилар, тўрдагиси шоир Абдусалом Деҳотий. Ёнидаги, бўйи дарози Мирсаид Миршакар. Қолган иккисини танимайман — меҳмонлар бўлса керак. Хўш, нима еймиз? Шўрва, палов, кабоб...

— Менга шўрва билан нон кифоя...

— Сиз бугун менинг меҳмонимсиз!

Аширмат шундай деди-да, хонага кириб келган ошпазни — бошига гилам дўппи бостирган, бўйнига оқ фартуғ осиб олган, хушмўйлов барваста паҳлавонни имлаб чақирди:

— Ака, бизга шўрва, палов. Албатта, устига тўрттадан кабоб бостириб. Иссиқ нон ва аччиқ кўк чой ҳам беринг!

— Хўп, ака, бажо қиламиз! — деб ошпаз таъзим билан жавоб қилди.

Ошпаз кетгач, мен қулай пайтдан фойдаланиб, Аширматдан сўрадим:

— Сотти Мамажон деган шоирни эшитганмисиз?

— Эшитиш ҳам гапми, мен уни биламан,— Аширмат яхши бир нарсани эслагандай, юзи кулгига тўлиб, кўзлари чақнади.— Билиш нима? Мен у билан дўстман! Хўш, сиз уни кимдан эшитдингиз?

— Шеърини ўқидим. «Қоялар» сарлавҳали ажойиб шеър. Хатлар орасида тасодифан кўриб қолдим. Сотти Мамажон шеърини Андижондан юборибди.

— Тўғри! — Аширмат буни тасдиқлади.— Сотти Мамажон ҳозир Андижонда. Аммо, у яқиндагина шу ерда эди. Бизнинг редакциямизда ишларди. Аниқроғи, у сизнинг салафингиз, икки йил ахборот бўлимига мудир бўлиб ишлади. Агар сиз газетамиз тахламларини олиб варақлаб чиқсангиз, Сотти Мамажоннинг анчагина шеърларини ўқишга муяссар бўласиз.

Ошпаз катта гирдим патнисда хушбўй таомларни олиб келди. Аширмат иссиқ оби нонларни ушатгач, мени овқатга таклиф қилди. Гапнинг рости, мен яқин ўртада бунақа хушбўй, лаззатли таомларни татиб кўрмаганман. Қорин ҳам очқаганидан пиёз пўчоғи бўлиб кетган экан, бир коса шўрвани шимириб, паловни шапиллатиб тушира кетдим. Кабобнинг серзира гўшти ҳам тотли: чайнаган саринг чайнагинг келади! Аччиқ кўк чойдан ичман, таним яйрайди.

Дунё ташвишлари буткул унутилди. На Тошкентдаги муҳокамалару таъқиблар, на поездда келатуриб йўлда тортган азобларим, на сўнгги кунлар, сўнгги соатлардаги шубҳаю хавотирлар — ҳаммаси куёш порлаши билан маҳв бўладиган энгил тумандай, юпқа кировдай йўқолдикетди... Балки, булар ҳаммаси оний туйғулардир, алдамчи ҳислардир, бироқ ёшликда инсон бахти учун унча кўп нарса керакмас: озгина дўст меҳри, бир оғиз ширин сўз, илгарилаб юрабилиши учун озгина туртки кифоя, холос.

— Сотти Мамажон бу ердан нега кетиб қолган? — сўрадим Аширматдан.

— Уни муҳаббат олиб кетди.— Аширмат кувноқ кулди.— Севгилиси бу ерга келишга рози бўлмади. Сотти ишдан бўшаб, Андижонга кетди. Уша ерда тўйлари бўлди. Лекин, шоир бизни унутмайди, янги шеърларини юбориб туради.

Шоирлар овқатланиб бўлишгач, ошхонадан чиқиб кетаётганларида Деҳотий Аширматга таъна қилди:

— Союзга кирмай қўйдингиз, шоир? Ўзбек адабиёти шўъбаси тузиш ниятимиз бор. Албатта, ўзингиз бош бўласиз. Ҳа, дарвоқе, меҳмон қаердан бўладилар?

Аширмат кимлигимни, редакцияга ишга олинганимни айтгач, Деҳотий мен билан қўл бериб кўришди-да:

— Хуш кўрдик, меҳмон, сизни ҳам кутамиз,— деб тайинлади.— Эртага кеч соат олтида йиғилишимиз бор. Икковингизни кутамиз.

Ошхонада Аширмат иккимиз қолдик.

— Тагин бир чойнак чой ичайлик-а? — у мендан сўради.

— Иштиёрингиз.

Ошпаз яна чой дамлаб келди.

— Редакциямизда ходимлар етишмайди,— Аширмат мени газетачилик машаққатлари билан таништиришга қарор берди шекилли, аҳволни рўй-рост ҳикоя қила бошлади.— Хатлар бўлимининг иши ахборот бўлимининг зиммасида, мен ҳам адабиёт бўлимини бошқараман, ҳам масъул котиблик қиламан, Аминахоним — ҳам таржимон, ҳам машинистка... Газетада анчадан буён адабиёт саҳифаси беролмадик...

— Ташкил қиламиз,— мен Аширматга далда бердим.— Нима хизмат бўлса, мен тайёрман.
— Режасини тузиб қўйибман,— Аширмат ён чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, менга берди.— Кўринг-чи! Бир туркум шеърлар, халқ хофизи Шариф Жўраев ҳақида очерк, Тожикистондаги ёш ўзбек шоирлари ижоди ҳақида мақола ва Максим Горькийнинг «Уртоқ» сарлавҳали памфлети. Майли, Сотти Мамажоннинг сиз айтган шеърини ҳам саҳифага киритайлик. Ҳаммаси тайёр. Фақат памфлетни таржима қилиш керак. Шу ишни бажармайсизми?

— Уриниб кўраман.

— Раҳмат, дўстим.

Редакцияга келиб, ишга киришдик. Мен «Қоялар» шеърини машинкадан чиқариб, Аширматга топширдим.

Кечга томон Аминахоним ишини тугатиб, уйга кетди.

Мен Горький памфлети таржимасига киришдим.

Туни билан ишлаб, тонг отганини билмай қолибман. Абдулҳай Ҳайдарийнинг тандир-уйи ҳам ёдимдан кўтарилибди...

3. БИР ОШИҚИ БЕЧОРА...

Мен Ҳайдар отанинг тандир-уйига эртаси куни шом қоронғисида кириб келдим. Абдулҳай ишидан эндигина келиб, ҳовлидаги декча қозонча қўндирилган ўчоққа ўтин қалаётган экан. Мени кўрди-ю, ишини қўйиб, истиқболимга югуриб келди:

— Бормисиз, меҳмон? Қидирмаган жойимиз қолмади!..

У мен билан қучоқлашиб кўришаётиб:

— Вокзалга бордим, почтага икки-уч дафъа кириб чиқдим, — деди энтикиб. — Милисага хабар беришдан ўзимни базўр сақладим. Ҳарқалай бегона шаҳар...

— Бу шаҳар менга илгари бегона бўлса ҳам, энди бегона эмас! — дедим-да, ўчоқ бошига бордим. — Нима ҳаракат?

— Палов! — Абдулҳай шавқланиб гапирди. — Иккимиз бир отамлашамиз.

— Амаким кўринмайдилар?

— Дадам тупроқ келтириш учун Кўлобга кетдилар. Мактаб шаҳарчасидаги янги нонвойхона тандир буюрибди. — Абдулҳай менга ҳамон шубҳаланиб тикиларди. — Агар сир бўлмаса, билсак: қаерда тунадилар, меҳмон?

— Ишончли жойда. Хотиржам бўлинг, мезбон. Бўлган вақеани мен сизга батафсил сўзлаб бераман. Аввал ошининг масаллиғини тўғрилайлик, ўчоққа ўт ёқайлик. Ахир, матал бор-ку: «Аввал таом, баъдаз калом...»

Абдулҳай:

— Майли, сиз айтганча бўлсин! — деди-да, мени тандир-уйга бошлаб кирди.

У сабзи-пиёзни, мен гўшт-ёғни жадал тўғрадик, кейин ўчоққа ўт ёқдик. Думба ёғ эриган сари жаззанинг тўйимли хушбўйи таралар, меъдани қитиқлар эди. Абдулҳай сўз бошлашимни кутиб, ўқтин-ўқтин тикилади, мен эса, кечадан бери бошимдан кечган, худди «Минг бир кеча»даги афсоналарни эслатувчи ҳодисаларни — кутилмаганда бошимга қўнган бахт ҳикоясини нимадан бошлашни, буни Абдулҳайга қандай тушунтиришни билмайман.

Ниҳоят, ош дамланиб, иккимиз тандир-уйга кирдик-да, хонтахтанинг икки ёнида бир-биримизга га рўбарў ўтиришдик.

— Мен ишга кирдим ва тунни ҳам ишхонада ўтказдим, — мезбонимга иқроп бўлдим.

Тунни ишхонада ўтказганимни ўзича тушунган мезбон:

— Қоровулликками? — деб сўради.

— Топдингиз! — кулдим, — «Қизил Тожикистон» газетаси редакциясига қоровулликка қабул қилишди. Таржима, таҳрир ишлари билан машғул бўлиб, вақт ўтганини сезмай қолибман...

— Ия, ҳа, гап буёқда денг! — Абдулҳай ўрнидан туриб, қўлларини кўкрагига қовуштирди-да, менга таъзим қилди. — Ғариб кулбамизга ҳўш келибсиз, шоир!

Мен унинг сал чўтир, оқиш юзига, самимий мамнунлик барқ уриб турган мунис кўзларига ҳайрон тикилдим:

— Тахминингиз балки хатодир?

— Биз ҳам шу дардга мубталолардан бири... — Абдулҳай маъюс жилмайди. — Ҳар кимнинг сири ўз дилида пинҳон. Келинг, дўст бўлайлик, сирлашайлик... Розимисиз?

— Розиман, албатта...

— Бошланг! — Абдулҳай биқинимга ёстиқ қўйиб берди. — Ёнбошланг, уйқусизликдан толгансиз.

— Аввал сизнинг нақлингизни эшитай? — мен ҳам бўш келмадим. — Ахир, сиз мезбон, мен меҳмон...

— Оббо сиз-эй!.. Бўлмаса, аввал ошни тановул қилайлик!

— Айни муддао!..

Абдулҳай ошни сузиб келди: ниҳоятда хушхўр бўлибди, мазза қилиб егач, устидан икки-уч пиёла чой ичдик. Дастурхон йиғиштирилгач, у хонтахта устидаги чироқ пилигини кўтарди-да:

— Бахтсиз бир йигитнинг мунгли ҳикояси дилингизга озор беришидан кўрқаман, — деди-да, оғир хўрсиниб, нақлини бошлади. — Биз асли Қўқоннинг Исфара гузаридан бўламиз. Отам каби бобом ҳам, бобомнинг ота-боболари ҳам тандирсоз бўлганлар. Таажжубки, ҳозир мана бу мусофир шаҳарда, масжид ёнида турганимиздай, Исфара гузариди ҳам маҳалла масжиди ёнидаги фақирона бир кулда туради эдик. Отамнинг уйланиши ва фарзанд кўриши мавлоно Фурқатнинг уйланиши билан фарзанд кўришига ўхшаб кетади. Отам ҳам ёшлигида уйланиб, қаллиғини чимилдикда кўргач, ошиқи шайдо бўлган ва орадан икки йил ўтгач, ўғли бир ёшга тўлганда (яъни, мен бир ёшга тўлганимда) унинг сеvimли рафиқаси (яъни, менинг онам) ўчоқбошида тандирга нон ёпаётганда сочига ўт кетиб фожива ҳалок бўлган... Бу мудҳиш воқеа устида бўлган отам қаттиқ қичқариб дод солган... Таажжубки, ўша дақиқада отамнинг қўлоғи том битиб қолган. Шу-шу у гаранг—эшитмайди... Хуллас, орадан йиллар ўтди, отам лой пишитиш, тандир яшаш билан шуғулланди. У бошқа

уйланмай, менинг тарбиям билан машғул бўлди: ўқитди, ўз ҳунарини ўргатди, қаерга борса — ёнида бирга олиб юрди. Қўқонда бизни, ота-бола тандирсоз дейишарди. Ишимиз унча кўп эмас, буюртмалар оз, вақтим бемалол: китоб ўқиш, унча-мунча ғазал битиш билан машғул бўламан. Эҳтимол, истеъдоддан йўқдир. Лекин, қўлга қалам олишга мени рағбатлантирган воқеа содир бўлди.

Ҳар тонг ва ҳар шом елкамда обкаш билан масжид ҳовлисига кириб, ҳовуздан икки челақ сув оламан. Қўшнимиз: ички-ташқи ҳовлилик бадавлат хонадоннинг тўнғич қизи Санобар ҳам айна шу пайтда сувга чиқади. Бунга сабаб шуки, Аъзам ҳожининг ўғли йўқ. Етти фарзандининг ҳаммаси бир-бирдан ширин, чиройли қизлар. Санобар алоҳида. Биз у билан ҳовуз лабида учрашамиз. У оқ шоҳи рўмолини сал кўтариб, оппоқ юзини ним очади, йирик шаҳло кўзлари кулимсирайди, лабининг ғунчаси дилимни чўғдай куйдиради.

Шу денг, менинг Санобарга айтадиган гапим кўп. Лекин, ҳар гал соқов бўлиб қоламан. Энди ўзимни ўнглаб, сўз бошламоқчи бўлиб турганимда эса, ҳовлида кимдир пайдо бўлади-да, Санобар челагини кўтарганча қочиб қолади. Мен бўлсам, яна бир неча дақиқа ҳайкалдай қотиб тургач, обкашни елкамга олганча кулбамга равона бўламан.

— Дунёда Санобардан бошқа орзу-умидим, ҳаёт ва истиқболим қолмади, — деб ҳикоясини давом эттирди Абдулхай, — Ишқ деган телба донишманд қўлимга қалам тутқазди.

— Муҳаббатномадан ақалли икки байт эшитсак мумкинми? — мен Абдулхайдан илтимос қилдим.

— Ҳаммаси чала машқлар... — Абдулхай хижолатдан қизариб, уэр сўради. — Аввал дардимни ёзай, шояд энгил тортсам... Хуллас, қиш ўтиб, кўклам келди, шафтоли, ўрик шоҳлари пушти маржонлар билан қопланди. Мен шундай нурли тонгларнинг бирида Санобарга юрагимни очиш, оққа кўчириб қўйган ғазалимни унга топшириш, розилигини олгач эса, уйига совчилар киргизиш мақсадида ҳовуз бўйига эртарақ келиб, уни кутдим. Лекин бу тонг Санобар сувга келмади. Уша куни кеч-курун ҳам, эртасига эрталаб ҳам келмади. Учинчи кун эса, Санобарнинг тўйи ҳақидаги хабар маҳаллага тарқалди. Уни Чорсудаги магазинчи бой—Абдуллаҳўжанинг ўғли Саъдуллаҳўжага узатишармиш...

— Мен ўша кунлар Санобар билан кўришишга ҳарчанд уринмай, бу интилишларимдан бирон-бир натижа чиқмади, — деб ҳикоясини давом эттирди Абдулхай. — Санобарнинг ўрнига сувга чиқа бошлаган синглиси Дилбардан икки марта хат киритдим. Жавоб бўлмади. Аҳволимни бошқалар билмасда, ёки билиб, парво қилмас эми, бечора отам кўзларим киртайиб, чўп-устихон бўлиб кетганимдан огоҳ: ахир, бирга ишлаймиз, бир кулда бирга ётиб-турамиз, гоҳо тонг отгунча чиройим ўчмайди, ўқийман, ёзаман, хуллас, кўп тунларни бедор ўтказаман...

Санобарнинг тўйи савр ойи (апрель)нинг иккинчи якшанба кунига белгилангани ҳақида хабар тарқалди. Шу тўйдан икки кун аввал, яъни жума кунни отам маҳалла масжидидан жума намозини ўқиб чиққач, Обид аравакаш деган қўшнимизнинг от-аравасини кира қилиб келди-да, юкимизни орта бошлади. Табиийки, мен унга қарашвордим. Ашқол-дашқолимиз аравага ортилиб, кўримсизгина эшигимизга қўлф солингач, отам менга деди:

— Мен ҳукумат одами бўлиб қолдим, ўғлим! Тожикистон ҳукумати Ўзбекистон ҳукуматидан битта тандирчи сўрабди. Қўқон катталари мени тавсия қилишибди. Йигит моли ерда эмиш. Аравага чик, ўғлим, кетдик. Туз-насибамиз сочилган ерларга бориб, ризқимизни териб, еб юрармиз!..

— Чамамда, отам мени қайғу кулфатлардан қўтқариш учун мазкур содда найрангни ўйлаб топган...

Мана, тўққиз йилдирки, бу шаҳардамиз...

Абдулхай шундай деди-да, менга бир варақ қоғоз берди. Мен уни чироқ шуъласига тутиб, ўқидим:

**Мени жамолинга зор қилдинг, Санобар,
Наҳотки, мен ғарибдан ор қилдинг, Санобар!
Лабинг ғунчаси дилимидурки, қон томар андин,
Наҳотки, кўзларинг менга хунхор қилдинг, Санобар!..**

Ғазалнинг қолган байтлари ҳам шу тарзда, анъанавий услуда битилган, вазнида сакталиқлар ҳам бор, лекин дард, туғён учқунлаб турибди.

Мен ғазални эйтибор билан ўқиб, таҳсинимни билдиргач, Абдулхайдан сўрадим:

— Шунча йил ўтиб, Қўқонга бормадингизми?

— Йўқ. Утган йили Обид аравакаш келиб-кетди.

— Хўш? Нима янгиликлар бор экан? Ахир, ундан Санобар ҳақида сўрагандирсиз?

— Ҳа, сўрадим, — Абдулхай мулзам бир аҳволда, синиқ товуш билан жавоб берди. — Санобарнинг эри ҳам, қайнотаси ҳам қамалиб кетишибди, мол-мулклари мусодара қилинибди.

— Санобар-чи?

— У иккита ёш боласи билан отасининг уйига қайтиб келибди...

— Бечора! — мен нечундир энди Абдулхайдан кўра Санобарга кўпроқ ачиндим ва беихтиёр: — Лапашангсиз, дўстим! — деб, меҳрибон мезбонимга таъна тошини отганимни билмай қолдим. — Аввало, Санобар билан ҳовуз бўйидаги учрашувларингизда изҳори муҳаббатни галга солиб юрмай, дарҳол амалга оширишингиз зарур эди. Ҳай, майли, бундай қилмасиз, кейин-чи? Кейин, нега ҳовузга чўккан тошдай, жимиб кетдингиз? Ахир, бечора қиздан бирон марта хабар олмабсиз-ку?.. Обид аравакаш Санобарнинг бошига тушган кулфатдан сизни хабардор қилгач, нечун Қўқонга учиб бормадингиз?

— Айтишга осон... — Абдулхайнинг кўзларига ёш тўлиб, менга аразлаганнамо термулди. — Ахир, Санобар менга бевафоллик қилди-ку?

— Елғон! — юрагимда қоним қайнаб, беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. — Сиз Санобарга севгингиздан оғиз очмагансиз — бу бир. Сиз Санобарни унашганларини эшитгач, сингилчаси орқали иккита хат киритиш билан кифоялангансиз. Лекин, Санобар ўша хатларингизни олганми, олманми — буни билмайсиз. Ниҳоят, Обид аравакашдан Санобарнинг бахтсиз бўлиб, ота уйига қайтиб келганини эшитсангиз ҳам, ақалли қиз бечорадан ҳол-аҳвол сўраш учун Қўқонга бормагансиз. Бу — уч...

Мен Абдулхайнинг боши тобора қуйи эгилаётганини кўргач, унинг ёнига тиз чўқдим-да: — Мени кечиринг! — деб уэр сўрадим. — Афсуски, дунёда нотенглик, ноҳақлик, адолатсизлик ҳамон ҳўкмон. Чунончи, мени олинг... Мен ҳам, дўстим, мусофирликни ўз хоҳишим билан ихтиёр этганим йўқ. Келинг, мен ҳам сизга ўз саргузаштларимни сўзлаб берай!..

Шундай дедим-да, ҳақлими, ноҳақми даккиларимдан ҳамон ўзини ўнглаб олабилмаган, бироқ ҳарқалай, ўз дили каби ошифта бир дил нақлини эшитишдан умидвор йигитга ўқувчи юқоридаги боблардан ўқиб олган ўз саргузаштларимни ҳикоя қилабошладим...

4. МЕҲРИБОНЛАР

Ишим кундан-кун кўпайиб борди.

Ҳар куни, эрталабки нонуштадан кейин тандир-ўйдан Абдулхай билан иккимиз чиқиб, яёв суҳбатлашиб борамиз. Мен Матбуот уйи олдида қоламан. Абдулхай вокзал томонга ўтиб кетади. У менинг рағбатим билан шеър ёзишга астойдил киришган бўлса ҳам, ҳамон утиль дўконида ишлаяпти: «беғалва юмуш, китоб ўқишга ҳам вақтим бемалол», дейди.

Мен редакцияда тушгача ахборот бўлимининг ишлари билан шуғулланаман: хатларни ўқиб саралайман, долзарб мавзуларда ёзилган материалларни ишлаб, теришга тайёрлайман. Тушдан кейин эса, ҳам масъул котиб, ҳам адабиёт бўлимининг мудури бўлиб ишлаётган Аширматга ёрдамлашаман. Мабодо шеър, очерк, ҳикоя, публицистик мақола каби адабий асарларни таржима қилиш керак бўлса, Аминахонимга қарашвораман.

Ҳа-ҳу дегунча икки ойча вақт ғир этиб ўтиб кетди. Газета саҳифаларида анчагина шеърларим, таржималарим ва мақолаларим эълон қилинди. Ҳар ўн беш кунда маош билан гонорар оламан-у, ўзимга об-овқатга етарли қолдираман-да, қолганини Матбуот уйи қаторидаги Главпочтамтга кириб, онамга жўнатаман. Албатта, лотин алифбосида хат ҳам ёзиб юбораман.

Ташвишларим бир қадар ёзилиб, кўнглим анча тинчиди. Энди мен бадарғада эмасман, нега десангиз газета саҳифаларида эълон қилиниб турган асарларим қаерда эканлигини аллақачон ифшо қилган. Мабодо мен керак бўлсам, мени бу шаҳардан аллақачон топиб олишган бўларди...

1938 йил. Февралнинг бошларида, ҳаво дурустгина исиб, осмон тиниқ зангори тусга кирган кунларнинг бирида Аширмат иккимиз Матбуот уйининг биринчи қаватидаги ошхонада овқатланаётганимизда у мендан сўради:

— Ҳали ҳам Абдулла Ҳайдарийнинг уйда тунаб юрибсизми?

— Ҳа.

— Бугун Бобожон ака муҳарриримизга телефон қилиб, сизнинг аҳволингизни сўрабдилар,— Аширмат менга муғомбирона тикилиб, мулоим жилмайди.— Сизнинг тандир-ўйда турганингиз доврўғи «юқори»га ҳам маълум бўлибди...

— Сиз айтган бўлсангиз керак!— мен Аширматга таъна қилдим.— Бир мусофирнинг устидан кулмоқ яхши эмас, шоир!

— Хуллас, ҳозир иккимиз Қизлар педагогика билим юртига борамиз,— Аширматнинг юзида кулги сўниб, жиддий гапирди.— Билим юрти редакциямизга яқин, Главпочтамтнинг шундоққина орқасида. Битта ўзбек группаси бор. Математика муаллими йўқ экан. Ҳар кун икки соатгина дарс ўтасиз. Бунинг эвазига ётоқхонадан сизга битта ҳўжра беришади. Муҳарриримиз сизни ҳар куни икки соат ишдан озод қилишга рози. Ҳўш, сиз розимисиз?

Аширмат менинг Индустириал институтда ўқиганимдан, математикани билишимдан хабардор. Демак, менинг меҳрибонларимдан бири — унинг ўзи. Иккинчи меҳрибоним, шубҳасиз, муҳарриримиз. Домм ўйчан, индамас, хумкалла бу одамнинг редакциямизда ҳўрмати баланд. У ҳеч кимга ҳеч нарса ни ваъда қилмайди, ҳеч кимга овозини кўтариб гапирмайди, ҳафтада бир марта ўтказиладиган летучкадан бошқа мажлис ҳам йўқ. Аммо, иш жойида: газета сонлари сермазмун, саҳифалари ранг-баранг, материаллари ўқишли. У биздан фақат иш, сифат ва албатта, интизом талаб қилади.

Менинг яна бир меҳрибоним Бобожон ака эканини зимдан сезиб юраман. Менга бошпана топган ҳам ўша бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

— Ташаккур,— дедим мен Аширматга.— Бироқ, дўстим, қизлар ичида яшашим қандоқ бўларкин?

— Емон бўлмайди,— Аширматнинг боя тўнғиб қолган кўзлари яна чақнади.— Сизга қандоқ бўлишини билмадим-у, лекин қизларга мазза бўлади. Улар билим юртининг ҳовлисида катта гулхан ёқадилар. Кейин, сизни шу гулханга ташлаб, қип-қизил кабоб бўлгунингизча тоблаб пиширадилар ва ниҳоят, ўткир пичоқ билан гўштингизни бир парнадан қирқиб, мазза қилиб ейдилар! Аширмат шундай деди-ю, хахолаб кулиб юборди.

Биз у билан ошхонадан чиққач, Главпочтамт биносини айланиб ўтиб, қизлар билим юртининг сердарахт ҳовлисига кирдик. Чапдаги бир қаватлик узун бино дирекция билан дарсхоналар, ўнгдаги бир қаватлик баракнамо узун иморат эса, ётоқхона экан. Синфларда дарс ўтилаётгани учун ҳаммаёқ сув сепилгандай жимжит. Дарахт шохларидаги қорлар эриб бўлгач, ним кўкиш барглар чиқиб, гул гўнчалари бўртиб қолгани шундоққина кўриниб турарди.

Билим юртининг директори Комила опа кабинетида ёлғиз, китоб ўқиб ўтирарди. Европача тикилган ингичка ёқалик мовий шерст кўйлаги ўзига ярашган, иккита ўрилган қалин сочини бошига турмаклаган, лўпигина оппоқ юзиде билинар-билинмас сепкили сезилиб турган бу баланд бўйли, хушрўйгина аёл Аширматни танир экан, ҳўрмати учун ўрнидан турди-да:

— Келинг, шоир ака, хуш кўрдик!— деди.

— Ўзбек группасига математика муаллими сўраган экансиз, мана, олиб келдим,— Аширмат мени Комила опага таништирди.— Математик, шоир, журналист, таржимон ва бошпанага муҳтож бир мусофир!..

— Хабарим бор,— Комила опа Аширмат иккимиз билан навбатма-навбат қўл бериб кўришаркан, мендан сўради.— Аввал ҳам дарс берганимиз?

— Ҳа. Булагимизда мактабимиздаги саводсизлар ва чаласаводлар кечки курсларида дарс берганман. Бундан икки йил аввал эса, Урта Осие индустриал институтида рус группасида таҳсил

кўрганимда иккита ўзбек группасида профессор Топорнингга интеграл ва дифференциал ҳисоблардан ассистентлик қилганман...

Комила опа бироз ўйланиб тургач:

— Сизга Педагогика билим юртлири учун математика дарслиги билан программаси керак бўларкан,— деди.— Бизда булар бор-у, фақат тожик тилида... Нима қиламиз?

— Техника фанлари учун муҳими тил эмас, формула!— дедим мен ҳам бўш келмай.— Қолганини луғат ёрдамида тушуниб оламан.

— Яхши,— Комила опа менинг ҳозиржавоблигимдан қониқди шекилли,— қани, юринглар,— деб бизни бошлади.— Ётоқхонада битта бўш хона бор, кўрсатаман.

Биз ҳовлини кесиб ўтиб, ётоқхонанинг эшигидан торгина узун ойнаванд йўлакка кирдик. Йўлакнинг икки бошига доира кўзгулик мармар умивальниклар қўйилган бўлиб, қоziқларга оппоқ сочиқлар осилган.

— Муаллимлар ётоқхонаси шу,— деди Комила опа йўлакнинг ўрта бир жойидаги эшикни ита-риб очаркан.

Биз унинг кетидан хонага кирдик. Аширмат боя ошхонада менга айтганидек, ҳужра эмас, кенг деразалик ёруқчина росмана хона. Дераза тагига ёзув столи, ўнг томонда — юқорироқ бир жойга тахта қаравот, чап томонда — пастроқ бир жойга кийим шкафи қўйилган. Фикран таққослайман: масжид ҳовлисидаги кичкина туйнуклик тандир-уй қаёқда-ю, мукаммал жиҳозланган бу ёп-ёруғ хона қаёқда!..

— Маъқулми?— Комила опа жиддий бир қиёфада мендан сўради.

— Ташаккур, опа!— дейман.— Менга жуда маъқул.

— Маъқул бўлса, шу бугуноқ кўчиб келинг,— деди мудира менинг умуман кўчим йўқлигидан беҳабар.— Дарслик билан программани илмий мудирдан оласиз. Биринчи дарсингиз, янглишмасам, эртага учинчи пара... Маъқулми?

— Маъқул!— ичимда офтоб чарақлади.— Бу ажойиб ётоқхонадан бадарға бўлмаслигим учун берадиган дарсларим сифатига алоҳида эътибор бераман, опажон!

Мудира учрашганимиздан буён биринчи марта жилмайди. У жилмайганда оппоқ юзида нозик бир жозибат товланаркан. Умуман, қиз-жувонларга ички қувонч, самимий жилва, табассум алоҳида тақдорланмас ҳусн бағишлайди. Мен буни илк бор Тошкентда, Тарновбоши маҳалласида, дўстим Абдулфорхоннинг уйида унинг синглиси Манзурани кўрганимда кашф этганман...

Ҳозир ўша мунис кўзлар яна лоп этиб хаёлимга келди.

Аширмат билан Комила опа ҳовлида суҳбатлашиб қолишди. Мен илмий мудирни топиб, ундан дарслик, программа ва бошқа ўқув қўлланмалари олдим.

— Ҳамкасб эканмиз,— деди Комила опа мен билан хайрлашатуриб,— Мен ҳам математикман. Агар қарши бўлмасангиз, эртага биринчи дарсингизда иштирок этаман.

— Бажонидил!— мен мудирага миннатдорчилик билдирдим.— Маслаҳатингизга муҳтожман.

Аширмат иккимиз редакцияга қайтиб келгач, у муҳаррир кабинетига кириб чиқди-да:

— Мулложонов бошпаналик бўлганингиздан хурсанд,— деди.— Ажойиб, бағри кенг одам муҳарриримиз!

Албатта, ўша кундан эътиборан мен яна ҳам яхшироқ ишлаш учун тиришдим. Иш эрта-лаб тўққизда бошланади, мен эса, саккиздаёқ этиб келаман. Иш кеч соат олтида тамом бўлади. Гоҳо тўққизгача қоламан. Пландаги юз эллик сатр эмас, икки-уч юз сатр хабарлар тайёрлаб бераман. Адабий материаллар, таржималар бу ҳисобга кирмайди.

Ишимдан муҳаррир мамнун, Аширмат инчунин.

Таржимонимиз Аминахоним нечундир тез-тез касалга чалина бошлади. У ҳар ойда уч-тўрт кун ишга чиқолмай қолади. Бундай ҳолларда русча материалларни машинкага диктовка қиламан, Аширмат таҳрир қилиб теришга юборади. Менинг саҳар мардондан шом қоронғисига қадар ишга шўнғиб кетганлигимдан тандир-уй соҳиб, дўстим Абдулхай Ҳайдарий ҳам шод, ҳам ношод. У менинг ишим, ижодим юршиб кетганидан хурсанд бўлса, ҳамсуҳбат, ҳамдард бўлолмай қолганимиздан хафа. У бир яқшанба уйимга келиб, меҳмон бўлди. Бир-биримизга янги шеърларимизни ўқишдик. Мен унинг иккита ғазалини танлаб олиб, газетамизнинг навбатдаги адабиёт саҳифасида эълон қилишга муваффақ бўлдим.

Хуллас, иш кўп, бош қашишга вақт йўқ.

Шундай қизгин кунларнинг бирида редакциядаги тифиз хонамда ишлаб ўтирган эдим, ёзув столи устидаги телефон аппарати жиринглаб қолди. Трубкани олиб, қулоқ солдим:

— Ахборот бўлими эшитади...

— Ахборот бўлимидан бизга ахборот даркор! — Трубкадан эшитилган салмоқли овоз таниш туюлди-ю, лекин дафъатан кимнинг ёқимтой овози эканини аниқлай олмадим.— Уртоқ Ҳамид Фуломнинг саломатликлари аъломи, қор-у, ижодлари бажоми?

— Ташаккур... Минг ташаккур... Бизнинг аҳволимизни ким сўраптилар?

— Бобожон Ғафуров.

— Ҳазор ташаккур, устоз! — Ҳаяжонимни базўр босиб, жавоб қилдим.

— Биздан қандай ёрдам керак? — Ғафуров салмоқлаб сўради.

— Меҳрибонликларингизни ҳеч қачон унутмайман! — дедим сал ўзимга келиб.

— Бизга хизмат бўлса, хоҳлаган вақтингизда ҳузуримизга бемалол келинг! Хайр, саломат бўлинг!— деди-да, Ғафуров трубкани қўйди...

5. ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ШУЪБАСИ

Тожикистон Ёзувчилар союзи ҳузурда ўзбек адабиёти шуъбаси ташкил этиладиган кунни биз, ўзбек ёзувчилари сабрсизлик билан кутдик.

1938 йил, апрелнинг сўнги кунлари. Шаҳар ва унинг атрофидаги мева дарахтлари ям-яшил кўкариб, қийғос гуллаган, кўнгил дарё бўйлари, тоғ бағирлари сайрини тусаб қолган; худди баҳорни соғинган булбуллардай ёш шоирлар ҳам муҳаббат, соғиниш ҳақида шеър уғаллар битиб, редакциямизга тез-тез қатнаб қолган кунлар...

Мен ҳам «Севги мудом экан, ўйлаб қарасам», деган мисра билан бошланадиган ғазалимни ёзган бўлсам ҳам, ҳеч кимга кўрсатмай олиб юрибман.

Союздаги таъсис мажлиси чоршанба куни кеч соат олтига белгиланган. Аширматнинг тиними йўқ. Ўзбек тилида ёзадиган ёш шоир ва адиблар атиги олти киши бўлса ҳам, гўё улкан қурултой чақирилаётгандай, эртадан кечгача Аширматнинг оғзи гапдан, қулоғи телефондан бўшамайди.

Йиғилишдан бир кун аввал мен Аширматни рўйхатга еттинчи қилиб Абдулхай Ҳайдарийни ёзишга кўндирдим. Чоршанба куни эрталаб ишга ҳар қачонгидан ҳам эртароқ келсам, редакцияда Аширматнинг кабинетига чироқ ёниб турибди. Ҳайрон бўлиб, эшик тирқишидан мўраладим. Масъул қотибимиз ёзув столига эгилганча қандайдир хатни ўқиб ўтирибди. Секин йўталдим.

— Киринг,— деди Аширмат мени кўриб.— Келинг, ўтиринг. Мен ҳозир сизни ўйлаб ўтирувдим.

— Баҳай...— кулдим.— Саҳарлаб-а?

Мен унинг қаршисига ўтирдим.

— Абдулла Қодирийни танирмидингиз?— Аширмат менга синчков тикилиб сўради.

— Устозни ким танимайди?— Мен дўстимнинг саволидан таажжубландим.— Унинг романларини ким ўқимаган, ким?..

— Йўқ, мен сиздан бошқа нарсани сўраяпман,— Аширмат менинг сўзимни бўлди.— Сиз Қодирийни ўз кўзингиз билан кўрганмисиз? У билан суҳбатлашганмисиз?

— Ҳа, мен уни бир неча марта кўрганман. Ёзувчилар союзида, ижодий семинарларимизда. Бир гал устоз «Ўтган кунлар»ни ёзишдаги тажрибаларини сўзлаб берганлар. Ёдимда, фақат биз ёшлар: Шўхрат, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, яна қанча тенгдошларимгина эмас, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби устозлар ҳам қатнашганлар. Тағин бир воқеа эсимда: бундан бир йил муқаддам — бултур май ойида бўлса керак, Усмои Носир ижодий фаолиятининг йигирма йиллигига бағишланган йиғилишга Абдулла Қодирий ҳам келдилар. Мен устозни бошқа ерларда ҳам кўрганман, чунончи, Тошкентнинг Инжиқобод мавзеидаги Ёзувчилар ижод уйида... Мен Ғафур Ғуломга эргашиб, у ерга тез-тез бориб турардим. Бу энди, 1935—36 йиллар... Лекин, мен Жулқунбойни ундан илгари ҳам бир неча марта кўрганман. Устоз Чигатоёв дарвоза маҳалласидаги ўз боғларида, ўз лойиҳалари билан қурган қўшқават шийпонда ижод қиладилар. Чигатоёв маҳалласига туташ Зангиота маҳалласида менинг Аббос ва Абдуқаҳҳор исмли тенгқур дўстларим яшайдилар, Жулқунбой бу маҳаллалардаги улфатларининг уйларида, гап-гаштак оқшомларида ош-овқатдан кейин ёзаётган янги асарларидан боблар ўқишни одат қилган эдилар. Биз, ўсмирлар ўша мажлисларда катталарга дастёрлик қилиб юрар, баҳона билан устоз ўқишларидан баҳраманд бўлар эдик...

— Бахтли йигит экансиз,— Аширмат шундай деди ва кўлидаги хатни буклаб, конвертга солди-да:— Аммо, бу сўзларни менга айтдингиз, зинҳор-базинҳор бошқа бировларга айтқўрманг!— деб огоҳлантирди.— Абдулла Қодирий ҳибса олинди...

— Э, аттанг! Бу жуда оғир фожиал!..— беихтиёр инграб юбордим.

— Ҳа, бу — тарих кечирмайдиган хато!— Аширмат фикримга қўшилди ва бир оз ўйланиб турган, сўради:— Сизда Қодирийнинг китоблари борми?

— Ҳа, Тошкентда, уйимда бор.

Мен «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни Абдулхайнинг тандир-уйида кўрган бўлсам ҳам, бу ҳақда индамадим.

— Замон нозик, эҳтиёт шарт,— Аширмат шундай деди-да, менга тайинлади.— Бугунги йиғилишимизда бу ҳақда оғиз очмаймиз, албатта. Умуман, Фитрат, Чўлпон, Усмои Носир ва бошқа «ҳалқ душманлари» ҳақида савол тушса, сиз индамай қўя қолинг, мен ўзим жавоб бераман. Маъқулми?

— Маъқул.

— Тожик дўстларимиз ўзбек адабиёти шўбасининг ташкил этилишига катта эътибор беришяпти,— Аширмат яши бир нарсани эслагандай, чеҳраси ёришди.— Кеча Андижондан Сотти Мамажон келди. Агар биз уни редакцияга ишга олсак ва уй билан таъминласак, оиласини олиб келмоқчи.

— Муҳаррирга айтдингизми?

— Айтдим. «Кўчиб келаберсин, уй топамиз», деди.

— Ажойиб раҳбар Мулложонов!

— Ҳа, ажойиб инсон!— қўшиб қўйди Аширмат.

— Йиғилишимизда тожик ёзувчиларидан кимлар бўларкан?— сўрадим Аширматдан.

— Мирзо Турсунзода, Абдусалом Деҳотий албатта бўлишади. Хўжанддан Раҳим Жалил келган деб эшитдим. Агар келган бўлса, у ҳам албатта қатнашади.— Аширмат бир оз ўйлаб турди-да,— муҳарриримизнинг йиғилишга қандай тайёргарлик кўраётганимизни суриштиришига қараганда унинг ўзи ҳам иштирок этиши эҳтимолдан узоқ эмас,— деб қўшиб қўйди.

— Йиғилиш тартибини ўйлаб кўрдингизми?— қизиқиб сўрадим ундан.

— Учта масалани қорозга туширдим. Биринчиси — Тожикистондаги ёш ўзбек ёзувчилари ижоди ҳақида. ахборот. Бу менинг зиммамда. Иккинчиси — ташкилий масала. Учинчиси — мушоира. Ҳар биримиз битта ёки иккитадан шеър ўқиймиз. Албатта, Тожикистон Ёзувчилар союзи раҳбарларидан биронтаси сўзлайди. Хўш, рўзномамиз сизга маъқулми?

— Маъқул. Абдулхайни йиғилишга айтайми?

— Албатта айтинг,— Аширмат мийғида кулиб, тайинлади.— Ҳайдарийга айтинг, шара-бара дўконини йиғиштириб, редакцияга ишга келсин.

— Кўндиролмаяпман, ниҳоятда камтарин ва журъатсиз йигит Ҳайдарий...

Сотти Мамажон Андижондан келиб, биз, ёш ўзбек қаламкашларининг сони еттига етган, йиғилишимиз ҳам кичкина бир хонада ўтса керак, деб тахмин қилган эдик, бироқ амалда тамом бошқача бўлиб чиқди.

Матбуот уйининг биринчи қаватига жойлашган Тожикистон Ёзувчилар союзининг юзга яқин киши сифадиган мажлислар зали соат олти бўлмасданок одамга тўлди. Эрталаб Аширмат менга айтган тожик ёзувчилардан ташқари ўша кунлари Сталинободга Москвадан келган Абулқосим

Лоҳутий ва Самарқанддан келган Садриддин Айний, Боқи Раҳимзода, Мирсаид Миршакар, Фотех Ниёзий, Ҳожи Содик ва мен ярим йил ичида кўриб, таниб улгурмаган яна йигирмага яқин шоир ва адиблар, «Тожикистони сурх», «Коммунист» газеталари, журналларининг масъул ходимлари ҳам ҳозир бўлган эдилар. Муҳарриримиз ҳам шу ерда, журналистлар даврасида сўхбатлашиб турибди.

Аширмат бошлиқ биз, ёш ўзбек қаламкашлари залнинг этагида, энг охириги қатордан жой олдиқ.

Мирзо Турсунзода — Тожикистон Ёзувчилар союзининг ёш раиси, у вақтда ўттиз ёшга ҳам кирмаган гўзал йигит президиумга чиқиб, устозларни — Айний, Лоҳутий, Бобожон Ғафуров ва Союз раҳбарларидан яна бир неча ёзувчи билан уч тилда чиқадиған газета муҳаррирларини юқорига таклиф қилди.

Мен зални тўлдириб ўтирган одамлар орасида Бобожон акани кўрмаган эканман, у орқароқ қатордан туриб, президиум столи томон сал оқсоқланғанча ўтиб бораётганида кўриб танидим ва унинг қиёнда менга — мусофир бир йигитчага телефонон қилиб, ҳол-аҳвол сўраганини эслаб, беихтиёр дилимда қалққан севинчдан кўзларим ёшланди...

Президиумга чиққан кишилар жойларини эгаллаб ўтиришгач, Турсунзоданинг ёнида ўтирган Ғафуров унинг кулоғига алланима деб шивирлади. Турсунзода ўрнидан туриб, залнинг охириги қаторига синчков тикилди-на:

— Аширмат!— деб қақирди.— Марҳамат, бизнинг ёнимизга келинг!

Аширмат анордай қип-қизариб ўрнидан турди ва қаторларни оралаб илгарилаб боргач, президиумнинг орқароқ бир ерида бўш стулга ўтирди.

— Дўстони азиз!— деб тожик тилида сўз бошлаган Турсунзода дарҳол ўзбек тилига ўтди.— Азиз дўстлар! Мен Тошкентда Тожик педагогика институтида таҳсил кўрганман. Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон билан кўп марта мулоқотда бўлганман. Ғафур ака: «Ўзбек билан тожик бир онанинг қорнидан талашиб тушган», дейдилар. Дарҳақиқат, бизлар — бир халқнинг фарзандлари, бир Ватанинг жигарбандларимиз. Дилларимиз каби ерларимиз ҳам туташ. Бир дарёдан сув ичамиз. Икки тил соҳибни устод Садриддин Айний икки халқ — ўзбек ва тожик халқлари совет адабиётларининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг дўсти ва сафдоши, икки қардош республика янги маданияти ва адабиётининг асосчисидир...

Мирзо Турсунзоданинг нутқи қарсақлар билан бўлиниб турди. Ниҳоят, у Тожикистонда ўзбек тилида кундалик газета нашр этилаётганини, радиода ўзбек тилида кундалик эшиттиришлар бериб турилганини, Давлат нашриётида ўзбек тилида китоблар чоп этиш йўлга қўйилишини, бу соҳада Аширматнинг шеърлар тўплами қалдирғоч бўлганини айтгач, пойтахтда ва бир қанча шаҳарларда айниқса Хўжанд, Уратепа, Конибодом ва Новда ёш ўзбек қаламкашлар анчагина топилшини қайд этгач, бу ҳақда ахборот бериш учун Аширматни минбарга таклиф қилди.

Албатта, устозлар ҳузурида минбарга чиқиш, сўзлаш осон эмас. Мен Аширматнинг аҳволини кузатиб, дўстим билан ҳам фахрландим, ҳам у билан баробар роса терлаб-пишдим, десам муболаға бўлмайди.

Аширмат ёш ўзбек шоир ва адибларининг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот берди. Чунончи, у Сотти Мамажоннинг шеърлари ҳақида сўзлар экан, Сотти ўрнидан турар, минбарга чиқиб битта шеър ўқиб бераар, шу йўсинда мажлис аҳли у билан танишиб олар эди.

Мен президиумдаги ўртоқларнинг ҳар биримизга муносабатларини залдан кузатиб ўтирар эканман, сўзларимиз, шеърларимизни эътибор билан тинглашларидан, баъзи бирларимизга савол бериб, жавобимизни мамнун эшитишларидан ич-ичимдан қувонар, айни вақтда масъулиятнинг зил тоши елкамандосиб, вазифамиз нақадар улкан эканлигидан, биз, ўзбек ёшлари эса ҳали ҳеч қанча хизмат қилмаганлигимиздан хижолат чекардим.

Навбат менга келганда минбарга чиқдим-у, тиззаларим қалтираётганини сезиб, қафтларимни тахтага тираганча, ёнимда тик турган Аширматга: «Нима қилай?» деган маънода савол назари билан тикилдим.

— Шеър ўқинг!— Аширмат менга далда берди.

«Варзоб қайнайди» сарлавҳали шеъримни ўқидим. Мажлис аҳлига маъқул бўлди шекилли, қарсақ чалишди.

— Таржималарингиздан ўқинг!— Турсунзода луқма ташлади.

Лермонтовнинг «Мцири» поэмасининг биринчи бўлимини ёддан ўқидим. Зал сув сепгандай жимжит. «Таржимам ёқмади шекилли», деб гумон қиламан. Хижолатдан терлайман. Ленин, бирдан чапак янграйди.

— Ғафур Ғулумга жиян бўласизми?— дафъатан сўрайди домла Айний.

— Йўқ, устоз, — ҳаяжонланиб жавоб қайтараман.— Юзлаб ёшлар каби мен ҳам ўзимни Ғафур Ғулумнинг камтарин шогирдларидан ҳисоблайман.

Айний ўрнидан туриб, минбар томон юриб келади. Аширмат президиумдаги жойига боради, мен эса, залга тушиб, орқа қаторга ўтаман.

— Ижод нина билан қудуқ қашишдай гап, — салмоқланиб сўз бошлайди устоз Айний.— Тинимсиз ўқиш, умрбод ҳар кун, ҳар соат меҳнат қилиш, заҳматкаш ва фидойи бўлиш даркор. Мен Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи ҳузурида Ўзбек адабиёти шуъбаси ташкил қилинишини муборакбод этаман.

Домла Айний ўз ижодий фаолиятдан мисол келтириб, ўзбек дўстлари маслаҳати асосида «Қулбобо» номли кичик қиссасини қайта ишлаб, воқеасини кенгайтириб, тарихий фактларни чуқурроқ қамраб олиб, «Қуллар» номли йирик роман даражасига олиб чиққани, узоқ давом этган мураккаб иш жараёнини батафсил ҳикоя қилди-да, биз ёшларни ҳам иқтилобий тарих ва ҳозирги замон ҳақида дostonлар, қиссалар ёзишга, ҳатто роман ёзишга журъат қилишга қақирди.

Кейин, йиғилишимиз мушоирага айланиб кетди. Устоз Лоҳутий «Кремль» дostonидан, Миршакар «Ленин Помирда» дostonидан парча ўқидилар. Боқи Раҳимзода шеърларини мароқланиб тингладик.

Мушоирани Мирзо Турсунзода якунлади. У ишқ, вафо ҳақидаги такрорланмас, гўзал ғазалларидан ўқиди.

Мен илгари Усмон Носирнинг дилгир ва равои овозини кўп эшитганман. Турсунзоданинг овози ҳам худди ўшандай равои ва дилгир — қалб тубидан янграб чиқади. Ажабо, бу икки шоирнинг ёниқ кўзлари, оташин нафаси ҳам бир-бирига жуда ўхшайди.

Усмон Носир энди орамизда йўқ...

Шоирнинг тақдири ошиқнинг тақдиридан ҳам оғирроқ аслида...

6. АМАК

Тинимим йўқ. Эртаю кеч югурганим югурган. Эрталабдан тушгача — редакция. Тушдан кейин — Билим юрти. Сўнгра яна редакция. Иш шом қоронғусигача, баъзан эса ярим тунгача давом этади. Шу кунларда яна бир вазифа зиммага юкланган — Мактаб шахарчасидаги Тоғ техникумида ҳам ўзбек группасига шанба кунлари математикадан икки жуфт, яъни тўрт соат дарс бера бошладим. Фақат яқшанба кунлари уйда бўламан. Шунда ҳам ярим кун ижод, ярим кун редакция вазифаларини бажариш билан ўтади.

Бундан бир йил аввал танга ва тийинларни ҳисоблаб, рўзғорини базўр тебратиб юрган йигитча бу ерда пул деган нарсани умуман ҳисобламай қўйганман: ведомостларга кетма-кет қўл қўйиб, ўша захотиёқ почтага югураман. Главпочтамтнинг пул юбориш даричасидаги қизлар мени аллақачон таниб қолишган: гоҳ шубҳаланиб, гоҳ ҳавасланиб тикилишади. Билмадим, мени ким деб ўйлашади: қиморбоз дебми, чайқовчи дебми, хуллас, мен ишимни битириб кетганимдан кейин, шошқич хатти-ҳаракатларимни ўзаро муҳокама қилишса керак...

Ҳар жума кеч соат олтида Ёзувчилар союзида Ўзбек адабиёти шубҳасининг йиғилиши бўлади. Ҳали унинг аъзоларидан ҳеч ким йирик асар ёзиб улгургани йўқ. Бу йиғилишларда асосан янги шеър, ҳикояларни ўқиб, муҳокама қилиш, мушоиралар ўтказиш билан кифояланамиз.

Олти ой шу зайлда ғир этиб ўтди-кетди.

Сентябрь ойининг охириги жума кунинда союздаги навбатдаги йиғилишимиз тугагач, мен Матбуот уйидан чиқиб, редакция томонга юришим билан орқамдан таниш овоз эшитилди:

— Ҳой, намунача шитоб — ёв қувляптими? Тўхтанг, хушхабар бор.

Қадамимни секинлатиб, орқамга ўғирилдим. Абдулҳай ҳаллослаб келяпти.

— Амак келганларидан хабарингиз борми?

— Йўқ... Қайси амак?

— Тошкентлик Абдуқодир амак-да! — Абдулҳай ҳаяжонланиб гапирди. — Кундузги поезддан тушганлардан икки киши кўзимга иссиқ кўринишди. Дўконим ёнидан ўтаётганларида мен улар истиқболга пешвоз чиқдим. Тусмолим тўғри чиқди: Абдуқодир амак билан ўғиллари Абдулфориҳ эканлар. Мен уларни дўконга олиб кириб, бир пиёладан чой ичирдим...

— Хўш, улар ҳозир қаерда? — қувончимни яширолмай, шошиб сўрадим Абдулҳайдан.

— Улар менинг қўқонлик ҳамшаҳрим Муҳиддинжоннинг уйини сўрашди, — Абдулҳай қадамимни секинлатиб, бамайлихотир сўзлади. — Мен сизни Муҳиддинжон билан таништирганман — улфатчиликда жўрабошимиз, анча бадавлат йигит. Хуллас, мен дўконни ёпиб, Амак билан ўғилларини Муҳиддинжоннинг уйига кузатиб қўйдим...

— Хўш, кейин нима бўлди?

Менинг тоқатсизланаётганимни сезган Абдулҳай елкамга енгилгина қоқиб қўйди-да:

— Амак сизни сўрадилар, — деди. — Мен у кишига ишингиз, турмушингизни билганимча ҳикоя қилдим. Амак сизни албатта кўришлари зарурлигини айтдилар. Сизга иккита хат бор экан.

— Кимдан? Қани у хатлар?

— Амак у хатларни сизга шахсан ўзлари топширар эканлар. У киши мендан сизни шу бугун оқ Муҳиддинжоннинг уйига бошлаб боришимга ваъда олдилар. Хўш, борамизми? Ёки, кейинроқми? — Абдулҳай мендан ўсмоқчилаб сўради.

— Гапингизни қаранг-а, кетдик!..

— Ихтиёрингиз... — Абдулҳай менга синашта тикилиб, қадамини тезлатди.

Биз Муҳиддинжоннинг Мактаб шахарчаси яқинидаги янги маҳаллалардан биридаги ҳовлисига кириб келганимизда вақт хуфтондан ошган, янги палослар тўшалган кенггина супада, хонтахта атрофидаги кўрпачаларда Амак, Абдулфориҳ, Муҳиддинжон ва яна беш-олти киши чой ичишиб, суҳбатлашиб ўтиришарди.

Абдулҳай иккимиз супа ёнига тез юриб бориб, аввал Амак билан, кейин истиқболимизга ўринларидан кўзғолишган бошқалар билан кўришиб бўлгач, издиҳомнинг оёқроқ бир ерига тиз чўкишдик.

Амак тўрда парку ёстиқларга суялганча жилмайиб ўтирар, майда ажинлар қоплаган оппоқ юзманглайдан нур томарди.

— Ойингиздан дуойи салом келтирдим, — деди Амак тринка камзулининг ён чўнтагидан қалингина конверт чиқариб, менга узатаркан. — Ичида яна бир мактуб бўлса керак.

Мен конвертни таъзим ила олдим.

Хонтахта ўртасига қўйилган қирқинчи чироқ мўлгина нур сочиб турган бўлса ҳам, мен хижолатдан обдон терлаб, хатларни шунча одам олдида очиб ўқишга журъат этолмадим.

— Ойингиз мактубларингизни бизнига олиб келадилар, Манзура ўқиб беради, ҳаммамиз эшитиб, дуойи жонингизни қилиб юрамиз, — Амакнинг сокин кўзлари бетартиб ўсган қалин қошлари тагидан менга майин тикилди. — Анчагина пул юборибсиз, онангиз бозордан иккита қўй олдириб, яхши ниятда боқаятилар...

— Албатта, албатта, — Муҳиддинжон — мусофирлар ичидаги мўйнадўз бойвачча йигит — томоғини кириб йўталиб қўйди.

— Амак, ўзингиз соғ-саломат юрибсизми? — Мен гап мавзуини бошқа томонга бурдим. — Қалай, дўппи бозори баравжми?

— Иншоолло, рўзғорни қимирлатиб турибмиз, — Амак илжайибгина қўйди. — Ёзув-чизув бозори қалай?

— Сўз-ғалтагини ичимизга ютиб олганмиз, бир чеккадан чиқараверамиз! — дейишим билан даврада гурр этиб кулги кўтарилди.

Сухбат турли мавзуларда қизғин давом этиб, тун яримлагач, Амак дастурхонга фотиҳа қилди-да, ўрнидан тураркан, менга:

— Абдиҳамиджон, сиз қолинг, суҳбатлашамиз,— деди.

Амакнинг келиши шарафига қақирилган меҳмонлар бирин-кетин тарқалишди. Абдулҳай ҳам тандир-уйига равона бўлди.

Супада уч кишига — Амак, Абдулфорих ва менга жой солинган; Муҳиддинжон ичкарига, бола-чақалари олдига кириб кетди. Тўлин ой ҳовли этагидаги баланд мирза тераклар орқасидан нур сочиб турар, ҳовли ойдин, чироққа ҳожат йўқ эди. Амак билан Абдулфорих таҳоратларини қилиб келгунларича мен конвертни очиб, ундан чиққан икки хатни ўқишга улгурдим. Онам эски ўзбек ёзуви «арабчада» ёзган қисқагина мактубида соғ-саломат ишлаб юрганини, Саиддан хат келиб турганини, Пединститутдаги домлам Николай Трофимович Бенедиктов уйимизга келиб, менинг қаердалигимни суриштирганини ва хат ёзиб, менга албатта, юборишини илтимос қилганини хабар қилган, Амак менга нимакини деса, албатта рози бўлишимни сўраган эди.

Пединститут рус тили ва адабиёти факультетининг декани, домлам Бенедиктов мактубида менга салом йўллагач, Тошкентга қайтишни, ўқишни давом эттиришни маслаҳат берган. Унинг ёзишича, менда ҳеч қандай айб йўқ: мен мақтаб, балога қолганим Борис Михайлович Эйхенбаум — ленинградлик буюк олим, унинг М. Ю. Лермонтов ҳақидаги китоби яна қайта нашр этилибди ва Николай Трофимович бу янги нашрни институт комсомол комитетининг аъзоларига кўрсатиб, Мирвоҳид Мақсудов каби нодонлар менга тўхмат қилганини ва мени комсомолдан ноҳақ ўчиришганини исбот этибди. Хуллас, муҳтарам устозим менинг Тошкентга қайтиб келиб, ўқишни давом эттиришимни маслаҳат берарди...

Абдулфорих ва мен ўринларимизга чўзилишгач, биздан юқорида ётган Амак ўғлига:

— Чироқни ўчир!— деди.

Чироқ ўчирилди.

— Абдиҳамиджон, мактубларни ўқиб чиқдингизми? Тинчликми?— Амак мендан сўради.

— Тинчлик, амаки...

— Хайрият,— Амак мен томонга ўгирилиб ётгач, секин гап бошлади:— Мусофирчилик қисқа бўлса хўб-хўб, аммо узун бўлса — азоб. Уйдан кетганингизга оббахолам... бир йилга яқинлашди, чамамда... Сиз буюқда, укангиз уёқда — оингиз ёлғиз қолиб кетдилар. Қийин бўлди бечорага... Оингиз доим бизникига келадилар, роз айтадилар, ҳасратларидан чанг чиқади. Сизга иккита маслаҳатим бор, бўтам. Бири шулки, аҳволни бу ердаги бошлиқларингизга ётиғи билан тушунтириб, ватанга тезроқ қайтмоқ тадоригини кўрингиз. Яна бир маслаҳат шулки, оингизнинг эзгу орзусига рози бўлингиз, яъни онайизорни ёлғизликдан халос этингиз. Укам Абдумаликнинг қизи Манзура бу йил техникумни тамомлади. Оингизнинг мақсади — уни ўзларига келин эмас, чинакам фарзанд қилиб олмақдир. Сизнинг мактубларингизда ҳам шунга бир шама бор, чамамда...

Яхши ҳам чироқ ўчирилган. Яхши ҳам ой тераклар орқасида. Қизариб-бўзарганларимни, азбаройи қувонганимдан ҳаяжону кўз ёшларимни Амак кўрмайдилар...

— Хўш, нима дейсиз?— Амак ипақдай мулоим товуш билан мендан сўрайди.— Маслаҳатларим сизга маъқулми?

«Маъқул!» деб қичқиргим келса-да, ич-ичимдан қалқиб келаётган долғаларни босиб, сипоҳлик билан ноз қиламан:

— Умр савдоси — мушкул савдо, Амак!— дейман.— Уйлаб кўрайчи.

— Уйлаб кўринг!— дейди Амак, назаримда, менинг муғомбирлигимдан ич-ичида кулиб.—

Биз бу ерда яна икки кун бўламиз. Жавобингизни оингизга етказишим шарт... Хай, ухлайлик, тун оғди...

Бир неча дақиқа ўтгач, Амакнинг беозоргина пишиллаб ухлаётгани сезилди. Аммо, Абдулфорих росмана хуррак отабошлади. Мен эса, осмон тўла юлдузларга тикилганча ширин хаёллар оғушида маст сузаман — Тошкентни, уйда ёлғиз қолган онамни ва Тарновбоши маҳалласидаги яна бир кишини ўйлайман. Кўкдаги ҳов... анови иккита чақноқ юлдуз унинг тиниқ кўзлари бўлиб кўринади менга...

7. ДАРВОЗ ПАЙПОҒИ

Демак, Амак Душанбеда икки кун бўлади. Шу икки кун давомида мен унинг саволига аниқ жавоб беришим керак. Жавобим тайёр. Тошкентга кетишга, ўқишимни давом эттиришга мен жон-дилим билан розиман. Энди ҳалиги нозик масалага келсак, бу — менинг ширин орзум. Қани энди елкаларимда қанот пайдо бўлса-ю, Тошкентга — онам бағрига учиб борсам, севгилим висолига етишсам.

Бироқ, Амакка берадиган жавобим фақат менинг ўзимгагина боғлиқ эмас. Мен бу ердаги анча одамлардан маънавий қарздорман. Агар бу ердан ўз ихтиёрим билан жўнаб қолсам, дўстим Аширмат олдида, муҳарририм Мулложонов олдида, устоз Бобожон Ғафуров олдида, Қизлар педагогика билим юрти ва Тоғ техникуми раҳбарлари олдида ким деган одам бўламан? Агар мен юртимга кетишим сабабларини ишонтирарли тарзда асослаб берган тақдиримда ҳам меҳрибон ҳомийларимнинг бири рози бўлса ҳам, иккинчиси рози бўлмайди, учинчиси жавоб берса ҳам, тўртинчи ва бешинчиси жавоб бермайдилар.

Одатим бўйича, эрталаб редакцияга ҳаммадан аввал келиб, ахборот бўлимида янги хат, хабарларни ўқиш, саралаш билан машғул бўлиб ўтирарканман, бугун бошлиқларим билан қиладиган суҳбатларим тўфайли минг хил андишаларга борар, хижолат ўтида қовирилардим.

Дафъатан бир фикр миямга чақмоқдай урилди: ахир, Бобожон ака: «Мендан бемаслаҳат ҳеч қандай иш қилмасиз»,— деб огоҳлантирган эди-ку! Мана, орадан салкам бир йил вақт ўтди. Мен Ғафуровдан бемаслаҳат ҳеч қандай иш қилганим йўқ. Редакциядаги ишимдан ташқари муаллимлигим, ёзувчилигим ҳам унга маълум. Агар мен сафарим қариганини, Тошкентга кетишим зарурлигини унга, фақат унинг ўзига айтсам ва ундан, фақат унинг ўзидан ижозат олсам, шундан кейин бошқаларга мурожаат қилишга ҳожат қолмайди-ку!

Бу фикрдан кўнглим ёришиб, анча енгил тортдим-да, девордаги соатга қарадим: тўққиз ярим... Катта идора эшиги соат тўққизда очилади. Демак, Ғафуров ишга келган. Шаҳар идоралари телефон дафтарчасини варақлаб, Марказий Комитет бўлимини, ундан Матбуот шуъбасини топдим-у, яна: «у кишига телефон қилишим катталик бўлмасмикин?»— деб ўйланиб қолдим. Бироқ, «ўйчи ўйига етгунча таваккалчи тўйига етибди», деган ҳикмат эсимга тушиб, телефон рақамларини тердим.

— Эшитаман...

Бу вазмингина сокин овоздан анча тетикланиб, кимлигимни айтдим-да:

— Мени қабул қилишингизни сўрайман,— дедим.

— Марҳамат, ҳозир келинг!

Ишим чалалигича, кабинетим очиклигича қолди. Йўлақдан чопиб бораётганимда қаршимдан аста юриб келаётган Аширмат билан тўқнашдик.

— Ҳа, шоир, йўл бўлсин?— У мен билан қўл беришиб кўришаркан, синчков тикилиб кулди.— Яна Қизлар билим юртигами?

— Ҳа, шоир!— дедим-да, тахта нарвонни тарақлатиб пастга тушгач, очиқ эшиқдан кўчага отилдим.

Йўлда борарканман, хаёл қаъридан кўпгина саволлар бирин-кетин юзага қалқиб чиқар, улардан энг муҳими: «Бу ердан буткул кетишимга қайси асос қилиб кўрсатаман?» деган савол эди. Онамнинг бир йил давомида ёлғиз қолиб кетганимми? Ўқишни давом эттирмақчи бўлганимми? Уйланмоқчи бўлганимми?

Ҳар уччала саволга Ғафуров у ёқда турсин, ўзим ҳам жавоб бера олмайман: онам ёлғиз қолиб кетган бўлса, шу ерга олиб келишим мумкин; ўқишни давом эттирмақчи бўлсам, шу ерда ишлаб туриш билан бирга сиртдан ўқишим мумкин; уйланмоқчи бўлсам, бемалол, отпусқа оламан, Тошкентга бориб, тўйимни ўтказаман-да, Душанбегга кўчиб келаман...

Ўз саволларимга ўз жавобларимдан шу қадар қониқадимки, ярим йўлдан қайтишимга оз қолди. Лекин, яна бир тўйғу, инсон қалбига, жонига она сути билан синггиб ўрнашадиган эзгу ҳис — киндик қони тўкилган табаррук замин соғинчи ғалаба қилиб, уч қаватлик муҳташам оқ бино томонга беихтиёр бурилдим-да, баланд нақшин эшикни очиб, ичкарига кирдим.

Шу ерда турган милиционер мендан ҳужжат сўради. Мен унга редакция гувоҳномасини кўрсатдим.

— Кириг, — деди у гувоҳномани кўздан кечиргач, менга қайтиб бераркан.

Ғафуров кабинетида ёлғиз ўтириб, бугунги газеталарни кўздан кечирарди.

— Келинг, — деди у ўтирган ерида менга қўл узатаркан, — ҳеч келмайсиз. Ишлар аъло даражада бўлса керак-а?

— Сояй давлатингизда, — мен ҳамон қўл қовуштириб, тик турганча. — Арзим бор, устоз, — дедим.

— Аввало, ўтириг! — Ғафуров таажжубланиб, жилмайди. — Мен амири Бухоро эмас, сиз ҳам фуқаро эмас.

Мен унинг қаршисидаги креслога чўкиб ўтириб:

— Вақтингиз мушоҳада қилса, арзимни батафсилроқ айтсам, — деб илтимос қилдим.

— Бемалол, — Ғафуров менга синчков тикилди. — Бошланг.

Мен онам ва устозим Бенедиктовдан олган мактубларим мазмунини, Амак билан суҳбатимни ва ниҳоят, шахсан ўзим ҳам шундай қатъий қарорга келганимни ҳикоя қилгач:

— Яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман, — дедим. — Сизнинг меҳрибонликларингиз тўфайли мусофирликни сезмадим. Ишладим, дўстлар орттирдим, тил ўргандим.

— Демак, хотин оласиз? — Ғафуровнинг йирик қора кўзлари муғомбирона кулди. — Бизни тўйга айтасизми?

— Бажонидил! — елкамдаги оғир тош тушгандай, енгил тортдим. — Ишлаб турган жойлардаги бошлиқларим олдида хижолатдаман...

— Уларга мен ўзим айтиб қўяман. Хўш, қачон йўлга чиқмоқчисиз?

Мен бир оз ўйланиб турдим-да, хаёлимда ҳисоб-китобимни қилиб бўлгач:

— Нариги ҳафта ўрталарида, — дедим.

— Кетиш кунингизни аниқ белгилашимиз керак, — деди Ғафуров стол устидаги календарни варақлар экан. — Бугун чоршанба. Келаси сешанба куни, яъни 1-нчи октябрь куни, маъқулми?

— Маъқул, — мен Ғафуровга таажжубланиб тикилдим.

— Бир одам сизга ҳамроҳ бўлиб Тошкентга боради. — У менга мақсадини тушунтирди. — Халқ ҳофизимиз Ака Шариф Жўроев... Ака Шариф устоз Мулла Тўйчи ҳофизни зиёрат этишни кўпдан буён орзу қиладилар. Шул мақсадда Ака Шариф Помирдаги ўз қишлоғи Дарвоз тўқувчиларига Тўйчи ҳофизга тоза жундан гулдор пайпоқ тўқитганлар. Бунга сабаб шулки, Ака Шариф устоз Тўйчи ҳофизнинг оёқлари бод касалидан оғир экан, деб эшитганлар. Ҳай, буни бир баҳона ҳам дейлик. Аммо, икки халқ буюк санъаткорларининг бир-бири билан мулоқоти жуда муҳим, ҳатто тарихий воқеа бўлиши шубҳасиз.

— Албатта! — Ғафуровнинг фикрини тасдиқладим. — Мен Ака Шарифни ўзим билан бирга олиб кетаман. Мулла Тўйчи ота билан албатта учраштираман.

— Яхши, келишдик, — Ғафуров креслодан вазмин туриб, мени кабинет эшигигача кузатиб қўйди. — Демак, 1-нчи октябрга поездга иккита билет оласиз. Ака Шариф билан вокзалда учрашасизлар. Сиз ҳофизни танийсиз-а?

— Ҳа, Матбуот уйидаги бир концертда кўрганман, қўшиқларини эшитганман.

— Ака Шариф ўзбек тилини мутлақо билмайди, — Ғафуров мени огоҳлантирди. — Уни поездда Тошкентга саломат етказиб бориш, шаҳрингизда бирга олиб юриш, Мулла Тўйчи ота билан учраштириш ва ниҳоят, тўйингиз ўтгач, Ака Шарифни поездга чиқариб юбориш — сизнинг вазифангиз.

— Тушундим, устоз.

— Биз сизнинг зиммангизга яна бир вазифа юклаймиз, — деб жиддий бир қиёфада тайинлади Ғафуров. — Ҳар йили ўқишингиздан чиқадиган ёзги таътил вақтида Душанбегга келиб, редакция-

да икки ой ишлаб берасиз. Шу вақтда биз бир-икки кишини отпусмага чиқарамиз. Маъкулми?

— Маъкул.

— Хайр, саломат бўлингиз.

Икки кундан кейин Амак билан Абдулфориҳни поездга кузатиб қўйдик. Шундан кейинги уч-тўрт кун югур-югур билан ўтди: ишхоналаримда ҳужжатларимни расмийлаштирдим, ҳисоб-китоб қилдим, ёр-биродар, таниш-билишлар билан хайрлашдим.

1-нчи октябрь куни мени вокзалга Абдулҳай кузатиб чиқди. Уким анчагина: иккита чамадон, уч-тўртта тугун — тўй саруполарини тахт қилиб кетялман.

Перронда, вокзал биноси тагидаги скамейкалардан бирида тиқин гулдор хуржунини ёнига, ғилофдаги панжторини тиззасига қўйиб ўтирган Ака Шарифни дарҳол танидим-да, унинг қаршисига келиб, салом бердим. Устида олача тўн, бошида гилам дўппи, оёғида янги этик, ўрта ёшдаги, озғингина хушмўйлов — Ака Шариф билан иссиқ кўришиб, танишдик.

Биринчи изда турган поезднинг бешинчи вағони томонга юрдик. Барака топкур Абдулҳай югуриб-елиб, юкларимизни чиқаришиб берди. Перронда занг жаранглади. Паровоз чинқириғи қулоқларни қоматга келтирди. Абдулҳай мен билан кучоқлашиб хайрлашаркан:

— Телеграм беринг, тўйингизга албатта бораман,— дер, кўзлари ёшга тўлиб, мўлтиллаганча термуларди.

Ниҳоят, поезд жилди...

Вағонда одам сийрак. Тўрт кишилик купеда Ака Шариф иккимиз. Юкларни жойлаб, эркин тин олиб, бемалол ўтирибмиз. Даричадан барглари сарғая бошлаган мирза тераклар, ям-яшил яйловлар, ҳов... олисларда, Варзоб юқорисида чўққисини оппоқ қор қоплаган тоғлар кўринади.

Ака Шариф хуржунининг бир кўзидан тугун чиқариб, уни онади-да, Тўйчи ҳофизга совғага олиб бораётган пайпоғини менга узатади:

— Кўринг-чи, устозга маъкул бўлармикин?.. Катта-кичиклиги қалай? Устознинг оёқларини калон деб эшитиб, пайпоқни калон тўқитдирдим.

Ангор эчкисининг майин жунидан эшилиб, турли ранглар берилган иплардан тўқилган пайпоқ аслида мен шу кунгача кўрган пайпоқларга асло ўхшамасди. Новча одамнинг тоғонидан сонигача тортиб кийса бўладиган бу иссиқ кийим менга санъат мўъжизасидай туюлди.

— Тўйчи ҳофиз хурсанд бўладилар, ака Шариф!— мен пайпоқни даричадан мўлгина тушиб турган кун нурига тутиб, ёркин товланишини томоша қилдим.— Дарвоз чеварларининг қўли гул экан!.. Албатта, бундай истеъдодли халқнинг музика санъати ҳам бетакрор бўлади. Сизнинг кўшиқларингизни эшитганман, устоз! Айниқса, «Ўсмаш намеҳон». Битта пластинкага битта қўй беришармиш, ростми?

Ака Шариф менинг содда саволимдан кулди-да, панжторини ғилофидан чиқариб, дарангла-тиб созлай бошлар экан:

— Помир наволарини севсангиз, ҳозир ижро этамиз,— деди.

Битта созда бутун бир оркестр куй жилваларини жам этиш мумкин десам, «бу муболаға» дейишингиз мумкин. Аммо, битта рояль ёки битта скрипкада бутун бир олам ҳис-туйғулар: шодликлар, қайғулар, муҳаббат, ҳижрон, умуминсоний фожиалар, нурли орзулар, ҳаёт драмалари ифода этилиши мумкин-ку! Ўзбекнинг танбури, тожикнинг панжтори ҳам шундай қудратга эга созлардандир.

Ака Шариф панжторини черта бошлади. Йўқ, у ўз созини эмас, менинг муштоқ дилимни чертди. Бармоғидаги охуннинг нозик зарбларидан нозик ва сеҳрли тоғ навоси равон таралди. Кейин, у аста куйлай бошлади:

**«Ўсма қўйма, гўзал,
Гўзаллик азал
Она табиатдан,
Мангу ҳилқатдан...
Ўсма қўйма, гўзал!»**

Биргина танбурда ва биргина ҳофиз овозида ишқ симфонияси таралади... Ҳофиз ўзини буткул унутган: у куйлайди, ўйлайди, гўё севгидан, вафодан дарс ўқийди. Мен эса, унинг такрорланмас навосини тинглар эканман, икки кундан кейин кўрадиган икки азиз кишимни: онамни ва ... мунис кўзлар соҳибасини ўйлайман...

ЧАЛА ХОТИМА

Мен ёшлик ҳикоясини шу ерда тўхтатаман.

Ака Шарифнинг Тўйчи Ҳофиз билан учрашуви, менинг тўйим, шундан кейин бошланган ва эллик йил давом этган мураккаб ҳаёт ва ниҳоят, Олтин тўй қиссасини эҳтимол, кейин шошмасдан, бобма-боб ёзарман. Фақат бир воқеани, тўйимиздан кейин орадан кўп йиллар ўтгач Парижнинг сокин кечасида Монпарнас хиёбони бўйлаб сайр этар эканмиз, эр-хотиннинг фалсафий бир мавзудаги содда суҳбатини қуйида келтириш билан кифояланаман.

ПАРИЖ, МОВИЙ ТУН. ХОТИРАЛАР...

«Гранд Опера»да «Фауст» спектакли тугагач, меҳмонхонага пиёда боришга қарор бердик. Икки киши — Манзура ва мен туристлар тўдасидан орқароқда қолиб, такрорланмас буюк музика таъсирида сердарахт хиёбондаги қипқизил гулзорлар бўйлаб борар эканмиз, мен ундан сўрайман:

— Опера ёқдимми?

— Ҳали ўзимга келолмаяпман,— дейди Манзура.— Инсон фожиаси нақадар даҳшатли!.. — Тўғри айтасиз,— мен бу фикрга қўшиламан.— Ҳар бир инсоннинг ҳаёти, аслида, каттамикчикми, ҳарқалай қандайдир фожа...

— Сиз ҳаётингиздан рози эмасмисиз?— Манзура бошини елкамга қўйиб ранжиган бир оҳангда сўрайди.— Мана, Париж... Буюк санъаткорлар ижросида энг буюк операни эшитиш бизга насиб бўлди. Лувр, Версаль музейларидаги, Ватикандаги доҳиёна асарларни томоша қилдик. Булар бахт эмасми?

— Бахт...— мен унинг фикрига қўшиламан.— Лекин мен инсоннинг ҳаёти давомида, яъни умрбод саодатманд бўлиши ҳақида ўйлаяпман. Инсонда маънавий қониқмаслик туйғуси ҳаётнинг, жамиятнинг номукамаллигидан бўлса керак. Леонардо да Винчи, Рафаэль, Рембранд ва бошқа улуғ санъаткорлар чизган портретларнинг биронтасида хоҳ шоҳ, хоҳ гадо — одамлар чеҳрасида шодлик кўрмадим, юзларда, кўзларда ўй, тафаккур, мунг, хаёл... Бугунги опера музикаси ҳам — сўнгсиз башарий можаролар ифодаси. Шундай эмасми?

— Шундай!...— у бир оз ўйланиб тургач, файласуфона бир фикрни айтди.— Ҳаёт тарозусининг бир палласига қувончлар, иккинчи палласига қайғулар қўйиб тортилса, баробар келса керак.

— Билмадим,— бундай фикр мени ўйлатиб қўйди.— Агар сиз билан биз шунча йиллар давомида бошимиздан кечирган кулфатлар, айрилиқлар, бетинчликлар, маҳрумликлар, уйимизда ўтказилган тинтувлар, яна кўп хавотирли кечалар ва серташвиш кунлар, уруш йилларида чеккан изтиробларимиз; қанчадан-қанча яқин кишиларимизнинг ачиқ тақдири, икки фарзандимиздан жудо бўлганимизда тортган кулфатларимиз юкини ҳаёт тарозисининг бир палласига қўйсақ, бу зил юкнинг иккинчи палладаги умр давомида бизга насиб этган озгина севинчларни зарб билан босиб, чархпалак қилиб юбормасмикин?

— «Ҳасан қайғи» бўлиб қолибсиз!— Манзура хохлоб кулиб юборди.— Юринг, анави кафега кирамиз. Қаранг, негрлар ансамбли чалаяпти!.. Худди бизнинг тўйимиздаги музикага ўхшайди... Биз йўл бўйидаги ойнаванд кафега кирдик.

Кенггина тўртбурчак зал бўм-бўш. Чеккадаги бир стол атрофида бир чол билан ёшроқ йигит суҳбатлашиб ўтиришибди. Бурчакдаги мўъжазгина саҳнада тўрт негр созанда; барабанчи, саксафончи, кларнетчи ва чап қўлида шақилдоқ чалаётган новча йигит Африканинг аллақандай зарбдор шўх таронасини ижро этмоқдалар.

Биз бўш столлардан бирини эгалладик.

«Бизнинг тўйимиздаги музика...»

Ҳа, ҳа, ёдимга тушди.

Ушанда, 1938 йил 3 октябрда «Сталинобод — Москва» поезддан Тошкент вокзалига тушганимиздан кейин, Ака Шариф иккимиз юкларимиз билан таксига чиқдик. «Эмка» деган, қўнғизга ўхшаш қора машина бўларди — такси. Аввал бизнинг уйимизга келдик — онамнинг қувончини таърифлашга қалам ожиз. Кейин, Амакнинг уйига бордик. Амак билан Ака Шариф дарҳол тил топишиб, қирқ йиллик қадрдонлардай, бир-бирларига боғланиб қолишди.

Тўртинчи октябрда Манзура Тўхтаон исмли дугонаси билан, мен Абдулфорих билан — тўртовлон Горький боғига бордик. Кафеда биттадан музқаймоқ еган, мен уларни шу яқиндаги Горький номли Рус драма театрига таклиф қилдим. «Анна Каренина» спектаклини кўрдик. Манзура хун бўлиб йиғлади...

Бешинчи октябрда мен ваъдага биноан, Ака Шарифни устоз мулла Тўйчи ҳофизнинг Навза мавзеидаги боғига бошлаб бордим. Икки буюк ҳофизнинг кўришганини, жўр бўлиб қуйлашганини мен ўша кун оқшом ёзган «Дарвоз пайпоғи» шеъримда соддагина тасвирлаганман:

—Бодга даво,— деди Дарвоз —

Пайпоғини узатаркан:

Кўзига ёш олди устоз

Бу санъатни кузатаркан;

Кийиб кўрди — худди ўзи,

Оёғига кирди бир жон,

Табассумга тўлди юзи.

Меҳмонини қучди мезбон —

Мулла Тўйчи ота шу он.

Қувноқ илҳом тўлди дилга,

Дуторини олди қўлга,

Панжторга соз этди секин,

Туташганда икки нафас,

Жўр овоздан ойдин боғ маст,

Ором олар эди сокин...

Олтинчи октябрда тўйимиз бўлди. Тўй музикасиз ўтмайди-ку, ахир! Ака Шариф истисно — устоз менинг меҳмоним. У киши хизматга тайёр. Лекин, уч-тўрт созанда, навозандалар бўлмаса тўй тўй бўладими?

Саъдулла ака деган музикачи (ҳа, созанда эмас, музикачи) қўшним эсимга тушди. Саъдулла ака марҳум дадамдан кларнет чалишни ўрганганини унинг оғзидан эшитганман. Дарҳол онамдан суриштирдим. Саъдулла ака Бешёғочдаги нон заводида ҳаваскор нонвойлардан духовой оркестр тўзиб, эндиликда бутун даҳага донги кетган шу оркестрда ҳам кларнетчи, ҳам дирижёр эмиш!

«Ол кулими» деворса, одамнинг иши юришиб кетиши ҳеч гапмас. Қўшнимникига кирсам, Саъдулла ака айвонида бир ўзи кларнетини пуфлаб, машқ қилиб ўтирган экан. Мен унга эртага тўйим бўлаётганини, уни чин юракдан таклиф қилишимни ва оркестри билан бирга хизмат қилишидан умидворлигимни айтишим билан у чапаевнамо хушмўйловларини буради-да:

— Уттизта музикачи кўплик қилмасмикин?— деб сўради.

— Кўплик қилмайди!— дедим ишонч билан.— Тўй умрда бир марта бўладиган шодиёна.

— Офарин!— деди Саъдулла ака кўзлари муғомбирона кулиб.— Эртага соат бешда ҳовлингизда бўламиз.

У сўзининг устидан чиқди: эртасига, яъни олтинчи октябр кўни соат бешда нон заводининг

борти узун катта юк машинасидан ўттиз нафар музикачи барабанлари, трубалари, баслари, кларнетлари, яна аллақандай баҳайбат асбоблари билан тушдилар-да, ховлига кирибоқ, оламни ларзага солувчи ғат-ғутларини бошлаб юбордилар.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас мен, яъни куёвўтра ва менинг ўн олтита дўст-ақраболарим, буларнинг ичида содиқлардан Туроб Тўла, Шухрат, Рамз Бобожон, Неъмат Тошпўлат, мени бир йил аввал комсомолдан ўчиртирган хонлардан Мирвоҳид Мақсудов ва яна бир неча юзи қоралар; муҳтарам домлам Николай Трофимович Бенедиктов, хуллас ҳаммамиз — ўн саккиз киши ва олдимизда — ўттизта музикачидан иборат оркестр.

Аввал Ҳаёт номи тор кўчамиздан чиқдик. Кейин, Олмазор кўчаси билан бордик ва Навоий кўчаси бўйлаб, Баланд Масжиддан Шайхонтоҳур томонга, Тарновбоши маҳалласига кирдик. Саъдулла аканинг духовой оркестри тинимсиз янграйди. Томларда болалар тўлиб кетган, йўлчаларда, трамвай бекатларида тўда-тўда одамлар ҳайрон: байрамгача ҳали бир ою бир кун бор... Биз эса, кўча ўртасидан оркестрни варанглашиб, шод-хуррам қадам ташлаб боряпмиз!

Манзура Париз хиббонидаги кафедра негрлар оркестри янграётганини эшитиб, «бизнинг тўйимиздаги музикага ўхшайди», деганида Саъдулла аканинг нонвой созандаларини назарда тутгани шубҳасиз.

... Негрлар оркестри ҳамон янграб, қулоқни қоматга келтиради. Биз кофе, шарбат ичиб, бир-биримизга термулишамиз. Умрнинг узун йўлини, бошимиздан кечган савдоларни, айрилиқларни, кўришувларни, яна айрилиқларни эслаймиз.

Мен яна дунёнинг норасолигидан сўз бошлайман. Манзура эса, менинг сўзимни бўлиб:

— Бахтли ҳаёт нима?— деб савол беради.

Мен унга:

— Вафонинг узун йўли,— деб жавоб қайтараман.

Негрлар оркестри ҳамон янграйди. Монпарнас хиббонида фонарлар хира шуъла сочади. Биз бир-биримизга маъюс термуламиз...

Ўшанда, 1938 йилнинг 6 октябрида, кечаси, тўйга келган дўстлар тарқалиб кетишгандан кейин мен Манзуранинг: «Бахтли ҳаёт нима?» деган саволига «Вафонинг узун йўли», деб жавоб қайтарган бўлсам ҳам, миллион қақиримлик бу йўлнинг ҳали бир қақиримини ҳам биргаликда, ёнма-ён, қадам-бақадам босиб ўтмаганимиз учун мунис кўзлар соҳибасининг менинг мубҳам саволимдан кўнгли тўлмаган бўлиши шубҳасиз. Гарчанд мен бир йил давомида ёзган, ичига севгилимга муҳаббатимни яширган мактубларимни онамга фақат унинг ўзи ўқиб бериб турган, ёлғизлик, ҳижрон, мусофирлик эзиб ташлаган жоним изтиробларини зим-зимдан пайқаб юрган бўлса ҳам, ҳарқалай мен унга энг ширин, энг эзгу, энг чуқур кўнгил сирларини айта билмаганман...

Келиб-келиб, бу кеча бизга Саъдулла кларнетчининг хотини Солиҳа келиноий янғалик қилди. У онамнинг келин-куёв учун ясатилган уйига аввал Манзурани олиб кириб кетди, унга нималарни тайинлаганини, не ақл ўргатганини билмайман. Мен айвонда ёлғиз турганча тўйхонадан чиқиб кетаётган музикачиларни, стол-стуллари йиғиштираётган қўшнилари, дастурхондаги қолган-қутган ноз-неъматларни талашиб-тортишиб кетаётган болаларни кузатаман. Боя ҳовлидан эркаклар билан бирга чиқиб кетган Фозил нечундир яна пайдо бўлди-да, бўш шишларни кўздан кечира бошлади... Бошқа жиҳатдан унинг кўнгли тўк: боя, тўй айни авжга минганде шоир Неъмат Тошпўлат «Сталин — отам» сарлавҳали шеърини овозининг баланд пардасидан кўтариб ўқиган, ҳатто эшакларнинг ҳанграшига ҳам қулоғи кўниккан тоғли ҳофиз Ака Шариф: «бажо!» деб чапак чалиб юборган эди. Фозил Неъматни қаттиқ кучоқлаб, анча маҳалгача бағридан чиқармади, иккови стаканларни уриб, синдириб роса ичишди...

Ниҳоят, Фозил ҳам шишаларни ялай-ялай, гандираклаганича ҳовлидан чиқиб кетди...

Ёнимда пайдо бўлган Солиҳа келиноий кўзлари муғомбирона жулимсираб, уйнинг қия очик эшигига ишора қилди:

— Кириш! Фақат бугун — танишув кечаси. Сўхбатлашиб ўтиришлар...

У шундай деди-да, айвоннинг зинапоясидан липиллаб тушиб, чароғон ҳовлини кесиб ўтгач, Содиқа аммамиз бошлиқ қариндош-уруғлар, Манзуранинг ўғай онаси Лутфи опа ва уч-тўрт дугонаси жам бўлишган хонага кириб кетди.

Қўлимдаги соатга қарадим: икки ярим, юрагимнинг дуқиллаб уришини ўзим ҳам эшитиб турибман.

Оёқларим учига омонатгина кирдим чамамда...

На чимилдик тортилган, на тўшак ёзилган. Кафшандоздан юқорироқда, қизил пояндоз устида паст пошналик амиркон туфлида, атлас кўйлақда, бошига оқ ғижим рўмол ташлаган Манзура кулиб турибди.

— Тўй чўзилиб кетди,— дедим мен ўнг биллагидан беозоргина ушлаб.— Айниқса, нонвой музикачиларнинг шунақа ҳам жазаваси тутдики!..

Манзура юмшоқкина ҳингиллаб кулди:

— Ака Шарифнинг овозлари зўр экан!

Мен ёримнинг белидан секингина тортиб, қизил гилам устида ясатуғлик хонтахта ёнига олиб бордим.

— Утириш, жоним.

Кўрпачага ёнма-ён ўтиришдик.

Битта қизил олмани иккига бўлиб, бир бўлагини унга тутдим:

— Олинг, чанқагандирсиз.

Иккимиз олмани бир дақиқада баробар курсиллатиб тишладик-да, дил-дилдан кулиб юбордик. — Шундай дақиқаларда одам эзгу орзуларини айтади.— Мен фариштаннинг елкасига беозоргина қўл ташлаб, қўлидаги олмадан ҳам тиникроқ юзидан ўпдим.— Сизнинг қандай орзуларингиз бор?

— Ягона орзум...— У олмани дастурхон устига қўйиб, менга нимандиша, нимтабассум

билан мунис тикилди.— Менга ҳеч нарса керакмас... Ягона орзум — бевафолик қилмасангиз бас!..

Мен унга ваъда бердим.

Ҳаётим давомида кўрган бахтим, шодликларим, фарзандларим, давлату шавкатим, эътибору ҳурматим — ҳаммаси менинг ўз ваъдамга вафо қилганлигимдан.

Аммо, неки бахтсизлик, кулфатлар бошимга тушган бўлса, жудоликлар, аламлар, ҳурматсизликлар кўрган, қоқилган, чақилган бўлсам энг яқин кишимга берган сўзимга вафо қилмаганимдан деб биламан...

* * *

...Негрлар оркестрининг овози тинди. Монпарнас фонарлари бирин-кетин ўча бошлади.

Парижнинг мовий тунида қора ранглар қуюқлаша бошлади.

Биз кафедран ҳаммадан кейин чиқиб, икки томонида гуллар яшнаган кенг йўлқадан меҳмонхонамиз томонга аста юриб борамиз.

Манзуранинг боши чап елкамда. У индамайди. Мен ҳам индамайман.

Бегона шахар кўкида митти юлдузлар жимирлайди...



Акс садо

«ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ» ҲАҚИДА

Аввало шуни айтишим керакки, менинг энг севимли журналларимдан бири — «Шарқ юлдузи»дир. Мен унинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман.

Энди гапнинг индоллосига ўтайлик. Тўғриси айтсам, мен ҳар қандай асарни ўқийверадиган одам эмасман. Ҳамма қатори мен ҳам саралаб мутолаа қиламан. Журналингизнинг 1988 йил 11-сонидаги ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг ҳикоялари диққатимни ўзига жалб этди. «Ҳайкал» ҳам, «Хоразм, жонгинам» ҳам, «Йиғи» ҳам, «Ҳукумат» ҳам, «Ўзбек характери» ҳам. Ҳаммаси! Чунки, ҳикоялар ҳаётгӣ. Бугунги кун дардига ҳамдард, бугуннинг муаммоларига ўз муносабатини билдирган. Зеро, бугунги ошкоралик даврида ҳамма гап очиқ айтилмоқда. Сталин ҳақида ҳам, давлатимиз ҳақида ҳам, поражўрлик ва қолоқлик ҳақида ҳам, тил ва экология ҳақида ҳам. Орол ва Афғонистон ҳақидаги гаплар ҳам ҳаётгӣ. Лекин мени ҳаммасидан ҳам ўзига жалб этган ҳикоя — «Ўзбек характери».

Ҳўш, сиздан биров «Ўзбекнинг характери қанақа, қандай халқ ўзи?» деб сўраб қолса нима деб жавоб берардингиз?

Биламан, ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Аммо акарияти ўзбекларнинг меҳнатсевар ва меҳмондўстлигига бориб тақалади. Ваҳоланки, меҳнатсеварлик ва меҳмондўстликнинг ўзи бўлмайди. Бу ниҳоятда оғир. Бу хислатларга эришиш учун кўп имкониятларни бой беришингизга тўғри келади.

Ш. Холмирзаев ўзбек характерининг бир қиррасинигина тасвирлаган, холос. Аммо, шундай бўлса ҳам қолган характер хусусиятларини англаб олиш қийин эмас. Ҳикояда колхоз ҳаёти берилган. Студентларнинг пахта йиғим-теримига бориши. Одатда пахта йиғим-теримига аҳоли кам, дала-лар кўп жойларга олиб борилади. Уша ердаги одамларнинг меҳрибонлиги, меҳнатсеварлиги, соддалиги кишини ҳайратга солади. Қишлоқ одамлари негадир салобатли ва буюк бўлиб кўринадилар. Мен ўзимни Эргашвой образига тасаввур қилиб кўрдим (Студентлик бошдан ўтган). Ёшлар характери ҳам бир сидра асарда очиқ берилган. Асарнинг тили ўқилиш ва таъсирли. Тўғриси айтсам, ўзбек характерини тасвирлаш қийин. Бу ишни уйдалаган Ш. Холмирзаевга раҳмат! Сўзимни ҳикоядан нарча келтириш билан яқунлайман: «Ҳўш, бу ерда нимани кўрдинг, нима хулосага келдинг деб сўрарсиз? Мен бу ерда оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглигини, тўпорилигини кўрдим. Ишонасизми, автобусга ўтирганимдан кейин совуқ ойнадан лайлакқорга қараб йиғлар эдим: ана шу ўзбекларнинг бағри кенлиги учун, не-не қийинчиликларга, фақирликка қарамай феъли тор бўлмагани, ажиб-афсонавий меҳмондўстлиги инстинкт каби мавжуд қолгани учун... ичимда ич-ичимдан қувониб йиғлардим».

Кўп йиллардан бери бундай ҳикоя ўқимаган эдим. Бу ҳикоя менинг энг яқин дўстимга айланб қолди. Зеро, бу ҳикоя энди Ш. Холмирзаевники эмас — меники, бизники... ХАЛҚНИКИ!

Ҳикоя шавқ билан ўқилади. Адабиётимизни бу ҳикоя билан табрикласак арзийди.

Тоҳир РУЗИБОЕВ,
ҚҚАССР, Тўрткўл район, «Коминтерн» ўрта
мактаби, тил ва адабиёт ўқитувчиси



ЮЛДУЗЛАРДАЙ СОЧИЛАР ХАЁЛ...

Назира Йўлдошева

Василий Шукшин

Степан Разин ролига кириш

Роль яратиш бундай эмас, жўралар,
Шошманг, ахир, сипо бўлмаган Разин.
«Олампаноҳ»ни у сўккан бўралаб,
Кўксида Русия куйларкан ҳазин.

Менинг Русим дея ҳар икки гапда
Кўкрагига урса ўз тахтида шоҳ,
Бахтсизларни кўриб у тўрт тарафда,
Ўлимдан кўрқишни санаган гуноҳ.

Эзилган, хўрланган мужиклар учун
Кўлга қилич олиб, деган қонга-қон.

Озодлик йўлида сарф этиб кучин,
Юзлаб шохдан кўпроқ қозонилган шон.

Гар ўйнар бўлсангиз Степанни сиз,
Суратга олинса қаттиқ, қонли жанг,
Имоним комилки, юрак қилмас жиз,
Яхшиси, бу ишга кўл ура кўрманг.

У шундай қудратли, шу қадар кучли,
Жисми унинг бўлган метиндан, тошдан.
Кўкрагида ёнган қасосни, ўчни
Ҳеч ким ўйнай олмас ўзидан бошқа!..

* * *

Сизга-ку кун ора ёзганман хатлар,
Қалбим қутисига юрганман ташлаб.
Қурганман ғойибдан минг бор суҳбатлар,
Йўлга термулганман кўзимни ёшлаб.

Фақат само қадар олис эди йўл,
Хатларим, овозим боролмас етиб.

Кунга талпингандай, чўзганимча кўл,
Сизнинг томонларга борардим кетиб...

Қандай топай бундан ўзга чорани,
Не деб алдай, ахир ўзимни ўзим?
Йиллар узайтирса икки орани,
Масофалар бўлса умримдан узун!

Чечаклар

(Кўшиқ)

Чечаклар!
Келдингиз дунёга лаҳзалик бўлиб,
Менинг юрагимдай навога тўлиб,
Куйлангиз, куйлангиз қолмасдан сўлиб,
Қирда олов бўлиб ёнган чечаклар.

Фасллик умр-ла сиз жуда бахтли,
Беҳуда ўтказа олмайсиз вақтни,
Сиздадир кўкламнинг шиддати-шахти,
Баҳор ёмғиридан қонган чечаклар.

Яшаб чарчадим, деб йиғлайди тоғлар,
Ёлғизликдан оининг кўксида доғлар,
Сиз ҳар дақиқани маҳкам кучоқлаб,
Севасиз ҳаётни жондан, чечаклар.

Менинг ҳам сизларга ўхшагим келди,
Куйлай-куйлай бирдан тўхтагим келди,
Умрни баҳор-ла ўлчагим келди,
Яралгансиз сиз исёндан, чечаклар.

Саратондан сўров

Далаларнинг лаблари эмас,
Юзлари ҳам қақраб ёрилди.
Кўзлар гувоҳ — улар гапирмас,
Шўрхоқ, тузга бағри қорилди.
Тафтларингдан сарғайди ғўза,—
У деҳқоннинг боласи, ишон.

Туш кўраман: сув тўла кўза —
Боласини суғорар деҳқон.
Кўзадаги оддий сув эмас,
Тўлғазилган манглай теридан.
Табиат сув бермай кўйди, бас,
Инсоф берсин сенга, саратон...

Шодмон Жўраев

Гоҳида бор эди, гоҳи эса кам,—
Ҳаёт бизга шуни кўрган эди эп,—
Нонимиз тақсимлаб берарди отам,
Каттаси кичигин алдамасин, деб.

Бугун, глобусни олдимга суриб
Дунё — оила, деб назар соламан:
Борлару йўқларнинг фарқини кўриб,
Нечундир отамни қўмсаб қоламан...

Одамлар, одамлар, эҳ, сиз одамлар,
Андишани қўйиб дилнинг четига,
Йўлингизда нопок учраган дамлар,
Нега тупурмайсиз унинг бетига?

Гоҳ нопок олдида тилимиз калта,
Қилмиши солса ҳам юракка қадар...
Ҳар инсон пок бўлса дейман албатта,
Нопокнинг бетига тупурмок қадар!

Қўрғонтепа.

Бибисора Туробова

Сиз ўзга оламдасиз

Сиз ўзга бир оламдасиз,
Етолмай доғдаман мен,
Илинжимни ақал шеърда
Битолмай доғдаман мен.

Гоҳ куйдириб, гоҳ тўйдириб
Ўтиб борар бу кунлар,
Ёнингиздан бир бор яйраб
Ўтолмай доғдаман мен.

Сизни десам кўзим гирён,
Орзуларим қанотсиз,

Хаёлларим кўнимсиздир,
Тутолмай доғдаман мен.

Кўриб қолсам қорангизни
Дармон кетгай оёқдан,
Иложим йўқ, бирор умид
Қутолмай доғдаман мен.

Бир кун баҳор, бир кун қишсиз,
Мен сарғайдим куз каби,
Ё қололмай, ё дил узиб
Кетолмай доғдаман мен.

Тундай қаро сочларингизга
Қорлар ёғди, не ғамдан, бегим?
Ҳали кузга узоқ бўлса ҳам
Оқ кўпаяр кам-камдан, бегим.

Мен-ку сизсиз ўтган ҳар кунни
Йиллар билан тенглаб толаман.

Сиз фаҳмига етмайсиз бунни,
Оқлар недан, ҳайрон қоламан?!

Идрокимнинг етмайди кучи,
Қарай десам қамашар кўзим.
Балки сизга бу тақдир ўчи,
Оқартирган балки мен, ўзим?

Меҳру қаҳр аралаш суйиб,
Тўлқинларга тош босган дамлар,
Ҳеч ким куймас оташда куйиб,
Ўзни ношуд, хор сезган дамлар,

Кўпайгандир сездирмай бизга,
Дил санчмаса сезмайди одам.
Қорлар ёғса етмай қиш, кузга,
Бу севгининг ҳосияти кам.

Бекингани яхши бу севги,
Кўнгилларнинг туб-тубига жим.
Кўмилгани яхши бу севги,
Қабрини ҳам кўрмасин ҳеч ким...

Тундай қаро сочларингизга
Қорлар ёғди, не ғамдан, бегим!

Самарқанд.

Холийла Давлетназаров

Овул тонги

Тонг кушлари сайроқ бунчалар!
Осмон ҳиди ётаркан анқиб,
Ҳордиқ олар замин муштипар,
Самода ой кезади қалқиб.

Бўзармоқда машриқ — бир гўзал!
Шафақларга кўзгу деразам.
Ёш юлғунлар, қорабарақлар
Гузар йўлнинг бўйин безаган.

Саватини судраганча ой
Оқ сўқмоқдан тушар ер сари.

Ҳижрондаги ошиқ кўзидай
Сўнаётир юлдузлар бари.

Қуёш нури ёйилар кўкка.
Қалдирғочлар вижирлаб учар.
Қадалади осмон бағрига
Тандирлардан учган тутунлар.

Ой — энг гўзал қизи самонинг —
Ўтирибди зувала ёйиб.
Сочларини силасам унинг
Кетар эдим ҳаммадан бойиб!..

* * *

Булбул кўнсин гулнинг шохига,
Иқбол кўнсин элнинг бошига,
Ҳеч кимсанинг пешонасига
Ёзилмасин асло —
Елғизлик!

Қарғиш олганларга ярашсин,
Орсиз қолганларга ярашсин,
Барча сотқинларга ярашсин —
Елғизлик!

Тўйда қизлар ўйнайди

Тангачалар жаранг сас берар,
Бурмалари белни кучади.
Қизлар силлиққанот оққувнинг
Худди ўзи бўлиб учади.

Бир табассум қилса жилвагар —
Чалингандай гўзал куй янгроқ,
Кўнғироқдай кулгуларига
Тўлиб кетар бор овул-аймоқ.

Кулса — занжирларни узгандай,
Жўшдиради диллар сурурин,
Оққан лойқа сувни тиндирар,
Қайтаради қуёшнинг нурин,
Туйғуларинг эриб кетади,
Гуё чақмоқ мўлжаллагандай.
...Шоҳ ҳам, кул ҳам тизин букади
Тангачалар жаранглаганда!..

Нукус.

Қорақалпоқчадан **Мансур АҲМЕДОВ**
таржималари

Қушчага

Юксакдан заминга термилар бир қуш,—
Эрмак деб биларми боқиб турмоқни?
Назар солмоқдами ёки беписанд,
Ё ҳавас қилдими ерда юрмоқни?

Узоқ туриб қолдинг, недир сабаби,
Ҳар қалай ҳайратда қолганинг ростми?
Яшаш истайсанми одамлар каби,
Ёки сеники ҳам оддий ҳавасми?

Самода муаллақ тургандан кўра,
Кел, сен шу тупроқда кезгил, ҳой қушча.
Замин паноҳлигин унутма сира,
Тупроқ — муқаддасдир, сезгил, ҳой қушча!

Деҳқонобод

Матлуба Аҳмедова

Ярим қадам...

Ярим қадам нарида у,
Қўлин чўзса, етади.
Йўлларини тўсар номус,
Чекинади, кетади.

Ярим қадам беригаги
Фидойидир, ошиқдир.

Гоҳо мунгли, гоҳо серавж,
Бир армонли кўшиқдир.

Кунлар ўтар, йиллар ўтар,
Бу дил занги кетмайди.
Энг бахтиёр онга эса
Ярим қадам етмайди.

* * *

Айт, ҳаёт, гуноҳга ботганим ростдир,
Ростдир чизиғингни кесиб ўтганим.
Далли дарёлардек безовта тошиб,
Рост, ишқ саҳросидан қуруқ қайтганим.

Узукка тушгудай кўзни излайман.
Ўзимни излайман, уни излайман.

Ҳар бир дақиқамни сеҳрлагувчи
Меҳрни излайман, сўзни излайман.

Топганим, топганим — томчи бўлмайди,
Билолмам, бу кўнгил нечун тўлмайди.
Кечани кундузга улайман ёниб,
Фарёд чекадию юрак, ўлмайди.

Фарғона

Назира Азимова

* * *

Совуқ томчилардан дилдираб кўкси,
Уноғи ер қадар эгилган лола.
У — сенинг ўтмишинг, умрингдан ўксиб,
Май куйиб сипқорган сўнги пиёланг.

Бахтми қайта-қайта йўқотсанг уни,
Энди тополмайсан зардоблар ютиб.
Умид-ла улайсан кун билан тунни,
Қайтиб келмайдиган баҳоринг кутиб.

Ёзиқ сочларимга томчилар ёшинг,
Фарёдинг осмоннинг кўксин ёради.
Ёлборай, булутлар, тўсманг қуёшни,
Вужудим карахтдай, музлаб боради.

Шамоллар булутнинг чок-чокин сўқар,
Шамоллар тўзғитар бардошларингни.
Сўнги пушаймонинг — ёмғирлар қадар,
Кечирмам кечиккан кўз ёшларингни.

Япроқни аёвсиз қамчилар ёмғир,
Сенинг кўзларингдан тўкилади ёш.
Энди умидингни узгину охир,
Энди юрагингга тилайвер бардош...

Сонет

Олмос чўққиларга таратиб ёғду,
Юрагимдай ёнар кўёш нурланиб.
Кеч кирар кўнглимга солганча ғулу,
Хаёлинг тушимга кетар уланиб.

...Қўймоқчи бўламан изларингга бош,
Аста ёлвораман қўлларим чўзиб,
Кўзларингни қоплаб ҳалқа-ҳалқа ёш,
Кетгандай бўласан қалбимни узиб.

Минг бир хил товланар осмон ҳам, ана,
Қушлар учиб ўтар арғимчоқ солиб.
Руҳимда маъюслик сенингсиз яна,
Кузатиб қоламан кўзга ёш олиб.

Мен сени ўйлайман, азизим, бироқ —
Қалбимдай яқинсан, юлдуздай йироқ.

Фаргона.

Ҳамид Жалил

Оппок қўшиқ

Абдулла Қодирий хотирасига

Фунчалар бағрида мудрарди пинҳон
Ҳали юз очмаган олма гуллари.
Мудроқ салтанатда кўтариб исён
Оппок қўшиқ бўлиб бодом гуллади!

Биринчи бўлмоқлик ҳамиша оғир...
Биринчи бошида оғир савдолар,
Унинг ҳам кўксига эгилган бир-бир
Кўҳна заминдаги кўҳна ғавғолар...

Қайдандир ҳовлиқиб келган ул шамол
Турткилаб, итариб, силкитиб кўрди.

Зимдан тош отгувчи номардлар мисол
Осмон ҳам пичирлаб дўл уриб турди...

Сўнг, унинг устига ёпирилди тун,
Ғазаб-ла чақнади само кўзлари.
Қорли тоғ нафаси — сўнгги изғирин.
Исёнкор шохлардан таъзим истади...

Ниҳоят тонг отди. Муаттар бир тонг
Ҳайрат-ла чарақлар боғ узра кўёш:
Олам хуш бўйларга фарқ бўлса не тонг,
Гуллади ирода, гуллади бардош!!

Ойгул Маматова

Аёллар мақсади

Йигитларга

Йигитлар, сиз бизнинг таянч тоғимиз,
Қўлда гулингиздек нафисдирмиз, биз. —
Не-не душманлардан, қанча хоиндан
Шу гулнинг софлигин сақлаб қолдингиз.
Сиз бор-чун кўнглимиз тинч, осойишта,
Бу ҳаёт боғига экамиз ниҳол.
Сизлар боғимизнинг паноҳи доим,
Сизсиз бу боғларни ким этмас поймол?
Аёлмиз, орзумиз — тинч бўлсин жаҳон,
Бешиқлар ҳеч қачон қолмасин хувлаб.

Онамиз, қонли ёш оқмасин кўздан,
 Ҳовлида гўдаклар қолмасин чувлаб.
 Қорахат нелигин билмайман, аммо
 Азоб-изтиробин этоламан ҳис,
 Шунинг-чун ҳеч қачон уруш бўлмасин,
 Кўз ёшдан ҳўл бўлиб чўкмасин болиш.
 Бизларнинг жонимиз фидодир сизга
 Меҳнат — аламларга бердик ёшликни.
 Кўксингиз тафтини қўмсаб, юз қотди,
 Қайғуда унутдик қаламқошликни.
 Биз она заминда ҳаёт фидоси,
 Фалак айирмасин биздан қуёшни.
 Мақсад шу — сизларни жангда йўқотиб,
 Мармар тош устига қўймайлик бошни!..

Оқдарё.

Ойбек Раҳимов

Самолётда

Манзили бор отилган тошнинг,
 Мен ҳам манзилимга тикмоқдаман кўз.
 Юлдуз берган тафтдан эримас
 Сенга деб кўксимда қотиб қолган сўз.

Ушбу дамда кўкда туғилдим,
 Сен чорламасанг-да тушаман ерга.
 Кенг самога сиғмайди, ахир,
 Юракдаги оташ сиғмаса шеърга.

* * *

Юлдузлардай сочилар хаёл,
 Дарахтлар нур элар бошимга.
 Қадамимдан чўчиб сукунат,
 Шамолдай отилар қаршимга.

Тун кўзда ёш кўрмоқ истайди,
 Кўзёшга алишмам бардошни.
 Бахтли кунга атаб қўйганман,
 Муқаддас билганим кўз ёшни.

* * *

Кўшиқ янграйди, ёлворар узоқ
 Мени чорлайди ўз дунёсига:
 «Бўлсин у ғамлар, ташвишлар унут
 Йўлиққин бахтнинг хурлиқосига...»

Ошиқ юракда туғилар қўшиқ,
 Ахир, жўр бўлиш осонмас унга.
 Куй дунёсига етолсам эдим,
 Эртақлар бари айланиб ўнгга.


* * *

Аслида, юрак бир парча кўшиқ
 Куйлаб яшайман, ташнаман ишққа.
 Ҳар бир лаҳза ва ҳар қадам сайин
 Умрим айланади ғамгин кўшиққа...

* * *

Дарахт ўтқазिशди кўксимга менинг,
 Мен билиб-билмаган азиз одамлар.
 Шунда оғриқ пайдо бўлди кўксимда,—
 Бу оғриқ менимча бахт деб номланар.

Дарахт томир ёйди бутун танамга,
 Кўзимдан чиқишга излади имкон.
 Кейин, новдаларда бўртиб куртақлар,
 Усиб чикди ундан мурғак бир виждон.



Евгений Березиков

ТЕМУР ҒОРИ

Эссе

Овруполикларга Тимур ва Темурланг номи билан танилган Амир Темур 1336 йилнинг 19 апрелида Шахрисабз шаҳри яқинидаги Хўжайлғор қишлоғида, туркий барлос уруғида ўртаҳол Тарағай бек оиласида дунёга келган. Тарих саҳифаларида у Искандар Зулқарнайн, Ганнибал, Чингизхон, Наполеон Бонапарт, Крамвель Оливер... сингари жаҳонгирлар билан ёнма-ён туради.

Темур ҳақида замондошлари, олимлар ва адиблар кўп ёзишган. Мағрур ҳукмдорнинг ёнида узоқ йиллар йилномачи Мирза Шарафиддин Али Яздий бирга бўлди. Йилномачининг Темурнинг давлат арбоби ва инсон сифатидаги фазилатлари ҳамда унинг жанговар юришлари ҳақида ҳикоя қилувчи кенг кўламли асари бизгача етиб келган. Темурнинг Самарқанддаги саройида 1403—1407 йилларда элчилик қилган испаниялик Рюи Гонсалес де Клавихо унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. Клавихонинг бу асари «Кастилия ва Леон подшоҳи бўлмиш улуғ ва қудратли дон Генрих Учинчининг камери Рюи Гонсалес де Клавихо томонидан ҳазрати Темурлангнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг мулкидаги ва ҳукмрон йилларидаги жойлар ҳамда у қиролликдан ҳозирги Темурбек номи билан шуҳрат топган салтанатда элчилик даврида, яъни Исо пайғамбар таваллудининг 1405 йилидан бошлаб содир этилмиш воқеалар хусусида баённома» деб аталади.

Темурнинг ҳаёти ғарб ёзувчилари эътиборини ҳам тортган. Бундан уч аср муқаддам инглиз драматурги Кристофер Марло «Улуғ Темурланг» деган пьеса ёзган. Бу пьеса ҳамон Лондондаги қироллик театри саҳнасида тушмай, ҳозирга қадар муттасил муваффақият қозониб келмоқда. Темур ҳаётини ёритган адиблар орасида «Самарқанд осмонида юлдузлар» трилогиясини яратган Сергей Бородин алоҳида ўрин тутаети. Бу асар нафақат Иттифоқимизда, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам эътибор қозонган.

Бироқ Темурнинг адабий ҳаёти нечоғлик кўп ёритилмасин, унинг ҳали талай ишлари, ҳаётининг баъзи жиҳатлари тўла ўз аксини топганича йўқ. Ана шу жумбоқлардан бири Ҳисор тоғининг ғарбий тизмаларида ўрнашган ғор билан боғлиқдир. Худди шу ғор ҳақида ҳикоя қилишдан аввал, сиз муҳтарам ўқувчиларни саркарда ҳаётига доир айрим маълумотлар ва санъат намояндаларининг унинг фаолиятига берган баҳоси билан таништирмоқчи лозим топдим.

Темур ҳақида эсда сақланиб қоладиган, тўғрироғи, унинг жаҳонгир сифатидаги шафқатсизлигини рўйи-роста ошкор этадиган асар — бу рус мусаввири В. Верещагиннинг «Урушнинг интиҳоси» рангтавиридир. Мусаввир ҳажман унчалик йирик бўлмаган асарида урушнинг нақадар даҳшатли, ҳалокатли ва ғайринсонийлигини лўнда ифодалашга эришди. Бош суякларни уюмига қараб, (бу расмда уюмлар жуда кўп) томошабин одамлар тақдирининг фожиавийлигини яққолроқ ҳис қилади ва беихтиёр ўз-ўзига: «Одамларни бундайин қириб ташлашга фотиҳнинг қанақанги ҳуқуқи бор?» деган саволни бериши табиийдир.

Уруш ва ўлим — санъатнинг азалий ва мангу мавзуларидан. Қани энди ҳеч ким, ҳеч қачон — на бир ёзувчи, на бирор рассом инсониятнинг даҳшатли ихтироси бўлмиш — урушни айнан ўзидан кўчирмасал..

Темур забт этган, бўйсундирган мамлакатлар ва шаҳарларда фақатгина урушнинг ваҳшатия даҳшатининг хотира қилиб қолдирмаган, у Самарқанд ва Шахрисабзда, бутун бир Туркистонда ҳашаматли ва ажойиб, меъморлик жиҳатидан бетакрор саройлар қурилишига кўрсатмалар берди. Шу билан бирга у бир қатор ёзма ёдгорликлар ёзиб қолдирди, улар эса бизни ҳалигача ҳайратга солади. Айниқса, ўз давлати тузилиши хусусида баҳс юритувчи йирик «Темур тузуқлари» асари алоҳида ажралиб туради. Бу ҳужжатда Темур ҳокимиятини юқоридан то энг қуйигача қандай бошқариш ҳақидаги қарашларини умумлаштирди, давлат тузилиши тўғрисидаги таълимотнинг тамал тошини қўйди. Ўз ҳаётининг салкам ўттиз йилини юришларда ўтказган Темурнинг ҳарбий санъати ҳам муаррихлар учун катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. Маълумки, у саройда, хотинлари ва болалари билан икки-уч йил бирга яшаган. Ватанига эса ҳар гал бир неча ойгагина қайтиб келган.

Темур тинимсиз урушлар олиб бориб, йигирма олти катта ва кичик давлатни қўлга киритди. У Олтин Урда устидан ғалаба қозонди. Хоразм ва Бағдодни бўйсундирди, Сурияни ишғол этди, юз мингдан ортиқ аскар ва аҳолисини қириб Ҳиндистонни эгаллади. Унинг Ҳиндистонни босиб олишдан мақсади бу мамлакатнинг ғазнасини талаб, янада қақшатқич юришларга замин ҳозирлашдан иборат эди.

Темур, афтидан Рим кўмондони Юлий Цезарнинг қонун-қоидаларидан етарлича воқиф бўлган ҳамда улардан ниҳоятда устакорлик билан фойдаланган. Ҳиндистонда босиб олинган ғазнадан у ўз аскарларини янада яхшироқ қуроллантириши, уларга олдиндан моёна тўлаши мумкин эди. Бу пайтда унинг кўшинида деярли уч юз минг отлик, йигирма минг туя минган аскар ва жанговар филлар минган бўлинмаси бор эди.

Жахонгирнинг навбатдаги юриши турк султони Боязид билан бўлди. Султонга қарши тўрт юз минг отлик кўшини билан юриш қилди. Ҳарбий мутахассислар жангу жадални куйидагича тасвирлашади: «Темур минг тўрт юз иккинчи йилнинг ўн саккизинчи июнида, жума куни қароргоҳидан эрталаб чиқиб, кўшинларини жанговар сафга тизди. Кўшинларнинг жанговар тартиби — ўнг ва сўл қанот ҳамда марказда илғор кучлардан иборат эди. Олдинда ўттиз икки фил бир неча қаторга сафланди, уларга найзалар ва олов улоқтирадиган қуроллар берилди. Марказ охирига заҳира кучлар, лашкарлардан сараланган қирқ полк жойлаштирилган бўлиб, уларга шахсан Темурнинг ўзи кўмондонлик қиларди». Бизга тарихий ривоятлардан маълумки, у Боязидни мағлуб этади ва бошқа халқларни ваҳимага солиш учун собиқ ҳукмдорни ўзи билан бирга олиб юради. Бу манзара ГДРда, Потсдам шаҳридаги Целлендорф галереясида сақланаётган ранг-тасвир асарда акс этган. Мусаввир Темурни тахтда ўтиргатган ҳолда тасвирлайди, пойида эса темир қафас турибди. Бу қафас ичида қачонлардир талай Оврупо мамлакатларига даҳшат солган турк султони Боязид муҳтожликда азоб чекиб, кун кечирмоқда. Боязид ўша жангда Темурга қарши тўрт юз минглик кўшини қўяди, аммо барибир мағлубиятга учрайди. Жанг гарчи Боязиднинг ватанида — Онатўлида олиб борилишига қарамай, у мағлуб бўлади.

Темур Боязидни тор-мор қилгандан кейин унинг беҳисоб бойликларини эгаллайди ва ўзининг азалий орзуси — Хитойга қарши ўт очмоққа чоғланади. Темур ўзининг бу юришига отлик ва пиёда аскарларидан иборат икки юз минглик сараланган лашкари етарли, деб ҳисоблайди. Кўшиннинг ўнг қаноти кишни Тошкент ва Сайрамда, сўл қаноти эса Яссиде ўтказиши мўлжалланади. Темурнинг ўзи қолган кўшинлар билан Утрор ва унинг атрофларида қишлашни тахмин қилади. Темурнинг ҳарита бўйича ҳисобига қараганда, кўшин уч ярим минг қақиримдан зиёд йўл юрмоғи зарур эди. Ҳа, йўл олис. Икки юз минглик кўшин ва карвон учун етарлича озиқ-овқат, ем-хашак олмоқ керак. Шунинг учун ҳам, Темур кўшини ортидан ҳар хил юклар ортилган бутун бир карвон изма-из келарди. Темур моҳир кўмондон эди, юришларга кўшинини олиб чиқавериб ғоят пишиб кетган эди, у фақатгина яқин муддатга мўлжалланган озиқ-овқат гамлаш билан келгани қолмай, тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, забткор лашкар изидан бир неча минг от-аравага буғдой юклаб юрган. У эртанги кунни ўйлаб, кўшин қайтаётганида ҳам озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун кўлайроқ жойларга дон экинни буйруқ берган. Булардан ташқари қимизи ва қимронини ичиш учун бир неча минг бия ва туя олиб кетарди. На Шарафиддин Али Яздий, на бошқа тарихчилар Темурнинг Хитойга бунчалик шошилинч юришини изоҳлаб беришолмайди. Бундан ўзининг қандайдир нияти бўлгандир. Бу ҳақда бизгача ҳеч қандай маълумот етиб келмаган. Фақат шуни маълумки, у 1405 йилнинг 8 январиде жанговар яловини ёзиб, қишнинг қаттиқ келганига қарамасдан, Самарқанддан чиқиб кетган, чўлларда, қамиш тўсинлар билан ихоталанган чодирларда тунаб қолишни кўзлаб йўлда тўхтовсиз давом этган. Заркент шаҳри теграсида муз қоплаган Сирдарёдан ўтади. Қиш шунчалик қаттиқ келганики, Мирза Шарафиддин Али Яздийнинг шаҳодатлик беришича, у ерда музнинг қалинлиги икки-уч тирсакка етган, бу муз ҳар қаеридан пиёда ва отлик кўшин ўтса бемалол бардош берган. Айрим жойларда қорнинг қалинлиги икки найзага борган. Совуқ ва бўронлар оқибатида жуда кўп аскар ва отлар нобуд бўлган. Темур февралнинг йигирма еттинчи кунда Ҳозирги Қирғизистон ноҳиятидаги Утрорга кириб келади ва Хитойга ҳамла қилиш учун тайёргарлик кўра бошлайди. Бу ҳамла насиб этмади — Темур бетоб бўлиб қолиб, 1405 йилнинг апрелида вафот этади. Марҳумнинг қариндошлари ва лашкарбошилари юришни тўхтатиб, кўшинни ортига қайтарди.

Темурнинг кўмондонлик маҳорати унинг ўлимидан кейин ҳамма ерда кенг ўрганила бошланади. 1875 йили Петербургда «Муғул-татар ва Урта Осиё халқларининг Чингизхон ва Темурланг давридаги ҳарбий маҳорати ҳамда истилоси ҳақида етти ҳарита ва олти чизма билан Бош штаб ҳарбий-илмий кўмитасининг аъзоси, Бош штаб генерал-лейтенанти М. И. Ивановнинг ёзган асари; Бош штаб ҳарбий-илмий кўмитасининг генерал-лейтенанти князь Голицин муҳарририги остида нашр этилган» деб номланган йирик китоб босилган. Бу пухта ёзилган китоб уч юз саҳифа бўлиб, ҳақиқатдан ҳам олти етти ҳарита ва олти чизма берилган. Улар Темурнинг жангини бошлашдан олдин кўшинини сафга қандай тизгандан дарак беради. Бу чизмаларга қараб, қандайдир мунтазам тарзда билим олмгани ҳақидаги маълумотларни ўйлаб, ҳайратга тушасан киши. Афтидан, табиат унга жуда катта истеъдод, одамларни бошқара олиш ва ёнига тўплай билиш лаёқатини инъом этган.

Темур истило қилиб, ўз яқинларига улашиб берган мамлакатлар, шаҳарлар, мулклар ҳақидаги маълумотлар тарихий ёдгорликлар, китоблар орқали, жанговар ҳаракатлари эса чизмалар туфайли бизгача етиб келди. Аммо бизнинг ҳикоямизда сўз бу ҳақда бормайди. Бизни Ҳисор тизмаларида жойлашган энг сирли ва ажойиб ғор қизиқтиради. Бу ғор Яқкабғоё районидаги Тошқўрғон қишлоғи яқинидаги даралар оралиғидадир.

Бу ажойиб ғор ҳақида сўзлашдан аввал, Темурнинг туғилиши билан боғлиқ афсонани эслаш зарур. Унда айтилишича, Шаҳрисабз амири Бекбува бир оқшом мунажжимни ҳазурига чақириб: «Эй, раммоли фозил, менинг кўлимдан бу юртни ким тортиб олади?» деб сўради. Эрондан махсус чақиртирилган бу мунажжим тунги юлдузларга боқиб: «О, амир! Сен Темур отлик кучли бир аскар кўлида жон берасан!» дебди. Шунда ҳукмдор: «Мен кўлида ўладиган жангчи ҳозир қаерда яшайди?» деб сўрабди. Бу саволга мунажжим шундай жавоб қайтарди: «Бу аскар ҳали туғилмаган, у дунёга икки ойдан кейин келади. Бу боланинг онаси сени беклигинг пойтахти яқинидаги Илғор қишлоғида яшайди». Ҳукмдор ҳали туғилмаган гўдакни ўлдирмоққа қарор қилибди. Қишлоққа аскарларини юбориб, иккиқат хотинни тутиб олишни ва ҳокимни ўлдирадиган гўдакни она қорнидаёқ йўқ қилиб ташлашни буюрибди.

Ҳукмдор ва мунажжимнинг сўхбатини оқсоч аёл эшитиб турган экан. У Темурнинг онаси Некўз бегим билан болаликдан дўст тутинган дугонасиникига ташриф буюриб, бу сирдан уни

воқиф қилибди. Кенгашиб бўлишгач, оқсоч аёл арғумоғига эгар босиб, энг қисқа йўл билан Тарағайнинг уйига етиб келибди-да, бўлажак хавф-хатар ҳақида гапириб берибди. Алҳол уй соҳиби бек аскарларини кутиб олиш учун йўлга тушибди, хотинини эса оқсочлари ва икки хизматкори билан (улардан бири баҳодир Ҳаққул экан) олис манзилга жўнатибди.

Бир неча соатлик елдим йўл босилгандан кейин ҳомилардор аёл ўзини ёмон ҳис қила бошлабди ва Ҳаққул ботирга тўхтатишни айтиб, ёлборибди. Аммо у бунга қўлоқ солмабди, чунки у изига тушганлар қувиб етишларидан чўчибди. Ё тез юрганиданми, ё ҳаяжониданми навжувон аёлни ой-қунидан аввал тўлғоқ тута бошлабди. Шундан кейингина Ҳаққул ботир кичик карвонни тўхтатибди. Йўловчилар ўзларига яқин жойда чироқ милтираётганини кўриб қолибди. Бу ғаллакор деҳқоннинг якка уйи экан. Қочқинлар шу ердан бошлана топишибди. Тез орада ёш аёлнинг кўзи ёрибди. Уғил экан. Болага Темур деб исм қўйибди. Туғилган жойини эса Чироқчи деб аташибди. Ҳозирги пайтда Чироқчи — район маркази бўлиб, унда ўн мингларча аҳоли яшайди.

Тунги йўловчиларга бошпана берган деҳқон чақалоқни кўриб: «Бу гўдақдан катта бир жангчи чиқади, кўп мулкларни истило қилади. Мен бечора одамлар қоринни тўйдириш учун яралган деҳқон бўлсам-да, уруш бўлишини ҳеч қачон истамасдим, аммо тақдири азалга шуни битган экан, бундан қочиб қутулишининг асло иложи йўқ», дебди. Мунажжим шундай бир жангчи туғиледи ва сени мағлуб этади, деганида ҳақ экан. Деҳқоннинг ҳам башорати тўғри чиқибди. Бироқ Темур ўз шухратига эришмоғи учун ҳали кўп тўсиқларни энгиб ўтмоғи, замонаси баҳодирларидан устун келмоғи, ўз ҳаётини сақлаб қолмоғи зарур эди.

Афсонада айтилганидек, эртаси куни кўз ёрган аёл гўдагини хавф солган фалокатдан асраб қолиш учун йўловчилар билан бирга ҳодалардан ясалган қайиққа дарёга тушиб, Қарши шаҳригача сузиб келади. У маҳаллий ҳукмдорникида бошпана топиб, гўдаги Темур билан роппа-роса уч йил бирга яшайди. Кейин у туғилган юртига қайтади. Аммо Шаҳрисабз беги Бекбува мунажжимнинг башоратини унутмаган экан. У қандай йўл билан бўлмасин, Темурни бездириб, жонидан тўйдиришга уринади.

Бола жасур бўлиб ўсади, у тенгдошлари билан ҳарб ўйинларга жуда муқкасидан кетади, ўн ёшидаёқ отаси султон Тарағай билан юришларга чиқади. Чавандозлик, найза улоқтиришу қиличбозликни ўспиринга Ҳаққул полвон ўргатади. Бола тиришқоқ, чидамли, бир неча кунгача оч-наҳор юравериши, эгарда соатлаб ўтириши, узоқ йўл босиши ва ҳамла қилишда ўзидан катталарни ҳам доғда қолдирарди.

Бола ўн икки ёшга етганида, Шаҳрисабз беги билан учрашуви амалга ошди. Амир ўз саройида кураш бўйича махсус мусобақа ўтказарди. Одатга кўра, бундай мусобақалар фақат катта сайил кунлари ўтказилган. Бундай беллашувларга одамлар ҳар ёқдан ёпирилиб келар, ғолиблар эса Фахрий унвон ва мукофотга сазовор бўларди.

Аввал-бошда ўсмирлар ўртасида олишув бўлади. Бу курашларда доимо бекнинг ўғли Ҳусайн ғолиб чиқарди. У жисмонан бақувват, чайир ва чидамли эди. У маҳаллар ҳукмдорлар ўз болаларини ёшлигиданоқ оғир ҳаётга қўниқтирганлар, чунки ҳоким бўлиш учун фақат ақл-заковатинигина эмас, балки куч-қудратини ҳам намойиш этмоғи зарур эди. Ҳусайнга тенг тушадиганлар топилмагач, гарчи рақибдан икки ёш кичик бўлса-да, у билан беллашув учун Темур майдонга чиқади.

Икки бекзоданинг кураши — Шаҳрисабз ҳукмдори ва султон Тарағайнинг тахт меросхўрлари беллашувини оломон ҳаяжон билан томоша қилади. Темур жон-жаҳди билан олишиб, бу беллашувда ғолиб чиқади. Бунинг учун унга фахрий ботир номи, мукофоти учун эса қоплон териси берилиши лозим эди. Аммо кураш натижасидан дарғазаб бўлган амир Бекбува Темурни тутиб, қатл қилишни буюради. Ёш полвонни банди қилиб, тахт ёнига олиб келишади. Бироқ оломон бундан ғазабланиб бақириб-чақиради: «Бу — адолатдан эмас! Ғолибни жазолаш инсофдан эмас!» Амрининг Темурни қўйиб юборишдан ўзга чораси қолмайди.

У, бу жасурни шунчаки қўйворадиган амирлардан эмас эди. Шаҳрисабз амирининг ҳукми билан бундан кейинги яккама-якка олишувларда қатнашолмаслиги учун Темурнинг оёғини синдиришади. Шу-шу Темурнинг ўнг оёғи оқсоқ бўлиб қолади. Сунгроқ, у дунё ҳокими бўлиб танилгач, Оврүпода уни Темурланг, яъни Темур оқсоқ деб аташади.

Афсонада битилганидай, Темур оқсоқ бўлиб қолса-да, у парво қилмайди, ваҳимага тушмайди. Ўсмир ҳам жисмонан, ҳам маънан яна камол топади, ғайрат билан ҳар томонлама малакасини ошира боради, чавандозлик билан шуғулланади, бўлғуси жангу юришлар учун ўзини чиниқтиради. Ўн олти ёшга тўлганида ўз юртида Темурга тенг келадиган азамат топилмайди.

Бир куни Темур отаси билан катта бир тўда тузиб, Шаҳрисабз амира саройига ҳужум қилади. Бу жангда, мунажжим башорат қилганидек, Бекбува Темур томонидан ўлдирилади. Худди ўша жангда Темур отаси — султон Тарағайдан ҳам ажралиб қолади.

Темур Шаҳрисабз амирининг ўғли Ҳусайнни қатл этмайди, балки у билан дўст тутинмоққа аҳд қилади. У бунинг учун Ҳусайнга онт ичади, қариндошлик риштасини пайваста қилиш ниятида амирнинг қизи Улжай Туркон-оғани хотинликка олади. Шаҳрисабзни янги бек Ҳусайн билан султон Темур биргаликда бошқара бошлайди. Бу қисқа фурсат ичида улар шаҳарни анча мустаҳкамлашади, кучли бир қўшин тузиб, бутун бир музофотни ўз ҳокимиятига бўйсиндиришади.

Бу пайтда Самарқандни Чингизхоннинг авлоди бўлмиш Қозонхон бошқарар эди. У Шаҳрисабзда иккита кучли, навқирон ҳоким чиққанини билиб уларни ўз тарафига оғдириб олмоқчи бўлади ва Шаҳрисабзга туташ мулкларга эгалик қилишни ваъда беради.

Қозонхон ҳокимиятни кўп тутиб туролмади — уни Чингизхоннинг яна бир авлоди саналмиш хон Туғлуқ-Темур тор-мор этади. Унга Шаҳрисабзнинг икки навқирон ҳокими ёқмайди. Янги ҳукмдор ўз ўғли Келлесхонга ёзма фармойиш бериб, Темурни қўлга олиб, ўлдиришни буюради. Аммо Темурнинг содиқ аскарлари бу фармойишни келтираётган чопарни тутиб олади. Темур эса таҳдид солаётган бу хавф-хатардан огоҳ бўлади. У ишончли дўстлари билан тоққа чиқиб кетади. Йўлда Келлесхон катта қўшини билан қочоқларнинг кичик тўдасини қувиб етади ва қириб ташлайди.

Темур тўдасининг қолган-қутганини ўзининг кекса устоди Ҳаққул полвон ҳузурига бошлаб келади. У ёш султоннинг ҳикоясини тингларкан, шундай дейди: «Ўғлим, Келлесхонга қарши чиқиш-

га ҳали эрта, дейман. Сен ҳали унчалик куч-қудратга эга эмассан, ортингдан халқ ҳам эргашганича йўқ. Сен бақувват, мардона, зарбага тутқич бермас бўлишинг керак, деб ҳисоблайман. Шундагина сен Самарқандни бўйсундирисан. Ҳозир сен яхши бир тўда тузишинг ва уни жангга ҳозирлашинг зарур, уларни қуролни моҳирона ишлатишга ўргатишинг, тоғу даштда, шаҳар қўрғонларида қандай жанг олиб боришдан сабоқ беришинг керак. Шунда Темур: «Аскарларни қандай тарбиялайман? Ахир, бундан дарров бутун музофот хабар топмай қолмайди, буни Самарқандга етказишган заҳоти Туғлуқ-Темур дарҳол таъзириமிழни бериб қўйишга ошиқади», дейди. Бунга Ҳаққул полвон: «Мен тоғда бир ғорни биламан. Унга бутун бир лашкарни жойлаш мумкин», дейди.

Темур бу маслаҳатни яхшилаб ўқади. Беш кундан сўнг шаҳрисабзлик ўсмир ўз тўдаси билан денгиз сатҳидан икки минг газ баландликка чиқиб боради. Худди шу дарадан Ҳаққул полвон айтган ғорни топади.

Манзил жуда ажойиб эди. У гўё атайин бўлғуси жангларга қўшинни сир бой бермай ҳозирлаш учун мўлжаллангандек эди. Бу жойни тоғлар бутун бир дунёдан тўсиб турарди, бу ерга довлар оша олиб келадиган йўллари эса фақат маҳаллий деҳқонларгина билишарди. Ғорга энг яқин қишлоқ роса уч кунлик йўл эди.

Узоққа чўзилган дара айрилишида жойлашган ғор жуда ҳам ўнғай эди. Ғорнинг ўзи кўзга ташланмасди, унга кириладиган жойда эса бутун бир воҳа кўринарди. Ғор ичида катта бир тўда бемалол бекиниши мумкин эди. Ғор жанговар тўда учун мустаҳкам қўрғон ва ишончли бошпана вазифасини ўтарди. Ичкарироқдаги айрим тошлар орасининг ҳарорати шу қадар паст эдики, бундай жойларда анчагина озиқ-овқатни заҳира учун ғамлаб қўйса бўларди.

Ғор оғзининг баландлиги ўн икки газ, эни эса ўн беш газ келарди. Ичкарига бир неча одим ташлаган киши катта айвонга рўпара бўлади. Ғорда бир неча йўлаклар бошлаб борадиган бошқа айвонлар ҳам мавжуд. Бу ер фақатгина яшашга қулай бўлмай, балки ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам аскарларни ўқитса бўларди. Дарвоқе, қароргоҳ учун бундан кўра қулайроқ жой топиш душвор эди.

Темур отхонани ғор оғзидан унчалик узоқ бўлмаган ертўлада тиклашга қарор қилади. Отхона деворларини қўпол йўнилган тошлардан териш мумкин эди. Бу иморатнинг ташқи томонидан кўзга илганмаслигини таъминларди.

Темур йигирма уч ёшга тўлади. Энди у ҳар қандай вазиятни баҳолай оларди. Кичик қўшиннинг навиқон йўлбошчиси ғорга яқинлашиб, уни кўздан кечиргач, Ҳаққул полвондан олган маслаҳатининг нақадар тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Темур қатъий қарорга келгандан сўнг, тўдани ёшлар ҳисобига кўпайтириш учун ўз аскарларини теvarак-атрофга жўнатади. Икки ой ўтар-ўтмас, ғорда салкам бир ярим минг йигит тўпланади. Буларнинг бари кучли ва мардона йигитлар эди. Темур уларни тўда ва гуруҳларга бўлади. Улар чавандозликни, найзаю тош улоқтиришни ўрганишади.

Дарадаги қояларнинг у учидан бу учига довуру жуда ингичка арқон тортишади. Булар орқали ёшлар тоғдан шиддат билан сирғалиб тушиб, фараз қилинган душманни туйқусда ағдариб ташлардилар. Уни, ҳозирги десант қўшинларининг илк тимсоли, деса бўлади. Темурга қадар жаҳон ҳарбий тажрибасида отда чопиш, турли хил қуролларни ишлата билиш ҳамда тоғдаги жангу жадалларнинг йўл-йўриғини ўрганадиган бунақанги бўлинмалар бўлмаган. Булардан ташқари аскарлар сузишни, тезоқар дарёлардан кечиби ўтишни машқ қилардилар. Йигитлар жангларга руҳан тайёр туришарди.

Темур ғор атрофидаги қароргоҳида бир йил яшади. У машқ ўтказиш жараёнида йигитларга назар солиб юрган, кейинроқ эътиборига тушганларни ва бошқаларни ҳам етаклай оладиганларни ўнбошиси, юзбошиси, мингбошиси қилиб тайинлайди. Шуниси эътиборга лойиқки, у барча тайёргарлигини ёт кўзлардан холи, яширин ҳолда ўтказган.

1363 йили Темур Самарқандга отланади. Душман кучлари бостириб кирган қўшиндан хийла кўп эди. Аммо Темур ёвни енгизишга ишонар эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Кичик бир тўданинг улғувор ҳарбий санъати ва жасорати ғалабани таъминлади. Темур Самарқанд ҳокими бўлиб олди.

Бир ярим минглик қўшини билан йигирма минглик Чингизхон авлоди лашкарига қарши жанг қилишдан ҳайиқмаган Темурнинг мардонаворлигига ва ақлига тонг қолсан, киши. Душманнинг Жайхун ва Сайхун дарёлари ораллиғидаги қалъаларда яна саксон минглик қўшини бор эди. Темур жангдан жангга қўшинини мустаҳкамлаб боради ва душманни тор-мор қилиб, бутун бошли Мовароуннаҳрға ҳукмронлик қила бошлайди.

Тарихчиларнинг гувоҳлига беришича, Самарқанд учун бўлган жанг ғалабасидан кейин Темур аскарларини ўз атрофига тўплаб кўрса, бир ярим минг аскарининг ҳаммаси тирик қолгани маълум бўлади. Синалган жангчилардан юз кишини ўнбоши, юз кишини юзбоши, юз кишини мингбоши қилиб тайинлайди. Яна ўн уч кишини эса бундан ҳам юксакроқ лавозимларга кўтаради. У танлаган сардорлар, шубҳасиз, қўшин орасида интизом, жанговар тартиблар ўрнатади, буларни жангчиларга Темурнинг ўзи бўлғуси қўшиннинг негизи ташкил топган жойда — ғор атрофидаги қароргоҳда сабоқ берган эди.

Темурнинг ҳаёти биз учун жумбоқ эмас, унинг бутун қирраларигача бизга аён. Аммо уни даҳшатли қирғинларга ундаган сабаблар мавҳумлигича қолиб келмоқда. Ҳаётдан жуда кўп саркардалар кўз юмди, жумладан Темур ҳам, аммо унинг қонли йўлининг ибтидоси — соқов ғорда қолди. Ҳақиқатдан ҳам у соқовми?

Бу ғорга етиш жуда қийин — бир неча довлар ва сўқмоқлардан ошиш керак. Лекин бу ерга туристик сўқмоқ очилган, хоҳловчилар ғорни келиб кўришлари мумкин. Саёҳат ишқибозларини ўзининг ғаройиблиғию афсоналарга вобаста экани билан бу гўша ўзига чорлаб туради. Ғорда деярли ҳеч қандай ўзгариш содир бўлган эмас, худди Темур давридаги ҳолида сақланиб келади. Ғорга олиб кирадиган зиналар ҳалигача ўз шаклини йўқотмаган. Босмачилик авж олган йиллари маҳаллий талончилар шу ердан паноҳ топган. Совет ҳокимияти узил-кесил ўрнатилгач, ғорга саёҳатчилардан бошқа ҳеч ким қадам босиб киргани йўқ.

Аммо ғор ҳамон ташландиқ ҳолида ётибди, ҳеч бир экспедиция уни чинакамига ўрганган эмас. Ўйлайманки, бундан кейин ғор синоатлари кенг ўрганилади. Бунда 1910 йили Бухоро амири

Абдулаҳад томонидан Шаҳрисабзга бек этиб тайинланган Мирза Салимбекнинг мухтасар ёдномаси ёрдам бериши мумкин.

Бу вақтда ғорда бизгача етиб келмаган қурилиш иншоотлари бутун сақланган. Шу боисдан ҳам Мирза Салимбекнинг кундалиги шубҳасиз тарихий қимматга эга. Мана ўша кундалиқдан қисқарган бир қайд: «Тўшлиқдан сўнг дам олаётганимизда, йигирма чоғли киши бўлиб, Темур кўрғонини кечирғоли бордик. Биз тақрибан эллик-қирқ қадам юқорига кўтарилдик. Кўрғонга кир-ғон жойимизда катта қопқалар қолдиғини учратдик. Юз қадамча нарида сайсхонага монанд усти ёпиқ иморатни кўрдик. Хоналар эни тақрибан ўттиз газга тенг эди. Хаммаси тоғдан ўйилғон эди. Деворни ҳар икки томониға йўнилғон тошлар терилғон эди. Алар орасиға мәрмардан йўнилғон устунлар қўйилғон эди, айримлари ҳозир ҳам бутунлиғича турибдир, бошқалари эса синиб кетғон ёғуд ёрилғондир. Иморат шунчалик баланд эдиким, суворий шамширини юқори кўтарғонида ҳам шифтиға тегмас эди. Хамма хоналар тоғ жинсларидан қурилғон. Бу ерни кўтарғонида ҳам шифтиға тегмас эди, аларнинг изи сал-пал кўриниб турғуси эди».

Ҳарқалай Салимбек ўша маҳалда, яъни бундан саксон йил бурун дарвозалар ўрнию кўрғонни кўрган бўлса, бизнинг кунга қадар улардан ном-нишон ҳам қолмаган. Биттаю битта ғорнинг ўзи ва унга олиб чиқадиған тош зиналар ҳам аслидагидай турибди. Отхонага ҳеч нарса қилмаган, девори бус-бутун. Аммо мәрмар устун-тирговучлардан асар ҳам қолмаган. Бекнинг бизгача етиб келган ғор ҳақидаги эсдалиғи Темур жангчиларнинг жанговар ҳозирлик кўрганидан сўнгги ҳолатини ўз кўзи билан кўриб тасвирлаган одамнинг ягона ҳужжатиدير.

Салимбекнинг ёзишича, унинг ҳамроҳлари, дарвозага киришганида, тошзиналарни кўришган. Бу дарвозалар ҳозирча йўқ, бироқ зиналар бус-бутун, улар орқали ғорга чиқиш мумкин. Бек юқори зиналарга тошдан йўнилган тахт ва бир неча кенг супаларни кўрганини ҳам маълум қилади.

Ғор ичида йигирма-ўттиз қадам босилгандан сўнг зим-зиёлик бошланади. Деворларнинг бирида ўйик бор. Назаримда, Мирза Салимбек шу ўйилган жойда тахт турганини ёзган бўлса ажабмас. Бироқ эсдалик муаллифи бу тахт Темурники эканини қайд этмаган. Бу ҳақда эса ривоятлар бор, холос.

Мирза Салимбек саёҳати бўйлаб яна давом этамиз: «Шу ердан биз ғор ичига кириб боравердик. Шифтини баландлиғи биринчи сайсхона баландлиғи ила тенг. Хонанинг шифт кесмаси йигирма газ келади. Томи ва анинг атрофи баланд тоғ ила қуршалганға ўхшайди. Ички деворлар сидирғасига бўртма тасвирлар ила тўлиб-тошғон».

Ғор рельефи тасвирлари шу кунга довуз тўкис етиб келмаган, албатта. Фақатгина хира тарҳлар сақланган қолган, буни тадқиқ этиш учун эса махсус аппаратуралар керак. Афтидан, деворларни қуритиш учун қудратли электр иситгичлар керакка ўхшайди, шундан сўнг юқори қатламни суриб олиш зарур.

Мирза Салимбек яна қўйидагиларни ёзади: «Деворларда катта ва кичик таҳмонлар ўйилган. Катта таҳмонлар тош панжаралар ила тўсилғон. Ҳар-ҳар жойда тошдан йирик йўнилғон шамдонлар турибдир. Айрим жойларда эса ярғичоқлар бор. Даштда истиқомат қиладирғон баъзи одамлар, чўпонлар чамаси, бу ерға кириб, аларни олиб кетиш илинжида парчаламоқчи бўлғонлар, аммо ниятларини охиригача етказмағонлар. Машъала, ёқиб, ўзимиз ила нон, гўшт, сув ва бошқа тамадилар олиб, икки юз қадамча чамаси юрдик ва Бухорои шарифдаги заргарлик устахоналари гумбазлариға ўхшаб кетадирғон йўлак ўтғон кенг ялангликка чиқиб қолдик. Уртада ёқут тусли оқ мәрмардан яралғон хонтахта турғон экан...»

Бу хонтахтадан ҳам асар қолмаган. Мен ғордан уни эслатадиган ҳеч нарса тополмадим. Бунда тош жинсларидан иборат ғор деворларидан кўчиб тушган қандайдир синиқ бўлтаклар тўзиб ётарди.

Яна Мирза Салимбек эсдалиғига қайтамиз: «Биз бу даҳлизда салкам ним соатча ўлтирдик ва ҳамма нимарсани кўздан кечирдик. Яна тағин олдинға йўналмоқчи эдик, лекин йўл бора-бора кутюхлашиб боравердик».

Темур ғорининг инсон фаолияти билан боғлиқ аломатлари хусусида батафсил ҳикоя қилган Мирза Салимбекнинг эсдалиқлари ана шу билан яқунланади. Салимбек етиб боролмаган манзил сари йўл олавердим. Ғор ҳақиқатдан ҳам икки-уч газ тораярди, сўнгра йигирма-ўттиз қадам юрилгач, яна кенгайиб кетарди ва у бўйига эллик, энига қирқ газ чоғли даҳлизга олиб ўтарди. Бундан кейин ҳам даҳлизнинг эни баъзан олти, саккиз, ҳатто ўн газгача торайиб кетарди. Шундай қилиб, яна бир айвонга дуч келдим. Таҳмонлардан бирининг чуқурлашиб, ўзида сув тўплаганини кўрдим. Ундан нарига боришга жазм қилолмадим, атроф қоронғи ва совуқ бўлиб, даҳшат мени тобора қулғаб олаверди. Мен кўрган ўша ҳовуздан нариёғиға сўнгги йилларда ҳеч ким ўтолмаган экан. Буни Темур ғоридан йигирма чақирим йироқда жойлашган Тошкўрғон қишлоғи тасдиқлайди.

Сир-синоатга тўла бу тарихий ғор жумбоқларини ечиш ҳали олдинда турибди, деб ўйлайман. Бу сирни ғор охиригача боришга журъат қилган, ерости сўқмоқлари, демак тарихнинг машаққатли сўқмоқлари бўйлаб саёй-ҳаракат қилган ҳар бир одам ечиши мумкин.

М. ХИДИРОВ ва **А. ҲАЙДАРОВ** таржимаси



Бир дарахт новдалари

Ибройим Юсупов

Бугунги кун

Парча булут дарёнинг нарёғида
Чанкаган подадай сувга қўйди бош.
Нурли вақтни санчиб чамбарагига,
Утов тикаяпти оташин куёш.
Шундай ўтиб кетар шаксиз ҳар бир кун,
Яна япроқ тўкар кузги чинорлар.
Яна қайта қушлар сакрашиб дуркун
Болалари билан қучар иқболлар.
Умрининг бир парча жонли бўлаги —
Сенга қуллуғим бор, мурувватли кун!
Меҳнатим, лаззатим, ишқим, тилагим,
Ташвишларим кетди бўйнингда бутун.
Бугун чала қолган дунёнинг мулкин
Эрта тўплайман деб яшайди инсон.
Елиб ўтиб кетар умрдан бир кун,
Дадил қадам ташлаб келажак томон.
Нурингдан очилди гулғунча, кўрак,
Шамол бўлиб эсдинг, сув бўлиб оқдинг.
Асалари бўлиб ғиз-ғизлаб ҳар чоқ
Инсонга бол эрур берганинг — нақдинг.
Раҳмат сенга, оппоқ, ёрқин тонг бердинг,
Қушлар чулдирашин, япроқ шивирин.

Таниқли қорақалпоқ шоири ва жамоат арбоби Ибройим Юсупов 1929 йил Чимбой районидagi Озод қишлоғи (ҳозирги «Чимбой» совхози)да туғилди. 1949 йил Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтини тугатиб, кўп йиллар мобайнида шу билим даргоҳида дарс берди. 1961—1962 йилларда «Амударё» журналида бош редактор, 1962—1965 йилларда Н. Довқораев номидаги тарих, тил ва адабиёт илмий-текишириш институтида аввал илмий ходим, сўнграқ сектор мудири бўлди. 1965 йилдан 1980 йилгача Қорақалпоғистон Ёзувчилар Союзи раиси, 1980—1988 йилларда «Совет Қорақалпоғистони» газетасининг бош редактори лавозимларида ишлади.

Ибройим Юсуповнинг 1949 йил эълон қилган «Ўртоқ муаллим» поэмаси нафақат шоир ижодида, балки бутун қорақалпоқ совет адабиётида воқеа бўлди. Шоирнинг жуда кўплаб шеърлари, китоблари, пьесалари қорақалпоқ халқининг маънавий мулкига айланиб қолди. Унинг ўнлаб тўпلامлари Москвада, Тошкентда рус ва ўзбек тилларида чоп қилинган. Асарлари қатор қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Ибройим Юсупов моҳир таржимон ҳамдир. У Саъдий ва Навоий ғазалларини, Шекспир, Гёте, Байрон, А. С. Пушкин, А. Мицкевич, М. Лермонтов, Махтумқули, М. Ф. Охундов, Т. Шевченко, А. Тўқайларнинг шеър ва поэмаларини, умумсовет адабиётининг намоёндалари В. В. Маяковский, М. Луконин, Ф. Фулом, С. Вургул, М. Карим, Зулфия асарларини, нўғой халқ қўшиқларини қорақалпоқчага таржима қилган.

У истеъдодли педагог ва изланувчан олим сифатида мактаблар учун ўқув қўлланмалари, хрестоматиялар ва программалар яратишда ҳам фаол иштирок қилди. Шунингдек, у қорақалпоқ классик шоирлари ҳаётига ва ижодига, адабиётлараро алоқаларга бағишланган ўнлаб мақолаларнинг муаллифидир.

Ибройим Юсупов автоном республика маданиятининг ривожланишига қўшган ҳиссаси учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. У «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» (1964 йил), «Қорақалпоғистон халқ шоири» (1974 йил) унвонларига эга. Бердақ номидаги республика Давлат мукофотининг, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг Ҳамид Олимжон номидаги мукофоти лауреатидир. СССР Ёзувчилар Союзи правлениеси аззоси.

Шоир Ибройим Юсуповни журналхонлар номидан олтинчи ёши билан табриклаймиз!

Қуйида шоир ижодидан қилинган янги таржималар билан танишасиз.

Ризқимнинг боғидан мевалар тердим,
 Дил яйратар бири-биридан ширин.
 Нақшин олмани мен болага бердим,
 Болалар қувонсин дейман дунёда.
 Ажиб гўзал, сахий нурунгни кўрдим,
 Бола кўлидаги қизил олмада.
 Эгилган шохларга айри қададим,
 Пешона теримни боғимга тўқдим.
 Ер-сувим, қуёшим, озов меҳнатим,
 Шан сенга, қутлуғ кун — қудратли Вақтим!
 Кетдим хизматимга йўлма-йўл яйраб,
 Сени — кутаётган қадрдон ишим, —
 Олмага таъм берган шарбатдай жамлаб,
 Инсоний мазмунга тўлдирмоқ учун...

Изланиш

Умр изланишда ўтар эрта-кеч,
 Изланаман кундуз кўлимда чирок.
 Дилдан излаганим келар дея дуч,
 Тинмай изланаман, безовта юрак.

Излайман йўл юриб, китоб варақлаб,
 Одамлар сўзига қулоқ соламан.
 Чўлдаги шамолдан секин сўроқлаб,
 Юлдузларга қараб, ўйга толаман.

Излайман тафаккур кудуғин қазиб,
 Меҳнатда яғриним терга ботади.

Излайман тун бўйи қўшиқлар ёзиб,
 Заҳмат, бедорликда тонглар отади.

Куз чоғи сув ичган кўлнинг қошида
 Турна ёлғиз қолса, турнасин излар.
 Қизлар тонг саҳарда булоқ бошида
 Оқшом тушиб қолган сирфасин излар.

Тоқатим тоқ бўлиб дунё кезгайман,
 Кетма-кет ўзимга бераман сўроқ.
 Умрим бўйи мен ненидир излайман,
 Унинг не эканин билмайман бироқ...

* * *

Қуш боласи бўлиб тўрга илинмас,
 Булбулдай хуш овоз — саси бўлмас.
 Созни чертган билан нағмага келмас,
 Кўнгилнинг бир нозик рози бўлмас.

Одат қолар балким, хосият қолмас,
 Элга хизмат этмай йигит ном олмас,
 Кўп яшаган билан оқсоқол бўлмас,
 Фаросати, ақли-эси бўлмас.

Бировлар қартайса зийнати ошар,
 Элига зеб бўлиб, тўрга ярашар.

Биров масҳарабоз маймунга ўхшар
 Агар одамсурат туси бўлмас.

Кимлар кексайганда ақлга тўлган,
 Кимларнингдир фақат тил, жағи қолган,
 Отга «чу» дегандан бошқаси ёлғон,
 Кексаликнинг ҳафсаласи бўлмас.

Кимдир тирикликда номин сақламас,
 Инсон бўлиб, ичган тузин оқламас,
 Бу ёғидан қуйган билан тўхтамас,
 У ёғида бир нарсаси бўлмас...

* * *

Ёз қуёши яшнаб турган чоғларда
 Қоратоғнинг қабоғида қор қолмас.
 Вафоли дўст, сени кўрган чоғларда
 Кўзда қайғу, юракларда зор қолмас.

Даврон отин миниб, келса навбати,
 Эл севган йигитнинг тошар давлати,
 Инсоннинг инсонга ортса ҳурмати,
 Гулшанларда очилмаган гул қолмас.

Эгилган дарахтда мўл бўлар мева,
 Феъли кенг йигитга кенг бўлар дунё,

Кўнглинг сенинг шарқираган зўр дарё
 Тор айласанг, шу дарёда сув қолмас.

Йигитнинг хизматин хуш кўрса эли,
 Ғийбатдан заррача чўчимас дили,
 Дил ғуборин ювса, мурувват сели,
 Зеҳнлар ярқираб, зарра кир қолмас.

Эл ишига шай айласа замонинг,
 Ярашиқли бўлар сурган давронинг.
 Дўстларсиз поёни бўлмас дунёнинг,
 Нодўстларнинг юрагида кўр қолмас.

Қорақалпоқчадан **Қамбар УТАЕВ** таржималари



Алиназар Эгамназаров

КАРПАТ БОТИРИ

1944 йил 8 сентябрда 4-Украина fronti қўшинлари Карпат учун бўлган жангларнинг иккинчи босқичи — Дуклин операциясини бошлашди. 29 августда Словакияда халқ кўзғолон кўтарганди. Дуклин операциясидан мақсад немис фашистларининг катта кучларини банд қилиб, кўзғолончиларни қўллаб-қувватлашдан, уларга қўшилишдан иборат эди.

11 сентябрда 4-Украина фронтининг чап қанотидаги 17-ўқчи корпус қўшинлари ҳам ҳужумга ўтишди. Бу корпус олдига энг баланд Карпат-Горгани районидаги яхши жиҳозланган мудофаа марраларини йўқ қилиш вазифаси қўйилганди. Корпус жангчилари ҳужумнинг дастлабки кунларида дуруст натижаларга эришдилар. Тоғ сўқмоқларидан анча жадал олға силжиб, душманнинг олдинги мудофаа марраларини ортиқча қурбонсиз яқсон қилдилар. Бироқ Керешмеза (Ясиня)да кучли қаршиликка дуч келишди. Уларнинг олдида мустақкам қалъа-жанубга борадиган ягона йўлга ғов бўлиб турган Арпад линияси кўндаланг турарди. Бу линия асли эски эди, Чехословакиянинг илгариги давлат чегараси мудофаа чизиқлари шу ердан ўтарди. Биринчи жаҳон урушида ҳам рус қўшинлари шу ерга келганда тўхтаб қолганди.

Эндиликда душман Арпад линиясини янада мустақкамлаб, тоғ қояларини кесиб, бетондан янги дотлар қурганди. Айтишларича, немислар бу ишга барвақт киришиб, маҳаллий аҳолини жалб этишган экан. Ишлашдан бўйин товлаганларнинг ҳаммасини отиб ташлашибди. 50 квадрат километрда қояга кесиб ишланган 50 та дот мавжуд эди. Бундан ташқари яхши ниқобланган кўплаб дзотлар бор эди. Бутун мудофаа райони ичи ёғочдан ишланган хандақлар тармоғи билан қопланган, одим жойда бетондан ўқ узиш туйнуқлари қурилган, миналаштирилган майдонлар ҳосил қилинганди. Танк ўтиши мумкин бўлган жойларга чуқурлар қазилиб, ёғоч ғовлар ўрнатилганди. Бу ҳам етмагандек, душман Ясиняда иккита электростанция қуриб, мудофаа чизиғига сим тортган. Бу симлардан ток ўтказиб қўйилганди.

Разведкачиларимиз душманнинг бу «хўнари»ни тезда пайқашди. Ҳужум бошланганида артиллериячилар электростанцияларни тўплардан ўққа тутиб, йўқ қилиб ташлашди. Аммо барибир пиёдаларнинг олға силжиши қийин бўлди. Бунинг сабаби танклардан, авиациядан фойдаланишнинг имконияти деярли йўқ эди. Стратегик жиҳатдан ғоят қулай, атроф қафтдагидек кўриниб турган жойларга ўрнашиб олган душман бош кўтаришга имкон бермасди. Ҳужумга ўтиш учун қилинган уч-тўрт уриниш беҳуда бўлди. Кўпгина йигитлар қирилиб кетди. Тикка ҳужум қилиб бирон бир натижага эришиш қийинлигига кўпчиликнинг ақли етиб қолди. Обиҳаво ҳам ҳалок бўлганларга мотам тутаётгандай эди, тинмай ёмғир уриб турарди.

Шунда 650-полкдаги 7-рота разведкачилар взводи командири, катта сержант Расул Исетов полк командири Придачанинг ҳузурига борди.

— Уртоқ подполковник, олдингизга бир илтимос билан келдим.

— Эшитаман.

— Рухсат берсангиз, ёнимга икки йигитни олиб, довонни айланиб ўтиб, душманнинг асосий дотига борсам.

— Эсингни едингми, Исетов?! У ерга яқинлашсанг ўласан-ку! Еки душман томонга ўтиб кетмоқчимсан?

— Асло ундай эмас. Бирдан бир мақсадим душманни яқсон қилиш. Уч кун бўлди, бош кўтариб бўлмапти-ку! Қанча дўстларимиз беҳуда ҳалок бўлишди. Ҳаммамиз қирилганимиздан, икки-учта-миз ўлайлик, аммо душман тор-мор бўлсин.

— Ундай бўлса, майли, ўзинг ташаббус билан келдинг, рухсат бераман. Аммо сен бизга керак-ли одамсан, ўзингни эҳтиёт қилишинг керак. Ёнингга кимларни олмоқчисан?

— Ефрейтор Кабальчук билан оддий аскар Коробкинни.

— Яхши. Рухсат сенга. Ҳозирлик кўриб бўлиб, олдимга бир келинглар.

Расул Исетов ўз взводига борди. Енига Коробкин ва Кабальчукни чақириб, полк командири билан бўлган гапни айтди. Йигитлар рози бўлишди. Расул Исетов бу жангчилар билан илгари бир неча марта разведкага бориб, уларни сынаган, панд бермайдиган, ботир йигитлар эканлигига ишонч ҳосил қилганди.

Тайёргарлик кўриб бўлишгач, уч йигит полк штабига боришди. Придача уларга зарур маслаҳатлар бергач, ҳар бири билан кучоқлашиб хайрлашди.

— Оқ йўл, лочинларим, омад ёр бўлсин, — деди командир бироз ҳаяжонланиб. — Бу гал ҳам ҳақиқий разведкачиларга хос ҳаракат қилинглар.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламиз!

Командирнинг сўзлари йигитларга ҳам таъсир қилди. Ҳозир назарларида бу одам ўз оталаридай азиз, меҳрибон бўлиб туюлди. Дарвоқе, ҳаётда қийин дамларда ёнингга мададкоринг бўлса,



Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исегов Костирипка тоғидаги жасорати шарафига ўрнатилган обида тантанали равишда очилган кунда.

ўзингни бардам тутасан, ҳар ишга қодирдай ҳис этасан киши. Мана, ҳозир улар борадиган манзил кўпи билан ярим чақиримча, зиммадаги топшириқ эса бир ярим-икки соатда ё уёқли, ё буюқли бўлади. Аммо командирнинг ташвишланганича бор. Чунки, ана шу ҳам яқин, ҳам олис туюлаётган манзилда ажал ўз оловини пурқаб турибди. Бу йигитлар эса ихтиёрий равишда ўзларини ўша ажал оловига ургани кетишяпти. Улар ё шу оловни сундиришади, ё бошқа кўпда дўстлари сингари йўқлик оламига кетишади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Буни ҳозир ҳамма англаб турганди.

Йигитлар хандақ орқали юриб, довоннинг ўнг томонига ўтдилар-да, пастликка тушиб, қиялик билан эмаклар кетдилар. Ёмғир савалаб уриб турарди. Бир қўлда автомат, иккинчи қўлда граната шодаси, белда эса сим қирқадиган қайчи билан эмаклар анча мушкул эди. Разведкага боришнинг шундай қондаси бор: сен беш метр эмаклар, атрофни обдон кузатасан, хатар йўқлигига, йўл минадан холилигига ишонч ҳосил қилгач, орқадаги шеригингга имлайсан, у беш метр олға сурилади, кейин учинчи шерикка навбат келади. Белгиланган манзилга етиб боргунча шундай давом этаверади. Агар бирор қор-ҳол бўлиб, шеригинг яраланиб қолса, уни душман территориясида қолдириш мумкин эмас. Иложи борича уни олиб келишга ҳаракат қилиш керак.

Уч йигит секин-аста эмакларда давом этишди. Тиканли силлар ёнига боришгач, яна ўнгга юришди. Душманнинг кўзи тушмайдиган, нисбатан беҳавотир жойдан «дарча» очишди. Ундан

ўтиб, йўлнинг ярмига бориб қолишганда Коробкинга ўқ тегиб ўлди. Кобальчук энди нима қиламиз, дегандай командирига қаради.

— Орқага қайтиш йўқ, нима қилиб бўлса ҳам топшириқни бажаришимиз керак, — деди Исетов.

Улар яна эмаклашда давом этишди. Емғир суви ички кийимларигача ўтиб, совқата бошлашди. Ҳаракатлари секинлашди. Улар ҳозир душман ортига ўтиб, дот томон эмаклаб боришаётганди. Усларидан ўзимизникилар тинмай узаётган ўқлар чувиллаб ўтиб турарди. Дотга 30-35 метрча қолганда Кабальчукнинг ўнг қўлига ўқ тегибди. У ари қаққандай афтини бужмайтириб, билагини чангаллади. Гимнастёркаси энгидан қон оқа бошлади.

— Қийин аҳволда қолдик-ку, ўртоқ сержант, — деди Кабальчук. — Мен энди эмаклай олмайман.

— Ҳечқиси йўқ, шу ерда ётатур, нима бўлсак бирга бўламиз.

Исетов шеригига шундай деди-ю, аслида ўзининг юрагига ҳам бироз гўлгула тушди. Жуда қалтис вазифани зиммасига олганлигини илк бор чуқур ҳис этгандай бўлди. Шериклари ёнида бўлса бир нави эди. Рўпарада дўмбабий турган дот ичида қанча фашист бор? Уларга бир ўзи бас келаолармикан? Ёки у ҳам асфалософилинга кетармикан? Қизиқ, шунда беихтиёр уйда — жонажон Туркистонда ёлғиз қолган онасини ўйлади. Уғли ўлса онасининг ҳоли нима кечади? Куйиб тамом бўлади-ку! «Сени омон қайтганингни, бошинг жафут бўлганини кўрсам ҳеч армоним қолмасди», деганди Хадича опа ўғлини фронтга бира қузатаётди. Наҳотки унинг орзулари амалга ошмайди? Йўқ, Расул ўлмаслиги, ажални доғда қолдириши керак!

У дадил олға интилди. Хайриятки, ҳеч ким пайқамади. Дот томига чиқди-да, тутун чиқадиган туйнугидан икки гранатани кетма-кет ташлаб ўзини четга отди. Кучли портлаш рўй бериб, ичкарида дод-вой эшитилди. Портлаш зарбидан дот эшиги ҳам очилиб кетди. Адирликда «Ура!» садолари янгради. Бизникилар ҳужумга кўтарилишди. Расул вақтни бой бермай сакраб турди-да, ўзини дот ичига урди.

— Хенди хох!!

Ташқари ёруғ, ичкари қоронғу эди. Фашистларнинг оҳ-воҳи эшитиларди-ю, ўзлари кўринмасди. Ҳозир Расулни улардан биронтаси отиб ташлаши ҳам мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Фашистлар кўлларини кўтариб, ташқарига чиқа бошладилар. Улар ўн учта экан. Тўрттаси ўлди, тўққизтаси асир тушди. Сал вақт ўтмай қуролдошлар ёрдамга етиб келишди.

Шу куни иккинчи мудофаа чизиғини эгаллашда ҳам Исетов мана шу жасоратини яна такрорлади. Граната портлашидан дот эшиги очилиб кетганда, сержант ўзини ичкарига урди ва 24 фашистни асир олди. Беш солдат, бир офицерни ўлдирди. Исетовнинг дадил ҳаракати пиёдаларга йўл очди ва натижада тепалик эгалланиб, иккита 37 миллиметрли тўп, икки станокли пулемёт, 6 қўл пулемёти, икки огнемёт, тўртта танкка қарши қурол, 60 милтиқ, талайгина снаряд, ўқ-дорилар ўлжа олинди.

11 октябр кўни душман мудофаасининг олдинги чизиғини разведка қилиш бўйича буйруқни бажараётганда Исетов бошлиқ жангчилар группасига яна душман дотидан ўқ ёғдирилди. Командир солдатларини пистирмага қўйди-да, ўзи буталарни паналаб, дот томон эмаклаб кетди. Уни портлаб, ўн беш фашистни қириб ташлади. Кейин пистирмада ётган қуролдошлари етиб келишди. Биргалликда инженерлик жиҳатидан яхши жиҳозланган 100 погон метрдан ортиқ хандақни душмандан тозалашди. Бу тенгсиз жангда 50 немис солдатини ва икки офицерини йўқ қилишди, битта 37 миллиметрли тўпни, икки станокли пулемётни, икки танкка қарши қуролни, бир огнемёт, 40 милтиқ ва ўқ-дори омборини ўлжа олишди.

Қизил армиячилардан ҳам анчагинаси қурбон бўлди. Ҳалок бўлганлар орасида жасур разведкачи Степан Фальчук ҳам бор эди. Қуролдошлари уни тоғ этагидаги қабристонга зўр иззат-ҳурмат билан дафн этишди. Полк командирини жасур разведкачи мардона ҳалок бўлганлиги тўғрисида унинг оиласига мақтуб юборди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, район маркази Рахов озод қилинди. Ғолиб қизил аскарлар шаҳарчага саф-саф бўлиб кириб боришди. Уша кундаги тантана ҳамон Расул аканинг кўз ўнгиди. Черков кўн-ғироқларининг байрам жараиғ-журунги бир дақиқа ҳам тинмаётганди. Йўлнинг икки томони гулдаста, нон-туз, турли ноз-неъматлар кўтарган одамлар билан тўла эди. Қўлларидаги нарсаларни дуч келган қизил аскарга бериб, уларни бағрларига босиб табрикларди. Аёлларнинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Сал нарироқ боришганда янада таъсирлироқ воқеа рўй берди. Одамлар бутун кўчани энлаган қизил алвонга «Ужгороддан Кремлгача — ҳаммаси рус еридир!» деган сўзларни ёзиб, қизил аскарлар йўлига пешвоз чиқишди. Бу билан 1939 йилда Совет Иттифоқида қўшилган Ғарбий Украина аҳолиси ўз тақдирларини ҳаммишаликка Советлар юрти билан боғлаганликларини изҳор қилдилар.

18 октябрда қўшинларимиз Сигетда турганида Карпатдан муваффақиятли ошиб ўтиб, бир қатор шаҳарларни (шу жумладан Ясиня, Рахов ва Сигетни) озод этганлиги учун 17-ўқчи корпус қўшинларига Олий Бош Қўмондоннинг ташаккурномаси Москва радиосидан ўқиб эшиттирилди. 17-ўқчи корпусга, 138-дивизияга Карпат номи берилди. Шундан кейин уч-тўрт кун ўтгач, Расул Исетов билагидан яраланиб госпиталга кетди. Бир ойдан сўнг тузалиб, қисмга қайтганда, батальон командирини у Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвоинга тавсия этилганлигини маълум қилди. 1945 йил 24 мартда Расул Исетовга шу юксак унвон берилганлиги тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинди. Кейин Баланд Татра, Кошица, Моравску Острова учун жанглар бўлди. Буюк Ғалаба кунини Расул ака полкдошлари билан Прага яқинида кутиб олди.

1945 йилнинг июнь ойи бошида Москвада бўладиган Ғалаба парадига тайёргарлик кўриш тўғрисида буйруқ бўлди. Ҳар полкдан учтадан жангчи танланди. Булар фронтнинг оғир йўлларидан мардона жанг қилиб ўтиб, орден ва медаллар билан мукофотланган жангчилар эди. 650-полкдан танланган уч жангчининг бири Расул Исетов эди. Уларни махсус поездда Москвага олиб келишди.

4-Украина фронтининг терма полки Москва шаҳридаги ҳарбий казармалардан бирига жойлашди. Шаҳар яқинидаги аэродромда бир ойма яқин параддан ўтишни машқ қилишди.

1945 йил 24 июнда Қизил Майдонда тарихий Ғалаба парад бўлди. Ҳар бир терма полк олдида фронт қўмондонини, унинг ортидан армия ва корпус қўмондонлари боришди. Расул Исетов параддан ўз полки байроғини кўтариб ўтди.

Кейин улар яна жонажон ҳарбий қисмларига қайтишди. Бир йил Закарпатияда туриб, келгинди бузғунчилардан ташкил топган бөндер бандаларига қарши кураш олиб боришди. Расул Исетов жонажон Туркистонига 1947 йилда қайтди.

* * *

Фронт йилларидаги Ясиня билан ҳозирги Ясиня ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Урушда вайронага айланган бу посёлка ғалабадан кейинги тинч қурилиш йиллари ўзгача бир чирой кашф этди. Колхозчилар ўзларига замонавий уйлар қуриб олишди. Колхоз экономикаси ҳар томонлама юксалди. Посёлкада ажойиб мактаб, боғча, маданият саройи, Ясиня тарихини акс эттирувчи музей етди. Шунда улар ўз юртларининг жанговар тарихи билан қизиқиб, уни немис фашист босқинчилардан озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашган кишиларни излай бошладилар. Рахов район пионер ва ўқувчилар уйидаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алексей Борканюк номидаги отряднинг қизил изтопарлари бошлаган бу ишга ҳарбий таълим ўқитувчиси Василий Степанович Молдавчук раҳбарлик қилди.

Бу воқеа 1966 йилда бўлган эди. Қизил изтопарлар 138-Карпат ўқчи дивизиясининг собиқ командири, генерал-лейтенант В. Е. Васильев билан алоқа ўрнатдилар. У Арпад линиясидаги асосий дотларни олишда зўр жасорат кўрсатиб, Қаҳрамон бўлган ўзбек йигитни топиш вазифасини қўйди.

— Ясинянинг қаҳрамон халоскори шу йигит бўлади, — деди генерал. — Сизлар уни албатта топишларинг керак.

— Унинг исм-шарифи нима? Адресини биласизми?

Генерал бу саволларга аниқ жавоб бераолмади. Фақат 650-полкдаги 7-рота командири, капитан Ханкишиевнинг адресини айта олди.

— Шу одамга мурожаат қилиб кўринглари, эҳтимол билар.

Ўқувчилар Ханкишиевга мактуб ёзишди. У қаҳрамоннинг исм-шарифини маълум қилди-ю, лекин адресини айта олмади. «Менимча у Туркменистондаги қайси бир шаҳарлик эди», деб ноаниқ жавоб қилди. Шундан кейин ёшлар Исетовни анча вақт Туркменистондан излашди, лекин уринишлари беҳуда кетди.

Қаҳрамоннинг изини СССР Мудофаа министрлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивдан топиш мумкин бўлди. Бу ердан қаҳрамоннинг мукофот varaғи, фронт ҳарбий Советининг уни қаҳрамонликка тавсия этиш тўғрисидаги қарори ва СССР Олий Совети Президиуми фармонидан нусха олиб қайтишди. Исетовнинг уй адреслари ҳам маълум бўлди. Шундан кейин Чимкент область, Туркистон шаҳар ҳарбий комиссариатига мактуб ёзишди. У ердан тезда жавоб келди. Бу жавобда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов Туркистон шаҳрининг Крилов кўчасидаги уйда соғ-саломат яшаётганлиги айтилганди.

1980 йил апрелда Исетовга Закарпатиядан мактуб келди. Унда Ясиня посёлка Совети уни Ғалабанинг 35 йиллиги кунларида Ясиняга меҳмон бўлиб келишга таклиф этганди. Расул ака бу мактубни Туркистон шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирида биргадир бўлиб ишлайдиган полкдош дўсти, у билан бир ротада жанг қилиб, станокли пулемёт командири бўлган Сулаймон Абдурахмоновга кўрсатди. Икки дўст Ясиняга бирга борадиган бўлишди. Расул ака рафиқаси Мастура опани ҳам бирга олиб борди.

Ветеранлар аввал Львовдан икки юз километр масофада бўлган Стрий шаҳрига боришди. Уларнинг бу ерда ҳам полкдош дўстлари бор эди. Ойтуар Сарибоев деган бу одам асли Қизил Урдалик бўлиб, етим ўсганди. Шунинг учун ҳам урушдан кейин тўғилиб ўсган шаҳрига қайтмади. Ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлиб ишлаган украин қизни севиб уйланиб, унинг юртида яшаб қолди. Аммо полкдош дўстлари билан алоқани узмади.

Туркистонликлар Стрийда бир кун меҳмон бўлишгач, Ясиняга кўнғироқ қилишди. Кўп ўтмай у ердан енгил машина етиб келди. Оқшом қадрдон Ясиняга кириб боришди. Меҳмонларни посёлкага кираверишда гулдасталар билан кутиб олишди. «Эдельвейс» турбазасида бироз вақт гурунглашиб ўтиришгач, посёлка Советининг раиси шундай деди:

— Расул Исетович, энди сизлар дам олинглар, йўлда ҳориб келгансизлар. Фақат бир илтимос, эрталаб туриб душман дотини портлатган жойингизни топиб қўйсангиз. Кундуз соат ўн иккида ўша жойда Ғалабанинг 35 йиллигига бағишлаб, Ясиня меҳнаткашларининг митингини ўтказамиз.

Мезбонлар хайрлашиб чиқиб кетишди, меҳмонлар хона-хоналарига кириб, кроватга чўзилишди. Қани энди, Расул аканинг кўзига уйқу келса. Уруш тугаганига 35 йил бўлди, кўп нарса хотирадан кўтарилган. Ясиня қиёфаси ўзгарганлиги ҳам сезилиб турибди. Портлатган доти топилмаса-я! Одамлар тўпланиб келса, у аниқ бир жойни кўрсатолмаса ёки англиш кўрсатса. Унда нима бўлади?

Расул ака чалқанча ётиб хаёл сурганча, 36 йил бурун бўлган воқеани эслашга ҳаракат қилди. Баъзи бир манзаралар кўз олдига келгандай бўлди. Жангчиларимиз пистирмада ётган жойдан унча олис бўлмаган ерда — пастликда бир тегирман сув оқадиган ариқ бор эди. Шу ариқда одам ўтса лопиллайдиган, сувга тегай-тегай деб турган кўприк бўларди. Ушанда улар уч киши аста келишди-да, кўприкдан ўтиб, довонни ёнлаб, эмаклаб кетишди... Агар шу кўприкни топса, уёғини аниқлаш қийин бўлмайди.

Расул ака эрталаб одати бўйича барвақт турди-да, кийиниб ташқарига чиқди. Турбаза биноси баланд, сердрахт жойга қурилганди. У пастга—дала томонга юриб, ариқни қидирди. Не кўз билан кўрсинки, ўша ариқ ҳам, ўша кўприк ҳам ҳамон турарди. Суюниб кўприк ёнига борди, кейин ундан ўтиб, ёш йигитлардай ғайрати жўшиб, тепаликка интилди. Ҳадемай, ўзи портлатган дотни ҳам топди. У ҳамон урушининг вужудида титроқ пайдо бўлди. 36 йил бурунги воқеалар кўз ўнгидан бир-бир ўтиб томоғи ачишгандай бўлди. Дот устидан туриб пастликка қаради. Бу ердан атроф кафтдагидек кўриниб турарди.

... Хув ана, ариқнинг ортидаги ўнгирликларда бизнинг жангчилар ётган хандақлар бўларди. У ердан бизникилар бир неча марта ҳужумга ўтишди, аммо яна орқага қайтишди. Ҳалок бўлганларнинг жасадларини тунда санитария батальони жангчилари териб олиб кетишарди. Одам боласи

йиғлаб туғилади, инграб ўлади, дейишади. Лекин урушда ўлганларнинг кўпи «оналаб» жон беришган, айни навқирон чоғларида ҳаётга тўймай, кўзлари очиқ кетган. Бунга Расул ака шоҳид. Прут дарёсини кечиб ўтишаётганди. Дарё тўла одам. Солда ўтаётганларнинг ҳам, сузиб ўтаётганларнинг ҳам сон-саногии йўқ. Шунда бирдан қаердандир бир «Миссершмидт» пайдо бўлди-да, пастлаб учиб келиб, пулемётини сайратиб, дарёни қип-қизил қон қилиб кетди. Шунда ўнлаб йигитлар «Она!» «Онажон!» деб бақириб сувга чўкиб кетишди. Уруш мобайнида бундай фожиалардан қанча-қанчаси юз бермади.

Расул ака дот ичига кирди. Немисларни қандай асир олганини ўйлади. Ушанда у ёлғиз, немислар кўпчилиги эдилар. Учаси бирдан ёпишса уни тинчителиши мумкин эди-ку. Немислар нега шундай қилишмади? Ҳозир ўйласа, ўшанда бирдан рўй берган портлаш натижасида душман эсанкириб қолди. Яна бу совет солдатининг шу атрофда яшириниб турган шериқлари бор, деб ўйлаган бўлишлари ҳам мумкин. Расул уларни ташқарига ҳайдаб чиқиб, милтиқлари, соатларига чак тортди олганда ҳам қаршилиги кўрсатишга журъат этишмади.

...Соат 12 да тепаликка кўплаб одамлар йиғилишди. Ясиня посёлка Совети раиси Ғалабанинг 35 йиллигига бағишланган митингни очди. Кейин у Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов, Ойтуар Сарибоевга сўз берди. Шу ерда яшаб меҳнат қилаётган уруш ва меҳнат ветеранлари ҳам гапиришди. Уруш қатнашчиларини пионерлар табриклар, гулдасталар ҳада қилишди. Митинг сўнггида Расул Исетовга Рахов шаҳрининг фахрий граждани бўлганлиги тўғрисидаги, Сулаймон Абдураҳмонов ва Ойтуар Сарибоевга Ясиня посёлкаси фахрий граждани бўлганликлари тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Уруш ветеранлари бу ерда ўн кун туриб, закарпатияликларнинг азиз меҳмони бўлишди.

* * *

Шундан кейин Ясиня билан Туркистон ўртасида дўстлик алоқалари ривожлана бошлади. Закарпатиялик пионер ва комсомоллар қаҳрамонга мактублар, байрам табрикномалари йўллаб, ҳолидан хабар олиб туришни ўзларининг инсоний бурчлари деб билишди.

Орадан яна йиллар ўтди. Совет халқи Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётганида ясинялик ёшлар яксон қилинган фашист доти ўрнида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов ва унинг қуролдош дўстлари жасорати шарафига обида бунёд этиш ташаббуси билан чиқдилар. Ясинялик ёшларнинг бу ташаббусини бутун Рахов райони меҳнаткашлари қўллаб-қувватладилар. Алексей Борканюк номидаги колхоз комсомол ёшлари дала-ларда меҳнат қилиб, қуриладиган обида учун маблағ тўплашга аҳд қилдилар. Украина тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш жамияти Закарпатия область бўлими правленияси ҳам маблағ ажратадиган бўлди. «Эдельвейс» турбазаси директори Юрий Ключевский, ёғоч комбинати инженери Карл Зелинский, қизил изтопарлар раҳбари Василий Молдавчук ҳамкорликда Костирипка тоғида қуриладиган обиданинг лойиҳасини тайёрладилар. Ундаги мәрмар тاختага зарҳал ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзиб қўйиладиган бўлди: «Бу ерда 1944 йилнинг 1-11 октябрларида 138-Карпат ўқчи дивизиясининг 650-ўқчи полки разведкачилар взводи командири, катта сержант Расул Исетов бир группа жангчилар билан Арпад линиясини штурм қилиш пайтида жасорат кўрсатган. Бу жасорати учун унга СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган».

Шундан кейин яна қуйидаги сўзлар битилган: «Обида Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги шарафига ўрнатилган».

Обида қурилиши муносабати билан қизил изтопарлар қизил армиячиларнинг Ясинядаги жасорати билан боғлиқ қўшимча фактларни аниқлашга киришдилар. Яна Подольск шаҳридаги архивга бориб, янги ҳужжатлар кўздан кечирилди. Яна изланишлар бошланиб кетди. 1985 йилнинг бошида Туркистон шаҳридаги Расул Исетов ўқиган Калинин номидаги 2-ўрта мактаб интернационал дўстлик клуби президенти Моҳигул Аминова номига Закарпатиядан хат келди. Унда шундай сўзлар битилганди:

«Калинин номидаги 2-ўрта мактаб интернационал дўстлик клубининг ҳурматли аъзолари! Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги яқинлашмоқди. Бу кўп миллатли Ватанимиз тарихидаги шонли санадир. Бу санани муносиб кутиб олиш барча совет кишилари, шу жумладан биз пионер ва комсомол ёшларнинг ҳам шарафли бурчимиздир.

Биз яшайдиган Ясиня посёлкаси Закарпатиядаги энг обод ва сўлим посёлкалардандир. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидай тотув турмуш кечиришади. Биз ёшлар эса ўз ота-оналаримиз бағрида яшаб, ўқиб-ўрганиш, илм чўққиларини эгаллаш имконига эга эканлигимиздан бахтиёрмиз. Аммо бу бахт ўз-ўзидан қўлга киритилган эмас. Бунинг учун юзлаб ва минглаб кишилар қурашган ва қон тўкишган. Шундайлардан бири бизнинг ҳамюртингиз, мактабдошингиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетовдир. Бу киши мана беш йилдирки, Рахов шаҳрининг фахрий граждани ҳисобланади. Бизда ҳар бир мактаб ўқувчиси Расул Исетов Ясиня немис фашист босқинчилардан озод қилишда катта жасорат кўрсатганлигини яхши билади.

Ясинялик ёшлар Расул Исетов жасорат кўрсатган Костирипка тоғида обида қуришга қарор қилишди. Ҳозир бу иш амалга ошириляпти. Яна биз Ясинядаги Алексей Борканюк номидаги музейда Расул Исетов бурчагини ташкил этишни режалаштирдик. Шу муносабат билан бу киши ҳақида қўшимча маълумотлар тўплашда ёрдам беришингизни илтимос қиламиз. Айниқса унинг қандай ўқиганлиги, урушдан кейинги ҳаёти, фарзандлари қандай кишилар бўлиб етишганлиги бизни қизиқтиради. Болалик давридаги расмларидан бўлса юборинг.

Салом билан, Ясинядаги ўрта мактаб интернационал дўстлик клуби аъзолари».

Моҳигул дарҳол клубдошларини йиғиб, маслаҳатлашди. Кейин улар дўстлар илтимосини бажаришга киришди. Орадан кўп вақт ўтмай Расул Исетов ва унинг оила аъзолари, 2-ўрта мактаб ҳаёти акс этган расмлар ва қаҳрамон ҳақидаги барча зарур маълумотлар битилган хат солинган бандерол Закарпатияга жўнатилди. Туркистонликлар ўз мактубларидан закарпатиялик дўстларини меҳмонга таклиф қилишди.

1985 йилнинг март каникулида Рахов район қизил изтопарлари экспедицияси Ясиня — Киев — Тошкент — Туркистон — Москва — Рахов маршрути бўйича йўлга чиқди. Василий Молдавчук бош-



Рахов районидан келган қизил изтопарлар экспедицияси аъзолари Туркистон шаҳридаги Калинин номи 2-ўрта мактаб педагоглари ва Расул Исетов билан бирга.

чилик қилган ўн бир кишилик бу экспедициянинг олдига қўйган мақсади разведкачи С. А. Фальчукнинг оила аъзоларини топиш ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетовнинг яшаш шароитлари билан танишиб, уни Ясиняда Ғалабанинг 40 йиллиги кунлари бўладиган тантаналарга таклиф қилишдан иборат эди. Экспедиция фойдали бўлди. Изтопарлар разведкачи Степан Фальчукнинг рафиқаси Анна Корнеевнани ва фарзандларини қидириб топишга муваффақ бўлдилар. Улар Киев областининг Васильково районидаги Калиновка қишлоғида яшашаркан. Ёшлар жасур разведкачининг оила аъзоларига оталарининг жасорати ҳақида гапириб бердилар. Уларни Ғалабанинг 40 йиллиги кунларида Ясиняга боришга таклиф қилдилар.

1985 йил 28 март куни Туркистондаги 2-ўрта мактаб коллективи Закарпатиялик меҳмонларни кутиб олди. Шу муносабат билан мактабда тантанали линейка бўлди. Уни мактаб директори Абдухошим Жумадуллаев очди. Кейин экспедиция раҳбари В. С. Молдавчук, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов, Калинин номидаги мактаб интернационал дўстлик клуби президенти Моҳиғул Аминова ва бошқа ўртоқлар гапиришди. Барча нотихлар ўз нутқларини дўстлик ва қардошлик мавзусига бағишладди.

— Ўтган уруш совет халқи бошига тушган оғир синов бўлди, — деди Расул Исетов. — Биз бу синовдан кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг дўстлиги туфайли муваффақиятли ўтдик. Айнан бизнинг бир оила фарзандларидай жипслигимиз душман учун кутилмаган ҳодиса бўлди. У ҳар қанча қутуриб ҳужум қилмасин, хийла-найрангларини ишга солмасин, дўстлигимизга раҳна сололмади. Шу маънода ўтган урушдаги ғалабамиз халқлар дўстлигининг чинакам тантанаси бўлди. Шунинг учун ҳам ҳозирги ёшлар ўз оталарининг шонли аъаналарига содиқ қолишлари, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг янада мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшишлари керак.

Қаҳрамоннинг бу сўзларини ўқувчи ёшлар гулдурос қарсақлар билан кутиб олишди. Шу кунги Калинин номидаги мактабда ҳам қизил-изтопарлар отряди тузилди. Бу отряд Закарпатияни озод қилиш учун жанг қилган ўрта осиеликларни топишда раҳовлик дўстларига ёрдам кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Меҳмонлар Туркистонда бир ҳафта бўлишиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди, хонадонларда чинакам ўзбек меҳмондўстлигининг шоҳиди бўлишди. Қаҳрамоннинг уйда ҳам бўлишиб, унинг яхши турмуш кеचиряётганлигини, урушдан кейин социал таъминот ва савдо соҳаларида узоқ йиллар ҳалол ишлаб, яхши обрў-эътибор орттирганлигини билишди. Исетов ўқиган мактаб ҳам ўзининг шонли тарихи ва аъаналари бўлган билим даргоҳи экан. Совет ҳокимиятининг тонготарида маърифатпарвар кишилар томонидан ташкил этилган бу мактабда ўқиган ёшлар орасидан Расул Исетовдан ташқари, яна икки Совет Иттифоқи Қаҳрамони, таниқли ёзувчилар, олимлар, партия ва давлат арбоблари етишиб чиққан экан.

Закарпатияликлар қайтар чоғларида Расул Исетов ва Сулаймон Абдураҳмоновни Ясиняда қурилаётган обиданинг очилишига таклиф қилишди. Ветеранлар бу ҳақда Ясиня посёлка Советидан ҳам расмий таклифнома олишди. Шундай қилиб улар ўзлари учун азиз масканга оила аъзолари билан иккинчи марта боришди. Ясиняликлар ўз халоскорларини иккинчи марта шодиёна кутиб олишди.

1985 йил 9 май куни Костиривка тоғида бўлган тантанани унинг иштирокчилари узоқ вақт унитмайдилар. Ҳаво илиқ, қуёш чарақлаб турарди. Оқ чойшаб ёпилган обида атрофига юзлаб кишилар тўпланишди. Рахов район партия комитети ва район ижроия комитети вакиллари, Расул Исетов ва Сулаймон Абдураҳмонов, Степан Фальчукнинг фарзандлари — Валентина ва Николай ҳаяжонли нутқлар сўзлашди. Қизил изтопарлар Анна Горкавчук, Марьян Черногуз қадимий ўзбек шаҳри Тур-

кистондаги дўстона учрашувлар ҳақида, мазкур экспедиция натижалари учун унинг барча аъзолари совет пионерларининг марказий матбуот органи — «Пионерская правда» изтопарлари сафига қабул қилинганликлари ҳақида фахрланиб гапиришди. Расул Исетов тўпланганларга жасур разведкачилар Фальчук ва Коробкин ҳалок бўлган жойларни кўрсатди, уларнинг қандай жанг қилганликлари ҳақида гапириб берди.

Митинг қатнашчилари Ясиняни озод қилиш учун бўлган жангларда ҳалок бўлган жангчилар қабрига гулдасталар қўйишди. Расул ака билан Сулаймон ака қабрларни бир-бир кўздан кечиришга кўзларига жиқ-жиқ ёш олишди. Қабрлар устидаги мармар тахтачаларга ёзилган фамилияларнинг кўпчилиги таниш эди. Ясиняни озод қилиш учун жами 498 солдат, сержант ва офицер ҳалок бўлган экан. Шулардан 40 нафари Урта Осиё халқларининг вакиллари экан.

Туркистонлик меҳмонлар Закарпатияда бир ҳафта бўлишди. Меҳнат коллективларидаги, хонадонлардаги тўй ва тантаналарда қатнашишди. Ясиня, Лазишчин ва Кевелев посёлкаларидаги мактабларда бўлишиб, мардлик дарслари ўтказишиб, Рахов районини озод қилиш учун бўлган оғир жанглар ҳақида ёшларга гапириб беришди.

Ясинядаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алексей Борканюк номидаги музейда «Ясиня солнома-си» ёзиб борилади. Унинг зарварақларига ўзбек йигитлари Расул Исетов ва Сулаймон Абдурахмоновнинг жасоратлари ҳақидаги ҳикоялар ҳам битилган. Музейда уларнинг ҳаётига оид экспонатлар билан танишиш мумкин.

Костирипка тоғида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетовнинг жасорати шарафига қурилган обида бугунги кунда ясиняликлар ва «Эдельвейс» ҳамда «Молдова» туристик базаларида дам оладиган кишиларнинг сеvimли зиёратгоҳига айланган. Бу ерга улар мармардан махсус қурилган сўқмоқ орқали чиқадилар. Обиданинг мармар супчасида қишин-ёзин гулдасталар қўйилган бўлади.

* * *

1985 йилнинг сентябри. Мактабларда ўқиш янги бошланган. Калинин номидаги 2-мактабнинг 2«а» синфи ўқувчиларига бирданга ўттизта хат келди. Конвертларда хат эгаларининг фамилиялари кўрсатилмаганди. Хатлар: «Синфнинг биринчи партасидаги тенгдошимга», «Синфнинг тўртинчи партасидаги тенгдошимга» каби сўзлар билан бошланарди. Бу хатларни Ясинядаги ўрта мактабнинг 2«а» синфи ўқувчилари ёзишганди. Кўпчилик ўқувчилар ҳайрон бўлишди. Биргина Шаҳрибону Усмонова таажжубланмади. У дарҳол баҳордаги воқеаларни эслади. Ушанда Шаҳрибону Закарпатиядан келган меҳмонлар орасидаги тенгқури Марьян Черногуз билан дўстлашганди. Унга ўз синфдошлари, ўқишлари ҳақида гапириб берганди. Ушанда Марьян Шаҳрибонуга «Кел, бутун синфимиз билан дўстлашайлик», деб таклиф этган, ўзбек қизи рози бўлганди. Бугунги мактуб ана шу таклифнинг натижаси эди. Шаҳрибону бу ҳақда синфдошларига гапириб берди. Кейин улар закарпатиялик дўстларига жавоб мактуби ёзишди. Шундан бери икки синф ўртасида дўстлик ёзишмалари давом этмоқда.

Бугунги кунда Ясинядаги ва Туркистондаги дўстлашган ўрта мактабларда шон-шухрат хонаси мавжуд. Унда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетовга бағишланган бурчак ҳам бор. У тобора янгидан янги экспонатлар билан бойиб, икки халқ, икки мактаб ёшлари дўстлигининг рамзига айланиб қолаяпти.

Расул аканинг хонадошида Янги йил байрами кунлари бўлди. Меҳмонхонада кўм-кўк арча безатиқлик турарди.

— Бу арчани Ясинядаги мактаб ўқувчилари юборишган, — деб изоҳ берди уй эгаси. — Улар ҳар йили шундай қилишади. Янги йил арафасида менга, полкдош дўстим Сулаймон Абдурахмоновга, Калинин номидаги мактабга ва Туркистон шаҳар пионер ва ўқувчилар саройига махсус қопларда арча юборишади. Янги йил совғалари ўз вақтида етиб келган-келмаганлиги билан қизиқишади. Ҳар йили уйимизни Карпатнинг хушбўй арчаси безайди.

Туркистонлик пионер ва комсомоллар ҳам қараб туришмайди. Янги йил арафасида Урта Осиёнинг тансиқ мевалари, байрам табрикномалари солинган посилкаларни Ясиняга жўнатишади. Совет ёшлари ўз оталарининг шонли анъаналарини ана шундай давом эттириб, ўзаро дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашапти.



Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий

УЧРАШУВ

Роман

...Эндигина баҳор бўлгангами ерлара турлигина яшил ўлонлар кўкаруб, қуёш ёқтисиндан ўзиндаги табиий бир жилолар била тоблануб тура. Дарахтлардаги янги баргларида субҳдаги оз ёғин суви била ўрнаган чанг, ғуборлари тозорлануб ҳолсизгина бир шаббода кучи била қолтураб, ёлтураб тура. Узунгина қош каби эгилуб-қайилуб кетган тор йўлнинг ёнида кўлмак тиниқлигина кичик ариқнинг сувида жимирлаб шитир-шитир ётуб ёқимли бир ҳазир овоз била сузилиб оқуб тура. Бир хил эрта баҳор чечаклариндан гули савсар, лола, сейлон гул каби энг нозик, энг хушранг гуллар маъшуқаларнинг ушшоққина боқуб, сўйлаб эттидиклари марҳаматона табассум кибик ғунчалари оғзиндан қизил, кўк, яшилликларин хўмраюбгина кўрсатуб тура. Бу вақтларда табиий, деярли мунгли, дардлик ошиқлар ноласи кибик турли қушлар теграсина ташаккур учунми, ёхуд ўлмай саломат бу баҳорада етушганларининг шодиёнаси учунми, ҳар на бўлуб таҳассурона! табашшурона бир товушлар ила дарахтлар шоҳиндан-шоҳина секраб сайрашуб туралар. Мана туш охири бўлгангами ҳамма бозор ишина кетган бўлурға керак. Тим товушсиз Юсуфдан бошқа бир кишида йўқ. Ул ўзи энди юраклари алланималар била қисилган, фикру хаёли бутун таролган, ўйлаб ўйина ета олмаганликдан ўзини овунтирмоқ, юрагин бир озгина бўшатмоқ учунгина мадрасадан чиқғонда тўғри уйина қайтмай шул боғчага келган. Китобларин бир тош устина қўюб боғчанинг ҳар бир манзаралик ерла-

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий 1914—1916 йиллар мобайнида баракали ижод қилди. У лирик асарлари билан бир қаторда драматик, публицистик мақолалар ва прозаик асарлар яратди. Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Мухторият ёки автономия» каби драмалари, «Енгил адабиёт», «Уқиш китоби», «Қироат китоби» каби педагогик рисоалари, «Янги саодат», «Ҳақиқат кимда!», «Учрашув» романлари шу давр маҳсулидир.

Бу даврда яратган асарларини кўздан кечиран эканмиз, Ҳамза кўз ўнгимизда маърифатпарвар адиб сифатида гавдаланади.

Ўзбек адабиёти тарихида Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг насрий асарлари, жумладан, «Янги саодат», «Ҳақиқат кимда!» «Учрашув» номли романлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Адибнинг 1914 йилда ёзилган «Янги саодат» романи 1915 йилда тошбосмада нашр этилган ва кўпчилиكنинг диққатига сазовор бўлган. Масалан, «Ал Ислоҳ» журналининг 1915 йил 15 июль сонида «Янги саодат» асари ҳақида қуйидагича ахборот берилган:

«Янги саодат» исмли 46 саҳифали туркий ва Туркистон шевасинда бир миллий рўмоннинг янгидан таъб бўлуб, нашр қилинуви бизни кўп масрур этди. Халқни ўқув ва ёзув тарафига тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шевасинда бунингдек таъсирли рўмон нашр ўлинмамиш десак муболаға бўлмаса керак».

Ҳамзанинг кейинги романи «Ҳақиқат кимда!»нинг тақдири эса Ҳамза таъбири билан айтганда қуйидагича яқунланган:

«...Эски подшолар турмушидан «Ҳақиқат кимда!» исмли ҳавосиз опералик бир роман ёзган эдим, ўғирлатдим, букунки топилмайдур».

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг «Учрашув» («Тўрт ишқ») романи ҳам бизгача тўлиқ етиб келмаган. Биз унинг биринчи бўлимига эгамиз, холос.

Мухаббат мавзундаги «Учрашув» номли асари 1916 йилда ёзилган. Асар қўлёзмасининг тўла нусхаси ҳозиргача топилган эмас. Романининг бизгача етиб келган биринчи қисми 20 варақдан иборат бўлиб, 3 та бобга ажратилган. У ЎзССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7628XII инвентарь рақами билан сақланади. Роман оддий бир чизиқли дафтарга араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида қора сиёҳ билан ёзилган. «Учрашув» романининг мазкур қисми Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланаётган Ҳамза «Тўла асарлар тўплами»нинг иккинчи томига киритилган.

Назира ҒАНИХУЖАЕВА,
филология фанлари кандидати

рин айлана, қушларнинг мунгларини қулоқ солуб бироз тўхтай. Яна ҳалиги гулларнинг ёнина кела узаси кела, қўлин узатиб оҳиста ушлий, бурнин оборуб искар. Етиб очилмаганга ҳали тоза очилмаган бу ғунчани узувдан на фойда, кўз бўлса кўрубтура, деб қизғона-да, узмай кўюб юбора. Ариқча бўйина кела, қўлин ювуб сувларни ўлонлар устина соча, уйнай. Лекин ҳамон хаёл, ҳамон ўй. Бу фикрни кўнглидан йўқота олмайди. Туруб китобиндан бир варақда на ёзилгандир, у тош устина ўтуруб ўқимоқга киришади. Уқиб бўлғоч, қоршусиндаги йироқдан яшнаб турган бир гул устиндаги булбулғагина кўзи туша. Бечора булбулни қон ёшларин тўкиб куюк бир ҳолат ила қичқируб, чекуб турган нола ва ҳасратларин ва гулдан унга ҳеч бир марҳамат йўқ ва ўлмаслигинда сезуб узун тийрон бир ўйга чўмуб кетгандими, қўлидан қоғозлари тушиб кета. Руҳи бутун йўғола. Юсуф бир жамад² ёки мужассам бир мушкул шаклинда қола. Бунинг учундир кўзининг энг киприк курбатинда ўлон бир муҳим ишларида кўрмий, сезмий, қулоғи оёқ товушигина эмас, ўзининг кўкрагиндан чиқуб турган дардли нафасин-да эшитмий.

Ширин Юсуф учунгинами, йўқ, ул ўзи энди ёшини ўн олтига етуви била нечага кўнглиндан кечалари ўйлануб-ўйлануб, бир суюкли била бўлувни ҳаваслануб сезувундан бу кунда кўнгли кўп тошқонлиқдан ювунган-таранган, қизлар вазифаси ошиқларнинг куюк дилларин жазб этувга энг яқин шиддатли бир восита ўлан қизиллик, қоралик каби пардозлари, момуқдек юзлари, кийик кўзи киби кўзлари, ой устинда марв каби қошларина ўршандурганда ўзининг ёшлиқдан ҳаммақтаби ўлон Рокья хонум қошина боруб бироз дардлашубгина кўнглиндаги ҳасратларин онга айтмоқчи, бироз юпонуб келмоқчи.

Аброр ўзи ҳеч бир хат тонумайдурган, ҳарф ҳам ахлоқ тарафинданда энг тубан, ҳатто ёш бўла туриб бир хил... каби кишилар била улфатлашуб аларнинг сўйи таъсирина бутун берилмиш. Виждон, раҳм каби инсоннинг руҳина мусайқал ва мужалли ўлан таво-сифи инсониятдан³ бутун-бутун бегона, ҳеч бир умид этарлик таассурот йўқ. Ҳамон ўзининг ширингина рафиқаси бўлатуруб, фасод хаёлларда юрий. Мана, Аброрнинг юрагида энг тугун, энг қоттуғ бир дард бор. Эса Шириннинг ғойибона таъриф ва тавсифларин эшитуб, баъзан маҳаллалардаги тўй... каби мақомгоҳлардан-да йироқдан кўзи ора-сира тушуб, чексиз суювдан ва анга не била етишувга чорасина ожизлигиндан ўйлий, ўйина ета олимий бурчлана⁴, баъзан йиғлай, баъзан ёмон бир хил фасод ўйларга-да бора, лекин на чора?!

Розиқбойнинг давлатида яхши, ўзида ақллик, киши нуфузида элга ортик, ҳатто Аброрнинг отаси-да шу Розиқбойнинг тахти ҳимоясинда ёший деярликдир. Бу Розиқбойнинг Шириндан бошқа ўғиллари-да бор. Лекин Ширин кибики ичикуб суймий. Онга бўладурган бир зарар бор экан, мумкин қадар даф этувга ҳар собад⁵ била-да кучи етадир. Мана, Аброр буларни ўйловидин боши қотуб ҳалиги қуруқ сиёсатлариндан ўз-ўзичагина тушуб, ўзига дашномлар бера.

Ширин уйдан чиқғоч эшик ёниндаги тор, узун кўча била кета бошлий. Кўчада бир киши-да бўлмагангами, Ширин юзи очик (чимматини кўтарган), алланима хаёллар, узун нечук фикрлар била кўпда ошукмай секин-секин босуб кела.

Ким, на иш биладир қоршудан чиқуб қолган бадбахт Аброр бир хаёлга боргандир, ўзун сездурмай девор орқасина олди-да, пойлаб, бақраюб турди. Ширин энди-да ҳеч сезмий, хаёли бутун чулғонган, ҳамон кетуб бора. Аброр Ширинни яқин олғоч, дилинда суиқасдни тааҳҳуди⁶ ўлуб бир имтилувга ошиқди. Лекин Ширинни бу хайротин⁷ кўруб муҳаббат туғёниндан бутун ҳолсиз бўлубми, ёхуд мен ҳозир шулай қаттиқ муомила этсам, иккинчи мартаба бутун маҳрум қосам керак. Мен ҳали суйгонимни айтганим йўқ. Бу сезган-да йўқ. Бир айтуб жавоб олувга керак. Қабул этмадимми, сўнгра, тўрт, беш, олти, деб бармоқларини санади-да, тугунубгина қўйди. Ширин яқинина келғоч, бурулиш олдиндан қоршу чиқуб, салом ила бўйин эгди. Тездангина: «Жоним, Ширин, мен сизи суям», дея олди. «Тил югуруги бошга» мақоласин хотиринга келтурган зийрак, оқила, Ширин Аброрнинг шумлигиндан хабардордур. Жой ва вақтнинг қолтуслигиндан андиша қилди-да, юзини ҳам кўп бурмади, қабоғинда чертмади, аммо муросо учунгина: «Сизнинг суювингиза ишониб-да бўлмай, на учун, рафиқангиз бор!» — деб ўта бошлади. Аброр на умид била дейсиз юмшаруб, бутун йиртқиқликдан тушуб оёғина ўзин ташлаб юзин суртмоқчи бўлуб: «Жоним, сиз-да менга суювни ваъда эта олсангиз рафиқами иши осон!» — деди. Ширин яна: «Хўб, сиз ани ишини бир тараф қилинг-да, сўнгра менга сўз қотиштуринг!» — деди. Аброр оқтуқ умидлана, ҳамон тўзтатмоқ, биргина кучмоқ, ширин лаблариндан ўпмоқ тилий, лекин тили совунуб қолувдан-да қўрқа. Ширин эса ҳамон хушмуомала ила бу балодан қутулув, саломат катта кўчага чиқуб олмоққа имтула, ошукча қадам боса ета олмай. Аброрнинг бир нафаслиқгина тўхталуви йўқолди-да, эски ҳолина бутунлай кўчди. Ақлидан озди, кўзи тинди, келажакдан қилган умидини бутун унутди-да, ўзин Ширин кучоғина отди. Бу хил ваҳшиёна ҳолни аввалдан ҳам сезуб турган зийрак Ширин ортуқча толбосаларга яна қўрқди-да, ҳамон йўлга имтуларак ўрта муомалада бўлди. Ойиқ Аброр Ширинни қучуб, юзиндан ўпди-да, кўюб юборди. Ширин ўн-ўн беш одимни тезроқ босуб катта кўчага қичди. Лекин Ширин бошда кўп қўрқуб Аброрни очу била қарши олуб андин қутилув учун энг суръатлик бир чораларга киришуб ҳаракатланди. Нечук кўнгли Аброрни бирда суймий бўлди. Қанча қоршу чиқуб кўришган-да йўқ, сўзлашган-да йўқ. Хаёлиндан бу ишлар кечган-да йўқ. Аммо, ёшининг ўн ол-

тига етуви, юракдаги она қорниндан юмуқ келган ҳиссиёт, нафсония туйғусининг кўз очув минутининг етишуви ҳалиги тийран ўй-фикрлар била секин-секин келуб турганда, Аброрнинг қоршу чиқуб айтган таъзим ва сўзлари эр учунми, ошуғуб кўкрагина босганда, Шириннинг юраги тўп этдида бир сезув таъсиринда ўн қалтиров нозик танина ўрношди. Дедигимиз туйғу кўзи ёлт этди-да, очилди кетди. У минутга Шириннинг ўзонагина махсус бир ҳолат, бир ҳарорат, кўз тинув, бош айланув, юрак сакров, оёқ қалтиров, бораси ерин унутув каби ишлар бири қолмади, бўлди. Лекин ҳамон Ширин кетуб бора. Қайга, қайси тарафга кетуб турганин сезми, ҳамон орқасина қорий. Аброрда йироқдан пойлаб кела, ўзин кўрсатми. Ҳамон яна бир умидда бўлурга вақт ва хилват кўчани кутмакда. Дуруст, Шириннинг юрак туйғу ва муҳаббат қуши уенди. Бир сайд⁸ учун учди. Лекин Аброрга дегил, ҳамон учуб айлануб тура эди. Ширин бу ошиқув-тошиқувдан ўзин ҳеч боса олмай, ўзона бир нафас тўғрилов, ёз-бошларин тузатуб олунинг хаёлиндами ёки бу бошланувдан Аброр таъсириндан отилмиш каманди муҳаббатина бир суюклу сайдни асир этув соати яқинлашган бўлуви, ҳалиги богча ичиндан ўтувгагина тўғри келди. Ширинни умидида келуб турган Аброрнинг баътини қоршув отаси йўлуқуб, бир ишга юборувга мажбур қилди. Аброр бинг ўкунч била умидин узуб кетди. Ширин ҳамон юраги босилмай, кўзи тина, оёғи қолтирий бир дарахт остинда минутларча узун ўйларга чўмиб тура эди. На кўз ила кўрсун, мунда-да бир йигит пойлаб ўлтирғон кибиқ қўрқуб, булар магар икки киши экан-да, деб кўнглидан ўткарди. Лекин Юсуфнинг тим-товушсиз, ҳаракатсиз ўлтируви, олдинда, оёқ узатсинда қоғоз парчаларининг сочуллуб ётуви, минутлаб кутса-да, илтифотсиз турувиндан Абрордан бутун бошқа бир йигит эконлигин ҳамда онинг бу маҳзунона, таҳайюрона⁹ маст ўлтирувиндан ўзи каби бу-да бир суюклу хаёлина мафтун ва анга етувними чорасина ҳайрон, фикр денгизина фарқ ўлдиғин сезди. Лекин ҳалиги Ширин Юсуфнинг орқасиндагина қараб тура, юзона кўзи тушгани йўқ. Юсуф ҳамонда сезми.

Ширин бир кетмоқчи бўла, яна онинг асрориндан¹⁰ воқиф бўлмоқчи, бундан-да кўпроқ юзин бир кўрмоқчи, ўзини-да бир кўрсатмоқчи. Минутлар кечди, Юсуф ҳамон тура, ҳеч сезми. Ширинни юракдаги туйғу бутун қоплади, ҳеч кетувга қўймади. Охири ўзича боруб Юсуфга тўғри бўлува мажбур қилди. Ширин оҳиста орқа тарафиндан оёқ учиди келдими, энди Юсуф сезми. Ширин дарахт баргин озгина қимирлотди, ҳамон сезми. Ширин бир хаёлга борди-да, бир новдани секин узотуб қоғозни тортуб-тортуб олди-да, ўқувга киришди.

Мактуб:

«Салом, эй дилим гулзорининг энг суюк манзарали еринда кўкармиш лоласи, юрогимнинг муҳаббат фалақиндан ёқди веран қуёш шуъласи, жонимдин азизим, шакардан лазизим, муборақ исмингни айтдим, хотиринг малол ўлмасун! Жоним Шириним, сани бир кун пучмоқда¹¹ ойдек юзингни кўрув била мутлақ ақлдан, хушдан, сабру оромдан бегона бўлдум, асир бўлдум. Йиллар, ойлар ўтаки, ман сани дарду ғамингдан нафас холий эмасман. Дарсим, сабоғим сани фикру хаёлинг бирла машғул бўлуб кетди. То бу дам юрак-бағрим куюб туташмоқда. Жоним, на қилай! Дуруст, мани санга ҳеч лойиқлигим йўқ. Лекин тақдири иродаи азал мани санга гирифтор қилмиш, на чора! Мен умидланам бунданки, мани санга асир қилмиш тангри, албатта санга-да бир оз раҳм берур. Холимдан хабардор қилур. Мана, жоним, бу умид биладир адабсизлик ва ишқ жасорати била сандаги ақл, ҳусн ва матонатларга аминлигимдан бу мактубни бир боргина ёзуб қолам. Раҳм этсанг мани бахтим, йўғ эса ҳар кишининг ажалга учрови учун бир сабаби восита бор ва шунинг каби мани ҳам дунёдан умрум тугонган бўлса санинг раҳмсизлигинг ва ҳажр или фиरोқинг ўлувимга сабабдир. Жоним, сан балки мани бу ёзувларима ишонмасанг, агар мани ўз кўзинг била бир боргина қоматинг хиёл этуб фикрларга фарқ ўлуб соатларча ўзумдан бегона бўлуб кетдугам кўрсанг, раҳм этмас эдинг деб айта олмай, жоним! Илоҳи, мани бу ишқ шиддатиндан ёзган қаттуқ мактубдаги сўзларима тангри сани қалбинга юмшоқ ҳамда ҳароратлигина таъсир қилдирсун. Бўлмаса ҳолим харобдир. Агар бу асирингни армон ила ўлуб кетмасун десанг, юзингни кўрсатмасанг ҳам бир парча қоғозга ҳеч сўз ўлмасида, қора суртубгина юборсанг, зора кўзларимга суртуб ўлсам, гўримда тинч ётар эдим. Бечора ғарибинг Юсуф».

Ҳалиги Ширин дейсизми, йўқ, бутун бошқа! Аброр, уларнинг устина бу кутулмаган мактуб ва иккинчи муҳаббат, ошиқона сўзлар, асарлик мунг ва зорилар бояғи кўнгулни бутун ўзгартди. Шириннинг аввалги руҳи энди хизматин битирув кетди. Бу жасадга бошқа руҳ, бошқа туйғулар кирув ўрнашди, онча-мунча қолган сабру тоқат босувларда бус-бутун битди. Кўзи атрофиндан ишқ чақмоқлари чочрий бошлади. Юрогин тутувга қудрат қолмади. Юсуфнинг ўнг тарафиндан бошин қиёлаб бир қарагач, Юсуфда ортуқ хусни, ахлоқли, қошлари тутошган, мўйлаблари-да тим қоралаб, ўсуброқ учлари қойулғон, оқи оқ, қизили қизил, нуқсизгина бир йигит эди. Бу қаёнадагина содда кишилардандир. Аммо Шириннинг кўз дунёсина бутун бошқа, ой-да эмас, кун-да эмас, Шириннинггина хаёлиндаги бир жисми латифдурки, анинг Шириндан бошқа киши тавсифга қалами ожиз қола. Юсуф ҳамон сөзми. Ширин ўзин боса олмагач, «тўп» этди-да, ариқчадан сакраб ўтуб Юсуф қоршусина ўтуб, тик муҳаббат била бир қаради.

Хатни кимдан берув авҳомига¹² мағрук ўлуб бутун руҳсиз бўлуб кетган Юсуфнинг қулоғига ҳале ҳеч бир нарса овози эшитилмай эди. Нечундир бу тўп этган овоз тезгина қалбига таъсири кетди. Бир сўчиди, лекин дунёда энг муҳим тилаги, энг суйган жононасин биргина кўрув хаёлинда бир умиди минг умидсиз бўлуб юрган жисмининг руҳи мана сўзлашмай, кўришмай, кутмасдангина келуб қоршисинда тура. Лекин Юсуф ҳамон илтифот этмай. Ширин ҳайрон бўла, мен янглишдимми, бунинг суюклуси бошқа эканми, дий. Юсуф илтифот қилмайди эмас. Бечора ҳар вақтда шулай, Ширинни ўйлови эса фил-ҳол шулай назарина кела эди. Юсуф ўзин кучоғина деб отар, соатларча ўтуб ўзига кел-ғоч, ўзини ёки бир нарса устинда ёки ерда кўрар, на Ширин бор, на бошқа: Мана бу ҳолларни одатга кирув қолдиғиндан ўзини тўқтатувга уйротмиш. Бунида ўшал қаториндан ҳисоб этуб тура. Хиёл бошқа, ҳақиқат бошқа учундир, оқтуқ бир куч ила паришон ўлмиш хотирин йиғди-да, қошинда турган Ширинни сезди. Кўпчиди-да ўзин Ширин оёғина «оҳ» деб отди. Ширин-да хаёл остида йўқолган эди, топулди эгулди. Юсуфнинг мискин бошиндан кўтарди, кўксина олди. Юсуф ўлган, кўзи юпук, нафасини-да кирув-чиққонин сезуб бўлмай, юзи-да оз оқарган.

Ширин ортуқроқ асира бўлгангадир, юраги ҳеч сезмади, ҳамон юзин силаб, секин-секин қулоғина «Юсуф афанди», «Юсуф афанди» деб қичқира, яна ошиғуб атрофга қарий, «Аброр борми?» деюв, яна қичқира, юзларин кўкрагина боса, кўзидан ёш-да тўхталмайди. Минутлардан сўнг ўзина келуб, кўзин очуб, ўзини етувиндан ҳеч бир вақт умид қилмағон суюклиси Ширин қўйнинда кўргач, Юсуф ҳамон ўзидан кетайди. Лекин баҳарҳол кўлларин ёзуб, дилу жони аввалдан Шириннинг бўйнини ташлаб: «Жоним Ширин, ўнғумми, хаёлимми, жоним»,— дий. Кўзин тикуб қорий, ўзин тўхтата олмай, йиғлий, «оҳ» дий, оғзина ҳеч бир сўз келмай. Ширин-да ҳамон юзин силаб, рўмолчасин олуб, кўз ёшларин ортуб: «Жоним Юсуф афанди, хаёл эмас, ҳақиқат, кўзингни оч! Фурсат ғанимат, йўл устиндабиза, жоним, тур, юракдаги дардингни айт»,— дий. Юсуф йўл усти овозини эшитгоч, сочрий, ўзина кела. Яна Ширин оёғина ўзин тошлий, ўпа, йиғлий...

II

Аброр Шириннинг сўзлариндан бутун умидланган. Энди бир илож этуб рафиқаси Солиҳани айблаб йўқотмоқчи. Лекин на чора, Солиҳадан айбларлик ҳеч гуноҳ-да ўтмай. Йўқ нарсаларни баҳона этуб сўнг уруша. Солиҳа ҳеч котушмай, ҳамон яхши муомала-ларда бўла. Солиҳанинг бу тадбирларина неча тарафдандир сабаблар бор. Биринчи тарафдан, амак қизи бўла, иккинчи тарафдан, суюви-да бор, учинчи тарафдан, бир оз ўқи-ган, турмушда шундоқ аччиқ-сучуклар бўлуб турувин била эди. Тўртинчисиндан-да, ортуқроқ, яқин орадагина бир йўл шундоқ ҳолларга баҳоначиликга тушуб қолувиндан, Ширин тўғрисида бўлмаса ҳам бошқача бир хаёл сезганичун. Аброр яқиндан бери сўз орасинда: «Сени менга аввалдан керагин йўқ эди, ҳозирда ҳам шундоқ, мен сендан ажралсам ҳеч ўкунмайман, балки шодланаман. Шул кунни ҳамиша кутарман!»— дер эди. Мана бу сўзлар, албатта ҳар қандоқ ақлсиз бир сабийнинг-да¹³ хаёлига Аброрнинг бир суюклубга гирифтормулдиғин келтурув. Солиҳа ортуқ суйганидан бир хил қоттуғ сўзларина илтифот этмай, ҳамон ширин сўзлар била: «Жоним Аброр, мен сенга умрлик ипдош,¹⁴ сирдошмен. Мен сени сендан ортуқ суям. Суювчига суюклуни қоттуғ сўзи ўтмайди. Балки шакар кибик тотлондурув. Сен бўш хаёл қилма. Мен ҳеч бир вақт сендан ажралмам. Майли, сени менда бошқа суюклубинг бўлса, мен они бир-да қизғонмайман. Хоҳласанг, келтур. Мен хизматдан-да кўл тортмаймен»,— дер эди. Бу сўзлар Аброрни тинчландурув, дейсизми? Йўқ, абжад¹⁵ ҳисобинча, бу калималарнинг ҳар бир ҳарфи бир заҳарли наштар каби боруб қадалур, жигарларин титар, қонларин қиздурув эди. Ҳамон чора ахтарув, ҳеч бир ҳисоб тополмайдув.

Аброрнинг хаёлинда Солиҳанинг жонина суиқасд-да йўқ эмас. Бу кўкрак саҳифасина тизмиш биринчи алифбосидир. Лекин уч ёшлар чамасиндаги Жамилахон исминда ширингина қизчаси бор. Мана шуни нима қила. Энди икковини ўлдирув яна қийин. Солиҳани ўлдурса, Жамилани қолдурса, албатта, ҳар кимда Аброрнинг ўзи ишлаганин очуқ била, балки Ширин Аброр одам ўлдирадурган, деб келмов эҳтимоли бор. Мана шунинг ўлдирувга халқ сезмайдувган бир ҳийлалар ахтарув учундир кўп-да ошуқмайди, фурсат кутади. Ҳамон кута. Аброр доим кўчаларни пойлик, Шириннинг эшиги ёнига боруб, бўлмаган баҳоналар била қичқируб, йўқ кишилар номин тутуб қақира. Баъзан томларга да чиқуб, йўқ иш учун Шириннинг томина яқинроқ келуб, «пўшт-пўшт» дий. Ширин мани овозимни эшутса қарар деб ўйлий, лекин иш бутун аксинчадир. Аброрнинг номин ва овозун эшутган Ширин Аброрнинг кўзи тушмаса-да қочадир. Аброрга ўқиғағанлиғи энди зўр-зўр таъсирлар қила. Ўзи-ўзина дашном беруб: «Ҳой, бадбахт Аброр, ёшлиқда отанг ўқутган вақтда ўқимай, йўқ баҳоналарни қилуб қочдинг, бир ҳарф-да билолмай қолдунг! Мана бугун ўқув-ёзув қадрни билинди. Агар хат билсанг эди, мундоғ саргардон бўлуб юрмай, бир хат ёзар эдинг-да, бировдан киргузар эдинг. Андин ширин-ширин жавоб чиқар эди, ўқуб роҳатлар қилур эдинг. Иложи бўлса, бирор домла топув, ҳозирдан-да ўқиш керак, на учун, бошқа одамга хат ёздурсанг, бу иш ошқора бўлади. Ундан кўра бир ғайрат қилуб ўқиш керак»,— дер эди. Лекин бу ғайратлар бори эҳтиёж ортуқ

тушган вақтдагина, ўшал замон яна аввалги Аброр қолибина тушиб, ўқув қайда энди!

Аброр кўп ўйлади. Энди Ширин била иккинчи кўришув учун бир хат қилуб киргузмаса, ҳеч Ширин ўзича хат-да ёзми, кўчага-да чиқмайди. То ўзи ўқуб, мулла бўлуб хат ёзгунча вақт ўтувиндагина эмас, бошқа бир тарафдан кишилар келуб Ширинни сўраб олуб кетуб қўярлар. Ул вақт иш ўтган бўлур-да. «Мен Аброр била ваъдалашган эдим, мен анга борам», деб Ширин албатта, айта олмайди. Мана бу Аброрни кўпроқ кўрқатадир. Шунингчун юраги тошувди-да, мадрасадаги муллабачалардан бирорта мусофир қашшоқини толуб, беш-тўрт танга бермоқчи ва танбихлар қилмоқчи ва юракда бор муддаосин ёздуруб, Ширинга киргузмоқчи бўлудан қўйди. Аммо бу ишни тездан ишлаймайди, чунки аввал ул муллани бошқа жойлардан-да суруштуруб, мусофирлигин хўп билуб, сўнгра кирмоқчи бўлуб, ишни жума кунига қўйди.

III

Юсуф Шириндан ажралган йўқ, руҳидан ажралган. Ҳеч бир нарса ошай олмай, уйқуси-да келмай, бир жойга борасида келмайди.

...Ҳамон йиғлайди. Хаёл қила, ўйлий, ўйна етмайди. Чунки бу ўзи мусофир, келуб турган жойи узоқ. Қариндош ҳамда жоҳил эски турмуш таъсиринда ваҳшиёна яшайдурган кишилардан ҳеч бир умид этарлик ўрун йўқ. Мана шунинг учундир бошидаги зўр фожиани, дилидаги ишқ ва дардини айтубга қўрқа, дедигимизча алардан бир натижа умиди-да йўқ эди. Ҳар кун келуб сўзлашуб, кулушуб ётадурган Юсуф ҳамон мадрасадан қайтмайди. Ул анда ёта, қариндошлари кучласалар-да бормайди. Шунинг учундир, кунлик емагини келтуруб бералар. Аларни ошайди, ўйлаюр, ўқубга бутун киришган ўйлаюр, шулайми?! Йўқ, иш бутун бошқа, аввал оқшомликни тузингина тотий, қолганин қой бир ерларга тўқуб ташлайди. Мана шунинг учун Юсуф кўз-қабоқлари бутун чўккан, ранглари сарғайган, овозлари-да хасталиқираган. Ҳамон Шириндан ажралган кундан бери солунган ётоқ йиғулмай, ҳужра бир мартаба-да шипирилмаган, чиқуб дарсини ноилож бир ўқуб келади, ҳамон ёта, хаёл суради. Лекин ҳар кун уч-тўрт йўл тез-тез боруб келадиган жойи бор бўлса, шубҳасиз, Ширин била учрашдиғи ул боғчадангина иборатдир. Демак, бечора Юсуф энди ўзидан бутун адашуб бошқа қолибгагина тушуб қолган, тушмасинми энди!

Отаси Абдурахмон ўрта ҳол бир киши. Онаси ўлган. Ўғай она тарбиясиндагина ўсган. Энди ўғай онанинг баъзисина ўғай ўғулга муомаласи, қизғонуви ҳар кимга маълум. Хусусан, Абдурахмон сўз орасинда марҳума Салимани кўп мақтайди, оғзидан қўймайди. Сўз орасинда Сорага: «Сен Салимага қараганда бутун бошқасан, онинг менга қилган итоат ва хизматларининг юздан бирисин-да адо қила олмайсен. Салимадек муҳаббатлик, итоатлик рафиқа дунёга биргина келган экан. Нечукдир, андан бўлган Юсуфга қара! Қандай чиroyлик, мулойим, хушрўй. Ҳалимага қара, онанинг тарбиясиндандир, ҳар бир ишни сендан яхши ясайди. Сен булардан-да гила кўтариб ўйронмайсан», дер эди. Мана бу сўзлар Соранинг юрагина ўтлар ёқади. Юсуф ила Ҳалиманинг ҳеч бир йўл била айблаб Абдурахмонга хунук кўрсата олмайди. Салиманинг соғинуви ва мақтовларин Абдурахмон юрагиндан йўқота олмайди. Ҳақиқатда Абдурахмон ҳеч вақт унута олмайди. На учун? Абдурахмон бошда хунарсиз, касбсиз, бизоатсиз,¹⁶ фақир бир киши эди. Салимани олув била Абдурахмон деб танулди. Нечук? Салима кўп оқила, собира¹⁷ ҳамда Жамила¹⁵ бир аёл эди. Тунун-кунун кимларни чокларин тикуб, килларин ювуб, демак, бунга ўхшаш хизматларни қилуб, уй ичиндаги бир хил рўзғорга масруф¹⁹ уладурган энгил нарсаларни бутун ўзи оладир. Абдурахмон бори ишлаб топган оқчасиндан баъзи вақтгина сарф эта. Бўлмаса бутун Салимага топширур эди. Салима андоқ баъзи аёлларга ўхшаш ҳайитдан бошқа вақтларда кийинув, безанувларга мубтало эмас. Ҳайитларда-да, соддагина либослар кияди. Давлатли бўлгач кийинув, безанув қочмай турадиган махсус, тансиҳатлик, ширин турмушлар бўлсин, деб бу сўзгина саботда эта олур эди. Еш ҳолинда ташлаб баъзи вақтлар Абдурахмон узоқ бир мамлакатларга-да кетар, ойлаб, баъзан йиллаб-да қолган вақтлари бор. Шунда-да Салима ҳеч қизғонмайди, ўзгармайди. Бутун ифбат, номус ичинда сув болиғи кибик роҳатлануб суза, ҳеч бир ерга бормай, ҳатто ота-онасига-да сийрак, зарур вақтлариндагина бора. Ширин Юсуф, шакар Ҳалимаси била овунуб, қувонуб ўлтира. Бир эрча болаларин тарбиялаб, Абдурахмон ўрнин йўқотмай тура эди. Хотун дунёсинда-да шулай ифбат, номус, ғайрат, шижоат, арслон масалли аёллар бўлган. Мана Салима-да шулар жумласиндан бўлуб, оз фурсатда Абдурахмоннинг бу кунги давлатга етушдиган эди. Лекин, «яхшини ёшин қизғона» мақоли каби Абдурахмонни эндигина инсон синфига қўшуб, роҳатин кўрай деганда умри вафо қилмай, Юсуф ва Ҳалимасин ёдгор қолдуруб ўзи дорилфанодан дорилбақога рихлат этмиш эди. Мана шунинг учунки, бечора Абдурахмоннинг хаёлидан бир нафас йироқ кетмайди эди. Сора эса энди бутун бошқа. Нафс озуғи, безанув, ясанув маррази-га бутун мубтало, қисқаси, хотун дунёсининг нафсонини синфиндаги аёллардан биридир. Мана шунинг учундир, ҳар бир ишни охири сезувчи, андиша ва хаёл била одим ташловчи Салиманинг бош муҳаббатлиқина тарбиясинда ўсмиш зийрак Юсуф-да Соранинг ҳолин ўйлий, шафқатсизликларин, балки бутун қизғончиқ ва душманликларин хаё-

лина келтургач, уйи қайтуб бу ишларнинг тўғрисида маслаҳат этувни-да фойдасиз топади. Балки, ўгай онага бу ишлар бир қувватликкина қурол бўлиб қолувин ўйлий-да, ундан умиди узилди. Отасина хат-патда ёзмоқчи бўла, нечундир андан-да умидсизланади. Биргина суюклуб, ҳасраткаш, сирдош Ҳалимасина бу дардларин айта олади. Чунки икковлари онадан ёшгина қолуб ўсгангами, ўгай онанинг шафқатсизликлари буларнинг орасиндаги муҳаббатларни қоттуқгина ўрнашдирган, ҳеч вақт бир-бирларидан ажралмайди. Ҳар дард-ҳасратлари бўлса бирга бўлушиб, бурчаклардагина бирга йиғлашур, юпонур, бир-бирин бир-бири алдаб кўнгуллари кўтаришурлар эди. Лекин Ҳалима энди ҳали ўзи қиз бола ҳамда буниси-да кўп эътиборга кирмаганда узоқ бир шаҳардан туруб нимани ишлай олади.

Мана булари ақлдан оздира, умидсизлантира, уйина борувга юраги бирда қизимийдир. Шунинг учун йиғлий, қайғура, жуда тўлуб кетгач ҳалиги боғчага бора, Ширин босуб турган изларин ўпар. «Жавоб берди», деган сўзни Ҳасан саркордан эшитган бўлса ҳам ҳамон юраги қонмайди. — «Йўқ», деса нима қиламан, деган ўйлар юрагина ўт ёқуб юборади. Энди ман отаси-онасига қараб турмай бирор одамга айтуб киргузай ёки бирор та хат-пат қилуб киргузуб-да кўрайчи, шояд бир жавоб олсам ҳамда яна бир кўриб сўзлашсам деди-да, ўрндан туруб, кўчага чиқди. Кимга борсун энди. Масжиддаги мулаларга кўнгли ишонмайди. Не учун, мулалар шўх бўлади. Мани кўюб, ўзлари топишуб кетмасун ваҳми қўймайди. Уйлаб-ўйлаб охири Саидхон олдига боради. На учунки, ул хийла ақлик, боадаб ҳамда Юсуфнинг энг қалин ошноси ҳам. Маслаҳат қилурман, қани ул нима жавоб берур деди-да, Саидхон қошина йўналди. Агар Саидхон гирифторми сизга борар эди. Мошолло! Ё ўзини ё Саидхонни ўлдирар, ё бир балога қадар эди. Бу тарафда Саидхон айрилгандан бери ҳаракатда, уй беэмак, дастархон солмоқ, ўзини-да тузатмоқ, демек аввалги ҳаракатинда давом эта. «На учун» дейсизми? Бугунда уй хилват бўлган эди. Ҳамон бугун Ҳалимаҳоним келалар, икки суюк бу иккинчи кўришувда энди бутун қомил сўйлашуб, сўйлашуб ҳамда бир-бирларига аҳдномалар ёзушуб имзо чекаларда, қаю тариқа била бу муҳаббатларин ҳамда бир-бирларига борувга самимий рафторликларин²⁰ борлигин Абдураҳмонга бўлмаса ҳам Юсуфга билдилалар. Не-чүк Юсуф афанди сўз орасинда: «Биродарим Саидхон, сиз мани ўз маслакима мувофиқ, гўё мани ўзум қибик бир туғушмасак-да туғушгандан ортуқ кўраман. Энди сиз менга чин биродар бўламан десангиз бир вақтда сизга бир сўз ва илтимос қиламан. Албатта, йўқ демасиз»,— деган эди. Лекин кўп вақтлар алдаб, зўрлаб сўраганда: «Йўқ, биродар, ҳали айтуб вақт эмас, ман ўзум айтаман»,— деб қўя қолди. Гарчи Саидхон бошқа ўйларгада чўмиб кета эди. Лекин ул, албатта мани ҳамширамни сўраб, ўз ҳамширасини манга берадигандир-да, деб юракдан ўтказуб қўяр эди. Мана, энди бу тарафдан Ҳалимаҳоним-да ортуқ безанган, Саидхонни қошина келмакда. На қилсун, энди ҳамма эшик олдиндан ўтмакка мажбур-да эди. Не кўз била кўрсун, энди олдинда Ҳайдарбой-да кетуб бора эди. Лекин Саидхон қошина борувдан ҳали бутун беҳабар, бу ҳам ортиндан бормоқда. Саидхон эшиги олдина боргунча Ҳайдарбойда орқасина боқимий-да, хаёлга чўмуб боради. Ҳалимаҳоним эса ҳамон Ҳайдарбойни аввалда қилган сотқун муомалаларин ўйлаб боради.

Ҳайдарбой Саидхон эшигина келуб тўхтагач, Ҳалима бутун обдарадин кўнгулдан бир ўтқарди. Лекин Ҳайдарбойнинг сезувиндан қўрқди. На бўлса бўлур, ортуқ бир матонат, тўзим била тўғри Ҳайдарбойни босуб, ўтуб кирди кетди.

Ҳайдарбой недин билсин? Ҳалимаҳоним Ҳайдарбой кўнгулдан ажралгандан сўнг кўчага чиқди эса бошқа ёпқуч тутта эди. Ҳайдарбой Саидхоннинг ҳамшираси ёки бирор қўшни қизи деб қўйди-да, йўл беруб турди. Ортуқ чидам била кутуб турган Саидхон суюккусини эркитарлик бир шодлиг била қарши олди. Лекин Ҳалимаҳонимнинг юзиндаги бир оз қўрқув ва дил кўзинда ёш асари борлигинда ақлдан озорлик қўрқуб бўйниндан қучуб: «Азизам, суюккуп, не ҳодиса бўлди?! Юзингда...

Назира Ғанихўжаева ва Дилбар Раҳматова тайёрлаган

Луғат

1. Таҳассурона — ҳасрат чекиш, афсусланиш.
2. Жамод — жонсиз
3. Мусайқал ва мужалли ўлан тавосифи инсоният — инсониятнинг сифатларидан иборат руҳий фе-зилатлар маъносига
4. Бурч — бажариллиши мажбурий бўлган вази-фа.
5. Бобад — ёвузлик, ёмонлик
6. Таахуд — аҳд қилиш
7. Хайрот — хайр-саховатлар, яхшиликлар
8. Сайд — ов қилиш, илтирмоқ
9. Таҳайюр — ҳайратланиш, шошиб қолиш
10. Асрор — сирлар

11. Пучмоқ — пастқам жой
12. Авҳом — ваҳмлар
13. Сабий — ёш бола
14. Ипдош — дўст, ўртоқ
15. Абжад — Қадимий араб алифбосининг си-расини кўрсатувчи саккизта уйдирма сўзнинг бирин-чиси ва шу уйдирма сўзлар мажмуининг номи. Бундаги ҳар бир ҳарф маълум бир сон қийматига ҳам эгадир. Абжад тартиби, абжад ҳисоби каби.
16. Бизоат — мол-мулк
17. Собира — сабрлик
18. Жамила — гўзал, соҳибжамол
19. Масруф — сарф қилинган, сарфланган
20. Рафтор — юриш.



ҲАМЗА МАКТУБЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1925 йил

ҲАМЗАНИНГ АҲМАДХОНОВГА ЁЗГАН ИЛТИМОСНОМАСИ

«Саломдин сўнг, ўртоқ Аҳмадхонов кечаги аризонинг натижаси нима бўлди? Утунсизлик касофат сўл томондан фалаж хасталигининг муқаддимаси бор, ҳозирда ётубман. Ақчам йўқ, икки юз сўмча ақчами артистларга қарз берган эдим. Сизлар тезроқ пул берсангиз ақчамиз олуб, муолажага киришар эдик. Ҳозирда мен бутун яроқсизмен. Бугундан қолдирмай шул ариза жавобин қайтарсангиз экан».

САЛОМДАН KEYIN МАҲМУДЖОН, ҒАФУРАЛИ ВА МУЛЛО ЮСУФГА

Хатингизни олдим, Хўқанддан бориб қишлоғда ғоят қаттиқ ётиб тузалдим. Бошқа ҳолларни мулла Юсуфдан сўрасиз. Самарқанддан сўрасангиз, Файзулла Хўжаев бизни сўрашдан мақсади, ҳукуматдан нафақа тайин этиш экан. Бир марта кўрушдим. Пленум бошланиб 25 ға кўрушмоқга қўйишган эдим. Куни 25 да бориб тополмадим. Локин ўйлаб турсам нафақа олурман деб умрга боғланиб қолур эканман. Маориф комиссариютига кириб нафақага норозилигимни билдириб қайтдим. Яъни Нозирлар шўросига иккинчи учрамадим. Чунки ўзингизга маълум, Бокуга кетиш умиди кундан-кун ортиб боради. Узимда бўлган қувватни ўсдиришдан қўйиб 3200, 150 ни қули бўлиб юриш қисқа қаламга ҳеч бир келишмади. Шунча заҳматларимни арзон сотишдан яна бир йил қон ютишим боки йўқ. Маориф комиссари ва муовини сабилга борганда яна сўзлашмоқчи бўлди, учинчи мартда. Ундай бўлса ё бирор томонга кетармиз ёки яна аввалги жавобни айтармиз. Ҳозирги худоларни паноҳига отилғондан сўнграқ бўлса ҳам ёш юракларни кучоғида отилғон яхшироқ... палит билан сўзлашдим труппа организация бўлди. Миршохид уполномочи олиб Хўқандга кетди. Мен бутун репертуар (саҳна китоблари) ҳозирлаб бермоқчи бўлдим. Энди кўпрак иши тамом бўлғон бўлса ишга ўтурурман. Локин оқчасиз қайтдим. Хўжанд тушмоқчи эдим. Ҳатто билетни ҳам Хўқандга олган эдим. Кўлмак — лозимларим хароб, ўзим ҳам бир оз нохуш бўлғандин яна Хўқанддин билет олиб кетдим. Энди сиздан умидим шул, Зайнаб Хўқанд бормоқчи эди. Мулла Юсуфга қараб турган эдим. Тасодифий Самарқанд кетиб қолдим. Иккинчи март сешанба кунигача қишлоғча борсангиз эди. Чоршанба (3 март) куни сиз билан бирга қўшиб юборар эдим. Беш ўн кун тинчланиб китобларимни ёзиб битираар эдим. Сиз келмасангиз, ул чоғда ўзим гарча қулагача олиб келиб қўйишга мажбурман.

Ақча масаласинда кўпрак бир ёқдан тамомланғон бўлса бир ёқдан гуручимиз, унимиз тамом бўлғон эди. Мулла Юсуфга тайинлаган эдим. Бизга юз йигирма сўм ҳозирга Отажон бермоқчи экан. Фарғонада «Союз қўшчи» раиси ўртоқ Ғафуровга перевод қилинг деган эдим. У борган бўлмаса шуни тезлик билан юборилсун. Еки ўзингиз бирга олиб келсангиз ёки Раҳимжон ёки Мелихожини мудиридан сўраб рухсат олиб берсангиз. Пулни шундан юборса-

Буюк санъаткор Ҳамзанин그 ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилганига қарамасдан, бу борадаги барча ишлар ниҳоясига етган деб айтиш қийин. Изланишлар давом этмоқда. Ҳамза фондидаги материалларни ўрганиш ва чуқур тадқиқ этиш ишлари шоир шахсига оид чизгиларни тўлдиришда, бойитишда етакчи омил бўлиб хизмат қилиши аниқ. Хусусан, ЎзССР ФА Қўлёзмалар институти Ҳамза фондида сақланувчи адиб қаламига мансуб хатлар, ҳужжатлар, қайдларнинг ўрганилиши ва бир жилд остига жамланиб, 5 томлик Ҳамза мукаммал асарлар тўпламининг 5-томида чоп этилиши фикримизга далил бўла олади.

Мазкур материаллар Ҳамза ижодига оид маълумотларни тўлдириш билан бир қаторда айрим асарларининг ижодий тарихини ёритишга ҳам имкон берди. Чунончи, мазкур фонда сақланувчи Мунавварқорининг Ҳамзага йўллаган мактублари асосида адибнинг йўқолган деб ҳисобланган «Ферузахонум» асари «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» пьесасининг 1-варианти эканлиги аниқланди. Ҳамза фондида сақланувчи «Қора соч» операсининг плани эса тексти йўқолган опера мазмунини тиклаш имконини берди.

Бундан ташқари, Ҳамзанин그 ижтимоий фаолияти хусусидаги маълумотларни тўлдиришда ҳам Ҳамза хатлари муҳим манба вазифасини ўтайди. Ҳамза номига йўллаган мактублар ҳам аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда муҳимдир. Биз бу ёзишмаларни келажакда алоҳида китоб ҳолида нашр этилишидан умидвормиз.

Ҳамза хатларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Раъно ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари кандидати

ларингиз ҳам келиб Зайнабдан олиб кетса. Биз бунда хижолат тортиб ўлтурмасак. Носиржон хожи ҳам ҳовли тўғрисида Алихўжа Эшонга тушунтирган эдим. Охири хунук бўлмасин, Носиржонга айтурсиз. Агар ўзингиз боролмасангиз ва ақча масаласида ҳар ҳолда бир маълумот кутарман. Муҳиддин қори концертний труппа (10) кишилиқ тузмоқчидир. Узи Бокудаги съездга кетди. Келса ишга киришур деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, ҳар икки труппага ҳам кирмаслигимни маориф комиссариятга тушунтирдим. Ҳақиқат ҳам шул. Энди бошқа сўзларни кўришганда сўзлашармиз. Алиев салом айтиди. Уйига борганим йўқ, кўчада кўрдим.

Ҳозирча ассалому алайкум.

Ҳамза Ниёзий

Қизил Ўзбекистон йўқсилларининг отаси ўртоқ Хидиралиева!

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон бош «Санойиъ нафиса»сини йўлга қуюлмоғи учун анинг саҳнаси, қизил адабиёт, миллий ашула ва янги-янги ихтироий оҳанглар томонидан ғоят камбағалдур. Бу хизматлар учун табиат томонидан бир озгина талант ва куч менга берилган бўлса ҳам бахтга қарши оҳанг ихтироий учун энг муҳим нарса пионина бўлғонига кўра турли ўринларда юруб фойдаланув ғоят оғирдур. Оҳанг ихтироининг минутда ўзгаришли ҳолига нисбатан онинг қайтағув мумкин эмасдур.

Энди бирини сотиб олмоқ учун ишчининг иқтисодсизлиги ўзингизга маълумдур. Биринчи томондан ўз ваъдангиз, иккинчи томондан Қизил Ўзбекистон йўқсилларининг хазон бўлғон саҳналарини қайтадан яшнатувни назар эътиборда тутуб музофотни тегишли ўринларига буйруқ бериб, хусусий бир пионина олдириб берувга ёрдамингизни сўраб, музофот Қизил Ўзбектруппа ташкилотчиси

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

ҲАМЗАНИНГ МАҲМУДЖОНГА «ШАЖАРАИ ТУРК» НОМЛИ КИТОБИНИ КЕЛТИРИБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛИБ ЁЗГАН ХАТИ

«Саломдан сўнг.

Ўртоқ Маҳмуджон афанди! Узум билан бирга олиб келаман деб «Шажараи турк»ни уйга олиб қўйган эдим. Эсимдан чиқиб қолипти. Албатта, шуни тезлик билан олиб бирга келасиз. Ёки Фуломжонга топшуриб қўясиз. Ҳамза Ниёзий».

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ МАРФИЛОН ТУМАН АВВАЛ ИЖРОҚЎМИГА ЖОЙ ХУСУСИДА ЁЗГАН ХАТИ:

«(Марфилон туман) Аввал ижроқўмига!

Қарамоғингиздаги деҳқон ёрдам кўмита шуъбасининг мудирни Аҳмадалиқори деган киши хофиз эшон билан бизим орамизда бўлғон муштарак жой хусусида 27 нчи июлдан бери олгон ваколатини бажо келтира олмайдур. Бизда қилиб турғон бу муомаласи учун агар отпускамизи сроғи узоқ бўлса малол эмас эди, чунки тегишли ўрундоғи ахборлари учун қатъий бир бурҳон бўлса керак.

Маатаассуфки, сроғиз битуб борадур. Биз Хўқанд кетсак бола-чақамиз киши жойинда нотинч қолса керак. Шунинг учун сиз орқали қатъий бир жавоб олуб, бошқа чорани тейишли ўринда кўрувни сўраб (имзо) Ҳамза Ҳакимзода 1925—8—6».

ҲАМЗАНИНГ УСМОНАЛИ ВА ХОМИД ҚОРИЛАРГА ЁЗГАН МАКТУБИ:

«Мана шу бир дона китоб ичида 2 дона хати билан Мирза поччамга бериб расписка оласиз. Ундан сўнг бир дона хатни Ўрунбоевга бериб қанча ақча берса, агар етушса, 20 қадақ гуруч, бирор пункт ун, 2 дона исли собун, ярим кўк, фомил чой, бир дона, кўк қора тус ёғочлик 1-нчи химически қалам бор, 2 дона, агар ақчаси ортса олиб келасиз, гўшт-ёғ қиламиз, бўлмаса йўқ. Ундан сўнг театр, эртами, якшанбами? Жавобини билиб келарсиз. Биродарлик саломни билан Ҳамза. Бир дона чўвк, 10-нчи фонер шуша эсингиздан чиқмасун».

1926 йил

ҲАМЗАНИНГ СИНГЛИСИ АЧАХОНГА ЁЗГАН МАКТУБИ

Ачахон, Анорхон, Сойибхон, Ойимча, катта-кичиклар билан Жалол тоға, Муҳаммаджон, Қаном тоға, Мулла Миржалол, Бўронбой, Мирза Олим ноҳойиялари ҳамма аяларим билан кўпдан кўп салом.

Ачахон, мен сизга қандай сўз айтган бўлсам, бугун эслариздан чиқариб, тескарисига ишлагансиз. Мен сизга шундай деган эдим. Зайнабдан юбораман 25 рамазонгача ҳисобдан тўрт амалдай ўқиш, ёзишни Сойибхон ўртоқ билан бирликда тайёрлаб 25 рамазондан юборасиз. Ҳайитдан кейин 15 охир апрелларда Скобель (Фарғона) да очиладурғон 3 ойлик ёки бир йиллик хотунлар курсига киргиза оласан. Чунки Зайнаб Фарғонада ўқуса Аббосни ўзим шунда бир хотин сақлаб қишлоқда кўз олдимда боқдираман деган эдим. Зайнабга ҳам шул сўзларни айтган эдим. Мен мактаб тополмагандан Хўқанднинг кўчаларида етаклаб укамни хотинини мактабга, боласини етимхонага олсамми? деб юришга юборганим йўқ эди. Биласизми, ман ўлуб болам сизга, хотиним билан дардисар бўлиб қолгани йўқ эди. Мирсаид эткандан бошқа қолган ишларингиздан шундай хунук маънолар чиқишини ўйламагандурсиз. Мен ҳозиргача бутун халқни ўғил қизига оталиққа ваъда хабарлик қилиб келиб турганда, мани хотин-болам учун сизлар ёки Маҳмуджонларга қандай манда муҳтожлик бўлсун! Ҳар бир ишни ўйлаш керак эди. Охири мен Хўқандга бора олмаслик ҳолга кетургансиз. Локин ҳалимас кейин эса кўп уёлсаларинг керакдур... Ҳозирда ҳам маслаҳат шул, агар 25 рамазонгача уйда ўтириб кўчама-кўча санқимасдан ёзув ҳисобларини ҳозирлаолса турсун 25 рамазонда етиб келсин. Йўқ бўлса мулла Юсуф билан қайтсин, йўқ агар бошқа муддаоси бўлса очиқ ёзсин, икки кунда ишини бир тарафлик қилиб жавобини ёзиб юбораман. Ундан сўнг Хоразм юборадиган ёрдамчиларини Хоразм юборадими? Ё бошқа иш қиладимки унисини келажак кўрсатади. Агар (25) рамазонгача турадиган бўлса Тошқора билан акамни уйини ўртасидан эшикни хатимни олган замон

очдуруб эшик кўюб Анорхон билан акамни уйда турсун, қишлоққа келгунча. Анорхондан, ёнидан қайёрга чиқса мени кўлумдан ўзини чиқишини ўйлаб кўйсин. Анорхонга Нишонқорини уйи билан ташқарига шу кундан эшик қуруб Нишонқорини уйда Зайнабдай... Бирга олиб турасан. Турмаса келадиган бўлса хат олиб борган киши ёки мулло Юсуф билан келсин. Ҳеч ерга юборма. Мен ўзим бориб яна сени ҳозирдамас рўза тамом бўлганда бориб сени олиб келарман. Ҳар ҳолда мени боришга мажбур қилмай хатда сизга курсатилганича иш қилурсиз.

Ҳамза Ниёзий.

ҲАМЗА ТОМОНИДАН РАФИҚАСИ ЗАЙНАБНИ КУРСГА ЖОЙЛАШ ТЎҒРИСИДА А. ТОЖИЗОДАГА ЙЎЛЛАНГАН МАКТУБ:

«Саломдан кейин.

А. Тожизода! Сиздан бир савол сўрамоқ учун хотирим паришон экан. Зайнабни (оиламизи) қайа юборамиз, тўғридан сизнинг хонадони олийга юборамиз. Акамиз билан ҳамширамиз баъзи насихатлар билан мактабга қўйиб қайтсалар керак.

Ҳамза».

ҲАМЗАНИНГ ҲОЛМУҲАММАД ОХУНДИЙГА ЕЗГАН МАКТУБИ:

«Севимли ўртоқ Холмуҳаммад Охундий афанди! Сиздан таваққум шул тарихий тўйимизга волидайи муҳтарамангиз билан 23 жума кун соат 3 да ташриф этувингизни сўрайман. Ҳамзангиз. Аввал қишлоқ. Ҳамза Ниёзий».

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ ОИЛА ҚУРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎРТОҚЛАРИГА ЕЗГАН МАКТУБИ

«1926-й. 23 июль жумъа кун соат 3 дан ҳақари қалам давраларингиз ичинда, айнан фақирингиз Ҳақимзоданинг биринчи мартаба тарихий анжуманларидан саналган оилавий тўйига узри такал-луфсиз ташриф этувингиз рижо ўлинур».

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ АМИНЖОН НИЁЗИЙНИ ТЎЙГА ТАКЛИФ ҚИЛИБ ЕЗГАН МАКТУБИ:

«Суюкли ўртоқ Аминжон Ниёзий!

Тарихий анжуман ҳисобидан биринчи мартаба бўладиган никоқ тўйимизга 23 июль кун соат 3 (да) марҳамат этувингизни сўраб, биродарингиз.

Аввал қишлоқ (имзо) Ҳамза Ниёзий».

Ҳ. ҲАКИМЗОДАНИНГ МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИГА ЙЎЛКИРА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА ЕЗГАН МАКТУБИ:

«Марказий Ижроия Қўмитага! Чақирган телеграммангизга биноан вилоятдан йўлкира берилмади, шунинг учун йўлкира ва ҳам мундаги кунлик харажатлар учун маблағ билан таъмин этишингизни сўраб Ҳақимзода Ниёзий, 1926 й., 25 сентябрь».

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗ ИШТИРОКИОН ФИРҚУМИНИНГ ТАШВИҚОТ, ТАРҒИБОТ БЎЛИМЧАСИГА МАЪЛУМОТ

Маълумингизки, ҳар турмушнинг бош танқид ва тарғиботчиси саҳна дарсини 8 йилдан бери бизим Ўзбекистонда юзлаб ташкил этилган «Санойи нафиса» тўдалари тажрибасизлик, ишчисизлик орқасинда биринчи томондан исрофга сабаб бўлса, иккинчи томондан халқга гузал санъатдан фойдаланиш ўрнига нафратландуриб келмоқдадур. Кундан-кунга халқда ўсқунлик давом этувиға қарши, «Санойи нафиса» тўдаларинда илмий тажрибалар бўлмағандан тушқунлик давом этиб келадуру. Хусусан энг охириги Қори Яқубийнинг даво майдонида инқилобий ҳиссиёт, ижодий ҳаёт кўргазмалари ўрниға қуруқ гавда санъатлари билан товуш... қалқалариндин бошқа бир нарса жавлон урмай кўрилмади. Бунга сабаб эса иш бошқарувчи ўртоқларнинг илми ва сиёсий кучларини озлиги билан бирга ташкилий руҳларини кучсизлиги ҳамда халқ руҳини уйғотиш усули билан бутун беғоналиқларидур.

Яна шу ҳолда давом этар, агар иштирокион қаттиқ танқидларга маҳқум бўлиб, ўрта орада бир қанча талабаларни илмий кучга молик қилодурган йўқсул элнинг ақчалари исроф бўлушға сабабкор бўлиб торалғусидир. Мана шуни назар эътиборға олиб ташкилот олдиндин кўрулган тажрибаларимизни тақдим этиб ўтишни тарихий бурчимиз деб санаймиз.

1. Труппани 3 қисмға бўлуб Ўзбекистоннинг энг фаол санъаткор, тажрибакорларидан тўплаш.

2. Қисмиға машҳур чолғучи ва қўшиқчилардан олиш, 3-қисмиға ҳам машҳур драматург ҳам комиклар тўплаш, 3-қисмиға энг машҳур, муршид муаллим ва ёзувчиларни киритиш.

3. Тўда мучаларини халқ назариясидин тушқинлардан сақлаш.

4. Тўдани хизмат билан бирликда ўзларини ички илмий, сиёсий ижтимоий кучларини ўсдира бориш.

5. Материалларни кучайтмоқ учун, ёзувчиларни орасида рақобат кўтариш, ёзувчиларга яхши баҳода бўнай йўли билан боғлаш.

6. Бутун тўдани бир тажрибакор жавобгар оталиққа топшириш.

7. Санъат мунғларини халқ тилагига, назмий ва насрий ҳиссиётларини инқилоб ижтимоиянинг талабига юргузиш.

8. Деҳқон, ишчи, зиёлиларни ўз турмушларига яқин юргузиш.

Илова: 4 моддани асослашдириш учун Фирқум, Марказқум, марказ маориф тасдиғи остинда тўда орасиға бир қанча моддалик (маҳаллий шароитға биноан) қонунлар тузиб қўлланиш усули ижро этилуру.

Орттирма: майда миллатлар орасинда энг кўпчилик тожикларни назар эътиборға олиб, тўда орасиға мумкин қадарли тожик санъаткорларидан қатнашдириб, комик пьеса ва адабиёт бўлимиға, концертлар бердиришни ҳозирлигин кўриш.

Мана шу систем билан (ортуқ ками тажрибакорларга ҳавола этилур) давом этилган тўдамиз иш майдониға чиққан тақдирда гўзал санъатларимиз чин-чиндан қабрдан бош кўтаришга интилган бўла оладур.

Гўзал санъат ходимларидан

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

ҲАМЗАНИНГ МОДДИЙ АҲВОЛИ ҲАҚИДА ОЛИМОВДАН МАСЛАҲАТ СЎРАБ ЁЗГАН МАКТУБИ:

«Саломдан кейин ўртоқ Олимов!

Юсуфжоннинг шафе келтирушидан қатъий назар ўша атрофда 4—5 нафар ёр-дўст, қайсики уни билан бизга баҳо бера оладургонларни эътибор этуб, 18 ойдан бери сабр қилиб келамиз. Бу кунлар жаям оғур бўлди. Маълумингизким, 20 ойдан бери ишсизлик қандай торлиқ берадур. Бир мартаба оғуздан ҳам сўзлаган эдим. Охирги сўз билан ўтинар эдим, қандай текизлик билан бугун-эрта орасида шу фалокатдан бизни қутқариш учун ёрдам беришингизни. Бўлмағонда агарда айтолмас бўлсаларингиз шул бирор ерга расмий мурожаат лозим келадур.

Жавобингизни кутуб Ҳамза 13. XII. 1926.

1927 йил

Ўртоқ Вайс Рахим!

1) Тарихда муҳим ўрун оладургон ишлардан бўлган роял ҳақида Марказ Қўшчи маориф ва Йўлдошбой акам билан сўзлашиб шул вилоятимиздаги Қўшчи роялини мени қарздор қилиш шарти билан бўлса ҳам маълум бир изи қоладигон шул иш чорасиға киришувингиз, сўнг чоқларда қимматдир.

2) Йўлдошбой акам билан бомаслаҳат бизни Фарғона Туман Қўшчидан бўлгон қарзимизни яна бир икки ой сўнороқ тўлашга фурсат қўйиш, токи рўзгоримиз чиқорилиб сотилса бизам учун мартаба бўлгон қадар Ўзбекистон учун тарихий бир ҳикоя бўлуб қолур.

3) Нафақамиз ҳаққинда дурусткина бир чора кўрулмағанда эҳтимол йўқ бўлуб кетиши ҳам буюк хосиятлардандир.

Ҳаммасидан муҳими яна Шерозийни келтириш билан бирликда шул саноеъ нафиса тўдасини кулки ҳолидан чиқариб адабий бир ҳолга солиш. Бу ҳақда истар бўлсангиз тезликда Марказ Ижрокўмга тажрибавий лойиҳалар тақдим этмоқға ваъда бераман.

Менинг тушунчам:

Фарғона мусиқавий ўзушда Хоразмдан ўтолмасдир. Шуни эътибор этишлик лозим.

Ҳакимзода I. 1. 27.

ҲАМЗАНИНГ А. ЗОҲИРИЙ ВА Л. АЛИМИЙЛАРГА ҚОҒОЗ, ҚАЛАМ СЎРАБ ЁЗГАН ХАТИ

«Саломдан кейин.

А. Зоҳирий ва Л. Алимиий... Энди букунлардан гонораримизи бериш бўлмаса, биз ҳам ёзишдан тўқталамиз. Чунки қоғоз-қалам ҳам кетар экан.

Ҳакимзода».

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ НАШРИЕТИГА АСАРЛАРИНИ НАШР ЭТДИРИШ ҲАҚИДА ЁЗГАН МАКТУБИ:

«Ўз. Марказ наشريёт шубба мудириятига!

Сизга топшурулгон икки дона пьеса асар тарзида бўлуб, унларнинг мавзую, ҳодиса таърихий қимматини эътибор қилиниши хоҳ пьеса, хоҳ роман... қандай тизмада бўлмасун нашр қилинишида элга аҳамияти борми? Мана шу ҳақда фикрлашмоқ эди. Агарда ҳақиқатда аҳамияти бўлса уни пьесаликдан чиқариб, роман ёки бир турли ҳикоя шаклига солиш оғур бўлмаса керак. Лозим топилар экан ўртада шартнома тузуб, кўрсатилган чоққача ҳозирлаб бериш мумкиндур.

Иккинчи: бундан бошқа ҳам қисқача макотиб талабаларидан тортиб, катта кишиларғача кулки, хоҳ қайғули бўлсун кўрсатуладургон ҳажмларга эътибор қилиб ёзиб улгутиб турмоқ учун ҳам кўз очиб текширганда букунларғача ҳозирлағон, тўла бўлмаса ҳамки, ҳоли бақудрат материаллар бор. Мана буни учун ҳам қисқача йўлланма олиб, хусусан сўнгги замонларда ер ислоҳоти, пастки шўролар тузмаси, айниқса хотинлар озодлиғи тўғриларинда шартнома тузиш билан етказиб бериб туриш мумкинлиғи ҳаққинда сўзлашмоқ учун келган эдик. Агар асарни пьесалиғи сиз билан бизим ораға муносабат боғламаслик учун асос тутулган бўлмаса, юқоридаги жумлаларға бир қадар эътибор этиб, моддий шартнома тузишга бошларсиз. Йўқ, ҳақиқатда муносабат эътибор этулмоғон бўлса, пьесани кўрулгандан сўнг ўзимизда шу ҳолича тураберадур. То ўзининг истакли биродари келгунча, уни учун бизим ҳаёт-мамотимиз шарт эмасдур. (Бизда асаримизни босдириш завқи эмас, эл оғзидаги қочирим ҳолидаги кайфиятни ўз чоғида айнан йўқолмай майдони маърифатда қолиши завқи бордур. Марказ наشريётига ёзилган қоғоз кўфяси 1927 й. 5—24)».

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ ЎРТОҚ ОХУНБОБОВЕВГА ЕРДАМ СЎРАБ ЁЗГАН МАКТУБИ:

«Қайноқ саломдан кейин кадрлик оқсоқолимиз Йўлдошбой акамга! Бандангиз курорт ҳаққинда бутун дўхтурлар изидан саргардонликдаман. Нима йўл билан қолдиришга ҳайрон бўлуб бир-бирига солишдан бошқа наҳот бермайдилар. Бу орада биз ойлигимизни олиб тамомладик. Букун ҳатто бир тийин бўл, бир тишлам нон қолмади.

Ўзум бўлсам майли, бола-чақам учун ғоят ҳам оғур бўлди. Эртага маориф, асарларим учун пул бермоқчи эди, ул ҳам қолди. Қандай кетиш масаласи ўз олдига турупти, локин мунда очлик масаласи ғоят муҳим бўлди. Мумкин бўлса букун кеч-эрта билан ёмоқ беш-тўрт дона нон, бир-икки дамлам чой бериб юборишни лутфан қабулингизни сўраб (имзо) Ҳакимзода».

ФАРФОНА ОКРУГ ФИРҚА ҚҰМИТАСИГА АРИЗА

Маълумингизки, ман қалам учида кун кўриб (75) сўм нафақа билан бақодир тоқат яшаб келадур эдим. 4—5 та масъул ишчиларимиз, хусусан Улмасбоев, Ҳамидов ва Ҳакимовларнинг сўзлари билан ўз тирикчилигимни бир ёнга отиб труппа ташкилоти учун икки ойдин ортиқдурки, кўча чонғитмоқ билан овораман. Бу орада марказдан шоиринга (10 йилда энди бир бор) берилган курортдан ва унинг ҳеч бўлмаса иқтисодий томонидан ҳам қуруқ қолдим. Бунинг била қолмай, тинчгина кечиб турган турмушимдан, оиламдан айрилиб, рўзгорим, озлиқ бўлгон иқтисодимдан айрилиш билан бирга икки ёшда қўлимда қолгон болам билан ҳозирда кўриб тургон кунларимни итлар кўрмасдан. Бугун мени билган киши ҳолимдан хабардордир. Муни устига 2-3 дона асарларимни маориф труппа ишчотиға (счетиға) олиб минг сарсонлик билан (200) сўм бергониға ҳали ё асарларимни, ёхуд йўлимни бермайдикки, мен ўйланиб фалокатлардан ўзимни қутқазсам, яна муни устига 15 йиллардан бери кўчманчилик, жой ижора тўлаш сиқинтисидан ғоят тўйганман. Ҳалмоқ бу ер онинг қорамоғида бўлган бир ҳовли (800) сўмға олиб (400) сўм тўлаган эдим. 14 августда (200) сўмға суд ижросига тўлашим керак эди. Ҳали ҳам ғайриқонуний бу кунки, мени узрлар билан тўлайолмагоним эътиборға олиб қараб келди. Энг охирги срокин 3 сентябрда судға кириб биров йўлиқса (маориф санъат шуъба мудир) 5 сентябрга тўлашға қолдириб чиқиб ўзи менга бир пул бермай ўзи Самарқанд кетиб қолгондир. Демак, бу кун охирги сурок бўлиб, мен ўзимдан бўлмаган бир сабаблар билан бўлиб тўлаган пулумдан (500) сўм олиб (144) сўмға куюб кўчаға қувилсам керак. Кеча халқ шоири исмини олиб то бу кун ўз пулумға бир жой эгаси бўлаолмай кўчада қолишлигимға Узбекистоннинг обрўсига қандай таъсир этишлигини тушунуб унинг учун ман тоқат қила олмайман. Шунинг учун энг охирги аризам билан бу тарихий ҳодисани сизнинг ҳузурингизға тақдим қилиб, бу кун шул ишни чорасини кўришингиз учун ёрдамингизни ёки бирор четроқ ерга кетишим учун рухсат этишингизни сўрайман. Чунки мен бирор чет жумҳуриятға кетишда ўз ҳузуримни эмас, балким халқнинг таъна ва истиҳзосини ўйлайман ҳам унинг учун тоқатим ҳеч йўқдур.

Раҳбарлигингизни сўраб Ҳамза Ҳакимзода
5. 9. 1927 й.

ФАРФОНА ОБЛАСТЬ ФИРҚА ҚҰМИСИЯСИГА МАЪЛУМОТ

Бундан икки, уч ой илгари тузуладургон энг охирги труппа ҳақинда ўн йил балким ўн беш йиллик тажрибада кўрилган имтиёзлари тизиб, мукаммал бир лоиҳа тақдим қилган эдим. Ҳамда шул труппанинг давоми учун энг сўнғи сестимада уч шарт кўрсатиб, агар шу сестималардан аввал ижроси бўлмай труппани ташкил этилишда ҳеч бир маъно йўқлиги билан бирга ўзимни ҳам иштирок этаолмаслигимни билдирган эдим. Шул қоғоз билан яна иккинчи мартаба такрорлашға мажбурдурман.

Биринчи труппаға бир маънавий кучни бутун сарбаст (ҳамма машғулотдан озод) қилиб боғлаш. Иккинчи шул маънавий кучни ҳар бир керакли мусиқавий қурол билан таъмин қилиш. Учинчи, шул маънавий кучни ҳар бир хусусий эҳтиёжи (моддий осон) ишонурлик даражада қоплаш.

Мана мундин сўнг ташкил этиладиға кўчганда шул труппадан бир натижа кутмоқ мумкиндир. Ман бўлсам шул маънавий куч бўлиб қўшула олсам ҳам ташкил ишиға ҳеч бир йўл билан қатнашмаслиқда қоламан. Чунки ташкил иши халқ томонидан қаршу олиниб, халқ томонидан баҳо бериладургон оммавий бир хизмат бўлгонлиқдан бу улўғ жавобгарликни ўз устумға ололмаслигимни билдираман. Шунинг учун сизлардан ўтинаман, ташкилот иши ўз арбобиғагина топшириб, мани бундай оғир жавобгарлик мадорадан қутқазиб ёлғуз маънавий томонини топшурсангиз кераклик ҳар бир янгиликларни ҳам пьеса ҳамки опера турли ҳаволар ва хорлар ҳозирлаб бериш хизматида давом этсам. Шунинг билан бирга мени 2—3 ойдан бери оилавий турмушим, иқтисодий аҳволим ғоят бузғун ҳолда қолди. На бошим, на қўлим бирор нарса ишламайдур. Мен сизлардан холис ёрдам шаҳсан балким ҳозирги ва эндиғи ёзилаб бериладургон материал ва пионинани келтириш ва бир бизим музика қуроллари олиш учун ҳам 4—5 ойлик овқат-озуқ, уйимға қишқи ремонт ва оиламни келтириб олиш, мана шундай мени ёзув ишларимға халал бўлиб саналган ишлардан тезликда қутқорилишим учун ёзиладургон ва ёзилган, топширадигон асарлар устидан қарз ва дастурида тузукроқ моддий куч билан таъмин қилишингизни сўрайман.

Шул чоқда бирор ҳафта ичида шул ташвишларимдан бўшалуб, ундан сўнг бир ўн беш кунлаб бир жойда ўтирсам ё байрам учун тўлароқ ҳозирлиқ кўраолурман.

Бу хусусда сизлар қанча кечикдирсаларингиз ман яна шунча оғирликларни ўтказурман. Локин ҳозирликдан ҳеч бир умид кутишға ўрин қолмасдур, деб Ҳамза Ҳакимзода. 2. X. 1927.

Илова! Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, шул аризамда кўрсатилган сабаблар лойиқ ва нолойиқлиги ҳақинда тезроқ бир жавоб берсаларингиз, токим бошқа бирор жойға чора ахтариш масорирати кўрмасам. Ҳозирда ниҳоят оғир ҳолда қолдим.

ҲАМЗАНИНГ ОХУНХОН АФАНДИГА ЕЗГАН МАКТУБИ:

«Оқам Охунхон афанди! Мен труппадан чиқдим. Фақат ҳукумат муҳаррири бўлуб қолдим. Лекин офиратси қилган жой, яна оғруб нотобман, бошқа оғриқлар ҳам бор. Қосим номерининг 14-нчи уйинда ётулман. Мумкин бўлса бир келсангиз, ман ойлигингиз тўғрисида Ғафуржондан хат қилуб қўяман... китобларингиздан, тарихийсидан беруб юборсангиз, сўнгра у хотун масъаласи нима бўлди. Беш-олти минг қўлимда пул борлиғида бир оталиқ қилсанг эди, деб кутуб қолувчи Ҳамза Ҳакимзода. 1928-йчи, 17 январь».

ҚАЙНОҚ САЛОМДАН КЕЙИН ЎРТОҚ УЛМАСБОВЕ!

Шояд ҳамким дунёда ўзининг нуфузи қадар яшайдирлар деган маънолик жумлалар билан мендан кўпроқ танишдирсиз. Ҳам шундай билиб бизни, нуфузингизни кўтариш йўлида тўрт ойдин бери югуриб-югуриб бошимға тушган ҳодисаларни қандай кучлар билан ўтказганимни билмайман. Ўртоқ Шарипов мутлақо воқифдур. Хусусан йигирма кундан бери туни-кунини уйкумни барбод бериб байрамда труппани кўтариш учун бир қанча материал тайёрлаб бердим. Энди уйимда бир сиқим ун, бир қабза ўтун, энимда, на оилам, на болам учун бир тўн йўқ. Ҳазиллашиб пул сўрасак бизга

тескари қарадилар. Мана шундай воқеаларни ўн йилдан бери, минг қабат бўлиб келганини кўриб қочган эдим. Анча йил кичик бир ролларни эпа қила олмаган артистларга уч, тўрт сўмлаб топилган пул, 4-5 ойдин бери кўча сангитиб тўрт-беш пьеса ёзиб топширган гуноҳкорга, улуғ байрам кунинда икки юз сўм топилмади. Ғоят биз байрамга иштирок эта олмай ўтказармиз. Аммо эндиликда ҳеч бир киши сўзини ўзимизга ўтказмас учун ҳам тиришармиз. Шунча йиллар ўзимиз ҳам музд, ҳам хизмат йўсунда бериб келган, эндиликда фирқага таяниб туриб кучимиз ғасб, мартабамиз таҳқир этилса албатта шуни матбуот бир кун бўлмаса, бир кун текширар. Бу шикоят эмас, фақат ҳар кимларнинг сўзи билан мендин бўлган шубҳангизни чайқовдир. Қўл ўлмас, ризқи камимас. Сиздан бир илтимос шуки, Миршоҳид қорига ифода қилиб қўйсангиз, маним остонамга шум қадамларин дубора етказмасунлар.

Хайр, ходимингиз

Ҳамза Ҳакимзода.

МАРКАЗ ОНГ БИЛИМ ҚЎМИТАСИГА

Сиз билан яллачилар пьесаси хусусинда бўлган даговорни ҳақиқатда олганини мани ким ўз иқтисодимга катта зарар берди. Бунга ман эмас, маҳаллий ағет маориф союзи шуъбалари сизга шул пьеса ҳақида мурожаат қилиб ёзган эдилар. Сиздан олунган 120 сўм ақча учун мен бошқа мундан ҳам муҳимроқ (Хоразм инқилоби) пьесасини тайёрлаб юбормоқчи эдим. Таассуф бир томондан рўзгорин бир неча қийналишлар ва бир томондан маҳаллий идораларимиз томонидан ҳар турли муҳим хизматларга мажбурий боғланишлар бу кунгача сизга бизни уялтириб келди. Энди қандай бўлмасун қўлимда ҳозир тубанда исмлари кўрсатиладурган пьесалар ҳозир бўлди. Қандай бўлмасун 1-нчи апрелда кечи билан 4-нчи апрелгача шул китобларимни олиб бориб, ҳузурингизда тасдиқ этдириб, қайсини, ё ҳаммасини хоҳлар экансиз, ўзингизга бериб қайтурман. Ҳозирги яллачиларни юбордим, яна кам-кўсти бўлса боргач, Чўлпон билан бамаслаҳат тuzатиб берсам керак. Бирор ой Самарқандда бўлурман.

- 1) Хоразм инқилоби. 4 парда драма
- 2) Март қурбони Ойниса. 3 парда бир манзара драма. Бу тасдиқ бўлди. Марказ бетда тасдиқ бор.
- 3) Эл қузғунлари опера. 1 кулки
- 4) Жаҳон сармоясининг энг охири кунлари
- 5) Майсаранинг иши
- 6) Жен отдел
- 7) Яллачилар иши

1. 9 манзара драма 10 йиллик
октябрга бағишлаб ёзилган
3 кулки
3 кулки
5 драма

Мана шул пьесалар ҳаммаси ҳам сизни тасдиқингиз билан бўладурган учун бугунгача шул пьесаларни ёзиб тайёрлаб бир йўла боришга тўғри келгандан, ҳам йўқоридида кўрсатилган сабаблар билан таъхир бўлгонлиғин шояд кўзда тутуб биз боргунча суруқни тўхатишингизни сўраб қоламиз.

Ҳамза Ҳакимзода 1928 йил, 19 март.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ ЎЗ ИЖОДИЙ ИШЛАРИ УЧУН ШАРОИТ ТАЛАБ ҚИЛИБ ЁЗГАН ТАЛАБНОМАСИ:

«Менинг талабларим: Агар Ўзбекистонимиз учун янги ашулалар ижод этилиб, тузилиши керак бўлса ва мендаги табиатнинг шу берган бойлиги Ўзбекистонимизнинг менга тутадурган харажат ва нафақаларини қоплаш билан бирга саҳна ва замонни талабига мувофиқ фойдланишга лойиқ бўлса, тўбонда кўрсатуладурган ва ўн йилдан бери талаб этилиб муваффақ бўлолмаган шароитлар билан мендан фойдаланса экан:

1. Бир дона махсус фианина билан таъмин этилса.
2. Ҳозирги очулган мусиқа дорилфунунидан чолғу ўрганиш сифати билан эмас, ижод этиладурган ашулаларимни сақлаб қолиш ёрдами учун ўзбек миллий мусиқа нотасини ўзинигина ўрганиш йўли билан фойдалантирилса.
3. Мени бир қадарлик таъмин муқаррар этилса.
4. Хоҳ эски, хоҳ шаҳарда бўлсун ҳукуматнинг арзон биноларидан фойдалантирилса, чунки хусусий мулклар мени иқтисодимга катта зарар берадур.
5. Матбуот, нашриётдан ва кино театрлардан мумкин қадар ҳақсиз фойдалантирилса.

Мана шу чоқда бошдан мазалик ош кутмоқ мумкиндуру. Йўқ, агарда юқоридидаги шароитда мендан кутулган куч арзимас эса, (албатта бу илмий кишиларга маълум бўлади), шу ўн йил ичида шуро ва фирқа тизимида фойда бўлмаса ҳам зарар етказмаганлиғим учун марказий идоралардан бирор ёрлик қоғоз берилса экан, токим ўзумдаги шу баҳосиз кучни бир навъи йўллаш учун бирон ерларга бориб тарбият учун уринуб кўрсам, деб (имзо) Ҳакимзода. 28 й.»

ҲАМЗАНИНГ ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ИЖРОКОМИГА ЖОЙ ОЛИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАСИ:

«Қизил Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасига Ҳамза Ҳакимзодадан Ариза.

Бундан аввалги берилган аризамда берилган ваъдангизга биноан янги шаҳардан бериладурган бино (хона жой) ҳақида тегишлик ўринга буйруғингизни сўрайман. (имзо) Ҳакимзода Ниёзий», 28 йил 27 июнь, шаҳри Шоҳимардон».

ҲАМЗА ВА САКЕН СЕЙФУЛЛИН

Ўзбек ва қозоқ адабиётининг алоқалари ҳақида фикр юритилганда катта истеъдод соҳиби бўлган Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий билан Сакен Сейфуллин номлари алоҳида тилга олинади. Чунки уларнинг номи бу адабиётларнинг туғилиши ва шаклланиши билан ҳамбарчас боғлиқ. Ҳар иккиси ҳам Улуғ Октябрь тонгида жўшқин инқилобий руҳда асарлар яратдилар.

Ўз ижодини Октябрь революциясидан илгари бошлаган бу санъаткорлар илк ижодий қадамидаёқ халқ оммасини ўқишга, савод ўрганишга чақирадилар. Камбағал болалари учун мактаблар очиб, таълим-тарбия ишлари билан кенг шуғулландилар. Шу мақсадда Ҳамза ўзбек классик адабиётидаги маърифатпарварлик ғояларини тараққий эттирган ҳолда, Тошкент, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида камбағал болаларига бепул мактаблар очиб, «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» каби дарслик ва қўлланмаларини яратса, Қозоғистонда Сакен Сейфуллин ҳам ўз фаолиятини Оқмўла атрофидаги овул мактабида муаллимлик қилишдан бошлайди. У ўзининг 1914 йили чоп эттирган илк шеърлар тўплами — «Утган кунларда халқни илм олишга чақиради. Сакен Сейфуллин ҳам ўз устозлари Иброй Олтинсарин (1841—1889) ва Абай Қўнанбоев (1845—1904) изидан бориб, уларнинг маърифатпарварлик ғояларини кенг давом эттиради: «Қозоқ адабиёти» номли дарслик ҳамда «Бадий адабиёт» хрестоматиясини нашр эттиради.

Сакен Сейфуллин билан Ҳамза революция тантанаси учун қўлларига қурол ва қалам олиб, янги Совет ҳокимиятини ўрнатишда таҳсинга сазовор ишлар қилдилар. Эзилган меҳнаткаш халқни курашга чорладилар. Ҳамза 1917 йилда ёзган «Биз ишчимиз» шеърда меҳнаткаш халқ оммасини курашга чорлаб:

**Курашурга қурол керак,
Қуроланинг ишчилар!
Битсин қонхўр, қорин бойлар,
Аларга йўлбошчилар! —**

деса, Сакен Сейфуллин «Ёш қозоқ марсельезаси» номли шеърда Ҳамза фикрини янада кенг ривожлантиради:

**Эй ўғлон, қунишма, دادил бўл,
Бир сафда борайлик, бериб қўлга-қўл.
Туғ ушлаб, ёвларни қйратиб,
Золимдан биз қасос олайлик.
Адолат хитобин янгратаиб,
Душманга қора кун солайлик.**

(М. Шайхзода таржимаси)

Сакен Сейфуллиннинг «Ўртоқлар», «Чўлда», «Шошилиб йўлга чиқдик», «Кел, йигитлар», «Қизил асарлар марши», «Ишчиларга» каби шеърини асарлари билан Ҳамзанинг «Ҳой, ишчилар», «Яша, Шўро!», «Ҳой, ҳой, отамиз», «Уйғон», «Ишчи бобо», «Ишчилар уйғон», «Берма эркинги н қўлдан», «Қизил асарларга» каби қатор шеърлари қиёсланса, улар мавзуи ва моҳияти жиҳатидан ҳам бир-бирига жуда яқин эканлигини кўрамиз. Масалан, Сакен Сейфуллин «Ўртоқлар» шеърда, меҳнат кишиларига қарата:

**Етиб келди ғайрат қилмоқ вақтингиз!
Қўлингизда тақдирингиз, бахтингиз!
Неча минг йил эзди бойлар, подшолар,
Ерла яксон этайлик улар тахтин биз, —**

деса, Ҳамза ҳам 1918 йилда ёзилган «Уйғон» шеърда халқ оммасига эски турмуш, адолатсиз ҳаётнинг кирдикорларини ҳаққоний очиб:

**Битсин қонхўрлар, мустабид тўралар,
Бир тўп дона салла, узун сурралар!
Энди бизникидур, замон, ўртоқлар,
Яшасин қора меҳнаткаш жўралар! —**

деб ёзади ва халқни янги турмуш, янги ҳаёт сари чорлайди.

Ҳамза билан Сакен Сейфуллин бадий адабиётнинг ҳамма жанрларида унумли қалам тебратгани ва ўз поэтик асарларига куй басталаб, ижро этганлиги ҳам муҳим ҳодисадир. Натижада улар ўзбек ва қозоқ адабиётида янги-янги жанрларнинг пайдо бўлишига катта йўл очиб бердилар ва миллий драма, трагедия, комедия, қўшиқ, ашула ва ўланлар яратиб, ҳар икки адабиётнинг байроқдори, асосчиси даражасига кўтарилдилар.

Ҳамза билан Сакен театр санъатининг Октябрь инқилоби ғояларини тарғиб қилиш борасидаги беқиёс ролини теран тушуниб, театр сахнаси учун ҳам қатор драматик асарлар яратиб, ўзбек ва қозоқ совет драматургиясининг ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. Бу ўринда Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», «Фарғона фожиаси», «Тухматчилар жазоси», «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» каби драматик асарлари билан Сакен Сейфуллиннинг «Бахт йўлида» (1917), «Қизил шунқорлар» (1920) сингари сахна асарларини эслаш kifоядир.

Маълумки, шу кунга қадар Сакен Сейфуллин билан Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг бир-бири билан таниш бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида адабиётшуносларимиз ўртасида икки хил фикр мавжуд. Баъзи адабиётшунослар «улар бир-бирини билмаган, бир-бирини кўрмаган, ўзаро асарларидан ҳам бехабар», — десалар, баъзилари «улар шахсан таниш бўлган, суҳбатлашган, ҳатто асарларини кенг шарҳлаганлар», дейишади. Биз бу масалада ҳаётий далилларга таянишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунончи, Сакен Сейфуллин 1922 йилнинг кўкламида бир неча йигитлар билан биргаликда, Бетпоқ дала орқали, Туркистон ўлкасидан ўтиб, Тошкентга келади. У бу ерда бир мунча вақт бўлиб, қозоқ тилида чиқадиغان Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг органи бўлмиш «Чўлпон» журнали билан «Ақ жол» газетасида ўзининг бир қанча шеърини асарлари, мақолаларини эълон қилади. Бу ўринда 1922 йилда «Чўлпон» журналининг 2—3-сонларида чоп этилган «Қизил шунқорлар» асарига берилган тақризни, шунингдек «Ақ жол» газетасининг шу йилги 14 апрель сонидан босилган шоирнинг «Зотга ном излаш, тушунчага сўз қидириш» мақоласи билан «Маржон» номли шеъри эълон этилганлигини эслаш kifоядир.

Сакен Сейфуллин 1922 йилнинг апрель ва

май ойларида ҳозирги Тошкент область, Оржоникидзе районидagi Дўрмон қишлоғида яшаб, «Гўзал терак», «Дўмбира», «Надежда, Умид, Умида» каби шеърӣ асарларини ҳам яратган.

Сакен Сейфуллин 1927—28 йилларда Тошкентга иккинчи бор келиб, бу ердаги қозоқ-қирғиз педагогика институтида қозоқ адабиёти тарихидан лекциялар ўқийди, адабий тўгарақларда фаол иштирок этиб, фольклоршунос олим Абубакир Диваев билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашади. Бу ҳақда ўша йиллари Тошкентда Сакен Сейфуллинни ўз кўзи билан кўрган, унинг мароқли лекцияларини эшитган, ҳозирги кунда тарих фанлари доктори, профессор, олмаоталик олим Элтўқ Дилмуҳамедов «Тошкент кунлари» номли эсдалиғида: «Сакен Сейфуллин «Қозоқ бадий адабиётининг ҳозирги аҳволи» деган мавзуда лекция ўқиди. Зал тўла эди. Тўгарагимиз аъзолари турли миллат студент ёшларидан ташкил топган эди. Шунинг учун ҳам Сакен сўзининг охирироғида қирғиз ва қорақалпоқ совет адабиётининг ривожланиш йўлларига ҳам мурожаат этди», — деб алоҳида қайд этади. («Қозоқ адабиёти» газетаси, 1964, 29 май.)

Шунингдек, 20-йилларда Урта Осие Коммунистик университетида дарс бериб, профессор даражасига кўтарилган, таниқли қозоқ шоири Утебой Турмонжонов ҳам ўз эсдалиғида: «1928 йили Сакен Сейфуллин Тошкентдаги Маориф институтига директор бўлиб келди ва журнал ишига («Кедей айнаси» — университет қошида ташкил топган альманах — Қ. С.) яқиндан ёрдам бериб, Тошкент ёшлари орасида адабиёт ҳақида суҳбатлар ўтказиб, бизнинг адабий-бадий ишларимизга катта таъсир этди», — дейди. (Уша газета, 1969, 15 ноябрь.)

Сакен Сейфуллин Тошкентда бўлган пайтларида ижодий иш билан шуғулланиш билан бирга Акрамхўжаев деган ўзбек кишидан араб тилини ҳам ўргангани ва ўзининг «Қизил рангга бўялган миллатчилик» номли мақоласини шу йиллари Тошкентда chop этилиб турган «Партия турмуши» журналининг 1929 йил 8-сонида эълон этади.

Машҳур қозоқ совет ёзувчиси Собит Муқонов берган маълумотга қараганда, Сакен Сейфуллин 1927 йили поездда Тошкентга бораётганда ҳам суҳбатларига ўзбек адабиёти ҳақида, унинг буюк вакиллари тўғрисида гапириб беради. Собит Муқонов Ҳамза ҳақида ёзган «Буюк маданият арбоби» номли мақоласида Сакен Сейфуллин билан биргаликда Ҳамза, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний каби ўзбек ёзувчилари билан қизғин суҳбатлар ўтказгани тўғрисида батафсил фикр юритади. Адиб: «1927 йилнинг кузи. Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами арафаси эди. Қозоқ совет адабиётининг асосчиси, Қозғистонда Совет ҳокимиятини барпо этишда актив иштирок этган революционер шоир Сакен Сейфуллин менга Октябрь байрамини Тошкент шаҳрида ўтказишни таклиф қилди. Мен Тошкент шаҳрида илгари бўлмаган эдим», — деб хотирлайди. («Ҳамза замонадошлари хотирасида». Тошкент, 1979, 27-бет.)

Шу келишда улар моҳир сўз заргари, катта истеъдод эгаси Абдулла Қодирийнинг уйда меҳмон бўлишади. Собит Муқонов биринчи марта шу хонадонда Ҳамзани кўриб, у билан ҳамсуҳбат бўлади. Шунда Сакен Сейфуллин Ҳамзани «биринчи ўзбек революционер шоири», — деб таништиради. Бу факт Сакен Сейфуллин Ҳамзани олдиндан яхши билганлиги ҳақда унинг ижодидан хабардор эканлигидан далолат беради. Собит Муқонов: «Ревью» меҳмонхонасига жойлашганимиздан кейин, эртаси куни

бизни Абдулла Қодирий ўз уйига таклиф қилди. Сакеннинг тавсияси билан мен А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини ҳижжалаб бўлсада, ўқиб чиққан эдим», — деса, яна бир саҳифада: «Унинг уйдаги меҳмонлар орасида бугдой ранг, сирак мўйлов бир киши сўзга чечан, ҳазилкаш ва қувноқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бу киши Ҳамза Ҳакимзода экан», — деб ёзади.

Ҳамза 1922—1924 йилларда Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой шаҳарларида мактаблар очиб, ўқитувчилик қилган чоғларида, у ерда театр труппаларини ҳам ташкил этган эди. У саҳналаштирган асарлар орасида Сакен Сейфуллиннинг «Қизил шунқорлар» драматик асари ҳам бор. У ўзи ташкил этган мактаб-интернат ўқитувчиларига машҳур сўз заргари Мухтор Аевоннинг «Энглик — Кебек» асарини ўқишни тавсия этган. Булар Ҳамзанин қардош халқлар адабиётига, шу жумладан, Сакен Сейфуллин билан Мухтор Аевон ижодига бўлган хурмат ва эҳтиромининг ёрқин самарасидир.

Бу ҳақда ўша йиллари Ҳамза билан бирга ишлаган, у тузган драм труппаларда фаол қатнашиб, Сакен Сейфуллиннинг «Қизил шунқорлар» пьесасида Балқия ролинни ижро этган Сидиқ Ҳакимбоев билан шу асарда Жоғипор ролида ўйнаган Тўлек Сарибоевларнинг фикр-мулоҳазалари, эсдаликларини эслаш кифоядир. Масалан, 20-йиллари Хўжайлида театр директори бўлиб ишлаган, ҳозир пенсионер Тўлек Сарибоев: «Бизлар интернатда ўқиётган чоғимизда, Ҳамза икки йигит билан, мактабимизга келди. Ўқитувчиларимиз билан гаплашди», — дейди ва ундан сўнг уни ўқувчиси ёнига қақриб олиб, Ҳамзага: «мана шу йигит драм труппани бошқара олади», — деганлигини таъкидлайди. («Қозоқ адабиёти» газетаси, 1979, 4 май.)

Шундай қилиб, Хўжайлида ўзбек-қозоқ драм труппаси ҳам ташкил этилиб, Ҳамза асарлари билан бир қаторда Сакен Сейфуллиннинг «Қизил шунқорлар» асари саҳналаштирилади. Шунинг учун ҳам Тўлек Сарибоев: «Мен «Қизил шунқорлар» пьесасида Жоғипор ролин ижро этдим», — деса, 40-йиллари Хўжайлида комсомол ячейкасининг раҳбари бўлган Сидиқ Ҳакимбоев: «...Бир мартаба «Қизил шунқорлар» пьесасида мен ҳам иштирок этдим. Шунда, Балқия ролига қиз топилмай, менин ўзим шу ролда ўйнаганим ҳали-ҳали эсимда», — дейди.

Сакен Сейфуллиннинг «Қизил шунқорлар» пьесаси 1920 йилда ёзилган. Бу асарда 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати манзаралари кенг тасвирланган. Қўзғолон кўтарган халқ адолат, бахтли турмуш, биродарлик учун курашдади ва ғалаба қозонади.

Асарда Эркабулон, Бойдилда, Аҳматғали, Лозовой, Нестеров, Жоғипор, Балқияларнинг Колчак босқинчиларига қарши матонатли кураши ҳам қизиқарли ва ёрқин акс этган. Бу драма қозоқ совет адабиётида инқилобий мавзуда ёзилган илк монументал саҳна асаридир.

Ана шундай йирик асарни Ҳамза томонидан 20-йилларда Қорақалпоқ ўлкасида, Хўжайлидаги драм труппада саҳналаштирилиши, бош қаҳрамон Эркабулон ролинни ўзи ижро этиши, ҳақиқий интернационалист санъаткорнинг қардош халқлар адабиётига, шу жумладан, қардош ва жондош қозоқ халқининг маданияти ва адабиётига бўлган меҳр-муҳаббати, самимий ҳурмати-нинг ёрқин исботидир.

Қолдибек СЕЙДАНОВ,
филология фанлари кандидати



Азиз Қайумов

ШОИР ФУРҚАТ

(ИККИНЧИ ҚИСМ)

ЕРКЕНТ ШАҲРИ

Зокиржон Фурқат 1891 йил 14 май куни Тошкент шаҳридан чиқиб аравада Самарқанд сари йўл олди. Самарқандга етиб келгач, бир неча фурсат шаҳарда Мирзо Бухорий деган таниши ҳузурида меҳмон бўлди. Бу киши археологияга қизиқар ва археологик ва нумизматик топилмаларни йиғар эди. Фурқат Мирзо Бухорий билан қилган суҳбатларидан кўп мамнун бўлган. Самарқанд осори атиқаларини зиёрат қилган Фурқат улардан гоёта таъсирланди. У вақтда темир йўл Красноводскдан Самарқандгача қурилиб битган эди. Фурқат Самарқандда поездга ўлтириб Бухорога келади. Сўнгра Марв ва Ашхобод орқали Ботумига боради. Ботумидан Истамбулга ўтади. Сўнг Миср, Юнонистон, Булғория, Сурия мамлакатларига саёҳат қилади. Ундан кейин Арабистонга бориб Макка, Жидда, Мадина шаҳарларида бўлди. У ердан кемага ўлтириб Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрига келади (1892 й. 10 сентябрда). Ҳиндистоннинг бир неча вилоятларига сафар қилади. Ниҳоят, Бомбейдан Хитойга қарашли Еркент шаҳрига келди¹ (1893 й. сентябрь) ва бу ерда муқим яшаб қолди.

XIX аср ўрталарида Еркент шаҳрининг қандай бўлгани, унинг топографик плани, аҳолиси, иқлими, маҳалла, бозор, муҳим иморатлари тўғрисидаги муфассал маълумотлар буюк қозоқ олими Чўқон Валихонов томонидан берилган².

Еркент Хитойга қарашли Шарқий Туркистон [Ҳозирги Хитойнинг Синцзян-уйғур автоном райони. Уни Шинжон ўлкаси деб ҳам атайдилар. Чўқон Валихонов «Малая Бухария» («Кичик Бухария») деб номлаган] ерларидаги энг катта шаҳар эди. Бу шаҳар Шарқий Туркистоннинг жанубий қисмида жойлашган. Кашмир ва Таббатга яқин бўлган. Ч. Валихоновнинг хабар беришича, Еркентда 32 минг уй бўлган (Бу ўлканинг энг катта шаҳарларидан бири Қашқарда 16 минг уй бўлган. Демак, Еркент Қашқардан икки баробар катта эди). Еркент шаҳри баландлиги саккиз сажен (бир сажен икки метр) келадиган девор билан ўралган. Бу деворнинг айланаси 25 чақирим бўлиб, унда 4 дарвоза бор эди. Шаҳарда 4 сарой, 70 мадраса ва катта масжид-регистон бўлган. Тўрт саройдан икkitаси андижонликларга қарашли: Олимжон ва Исломжонларнинг саройи; қолган икkitаси эса Доруғабекнинг ва Давлат ҳинди деган кишининг саройи бўлган. Еркентда 36 минг аҳоли яшаган. Шуҳрат топган маҳаллалар — Урда олди, Соқа кўлда ҳиндилар ва кашмирликлар истиқомат қилганлар. Оқсоқол кўчаси деб аталган маҳаллада эса бадахшонликлар ва андижонликлар³ яшаганлар. Еркент шаҳрининг чекка маҳаллаларида озод қилинган қуллар — рофизлар жойлашганлар. Шаҳарнинг кўзга кўринган бинолари Хўтан дарвозаси яқинидаги Ҳакимбек саройи ва баланд минорали қадимий масжид — Регистон бўлган. Шаҳарнинг марказий кўчаси Олтин дарвозадан то Қабоғот дарвозасигача чўзилган. Кўчанинг икки томони раста; ғиж-ғиж катта-кичик дўконлар, овқатхоналар. Шу кўчанинг охирида эса катта савдо майдони Чорсу.

Расталарда ҳар куни эрталаб соат еттидан бошлаб савдо қизирди. Ҳар ҳафтада бир мартаба — жума кунлари катта бозор бўлган. Бозор майдони Хитой кўрғони билан шаҳар орасидаги Гайчана деб аталган жойда эди.

Еркентнинг шимолида, шаҳардан 380 чақирим нарида Барчук қишлоғи бор. Бу ерда Хитой кўшини жойлашган. У 300 аскардан иборат. Барчук Еркент дарёнинг Тарим дарёсига қуйиладиган жойида. Шу жойларда яна Марилбоши деган қишлоқ бор. У ерда долон уруғига қарашли халқ яшаган. Уларнинг ўз ҳокимлари бўлган. Еркентнинг ғарбида Сарикўл деган кўл бўйида Саркўл қишлоғи бор эди. Хўтандан Еркентга келадиган йўл ёқасида Еркентдан 200

¹ Фурқатнинг саёҳат маршрути тўғрисида қимматли маълумот ва мулоҳазалар Х. Расулнинг «Фурқат» (Т. 1959), А. А. Абдуғафуровнинг «Зокиржон Фурқат» (Т. 1977), Ғ. Каримовнинг «Халқ, тарих, адабиёт» (Т. 1977) китобларида бор. Энг муҳими Фурқатнинг ўзи ёзган «Саргузаштнама»си ва хатлари (Фурқат, «Танланган асарлар», т. П. Т. 1959, нашрга тайёрловчи Халид Расул).

² Ч. Валихонов. «Собрание сочинений» в пяти томах, Алма-Ата, 1985, т. 3, стр. 120—122.

³ Ч. Валихоновнинг ёзишича, маҳаллий аҳоли Фарғона водийсидан ва Тошкентдан келган кишиларнинг ҳаммасини андижонликлар деб атаган. А. К.

чақирим масофада Кумо қишлоғи бор. Бу ерда 200 га яқин уй бор. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари бу ерда катта бозор бўлар эди¹.

Ёрқентда ва унинг атрофларида нок, нашвати, узум, олуча, гилос, шотут, беҳи, ўрик, шафтоли, анор, олма, ёнғоқ, жийда, чилонжийда каби мевали дарахтлар ўсади. Шаҳар атрофи боғлар, полиз майдонлари, шоліпоьялар билан тўла.

Фурқат аввало ўз сафарини тугаллаб Ҳиндистондан Қобул орқали ватанига қайтмоқчи эди. Бомбайга келгач, ундан Қашқар томонга ўтиб, сўнг Тошкент сари кетмоқни мўлжал қилди. Аммо шоирнинг бу режалари амалга ошмади.

Энди Ёрқент шоир Фурқатнинг иккинчи ватани бўлиб қолди.

БИРИНЧИ МАКТУБ

Осмоннинг шарқий уфқида ғира-шира ёруғлик пайдо бўлди. Худди кўройдin деб аталадиган сутли тунлардай уфқ оқара боради. Лекин куёш нурлари ҳали пайдо бўлган эмас. Бу отмаган тонгнинг енгил шарпаси холос. Шунинг учун уни субҳи козиб (ёлғон тонг) дейдилар.

Фурқат ҳар куни эрталаб худди шу фурсатда уйқудан турар эди. Шоир учун энг қадрли вақт — субҳи козиб билан эрта тонг (субҳи содиқ) орасидаги вақт. Атрофда тўла тинлик. Осмон ёришмоққа мойил, аммо жаҳон чеҳраси ҳали қора чодирдан чиққан эмас. Тонг саболари майин еладилар. Улар гулзорларни тўлдирган атиргулларга тегажаклик қиладилар; дарахтларнинг меваларга тўла шохларини силкитиб қочадилар, борлиқни муттасил сафобахш сурурга тўлғаза борадилар.

Фурқат эрта тонгда ювиниб, кийиниб озгина сайр қилади, сўнг ишга тушади. Осмонда ҳали ожиз, аммо жаҳонни ёритувчи куёш зарралари кўрина бошлайди. Қоинот хилма-хил ранглар жироси билан тўлади. Унинг акси ер юзасига ёруғлик бағишлайди. Ана шундай пайтда эса шоирни мез ёнида ўлтирганни кўрасиз. У ҳар куни эрта тонгдан ижод оғушига кўмилади. Шоирнинг шеърлари, дostonчалари, саёҳатномасининг янги саҳифалари, мақола ва хатлари шу фурсатларда битилади.

Ёрқент шаҳрида турғун яшай бошлаган Фурқат унинг одамлари, оби ҳавоси, шарту шароитларига кўникиб бормоқда эди. Бу ердаги бамаъни, мақбул одамлар шоирга ҳурматли муносабат кўрсатдилар. Ортиқча ташвиш ва кудурат ҳам йўқ. Аммо бир оғриқ шоир қалбини тинимсиз тинталайди. Соғинч. У ўз она юртини, яқинларини, ватан ҳавосини ичикиб соғинади. Шоир фикрида ҳамиша ватан хаёли ҳукмрон. У она юрт шамолларини кутади. Ватандан бирор хат ё хабар келгудай бўлса кўзига суртади; ўшанда кўнгли ёришиб анчагача қувонч ҳислари билан тўлади. Аммо вақт ўтиши билан бу севинч тугайди. Яна дард ўз қийноғини бошлайди. Лекин инсон секин-аста ҳар нарсага кўникади. Ҳатто бетўхтов маънавий оғриқларга ҳам. Шу йўсинда кунлар, ойлар, умр ўта боради.

Тонг ёришиб олам чеҳраси ўзининг беқийёс чиройини намоён этди. Жаҳон куёш нурларидан ранг-баранг безаклар тақди. Фурқат мез устидаги ёнуви хиралашиб бораётган шамни ўчирди. Сўнг ҳозиргина ёзиб битказган мактубини кўзига яқин келтириб ўқий бошлади.

«Ҳурматлик Николай Петрович Остроумов тўра хизматларига. Кўплардан кўп дуо ва саломлар. Камина Зокиржон Фурқат тарафидин; маълумингиз бўлсинки, мен камина сиҳҳат ва саломатликда бўлуб сиз ҳурматлиқни ҳам... саломатлигингизни хоҳлайман. Ҳиндистондин Қашмир вилоятига келиб бир мактуб юбориб эдим. Ва лекин Қашмирда бир мунча замон туриб ондин Тиват вилоятига келдим. Андин рабиулаввал ойининг аввалида Ёрқанд вилоятига келдим. Энди ушбу яқинлар Қошғар вилоятига келадурумен. Алҳол бу қадар қилғон сафарда кўрган воқеаларни бир «Саёҳатнома» китоб қилиб турадурумен, ҳар қачон тамом бўлса, Қашқарда турувчи ҳурматлик консул тўрага топшурув берурмен, йўхлаб олурсиз.

Бу мактуб борғандин кейин саломатлигингиздин бир мактуб Қашқарга ёзгайсиз. Ва ҳам консул тўрага мени танитиб бир мактуб ёзсангиз яхши бўладур, чароки Қашқарда бирмунча турадурган ишим ҳам бордур.

Ва дигар, жаноб Қози Муҳаммад Муҳиддин ва Эшонхўжа қози домўлламизга салом еткургайсиз; Ва дигар ҳурматлик Сатторхон ва Жўрабек додхоҳ ва Дўхтур тўра ва Митропольский тўра ҳаммасига саломим бор.

27 рабиул аввалда ёзилди².

Ғулом Каримов бу хатнинг 1893 йил сентябрь ойида ёзилганини аниқлаганлар³.

РОССИЯ ЭЛЧИХОНАСИДА

Чор Россиясининг Қашқардаги элчихонаси шаҳарнинг марказига яқин жойда. У бир қаватли, хом ғиштдан қурилган иморат. Томи баланд, тунука билан қопланган; деворларининг қалинлиги бир метр чамаси. Кўча томонида юксакликка бош кўтарган терак ва қайрағочлар бу иморат деразаларини қуёшнинг тигли ҳароратидан асрайдилар. Барча хоналар шунинг учун ёзда салқин бўладилар. Йўғон деворлар эса қиш совуғини тўсадилар, баланд шиплар хоналардаги ҳавонинг тозаллигига гаров.

Бош элчининг хонаси иморатнинг тўрида. Унинг деразалари ҳовлига очилади. Хона узун ва кенг. Тўрда йўғон оёқли, қорамтир рангли, ўймакорий нақшларга тўла баҳайбат стол. Бош элчи Н. Ф. Петровский стол ортидаги ўриндиғи ва сўянчиғига қора чарм ўрнатилган, қабзлари ўйма нақшлар билан безалган чуқур креслога кўмилиб ўлтирибди. У турли қоғозларни ўқимоқ билан банд.

Н. Ф. Петровский шарқшунос. У Тошкент Россия тасарруфига ўтгандан бери Тошкентда бўлди. Туркистон генерал-губернаторлиғидаги хизматдан холи фурсатларида ўзбек адабиёти,

¹ Ч. Валихонов, ўша асар, с. 120—122.

² Ғулом Каримов. «Халқ, тарих, адабиёт», Т. 1977. с. 117—118.

³ Ўша ерда.

хусусан эртаклар, дostonлар билан танишди, улар тўғрисида мақолалар ёзди. Бу мақолалардан баъзилари Петербургда чиқадиган «Вестник Европы» журналича ҳам босилган. Мана ўн йил бўлиб қолди, Н. Ф. Петровский Қашқардаги рус элчихонасини бошқаради. Фурқатнинг Еркентга келаёгани Петровский Тошкентдан Н. П. Остроумов йўллаган хат орқали билган эди. Ҳозир Остроумов яна хат йўллаган. У Фурқатдан кўз-қулоқ бўлиб турмоқни Петровскийдан сўрамоқда. Фурқатнинг Еркентга келиб ўрнашгани бош элчига ўз хабарчилари келтирган ахборотдан ҳам маълум эди. Ҳозир Остроумов бу ҳақда ёзиб, Фурқатнинг Еркент зиёлилари ўртасидаги обрў-эътибори, маҳаллий аҳолининг бундай шоир ва табибга кўя бошлаган ихлосидан элчихона истифода қила билмоғи лозимлигини эслатган.

Петровский қоғозлар билан банд эканида хонага қотма, ўрта бўйли, кўзлари айёрона қисик бир киши кириб келди. У элчихона ходими Я. Я. Лютш. Петровский қоғозлардан нигоҳини узиб унга қаради. Улар саломлашдилар. Сўнг хона эгасининг таклифига кўра Лютш стол ёнидаги курсига ўлтирди.

— Қандай янгиликлар бор? — сўради Петровский.

Лютш чўнтагидан бир конверт олиб бош элчига узатди.

— Николай Петрович Остроумовдан мактуб. Бугун келди.

Бош элчи Лютшнинг сертук бармоқлари тутган конвертни олар экан, ўзича жилмайди ва худди ўзига ўзи айтгандай:

— Тиниб-тиничмаган Николай Петрович — деди. — Туркистонда қилаётган ишларидан ҳеч қандай натижа йўқ-ку, яна бу томонларга ҳам қўл чўзади-я.

— Россия тожининг содиқ хизматкори у, — деди Лютш.

— Хизмат ўз натижаси билан муҳим, — деди бош элчи. — Қуруқ садоқат тож манфаатлари учун кифоя эмас.

Петровский Лютшдан олган хатга тезда кўз югуртиб чиқди. Остроумов Лютшга Фурқатнинг Еркент шаҳрида турғун қолаёгани билдирган, Фурқат Истамбулдан бошланган ва Еркентда яқунланган саёҳати вақтида кўрган-билганларини махсус «Саёҳатнома» китоби қилиб ёзмақда. Иложи борича тезроқ шу асар қўлёзмасини Фурқатнинг қўлидан олмоқ керак. Фурқат таланти шоир ва олим. Унинг йиққан маълумотлари жуда муҳим. Улардан давлат манфаатлари учун фойдаланмоқ мумкин. Лекин Фурқатнинг ўзи бу мақсадимизни зинҳор сезмаслиги керак.

— Нима қилмоқчисиз? — деб сўради Петровский Лютшдан.

— Фурқат ҳадемай Қашқарга келиб қолар, — деди Лютш, — шунда унинг янги «Одиссея»сини олмоқ иложи бўлар. Уни қўлга киритсак, Остроумовга етказмоқ унчалик мураккаб иш эмас. Фурқат Қашқарга келгач, у агар дилкаш одам бўлса мен уни уйга меҳмонга чақираман. Суҳбат асносида ниманики аниқлаб билсам уларнинг хабарини ҳам сизларга етказаман¹.

— Николай Петрович менга ҳам Фурқат тўғрисида ёзган эди, — деди Петровский, — Сиз бир одам орқали Фурқатдан хабар олингиз, ҳол-аҳвол сўраб қўйингиз. Токим Фурқат консулхонанинг у билан қизиқаётгани, унинг бу ерда эканлиги ва нималар қилаётганлигидан хабардорлигини билиб қўйсин. У ўзини консулхонанинг кузатуви эмас, ҳимояси остида деб ҳис этсин.

— Еркентдаги Россия фуқаросининг оқсоқоли Мирзажон ҳожи бу вазифани ўтамоққа жуда муносиб бир шахсдир.

— Уша Мирзажон ҳожи орқали бизнинг диққат-эътиборимизни Фурқатга етказингиз. Яна Фурқатнинг ҳар бир қадамини кузатмоқ ва бизга хабар қилиб турмоқни ҳам ҳожига топширингиз.

ТАЖАЛЛИЙНИНГ МАСЛАҲАТИ

1894 йил. Мана бир йилдирки, Фурқат Еркент шаҳрида истиқомат қилмоқда. У шаҳар растасида бир дўкон очган. Унда табобатга оид ўт, гиёҳлар, аччиқтош, поташ, ўлдирилган симоб ва бошқа турли дориворлар билан савдо қилади. Яна Фурқат тиб илми билан қизиққани ва ундан анча хабардор бўлгани тўғрисида оғ-оз табиблик билан ҳам шуғулланади. Еркент халқи бу «канди-жонлик» шоир ва табиби хўрмат қиладилар. Шеър мухлислари ўртасида Фурқат ғазаллари ва муҳаммаслари анча ёйилиб бормоқда. Бундан ташқари Фурқат ўтган фурсат ичида одобли муомала, ёқимли сўз, хушхулқилик, ўзгаларга дардмандлиги билан кўпларга ибрат бўлди. Ҳамиша озода ва шинам кийинган, соқол-мўйлаблари тарошланган, бежирим кўринишли, ўйчан ва камгап бу кишини ёрқентликлар «Қўғирчоқ маҳдум» дер эдилар. Фурқат бу лақабдан ранжимас, аксинча, одамларнинг топоғонлигига тан берар эди. Одамлар уни тартиб, мунтазамлик ва ёқимлиликнинг тимсоли сифатида шундай деб атаганларини у яхши тушунар эди.

Фурқатнинг Еркент шаҳридаги энг яқин дўстларидан бири шоир Тажаллий эди. Тажаллий Шарқий Туркистоннинг Еркент шаҳрида Хўжа Ариқ деган жойда туғилган. Номи Набираи Хўсайнхон. Унинг отаси Деҳли шаҳридан. Тажаллийнинг отаси Деҳлидан Қашқарга келган ва бу ерда муқим яшаб қолган. Тажаллий Еркентдаги таниқли шоирлардан эди. У Қўқон адабий муҳитига бевосита дахлдор улар билан мустақкам алоқада бўлган.

¹ Лютшнинг айтганлари тўғрисида Ш. Юсупов ўзининг «Фурқат йўлларида» китобиде хабар берган (с. 176—177).

Хусусан Муқимий, Муҳий, Муҳсиний каби шоирлар билан ёзишмалар олиб борган. Муқимий ва Фурқат Тажаллийнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар. Қўқонлик фозиллардан Мавлавий Йўлдош Тажаллийни Қўқонга келиб яшамоқни таклиф қилиб бир рубой ёзиб жўнатган. Тажаллий унга жавобан ёзган шеърда у шаҳарга ўзим сизга ҳам оху фиғонларим сизга, биздек мажнунворларга Хўтан саҳролари даркор, деган экан¹.

Тажаллий Кашмир орқали Ҳиндистон билан Ҳижозга борган (адойи ҳаж учун) пайтда Фурқат билан учрашади. Баъзи маълумотларга кўра Фурқатнинг Бомбай, Деҳли, Кашмир орқали Ёркентга келиши Тажаллийнинг таклифига кўра бўлган². Ҳар ҳолда Фурқатнинг ўз истиқоматгоҳи қилиб Ёркентни танловида Тажаллийнинг тутган ўрни ва таъсири шубҳасиздир.

Ёркентда Фурқат ўз танишларидан бирининг ташқи ҳовлисига яшар эди.

Ёз кунларининг илиқ оқшоми. Ҳовлида райҳонлар экилган гулзор ёнидаги сўрида Фурқат ва Тажаллий суҳбат қуриб ўлтиришибди. Ғир-ғир эсган шаббода райҳон ҳидларини сўрига элтади, суҳбатдошларнинг димоғига етказди. Фурқат ёнидаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб, сўнг пиёлани Тажаллийга тутди. Тажаллий пиёлани одоб билан олди. Фурқат унга одатдагидан кўра хомушроқ туюлар эди. Тажаллий суҳбатнинг унча қовушмаётганидан Фурқатнинг кўнглини қандайдир бир сир эгаллаб турганини пайқайди. У анчадан бери Фурқатга айтмоқчи бўлиб юрган гапини айтмоқ фурсати келганини сезди.

— Мулла Зокиржон,— деди Тажаллий сунъий йўталиб,— бир гапни айтсам кўнглингизга олмайсизми?

— Марҳамат,— деди Фурқат бефарқ.

— Устоз Алишер Навоий турмушда тоқ ўтганлар. Лекин ўзининг бундай ҳолатидан афсуслангани ушбу байтга аниқ сезилур,— шу гапдан сўнг Тажаллий Навоийнинг байтини секин овозда оҳанг билан ўқиди:

**Ёрингиз васлин ғанимат айлабон шукр айлангиз
Чун Навоий бўлди бекасликда зор, эй дўстлар.**

— Ҳозир сиз,— Тажаллий сўзида давом этди,— ҳар жиҳатдан, ҳатто турмуш сиёқида ҳам Навоийга монандсиз. Аммо биз истар эдикки, ижодда бу монандлик сақлансаю, аммо турмушда ўзгарса.

Фурқат Тажаллийнинг нимани кўзда тутаётганини дарров фаҳмлади. У сал жилмайдида, Навоийнинг бошқа бир байтини ўқиди:

**Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас
Мени истар кишининг суҳбатини кўнглим писанд этмас.**

— Мен бир ёлғиз, мусофир, ғариб киши бўлсам, ким кўзининг оқу қароси бўлмиш қизини бундай одамга бермоққа рози бўлур?

— Ҳар кимнинг ўз насибаси бор. Сизга аталган номзод ҳам таклифингизга интиқ бўлиб ўлтиргандир бир уйда.

Фурқат оғир хўрсинди.

— Сиз кўзлаган мақсадни мен ҳам фикримдан ўтқазган эдим. Аммо бу ишни қай тарзда амалга оширмоққа ҳайронман.

Тажаллий суҳбатнинг бу мавзуга ўтганидан, яъни оила қуриш маслаҳатини амалга оширишга кўчганидан мамнун эди. У анча жонланиб деди:

— Сиздек олижаноб инсоннинг кўнглига ёқадиган бир зот учраса ва бу ўйлаган ишларимиз амалга ошса катта бахтиёрлик вужудга келган бўлар эди.

Фурқат сукут сақлади. Тажаллий буни дўстининг оила қурмоқ тўғрисидаги таклифга розилиги деб билди.

ОИЛА

Фурқатнинг кўнглига ёқадиган гўзал бир зот учраган эди. Шоирнинг кўнгли қуши унинг одоби, чиройи, жозибасининг домида банди.

Бир куни Фурқат ўз дўконида савдо билан машғул эканида бир қиз харид учун келди. Ёркент аёллари бутун Шарқий Туркистонда бўлгани каби паранжи ёпинмайдилар. Бу қизнинг нозик қомати санобардек, устидаги ўзига ярашган қизил нимча қаддининг назокатини намойиш этиб ёпишган. Икки ёноғи қизил ғунчадек, тим қора сочлари қора қош ва кўзларига ҳамранг. Узун киприклари ханжар сингари тик. Майин табассум билан сўзлашганида лълъдек қизил лабларидан шакар тўкилади. Оппоқ тишларининг зич қатори дурлар маржонини эслатади. У қўшни маҳалладаги табибнинг қизи эди.

— Отам мана бу дориларни бериб юбормоқни сўрадилар,— деди қиз Фурқат билан саломлашгандан сўнг ва бир варақ қоғоз узатди. Фурқат бу қоғозларни олиб унда ёзилган дорилар рўйхатини диққат билан ўқиб чиқди.

— Сал кутасиз. Ҳозир мен ҳаммасини тайёрлаб бераман,— деди у ва дўкон ортидаги кичик ҳужрага ўтди. Қиз кўчада дўконнинг олдига қўйилган тахта курсига оҳиста ўлтирди. Кўп ўтмай Фурқат қоғозга ўралган дориларни олиб чиқиб қизга берди. Қиз айтилган нарсаларни олгач, Фурқат билан хайрлашиб кетди.

Бу қизнинг отасини Фурқат яхши танир эди. Одатда табиб дори учун бирор кишини юборар, сўнг бир қанча вақт ўтгач, харид қилинган дорилар учун йиғилиб қолган ҳақни ўзи тўлар эди. Кўпинча дориларни олмоқ учун табибнинг қизи келар эди. Орадан вақт ўтган сари Фурқат бу қизнинг келувига одатланди. Кейинчалик эса унинг келишини кута бошлаганини сезди. Кўри-

¹ Тазираи Қайюмий (қўлёзма) с. 298.

² Уша ерда.

нишдан сипо ва камгап бу гўзал руҳан ғоят қувноқ эди. Фурқатнинг унга маҳлиё бўлаётгани қизнинг сезгир диққатидан четда қолмади. Ҳар келганида ўзгача кийиниб, гўё бепарқдай кўриниб турадиган бу сеҳргар шоир кўнглига бир ғулғула солиб кетар эди. Ундан шоирнинг дил тори созланарди. Қанча-қанча сафобахш мисралар янграмади бу илҳом туғенида.

Тажаллийнинг гап бошлагани Фурқат учун анча қулайлик туғдирди. Узи сўз айтмоққа тараддуланиб юрган Фурқат навбатдаги суҳбатда Тажаллийга юрагидаги сирларини очиб солди. Тажаллий ҳаммасини мамнуният билан тинглади. Орадан кўп ўтмай Тажаллий ва Фурқатга ҳам-шиша ғамхўр ва паноҳ бўлиб келаётган Комилжон ўша табибнинг уйига совчи бўлиб бордилар. Шундан сўнг Зокиржон Фурқат ёрқентлик табибнинг қизи Раъноҳон билан оила қурди. Фурқат ўз рафиқаси билан андижонликлар маҳалласидан бир ҳовлини ижарага олди ва улар шу ҳовлида яшай бошлашди.

ТОШКЕНТГА МАКТУБЛАР

Фурқат дори-дармонлар билан савдо қилар, табобат билан ҳам шуғулланар, лекин ижодий ишларини бир зум ҳам тарк этмас эди. Яна у Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газетаси»га ҳам адабий асарлар, хабар ва мақолалар йўллаб турар эди. Ундан олинадиган ҳақ ҳам тирикчиликка ярайди.

Одатдагидек ҳар кун эрталаб иш мезига ўлтирган Фурқат бугун Тошкентга бир хат ёзди. Унда яқинда Ёрқентда юз берган бир нохуш воқеани ҳам хабар қилар эди.

Уша хатнинг мазмуни қуйидагича:

«Муддати бир йил Ёрқанд шаҳрида турадурман. Бул шаҳарнинг оби ҳавоси ва мардумлари яхшилиғидин кетмоқни ихтиёр қилмадим. Ёрқанд одамлари ниҳоятда яхши ва тўғри одамдурлар ва обод ва арзончилик ердур». Шундан сўнг Фурқат бу шаҳарга келган вақтда (1893 й.) ёзган мактубини эслатади. Хат йўлламоқда бўлган кишига (Н. П. Остроумов) яхши истаклар изҳор этади. Шундан сўнг Қашқардаги Россия элчисининг бир киши орқали Фурқатнинг ҳол-аҳволини сўрагани учун ундан миннатдор эканини ёзади. Қашқарга бориб элчи билан мулоқот қилмоқ нияти борлигини билдиради.

Шундан сўнг хатда Ёрқент шаҳрида юз берган бир фожиани ҳикоя қилади. Ёрқентда яшовчи қўқонлик Муҳаммад Умарбой деган савдогар хоқон фуқароси бўлиши билан бир хўтанлик кишига ўн тўрт сар олтин қарз берган экан. Шуни қайтаришни у талаб қилганида қарздорнинг қарзни қайтара олмаслиги маълум бўлган.

Шундай сўнг хўтанлик Масжиди Жомеъга бориб номус юзасидан ўзига ўзи пичоқ урган. Уч кундан кейин эса ўлган. Ҳозир бу ишга ҳоким ва оқсоқоллар аралашган, текширув бўлмоқда.

1311 йил ражаб ойида (1894 январь) Кўчов, Оқсув деган шаҳарларда вабо бошланиб шаъбон (февраль) ойида Қашқар вилоятига етиб келган. Ундан Ёрқентга ўтган. Кўп одам оғриган. Аммо кўрилган чоралар таъсир қилиб касалланганлар ўлмай ва узоқ ётмай беш — ўн кунда сиҳат топганлар. Бунга кашкоб деган илож яхши фойда берган. Рамазон (март) ойининг охирида бу нотинчлик барҳам топган.

Фурқат хатни ўқиб чиққач, унга имзо чекди. Кейинги ҳафта йўлга чиқувчи савдогарлар бу хатни Тошкентга етказадилар. «Туркистон вилоятининг газетаси» (бу газета ўзбек ва рус тилларида чиқар эди) хорижда бўлган Фурқатнинг юборган хатларини гоҳ айнан, гоҳ мазмунини эълон қилиб турар эди. Ушбу мактуб «Туркистон вилоятининг газетаси»да 1894 йил 7 сентябрь № 26 сонида босилиб чиқди¹.

Фурқатнинг насрий мактубларидан биз икки мисол келтирдик. Адабиёт аҳлига Фурқатнинг ўн саккиз насрий мактуби маълум. Улардан тўрттасини Халид Расул², еттитасини Ғулом Каримов нашр этишган³.

Фурқатнинг насрий ва шеърий мактублари махсус тадқиқот мавзуи бўлмоғи керак. Бу фурқатшуносликнинг галдаги вазифаларидандир.

РУМОЛИ ҚИЗ ҲИКОЯТИ

Маснавий йўлида ёзилган бу шеърий ҳикоят ажойиб бир саргузашт баёнидан иборат.

Фурқат ўз сафари давомида Юнонистонда ҳам бўлгани маълум. Бу мамлакатдаги тартиб-қоидалар шоирга мақбул бўлди. Ушбу асарда шоир Юнон ўлкасининг таърифига анча илҳомли мисралар бағишлаган. Бу ерда Фурқат эшитган бир воқеа ана шу шеърий ҳикояга асос бўлган. Ҳикоятнинг сарлавҳаси ўрнига шоир бундай деб ёзган: «Анда бир ҳикоя эшитиб бир қизнинг сўзини назм билан баён қиламан»⁴.

¹ Фурқат «Танланган асарлар», Т., 1959, т. П. с. 50. А. Абдуғафуров Фурқат бу асарни Юнонистонга сафари вақтида ёзган, деб ҳисоблайди («Зокиржон Фурқат», с. 50);

Ғ. Каримов «Юнон мулкида бир афсона» номи билан нашр қилingan бу шеърий ҳикояни Фурқат Ёрқентда ёзиб Тошкентга жўнатган деб тахмин қиладилар («Халқ, тарих, адабиёт», с. 122).

Бизнингча Ғ. Каримовнинг тахминлари асослидир. Чунки Ғ. Каримов эълон қилган мактубда Фурқат Н. П. Остроумовга «...воқеабанд асарингиздан ёзиб юборинг» деб экансиз, фармойишингизга мувофиқ бир саёҳатнома назм силкига чекиб равонаи ҳузур айладим» деб ёзган (Уша асар, с. 121.). Ғ. Каримовнинг тахмини шунга асосланган. Бу шеърий ҳикоят 1897 йил 7 февраль № 5 «Туркистон вилоятининг газетаси»да босилиб чиққан. (Уша асар, с. 122).

А. Абдуғафуровнинг фикрича, шу босилиб чиққан шеърий асарда икки мустақил ҳикоя бирлашган. Биринчиси Юнонистон тасвири; иккинчиси «Румоли қиз ҳикояти» (А. Абдуғафуров, ўша асар, с. 51). Бу хулоса ўринли ва мантиқлидир.

Газетада босилган асарга Х. Расул «Юнон мулкида бир афсона» деб сарлавҳа қўйган. Чунки Фурқат ўзи сарлавҳа қўймаган эди. Зоҳидов В. И. уни «Румоли қиз ҳикояти» деб атаган. А. Абдуғафуров ҳам бунга қўшилади. Биз ҳам сарлавҳани қабул қилдик.

² Уша асар, с. 149—156.

³ Ғулом Каримов, «Халқ, тарих, адабиёт», Т., 1977, с. 113—124.

⁴ Фурқат, «Танланган асарлар», т. П. Т., 1959, нашрга тайёрловчи Халид Расул, с. 155—156.

«Румоли қиз ҳикояти» асарининг таҳлили В. Й. Зоҳидов ва А. Абдуғафуров томонларидан амалга оширилган. Хусусан А. Абдуғафуров бу асарни муфассал таҳлил этган.

В. Й. Зоҳидов ҳикоянинг ўз она юртига интилувчи дилхастанинг тантанаси билан тугалланганини, бу эса Фурқат оптимизмининг нишонаси эканини билдиради.

А. Абдуғафуров бу асарни саргузашт романтик халқ эртақ руҳидаги асар деб атайди. Ундаги ечимни ҳам традицион романтик эканини ёзади. А. Абдуғафуров ҳикояда Ватан мавзуи, тақдир жабри билан ғурбатга тушиш ва оқибатда она юртга қайтиб туғилган «уй бўсағасини кўзга суртиш» ғояси турганини айтади¹. Яна А. Абдуғафуров бу асарнинг фурқатшуносликда ҳанузгача жиддий ғоявий-бадиий таҳлил этилмаганлигини қайд қилади².

Ҳикоянинг асосий қаҳрамони италиялик ёш, гўзал қиз. Шоир унинг ҳусну жамолини қисқа, аммо таъсирли ифодаларда тасвир этади. Ун тўрт ёшга етганидаги бу паричеҳранинг гўзаллиги қизнинг ўз сўзлари орқали кўрсатилган:

**Етиб ёшим, ғараз, ўн тўрт ёшқа
Жамолим панжалар солди қуёшқа.**

**Парилардин жамолим тоза тушти
Вилоят халқига овоза тушти³.**

Қизнинг бекиёс чиройига кўнгил берган ошиқлар жонларини унинг йўлида фидо қилмоққа тайёр эдилар.

**Матои ҳуснима гарм ўлди бозор
Қўлида нақди жон барча ҳаридор⁴.**

Шоирнинг ушбу ҳикоясидаги асосий мазмун инсоний мукамаллик, гўзаллик, чин инсоний бахту иқбол эгаси бўлмоққа муносиб бир зотнинг азобу уқубатларга, бахтсизлик қийноқларига мубтало бўлмоғидир. Бунда Фурқатнинг фалак, чарх, қисматдан норозилиги; борлиқ турмуш моҳиятининг зиддияти, ҳаётдаги номутаносибликни қоралаш иқбол кўриниб туради. Қимки бахтиёрликка муносиб бўлса, у бахтдан маҳрум; қимки, ҳеч қандай озор етказмаган, маъсум ва пок бўлса у шунча кўп озор чекади, азоб уқубатларга дуч келади. Қисмат ва тақдирнинг шумлиги шунда кўзга ташланиб туради. Шоир ҳаётда адолат ва тўғрилиқнинг йўқлигидан; бегуноҳ, покиза вужудларга ёпирилиб келаётган бало ва мусибатлардан фарёд кўтаради, ноҳақликни, адолатсизликни кескин равишда рад қилади. Балиқчининг қиз аҳволига қуйиниб чеккан нолаларида бу норозилик зўр мутаассирона куч билан янграйди:

**Деди, «Эй кажрави чархи фусунсоз
Жафогар, бемурувват, ҳийла пардоз.
На шўр эрдик, солмишсан жаҳонга
Не зулм эрди, бу зори нотовонга.**

**Буким, ҳусни жаҳон ороси бўлғай
Малоҳат боғининг раъноси бўлғай.**

**Гули жисмин ҳамул этмоқ на эрди!
Қади нахлин пажул этмоқ на эрди!**

Асарнинг асосий ғояси ана шу мисраларда ўз ифодасини топган. У жафогар чархни қоралаш, зору нотавонларга тушаётган зулмлардан норозилик, малоҳат боғи раъноларининг поймол этилишига шиддат билан қарши чиқмоқдан иборат.

Бу шеърӣ ҳикояни романтик руҳда деб ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмас. Чунки Фурқат бу ҳикоянинг воқеий эканини ўзи айтиб турибди («Анда бир ҳикоя эшитиб бир қизнинг сўзини назм билан баён қиламан»). Воқеа кам учрайдиган нодир характерда. Шунинг учун ҳам шоир уни қаламга олган. Бу ҳам ушбу шеърӣ ҳикоя том маънодаги реалистик ижод намунаси эканини билдиради.

Ёркентда қиш. Ер юзасини қор чойшаби ўраган. Тоғлар бағридан эсаётган шамол шаҳар кўчаларида изғирин бўлиб югуради. Айниқса тунлари совуқ кучаяди. Андижонликлар маҳалласидаги муъжазгина ҳовли Фурқатнинг оиласи учун етарли. Ҳовли тор. Унда фақат икки хона ва бир даҳлиз бор. Лекин кўча эшикнинг устига ўрнашган болохона шоир учун ташқари ҳовли ва меҳмонхона ўрнига ўтади. Ичкари ҳовли эса она ва бир ўғилча учун кифоя қилгудек.

Тун яримдан ошган. Фурқат болохонада иссиқ сандалида ўлтириб «Румоли қиз ҳикояти»ни оққа кўчириб чиқди. Ташқари тим қоронғу. Сандал устидаги шамдонларга ўрнатилган тўртта шам қоғоз устини яхшигина ёритиб турибди. Фурқат оққа кўчирилган маснавийни бошидан охиригача ўқиб чиқди, айрим жойларида ёзувга тузатишлар киритди. Сўнг ўша воқеаларни, қиз билан сўхбатни, унинг аччиқ қисматини хаёлида тиклаб ўйга чўмди. Бечора ёш гўзалнинг бошига тушган мусибатлар шоирнинг юрагини яна бир бор эзди. Турмушнинг даҳшатли тасодифларидан безган қиз муқаддас жойлар зиёратида ўзига паноҳ қидирмоқда. Аммо улар нажот бағишлай олармикин? Шоир барча аламдидаларга ҳамдард, уларнинг мушкулларини ечмоққа доимий кўмакдош. Лекин фақат унинггина хайрихоҳлиги қанчалар самарали бўлиши мумкин? Агарда Румоли қиз-

¹ А. Абдуғафуров, «Зокиржон Фурқат», Т., 1977, с. 51—56.

² Уша асар, с. 51.

³ Фурқат, «Танланган асарлар», т. П. Т., 1979, с. 50.

⁴ Фурқат, «Танланган асарлар», т. П. Т., 1979, с. 52.

нинг оғир саргузаштлари тўғрисидаги ҳикояни ўқиб китобхон қалбида умуман мусибаткашларга ғамхўрлик туйғуси уйғонса, ўшанда шоирнинг меҳнати пурсамар бўлади.

Инсон ҳамиша ўзгалар дардини ўз дарди каби чекмоғи уларнинг азобу уқубатларини камайтирмоққа, иложи бўлса бутунлай йўқотмоққа интиломоғи шарт! Инсонга хос инсонийлик шундан иборат! Демак шоир бир аламқашнинг дардлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, бундай бечораларга нисбатан кишиларда шафқат ва хайрихоҳлик уйғотади. Шу билан одамларни эзгуликка чорлайди. Золим фалакнинг зарбаларига киши фақат ҳамдардларнинг далдаси билангина чидамини ошира олади. Чархнинг ёвузлигини қоралар экан, шоир инсонлардаги эзгуликка бўлган садоқатга мурожаат қилади, шу садоқатни мустаҳкамламоқни, уни кучайтирмоқни кўзда тутди. Эзгулик кучлари, туйғулари бирлашсалар ёвузликнинг зарбалари ожизлаша боради. Чунки сабот қудрати қаршисида бу зарбалар заифдир.

Фурқат шундай хаёллар билан банд эди. Бир оздан сўнг у ўйлар қаъридан чиқди. Сандал устидаги «Румоли қиз ҳикояти» кўчириб ёзилган қоғозларни конвертга жойлади ва уни Тошкентга жўнатмоққа ҳозирлади.

Шундан сўнг Фурқат шамларни ўчирди, ечинди ва юқорисига икки ёстиқ қўйилган ва сандалга ёпиштириб солинган кўрпача устига чўзилди.

Қоронғида дераза ортида қўшни уйлarning томидаги қорлар оқариб кўринар эди. Шамол булутларни аста-секин осмондан ҳайдади. Кўкда у ён-бу ёнда юлдузлар пайдо бўлди. Осмоннинг бир четида куюк ой кўриниш берди. Тим қоронғилик чекиниб, ой нури, гарчи хира бўлсада оламга ёруғлик бағишлай бошлади.

ИНГЛИЗ-АФҒОН МУҲОРАБАСИ

Фурқат Ёркент шаҳрида туриб қўшни мамлакат — афғон халқининг инглиз босқинчиларига қарши курашини диққат билан кузатар эди. Унинг ҳусни таважжўҳи афғон халқи тарафида бўлган.

Ёркент расатининг бир четидаги Фурқатнинг кичик дўкончаси ҳар куни эрталабдан то кеч оқшомга қадар очик. Агар Зокиржон у ё-бу ёққа кетган бўлса бу ерда рафиқаси Раънохон савдо қилиб туради. У ҳам барча дорилар, ўтлар, моддаларни яхши фарқ қила оладиган бўлиб қолган.

Бугун эрталабдан офтоб чиқиб турибди. Ҳар галгидек бугун ҳам ҳаво мўътадил бўладиган кўринади. Фурқат дўкон ичида ўлтириб мутолаа билан банд. Ҳозир Раънохон келиб қолса керак. Агар у келса, Фурқат бозор тушиб рўзғор тадорики билан машғул бўлмоқни ўйлаб қўйган.

Тўсатдан Фурқатнинг қулоғига таниш бир овоз эшитилди:

— Ассолому алайкум, Мулла Зокиржон, саломат бормисиз?

Фурқат китобдан нигоҳини узиб овоз келган томонга ялт этиб қаради. Дўкон олдида енгил оқ камзул кийган, симобий саллал қорасоқол бир киши кўзларидан илиқ табассум билан унга қараб турар эди. Фурқат уни дарҳол таниди, дўкондан чиқиб оқ у билан қуюқ саломлашди. Бу шоир Тажаллий эди. Тажаллий бундан икки ойча муқаддам Афғон қабилалари яшайдиган ерлар орқали Лоҳурга кетган эди. У томонларда инглизлар билан афғонлар ўртасида қизгин жанглар бўлиб ўтган эди. Муҳораба босилгандир, деган фикр билан Тажаллий сафарга отланган эди.

Фурқат Тажаллийни дўкон ичига таклиф қилди. Улар дўконга кириб тахт солинган кўрпачага ўлтирдилар. Фотиҳа тортилди. Бир-бирларидан яна қайтадан ҳол-аҳвол сўрашди. Сўхбат давомида Фурқат меҳмоннинг бетоқатланаётганини сизди.

— Сал паришон кўринасиз, бирор воқеа содир бўлдимиз?

Тажаллий худди шу саволни кутаётгандай:

— Сизга тааллуқли бир иш бор эди, — деди.

— Марҳамат, сўзлангиз.

— Маълумингиз, мен Ҳинд ўлкасига афғонлар ери орқали ўтмоқчи эдим. Аммо сафарни ярим қилиб қайтишга тўғри келди.

— Нима сабабдан? У ёқлар ҳали ҳам нотинчми?

— Нотинчлик ҳам гапми; жуда шиддатли урушлар бормоқда. Инглиз деган отлиқнинг зулмидан ҳамманинг сабр косаси тўлган. Афғон халқи золимга қарши ялписига бош кўтарган. Шундай жанг қилмоқдаларки, айсангиз ақл бовар қилмайди. Халқнинг қаҳру нафрати қудратининг қаршисида тўпу тўпхоналарнинг ожизлиги шундоқ кўриниб турибди.

— Шундайми? Бу ерда турли гивир-шивир гаплар пайдо бўлган эди, демак ҳаммаси рост экан-да. Қани муфассалроқ сўйлаб берингчи!

— Бу тўғрида кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Ҳозир бошқа зарур бир иш бор.

— Қулоғим сизда.

— Бир ярадор афғон йигитини ўзим билан келтирган эдим. Ҳозир бечора оғир аҳволда ётибди. Шуни бир кўриб дардига илож қилсангиз.

Фурқат фотиҳа ўқиб дарҳол ўрнидан турди. У тоқчадаги дорилардан бир нечасини танлаб олиб рўмолга тугди.

Фурқат ва Тажаллий дори-дармонлар тугилган рўмолни олиб ташқарига чиқдилар ва кўча бўйлаб жадал қадамлар билан Тажаллийнинг ҳовлиси сари кетдилар. Тажаллийнинг ҳовлиси кашмирликлар маҳалласида. Шунинг учун йўлдошлар анча йўл босдилар.

Меҳмонхонанинг ўртасидаги сандалда томоғигача кўрпага ўранган афғон йигити ётар эди. 20—25 ёшлар атрофидаги бу йигитнинг ранги бўздек оқариб кетган. Унинг оқ чеҳрасида қора қошлари, қора мўйлаби юзига ажиб хушрўлик бағишлаб турар эди. Унинг юмۇқ кўзларини узун қора киприклар қоплаган. Агар кўкрагига тортилган кўрпанинг сал-сал кўтарилиб, тушиб тургани бўлмаса, уни марҳум бўлган деб ўйлаш мумкин.

Ўқ йигитнинг чап елкасидан кириб кураги ёнидан чиқиб кетган экан. Кўп қон йўқотганидан аҳволи оғирлашган. Фурқат жароҳат атрофини тозалади, уни атрлар билан ишлаб чиқди. Жароҳат устига қалин қилиб малҳам қўйди. Сўнг тоза дока билан яхшилаб боғлаб қўйди. Бемор ҳушидан кетмаган, аммо жуда беҳош эди. Уни кўриб бўлгач, Фурқат Тажаллийга деди:

— Йигитнинг жисми мустаҳкам. Яра анча оғир, лекин хавfli эмас. Ёш ва бақувват жисм бу ярани тузатишга кучи етади. Бундан буён беморнинг таоми ва ўз вақтида дориларни қабул

қилиб туришига аҳамият бермоқ керак. Мен ўзим келиб малҳамларини янгилаб, боғлаб тураман. Бу йигитга бодом мағзининг шарбатидан ичирмоқ лозим. Асал ҳам фойда қилади. Мен дориларни етказиб бериб тураман. Иншооллоҳ, уч-тўрт ҳафтада оёққа туриб кетар.

Тажаллий ва Фурқат ярадор афғон йигитига худди ўз туғишган иниларидек қараб ғамхўрлик кўрсатдилар. Таом ва дорилар ёрдамида мажруҳ аста-секин ўзига кела бошлади. Муттасил давом этган муолижа, эътибор ва парвариш бенатижа қолмади. Йигит бора-бора бутунлай соғайиб кетди.

Бу орада бир кун Тажаллий Фурқатга инглиз-афғон урушининг тафсилотларини ҳикоя қилиб берди.

— Бу ярадор йигитни қаердан топдингиз? — деб сўради Фурқат.

— Унинг оти Рустам. Отаси ҳам, онаси ҳам Савот жангида ҳалок бўлганлар. Ўзи жанг пайти менинг ёнимда эди. Ногоҳ бир ўқ тегиб йиқилди. Мен уни қишлоққа жўнатмоққа ёрдамлашдим. Жангдан сўнг қабила бошлиқларининг рухсати билан уни даволамоққа бу ён келтирдим. Эшак аравада бир ҳафта давомида тоғ йўлларида кўп азоб чекди, бечора, — деди Тажаллий, — ўзи ёлғиз. Мана энди тузалди. Хоҳласа бу ерда қолур, йўқса юртига қайтар.

— Хўб савоб иш қилдингиз, — деди Фурқат. — Бу бечора афғон халқининг бошига оғир савдолар тушди.

— Афғонларнинг мард ва мағрур халқ эканини босқинчилар ҳисобга олмаганлар, — деди Тажаллий, — Афғон халқи лаънати инглизни ўз тупроғидан қувиб чиқармагунча тинчимайди.

— Афғон амири, Қобулдаги амирал муслимийн Абдураҳмонхоннинг бу ишларга муносабатлари қандай?

— Лоҳурда турувчи инглиз лоти жаноби Абдураҳмонхонга хат берибдурки, ушбу курашларга иноятингиз таважжуҳини қаратиб бу одамларни тинчитиб берсангиз, деб. Унинг жавобига Абдураҳмонхон жавоб ёзибдиларки, ҳозир ғалаён бўлаётган мавзуъларнинг менинг тасарруфимда эмаслиги ўзингизга маълумдир. Мен у жамоани ўз итоатимда тутмоқчи бўлганимда ўзингиз кўп ҳаракатлар билан уларни мутеъ қилган эдингиз. Ҳозир у халқ сизнинг фуқароларингиз ҳисобланади. Бинобарин, бу курашлар ўз фуқароларингиз томонидан олиб борилмоқда. Шунинг учун исёнкорларга менинг мурожаат этиб сизга бўйсунмоққа чақирмоғим ҳеч қайси жиҳатдан тўғри келмайди.

Фурқат бу гапларни эшитиб мутаассир бўлди ва ўзи ўзига гапиргандай овоз билан деди:

— Агарда бул тариқа савол-жавоблар бўлгани рост бўлса, инглиздек катта давлат ўз фуқаросининг исёнига баса келолмай, кичик бир давлатга ёрдам сўраб илтимос қилмоғи уят-номусдир!

Икки дўстнинг суҳбати Тажаллийнинг меҳмонхонасида кечмоқда эди. Тажаллий юрагидаги гапларни ҳамфиқр дўстига айтиб анча кўнглини бўшатди. Бўлиб ўтган суҳбат якунида ҳар икковлари ҳам бир оз хомушликка чўмдилар. Тажаллий қўйнидан бир қоғоз олиб нималарнидир ёза бошлади. Фурқат ўз ўйлари қаърида. Тажаллий қоғозга тез-тез бир нарсаларни ёздида, индамай Фурқатга узатди. Фурқат ўз хаёлларидан узилиб Тажаллий узатган қоғозни олди ва ўқиб чиқди. Сўнгра у бир кулиб қўйдида, иккинчи бор овоз чиқариб ўқиди:

Инглиз зулмидан безган Тажаллий Келиб Фурқатга топмишдур тасалли.

Фурқат Ҳиндистонда чиқадиған «Пайсаи ахбор» газетасини олиб турар эди. Бу газетанинг янги сони ўн беш кун деганда Еркентга етиб келади.

Фурқатнинг дўконида одатдагидек Тажаллий ва Фурқат чой ичиб гаплашиб ўлтирган эдилар, бир бола келиб уларга салом берди ва Фурқатга бир ўрам қоғоз узатди.

— Буни сизга муҳтарам Комилжонбой бериб юбордилар. Комилжонбой Еркентдаги барча Россия фуқароларининг оқсоқоли. Россия тобёларига юборишган ҳамма нарса оқсоқолнинг маҳкамасига келади. Сўнг у ердан эгаларига етказилади.

Фурқат ўрамини очди. Унда Тошкентда чиқадиған «Туркистон вилоятининг газетаси» (бир номеридан ўн нусха) ҳам Ҳиндистондаги «Пайсаи ахбор» газетасидан бир нусха бор эди. Фурқат «Пайсаи ахбор»ни Тажаллийга узатиб ўзи «Туркистон вилоятининг газетаси»ни кўздан кечира бошлади.

Тажаллий газетани кўриб чиққач, Фурқатга деди:

— Мана кўрингиз, афғония жамоасининг инглизларга қарши кураши тўғрисида битилгандир.

Фурқат қўлидаги газетани қўйиб Тажаллий узатган «Пайсаи ахбор»ни олди. Унинг ички саҳифасида Савот, Навшаҳр, Пешовар мавзуъларидаги инглиз-афғон муҳорабалари, афғон аёлларининг жангдаги жасорати, Жайлам дарёси бўйида инглиз аскарларининг тўпланаётгани, Амир Абдураҳмонхон билан Лоҳурдаги инглиз лоти ўртасидаги ёзишмалар тўғрисида хабарлар босилган эди. Яна газета Непал давлатининг Англия маликасига хат йўллаб Калькутта шаҳрини қайтариб беришни талаб қилгани; Ҳиндистонда инглизларнинг ҳинд-мусулмон низоларини авж олдираётганларини хабар қилар эди.

Фурқат инглиз-афғон муҳорабасига оид эшитган ва «Пайсаи ахбор»да ўқиган маълумотларини жамлаб бир хорижий мавзуъдаги мақола ёзди. Сўнг бу мақолани Тошкентга юборди. Фурқатнинг ёзганлари «Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг «Пайсаи ахбор» ном Ҳиндистондин нақл қилиб ёзган хабари» сарлавҳаси остида Тошкентда чиқадиған «Туркистон вилоятининг газетаси»да 1897 йил. 28 сентябрь № 45 сониде босилиб чиқди.

ҚАШҚАР

Ёркентдан Қашқарга борадиған йўл чўл орасидан ўтади, кўл ва дарё ёқалаб кетади. Ёркентдан чиққан йўловчи олдин Кўкработга келади. Сўнг Қизил орқали Янгиҳисорга етади. Ундан йигирма беш чақирим нарида эса Файзобод қишлоғи бор. Файзободдан Қашқаргача қолган масофа эллик икки чақирим. Жадал юрилса икки-уч кунлик йўл. Кўкработдан чиққач, икки-уч чақирим-

дан кейин қумзорлар келади. Қумлар орасида атрофини қамишлар босиб кетган шўр кўл бор. Қизил қишлоғининг шарқида узоқларга чўзилган қумзорлар бутун атрофни қоплаб ётади. Уни Қуми Шайдон деб атайдилар. Маҳаллий халқ бу ерларга зиёрат учун келадилар. Мозори Ҳазрат бегим, Чилонлик мазор деган жойлар бор. Улар ҳам зиёратгоҳдир.

Фурқат ва унинг икки ҳамроҳи эшакларда барвақт Ёркентдан Қашқарга қараб йўл оладилар.

Қашқарга келишганининг иккинчи куни Фурқат Россия элчихонасига келди. Навбатчи орқали кўконлик шоир Фурқатнинг келганидан хабар топган элчи Николай Федорович Петровский меҳмонни дарҳол қабул қилди. Улар саломлашдилар. Сўнг Петровский Фурқатни ўз столининг рўбарўсига ўтиргизди. Чой чақирди. Ҳол-аҳвол сўраб меҳмонга яхши эътибор кўрсатди.

Фурқатнинг элчи ҳузурига келмоқдан мақсади ундан ўзининг Россия фуқаросидан эканлигига шаҳодат берувчи бирор ҳужжат олмақ эди. Шундоқ ҳам Фурқат дунёнинг ярмини шахсиятини тасдиқловчи бирор расмий ҳужжатга эга бўлмаган ҳолда кезиб чиқди. Лекин одоб юзасидан Фурқат суҳбат бошида томдан тараша тушгандай дарҳол мақсадга кўчмади. Петровский Фурқатнинг бутун юриш-туриши, саргузаштлари, кайфиятидан тўла хабардор. У Фурқатнинг Ёркент халқи, хусусан зиёлилари ўртасида обрў-эътибори баланд эканини билар, шундай мўътабар одамнинг бу ерда бўлмоғидан манфаатдор эди.

— Николай Петрович менга ёзган мактубида сизнинг катта бир Саёхатнома китоби ёзганнингиз тўғрисида хабар берган эдилар. Шу асар тайёр бўлиб қолдимми?

— Стамбул, Юнон, Булғор, Араб мамлакатларида кўрган-билганларимни Бомбайда турган вақтимда муфассал қоғозга туширганман. У бир китоб бўлган. Иккинчи китоб эса Ҳиндистон вилоятлари, Кашмир ва Таббатда кўрганларимнинг изҳоридан иборат. Учинчиси Ёркент аҳли ва бу ерда юз бераётган воқеалар тасвиридан иборат бўлади.

— Ҳажми ҳам каттагина бўлгандир?

— Биринчи ва иккинчи китобларни оққа кўчириб қўйганман. Икки юз варақдан ошди.

— Буларни битгандан сўнг нима қилмоқчисиз?

— Сизларга топширсам дейман. Чунки сизлар ҳиммат кўрсатсангиз уни нашр этмоқ мумкин бўлар.

— Албатта, албатта, — деди Петровский.

Сўнг деди:

— Учинчи китоб ҳам воқеаларга бой ва қизиқарли бўлиши керак.

— Бу ерда диққатга сазовор кўринишлар кўп. Яна одамлари бағоят назокатли.

— Буларни ҳам ёзасизми?

— Албатта, одамлар учун нимаики ибратли бўлса, ҳаммасини ёзиб қолдирмоқ нииятимдир.

— Хитойлар билан ҳам мулоқот қилмоққа тўғри келдимми?

— Ёркентнинг амбони (ҳокими) хитойлардан экан. Бир-икки учрашиб суҳбатда бўлдим. Аммо бу ердаги хитой аҳолиси билан яқиндан танишмоқ имкони йўқ. Тил билмаслик ҳаммиша ва ҳар ерда катта бир тўсиқ бўлиб қолаберар экан.

Петровский суҳбат охирида Фурқатга ўзининг Қўқон хонлиги тарихига бағишланган мақоласи босилган «Вестник Европы» журналининг 1875 йилги бир сонини тақдим этди. Фурқат уни миннатдорлик билан қабул қилди. Шундан сўнг улар хайрлашдилар.

Фурқат Қашқарда бир мунча вақт яшади. Бу ердаги фазл аҳли билан танишиб суҳбатда бўлди. Россия консулхонасидагилар билан анча яқиндан танишди. Консулхона билан боғлиқ ишларини битирди. Шундан сўнг Қашқардан Ёркентга қайтди.

«ДУНЕНИ МУҚИМИЙГА ҒАМҲОНА ҚИЛИБ КЕТДИНГ»

Қўқонда «Қашқардан Мирза Шариф охун келибди» деган хабар тарқалди. Хитой чойини Қашқардан келтирувчи шу кишидир. Обиджон аълам ҳам унинг харидорларидан. Шунинг учун Мирза Шариф Қўқонга келгач, Обиджон аълам билан биринчи галда учрашади.

Қўқондаги Соҳибзода ҳазрат мадрасасида тор ва зах бир ҳужра Муқимийга қарашли. Эрта куз кунларининг бирида Муқимий, Мирза Шариф ва Обиджон аълам шу ҳужрада учрашишди.

Муқимий сандал атрофида ўзининг одатда ўлтирадиган жойида деворга тираб қўйилган икки ёстиққа суянганича ўлтирибди. Унинг рўбарўсида Мирза Шариф, Обиджон аълам пойгада чой қуймоқда.

Мирза Шариф икки бети қип-қизил, соғлом, қаққон, ғайратли, хушсуҳбат киши. Унинг қаршида Муқимийнинг заҳил ранги, ичига ботиб кетган кўзлари, озгин жуссаси ва муттасил тинкасини қуритувчи нотоблиги айниқса сезилади.

— Муҳтарам Мирза,— деди Муқимий,— сизнинг келишингиз биз учун катта хурсандликдир. Ҳар келганингизда сизни кўриб беҳад қувонамиз. Яна қадрдон жигаргўшамиз мулла Зокиржонни ҳам кўргандек бўламыз. Илоҳо, ҳар ерда бўлсаларингиз ҳам ҳаммиша соғ-саломат ва омон бўлингиз.

— Мен ҳам сизлар билан учрашмоқдан бахтиёрман,— деди Мирза Шариф.— Биз Ёркентда Зокиржон билан ва у ердаги зукко фазл аҳллари билан суҳбат қурганда доимо сиз муҳтарам эшон, Нисбатий, Завқий, Муҳаййир, Муҳсинийларни кўп ёдга оламиз. Тажаллий ҳам ҳар йўлга чиқиш олдидан сизларга қайта-қайта саломлар айтадурлар.

— Саломат бўлсанлар,— деди Муқимий,— Тажаллий, Хаста, сиз каби қадрдонлар ёнида бўлгани учун мулла Зокиржоннинг Ёркентдаги ҳаёти хуш кечмоғидан умидимиз тўлиқдир. Аммо биз бу жудоликни оғир кечирмоқдамыз.

Бу суҳбатдан уч-тўрт кун ўтгач, Мирза Шариф Қўқондан ўз юртига қайтмоқ тадорикига тушди. У Обиджон аълам билан биргаликда Муқимий билан хайрлашмоқ учун яна бир бор ҳужрага келди.

Муқимийнинг аҳволи анча оғир эди. У оғир нафас олар; ўқтин-ўқтин кўкрагини ушлаб йўта-

лар эди. Салом, алик ва фотиҳадан сўнг Обиджон аълам Муқимийга Мирза Шарифнинг қайтмоқчи эканини айтди.

— Сафар қариди, Эшон ака,— деди Мирза Шариф.— Эрта ўтиб индин, иншооллоҳ, сахар пайти йўлга чиқмоқчимиз.

— Йўлингиз бехатар бўлсин, иним, эсон-омон бориб оилангиз, фарзандлар, ёру биро-дарлар билан кўришингиз. Биздан Тажаллийга, Хастага салом айтингиз. Мулла Зокиржон Фурқатга алоҳида саломимизни етказингиз. Мана бу омонатни ҳам у кишига топширингиз.

Муқимий чўнтагидан тўрт букланган бир қоғозни олиб Мирза Шарифга узатди. Мирза Шариф уни таъзим билан олди.

Гапга Обиджон аълам аралашди:

— Эшон, бу Мулла Зокиржонга ёзилган шеър бўлса керак. Агар рухсат берсалар, ўқисак. Муқимий ўз дўсти Обиджон шеърни қанчалар яхши кўришини билар эди. Шунинг учун унинг баландпарвоз гаплар орқали билдирган раъйини қайтаргиси келмади.

— Майли ўқингиз.

Мирза Шариф қўлидаги қоғозни Обиджон аъламга узатди. Аълам эҳтиром билан уни олиб очди ва шеърни қироат билан ўқий бошлади:

**Ногоҳ кўришиб, жоно, девона қилиб кетдинг
Халқ ичра баякбора афсона қилиб кетдинг.**

**Журмим на эди кўздин ташлаб мени якбора,
Оворайи бу мулки Фарғона қилиб кетдинг.**

**Хўб ўлдик, зоҳидга мастона нигоҳ айлаб
Ақлу ҳушу зухдидин бегона қилиб кетдинг.**

**Келдингу юзинг шамъин маҳфилда ёқиб оқшом
Ишқингда мени охир парвона қилиб кетдинг.**

**Маъюс кўнгулларни, афсуски, бир сўрмай
Обод этиш ўрнига вайрона қилиб кетдинг.**

**Кулбамда очиб рухсор, юз шукр, келиб соат
Манзилки, фақиримни шоҳона қилиб кетдинг.**

**Бир умр рақибларни хурсандлигин кўзлаб
Дунёни Муқимийга ғамхона қилиб кетдинг.**

Муқимийнинг энг қадрдон дўсти Фурқатдан узоқлашиб қолганига тоқати тоқ бўлиб чекаётган фиғонларини ифодаловчи бу ғазал Фурқатга етиб борганида уни ўқиб шоирнинг қалби лар-зага келди.

Фурқат қўлга қаламини олдида тез-тез ёза бошлади.

**Етмасмуди бўлғоним ғурбат чекиб овора
Ҳижрон аламин тортиб мен хастаи бечора
Ғам тиғидин устига қилдинг жигарим пора
Журмим на эди кўздин ташлаб мени якбора
Оворайи бу мулки Фарғона қилиб кетдинг.**


**Ногоҳ келурсен деб йўлингга боқиб оқшом
Йиғлар эдим, эй маҳваш, кўз ёшим оқиб оқшом
На лутфу карам эрди эшикни қоқиб оқшом
Келдингу юзинг шамъин маҳфилда ёқиб оқшом
Ишқингда мени охир парвона қилиб кетдинг.**

* * *

**Ўзунга, аё дилбар, ўзга кишини ўзлаб
Бегоналиғ айларсан Фурқатга ёмон сўзлаб
Бир содда бўз ошиқни қон йиғлатасен бўзлаб
Бир умр рақибларнинг хурсандлигин кўзлаб
Дунёни Муқимийга ғамхона қилиб кетдинг.**

Муқимийнинг Еркентга Фурқатга йўллаган ғазалидан Фурқат ғоят таъсирланди. У Муқимийнинг илҳоми билан бу ғазалга мухаммас боғлади. Одатга кўра ҳар иккала шоир ҳам гўё бепарво ёрдан гинахонлик қилаётган бўлиб кўринсаларда, амалда улар ўзларининг юракларини тўлдирган соғинч изтиробларини куйламоқдалар. Қадрдон дўстдан узоқда бўлган қалбларнинг фиғону нолалари янграйди бу шеърнинг аламли сатрларида!

Охири келгуси сонда



Умарали Норматов

МЕТОДИМИЗНИНГ МОҲИАТИ ХУСУСИДА

Яна социалистик реализм ҳақида баҳс бошланди... Кейинги ўттиз йил давомида бу метод таварагида бир неча бор жўшқин мунозаралар бўлиб ўтди, аммо бу галгиси ўзгача: даврга мос тарзда ошқора, танқидий, фикрларнинг хилма-хиллиги руҳида давом этмоқда. «Литературная газета» саҳифаларида 1988 йили «Социалистик реализм: баҳсли муаммолар» рубрикаси остида берилган материалларда, танқидчи Евгений Добренконинг «Октябрь» журналида (1988, № 3) босилган «Метод ғаройиботлари» мақоласида ва шу мавзуга дахлдор бошқа чиқишларда социалистик реализм назарияси, тарихи, тажрибаси хусусида ўта кескин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, ҳатто умуман «Социалистик реализмдан воз кечишимиз керакми?» деган масала кўтарилди.

Хўш, масаланинг бу тарзда жиддий тус олишига сабаб нима? Аввало 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги янгиланиш — ошқоралик, демократия самараларидан бири — социалистик плюрализмнинг одат тусига кириб бораётганлиги, социалистик жамият тарихи янгича идрок этилаётганлиги, тарихимизнинг кўпгина қоронғи саҳифалари ҳақиқат ёғдуси билан қайта ёритилаётганлиги, социализм қуриш тўғрисидаги ленинча концепциядан чекиниш ҳолларининг қаттиқ танқид остига олиниши — буларнинг барчаси санъат, адабиёт аҳли, адабиётшунослар орасида ҳам ўзлиги, ўз бисотини теранроқ англашга, қайта тафтишдан ўтказишга ундамоқда. Партия шахсга сифиниш йилларида қарор топган адабиёт ва санъат ишларига маъмурий буйруқбозлик йўли билан аралashi, турғунлик даврида авж олган бефарқлик, мезонлар қадрининг пасайиб кетиши ҳолларини принципиал танқид қилди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йили «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида чиқарган, узоқ йиллар адабий ҳаётга нохуш таъсир кўрсатган қарорини хато деб топди ва бекор қилди. Бир вақтлар асоссиз равишда таъқиб остига олинган, қатағон қилинган ёзувчилар шаънини тиклаш йўлида катта ишлар олиб борилади, ман этилган ўнлаб нодир асарлар халққа қайтарилди. М. Булгаков, А. Платонов, Б. Пастернак, М. Цветаева, А. Ахматова, В. Гроссман, В. Тендряков, А. Бек, А. Твардовский каби атоқли адибларнинг, бизда Чўлпон билан Фитратнинг узоқ йиллар кўпчилик эътиборидан дарёғ тutilган, эндиликда халқнинг мулки бўлиб қолган шеър, поэма, ҳикоя, қисса, драма ва романлари туфайли етмиш йиллик адабий жараён ҳақидаги тасаввуримиз ўзгарди, бойиди. Бир вақтлар «совет воқелигини бузиб кўрсатган», «жамиятимизга ёт мафқураларни тиқиштиришга уринган» деб қораланган талай асарлар бугунги кунда ҳаққоний, ҳалол, виждон амри билан ёзилганлиги тан олинди, аксинча ўз вақтида кўкларга кўтариб мақталган, социалистик реализмнинг нодир намунаси деб саналган, ҳар хил муқофоту совринлар билан тақдирланган қатор асарлар ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, юзаки, бирёқлама, шунчаки конъюнктура мақсадларини кўзлаб битилганлиги маълум бўляпти. Айниқса, А. Ахматованинг «Марсия», М. Булгаковнинг «Ит юрак», А. Платоновнинг «Котлован», «Чевенгур», Б. Пастернакнинг «Доктор Живаго», В. Гроссманнинг «Ҳаёт ва тақдир», А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» сингари достон, қисса, романлари фонида «довруғли асарлар»нинг асл қиёфаси тобора яққолроқ аён бўлиб қолаётир.

Адабиёт тарихи, унинг намояндалари ҳақида тўла ҳақиқатни тикламай туриб, адабий жараённи, адибларимиз ижодини бутун мураккаблиги, зиддиятлари, реал муваффақиятлари, йўл қўйган хатолари билан бор бўйича ёритмай туриб метод ҳақида гапириш, ҳукм чиқариш қийин. «Вопросы литературы» журналида совет адабиёти тарихи бўйича бораётган фикр олишувда, хусусан, А. Бочаров, Евг. Добренко мақолаларида шу ҳақиқатни тиклаш йўлида жиддий уринишлар бошланганлигининг гувоҳи бўлаётирмиз. Афсуски, ўзбек совет адабиёти тарихи ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш борасида бундай принципиал, дадил курашларга ҳали биз кириши олганимиз йўқ. Шу туфайли ҳам адабиётимизнинг методи хусусидаги қарашларда сезиларли олға силжиш бўлмаяпти. Бу борада қардошларимиздан, биринчи галда рус адабиётшуносларидан ўрнак олсак арзийди.

Социалистик реализм тўғрисида марказий матбуотда бошланган ҳозирги мунозарада кўтарилган масалалар доираси жуда кенг, чунончи бу борадаги назариянинг жонли адабий жараёндан ажралиб, орқада қолаётгани, «социалистик реализм» терминининг бадий ижод табиатига мос келмаслиги, кўпроқ сиёсий-идеологик характерда экани, ёзувчилар союзи уставидаги таърифнинг чекланганлиги, XX аср адабиётида муайян ўрин тутган ўзига хос адабий ҳодиса бойлиги ва моҳиятини тўла ўзида акс эттирадиган таърифнинг йўқлиги, социалистик реализм ва бошқа ижодий метод-адабий оқимлар муносабати, социалистик реализмнинг жаҳон адабиёти ривожига ўрни ва, ниҳоят, бу методга ёндашишда ҳамон бир жойда депсиниш, догматик ҳамда вульгар социологик қарашлар барҳам топмаганлиги сингари муаммолар жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шулардан айримлари, социалистик реализмнинг XX аср жаҳон адабиётидаги ўрни, мавқеи ҳамда шу-

масала билан узвий алоқадор бу методнинг таърифи — асл моҳияти масалалари устида тўхталмоқчиман.

Баҳс қатнашчилари, шунингдек, Ч. Айтматов, С. Залигин каби атоқли ёзувчиларнинг ҳақли равишда эътироф этишларича, узоқ йиллар бизда социалистик реализмга ҳаддан зиёд оширилган баҳо бериш, уни мадҳ этиш, бўлар-бўлмас ҳимоя қилиш, унинг ҳимояси йўлида бошқа илғор методларни камситиш, асосиз қоралаш одат тусини олди. Бундай қараш ўрта мактаблардан тортиб кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлири адабиёт программаси, дарслик ва қўлланмаларида, сон-саноқсиз илмий-танқидий ишларда тинимсиз тарғиб этиб келинди. «Адабиётшунослик терминлари луғатида шундай дейилади: «Реализм тараққиётининг юксак ва олий босқичи социалистик реализмдир» (177-бет), «социалистик реализм сифат жиҳатидан янги ва юқори босқичдаги ижодий методдир» (208-бет). Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун чиқарилган «Адабиёт назариясидан қўлланма»да ўқиймиз: «Социалистик реализм адабиёт ва санъатда реализм тараққиётининг юксак ва олий босқичи бўлди», «социалистик реализм жаҳон санъати ва адабиёти ривожига янги босқичдир» (32-бет). И. Султон қаламига мансуб олий ўқув юртлири филология факультети студентларига мўлжалланган «Адабиёт назарияси»да социалистик реализм «жаҳон адабиёти ва санъати тарихида реализм методининг ривожига юқори босқич» (373-бет), «социалистик реализм реалистик санъатнинг янги, аввал кўрилмаган поғонаси сифатида туғилди» (383-бет); социалистик реализм «ҳозирги жаҳон тарихий-адабий процессида энг прогрессив ва истиқболи порлоқ ижодий метод», социалистик реализм «жаҳон адабиётининг бугунги бош йўли бўлиб қолган» (384-бет) деб таърифланади. «Адабиёт назарияси» автори ХХ аср жаҳон адабиётидаги жамаки яхши, илғор жиҳатларни социалистик реализм билан боғлайди; унингча, аввал социалистик реализм билан бевосита боғлиқ бўлмаган Л. Арагон, П. Элюар, И. Бехер, Н. Ҳикмат, В. Незвал, П. Неруда, А. Йожеф ва бошқалар социалистик реализм ижодий методининг афзалликларини тан олганлар ва янгича ижод эта бошлаганлар; танқидий реализмнинг Р. Роллан, К. Чапек, Р. Мартен дю Гар, Т. Манн сингари бир қанча буюк вакиллари ижодида социалистик реализм таъсири остида капиталистик дунёни фош этиш алоҳида ўткирлик касб этган. Бу билан чекланмай, адабиётшунос олим социалистик реализм методининг туғилишини «реализм ва танқидий реализм методининг маълум даражада ўз тарихий вазифаларини адо этиб бўлиши билан боғлиқ» деб билди (374-бет). Унинг назарида, социалистик реализм қаршисида бошқа ижодий методлар, жумладан, реализм ва танқидий реализм ожиз, нотавон. «Реализм ва танқидий реализм методининг маълум даражада ожизлиги, — деб ёзади у, — айниқса ХХ асрнинг бошида бир қанча улкан реалистлар ижодида яққол кўриниб қолди». Бунинг далили сифатида «Адабиёт назарияси» автори Л. Толстой ижодини мисол қилиб келтиради: «Масалан, «рус революциясининг кўзгуси» сифатида майдонга келган Л. Толстой ижоди учун эзилган рус деҳқонларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва чоризм истибоддини шафқатсиз фош этиш характерли бўлиши билан бир қаторда, социализм ғояларини тушунмаслик, пролетариатнинг революцион ҳаракатига салбий баҳо бериш каби ожизликлар ва «толстойчилик» деб аталган реакция диний қарашлар характерли эди» (374-бет).

Яқин-яқинларга қадар бу хилдаги гапларга асло ажабланмас эдик, уларни мутлоқ ҳақиқат деб қабул қилар эдик. Кези келганда эътироф этиб ўтай, менинг социалистик реализмга доир ишларим ҳам шундай қарашлардан холи эмас. Бугунги куннинг ҳушёр, реалистик ижтимоий тафаккури даражасида туриб жиддийроқ мушоҳада қилиб ўша гапларнинг мағзини чақадиган бўлсак, уларда ўта бирёқламалик, маҳдудлик борлигини англаб олиш қийин эмас. Тўғри, ХХ аср адабиёти ва санъатида социалистик реализм деб аталган (бу термин — иборанинг мақсадаги мувофиқ ёки номувофиқ эканидан қатъий назар) янги бадий ҳодисанинг мавжудлиги — ҳақиқат, аммо унинг «юксак ва олий босқич», «юқори босқич», «ҳозирги жаҳон тарихий — адабий процессида энг прогрессив ва истиқболи порлоқ ижодий метод», «жаҳон адабиётининг бугунги бош йўли» деб кўнларга кўтариш, айниқса социалистик реализмни бошқа методларга қарама-қарши қўйиш, социалистик реализмнинг туғилишини реализм ва танқидий реализм методининг «ўз тарихий вазифаларини адо этиб бўлиши» билан боғлаш ҳақиқатга хилоф. ХХ асрда таркиб топган социалистик реализм адабиётининг мавжуд ютуқларидан фахрланган ҳолда бошқа илғор ижодий оқимларга мансуб Ф. Кафка, А. Камю, Т. Манн, С. Цвейг, У. Фолкнер, Э. Хемингуэй, Р. Тагор, Я. Камол, А. Несин, Кубо Абэ, Г. Маркес каби буюк сўз усталарининг улкан кашфиётларини камситишга асло ҳаққимиз йўқ. Уларнинг жаҳон бадий маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси социалистик реализм адабиёти арбоблариникидан асло кам эмас.

Бошқа ижодий методларнинг, жумладан, реализм ва танқидий реализмнинг «ожизлиги» масаласига келсак, бирор бадий методга мансуб ёзувчи ижодида хос ожизлик ва зиддиятларни умуман ўша методнинг ожизлиги, зиддияти деб аташ ҳар доим ҳам тўғри бўлавермас керак деб ўйлайман. Л. Толстойга хос «социализм ғояларини тушунмаслик, пролетариатнинг революцион ҳаракатига салбий баҳо бериш» каби ожизликлар ва «толстойчилик» деб аталган реакция диний қарашларни барча реалистларга тегишли деб бўладими, ахир?! Бу гапнинг қалтис жойи шундаки, бир гуруҳ адабиётшунослар совет даври, аниқроғи, 20-йиллар ўзбек адабиётининг айрим пешқадам вакиллари, масалан Абдулла Қодирийнинг «танқидий реализм босқичидан юқори кўтарила олмагани», «социалистик реализмга этиб кела олмаганлиги»ни худди ўша «социалистик ғояларни тушунмаслик» билан бошқачароқ тарзда боғлайдилар.

Умуман бизда узоқ йиллар ҳукмрон бўлган социализмни зиддиятлардан холи деб қараш социалистик реализм назариясига, совет адабиёти тарихини ёритишга ўз таъсирини кўрсатди; биз кўпроқ социалистик реализм билан бошқа ижодий оқимлар орасидаги фарқ, зиддиятлар, адабиётдаги бир-бирига ёт ғоялар, ғоявий қарашларни текшириш, шарҳлаш билан банд бўлиб кетиб, социалистик реализмнинг, бу метод намоёндалари ижодининг ўз ички зиддиятлари, қийинчиликлари масаласига етарли эътибор бермай келдик, социалистик реализмга асосланмаган адибнинг ижодий йўли нурафшон, силлик, тўғри, у ҳеч қачон адашмайди, бошқа дунёқараш, методларга мансуб ёзувчилар йўли эса эгри, азоб-уқубатларга тўла, деган ақидага танқидчи-адабиётшуносларгина эмас, истеъдодли ёзувчилар ҳам чиппа-чин ишонган. Ёзувчи Пиримқул Қодиров 1960 йил чоп этилган «Бадий ижод ҳақида» тўпламидан жой олган «Адабий ўйлар» мақоласида шундай ёзган эди: «Э. Хемингуэй, Э. Ремарк каби бугунги машҳур буржуа ёзувчиларининг асарларини ўқиётган-

нимизда, уларнинг нақадар ўнқир-чўнқир ҳаёт йўлларида келаётганини минут сайин сезамиз, мукамал бир дунёқарашнинг ёзувчига нақадар кераклигини улар тортаётган «йўл азоби»га қараб биламиз. Менга шундай туюладики, Э. Хемингуэй ва Э. Ремарклар ўнқир-чўнқир йўллардан бораётган пайтда буржуазия улар минган машинанинг олд ойнасига оғир бир нарса билан урган. Ойна синиб тушмаган-у, бироқ дарз кетиб, ёриқлари турли томонга қараб шохлаган. Улар ҳаётга мана шу дарз кетган ойна орқали қарайдилар, шунинг учун бутун нарса кўзларига синганга ўхшаб, бўлиниб-бўлиниб кўринади. Улар кўпинча шу бўлақларни бирлаштиролмай қийналадилар, куйиб-ёнадилар. Уларнинг асарларидаги ҳарорат қисман мана шу куйиб-ёнишдан келиб чиқади» (271-бет).

Э. Ремарк, айниқса Э. Хемингуэйдек буюк реалистни «ҳаётга дарз кетган ойна орқали қараган» дейиш инсофдан эмас. Э. Хемингуэйга хос ҳаётга, инсон қалбига тиниқ ва ўткир нигоҳ ташлай билиш хислатини ҳар қандай истеъдодли адиб, у қайси адабий оқим, методга мансуб бўлишидан қатъий назар, ҳавас қилса арзийди! Энди ёзувчининг ўзимиздаги аҳвол ҳақидаги гапларини эшитинг: «Совет ёзувчиларининг асарларини ўқир экансиз, материалистик дунёқараш уларга кенг, текис йўл каби хизмат қилганни сезасиз. Бу йўлдан бораётган киши улўф манзил ва атрофдаги ажойиб манзаралар тўғрисида кўпроқ ўйланади». Совет қаламқашлари шўринг қурғур бахтсиз буржуа ёзувчилари чекадиган азоб-уқубатлардан, уларга хос катolikларидан тамомила холи. «Қандай бахтки, — деб давом этади «Адабий ўйлар» муаллифи, — биз совет даврида туғилиб ўсган ва янги дунёқарашни ёшлиқдан она сутидек эмиб улғайган ёзувчилар, оламга бутун қалб билан қараймиз-у, воқелигимизни яхлит ҳолда кўраемиз». (Уша бет).

Тажриба шуни кўрсатаётирки, янги дунёқарашга эга бўлиш, янги дунёқарашни ёшлиқдан она сутидек эмиб улғайишнинг ўзи ҳали ёзувчига оламга бутун қалб билан қараш, воқелигимизни яхлит ҳолда кўриш, ифодалаш учун тўла қафолат беролмайди; ҳаётни чинакамига материалистик асосда бадиий идрок этиш осон, силлиқ кечадиган ҳодиса эмас; совет ёзувчисининг йўли ҳам ғоят мураккаб, машаққатли. Ҳатто социалистик реализм адабиётининг асосчилари, улкан намоёндалари — М. Горький, В. Маяковский, М. Шолохов, А. Фадеев, А. Толстой, К. Федин каби адиблар нақадар зиддиятли, машаққатли маънавий-ижодий изланишлар йўлидан борганлигини, улар ҳам жиддий хатоларга йўл қўйганлигини, ҳаётга гоҳо «дарз кетган» ойна орқали назар солганлигини яхши биламиз, биздаги Ҳамза, А. Қодирий, Ойбек, Ф. Фулом, А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон сингари социалистик реализм дарғаларининг ижодий тақдирини ҳам камчиликлардан, зиддиятлардан асло холи эмас... Шунга қарамай, биз ҳамон социалистик реализм камчиликлардан холи, идеал метод деган афсона, юзаки тасаввурлардан воз кечолганимиз йўқ.

Совет даври адабиётида ёзувчи идеали билан воқелик, ижтимоий тараққиёт орасидаги муносабат ҳам ҳаддан ташқари жўнлаштирилиб талқин этилади. «Ҳаётимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, — дейилади 9-синф учун мўлжалланган «Ўзбек совет адабиёти» дарслигида, — унда кишиларнинг орзу-умидлари билан воқелик ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Совет жамятида халқ ўз ҳаётини, бахтини ўз истаганича қуриш имкониятига эга. У зиннинг бугунги порлоқ ҳаёти ва янада ёрқин истиқболга қаттиқ ишонади. Совет адабиётида ижтимоий идеал билан ҳақиқат ўртасида қарама-қаршиликнинг йўқлигига асосий сабаб ҳам мана шунда» (1983, 8—9-бетлар). Ана шундай мақтовларга маҳлиё бўлиб биз Ч. Айтматов «Известия» газетасида айтганидай: «Давлат ўзи билан алоҳида шахс орасига барқарор ғов солиб қўйганлигини эсдан чиқардик» («Известия», 1988 йил, 9 декабрь).

Биздаги ижод эркинлиги ҳақида ҳам дабдабали гаплар мақоладан мақолага, китобдан китобларга кўчиб юради. Совет адабиёти «дунёда энг ғоявий, энг илғор адабиёт бўлиши билан бирга, ҳақиқий ижод эркинлигини қўлга киритган озод адабиёт ҳамдир», — дейилади «Адабиётшунослик терминлари лугати»да (158-бет). Аслида аҳвол бошқачароқ бўлганлигини, социалистик жамяят тарихидаги мураккабликлар, айниқса шахсга сиғиниш йилларидаги бедодликлар, маъмурий буйруқ-бозлик усули, турғунлик даври идеологияси ва психологияси туфайли адабиёт билан реал ҳаёт, совет ёзувчиси билан жамяят, раҳбар доиралар орасидаги муносабатлар хийла кескин, зиддиятли, ҳатто фожий тиел олганлигини, ҳақгўй, виждонли ёзувчиларнинг оддий эрки, шаъни оёқоти этилганини тасдиқлайдиган сон-саноксиз фактларни биламиз. Шулардан айримларини эслайлик.

Истеъдодли рус адиби А. Платонов 1929 йили, унинг ўз ибораси билан айтганда, «коммунистик жамяят тонгини ҳалол тасвирлашга ҳаракат қилинган» «Чевенгур» романи қўлёзмасини М. Горькийга йўллаб, ундан маслаҳат ва мадад сўрайди. М. Горький асар билан танишиб, А. Платоновга шундай жавоб беради: «Сиз — истеъдодли кишисиз, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Яна шуниси ҳам аниқки, Сиз ниҳоятда ўзига хос тил соҳибисиз. Романингиз — ўта қизиқ асар». Ана шундай юксак баҳодан сўнг улўф адиб «ҳозирги муҳаррирлар орасида романингизга муносиб баҳо бера оладиган бирорта ҳам одам борлигини билмайман», деб давом қилади. М. Горькийнинг гувоҳлик беришича, бу ўзига хос роман бизнинг цензурамизга маъқул асар эмас... («Правда», 1988 йил, 9 май). Қаранг, асар зўр истеъдод билан ёзилган, ўта қизиқ, ўзига хос бўлса-ю, ҳаётда, муҳаррирлар орасида унинг қадрига етадиган одам топилмаса. Ёзувчи учун бундан ортиқ фожиа бўладими? Фақат орадан салкам олтимиш йил ўтгач, мана шу чигал жумбоқ ҳал этилди, роман мамлакатимизда қадрини топди, муносиб баҳосини олди.

Машхур рус ёзувчиси В. Гроссман 1960 йилда «Ҳаёт ва тақдир» романини тамомлаб «Звезда» журналы редакциясига топширади: аммо кўп ўтмай роман қўлёзмаси ҳамда авторнинг қора кунлари бошланади, муаллиф таъқиб остига олинади. Уша кезлари ёзувчи партия ва давлат бошлиғи Н. С. Хрушчевга мактуб билан муурожаат этади: «Нега менинг китобим, совет кишиларининг руҳий эҳтиёжларига, муайян озиқ бериши мумкин бўлган китоб, ёлғон ва тўхматдан холи, аксинча ҳақиқат, одамларга ҳамдардлик ва меҳр туйғуси билан йўғрилган китоб ман этилади; нега у маъмурий зўравонлик йўли билан тортиб олинади, жиноятчи қотил сифатида мендан ва одамлардан яширилади? Агар менинг китобим ёлғон бўлса, майли бу ҳақда уни ўқимоқчи бўлган одамларга айтилсин. Агар менинг китобим бўҳтондан иборат бўлса, бу ҳақда ҳам гапирсин. Ахир мен 30 йилдан бери совет кишилари, совет ўқувчилари учун ёзаётirman, майли улар менинг китобимда нимаси ҳақиқату нимаси ёлғон экани тўғрисида ўзлари ҳукм чиқарсин. Китобхоннинг мен ва менинг асарим хусусидаги ҳукми — ҳар қандай бошқа суд ҳукмидан муҳимроқ, чунки китобхон

ҳукми — қалб ҳукми, виждон ҳукми! Китобхон эса шундай ҳукм чиқариш имкониятидан маҳрум. Мен шундай ҳукми истаганман ва истайман». Бошдан-оёқ мана шундай ҳасрат, надоматларга тўла, айни пайтда мардона бир оҳанг билан йўғрилган хат жавобсиз қолди. Уша йиллар идеология ишларига бош-қош бўлган М. А. Суслов ёзувчини қабул қилиб қатъий тарзда «...бу роман ҳақидаги гапни қўйинг. Эҳтимол, у икки юз, уч юз йилдан кейин босилар», — деган экан. («Вопросы литературы», 1988, № 10, 28-бет).

Адабиёт ва санъатга раҳбарликда сталинча маъмурий буйруқбозлик усулини қурол қилиб олган масъул ходимнинг «башорати» пуч бўлиб чиқди, орадан салкам ўттиз йил ўтмай асар ёзувчи орзу қилган одил ҳакам — совет кишилари, ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилди, ҳозирги кунда роман Ватан уруши ҳақидаги энг ҳаққоний, юксак бадий асар сифатида баҳоланмоқда. Бироқ ўтган ўттиз йиллик давр «Ҳаёт ва тақдир» каби яна қанчадан-қанча чинакам санъат асарлари, уларнинг муаллифлари учун оғир кўргулик, фожеий йиллар бўлганлигини унутмайлик.

Ниҳоят, яна бир факт. Ф. Раскольниковнинг 1939 йили ёзган «Сталинга очик хати»даги мана бу гапларни эшитинг:

«Тилёғламалик билан зиёлиларни «ернинг тузи» деб атадингиз. Аммо сиз ёзувчи, олим ва рассом меҳнатини оддий ички эркинликдан ҳам маҳрум қилдингиз. Сиз санъатни исканжга олдингиз. У бузилмоқда, сўлмоқда ва ўлмоқда. Сизнинг ғазабингиздан қўрққан цензура ва барчаси учун боши билан жавобгар редакторларнинг бизга маълум журъдасизлиги натижасида совет адабиёти қотиб қолди, шол бўлди. Давлат штампи урилмаса, ёзувчи китобини чоп эта олмайди, драматург пьесасини театрда қўя олмайди, танқидчи ўзининг шахсий фикрини айта олмайди.

Сиз совет санъатини бузмоқдасиз, ундан сарой шоирлари каби хушомадгўйлик талаб қиял-сиз... Сиз «буюклигингизни» жонга теккан мақтовлар ва хушомадлар билан чаласаводларча бир хилда куйловчи сохта санъат тарафдорсиз.

Истеъдодсиз графоманлар, пайғамбар, қуёш ва ой фарзанди деб сизни кўкларга кўтарди, сиз эса шарқ подшолари каби бу мадҳиябозларнинг хушомадларидан роҳатланасиз.

Сиз таланти, аммо ўзингизга ёқмайдиган ёзувчиларни шафқатсизларча йўқ қилмоқдасиз...» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил, 17 июнь).

Большевик адибнинг ўз вақтида катта жасорат билан айтган бу гапларидаги аччиқ ҳақиқатни рад этиб бўладими!

Совет адабиётини биз орқа олдимишга қарамай ёппасига энг халқчил, ҳаққоний адабиёт деб юрамиз. «Ўз ғоявий мазмуни, йўналиши, мақсадлари билан адабиёт ўзининг минг йилдан ортиқ тарихида бунчалик халққа яқинлашмаган, унга хизмат қилишда бунчалик изчиллик кўрсатмаган эди», — деб ёзади И. Султонов «Улуғ йўлнинг баъзи хосиятлари ҳақида» мақоласида. (И. Султон Асарлар. Тўрт томлик, II том, 408—409-бетлар). Афсуски, адабиётимиз тарихи манзараси аслида бошқачароқ, мураккаброқ. Украин танқидчиси Иван Дзюба ёзганидек, 20-йиллардаёқ, айниқса 30—40-йилларга келиб адабиётимиз тарихида олижаноб ва инсоний руҳ билан йўғрилган гўзал ҳамда илҳомбахш саҳифалар билан бир қаторда яхши сақланиб қолган, эътибор билан тартиб берилган, бироқ ҳозирги китобхонга малол келадиган саҳифалар ҳам мавжуд. «Булар, — деб давом этади у, — малай, қўл ҳолига тушиб қолган кимсалар қўли билан битилган ёки фожеий равишда алданган, ёлғон ва жинояткорона йўл-йўриқларга ишониб фожеий равишда мўлжални йўқотган кишилар ёки кўра-била туриб ёлғонни ёзган, буни ўша шароитда яхши замонлар келгунга қадар жон сақлаш, қўл қовуштириб турмасдан бирор хайрли иш билан ўзини овутишнинг бирдан бир чораси деб билган одамлар қўли билан ёзилган саҳифалардир. Бундай кишиларнинг асл муд-даоси ҳақида гапириш биз учун мушкул, ким билсин, уларни қоралашга ҳақимиз борми, ўзимиз улардан аълороқми. Аммо, шуниси ҳаққи, 30 ва ундан кейинги йиллар адабий маҳсулотининг каттагина қисмини бугунги кунда тоқат қилиб ўқиш мумкин эмас. Оддий инсоний-ахлоқий туйғу, ҳақиқат туйғуси нуқтаи назаридан уларни ўқиш ўта оғир». («Вопросы литературы», 1988, № 9, 27—28-бетлар). Уртача ёки истеъдодсиз қаламкашларгина эмас, Ф. Фулом, Ҳ. Олимжон, Уйғун, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода каби улкан сўз усталари ижодида ҳам шундай нохуш ҳолларга дуч келамиз. Ушундай кўнгилсиз ҳодисани ёдга тушириш учун сон-саноксиз асарлардан фақат биттасини, чунончи Гафур Фуломнинг 1949 йили ёзган «Уртоқ Сталинга» одасини, ундаги айрим сатрларни келтириш билан чекланаман. Бошдан оёқ Сталинга ҳамду санодан иборат бу йирик шеърини асарда шоир ўз тақдирини, қолаверса бутун халқ тақдирини «Иосиф Сталин деган улуғ зот» билан боғлайди; шоирнинг тўлиб-тошиб ёзишчи, унга «қалам тутқазган» — Сталин, жамики «шоирлар шеър учун қалам йўнганда аввало илҳоми» — Сталин, юртуда «бир хайр иш бошланар бўлса, яхшиликнинг номи» — Сталин; у — халқлар халоскори, ҳимоячиси, «халқни кишан, асоратдан озод» қилган, бошдан «зулмат, сояни» кетказган ҳам Сталин, у «инсоннинг мушфиқ қуёши!», «Меҳнатқаш халқнинг мураббийси», уни «шарафларга етказган» ҳам, «Меҳнатнинг ҳаётда қадрин белгилаб кўнгилдан ғуссани кетказган» ҳам — Сталин; «юртимиз посбони», «ишимиз устози», «дунё чароғбони», «халқларнинг овози» — Улуғ Сталин. Шоирнинг бу улуғ зотга истаги шундай:

**Иосиф Сталин, қадрдонимиз,
Шу жаҳон борича омон бўлингиз.
Жаҳонда яшаган халқлар бахтига
Абадий яшашда жаҳон бўлингиз!**

Одатдагидек, шоир ўзи ишонган ана шу ҳақиқат асосида «порлоқ келажак»ка ҳам нигоҳ ташлайди:

**Иосиф Сталин, Сизда бутун халқ
Барҳаёт Ленинни кўрар, бу гап ҳақ.
Сталин бошлаган йўл коммунизм,
Барча йўл шу йўлга борур муҳаққак.**

Гафур Фуломдек шоирнинг шундай аҳволга тушиб қолгани, шу ёзганларини ҳеч қандай

шубҳаларга бормай ҳақиқат деб билгани бугунги кунда кишини таажжубга, ҳайратга солади. Ҳеч шубҳа йўқки, совет адабиёти, социалистик реализм адабиётининг XX аср жаҳон бадий тараққиётида ўзига хос ўрни бор, кўп жиҳатдан у янги ҳодиса; аммо социалистик реализм адабиёти фақат зафарлардан иборат эмас, бу адабиёт ғоят мураккаб, зиддиятли йўлни босиб ўтди. Ч. Айтматов: «Мен соцреализм методи орқали биз санъатда янги давр, янги эра очдик, бизнинг жамики адабиёт ва маданиятимиз гўё тамомила ноёб, мислсиз деган дабдабали, ғолибона баёнотларга қўшилмайман. Аслида аҳвол бошқача. Ҳа, биз санъатнинг моҳиятини ва вазифасини ўзгартириш йўлида ғоят чуқур, қаттиқ ҳаракатлар қилиб кўрдик... Бизда қизиқарли, катта утуқлар бор. Бироқ шу билан баробар, ҳалол ва ошқора тан олиш лозим, кўпгина уринишларимиз беҳуда кетди. Бизнинг санъатимизда нимаики мавжуд бўлса, уларга буюк тажрибалардан бири деб қараш керак, ҳар қандай тажриба ҳам ҳамиша ғалаба билан якунланавермайди. Бунда ғалаба ҳам, хатолар ҳам бўлади»¹ — деганида тўла ҳақ. Менинча, мақоламизнинг аввалида тилга олинган кейинги мунозараларда кўтарилган «Социалистик реализмдан воз кечишимиз керакми?» деган саволни қўйиш ўринсиз. Биз хоҳлаёмизми, йўқми социалистик реализм деб аталган адабий-бадий ҳодиса — реаллик, мавжуд нарса, уни рад этиш, ундан воз кечиш асло мумкин эмас. Бироқ, социалистик реализм адабиёти, санъати, унинг XX аср маданияти равнақида тугган мавқеи ҳақидаги бирёқлама, оширилган тасаввурлардан, социалистик реализмнинг зиддиятлардан холи, идеал метод деб тушунишдан, социалистик реализм назариясига оид тор, догматик қарашлардан, уни бузиб талқин этишлардан қатъий равишда воз кечиш мумкин ва лозим.

Манā, ўттиз йилдирки, социалистик реализмни тор, догматик тасаввурлардан холос этиш учун кураш кетади. 60-йилларда илгари сурилган социалистик реализмни очик система деб тушунишдан иборат концепция ўз даврига нисбатан назарияда олға ташланган қадам бўлди. Бу концепция социалистик реализм ҳақидаги стереотипларга қарши қаратилганлиги билан қимматли; бу концепцияга кўра, социалистик реализм адабиётининг бағри ҳаётдаги янгиликлар, ўзгаришлар учун, эркин ижодий тафаккур, ёзувчи бисотини, ижодий ўзига хослигини намоён этиш учун, мазмун ва шаклий-услубий изланишлар учун, жаҳон адабиёти санъатидаги жамики илғор нарсалардан ижодий бахраманд бўлиш учун кенг очик; социалистик реализм ҳаёт билан бирга доимо ўзгариб, янгилашиб, бойиб боровчи универсал системадир. Энг муҳими, бу назария ўша мураккаб турғунлик даврида адабиётдаги энг яхши, ҳаққоний, ғоявий-бадий юксак асарлар тажрибасига таянгани ва уларни ҳимоя этишга қаратилганлиги билан қимматлидир. Афсуски, кейинги мунозаралар пайтида очик система концепциясининг ўз давридаги аҳамиятига, социалистик реализм ҳақидаги догматик қарашларга муайян зарба беришдаги ролига етарли аҳамият берилмаётир. Айни пайтда кейинги фикр олишувлар жараёнида шу нарса аён бўляптики, очик система концепция тарафдорлари ярим йўлда тўхтаб, бир ерда депсиниб қолдилар, социалистик реализм назариясини бузилишлардан, догматик тасаввурлардан бутунлай халос этишга, социалистик реализмнинг ҳамма учун мақбул, универсал назариясини, таърифини ишлаб чиқишга эришолмадилар; улар ўз қарашларини ҳар қанча таъриф ва тарғиб этмасинлар, социалистик реализм тўғрисидаги эскича тасаввурлар, Ёзувчилар союзи уставидаги таъриф, йўл-йўриқлар ўзгаришсиз қолаверди; шу тариқа расмий манбаларда, дарслик ва қўлланмалардаги таъриф-тавсифлар билан совет адабиёти, социалистик реализмнинг мавжуд кўпқиррали бойлиги, жонли адабий жараён орасидаги тафовут, зиддият тобора аён бўла борди, ҳозирги ошқоралик пайтига келиб бу ҳол хийла кескин тус ола бошлади. Социалистик реализм теварағидаги бу галги мунозараларнинг ғоят жиждийлиги боиси шунда.

Социалистик реализм ҳақидаги энг яшовчан догматик тасаввурлардан бири шуки, маълум бир ёзувчи, муайян асарга хос хусусиятлар социалистик реализмнинг универсал хусусияти, талаби сифатида мутлақлаштирилиб келинди: чунончи, «Она» романи, В. Маяковскийнинг революцион поэзияси, бизда «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» асарлари социалистик реализмнинг эталони деб қаралади, бошқа жамики асарлар шу мезон билан ўлчанади, шу мезонга тушмайдиган асарлар эса социалистик реализмдан четга суриб қўйилади. Иккинчи томондан, совет адабиётининг муайян босқичида, чунончи, революциянинг дастлабки даврида шаклланган айрим характерли тенденция, хусусиятлар ҳам мутлақлаштирилди, социалистик реализмнинг ҳамма давр учун ўзгармас талаби даражасига кўтарилди. СССР Ёзувчилар союзи уставидаги социалистик реализм «санъаткордан воқеаликни революцион тараққиётда, тўғри, тарихий жиҳатдан аниқ тасвир этишни талаб қилади» деган таъриф ҳам дарслик, ўқув қўлланмалари, кўпдан-кўп илмий тадқиқотлардаги бу таърифни тўлдиришга, ривожлантиришга қаратилган шарҳлар ҳам шу тариқа майдонга келган. Маъмурий буйруқбозлик усули, ақидапарастлик авж олган, расмий ҳужжатлардаги, раҳбар шахслар доклад ва нутқидаги гапларни шак-шубҳасиз мутлақ ҳақиқат деб қабул қилиш одат тусини олган кезларда бошқача бўлиши қийин эди. Чунончи, А. Жданов машҳур бир нутқида «Совет адабиёти... эртанги кунимизни кўрсата билиши керак» деган. Тезда бу гап қонун, социалистик реализмнинг қатъий талабига айланди, дарслик ва қўлланмалардан жой олди, назариячилар учун эса йўл-йўриқ бўлиб қолди. «Адабиётшунослик терминлари луғати»да худди шу курсатмага таянган ҳолда совет санъаткори «бугунги ҳаёт тасвирида янада порлоқ бўлган келажакни» кўрсатиши даркорлиги айтилади (209-бет). Кўплар қатори И. Султонов ҳам шу курсатмадан келиб чиқиб: «Бу метод ҳаётни ҳаққоний ва революцион ривожда кўрсатишни яъни ҳар гал (таъкид бизники — У. Н.) тасвирланаётган ҳодисаларнинг келажакни (перспективасини) кўздан қочирмасликни тақозо этади», — деб ёзади. Далил сифатида Ҳамзанинг машҳур асарини тилга олади: «Бу аломат Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сидаёқ кўринган эди. Бу асар ёзилган пайтда ҳали Ғофирдек революционер онгли кишилар ўзбек халқи орасида унча кўп эмас эди, аммо ажойиб ёзувчи ўзбек халқи онгидаги ана шу революцион куртакни кўрди, унинг истикболи порлоқ эканини, яъни бутун халқ Ғофир йўлига ўтишини санъаткор сезгиси билан пайқади ва ҳали куртак кўринган ўша революцион ҳодисани кенг тасвир марказига қўйди» (Асарлар, II том, 412-бет). Бу шарҳда айрим ноаниқликлар бор, чунончи, «Бой ила хизматчи» 1918 йили, ўлкада

¹ Ч. Айтматов. Статья, выступления, диалоги, интервью. М., 1988, 371—372 бетлар.

Октябрь инқилоби, ғофирлар бошлаган иш ғалаба қилган, яъни кўртак очилган кезларда ёзилган эди, шунга кўра маъмур асарда муаллиф келажакни олдиндан сезган, кўрган эди, деган гап ўринли эмасдай туюлади. Аммо, умуман олганда, «Бой ила хизматчи»да ҳодисаларни, характерларни революцион тараққиётда, ўсиш-ўзгаришда кўрсатиш бор, зотан, асар материали, унга асос қилиб олинган ҳаёт ҳақиқати, унинг мантиқи, муаллиф концепцияси шуни тақозо этади. Кейинчалик Ойбек «Қутлуғ қон» романида худди ўша давр, ўша муаммо — жабрланган оддий меҳнаткаш халқ фарзанди онгида инқилобий уйғониш, ўзгаришларни акс эттиришга жазм этган экан, Ҳамза тажрибасига таянади. Ҳамза каби ҳодисаларни бевосита революцион тараққиётда кўрсади.

Бу икки асар худди шу хусусият билан адабиётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бироқ бу хусусият кейинчалик социалистик реализмнинг қатъий талаби, зарур шартига айланажagini икки буюк адиб ҳам ҳаёлига келтирмаган бўлсалар керак. «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» муаллифларининг ўзлари бошқа асарларида, масалан, Ҳамза «Паранжи сирлари»да, Ойбек «Навий»да ҳаётий материал, бадийий ният характеридан келиб чиққан ҳолда ўзгача тасвир йўлидан борадилар. Совет адабиёти хазинасидан ўрин олган, китобхонларнинг севимли асарига айланган яна ўнлаб ҳаққоний, юксак ғоявий-бадийий асарлар борки, уларни «Бой ила хизматчи» ёки «Қутлуғ қон» мезони билан асло ўлчаб бўлмайди. Аммо социалистик реализм ҳақидаги ёски ақидаларга амал қиладиган адабиётшунослар ҳамон ўша мезонни қўлдан қўйганлари йўқ. Б. Имомов билан Д. Тўраевнинг 1988 йили «Ўқитувчи» нашриётида чиққан «Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм масалалари» китобида айтилган шу ҳолга дуч келамиз. Китоб муаллифлари реализм билан социалистик реализм орасидаги фарқни ҳам аввало худди шу — «келажакни кўриш» масаласи билан боғлайдилар: «Умуман, реализмда инсон турмушини, воқеликни ҳаққоний, типик характерларни типик шароитларда, ҳаётий деталларда кўрсатиш ҳал этувчи эстетик принцип бўлса, социалистик реализм бу принципларни коммунистик жаҳият қуриш ва уни муштахкамлаш идеясининг таяничи бўлган коммунистик партиявийлик билан, келажакни реал ҳис этиш ва олдиндан идрок этиш билан бирлаштиради. Социалистик реализмнинг бошқа ижодий методлардан, чунонки, танқидий реализмдан тафовути худди ана шу хусусиятларидадир» (5-бет). Авторлар фикрича, ҳаётни марксча-ленинча тушуниш ҳам социалистик реализмнинг жаҳими муваффақияти, парвози ҳам айтилган шу «келажакни очик-ойдин ҳис этиш ва кўра олиш», «аниқ, ишонарли ва кўриниб турган иқтиқбол»ни тасвирлаш билан боғлиқ. «Мана шу ҳаётий ҳақиқат, — дейилади ўша китобда, — революцион кураш истиқболининг муқаррар ғалабасига ишонч туғдирган марксизм-ленинизм таълимоти социалистик реализм методининг ғоявий негизи бўлиб, унинг танқидий реализмга нисбатан олға кетишини, келажакни очик-ойдин ҳис этиш ва кўра олишни таъминлайди. Хуллас, ҳаётдаги революцион ўзгаришлар реализмни янада юксакликка кўтаришда унга янги қанот бағишлади, сўз санъаткорларини шу вақтгача эришилмаган юқори босқичларга парвоз этишга йўллади» (6-бет).

Китоб авторлари Ҳамза ижодини шу жиҳатдан таҳлил этиб келиб, сўнг бу талабларга жавоб бермайдиган асарлар қатори Абдулла Қодирий романларини тилга оладилар. «Ўтган кунлар»да ҳам, унга нисбатан «ғоявий ўсиш» бўлган «Меҳробдан чаён»да ҳам, муаллиф «келажакка назар ташлолмагани»ни, шу тариқа социалистик реализмга етиб келолмагани, танқидий реализм босқичида қолганини айтадилар, бу ҳолни «дунёқарашдаги борлиқни англаб олишдаги чекланган томонлар» билан боғлайдилар.

Бир қарашда беозор кўринган «келажакни олдиндан кўриш» талаби адабий ҳаётда нақадар кескин драмаларга, кўнгилсиз ҳолларга сабаб бўлганлигини, зўр истеъдод билан ёзилган ҳаққоний, аммо танқидчилар назарда тутган «перспективани назарда тутмаган» асарларни савалаш учун қурол бўлиб хизмат қилганлигини ва ҳамон хизмат қилаётганини биламиз. Бугина эмас, «келажакни олдиндан кўриш» табиий равишда ҳаётни бор ҳолда эмас, қандай бўлиши кераклигини назарда тутган ҳолда тасвирлаш талабига айлана борди. Энг ёмони, шу талаб адибларни реал ҳаёт муаммоларидан узоқлашишга олиб келди, адабиётни реал ҳаёт, унинг зиддиятлари таҳлили ўрнини ҳаётнинг қуруқ мадҳи, ҳаёт ҳақидаги, нури келажак ҳақидаги афсоналар эгаллай бошлади; 30-йиллар, урушдан кейинги давр адабиётида бу тенденция ғоят кучайди. Танқидчи Евг. Добренко куюниб ёзганидек, бунинг реализм билан мутлақо алоқаси йўқ; ҳаётни бор ҳолда эмас, қандай бўлиши кераклигини назарда тутган ҳолда тасвирлаш оқибат натижада объектив асоснинг субъективлик билан алмашинувга олиб келди, адабиёт объектив реалликка эмас, идеал, мавҳум моделга, қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги иллюзияга таяна бошлади. Табиийки, бундай шароитда бадийий ҳаққонийлик ҳаётдан ажралган схема билан алмашди; дунё ҳақидаги сўзни дунёнинг ўзидан ажралиб қолиши ҳар қандай реалистик санъатнинг бузилишидан илк далолатдир; санъатнинг воқеликдан ажралиб қолиши шунга олиб келдики, адиблар ҳатто уставда берилган социалистик реализм таърифида назарда тутилган аниқликдан ҳам чекина бошлади, воқеликни тарихан аниқ идрок этолмайдиган бўлди, санъатда тарихни бузиб кўрсатиш, тарихийлик принципининг бузилиши рўй берди; бу ҳол инсоннинг ўзи ҳақидаги тасавурни жўнлаштириш, схемалаштиришга, адабиётда гуманистик пафоснинг кескин равишда пасайиб кетишига олиб келди; шу тариқа адабиёт ривожининг етакчи тенденцияси инсон ва жаҳиятни марксча-ленинча тушунишга зид кела бошлади...

Социалистик реализм ҳақида яна бир яшовчан догматик тасавур адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги, ҳодисаларга «синфий ёндашиш» масаласи билан боғлиқ. Умуман олганда адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни ҳануз чинакамга ижодий ривожлантира олганимиз йўқ, бой классик адабиётимизни ўрганишда ҳам, совет давридаги мураккаб адабий жараённи тадқиқ этишда ҳам марксча-ленинча универсал ижодий, эстетик тафаккурга алоқаси бўлмаган вульгар социологизм, ҳодисаларни жўнлаштириш, адабий саводсизлик ҳамон давом этади. Талай адабиётшунослар, тарихчилар ҳалигача «синфий ёндашиш» деганда асарни бевосита синфий курашни кўрсатиш, асар конфликтини албатта бой ила

¹ Евг. Добренко. Превратности метода. «Октябрь», 1988, № 3, 189-бет.

хизматчи орасидаги тўқнашувлар кураши асосига қуриш деб биладилар. Дарҳақиқат, боя тилга олинган «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» асарлари конфликтли бевосита синфий кураш асосига қурилган, шу йўл билан авторлар Октябрь арафасидаги тарихий ҳақиқатни, тарихни ҳаракатга келтирувчи муҳим ижтимоий зиддиятларни теран, ҳаққоний кўрсатишга муваффақ бўлганлар. Худди шу жиҳати билан ҳам бу икки асар ўзбек адабиётида янгилик, жиддий кашфиёт бўлди. Бироқ бу усул адабиётда «синфий ёндашиш»нинг бирдан-бир йўли эмаслигини ўша авторларнинг ўзлари жуда яхши билган эдилар. Чунончи, Ҳамза ўтмишдан олиб ёзган «Паранжи сирлари», Ойбек эса «Навоий» асарларида бунинг амалда кўрсатган эдилар. Худди «келажакни кўрсатиш» масаласида бўлгани каби, «синфий ёндашиш» бобида ҳам «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» мезонига мос тушмайдиган асарларни социалистик реализмга зид деб билиш, яқин ўтмишни-ку қўя турайлик, ҳатто бизнинг кунларимизда содир бўляпти. Б. Имомов ва Д. Тўраев боя тилга олинган китобда Абдулла Қодирий романларига шу тарзда ёндашиб, тўғридан-тўғри шундай ёздилар:

— Аниқловчи — сифати билан айтсак, ёзувчи танқидий реализмни намоён этади. Агарда А. Қодирий коммунистик партиядан позициядан ёндашганда, турмушни марксистик-социалистик позициядан бадийи кашф этганида, темани майда-савдо буржуазияси ҳаётидан олган бўлишига қарамай (бунда ёзувчини айбламоқчи эмасмиз, балки унинг эркини қайд этмоқчимиз), ўтмишда тарихни ҳаракатга келтирувчи асосий куч синфий кураш эканини кўрган ва уни озми-кўпми ифодалаган бўларди. Романдаги халқ вакиллари образлари, бош ижобий қаҳрамоннинг уларга яқин ва хайрихоҳликлари ёзувчи дунёқараш ва позициясидаги демократик тенденцияларни тасдиқлашдан нарига ўта олмайди» (48-бет). Сўнгра китоб авторлари адиб ҳаётимиз тараққиётига ҳамоҳанг бўлиб, дунёқарашини, ижодини юксалтириб борганлигини айтадилар: «Бу ҳол «Меҳробдан чаён» романида бош қаҳрамонлардан Анварнинг меҳнаткаш фарзанди сифатида халқ билан алоқада бўлишида қуринади. Шунингдек, ёзувчи Россиянинг ўлкага нисбатан ўйнаган прогрессив ролини тушуниб етди ва уни ҳаққоний ифодалашга интилди: феодал ҳукмронлигининг адолатсизлик, шахс эркини оёқ ости қилиш ҳамда ноҳақлик, жабру ситамлардан қутилиш учун Анвар севиклиси Раёно билан рус ҳукмдорлиги паноҳига — Тошкентга қочади. Бу «Ўтган кунлар»дагига нисбатан ғоявий ўсиш эди» (49-бет). Аммо бу ҳол авторларни қаноатлантирмайди, улар назарида «Меҳробдан чаён» ҳам «кистиқболга назар ташлаш», «синфий тушуниш», талабига жавоб бермайди. Авторлар ёздилар: «Бироқ ёзувчи жамиятни синфий тушуниш жиҳатидан, тарихни яратувчи куч меҳнаткаш халқ оммаси эканини идрок этиш ва уни бадийи ифодалашда коммунистик партиявий негизда тура олмади, истиқболга назар ташлолмади». Муаллифлар бунинг негизини ўзларича шундай изоҳлайдилар: «Бунинг боиси шундаки, А. Қодирийнинг ҳаётий концепцияси, тарихни англаши ахлоқий масалага — яхшилик ва ёмонлик билан боғлиқ умуминсоний ғоявий позициядан ёндашишга бориб тақалади» (49-бет).

Бу ерда китоб авторларининг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларига оид даъволари, танқидий мулоҳазалари ибтидоий, асосиз эканлигини далиллаб ўтирмай, (уни бошқа ўринга қолдирамиз-да) бу даъволардан чиқадиган хулосаларга эътиборни қаратиш билан чекланамиз. Демак, «Ўтган кунлар»да ва «Меҳробдан чаён»да «синфий кураш», бинобарин «синфий тушуниш», «истиқболга назар ташлаш» йўқ, шунга кўра улар социалистик реализм асарига эмас; бугина эмас, А. Қодирийнинг ҳаётий концепцияси, тарихни англаши ахлоқий масалага, яхшилик ва ёмонлик билан боғлиқ умуминсоний-ғоявий позициядан ёндашишга бориб тақалади; китоб авторларининг мулоҳазалари мантиқига кўра, социалистик реализм фақат «социал-синфий ғоялар»дан иборат, гўё «умуминсоний-ғоявий позициядан ёндашиш» унинг учун бегона. Бундай қарашга асло қўшилиб бўлмайди. Социалистик реализм адабиётида «синфий тушуниш» ва умуминсонийлик муносабати хусусида кейинроқ тўхталамиз. Ҳозирча гап «синфий ёндашиш»ни синфий кураш тасвири деб тушуниш ҳақида. Бундай қараш фақат А. Қодирий романлари эмас, бошқа адиблар, ҳатто 70—80-йилларда пайдо бўлган ўтмишдан олиб ёзилган айрим асарларга муносабатда ҳам кўзга ташланди. Тарихчи олим М. Ваҳобов «Правда Востока» да босилган «Тарих ҳақиқатида зид» мақоласида (1986 йил 4 декабрь) «Юлдузли тунлар» романи тўғрисида тўхталиб, асарда «синфлар, социал гуруҳлар тушуниши йўқ» деб даъво қилади, сўнг шунга асосланиб: «Бу тарихий давр воқеалари, мамлакатдаги вазият ва Бобур шахсига баҳо беришда социалистик реализм позицияларидан бутунлай чекиниб майда буржуазия романиزمи томонига ўтилган» дея ёзувчига жиддий айб қўяди. Ҳолбуки, «Юлдузли тунлар»ни синчиқлаб ўқиган дидли, билимдон китобхон унинг автори тарихий давр воқеалари, мамлакатдаги вазият ва Бобур шахсига баҳо беришда изчил синфий-партиявий позицияда турганлигини, ёзувчи позицияси асарда бевосита синфий зиддиятлар тасвири эмас (гарчи бундай ҳоллар романда мавжуд бўлса ҳам), ниҳоятда хилма-хил тарзда, асосан Бобур фаолияти ва шахсиятидаги қарама-қаршиликлар, шоир ва шоҳ Бобур орасидаги, унинг қалбидаги муросасиз зиддиятлар орқали ёрқин, ҳаққоний, таъсирчан намоён бўлганлигини яхши билади.

Тарих фанлари доктори Бўриной Аҳмедов «Тонг қоронғусида» сарлавҳали мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил, 25 ноябрь) Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романини тарихий шароит билан қиёсан текширишга уринади, романнинг қатор фазилатларини қайд этиш билан баробар айрим кам-кўстлари тўғрисида ҳам тўхталади. Шуниси қизиқиш, бу мақола автори ҳам асарнинг камчиликларини худди Б. Имомов, Д. Тўраев, М. Ваҳобов каби «синфлар ва синфий кураш» масаласидан қидиради, одатдагидек, романини бу жиҳатдан «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» типидagi асарлар билан қиёслайди. Мақолада ўқиймиз: «Ёзувчи бу масалага — синфлар ва синфий кураш масаласига чуқур, атрофлича ёндаша олган деб бўлмайди. Романдаги образлар — салбийлари ҳам, ижобийлари ҳам, менингча, «Қутлуғ қон»даги Йўлчи билан Гулнор, Шоқир ота, Қоратой, Мирзакаримбой сингари етук чиқмаган». Билимдонлик, зукколик билан олиб бориладиган қиёсий таҳлил — мақбул усул, аммо бу йўл истеъдод билан ёзилган оригинал, ҳаққоний асарни, бетакрор, ҳаётий, чуқур маънодор образларнинг кадр-қимматини камситишга қаратиладиган бўлса — ёмон, жуда ёмон! «Кеча ва кундуз» романида, унда акс этган образлар ифодасида, шубҳасиз, муайян камчиликлар бор, аммо бундай камчиликларни албатта «синфлар ва синфий кураш» масаласидан қидириш, образларнинг

бадий савия даражасини «Қутлуғ қон» мезони билан ўлчаш тўғри эмас; табиийки, қидирилса «Қутлуғ қон» романидан ҳам камчиликлар топиш, аксинча «Қутлуғ қон»да йўқ фазилатларни «Кеча ва кундуз»да кўриш мумкин. Хусусан, реализмнинг муҳим шарт саналмиш — образларни, улар қайси синф, ижтимоий гуруҳга мансуб бўлишларидан қатъий назар, манфий ва мусбат томонлари, кучли ва ожиз жиҳатлари билан ҳаётий, жонли тасвирлаш «Кеча ва кундуз»га алоҳида фазилат бахш этган. Романдаги Раззоқ сўфи, Акбарали минбоши, Зеби, Мирёқуб каби етакчи образлар, кўплаб эпизодик персонажларни қандай қилиб «етук чиқмаган» дейиш мумкин?! «Синфлар ва синфий кураш масаласига чуқур ва атрофлича» ёндашолмаганлиги хусусидаги таънага келсак, тақрор айтамиз, бу ҳолни албатта, «Қутлуғ қон»даги бой билан камбағаллар орасидаги бевосита кураш, камбағалнинг ижтимоий-сиёсий шаклланишини таҳлил этиш тарзида ифодалаш шарт эмас. Тарихчи олим «Кеча ва кундуз» асаридан албатта шундай талаб этади, ҳатто романнинг ёзилган, аммо ҳалигача топилмаган иккинчи қисмида шундай бўлиб чиқишини тахмин қилади. «Балки бу образларнинг ижтимоий-сиёсий шаклланиши романнинг бизга етиб келмаган, тўғрироғи, ҳали излаб топилмаган иккинчи қисмида очиб берилгандир. Шунинг учун ҳам, асарнинг бир қисми асосида ҳужм юритиб, ортиқча талаб қўйиш ўринли бўлмас керак», — дея китобхонни овутоқчи бўлади. Олимнинг кейинги гапи ҳақ, асарга ортиқча талаб қўйиш ўринли эмас; мақола автори таъкидлаганидек «қозирги ҳолида ҳам «Кеча ва кундуз»да баён қилинган зулм, ҳақсиз-ҳуқуқсизлик ва унга қарши меҳнаткаш халқ онгида кучайиб бораётган норозилик, ғалаёнларни кўрсатувчи эпизодлар ёрқин ва ўқувчининг эсида яхши қолади». Бугина эмас, асарда мулкдор, мансабдор доираларнинг айниб, ич-ичдан чириши, ижтимоий-маънавий инкнрози фавқуллода бир маҳорат билан ҳаққоний очиб берилганки, асардан, автордан бошқасини кутиш ўринсиз... Асарга, бағдидек, қандайдир андаза асосида жўн синфий ёндашиш, оқибат натижада ёзувчининг ижодий индивидуаллигини инкор этишга олиб келади; «бундай ёндашув адабиётимиз реализмига, бу реализмнинг тўла-тўқислигига ҳақиқатан ҳам кўп зиён етказди» (Ю. Суворцев).

Энди «синфий тушуниш» ва умуминсонийлик муносабати масаласига келсак, чинакам ҳаққоний, чуқур гуманистик асарлар бир вақтнинг ичида ҳам синфий, ҳам умуминсоний ғоялар билан йўғрилган бўлавериши мумкин. Аммо адабиёт ва санъат ривожини мураккаб. Ч. Айтматов ёзганидек, шундай босқичлар бўладики, бу даврларда санъат муайян табақа, муайян синф, муайян маданий доира хизматига қаратилади. Ёзувчи фикрича, санъат бошқа янада юксакроқ босқичга кўтарилиши мумкин, бу даврга келиб у универсал аҳамият касб этади, бу энди янги миқёс; бу босқичда санъат тор бир регион, муайян табақа манфаати билан чекланмай умуминсоний муаммолар сари боради... («Статьи, выступления, диалоги, интервью», 372-бет). Адиб бошқа бир ўринда ёзади: «Бадиий адабиётнинг прогрессивлиги мезонини тор талқин этиш, умуминсоний қадриятлар мезонига зид келмоқда... «Синфий ёндашув» деб аталган тушунча диктатураси, менингча, узоқ йиллар... адабиёт оламини бутун борлиги билан, ранг-баранг кўринишларда қабул қилиш, қайта идрок этиш қобилиятимизни ҳам торайтириб, қашшоқлантириб, бўшаштириб юборди. Бу шунга олиб келдики, маданий қадриятларни баҳолашда кенг миқёсли мезонлар — инсонпарварлиқнинг ахлоқий юксаклиги, эстетик баркамоллиги, ижодиётнинг чинакам ижтимоийлиги иккинчи планга ўтиб қолди, унинг ўрнини вульгар сиёсатбозлик, конъюнктура эгаллай бошлади» («Литературная газета», 1988 йил 21 сентябрь). «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз», бугунги кунда «Юлдузли тунлар»дек юксак маҳорат билан битилган ҳаққоний асарларнинг муносиб баҳолашига айни шу хилдаги «синфий ёндашиш» деб аталган тушунча диктатураси инерцияси монелик қилмоқда.


«Синфий ёндашиш» аниқ, изчил намоён бўлган, бошдан-оёқ синфий кураш асосига қурилган ҳаққоний, оригинал асарларни асло камситмаган ҳолда, фақат муайян синф манфаатининг кўзлаб ёзилган асар муайян даражада чекланган бўлишини ҳам унутмаслик керак. Миллий адабиёт синфий ёндашиш билан баробар умуминсоний маъно касб этган тақдирдагина ўз ривожига янги миқёсларга кўтарила олади. Классик адабиётимизда Навоий билан Бобур бу ривожнинг мислсиз намуналарини кўрсатган. Совет даври ўзбек адабиётида «Ўтган кунлар», «Паранжи сирлари», «Кеча ва кундуз», «Сароб», «Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Аволдлар довоини» каби етук асарлар бу йўлнинг истиқболли порлоқ эканлигини тасдиқлайди. В. И. Лениннинг ўз вақтида илгари сурган жамият тараққиёти умуминсоний қадриятлар манфаати муайян синфларнинг тор манфаатидан устун туриши лозимлиги ҳақидаги ғоят чуқур фикри бу масалада биз адабиётшунослар учун назарий йўлланмадир.

Пировардида шундай савол туғилади: Совет адабиётига, унинг энг яхши намуналарига, бинобарин, социалистик реализмга хос бош хусусият нимадан иборат? Совет давридаги мураккаб, кенг қўламли адабий жараённи, турли босқичларда яратилган хилма-хил йўналишлардаги етук асарларни бирлаштириб турадиган умумий хусусият борми? Менингча, бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай ижодий метод замирида санъаткор томонидан идрок этилаётган воқеликни бадиий ифодалаш принципи, санъаткорнинг воқеликка ижодий-эстетик муносабати, ижодда уни қайта намоён қилиш принциплари ётади. Евг. Добренко юқорида тилга олинган мақоласида таъкидлаганидек, гап реализм устида борар экан, реализмга хос мана шундай ижодий муносабат, идрок қилиш, қайта намоён этиш принциплари — **ҳақиқатдир**. Ҳаёт ҳақиқатини марксча-ленинча тушуниш воқеликни зиддиятлар кураши, тараққиёт эса зиддиятларнинг оқибат-натижаси деб қарашдан иборатдир. Агар методнинг асосида ҳақиқатни ана шундай тушуниш ётадиган бўлса, у сўзсиз ички тараққиётга қобил диалектик ҳаракат касб этади. Методимиз учун ўзгармас, мутлоқ хусусият — реал ҳаёт ҳақиқати, кураши, ривожини, қарама-қаршилиги, драматизмининг ўзида мужассам ётадиган ҳаракат, тараққиёт ва қарама-қаршиликлар курашидан иборатдир. «Шунга кўра, — деб ёзади танқидчи, — социалистик реализмни фақат жамиятнинг олға ривожини зиддиятларини очиб берадиган реализм тарзида тушуниш мумкин. Унинг «ўзгармас моҳияти» ва «ҳаёт қалби» ҳаммаша зиддиятлардан иборат ҳақиқатдир». («Октябрь», 1988, № 3, 182-бет) Бир сўз билан айтадиган бўлсак, социалистик реализм — реал ҳаёт ҳақиқатини диалектик тарзда бадиий идрок этишдир. Бетиним ҳаракатдаги жонли борлиқни, ижтимоий ҳаётни хилма-хил қирралари, бутун мураккаблиги, мусбат ва манфий томон-

лари билан теран англаш, ҳеч қандай ҳақиқатдан чўчимайдиган холисона-объектив танқидий таҳлил эса диалектик тафаккурнинг асосидир. Методимизнинг асл моҳиятини ана шундан қидирмоқ даркор.

Агар биз социалистик реализмга ана шундай қарайдиган бўлсак, унинг туб моҳияти — ҳаёт ҳақиқатини диалектик тарзда идрок этиш, зиддиятлардан иборат ҳақиқат таҳлили, деб тушунадиган бўлсак, ўз-ўзидан жуда кўп чалкаш, оёғи осмондан бўлиб ётган муаммолар ўз изига тушиб кетади, догматик қарашлар, схолостик сафсатабозликларга чек қўйиш имкони туғилади, ўзида социалистик реализмнинг муайян хусусиятларини намоён этган асарлар билан бошқа бир кўринишга мансуб аммо ҳаққоний асарларни бир-бирига зид қўйишлар, эҳтимол, барҳам топади. Ана ўшанда биз конъюнктура мақсадларини кўзлаб ёзилган, ҳаётдаги ҳар қандай «янгилик»ларни ўйлаб-нетмай қўллаб-қувватловчи, мадҳ этувчи, ўта юзаки, бирёқлама нарсалар билан чинакам санъат намуналарини фарқлаш, шафқатсиз ҳақиқат ёғдуси билан йўғрилган жамики чинакам истеъдодли асарларни, жасур ҳақиқатгўй, виждонли адибларни қадрлаш, ҳимоя қилиш, мунофиқ қаламкашлар пайини қирқиш учун йўл очилади, назарий асос ҳозирланади. Агар биз социалистик реализмга диалектик тафаккур, ҳақиқатнинг холис, шафқатсиз бадий таҳлили деб қарайдиган бўлсак, ўшандай теран ҳаққоний таҳлилнинг ўзида истиқбол ҳам қандайдир тарзда намоён бўлади, бунда чинакам реалист санъаткор атайин келажакни назарда тутиб иш кўриши, албатта воқеаларнинг келажаги қандай бўлишини башорат қилиш, бунинг устига қаламга олинган ҳодисаларнинг истиқболи, албатта, «нурли», «порлоқ» бўлиши асло шарт эмас. Санъаткор тасвирлаётган ҳодисанинг истиқболи ҳаёт мантиғига кўра гоҳо даҳшатли, фожеий бўлиши, реалист адиб бу билан одамларни, бутун жамиятни огоҳлантириши, эҳтимол тutilган ҳалокатлар ҳақида бонг уриши ҳам мумкин. Бу — чинакам, виждонли реалист ёзувчининг бурчи! М. Шолохов, М. Булгаков, А. Платонов, А. Твардовский, Ч. Айтматов, В. Шукшин, Ю. Трифонов, В. Распутин, В. Астафьев, Евг. Евтушенко, А. Вознесенский каби асримизнинг улкан адиблари қаламига мансуб қатор ҳаққоний асарлар инсониятни хатарли ҳалокатлардан огоҳлантирувчи бонг каби янграганлигини унутмайлик. Мавжуд ҳаёт зиддиятларини, мураккаблиklarини, жамият ҳаётидаги реал хатарларни четлаб ўтиб, нуқул турмушнинг нашъу намосини, шодлик, бахт, нурли келажак, порлоқ истиқбол ҳақида ёзишни касб қилиб олган ёзувчи-шоирнинг реализмга, социалистик реализм адабиётига мутлақо алоқаси йўқ! Ҳозирги адабий жараённи, социалистик адабиётимиз тарихини ана шу мезон асосида қайта идрок этиш, тадқиқ қилиш пайти келди. Фақат шу йўл билангина социалистик реализм адабиётининг реал муваффақиятларини аниқлаш, XX аср жаҳон маданияти тараққиётида тутган ҳақиқий ўрни, мавқеини белгилаш мумкин.



Саодат Маҳдиева

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК РАМЗЛАРИ

Бугунги кун совет ёзувчиларининг ғоявий-эстетик изланишларида одам ва олам ҳақидаги маънавий-фалсафий масалаларга қизиқиш етакчи роль ўйнамоқда.

Шу жиҳатдан ёш драматург Шароф Бошбековнинг изланишлари диққатга сазовордир. Унинг илк пьесаларидан айниқса, иккитасида («Тикансиз типратиканлар», «Тушов узган тулпорлар») миллий анъаналар руҳидаги рамзийликка кучли майл сезилади.

«Тушов узган тулпорлар»да мажозийлик сюжетни изоҳлаб ёки тўлдирибгина қолмай, асар ғоясининг умумий жарангдорлигини оширишга хизмат қилади. Драманинг бош қаҳрамони Теша исми оддий қишлоқ боласи. Унинг айтишича, ёши «ўн етти яримда», муаллифнинг ремаркаларидан келиб чиқса, у «ҳозирча» тракторчи бўлиб ишлайди. Совхозда пахта билан боғлиқ кўзбўямачиликлар, ўғрилик рўй бераётганини билиб қолади ва қўшиб ёзувчи раҳбарларга қарши якка ўзи кураш бошлайди. Охир оқибатда ҳақиқат қарор топади. Мана шундай жўнгина сюжет. Бир қараганда асар эллигинчи-олтмишинчи йилларда ёзилган стандарт пьесаларни эслатади. Лекин унда эски қолипларга сиймайдиган бир жиҳат бор: бу — қаҳрамоннинг ёши. Теша одатдаги ҳақиқатпарвар курашчига ўхшамайди — жуда ёш, бундан ташқари, бошқа бир қаҳрамоннинг тили билан айтганда, «жиддий эмас». Ҳақиқат йўлида курашувчи қаҳрамон, одатда, етук, шаклланган, ижтимоий маънавий мустақил одам бўлгучи эди. Бу курашда унвонидан, мансабидан, обрўсидан ажралиб қолиш эҳтимоли ҳам бўладик, натижада драматизм яна ҳам кучаяди. Теша нимасини йўқотиши мумкин? Ҳақиқатпарвар қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, унинг йўқотадиган нарсаси йўқ. Оддий тракторчи. Бунинг устига яқинда армияга кетади. Ш. Бошбеков бу типдаги қаҳрамонни бекорга танлаган эмас. Теша нимаси биландир эртақлардаги кўйи табақадан чиққан қаҳрамонларни эслатади: етим, камбағал, ижтимоий маънода ҳали ўз ўрнини топмаган, атрофдагилар унга масхараомуз қарайди (ҳатто, ҳеч ким уни исмини айтиб қақирмайди, ҳамма «масхарабоз» дейди). Шўх, қувноқ, доим бир шумлик қилиб, ундан ўзи завқланади. Бир қарасангиз, совхоз бош агрономи — Турғун минадиган машинанинг тутунчиқаргичига картошка тикиб кўяди, бир қарасангиз, «донишмандлиги» тугиб кетиб, қўшни кампир — Ҳалима ҳолани товўқларига селитра беришга кўндиради. Хуллас, нимаси биландир Ғафур Ғуломнинг шум боласини эслатадиган, тиниб-тинчимас, бир оз хаёлпараст, кейинги хатти-ҳаракатини билиб бўлмайдиган, ёқимтой бола. Асарда худди эртақлардагидек бош қаҳрамонга бир қадар истеҳзоли, шу билан баробар иззат-ҳурмат билан қараш сақланган. Пьесада фольклорга хос коллизия — соддалик ва донолик билан худбинлик ва нодонлик ўртасидаги азалий тўқнашув мавжуд. Шунчаки турмуш мантиқидан келиб чиқадиган бўлса, Теша ниҳоятда жўн, шу билан бирга «ғалати» бола. Аммо ўрни келганда маънавий масалаларида бошқа қаҳрамонларга нисбатан анча юқори туради. Жамол отанинг қишлоқдан бош олиб чиқиб кетиши сабабларини ёлғиз угина юрак-юракдан ҳис этади. Агар эртақларда донишманд чол ўз ақл-заковати билан ғолиб келса, Бошбековнинг асарида у лоқайдлик ва худбинлик қаршисида мағлуб бўлади. Чол бешта ўғлидан кетма-кет «қора хат» олганида ҳар бир жигарбандига биттадан қайрағоч ўтқазади. Авторнинг наздида қайрағочлар шунчаки хотира учун экилган дарахтлар эмас, у — ўтмиш ва келажақ рамзидир. Қайрағочлар совхоз агрономи Турғуннинг «янгича суғориш усули» туфайли ортиқча селитрадан ҳалок бўлади. Турғун — «турғунлик йилларининг типик вакили» бўлиб, фойдадан бошқа нарсани ўйламайди. Центнер ва тонналар фақат қайрағочларни эмас, аввало инсонни, унинг хотирасини, ўтмишини ва келажagini барбод этишида мажозий маъно бор. Жамол ота учун қайрағочларнинг қуриб-қовжираб қолган шохларига термулиб яшаш нақадар оғир! Уни бу ёруғ дунёда «туттиб турган», тирик одамдай бўлиб қолган қайрағочларидан ҳам айирдилар... Шунинг учун у совхоздан бош олиб кетишга қарор қилади. Кетиш олдидан совхоз директорининг ҳузурига келишга уни нима мажбур қилди экан?

Жамол ота (чайналиб). Шу, десанг... Кетмоқчиман...

Султон. Қаяққа?

Жамол ота. Сарагул қизим «келинг, хувиллаган ҳовлида ёлғиз ўзингиз нима қиласиз» дейвериб, десанг...

Султон. Нима, бутунлайми?

Жамол ота (бир оздан сўнг). Шундай...

Султон. Ие, қизик бўлди-ку... Дабдурустан-а? Ё биров хафа қилдимиз?

Жамол ота. Йўғ-э, ким ҳам мени хафа қиларди... Одамлардан розиман. Шундай... Қарияпман, шекилли...

Ҳа, Жамол ота асосий гапни айтишга қийналарди. Алам, дард кўпроқ сўзлар орасидаги сукутда

берилган. Ҳар бир сўз, ҳар бир жумла нечоғлик изтироблар орасидан сизиб чиқаётганини ҳис этиш қийин эмас. Албатта, қизи Сарагул чақиргани баҳона, холос. Колхозлаштириш, уруш йиллари, урушдан кейинги мураккаб ва чалкаш даврларда куч-ғайратини аямаган қадрдон қишлоғига, одамларга ва шу одамлар билан ўтказган яхши-ёмон кунларига қўл силтаб кетиш учун жиддий сабаб бўлиши керак. Сабаб эса жиддий эди. Бошбеков одатий нарсалардан, кундалик турмуш икир-чирларидан катта маънодаги абадий ва теран категорияларга ўтиб туради. Муаллиф учун образлар мажмуасида қайрағочлар умрбоқийлик, мангулик рамзи сифатида гавдаланади.

Бу рамзийлик илк бор Теша билан Зумраднинг суҳбатида пайдо бўлади. Теша Жалол отанинг келмай қўйгани ҳақида гапирар экан, биз унинг яна бошқа нарсаларини ҳам билишини, лекин айтолмаётганини англаймиз. Қайрағочлар Жамол ота учун нақадар ардоқли ва азиз эканлигини угина чуқур ҳис этади, чолнинг кечалари дарахтлар билан худди тирик одам билан гаплашгандай суҳбатлашганини кўрган...

Ушбу рамзийлик иккинчи марта директорнинг кабинетидagi суҳбатда намоён бўлади. Кулфатдан гангиб қолган Жамол ота ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир эмас эди. Унинг кўзларида йилтирилган ёшни ўртаниш, изтироблар ифодаси эмас, балки одамлар тақдир кимларнингдир қўлида ўйинчоқ эканлиги, шахсий манфаат йўлида нанкин одамлардан, ҳатто Табиатдан, Ердан ҳам юз ўгирадиганлар олдидаги чорасизлик тимсоли сифатида англамоқ керак. Муаллифнинг ютуғи шундаки, рамзийлик алоҳида ажралиб қолмай, асар мазмунига органик равишда сингиб кетган.

Қайрағочлар образи учинчи гал Теша Жамол отанинг ҳувиллаб ётган ҳовлисига келганида зуҳур бўлади. Бу ёринда муаллиф драматизмни атай кучайтириб, тўртинчи саҳнадаги ремаркаларга алоҳида маъно, кучли яширин тағсўз жойлайди: «Тун. Жамол отанинг ташландиқ ҳовлиси. Ланг очик эшик-деразалар шамолда чайқалиб, озор чекаётгандек ҳазин гийқиллаб қўяди. Турли лашлушлар ҳовли бўйлаб сочилиб ётибди. Олдинроқда бешта қуриб қолган қайрағоч...» Қуруқ ва қисқа бу ремаркаларда жонли, синиқ, бироқ драматизмга бой манзара, автор муносабатини англаватдиган бадий умумлашма образ мавжуд. Ланг очик эшиклар, бетартиб сочилиб ётган лашлушлар кимсамиз, ташландиқ ҳовли керакисизлик маъносини беради. Ким керакисиз? Шу ҳовли, унда яшайдиган одамлар. Умумий манзаранинг зарурий унсурларидан бўлмиш қайрағочлар шу мазмунга хизмат қилади, уни кучайтиради. Демак, автор ремаркалари шунчаки «тушунтириш тексти» бўлмай, уларга ҳам ҳ а р а к а т юкланган. Бундан ташқари, ремаркаларда қахрамон руҳий ҳолатига яқин бир ички оҳанг борки, уни авторнинг ҳамдард овозига қиёслаш мумкин.

Ташландиқ ҳовли қахрамонни ларзага солиши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Мантиқан Жамол ота фожиаси Тешада ўч олиш, қасос туйғусини туғдириши керак эди, лекин воқеалар ривож кутилмаганда бошқа ёққа бурилиб кетади. Пьесанинг бошида муаллиф ривоят унсурларидан фойдаланган бўлса, энди ривоятни «соф» ҳолда ишлатади. Йўллари айрича кетган икки дўст ҳақидаги эртанамо ҳикоят аслида маънавият қонуниятларининг бузилиши, чириши туфайли бонг ураётган Тешанинг ички овози бўлиб янграйди:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, бир майизни ҳам баҳам кўрадиган иккита чўпон бўлган экан. Бахт кулиб боқиб, улардан бири катта амалдор бўлиб кетибди. Иккинчиси қўй боқиб юраверибди. Ордан йиллар ўтибди. Бир куни чўпон дўстини кўргани шаҳарга келибди. Қараса, дўсти ишлайдиган идоранинг қаршида каттакон, шаҳарнинг ярмига соя ташлаб турадиган қайрағоч бор экан. Уша қайрағочнинг тагида қаттиқ, дўстини кута бошлабди. Дўсти эрталаб мулозимлари қуршовида келаркан-у, кечкурун яна улар қуршовида кетар экан. Чўпонни унинг яқинига ҳам йўлатишмабди. Шу алфозда кунлар ўтаверибди. Чўпон бўлса жазирама иссиқда, қаҳратон совуқда қайрағоч тагида жон сақлаб юраверибди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлибди-да, бир амаллаб дўстининг қабулига кирибди. Бир неча ойдан бери уни пойлаганини, лекин олдида киритишмаганини, жуда-жуда соғинганини кўзига ёш олиб сўйлаб берибди. Дўсти ажабланиб сўрабди: «Шунча вақтдан бери шаҳарда экансан, қаерда яшадинг?» «Идоранинг олдидаги қайрағоч остида...» дебди чўпон. Шунда дўсти ажабланиб: «Ие, тавба!.. Мен ишлайдиган идоранинг олдида қайрағоч ҳам бор эканми?...» деган экан...»

Боланинг учқур хаёли бу ривоятни эртақлар олампидан бизнинг воқеликка олиб тушади. Теша ривоят орқали ҳаётнинг ҳамма ҳам кўролмайдиган жиҳатларини идрок этади. Ташқаридан қараганда воқеалар кечадиган маконгина кенгайиб борадигандай: уй, Жамол отанинг ҳовлиси, идора, шаҳар. Ичкаридан назар солсак, боланинг руҳий олами Жамол отадан олган сабоқлари эвазига кенгая бораётганини ҳам сезамиз. (Икки чўпон ҳақидаги ривоятни ҳам бир пайтлар унга Жамол ота сўзлаб берган бўлса ажаб эмас.) Қаҳрамоннинг ички ва ташқи оламидаги уйғунлик драматургининг фалсафий қарашларини, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, асарни майда, турмуш икир-чикирларидан юқорига олиб чиқади.

Шундай қилиб, мажоз — қайрағочлар шунчаки ривоятга нисбатан анча кенг мазмун касб этади. Жамол ота аввалги фожиани — фарзандларнинг урушда ҳалок бўлишини — қисматдан кўрди. Лекин, қайрағочларнинг ҳалокати ҳам қисматданмикан? Бошбековнинг англантишича, бу бахтсиз тасодиф эмас, қонуниятдир. Ноҳақ дунёнинг ноҳақ қонунияти. Беш қайрағочни жувонмарг қилган агрономнинг ҳам, шаҳарнинг ярмига соя ташлаб турувчи қайрағочни пайқамаган амалдорнинг ҳам фожиаси шундаки, уларнинг томирлари қайрағочларникига тутатиб кетмаган, бошқа тўпрокдан озикланиб, бошқа дарёдан сув ичади. Шунинг учун ҳам Турғун, Султон ва ривоятдаги амалдор бир сафда туришади. Автор Жамол ота билан ривоятдаги чўпонни ҳам бир қаторга тизади. Афсуски, улар курашга қодир эмаслар. Шулар сабаб, бу курашни ёш авлод — Теша бўйнига олади.

Асарда қайрағочлар билан бирга оқ отлар, цирк, манеж каби жуда яхши топилган мажозлар ҳам борки, уларни алоҳида таъкидламоқ керак. Бизнингча, Бошбеков пьеса қурилмасида ҳам, Теша характерини чизишда ҳам шартлилик меъёрини аниқ ҳис этган. Шунингдек, бошқа мажозий унсурлар: ҳар бир кўринишда такрорланадиган вальс, отлар рақси ва ҳоказоларда ҳам меъёр бузилмаган, улар аниқ бир мақсадга бўйсундирилган.

Цирк мавзусига алоҳида тўхталмоқчимиз.

Зумрад. Циркка тушганмисан? Янгисига...

Теша. Нима? Циркка? (Дарров.) Бўлмасам-чи, икки марта!

Зумрад. Қанақа экан?

Теша (ўйлаб ҳам ўтирмай). Биносими? Тошбақанинг косасига ўхшайди. Шунақа каттаки, айла-ниб чиқишга... хуллас, кўп вақт керак. Маймунлар велосипед ҳайдайди, билдинг! Бизнинг Маткарим бўлса минолмайди. Ургатай десам, кўнмайди. Баттар бўлсин.

Зумрад (ер қизиб). Алдаяпсан.

Теша. Ие! Ишонмасан ўздан сўра, ростдан ҳам минолмайди.

Зумрад. Йўқ, циркка тушмагансан.

Теша (кулиб). Тўғри, тушмаганман... Телевизорда кўрганман. Лекин маймунларнинг велосипед мингани рост. (Қиз томонга кескин энгашиб.) Мана, кўзимга қара.

Зумрад (сал четланиб). Нима қипти?..

Теша. Рост гапиряпман-да.

Зумрад (бир оздан кейин). Циркда отлар вальс тушаркан...

Теша. Йўғ-э, ростдан-а? Қанақа қилиб?

Зумрад. Шундай... (Секин хиргойи қилиб.) Бир, икки, уч... Бир, икки, уч... (Орзумандлик билан.) Қоғоздай оқ отлар...

Теша. «Бир, икки, уч» дегин!.. Бўлмайди. У отларинг доира ичида рақс тушади, доира ичида! Билдинг!

Зумрад. Нима қипти, барибир чиройли-да...

Теша. Агар ўша отлар ке-енг далада елиб юрса — бу бошқа гап. Болғани узат. (Болғани олиб.) Билсанг, циркни эқтирмайман, ҳайвонларга раҳмим келади. Кучлимиз-да, шўрликларни нима кўй-ларга солмаймиз...

Бир қараганда, циркни орзу қилаётган болаларнинг оддий гаплари, холос. Лекин ана шу жўнгина диалогдан икки дунёқараш, икки характер, икки позицияни илғаб олиш қийин эмас. Зумрад учун цирк — қўвноқ музика остида гир айланаётган отлар шунчаки томоша. Теша учун эса ўргатилган санокча монанд ҳаракат қилиб доира ичида айланаётган отлар — ихтиёрсизлик, тобе-лик, қуллик рамзидир. Қахрамонлар характери шу тахлит оддий гап-сўзларда, жузъий ҳаракатлар-да шаклланиб боради.

Қахрамонлар аста-секин циркдан бошқа мажозга — отларга кўчишади. Совхоз директори Султон ортиқча гап-сўз бўлмаслиги учун Тешани кабинетига чақиради. (Сохта кўрсаткичлар ёзилган ведомость Тешанинг қўлига тушиб қолганидан кейин). Албатта, бу тўқнашув Тешанинг болаларча соддалик билан олиб борган «тафтиши» пихини ёрган жиноятчиларга чивин чаққанчалик ҳам таъсир этмайди. Теша енгилади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас — улар кучли.

Теша идорадан чиқиб, йўлда кетиб борар экан, қутилмаганда тўхтаб, асфальтга алланималарни чиза бошлайди. Зумрад келади.

Зумрад. Нима у, сигирми?

Теша. Ҳа, сенмисан, Қиммат? От бу... Бунисиям от... Хуллас, отлар...

Зумрад. Ухшамабди...

Теша. Ухшамаса тагига «бу отлар» деб ёзиб қўямиз. (Ёзиб.) Ана.

Зумрад. Сен кетганингдан кейин мени яна сўроқ қилишди...

Теша (секин). Шунақа де?.. (Бирдан.) Биласанми, қанақа отлар булар? Ўша сен айтган циркдаги отлар!.. (Кулади.) Кел, «бу оқ отлар» деб ёзиб қўямиз, одамлар адаштириб юрмасин. (Ёзиб.) Ана шундай!..

Зумрад. Қоғоздай оқ...

Теша. Ҳа, қоғоздай оқ... Тезроқ ноябрь кела қолса эди... Армияда сафнинг охирида турсам керак, бўйим паст... Ана энди буларни му-ундай қилиб, доира ичига олиб қўямиз. (Чизади.)

Зумрад. Нега?

Теша. Циркдаги сахна-да.

Зумрад. Манеж, де...

Теша. Ҳа, манеж... (Негадир бир ютиниб олиб.) Жамол ота кетиб қолдилар... Бутунлай...

Зумрад. Нега?

Теша. Шундай... Манеждан сакраб чиқиб кетдилар... (Юзини четга буради.)

Улар ниҳоятда хотиржам гаплашишарди. Лекин ҳар бир жумла, ҳар бир ибора замиридаги тагсўзларда шиддатли кечинмалар, алам, изтироб, кучли драматизм ётибди. Албатта, циркни, ҳайвонларни Теша ҳам яхши кўради, бироқ ҳаёт циркка айланиб қолганига чидолмайди, одамларнинг «бир, икки, уч»лаб, кимларнингдир қамчиси остида рақс тушаётганига қарши бонг уради. Унга қишлоқ — манеж, ҳамқишлоқлари — отлар, ҳаёт — цирк бўлиб туюлади. Шу билан бирга Тешанинг ҳали тўла шаклланиб улгурмаган характерида болаларча ўжарлик ҳам йўқ эмас.

Шундай қилиб, яна бир мажоз — рамзий образ — манеж пайдо бўлади. Манеж — инсон фаолиятини чекловчи майдон, «бир, икки, уч» — шахсни таҳқиқловчи ўлчов бўлиб Тешанинг онгида зуҳур этади. Бошбеков бу санокдан яна ҳам унумлироқ фойдаланишга эришади. Асар ниҳоясига яқин Теша алам ва ички бир оғриқ билан санайди: «Бир, икки, уч... Бир, икки, уч... Тўрт!.. Беш! Бешта қайрағоч эканман! Йўқ, кўп эканман. Йигирма миллионта эканман!..»

Албатта, «Тулпорлар...» баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, айрим ўринларда муаллиф тайёр позицияда туради, қахрамонларининг «ёнини олади», натижада баъзи персонажлар бир ёқлама бўлиб қолгандай, «чала ёзилгандай» таассурот қолдиради. Олдинги сахналарда жуда фаол ҳаракат қилаётган Теша сўнги кўринишда бирданига четга чиқиб қолади, унинг ўрнига опаси Мунис курашади. Бу ҳол Тешанинг характер мантиқига мос эмас. Мунис укасини нега энди ҳимоя қилиб қолди? Илгари қаерда эди? Ваҳоланки, бошиданоқ ҳамма гапдан хабардор, совхозда нималар бўлаётганини биларди-ку. Қулайроқ пайт пойладими ё жигарлик меҳри товланди кетдими? Жамол ота иккинчи кўринишда пайдо бўлиб, муаллифнинг иродаси билан ўша кўринишдаёқ ғойиб бўлади. Қаёққа кетди у? Шаҳаргами, Сарагул қизиникигами? Е тоғу тошдан бош олиб чиқиб кетдими?

Бу камчиликларга қарамасдан Ш. Бошбековнинг маънавият масалаларини драмадек мураккаб

жанрда таҳлил қилиб, янгидан-янги бадий шакллар топиши пьесанавис сифатида шаклланганлигидан дарак беради.

Шу ўринда мазкур асарга билдирилган айрим танқидий фикрларга тўхтаб ўтишни лозим топдик. Ш. Бошбеков драматургиясининг юқоридида айтилган жиҳатлари қуйидагича талқин этилади: «Айрим ёш ёзувчилар нуқтаи назаридидаги бир ғалати қараш жамоатчиликни ниҳоятда ташвишга солади. Уларнинг фикрича, замондошларимизнинг энг яхши фазилатлари аллақандай жисмоний заиф, руҳий думбул кишиларда мужассамлашган эмиш. Буни Шароф Бошбековнинг «Тушов узган тулпорлар» драматик асарида кўриш мумкин. Асарнинг бош қаҳрамони ландовур бир йигит. Ҳамма уни тентакка чиқариб қўйган. Шуниси ғалатики, автор совхоз директори ва унинг ҳамтовоқларининг кўзбўмачилигини фош этишни айнан ўша телба йигитга топшириб қўяди. («Звезда Востока», 1985 йил, № 3, 176-бет). Масалани бундай талқин этиш бизга ғалати туюлди. Наҳотки, Теша «жисмоний заиф, руҳий думбул» бўлса?.. Ажаб... Биз унда на жисмоний, на руҳий нуқсон сезганимиз йўқ. Е у миниб юрадиған велосипед кимларгадир инвалидлар аравачаси бўлиб кўриндимикан? Йўқ, ҳамма гап шундаки, Теша бизнинг тасаввуримиздаги «ижобий қаҳрамон» деган қолипга сифмалапти. Унинг гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатларидаги фавкуллоддалик бир қолипда фикрловчи ўқувчини гангитиб қўйяпти. Ваҳоланки, пьесани чуқурроқ идрок этган ўқувчи асосий зиддият «томонлар» ўртасидидаги тўқнашувга эмас, қаҳрамоннинг ўзи билан ўзи «чиқишолмаслиги»га қурилганини, кувноқ чехра билан шикаста қалб «муҳорабаси»га асосланганини фаҳмлаши қийин эмас. (Бундай конфликт муаллифнинг «Тақдир эшиги» ва «Тикансиз типратиконлар» номли пьесаларига ҳам хосдир.) Тешага ўхшаган қаҳрамоннинг ўзлигини англаши чуқур зиддиятли бўлиши эҳтимол, негаки ҳали шакланиб улгурмаган қаҳрамонни доим ҳам х а й р и х о ҳ м у ҳ и т ўраб турмайди.

Муаллифнинг яна бир асари — «Тикансиз типратиконлар»да ҳам рамзий маъно ташувчи ҳикоялар мавжуд. Пьесанинг сюжети оддий: уч бола ва бир қиз бошқа гуруҳ билан бўлган тўқнашувда чекина туриб водопровод қудуғига бекинишади. Рақиб томон уларни топади ва таслим бўлишни таклиф этади. Ҳеч қандай жавоб ололмагач, қудуқ қопқоғининг устига оғир бир нарсани бостириб кетишади. Қаҳрамонларнинг у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришдан бошқа чораси қолмайди. Улар анчадан бери яқин дўст эдилар. Лекин болалар ўртасидидаги гап-сўздан (айниқса, Соли билан Мисриё ўртасидидаги) муносабатлар биз ўйлаганчалик силлиқ эмаслигини ҳис этиб турамыз. Бошбеков қаҳрамонларини имтиҳон қилмоқчидай атайлаб мураккаб ва чигал вазиятларга солади. Гапдан гап чиқиб, улар ота-оналарнинг ахлоқсиз, уятли «саргузаштлари»дан хабардор бўлиб қоладилар. Шундан кейин муносабатлар таранглигининг сабабларини ойдинлаша боради. Болалар ҳавас билан қарайдиган катталар дунёсининг кутилмаганда пуч, тубан бўлиб чиқишидан азоб чекадилар. Алам ва изтироблар гирдобига улоқтириб юборилган мана шу уч-тўрт дақиқа уларни бутунлай ўзгартириб юборади.

Мисриё аввал онаси ҳақидаги Соли айтган гапларга ишонмайди. (Бир пайтлар унинг онасини Солининг отаси безорилар қўлидан қутқарган, судда эса воқеанинг бутунлай аксини айтиб, бегуноҳ бир одамнинг қамалиб кетишига сабабчи бўлган). Лекин Солидан шундай фактларни эшитадими, кетма-кет зарбалардан бутунлай гангитиб қолади. Мисриёнинг зоҳиран эрка, инжиқ, тантиққў бўлиб кўриниши, ботинан эса идроки тиниқ, вазиятни тўғри баҳолай олиши бу образни ниҳоятда қизиқарли ва серқирра характер даражасига кўтарган. Қиз қаттиқ азобланади, лекин дарду алам унда қасос ҳиссини уйғотмайди, аксинча инсоф, номус, дўстлик каби тушунчаларни яна ҳам аниқ (болалиқда бу тушунчалар мавҳум бўлади) ва яқиндан ҳис этишига ёрдам беради.

Ота-оналар ҳақидаги нохуш гаплар Уткиргга мутлақо бошқача таъсир этади. Биринчи саҳнадаёқ унинг дўстлари орасида ҳурмати баланд эканлигини, ҳатто баъзи бирлари (масалан, Соли) маълум даражада ҳайиқшини ҳам пайқаш мумкин. Шу сабабданми ёки жисмонан бақувват бўлгани учунми Уткирни бу гуруҳнинг норасмий бошлиғи, деган тушунчага келамиз. Лекин, таранг вазият ва қалтис ҳолатларда жисмонан бақувват Уткир ҳаммадан кучсиз, иродаси суст бўлиб чиқади. Унга ҳаёт маънисиз, нурсиз бўлиб туюлади, ана шунда табиатидаги яширин худбинлик юзага чиқиб қолади: бу ёлғон ва алдамчи дунёда яшашнинг ҳожати йўқ, мен ўламанми, сенлар ҳам яшамайсанлар, деган фикрда газ баллонининг жўмрагини очиб юборади...

Учқуннинг ота-онаси йўқ, буvasи билан яшайди. У кўрган-кечирганлари, ҳаёт тажрибаси нуқтаи назаридан «ерта улғайган» болалар тоифасига киради. Тўғри, у ҳали бола, лекин болалиқнинг «қули» бўлиб қолгани йўқ, жажжигина қалбида кўпинча катталарда ҳам етишмайдиган эзгуликка интилиш ва ҳамдард бўла олиш ҳисси жўш уриб туради. У болалар ичиди энг кичкиниси ва энг кучсизи. Аммо қалтис ва фожиали вазиятларда ҳаммадан кучли бўлиб чиқади. Мисриё алам хўрликдан зор қақшаб йиғлаганида уни ҳеч ким юпатмайди — ҳамма ўз дарди билан овора — фақат Учқун дўстининг кўнглини кўтаришга, юпатишга ўзида куч топа олади. Ҳазабдан қутуриб кетган Уткир Солини ўласи қилиб калтаклаётганида ёлғиз Учқунгина ўртага тушиб, ажратиб қўяди. Уткир газ баллонини очиб юборгандан кейин ҳамма бўғила бошлаганида ҳеч ким баллонга яқинлашолмайди — кимдир кўрққанидан, кимдир ҳолсизликдан — тагин Учқун бекитади ва дўстларининг ҳаётини сақлаб қолади.

Асарда Учқуннинг буvasи (Жамол ота сингари) умрбоқийлик ва донолик рамзи бўлиб гавдаланади. Учқун айтиб берган типратиконлар ҳақидаги ривоятни ҳам эҳтимол буvasидан эшитгандир.

Учқун (тиззаларини кучиб ўтирганича). Бир пайтлар-чи, типратиканларнинг тикани бўлмаган экан... Сип-силлиқ, ю-юмшоқ экан... Бир куни улар яшайдиган ўрмонда-чи, ёмонлик бўп қопти! У жудаям катта, кучли экан. Типратиканлар жуда кўрқиб кетишибди. Рост-да, қуёнга ўхшаб тез югуролмайди, қушга ўхшаб учолмайди. Нима қилсин? Шунда-чи, типратиканлар-чи, тиканли пўстин кийиб олишибди... (Бир оздан кейин.) Тиканли пўстин ҳамма ёмонликдан асрайди, мен шунга ишонаман...

Бу ҳикоянинг асар сюжетида алоқаси йўқдек кўринади. Аммо асар ниҳоясида қудуқнинг қопқоғи очилиб, ота-оналар улар томон қўл чўзишида (лекин Учқуннинг буvasи улар орасида йўқ) болалар бир-бирларининг пинжларига тиқилишиб, ўзлари тарафга интилаётган қўлларга лоқайд қарайдилар. Ким билсин, «сип-силлиқ, ю-юмшоқ» болалар «тиканли пўстин» кийиб олишган бўлса ажаб эмас...



КЎРКАМ СЎЗ КЎРКИ

Ҳар қандай қиёс тушунтириш учун хизмат қилади. Мавҳум тушунча қанчалик аниқ қиёс орқали ифодаланса тушуниш шунчалик қулайлашади.

Поэтик рамз қиёснинг энг олий такомиллашган шакли. Яъни рамз қиёсий жараёнда ўхшатиш ва шартли кўчим босқичларини яшаб ўтган бўлади.

Содда қилиб айтилса поэтик рамзнинг вазифаси ҳам тушунтиришдир.

Қўшиқда куйловчи ўз қалбини, оддий сўзларга сиғмовчи ўй ва кечинмаларини барчамизга, маълум тасаввур ва тушунчалар орқали таниш табиат ҳодисаларининг тайёр образларига қиёслаб тушунтиради. Қўшиқ таркибида ана шу қиёс бўлиб хизмат қилаётган табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар, бизга таниш ўша тасаввур ва тушунчалар асосида турфун ассоциация уйғотади ва қўшиқ мазмунини англашимизда хизмат қилади. Биз бундай сўзларни поэтик рамз деб атаймиз. Масалан қўшиқларда «рўмол» — оила; «олма» — севги; «ғоз» — яхши хабар каби анъанавий рамзий маъноларга эга.

Эзма адабиётдаги рамзлардан фарқли фольклордаги рамзлар анъанавийлиги билан ажралиб туради. Фольклорда бирор бир индивидуал ижодкорга хос хусусий рамз йўқ. Фольклордаги рамзлар узоқ даврлар давомида шаклланиб, асрлар оша яшайди. Кўпчилик ҳолларда уларнинг тарихий асослари мифологик ишонч ва эътиқодларга, турли ирим-одатларга бориб боғланади. Шу билан бирга бевосита табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзий образлар ҳам борки, улар хусусида махсус тўхталиш талаб этилади.

«Инсон руҳи сурх новдаларнинг сўлишини, саратонда айна туш пайти эсган шабада япроқларнинг шитирлашини сўнгсиз бир шавқ билан тинглайди. Уларга бутун вужуди билан яқинлигини англайди. Уларнинг тимсолида ўзини кўради» (В. Г. Белинский). Лекин бу яқинлик ўз-ўзидан тасодифий равишда кечмайди. Инсон табиатдан ўз туйғуларининг ифодачисини бир жиҳатдан қадимдан келаётган, маълум нарса ва предметларни нималар биландир боғловчи ибтидоий тасаввурлар асосида ажратиб рамзийлик курси, иккинчи жиҳатдан табиат ва ўз ҳаёти, қалб ҳодисалари ўртасидаги ички уйғунлик муқоясасида янги тимсоллар, образлар яратади. Халқ қўшиқларида табиий қиёс асосида пайдо бўлган анъанавий рамзий образлар ана шу иккинчи хил қиёс маҳсули ҳисобланади. Бу жараёни аниқроқ тасаввур қилиш учун бир мисол олиб кўрайлик. Қўшиқда шундай куйланади:

**Учоқ бошида қумғон,
Атрофи баланд кўрғон.
Ергинамга етолмай,
Юрак бағрим бўлди қон
Қадамизда гуллар очилсин.**

А

Б

Келтирилган тўртликда табиий тасвир (А) лирик қаҳрамон ҳаётига тегишли мотив (Б)га қиёсан куйланмоқда. Натижада табиий тасвир рамзийлик касб этмоқда. Бу ўринда табиий тасвир лирик қаҳрамон ҳаёти, туйғуларига оддий қиёсгина эмас, унинг тўлиқ ифодачисига, образига айланмоқда. Табиий тасвирнинг тўлиқ рамзийлик касб этиши «қумғон» ва «кўрғон» образларини мавжуд вазият билан боғлиқ рамзга айлантirmoқда. Қумғоннинг қоралиги, оловда куяётганлиги, кўрғоннинг баланд ва чиқиб бўлмаслиги замирида лирик қаҳрамоннинг ҳаёти, орзу-армонлари умумлашмоқда. «Қумғон» унинг юраги — барбод бўлган севгиси. Рўёбга чиқмаган орзулари. «Кўрғон» уни шу аҳволга солган кучларнинг рамзий ифодачиси. Қўшиқни ҳар икки образнинг рамзий маънолари асосида тўлиқ талқин этилса, лирик қаҳрамоннинг кўрғон ичида, ўчоқ бошида ўтирганлигини эмас, балки ёвуз кучлар таъйиқида севган кишисидан айрилганлигини, ҳур севгиси, севганини соғинганлигини куйлаётганлигини билиш мумкин.

Тадқиқ этилган тўртликдаги «қумғон» ва «кўрғон» образлари биргина шу тўртлик доирасидагина поэтик рамз даражасига кўтарилган. Улар «вазиятдаги» рамзлар бўлиб, барча қўшиқлар учун анъанавий рамзий маънога эга эмас. Лекин ҳар қандай «вазиятдаги» рамз даврлар ўтиши билан анъанавий рамзга айланиш имкониятига эга. Бевосита қиёс асосида пайдо бўлган анъанавий туб поэтик маъноли рамзлар ана шу босқичларни босиб ўтишган. Бу тип рамзий образлар қаторига «тол», «шафтоли», «бозор», «холларни киритиш мумкин.

Фольклоршунослимизда бу рамзий образлар номини умумий қайдларда ҳам учратмаймиз. Шу сабабли биз ҳар бир рамзни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиб чиқишни лозим топдик.

1. Т О Л

«Тол» табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзлар орасида оммавий қўлланиши билан ажралиб туради. Биз «тол»нинг лирик қўшиқларда ифодаловчи туб поэтик маъносини тасниф қилиб чиқдик.

Тасниф натижалари асосида «тол» рамзининг лирик қўшиқларда ифодаловчи туб поэтик маъноси ҳақида қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Урганилган тўртликларда лирик қаҳрамон айриликқа, ҳижронга тушганда, бир томонлама ишқдан, бахтсизликдан шикоят қилганда, ўз ўй кечинмаларини «тол» образи орқали ифодалайди.

2. Лирик қаҳрамон аксари тўртликларда маъшуқа бўлиб, «тол» образи эса фақат «ошиқ»ни ифодалаб келади.

Демак, тасниф асосида «тол» рамзининг туб поэтик маъносини «ошиқ» деб белгилаш мумкин. Энди бевосита мисолларга мурожаат қиламиз.

**Тол барги толим-толим,
Толда қолди рўмолим.
Орқа тўла ҳайдарим,
Ҳар жойда харидорим.**

Келтирилган қўшиқнинг ҳар бир мисраси маълум тугал фикрни баён қилмоқда.

Энди «тол»нинг ва бошқа рамзий образларнинг поэтик маънолари асосида қўшиқни таҳлил қилиб кўрайлик.

I мисра: Тол (рамз) барги толим-толим (аниқлама).

Қўшиқда анъанавий рамзга аниқлама бўлиб келаётган бошқа сўзлар кўчма маънога эга. Бу ўринда толнинг «толим-толим барги» — тол (йигит) барги толим-толим (хушсурат, келишган, ёқимтой) тарзда мазмун олади.

II мисра: «Толда қолди рўмолим»

Бу мисрада толга аниқлама бўлиб келаётган «рўмол» ҳам анъанавий рамз бўлиб «оила, севги» рамзий маъноларига эга. У етакчи рамзга мазмунан тобе ҳолда поэтик маъно ташиydi. «Тол» бу ўринда етакчи рамз:

«Толда қолди рўмолим» — Йигитда (қиз) севгиси қолди. Ботиний мазмунга эга.

III — мисра: «Орқа тўла ҳайдарим»

«Ҳайдар» деб «Икки чеккадан қўйилган кокил...» ёки «Ҳайдар кокил — умуман чиройли ўрилган узун соч, ёки кокил»га¹ айтилади. Бу мисра тарихи аёлнинг, умуман инсон сочи билан боғлиқ халқимизнинг қадим ишонч этиқодларига бориб боғланади. Халқ тасаввурига кўра тушган ёки олинган сочни ёқиш, оёқ ости қилиш тақиқланади. Чунки соч билан инсон ҳаёти, тақдири ўзаро боғлиқ деб тушунилади.

Қўшиқ қаҳрамонининг «орқа тўла ҳайдарим» деб айтиши замирида, йигит ва ўзи ўртасида уни таҳқирловчи ориқча ҳаракатлар бўлмаганлигини, унинг «ўнг гулидан бир гули очилмаганлиги», келажаги олдинда эканлигини ифодаламоқда. Қўшиқнинг сўнги «Ҳар жойда харидорим» мисрасида акс этган мазмун ана шу маъно асосида янада ойдинлашади.

Алоҳида-алоҳида талқин этилган мисралар мазмунини умумлаштирсак ушбу картина кўз олдимизда намоён бўлади: Қиз (лирик қаҳрамон) хушсурат, ёқимтой йигит (ошиқ)га кўнги берди. Йигит чин севгини эрмак деб билиб ўтиб кетди. Қиз: «мен ерда қолганим йўқ, ҳали ўн гулимдан бир гулим очилмаган, сендан юз чандон яхшироқ ёрни ҳар жойдан топаман» деб ўзига таскин бермоқда. Иккинчи бир тўртлик:

**Тол ёғочни ўтга солдим,
Мен уни куймас дедим.
Меҳри қаттиқ, бағри тошни,
Мендан айрилмас дедим.**

Лирик қаҳрамон: «Мен (маъшуқа) уни (ошиқни) синаш учун ўзимни чет»га олдим. Лекин у «қалб ўйини»га бардош бера олмади. Мақсадимни англамай, мендан айрилиб кетди», деб куйламоқда.

Ҳар икки тўртликда ҳам «тол» рамзий «ошиқ» маъносида келмоқда. Халқ тасаввурига «тол»нинг «ошиқ» рамзи эканлиги турғун анъанага айланган. Қўшиқнинг яшаш жараёнида (яратилиши, куйланиб англаниши) анъананинг қатъий қонуни доимо ўз ҳукмини ўтказилади. Умур шоир томонидан яратилган «Тошгул» ҳақидаги қўшиқ мисолида бу ҳолни аниқ кўриш мумкин.

Тошгул Анорбулоқ элида ўтди. У ўн бешга тулганида кўнги қўйган йигитидан ажратиб, олтмиш яшар чолга никоҳлаб беришди.

Умур шоир Тошгулнинг севган йигитидан, севгисидан ажралиб ҳасрат билан кетаётганини тасвирлар экан, «тол» образига мурожаат қилади. Аниқроғи, бадий вазият, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати шоирни турғун анъанавий мушоҳада ирмоғидан юришга мажбур қилади ва Умур шоир:

**Тол барги толим-толим,
Толда қолди рўмолим.
Кўк кўз чол олиб кетса,
Ким сўрар менинг ҳолим.**

деб машҳур тўртликни, ўз асарида Тошгулнинг кечинмаларига мос ҳолда қўшиққа сингдириб юборади.

Бу тўртликни юқорида талқин этилган биринчи тўртликнинг версияси дейиш мумкин. Улар ўзаро қиёсланганда асосий фарқ лирик қаҳрамон ҳаётига тегишли мотивларда (III, IV мисралар) эканлиги аниқ кўринади.

«Тол» биринчи тўртликда «салбий», Тошгул ҳақидаги қўшиқда «ижобий ошиқ» образидир. Бу ҳол рамзининг чекланмаган поэтик имкониятига эгаллигини ҳам кўрсатиб турибди.

Барча анъанавий рамзий образлар қатори «тол» ҳам муайян матнда ўз маъно кўламини вазият билан боғлиқ кенгайтиради, маъно орттиради.

Масалан:

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати.

**Тол баргини эгиб ол,
Чол бўлса ҳам тегиб ол.
Чол ҳам бир кун ўлади,
Ери-суви қолади.**

«Тол» баргини эгиб олмоқ — ошиқни ўзига бўйсундирмоқ ёки турмушга чиқмоқ, эрга тегмоқдир.

**Толга чиқиб тол бўлдим,
Тушолмай беҳол бўлдим.
Ўз тенгимнинг ичида,
Бунча бетоле бўлдим!**

Қиз турмушга чиқди. Лекин ношуд эр бутун оила ташвишини унинг зиммасига юклаб қўйди. У оилада эр қилиши керак бўлган юмушларни ҳам бажаради. Турмушини бузай деса, болаларини кўзи қиймайди. Ўз ҳаётини тенгу тўшлари ҳаёти билан солиштириб куйиб кетади. У нима ҳам қила оларди, толесизлигидан куйиб куйлайди. Ҳар икки тўртликда «тол» — анъанавий ошиқ йигит маъносига кўра аниқроқ «эр» маъносини олган.

**Тол барги сувга тушди,
Босмачи қўлга тушди.
Босмачининг хотини,
Тўрмалаб, йўлга тушди.**

Бу тўртликда «тол» — эркак тақдир, умри поэтик маъносини умумлаштирган.

**Орқалиқда толинг бор,
Қизга етар молинг бор.
Қизни олсанг танлаб ол,
Йигитгина жонинг бор.**

«Орқалиққа тол экиб», «Орқалиқда толинг бор» мисраларининг луғавий маъноси орқалиқда (ҳовли ортига, бир четга) тол экиш ёки тол эгаси бўлишдир.

«Тол» «ошиқ»дан ошиқ севгиси маъносига ҳам ўсиб, ўта олиши ҳам мумкин. Бу:

**Ҳаводор-а, ҳаводор,
Толдан бошқа мевадор.
Тол хивичдай белиннга,
Акагинанг харидор.**

тўртлигида аниқ акс этади.

Тадқиқ этиб чиқилган кўшиқлар кўрсатмоқдаки, «тол» муайян матнда ўзининг анъанавий «ошиқ» рамзий маъносини «эр», «эр кишининг тақдири, умри, ҳаёти», «ошиқ севгиси» ва ҳоказо тарзида кенгайтириб, маълум янги маъно қирраларига эга бўлар экан.

Кўшиқларда бошқа бирор дарахтнинг эмас, айнан «тол»нинг «ошиқ» образи сифатида турғунлашишига сабаб унинг табиий хусусиятлари асосида пайдо бўлган. Чунки мевали дарахт асосан «аёл»га қиёсланиб, бу тасаввур муқобилида мевасиз дарахт — тол эркак сифатида тушунилган.

2. Ш А Ф Т О Л И

Ўзбек халқи лирик кўшиқлари таркибида «шафтоли» образи поэтик рамз сифатида икки хил қўлланилади:

1. «Олма» образига зидлаштирилган ҳолатда. 2. Алоҳида.

«Шафтоли» «олма» образига зид қўлланилганда у ифодалаб келаётган поэтик маъно «олма» рамзининг анъанавий рамзий маъносига ҳам зид келиб, улар ўзаро қарама-қаршиликни вужудга келтиради.

Масалан:

**Олмали боққа кириб,
Шафтолини ерму киши!
Ўз ёри ўйда туриб,
Бегонани дерму киши!**

ёки

**Олмали боққа кириб,
Шафтолида синди қўлим,
Яхшини излаб юриб,
Ёмон билан ўтди умрим.**

Бу кўшиқлардаги табиий тасвир ва лирик қаҳрамон ҳаётига тегишли мотивларнинг қиёси «олма» ва «шафтоли» ифодалаётган поэтик маънони деярли аниқ кўрсатиб турибди: «Олмали боққа кириб — ўз ёри ўйда туриб», «Шафтолини ерму киши — бегонани дерму киши». Бу тўртликда «олма» анъанавий севги (чин севги)ни «шафтоли» эса бу маънога зид «ўткинчи севгини, қалбаки муҳаббатни» ифодаламоқда. Иккинчи тўртликда, лирик қаҳрамон: «Мен чин севгимни топдим деб алдандим. Қалбаки муҳаббатга дуч келган эканман. Энди умрим ёмон билан ўтадиган бўлдим», деб куйламоқда.

«Шафтоли»нинг ёлғиз қўлланилгандаги поэтик маъноси ҳам ушбу маънога уйғун келади;

**Шафтолининг шохи паст,
Мевасининг кўпидан.
Бизнинг ёрнинг эси паст,
Хушторининг кўпидан.**

Бу тўртликда «шафтоли»нинг туб поэтик маъноси айнан «қалбаки муҳаббат»дир. Бошқа анъанавий рамзий образлар қатори шафтолининг ҳам туб поэтик маъноси ўз кўламини у ёки бу даражада кенгайтиради.

**Шафтолининг шохини,
Эгиб олгим келади.
Ака, ака, деб юриб,
Тегиб олгим келади.**

Лирик қаҳрамоннинг «шафтоли шохини эгиб олиши» йигит кўнглидаги ўткинчидек кўринган туйғуларини чинга айланишини иштадидир.

Қатор тўртликларда, табиий тасвир — «эшик, меҳмонхона ёки уйнинг олди тору, орқаси шафтолизор эканлиги». Лирик қаҳрамон ҳаётига тегишли мотив — «унинг ёрга интизорлиги, соғинаётганлиги» тасвирланган:

**Оқ уйингни олди тор,
Орқаси шафтолизор,
Шафтолизор ичида
Мен ёримга интизор.**

Бу тўртликдаги табиий тасвир асосида келиб чиқувчи умумий поэтик маъно ошиқ-маъшукларнинг, оний, бекитиқча учрашувлари эканлигини англаш мушкул эмас.

«Шафтоли» образининг «қалбаки муҳаббат», «оний муҳаббат» анъанавий рамзий маъносини олишига «Тол» образида бўлгани каби бу дарахтнинг табиий хусусиятлари асос бўлган.

Маълумки, шафтоли кам умр кўрувчи, оғочи мўрт, меваси қанчалик лаззатли бўлмасин, тез етилиб, узоқ сақланмаслиги билан ажралиб туради. Шафтолининг бу табиий белгилари «ўткинчи, оний муҳаббат» ҳолатлариға жуда мос келади. Мана шу икки ҳодиса ўртасидаги ўхшашлик бирининг иккинчиси учун ифодалаш бўлишини таъминлаган. Даврлар ўтиши билан образ турғунлашиб анъанавий рамзий образга айланган.

3. БОЗОР

«Бозор» образи ифодаловчи рамзий маъно ушбу тўртликда аниқ акс этган.

**Шойи рўмол деган аржада тўзар,
Ошиқлик дегани қизиқли бозор.
Ошиқнинг қадрини билмаган одам,
Неча бор ошиқнинг ҳаддини бузар.**

Кўшиқда бозор — ошиқ-маъшукнинг ишқий муносабатлари билан қиёсланмоқда. Бу қиёс тасодифий эмас, табиий асосга эга. Чунки бозор ҳаётнинг энг қайноқ жойи. Айниқса шарқда одамлар ўртасидаги барча муносабатлар бозор билан чамбарчас боғланади. Бозор олами ранг-баранг, сиз истаган нарсангизни томоша қилишингиз, имкониятингиз билан боғлиқ кўнгилга ёққан нарсани сотиб олишингиз мумкин. Бозорда сизга ёқадиған, ёқмайдиған нарсалар ҳам керагидан ортиқроқ. Одамларнинг жамики олди-сотдиси, ёлғиз ўзи билан эмас бутун бозор аҳли уларнинг эҳтиёжи ва муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Халқ ана шу қайноқ ҳаётни иккинчи бир қайноқ ҳаёт ишқ билан қиёслайди. Ҳар бир киши кўнгилга ёққанини севади. Лекин севгисига етишуви ёлғиз у билан боғлиқ эмас. Атроф муҳит, замон билан боғлиқ. Ошиқнинг ҳаёти — бозор ҳаётининг айнан ўзи. Халқнинг ошиқликни «қизиқли бозор» дейиши шундадир. «Бозор» образи ана шу табиий хусусиятлари асосида «ишқий муносабатларни» ифодаловчи анъанавий рамзий образга айланади.

**Бозора борсангиз йўлингиз бўлғай,
Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлғай.
Аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай,
Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қурғай.**

Бу кўшиқда «бозор» дан ташқари «тўққиз олма» (фарзанд), «қўл рўмол» (оила) рамз бўлиб келмоқда. Рамзларнинг поэтик маънолари асосида кўшиқни талқин этамиз. Маъшуқа айтмоқдаки: «мабодо севгингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап сўзларни қилмай совчиларни жўнатинг, фотиҳа бўлсин (Бозора борсангиз йўлингиз бўлғай, аввал савдонгиз қўл рўмол бўлғай). Умидим, умидингиз фарзандларингиз кўп бўлсин (Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлғай). Шундай кўнгил хуши учун келаётган бўлсангиз, ниятингизга етолмайсиз (қўл рўмол бўлмаса савдонгиз қурғай).

Тўртлик талқинидан ҳам маълум бўлмоқдаки, бозор — ишқий муносабатларни режалаштирувчи рамзий образ экан.

Ўмористик характердаги ушбу кўшиқда шундай қуйланади:

**Бозор бордим балиққа,
Дарвозасин очмоққа.
Қизи келди кўрмакка,
Кўчуги келди ҳурмакка.
Онаси яхши киши экан,
Кўрпа солиб бермакка.
Отаси ёмон киши экан,
Милтиқ олиб отмакка...**

Қўшиқ мазмунидан ҳам маълум бўлмоқдаки, йигитнинг бозорга бориши — унаштирилган қизиникига «қаллиққа» боришидир.

Қўшиқларда «бозор» образи ошиқ ва машуқа муносабатларининг энг жўшқин, энг қайноқ онларида кечувчи ўй ва туйғуларини ифодалашда қўлланилади.

**Бозор боши тим бўлди,
Кесак отган ким бўлди!
Паранжига ўралиб,
Имлаб ўтган ким бўлди!**

Қиз йигит юрагига ғулғула солиб, унинг ақлу ҳушини паранжисига ўраб ўтиб кетди.

**Шойи рўмолимни бозордан олдим,
Оғажон билсангиз қаҳр этиб қолдим.
Ҳар қайда сен юрдинг ўтингда ёндим,
Мен нега ҳайронман, шунга ҳайронман,
Хабарим олмасанг бағрим бирёнман.**

Узи севиб, турмуш қуришга розилик берган қиз, қаллиғининг дараксизлигидан аразли.

Умуман олганда, «бозор» образининг қўшиқлар таркибидаги рамзий маъноси «қайноқ севги» муносабатлари кўламида талқин топади.

4. ХОЛ

Халқ қўшиқларида «ўралмаган хол», «тишлаб олган хол», «...тушган хол» каби рамзий бирикмаларга тез-тез дуч келаемиз. Уларни қисқагина «нотабий хол» шартли атама билан умумлашган ҳолда номлаш қулай. «Нотабий хол» бевосита табиий қиёс — тушунча ва нарса ўртасидаги уйғунлик асосида шаклланган рамзий образлар жумласига киради.

Маълумки, табиий хол ҳусн кўрки сифатида фольклор ва адабиётда ижобий, сифат билан тасвир этилади. Лекин лирик қўшиқда қўлланилувчи нотабий хол образи салбий маънога эга:

**Сув тушибди жийда майдон устига,
Хол тушибди бизнинг ёрнинг юзига,
Бориб айтинг бизнинг ёрнинг ўзига
Кирмасинлар дўсту душман сўзига.**

Қўшиқдаги икки етакчи мотив: «ёрнинг юзига тушган хол» билан «ёрнинг ўзгалар сўзига учиб оғмачилик қилганлиги»ни ўзаро қиёсласак, «нотабий хол» рамзининг поэтик маъносини аниқлаш мумкин. Бу тўртликда у вафосизлик, оғмачиликни ифодаламоқда.

Қўйидаги қўшиқларда «нотабий хол» ифодалаётган поэтик маънога юқоридаги талқин мос келади.

**Мен сени ёрим десам,
Орқангда ёринг бор экан
Икки бетинг қип-қизил,
Юзингда холинг бор экан.**

ёки

**Қоракўлнинг йўлида,
Арралаган толи бор
Бизнинг ёрнинг лабида
Ўрмалаган холи бор.**

Бу тўртликлардаги «қип-қизил юздаги хол», «ўрмалаган хол» рамзий бирикмалар алдамчи муҳаббат, бевафо, хиёнаткор ёр образидир. Ушбу:

**Дарвозанинг тагида,
Арралаган толи бор.
Бизнинг ёрнинг лабида
Тишлаб олган холи бор.**

ёки


**Чоршанбанинг йўлида
Арралаган толи бор.
Шу укамнинг лабида
Игна урган холи бор.**

тўртликлардаги «тишлаб олган хол», «игна урган хол» мисралари ифодалаётган поэтик маъно ҳам юқорида келтирилган маънога уйғун келади.

Халқ ўртасида ўз сўзидан чиқмаган, дўстликка, ўзаро битимга хиёнат қилган, ноўрин хатти-ҳаракат кўрсатувчи кишиларга нисбатан ишлатиладиган «хол қўймоқ» ибораси мазмунини ҳам «нотабий хол» рамзи билан умумийликка эга.

«Ҳар бир инсон алоҳида ўзига хос эҳтирослар, туйғулар, орзулар, фикрлар оламидир, лекин бу эҳтирос, бу туйғу, бу орзу, бу фикр қандайдир битта одамгагина мансуб эмас, балки барча инсонлар учун муштарак бўлган табиатнинг умумий мулкни ташкил қилади» (В. Г. Белинский). Халқ қўшиқларининг ҳар бир қалбга ошнолиги ана шу умуммуштарак эҳтирослар, туйғулар, орзулар ва фикрлар оламини асрлар давомида ўзида жамулжам этганлигида. Қўшиқлар бизни халқ қалбига янада чуқурроқ олиб кирилади. Халқ ўз руҳий оламининг буюк мусаввири эканлигини қўшиқларида кўраемиз. Қўшиқларда, оддий сўзлар тасвирлашга ожиз туйғу кечинмалар, ўй-фикрлар биз юқорида кўриб чиққан рамзлар асосида соддагина ифодалаб берилади. Қўшиқ сўзлари — сўзларнинг энг кўркемидир. Рамзлар эса ана шу кўркем сўзларнинг кўркидир.

Шомирза ТУРДИМОВ



МАНСАБ ПИЛЛАПОЯЛАРИ ВА ҲОМИЙЛАР

**Фарҳод Мусажонов. Боғ кўчамни
қўмсайман. Ғ. Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент —
1988.**

Адабиётда мансаб билан боғлиқ масалалар, хусусан, мансабни суистеъмол қилиш туфайли келиб чиқадиган хунук оқибатлар; мансабдорнинг ички оламига бағишланган асарлар кўплаб яратилган. Унлаб романлар, драмалар, қиссалар, дostonларни санаб кўрсатиш мумкин.

Аммо эндиликда бутун иқтисодий ва маънавий ҳаётни қайта қуриш билан боғлиқ ҳолда бу муаммо ҳар қачонгидан ҳам актуалроқ ва жиддийроқ бўлиб қолди. Бир томондан кейинги 3—4 йил ичида республикамизда жамият манфаатларига хиёнат қилган жуда кўплаб мансабдор шахсларнинг ишдан олинганлиги ва маъмурий, партиявий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлиги, иккинчидан бошқарувни такомиллаштириш ва демократлаштириш борасида партия ва ҳукумат кўраётган жиддий чора — тадбирлар юқоридаги масалага бошқачароқ кўз билан қарашни, унинг янги-янги қирраларини очишни тақозо қилмоқда. Шу нуқтаи назардан Фарҳод Мусажоновнинг «Боғ кўчамни қўмсайман» номли қиссасини бу борадаги жиддий уришлардан бири деб қараса бўлади.

Фарҳод Мусажонов ўз қиссасида мансабдан мансабга кўтарилаверишнинг пинҳоний, бири-бири билан узвий боғланган ҳалқалардан ташкил топган узун занжирини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Езувчини биринчи навбатда ёш мутахассиснинг бир неча йил ичида жуда юқори лавозимларга кўтарилса бориш сабаблари қизиқтиради. Бунда икки йўл мавжудлиги аён: бири — ёш мутахассиснинг юксак ақли, қобилияти, ташкилотчилиги, иккинчиси — уни юқори мансабларга кўтарувчи ҳомийлар. Езувчи иккинчи йўлни кўрсатмоқчи бўлади — бунинг учун ўз қаҳрамони Рашид Сафаровнинг университетни тугатиб, «Билим» жамиятида лектор бўлиб ишлаб бошлаганидан тортиб, то унинг министрлик мавқеига эришгунча босиб ўтган ҳаёт йўлини бирма-бир бадий таҳлилдан ўтказди. Бу жараёнга бевосита дахлдор бўлган шахслар — Рашиднинг хотини Фарида, Фариданинг отаси Умархон ака, редакция бўлими мудирини Ғуломжон Юсуфий, адабиётшунос олим Қамариддин ака, маданият бўлими бошлиғи Расулов, квартира бўлими бошлиғи Собир Комилов, райком биринчи секретари Рафиқ Назарович ва яна бир қанча образларни езувчи қиссасига олиб қиради ва уларнинг ҳар бири шу занжирнинг бир ҳалқа-си эканлигини кўрсатиб беради.

Турғунлик йилларининг энг катта иллатларидан бири — ошна-оғайнигарчилик йўли билан, ўзаро келишувчилик асосида иш битказишнинг кенг оммалашгани ва яшашнинг оддий нормасига айланиб қолганлигидир. «Сендан угина, мендан бугина», «Сен менга ёрдам бер, мен фалончига ёрдам бераман, фалончи эса писмадончига ёрдам беради, мана шу тариқа ҳамманинг ҳожати битаети» — бунга ўхшаган ақидалар халқнинг онг-тушунчасига шунчалик сингдириб юборилганки, ҳатто ўз кучи билан ўша имкониятга эга бўлганлар ҳам ягона йўл шудир деган фикрга кўнмасдан иложлари йўқ. Чунки бу йўлдан тан олмаганлар учун бошқа йўللари беркийтиб ташланган.

Езувчи соф, ҳалол бир кишининг ҳаром йўлга ўта бошлашидаги психологик ҳолатларини яхши кўрсата олган. Рашиднинг қобилияти, ақли, таланти, маҳорати, гарчи у ўзини баланд баҳолаसा ҳам, ўртачадан юқори эмас. Аммо Фарида учун бунинг аҳамияти йўқ. У ўртада турувчи одам излайди. Ва ниҳоят топади. Адабиётшунос Қамариддин акага Умархон ака қимматбахо пальто совға қилади, Қамариддин ака эса Рашиднинг телестудияга ишга жойлаштиради. Мана шу тариқа биринчи қадам қўйилади. Рашид ҳам, Фарида ҳам, жумладан, Умархон ака ҳам хурсанд. Рашид ўртамеъна шоир Ғуломжон Юсуфийнинг телевизор орқали чиқишини устма-уст уюштиради, Ғуломжон ака эса Рашиднинг биринчи машқи — ҳикоясини газетада босиб чиқаради. Бу ҳикоя конкурсда биринчи ўринни эгаллайди ва минг сўм қўшимча даромад Рашиднинг чўнтағига келиб тушади. Рашид ёш шоир Илснинг шеърларини эфирга чиқаради, бунинг эвазига Илснинг отаси — райижроком квартира бўлимининг бошлиғи Собир Комилов Рашидга кооператив квартира олиб беради. Энди Рашид бу йўлга тўла кўнигиб қолган, шу йўллари билан иш битказаетганидан озор чекмайди, аксинча фахрланади, бу йўлнинг янги-янги томонларини излай бошлайди. У тез орада телевидениеда адабиёт бўлимининг бошлиғи, сал ўтмай шаҳар партия комитетида инструктор, бўлими бошлиғи, хуллас, мансаб пиллапояларидан уринмай-суринмай тезлик билан кўтарилаверади. Рашид психологиясида рўй бераётган ўзгаришлар бирин-кетин очила боради. Одам қанчалик сохта йўлга кўпроқ кирса, бировларнинг мадади билан ютуқларга эришса, шунчалик у инсонийликдан маҳрум бўлади. Биз бунга Рашид қиёфасида аниқ кўраемиз. У адабиёт бўлимининг бошлиғи бўлиши биланоқ кибруҳавага берила бошлайди, димоғдорлик, мағрурлик яшаш тарзига айланади, яъни у кичик бюрократга айланади. Райкомга ишга ўтгандан сўнг димоғдорлик, манманликни вақтинчалик ичига ютиб, шумликка, айёрликка, тулкиликка ўргана бошлайди. Хусусан, доимо тўғри гапириб, ҳақгўйлиги учун азоб чекиб юривчи Тухфатуллинни ишдан олдиртириб, ўрнига ўтиб олганини кўрганимизда, Рашид қиёфасида халқнинг тузини ичиб, тузлиғига тупурган, ўз манфаати учун ҳар қандай жирканчликдан қайтмайдиган одамни

аниқ ҳис қиламиз. Бу эпизодларни ёзувчи усталлик билан тасвирлаб беради.

Ҳўш, қиссада ёзувчи маромига етказа олманг қандай жиҳатлар бор? Аввало, ёзувчи турғунлик даврида чуқур томир отган ошна-оғайнигарчилик иллатининг ички механизмини очиб беришга муваффақ бўлганини таъкидлаш керак. Рашид ва Фарида образлари реал асосларга эга, улар ўртасидаги муносабатлар характерлар мантиқидан келиб чиқади ва бизда эътироз уйғотмайди. Биз Фарида билан Матлуба хола ўртасидаги можароларга ҳам ишонамиз, Ёзувчи етти ўлчаб бир кесадиған, оғир, вазмин, мулоҳазали Умархон ака характерини очишга бир қадар эътибор беради. Биз Дамир, Тухфатулин, Мансур, Восит каби образларнинг ички ривожланиш мантиқига ҳам ишонч билан қараймиз.

Асарнинг финали, бизнингча, маромига етмаган кўринади. Қайта қуриш даври бошланган, жуда кўп раҳбарлар ишдан олинган, жазоланган. Аммо Рашид ўрнида қимирламай турибди. У ҳаёт ҳақида, бўлаётган воқеалар ҳақида, ўз умри ҳақида кўп ўйлайди ва ўзгариш керак, замонга мослашиш керак деган қарорга келади. Ёзувчи шу билан асарни тугатади.

Ўзгариш керак, замонга мослашиш керак, деганда нимани тушунамиз? Қайта қуришнинг моҳияти фақат шундан иборатми? Рашид қилган хатоларини эслаб, изтиробга тушдими, йўқ, у фақат ўзини сақлаб қолиш ҳақида ўйлаётди. Демак, у ўзини сақлаб қолиш учун ўзгаради, холос. Ёзувчи Рашиднинг ўзгаришига умид боғлаётди ва унинг елкасига қочиб қўйиб, асарни тугатяпти. Муаллифнинг бундай позицияси бизни қаноатлантирмайди.

Умархон ака тақдири ҳам шундай силлиқина ечимга келади. У ҳаммаёқда текшир-текшир кетаётганини сезиб, ўз аризаси билан ишдан бўлайди ва шу йўл билан қамалишдан қўтилиб қолади. Бу ҳақда ёзувчи ўз хулосасини чиқариб, «Умархон ака доно ва мард одам эканини исботлади — ўз аризасига кўра ишдан кетди», — дейди. Ажабо, бутун умри порахўрлик билан ўтган, ҳаром йўллар билан беҳисоб бойлик тўплаган одамнинг жиноятдан қўтилиб қолиш учун қилган ҳаракатини донолик ва мардлик деб атаса бўлармикан? Ҳаламиснинг жазодан қўтилиб қолиш учун қилган айёрлигини ёзувчи нега маъқуллаб, яхши иш қилди деб кўрсатади?!

Қиссада Рашид билан телевидение редактори Лолахон ўртасидаги муносабатлар ҳам қандайдир олди-қочди тарзида тасвирланган. Тўғри, ўз оиласига хиёнат қилувчилар учраб туради, албатта. Бу енгилтаклик Рашиднинг табиатидан келиб чиқиши мумкин, бунга шубҳаланмаймиз. Аммо ёзувчи Лолахонни одобли, ақлли, эрини ҳурмат қиладиган аёл қилиб кўрсатади-ю, иккинчи томондан, уни осонгина Рашид билан бирга қўшиб қўяди, ҳатто бу қўшилишнинг ташаббускори қилиб кўрсатади.

Энди мана бу фикрларга эътибор беринг: «Шунақа аёллар бўлади, эркакларни мардликка, жасоратга, ҳалолликка чорлайди. Лолахон ҳам шулар тоифасидан эди (61-бет)». Ажабо, бошқа шаҳарга атайин бориб, меҳмонхонадан жой олиб, ёнига Рашидни имлаш — демак, бу мардликка, жасоратга, ҳалолликка чорлаш эканми?! «Аслида эркак билан аёлнинг ўртасидаги муносабат кўпинча муҳаббатга айланиб кетади, уларнинг фақатгина дўст бўлиб қолиши қийин» (60-бет). Демак, аёл билан эркак ўртасида соф инсоний дўстлик бўлмас экан-да? Бу қанақа мантиқ, автор бу фалсафани қаердан олган? «Ақл-заковат жинсларнинг бир-бирига тортиш қувватини, интилувини қанчалик жиловлаб турмасин, жисмо-

ний ҳирс барибир устун келади» (60-бет). Мана бу ерда автор ўз «фалсафа»сини рўйи-рост, очиқ-ойдин изҳор қилади.

Ақл-идрок шаҳвоний ҳирсни жиловлаб туролмас экан, унда ақл-идрокнинг нима кераги бор? Муаллиф «севги» деган тушунчани «шаҳвоний ҳирс» тушунчаси билан бир деб ҳисоблайди. «Ҳар иккалови ҳам бир кун ўртада севи тўғилиши мумкинлигини сезарди» (60-бет). Мана шу «севги» Фарғонадаги меҳмонхонада хотинидан яшириниб борган Рашид билан эридан яшириниб борган Лолахон ўртасида икки кунлик муҳлат билан тўғилиб, яшаб, барҳам топади. Тўғри, оилали аёл билан оилали эркак ўртасида ҳақиқий севи пайдо бўлиши мумкин. Аммо Рашид билан Лолахон ўртасидаги муносабатлар шундай эмас. Буни Рашиднинг ўзи ҳам инкор қилади: «Рашид илжайганича унинг ортидан қараб қолди. У ўзидан мамнун эди. Қармоқ ташланди, энди лаққа балиқ унинг атрофида айланаверади, токи томоғидан илинмагунча» (63-бет).

Биз ёзувчига йўлланма бермоқчи эмасмиз. Ҳаёт мураккаб, ранг-баранг. Унда нималар бўлмайди, дейсиз? Турли-туман воқеалар, зиддиятлар, зафарлар, чекинишлар, қувончлар, кўз ёшлар ҳаммаси ёнма-ён юради. Ёзувчи нимани хоҳласа — шуни ёзишга ҳақли. Фақат у пухта далилланмоғи, эзгулик, олижанобликка хизмат қилмоғи лозим.

Фарҳод Мусажоновнинг муҳим мавзуга бағишланган «Боғ кўчамни кўмсайман» қиссасида маромига етмаган, ҳаётийликдан маҳрум томонлар борки, булар юқорида таъкидланган асар фазилатларига маълум даражада соя солиб турибди. Асардаги бошқа камчиликлар ҳақида ҳам яна анча-мунча фикр билдириш мумкин. Аммо кичик бир тақризда бунга имконият йўқ. Ёзувчи ўз асари устида яна бир карра синчиклаб бош қотирса уларни сезиб олиши қийин эмас.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
фалсафа фанлари кандидати

ИСТЕЪДОДНИНГ КЕЛАЖАГИ ИЗЛАНИШДА

Абдуғани Абдувалиев. Қарсақлар давом этади. Қисса ва ҳикоялар. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1988

Абдуғани Абдувалиев «Қарсақлар давом этади» қиссасида адабиётимизда нисбатан кам еритилган мавзулардан бири — санъаткорлар ҳаётини қаламга олиб қўтулғу ишга қўл урган. Чунки сўнги йилларда театр санъатига қизиқиш сусайгани, театр залларида қарсақлар тобора камроқ эшитилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ёзувчи мана шу кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилади. Қиссада ёш, истеъдодли актёр Қодир Давроновнинг катта театрга ишга келиши ва коллективда ўз ўрнини топиб олиш жараёни тасвирланади. Қодирнинг ишга келиши театр коллективига турлича таъсир қилади, ҳар хил муносабатлар уйғотади. Атрофдагиларнинг унга бошқача эътибор беришаётгани, тасодиф туфайли сахнадаги илк муваффақияти, ҳатто ўзининг иккинчи хоти-

ни Ёқутхоннинг ҳам Қодирга айрича қарай бошлагани Мансур Мажидовга ёқмайди. Аслида таланти бўлган, лекин ичкиликка берилиб, меҳнат қилиш ва изланишдан тўхтаган Мансур Қодирга ҳасад қилади, қилиқлари, сўзлари билан унинг жигига тега бошлайди. Оқибатда иккаласининг ўртасида келишмовчилик келиб чиқиб, кейинчалик ошқора адоватга айланади. Натижа Қодирнинг калтакланиши, Мансурни эса калтаклашни уюштиришда айбланиши билан якунланади.

Мансурдан фарқли ўлароқ, театрнинг кекса актёри Шавкат Қурбон Қодирнинг истеъдодини, меҳнатсеварлигини қадрлайди, ҳаммага уни қўллаб-қувватлайди. Лекин ёзувчи негадир бу образга кам эътибор беради. Унинг қудратидан, обрў-эътиборидан, ҳатто директор ҳам чўчиб турса-да, театрдаги носоғлом муҳитга таъсири сезилмайди. Бундай вазиятда актёр қанчалик истеъдодли бўлмасин, унинг меҳнати самараси кўзга кўринмайди. Театр жонқуярлари буни ичидан ҳис қилишади ва Зариф Қўлдошев театр-га бош режиссёр қилиб тайинланади. Шундан кейингина театр зали томошабинлар билан тўла бошлайди...

Умуман, Мансурнинг юз тубан кетиши, Қодирнинг сахнадаги ютуқлари бизни ҳақиқий истеъдоднинг келажаги ижодий изланишда, меҳнат қилишда деган одил хулосага олиб келади. Ҳақиқатан ҳам қиссининг ўқувчи хаёлини банд этадиган муҳим жиҳати унда кўтарилган маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ҳаётийлиги, долзарблиги билан изоҳланади. Ҳар ҳолда Мансурнинг хотинини кўйидаги сўзлари қиссани ўқиган кишини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

«Э, радиодоғиларга овоз керак, менга эса — эр! Одам бўлсин дейман, ўртоқ директор!»

Аро йўлда қолган бу аёлнинг куйиниш сабабларини, Мансур Мажидов ва унинг типидagi бошқа артистларни йўлдан оздирган иллатларнинг илдизларини театр директори Шукур Бобоевич Қодирга лўнда қилиб айтиб қўя қолади.

«Мен сизга айтиб қўяй: икки нарса — ичкилик ва хотинбозликдан тийилсангиз яхши артист бўласиз».

Ёзувчи айна муаммоларни қисса руҳига синдириб тўғри йўл тутади. Фақат уларнинг моҳиятини, сабабларини бутун зиддияти билан очиб беришга негадир етарлича эътибор қилмайди.

Энди директорнинг ўзига хос «фалсафа»сига диққатингизни жалб қиламиз: «Нима, «Тоҳир ва Зуҳра» болаларга ҳам ёқади. Тоҳир билан Қоработир кўпроқ қиличбозлик қилишсин. Болалар қиличбозликни яхши кўради».

Йўқ, сиз директори қургур анчагина содда экан-ку, деб ўйланган. Шукур Бобоевичга ўхшаганлар ҳамма нарсани тушунишади. Қайси асар яхши-ю, қайсиниси ёмонлигини ҳам яхши билишади. Лекин уларнинг вазифаси планни бажариш, мақсади — фойда ундириш. Театрда қандай асарлар қўйилапти, қанақа томошабин келяпти, қайси йўл билан — улар учун бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Бўлмаса-чи, «Отелло», «Гамлет», «Мирзо Улуғбек»ни сахнага қўйиш, уларга томошабинни жалб қилиш ёки ҳали танилиб улгурмаган истеъдодли драматург билан ишлаш осонми? Ахир, бунинг учун тинимсиз меҳнат, улкан ирода, сабр-қаноат ва энг муҳими, Юрак бўлиши керак. Яна «мураккаб пьесалар» қўйилганда театрни четлаб ўтадиган томошабинни ипсиз боғлайдиган актёрнинг сири, қудрати бўлиши зарур.

А. Абдувалиев яхши ҳажвчи. Унинг бу хусусияти қиссада ҳам яққол сезилиб туради. Масалан, директорнинг драматург Ҳамид Бориев ҳақидаги фикрларига эътибор беринг: — Ўртоқлар, — деди директор, қўлига қадаҳ олиб. — Ўртоқ Бориевнинг ижоди бундан кейин ҳам, ҳа-а, гултожиҳўроздек ўсиб кетсин, қани, ичайлик.

А. Абдувалиев кузатувчан ёзувчи. Бу унга ўз қаҳрамонларининг сўз ва ҳаракатларини жонли тилда тасвирлаш имконини беради. Унинг «Ассалому алайкум» қиссасини эсланг. Асадулла афир, унга «товланиб» товони қизийдиган бўлиб қолган Замдам қори ёки икки гапнинг бирида «Э, ҳа-й», деб қўювчи Холмирза ғирвон! Қанақа жайдари, содда-дўлвор характер булар! Уларнинг қаторига доимо «ҳа-а» деб шимини кўтариб қўядиган Шукур Бобоевич билан «Мавлоно Мажидий айтган бўлсалар инонмоқ керак» дея ўзига хос тилда гапирувчи Шавкат Қурбонни ҳам қўшсак бўлади. Ёзувчи қўллаган бу усул, яна қаҳрамонларни маълум бир сўз ёки ҳаракатга одатлантириб қўйиш характерларнинг индивидуаллашувига катта аҳамиятга эга. Бу бизга классик ёзувчиларнинг тажрибаларидан яхши маълум. Мисол учун «Очилган қўриқ»даги Давидовни ёдга олинг. «Факт» сўзини доимо қўлланадиган унинг табиатига шунчалик мос тушганки, бу сўз Давидов характерини жонли чиқишига катта кўмак берган.

Биз юқорида қиссанинг бош қаҳрамони ҳақида кўп тўхталмаган эдик. Бу бежиз эмас. Келинг, унинг ҳаётидаги воқеаларни эслаб кўрайлик: катта театрга ишга келиш, машҳур артистлар билан биргаликда роль ўйнаш, Мансур билан конфликт ва ўзининг калтакланиши, Ёқутга муносабати ва театрдаги ғийбатлар, Гулбаҳорга муҳаббати ва икки орадаги аразлашув, ниҳоят, Шавкат Қурбоннинг ўлими! Ҳар қандай одамни эсанкиратиб қўядиган бу воқеалар силсиласи эндиликда катта ҳаётга қадам қўяётган ёш актёрда ўз муҳрини қолдирмаслиги мумкин эмас. Афсуски, қиссада бунинг сезиш қийин. Қодир истеъдодининг тағ-замини, тафаккур қобилияти қиссада етарли кўрсатилмайди. У ҳеч қачон жиддий мулоҳаза юритмайди: ё йўл-йўлакай, ёки уйқу олдиндангина бир оз фикрлайди, холос. Ёзувчи таърифлаган Қодир характерини учун эса бунинг ўзи камлик қилади. Хўш, Қодир характерининг тўлақонли очирилишига жиддий мулоҳаза юритмасликдан ташқари яна нималар етишмайди? Очиғини айтиш керак, А. Абдувалиевда ҳам, бошқа ёш ёзувчиларимизда ҳам биз кўп марта такрорлаётган воқеаларни чуқур таҳлил қилиш салоҳияти етишмайди. «Қарсақлар давом этади» қиссасида яна бир қанча камчиликлар учрайди. Айниқса, қиссанинг ниҳоясида воқеаларни тезлаштириб кетганлигини, натижада ўз-ўзидан ахборот вужудга келганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Биз юқорида А. Абдувалиевнинг яхши ҳажвчи эканлигини айтиб ўтгандик. Китобдан ўрин олган икки ҳажвия ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Лекин уларда тайёр қолипдан фойдаланиш, сунъийлик устунлик қилади. Шунини унутмаслик керакки, ўқувчини кулдириш учун мажбур қилиш — «қитиқлаш» асосий восита бўлиб қолганда ҳажвий асарнинг таъсир кучи сусаяди, кутилган эффектни бермайди.

«Абдуғани Абдувалиев талантили, ўсадиган ёзувчи» (Сайд Аҳмад). Унинг қалампирга ботирилган қалами биз кутган асарларни ёзишга қодир. Фақат гап уларни қандай ёзишда...

Муҳаммад МАМАТВАЛИЕВ



«СИЗИФ ЗАҲМАТИ»ГА УХШАЙДИ ҲАЁТ

«Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йил илк сонида эълон қилинган материаллардан қувониб кетдим. Бу асл нарсаларга интилиш, жўшқин уйғонишининг бошланганидан нишонадир.

Журналда босилган Асқар Ҳайдаровнинг «Бу шундайин бир газнаки...» мақоласига диққат қилинг. Еш қаламкаш томорқа масаласини кўтариб, хайрли иш қилибди. Томорқа бизга ҳаёт, ризқ-рўй бериб турувчи, аммо шу вақтгача давлатимиз етарли аҳамият бермай келаётган, сиқилган, ўғай бир маскандир. Биз бир умр ўша жойда меҳнат қилиб, ерга меҳр қўйишни ўрганамиз. Асқар Ҳайдаров мазкур мақоласида «Менингча, ҳар бир хўжаликда ёрдамчи хўжалик билан шуғулланадиган мутасадди одамлар — кенгаш тузилмоғи керак. Кенгаш аъзолари бу соҳани одамлар орасида тарғиб қилиб қолмасдан, бу соҳани ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқмоғи, қишлоқ аҳлига фойдали маслаҳатлар бериб бормоғи, томорқа юритишни... назорат қилиши зарур» деган батамом замонга мос талабни илгари суради. Афсуски, у мақоласида проблеманинг каттасини, яъни ҳозирги саккиз сотихдан иборат қилиб қўйилган ерлар одамлар эҳтиёжини қондиrolмай қўйганини эътибордан четда қолдирган.

Бу мақолани ёзар эканман, кўзимга бутун турмушимиз «Сизиф заҳмати»га ўхшаб кўринди. «Сизиф заҳмати» ибораси қадимги юнон подшоши Сизиф ҳақидаги афсонадан келиб чиққан. Ушбу ривоятда нақл қилинишича, Сизиф худолар олдидаги гуноҳлари учун ўта азобли, қаттиқ жазога ҳукм этилган: у жуда катта тошни умр бўйи баланд тоққа юмалатиб чиқиши лозим эди, лекин бу тош чўққиса етмасдан унинг қўлидан чиқиб кетар ва пастга юмалаб тушарди. Сизиф бу оғир қисматга бўйсуниб, бутун ишни яна бошидан бошлар эди, бироқ у қанча уринмасин, ҳаракат қилмасин ҳеч маҳал харсангни кўзлаган мақсадига — тоғ чўққисига олиб чиқолмаган.

Бу афсона менга инсониятнинг бутун узоқ тарихи давомида беҳуда чеккан азоблари ва бундан кейинги ҳаётининг эгри-бугри йўларида ҳам чекажак заҳматининг рамзи бўлиб гавдаланади. Шу жиҳатдан «Сизиф заҳмати»ни жаҳон ҳикмати ва донолигининг гултожларидан бири дегим келди. Унга шунчалар улугвор ақл, башорат сингдирилганки, буни ҳис қилган китобхоннинг қалби ҳайратдан лол бўлмасдан иложи йўқ. Келинг, ўша буюк ривоят нигоҳи билан бир ҳаётга боқиб кўрайлик.

Маъълумки, Октябрь революцияси бутун ерларни национализация қилиб, уларни умумхалқ мулки деб эълон қилди. Дастлабки вақтларда мана шу умумхалқ мулки ёнидан шахс мулки сифатида одамларга бир-икки гектардан ер берилган эди. Партия ва ҳукуматимиз томонидан ўтказилган бу муҳим тадбир, катта санъаткор Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асарида ўз аксини топган. Унинг «Фирвонлик Маллавой» китобининг 92—93-бетларида шундай жумлаларни ўқиймиз: «Ер ислоҳоти бошланиб, қишлоқнинг ерсиз камбағалларига ер берилади, шу жумладан, қишлоқ камбағаллар уюшмасининг раиси Бердибой Шоди ўғлига ҳам икки гектар ер ва ҳўкиз ажратиб берадилар».

Ўзбекистонда 1925 йилда ўтказилган бу ер-сув ислоҳоти ўзбек халқи тарихида биринчи чинакам улуг байрам, эртакларда айтилган ҳақиқий Лайлатулқадр кечаси бўлган эди десак, унча муболаға қилмаган бўламиз. Афсуски, халқимизнинг бу шодон кайфияти, кўтаринки руҳи узоққа бормасди. Тақсимлаб берилган ерлар, номаълум сабабларга кўра улардан тортиб олинди ва йиллар ўтиши натижасида ҳозирги саккиз сўтих ҳолига келтириб қўйилдики, бунинг натижаси яхши бўлмади.

Бугунги ҳаётимизда юзага келган кўпгина ташвиш, маънавий кемтиклик, иқтисодий тангликларнинг ярмидан кўпроғи — ўша томорқа ерларининг ўта қисқартириб юборилганлигидан келиб чиқмоқда. Уқитувчи, деҳқон ва бадиий зиёлиларнинг ишлаб топганига уларнинг томорқасидан чиққан даромаднинг қўшанда ҳам оиласини боқшига етмаётир.

Бундай машаққатли ҳаёт — «Сизиф заҳмати»дан қутулишининг бирдан-бир тўғри йўли, бу — одамларнинг томорқа ерларини етарли қилиб, кенгайтириб беришидир. Шунда унинг турмушига барака киради, ҳаёти инсонийлашади, аёлларимизнинг «энг гўзал бойлиги — Аёллиги» йўқолмайди, бола тарбияси ҳам жойига тушади.

Мен яқинда Ю. Я. Беддосов, Ш. Э. Эргешовларнинг 1984 йилда эълон қилинган «Жаҳон қишлоқ хўжалиги» номида китобини ўқиб қолдим. Мазкур китобнинг 48-бетида Болгария Халқ республикасида 1946 йилда азар ислоҳат ўтказилганлиги ва бунинг натижасида ҳар бир якка хўжаликка 20 гектардан 30 гектаргача ер бўлиб берилганлиги тўғрисида гапирилади.

Шу ўринда ҳурматли журналхонлар диққатини яна ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссасининг бир ерига қаратмоқчиман. Унинг 12-бетида бугунги қуниimiz учун жуда зарур бўлган бир факт суратлантирилган. «Мулла Обид ночор қолиб, мардикор ишлаб юрганда Тиктепа қишлоғининг ўрта ҳол деҳқонларидан бўлган қайнотаси Холмирза ака куёви Мулла Обиднинг мардикор ишлаб юришига розилик бермай, қизининг мероси ваъжи билан ўзининг йиғирма таноб еридан беш танобини бериб, қолмиш ўн беш танобини икки ўғлига қолдиради».

Мазкур парчада 20-йиллардаги бир ўрта ҳол деҳқоннинг бир ярим гектардан ошиқ ерга эгалик қилганлиги ва шундан қуёвига қирқ сўтигини (бир таноб — 8 сўтихга тўғри келади) ажратиб берганлиги ҳикоя қилинган. Қиссанинг кейинги саҳифаларида Мулла Обиднинг беш таноб ерда ҳалол меҳнат қилиб, оиласини керакли нарсалар билан мўл-кўл таъминлаганлиги тасвирланади. Биз ҳақиқий деҳқонларни, демакки, халқ фаровонлигини вуҷудга келтирмоқни истасак, сўзсиз, ҳеч иккиланмай, мана шу ҳаётга қайтишимиз керак.

Баъзи ўртоқлар «нима деясан ўзи, ҳозир бутун мамлакат оила, коллектив ва ижара пудратлари шаклида сен таклиф қилаётган хўжалик юритиш усулига қайтди-ку» дейишлари мумкин. Тўғри, қайтилди. Лекин мени бошқа нарса ташвишга солаётир. Уша янги хўжалик системаси кўпчиликка ердан ўз истагича фойдаланиш имкониятини беролмайди. Деҳқонларнинг индивидуал тирикчилиги учун етарли миқдорда ер ажратиб берилмаса, улар психологиясида чинакам соҳиблик туйғусини уйғотиб бўлмайди. Шунинг учун оила, ижара пудратларида одамлар бутун диққатини фойдага қаратиб, ерга Меҳр қўя олмайди. Ерга Меҳр йўқ жойда табиатни асраш, авайлаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ерга бўлган Меҳр ўша бир ёки икки гектар ерни умрбод ва абадий шахники қилиб берилгандан кейингина туғилади, дунёга келади. Томорқаларни кенгайтириш зарурати мана шундан келиб чиқмоқда. Бу тadbир ўз навбатида одамлар қалбида умумхалқ мулки, ҳозирги оила, ижара пудратлари, Она ер — табиатга бўлган Меҳр — Муҳаббатни алангалантириб юборади.

Ҳар бир деҳқон, ўқитувчи, зиёли хонадони каттароқ ерга эга бўлсагина ўз-ўзидан бог қилиши, мол кўпайтириши, ерини гўнглаш, иморат учун тол-терак экиши, оиласини керакли моддий неъматлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Томорқаларнинг кенгайишидан давлат ҳам, ўқитувчи ҳам, деҳқон ҳам, ҳатто табиат ҳам зарар кўрмайди. Бу муаммо ечилиб, амалга ошса, Россиядаги ўрмонларнинг қирғин барот бўлиб кесилиши жуда камаяр, давлатимизнинг уй-жой қуриш ташвиши анча енгиллашар, олим ва шоирларимиз хотиржам ишлаб, ажойиб асарлар битар, хуллас, ҳамма ёқ Эрам богидек бўлиб яшнаб кетар эди.

Айтинг, нега биз шундай гўзал, жозибали ҳаёт учун курашмаймиз?

Тўлабой РЎЗИБОЕВ,
Бўстонлик



Муҳаммад Ражаб

Чимчималар

(«Ҳайвонот боғида ёзилган китоб»дан)

Болалигим тоғу тошлар орасида кечгани учунми, азалдан ҳайвонларни яхши кўраман. Тилсиз жониворлар билан ўзимча суҳбат қураман. Тақдирнинг тақозоси билан бугун сершовкин шаҳарда яшаётган эканман, болалигим кечган ўша тоғу тошларни, хаёлдай кенг дала-дашларни соғинсам ёки айрим кимсаларнинг қилаётган ишларини кўриб ранжисам, ҳайвонот боғига бораман. Во ажабким, улар орасида ҳам одамларга хос қилиқларни, мутаносибликни кўраман.

Бугунги зийрак ўқувчиларнинг савиясини назарда тутиб, «Ҳайвонот боғида ёзилган китоб» деб номланган, лекин ҳали тугалланмаган ушбу туркумни ҳукмига ҳавола этар эканман, умид қиламанки, бу ёзганларимни масал, ёхуд айнан ҳайвонлар ҳақида ёзилган асар деб қабул қилмагайлар...

МУСИЧА

Ҳеч ким сени ёмон кўрмайди,
Ҳеч ким овозингни бўғмайди,
Сен узоқ яшасанг керак, Мусича.

БУҚАЛАМУН

Бировга дўст бўлолмайсан,
Душманлик ҳам қилолмайсан,
Жирканаман сендан, Буқаламун.

ЧИТТАК

Учасан, кўнасан, тиним билмайсан,
Лекин асло хавф бор жойга кўнмайсан.
Ҳатто сен ҳам яшашни биласан, Читтак.

ЭШАК

Ўхўв, алвон тўқим муборак,
Ўша айёр одамнинг демак
Арпасини ебсан-да, Эшшак!

ХҲРОЗ

Тонгдан хабар бермоқлик учун
Бошқачароқ қичқиргин бироз
Йўқса, шўрва бўларсан Хўроз.

ОТ

Қандай яхши эркин яшамоқ,
Эркин, мисли шамолдай озод,
Нима дединг, жиловланган От?

ТОВУС

Мадҳ этарлар келиб қошингга,
Ҳуснинг етар бир кун бошингга.
Эҳтиёт бўл, э гўзал Товус.

ИТ

Карвон кўчди, қутлуғ бир карвон,
Энди бундан буёғи ҳайит.
Нега ҳурмаяпсан, э муттаҳам Ит?

ЧҮЧҚА

Бировнинг боғига бостириб кириб
Пайхон айламоғинг тагин ортиқча,
Мунча гердаясан, э, сассиқ Чўчқа?!

ЭЧКИ

Мақолнинг ҳам, қасамнинг ҳам сенга йўқ даҳли,
Буни ўйлаб топгандир-да бирорта кекчи.
Энг муҳими — кўпга бошсан, соқолли Эчки.

ИЛОН

Унчалик қўрқинчли эмассан,
Ҳисоблашмаган бўлардим ҳатто сен билан
Тилингдаги заҳаринг бўлмаса, Илон.

БҮРИ

Циркда ўйнар ҳайвоннинг зўри.
Кўпга кулгу бўлишдан кўра
Ўлимини афзал билди Бўри.

ҚАРҒА

Кўзларингда маъюслик туйдим,
Нигоҳинг кўз ўнгимдан кетмайди.
Сен кўп сирни биласан, Қарға.

СИЧҚОН

Ўзи ҳақидаги китобни еди
Нафсий муҳтожлик туфайли,
Мушукдан қўрққан Сичқон.

МАЙМУН

Қорни тўқ-у, эрки йўқ,
Ўтирибди қафасда мамнун,
Авлодига кулки бўлганча, Маймун.

ҲАККА

Адолатдан лофлар уради,
Зормиз дейди ҳаммамиз ҳаққа
Бировнинг инида яшовчи Ҳакка.

КАЛАМУШ

Кимдан қанча ўмардинг,
Қандай бунча семирдинг?
Қопқондаги Каламуш.

ТУЛКИ

Ҳеч нарсадан хабарсиз гўё,
Кўп ичида бўлса ҳам кулки.
Яшаётир бемалол, Тулки.

ТУЯҚУШ

Савлат туядек-у кўнгил осмонда.
Ахир сенга насиб қилмаган учиш.
Ҳолингни билсанг-чи, Туяқуш.

ТОШБАҚА

Яшаяпсан тош қафас билан
Имир-симир юз йил шундоқ, а?
Ачинаман сенга, Тошбақа.

ФИЛ

Ҳавасим келади улкан бошингга,
Ҳавасим келади чўнг бардошингга,
Ақлингга бир нарса деёлмайман, Фил.

ҚАЛДИРҒОЧ

Иссиқ кунлар яқин қолибди,
Мудом яхшилиқдан фоллар оч,
Бизга баҳор олиб келган Қалдирғоч.

ШЕЪРИЯТ

Абдували Қутбиддинов. Қўлларимни чўзиб садо сўрадим	2
Тўра Сулаймон. Сенам ёлғиз, менам ёлғиз	51
Жамол Камол. Айтгил, адолатли сўзингни, халқим	64
Зебо Раҳимова. Сизга нисор менинг гул умрим	78
Сайёр. Умр поёнсиздир, қалбда ишқ бўлса	116

НАСР

Уктам Усмонов. Кишан. Қисса	6
Саъдулла Сиёев. Туладан келган келин. Ҳикоя	54
Ҳабибулло. Муҳаббат. Ҳикоя	68
Евдат Илёсов. Афсунгар. Роман	83
Ҳамид Ғулом. Вафонинг узун йўли. Хотиралар	118

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Р. Гареев. Мозийни куйлаган адиб	81
----------------------------------	----

МУШОИРА

Юлдузлардай сочилар хаёл. Назира Йўлдошева, Юсуф Жўраев, Шодмон Жўраев, Бибисора Туробова, Холила Давлетназаров, Ҳусан Эшмуродов, Матлуба Аҳмедова, Назира Азимова, Ҳамид Жалил, Ойгул Маматова, Ойбек Раҳимов шеърлари	139
---	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

Евгений Березиков. Темур ғори. Эссе	145
-------------------------------------	-----

БИР ДАРАХТ НОВАДАЛАРИ

Ибройим Юсупов. Шеърлар	150
-------------------------	-----

ОЧЕРК

Алиазар Эгамназаров. Карпат ботири	152
------------------------------------	-----

ҲАМЗАХОНЛИК

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Учрашув. Роман	159
Ҳамза мактубларидан намуналар	165
Қалдибек Сейданов. Ҳамза ва Сакен Сайфуллин	171

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Азиз Қаюмов. Шоир Фурқат	173
--------------------------	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали Норматов. Методимизнинг моҳияти хусусида	183
--	-----

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

Саодат Маҳдиева. Утмиш ва келажак рамзлари	192
--	-----

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Шомирза Турдимов. Кўркам сўз кўрки	196
------------------------------------	-----

ТАҚРИЗЛАР

Аҳмаджон Эшонқулов. Мансаб пиллапооялари ва ҳомийлар	201
Муҳаммад Маматвалиев. Истеъдоднинг келажаги изланишда	202

АКС САДО

	204
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ.

Муҳаммад Ражаб. Чимчималар	206
----------------------------	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

[Звезда Востока]

№ 5

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов.** Корректор **М. Имомов**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 11.03.89 й. Босишга рухсат этилди 04.05.89 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.

Р-11750. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Шартли босма листи 18,2±0,25 (зарварақ). Шартли-рангли босма. 19,95±0,25. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 150282.

Буюртма 486. Баҳоси 1 сўм.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.